

ИНСОНИЯТ ТАФАККУРИ
ЖАВОХИРЛАРИ

ҚАДИМГИ ШАРҚ
ҚИВВАЛИЗАЦИЯЛАРИДАН
ЁДГОРЛИКЛАР



Шумерлар
Қадимги Миср
Қадимги Хитой
Қадим Хиндистон

1

42.4(59)
14 15



ҚАДЫМҒЫ ШАРҚ
ҰЙЫМЫЗАҰЯЛАРЫДАН
ЁДРОРЛИКЛАР



ТОШКЕНТ
«ТА'ЛИМ НАШРИЙОТИ»
2020

УЎК 001.894(09)
КБК 72.4(5Ў)
Т 20

Z.M. BOBUR NOMIDAGI
TADQIQON DAVLAT UNIVERSITETI
AXBOROT RESURSLAR MARKAZI
№ 3180 Б / 19

Ўзбекистон Республикаси Олий
ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни
қўллаб-қувватлаш Улугбек жамғармаси

Таҳрир ҳайъати:

Салимов Оқил Умурзоқович – таҳрир ҳайъати раиси, академик

Саидов Акмал Холматович – таҳрир ҳайъати раисининг
ўринбосари, академик

Бекзод Юлдашев, Бахтиёр Назаров, Азимбой Саъдуллаев,
Рисбой Жўраев, Ҳамидулла Болтабоев, Комил Муқимов,
Эдвард Ртвеладзе, Наим Каримов, Анатолий Сагдуллаев,
Қаландар Абдурахмонов, Баҳром Абдуҳалимов, Шухрат Эргашев,
Хуршид Дўстмуҳаммад, Сирожиддин Саидов, Шоазим Миноваров,
Шухрат Сирожиддинов, Нуритдин Халилов, Мизроб Бўронов

«Инсоният тафаккури жавоҳирлари» нодир асарлар тўпламининг ушбу биринчи
жилдига инсон цивилизациясининг 5–6 минг йиллик тарихга эга бўлган буюк кашфиётлари,
инсоният тараққиётига хизмат қилган илк тафаккур маҳсулотларининг буюк намуналари
киритилди. Мазкур жилддан қадимги Яқин Шарқ, Шумер, Миср, Хитой, Ҳинд тамаддунининг
бебаҳо кашфиётлари ҳамда халқ оғзаки, ёзма ижодий меросининг сара асарлари ўрин
олган. Оламшумул шухратга эга бўлган Шумер халқ эпоси – «Гилгамеш ҳақида дoston» илк
бор ўзбек тилида китобхонларга тақдим этилмоқда.

Ушбу жилдга киритилган улуғ тамаддун (цивилизация)ларнинг тарихий-илмий, бадиий
тафаккури намуналари билимга чанқоқ ўқувчиларимизнинг дунё ҳақидаги билимларини
бойитишга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Нодир асарлар тўпламининг ушбу жилди зиёлилар, профессор ўқитувчилар, талабалар
ва кенг китобхонлар аудиторияси учун мўлжалланган.

ADU ARM
ABONEMENT
№ _____

ISBN 978-9943-5944-0-1

© М. Маҳкамов, Н. Халилов,
Ш. Эргашев, М. Бўронов
© «Ta'lim nashriyoti», 2020

**РЕНЕССАНС – МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ,
АҚЛ-ЗАКОВАТ УЙҒОНИШИ**

Биз кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ис-
лохотлари орқали **Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учин-
чи Ренессанс** пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб
белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг
мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши
керак.

Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган
она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан
бири бўлганини кўрамиз.. Ҳаммангизга яхши маълум, антик даврда
Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда
Марказий Осиё ҳудудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз ҳудудида
биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур
даҳоларни етиштириб берди.

Донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг
илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан ғу-
рур ва ифтихор бағишлайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, аждодларимиз бундай юксак чўққиларга қандай
эришганлар? Улар, энг аввало, жаҳолатга қарши маърифат байроғи-
ни баланд кўтариб, ўз ақл-заковати ва салоҳиятини **башарият яратган
илм-фан ютуқларини чуқур ўрганиш ва бойитишга** бағишлаганлар.

Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси
биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўл-
мас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом
бағишлаши лозим.

Ш.М. Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИНСОНИЯТ ТАФАККУРИНИНГ ОЛТИН ХАЗИНАСИ

Бугунги тараққиёт даражасига етган инсоният тафаккури минг йиллар давомида қадам-бақадам шаклланган. Бунда тарихнинг маълум бир даврларида ҳукм сурган цивилизациялар ва шу даврларда яшаб, фан, техника, дин, фалсафа, адабиёт ва санъат соҳасида ижод қилган, инсон тафаккурини бойитишда улкан ҳисса бўлиб қўшилган кашфиётлар муаллифларининг ўрни беқиёсдир. Ушбу кашфиётларнинг мазмун-моҳиятидан юртимиздаги ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар хабардор бўлиши вачуқур ўрганиши уларнинг ҳар томонлама камол топишида муҳим роль ўйнайди.

Тамаддун (цивилизация) маънавий олами, илм-фан, инсоният такомилли фидойилари асрлар оша бизгача етиб келган ушбу буюк кашфиётларни барча замонлардан елкалаб ўтиб, у ёки бу шакл ва даражада тарғиб этиб, турли тилларга таржима қилиб, инсонлар тушуниши учун уларни тадқиқ, табдил қилиб, авлоддан-авлодга етказиб келяптилар.

Бу борада фидойи олимларимиз амалга ошираётган ишлар алоҳида таҳсинга сазовордир. Уларнинг жонкуярликлари, инсон келажаги, маънавий дунёсини бойитишга бўлган садоқатлари туфайли бугун ўзбек илм толиби инсоният тафаккурини шакллантиришга ҳисса қўшган буюк асарлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга. Бу асарларнинг аксарияти йиллар давомида қайта-қайта жаҳон тилларида нашр қилиниб, дунё китобхонларига тақдим этилган.

Китоб ўқимаган инсоннинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ. Ёрқин келажакка йўлланма китоб ўқиш орқали қўлга киритилади. Китоб ўқиш – донишмандлар билан суҳбат қуришдир, китобдаги билимдан инсон онги, тафаккури шаклланади, юксалади.

Бугун муқаддас она юртимиз ўз тақдири, тараққиёти йўлида эркин ва мустақил бўлиб ҳар томонлама юксалиш имкониятига эга экан, миллатимиз буюк келажаги учун ушбу асарларни янада кенг тарғиб қилишимиз, уларни янгича, эркин тафаккур билан ўсаётган фарзандларимизга етказишимиз жуда муҳим. Шу маънода, инсоният тарихида яратилган ва тамаддун тафаккурини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган

буюк кашфиётлар, асарларни ягона жамланма шаклида ўзбек китобхонларига тақдим этишга азму шижоат қилингани маънавий оламида жиддий бир қадамдир.

«Инсоният тафаккури жавоҳирлари» нодир асарлар кўп жилдлиги инсон цивилизациясининг энг қадимги даврларидан бошлаб бугунги кунларгача буюк тафаккур маҳсулини ўз ичига олаётгани билан қадрлидир. Кўп жилдликда қадимги Шарқ ва Миср, Юнон, Ҳинд, Хитой тафаккуридан тортиб, кейинги эраларда бутун дунёда яратилган энг нодир асарлар фан соҳалари бўйича етакчи олимлар гуруҳлари томонидан танлаб олинди, ўзбек тилига таржима қилиниб, ўз даври, турига қараб жамланади.

Қадимги Юнон фалсафаси намояндалари – Гераклит, Пифагор, Сукрот, Платон, Аристотель, Демокрит, Гегель, Эпикур сингари буюк мутафаккирларнинг жаҳоншумул аҳамият касб этган асарлари кўп жилдликдан ўрин олиши миллий тафаккуримизни бойитади.

Шарқ фалсафаси – Форобий, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Ғаззолий каби улуғ боболаримизнинг асарларини кўп жилдлик доирасида ўқиш бахти ёшларимизга насиб этаётгани қувончлидир.

Адабиёт соҳасида яратилган асарлар ер шарининг минтақалари кесимида жамланиши, уларни турли тиллардан таржима қилишга киришилгани, Шарқ адабиёти – Авестодан тортиб тошбитик ёзувлар, Шарқ Уйғониш даври, илк ва ўрта асрларнинг кейинги даври адабиёти, Европа ва рус адабиёти, қирғиз, қозоқ, тожик ва бошқа халқлар адабиётининг буюк вакиллари, шунингдек, Хитой, Ҳиндистон, Япония, араб давлатлари, Эрон, Туркия адабиёти вакилларининг етук асарлари қамраб олинаётгани илм ихлосмандларини, албатта, мамнун этади.

Илм-фан йўналиши бўйича: физика, кимё, астрономия, математика, техника ва бошқа фанлар соҳасида яратилган энг буюк кашфиётлар ҳақидаги китоблар, буюк олимлар асарлари таржима қилиниб нашр этилиши, албатта, ўзбек китобхонига мамнуният туйғусини бахшида этади.

Санъат соҳасида – дунёдаги энг машҳур мусиқий асарлар, расм ва полотнолар, ҳайкаллар, буюк меъморчилик намуналари, Бах, Бетховен, Моцарт, Леонардо да Винчи, Микеланджело, Рембрандт асарларининг жамланиши ва юртдошларимизга тақдим этилиши санъат мухлисларининг орзу-истаклари билан ҳамоҳангдир.

Ушбу туркум китоблар фарзандларимиз – келажак авлодимизнинг янада баркамол, теран тафаккурли, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбия топишида беқиёс роль ўйнаши шубҳасиздир. Шу боис «Инсоният тафаккури жавоҳирлари» нодир асарлар тўплами мамлака-

тимиздаги ҳар бир хонадон китоб жавонидан жой олса, нур устига аъло нур бўлур эди. Инсоният илм хазинасининг энг сара, буюк асарлари фарзандларимиз қўл узатса етадиган жавонларда бўлмоғи лозим.

Дунё илм-фани, китобати тарихида жаҳон адабиёти, ҳар бир халқнинг миллий классик ва замонавий адабиёти кўп жилдлик асарлар тўпламлари нашр этилган. Бироқ катта мамнуният билан айтишга ҳақлимизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг учинчи Ренессансга пойдевор яратиш борасидаги ташаббуси доирасида дунё илм-фанининг барча соҳаларидаги нодир асарларни ўзида қамраб оладиган бундай кўп жилдликни нашр қилишга жаҳонда биринчи бўлиб Ўзбекистонда киришилмоқда.

Ушбу нодир китоблар кўп жилдлигини нашр этиш бошлангани билан барча китоб ва билим ихлосмандларини табриклаймиз. Нодир асарларни хорижий тиллардан ўзбек тилига таржима қилиб, халқимизга, фарзандларимизга тортиқ этишга бел боғлаган олимлар, таржимонлар, ноширларга миннатдорлик изҳор этамиз.

Нодир асарлар тўпламини нашр этишни молиявий жиҳатдан таъминлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига чексиз миннатдорчилик билдирамыз.

Таҳрир ҳайъатидан



ҚАДИМГИ ЯҚИН ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ТАФАККУРИ ДУРДОНАЛАРИ

ШУМЕРЛАР



ҚАДИМГИ ЯҚИН ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ТАФАККУРИ

Инсоният тафаккури дурдоналари ҳақида гап кетганда олимларнинг нигоҳи дастлаб Шарққа қаратилади. Қадимги Шарқ халқларидан инсониятга мерос бўлиб номлар, турли хил иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маданий инновациялар қолган ва кейинги цивилизациялар томонидан ўзлаштирилган. Шу сабабли «**Қадимги Шарқ инсоният цивилизациясининг бешиги**» деб қаралади.

«**Қадимги Шарқ**» тушунчасининг ўзи ҳам турли даврларда ўзгариб турган. Кўпчилик олимлар Қадимги Шарққа Месопотамия, Қадимги Миср, Қадимги Эрон, Ўрта Осиё, Қадимги Ҳиндистон ва Қадимги Хитойни, яъни Ўрта Ер ва Эгей денгизлари қирғоқларидан Тинч океанигача бўлган ерларни киритадилар.

Қадимги Шарқ мамлакатлари учун хўжалик юритишнинг суғорма деҳқончилик усули умумий бўлиб, шу сабабли бу мамлакатлар йирик дарёлар – Нил, Дажла ва Фрот, Ҳинд ва Ганг, Хуанхэ ва Янцзи, Амударё ва Сирдарё бўйларида шаклланган, деб ҳисоблайдилар. Баъзи олимлар шу жиҳатга асосий эътиборни қаратиб, инсоният тараққиётининг бу даврини «Дарёлар цивилизацияси» деб ҳам атайди. Шундай цивилизациялар дастлаб пайдо бўлган жой Яқин Шарқда аниқланганлиги сабабли бу минтақа Шарқнинг бошқа ҳудудларига нисбатан ажратилиб қаралади.

Яқин Шарқ минтақаси цивилизациялари тарихи жуда узоқ замонлардан – Ўрта Ер денгизи ҳавзасида тарихий жараёнларнинг бошланишидан дарак берувчи ёзма ҳужжатлардан бошланади. Ўрта Ер денгизи ҳавзасининг шарқий қисми минтақадаги барча халқларни ўзига жалб қилувчи умумий марказ ролини ўйнайди; минтақадаги халқларнинг ҳар бири, эртами-кечми бу ерга ўз нигоҳини тикади ва унинг қирғоқларида бошқа халқлар билан учрашади, маданий мулоқотга киришади. Бу ҳол олимларга минтақани янада мазмунлироқ ном билан «Ўрта Ер денгизи Шарқи» деб аташ ва шу тариқа уни Ҳиндистон маданиятидан, айниқса, мустақил ривожланиш аънаналарига эга бўлган Хитой маданиятидан ажратиш имконини беради. Доимий Ўрта Ер денгизига инти-

либ ривожланган Яқин Шарқ **классик цивилизация**¹ пойдеворининг шаклланишида Ҳиндистон ва Хитойга нисбатан анча муҳим роль ўйнайди.

Қадимги Яқин Шарқнинг энг қадимги халқларидан бири шумерлардир. Жаҳон динлари, маданияти, адабиёти тарихида шумерларнинг ўрни бениҳоя катта. Бутун Яқин Шарқ, Ўрта Ер денгизи ҳавзаси, Ғарбий Европа халқлари ўз тарихида шумер маданиятининг кучли таъсирини ҳис этганлар. Шумер математикаси ва астрономияси бутун Яқин Шарқда энг аниғи ҳисобланган. Биз ҳозир ўрганиб қолган йилни фаслларга, ўн икки ойга, ўн икки буржга бўлиш, бурчакни, дақиқа ва секундни олтимишга бўлиб ўлчаш ҳам шумерлар кашфиётидир. Биз кўплаб юлдузларни ва бошқа осмон жисмларини юнон ва араб тилларига таржима қилиниб, шу тиллар орқали бизгача етиб келган шумерча номлар билан атаймиз. Астрономия билан бирга пайдо бўлган ва минг йиллар давомида инсон тафаккурида ўз таъсирини йўқотмаган астрологияни ҳам шумерлар кашф қилганлар.

Инсонни комиллик сари элтувчи тизимли ҳаракат, фан ва санъатни ўқитиш билан шуғулланган дастлабки мактаблар ҳам мил. авв. III минг йиллик бошларида Шумернинг Ур шаҳрида пайдо бўлган. Инсоният тарихидаги биринчи поэма – «**Олтин давр**» ҳақида поэмани ҳам шумерлар яратган. Дастлабки торли мусиқа асбоблари – лира ва арфани ҳам шумерлар ихтиро қилишган. Дори тайёрлаш ва руҳий таъсир (гипноз) орқали даволаш билан ҳам дастлаб шумерлар шуғулланишган ва бу илмни юқори даражада ривожлантиришган. Тиббиётга оид энг қадимги китоб – дорилар рецептини ҳам шумерлар ёзган. Шунингдек, одил судлов ва қонунийлик принципини ҳам шумерлар кашф қилишган. Умуман, С.Крамернинг фикрича, инсоният тарихида кулолчилик чархи, ғилдирак, плуг, елканли кема, қурилишда равоқ ва гумбаз усуллари, мис ва бронза қуйиш, игна билан тикиш, михпарчин билан улаш, кавшарлаш, тош ҳайкал ясаш каби ихтироларнинг пайдо бўлиши шумерлар фаолияти билан боғлиқ. Шумерлар томонидан кашф қилинган мис ва ундан фойдаланиш инсониятнинг бронза даврига ўтишини бошлаб берди. Аммо инсоният цивилизациясига шумерлар қўшган энг катта ҳисса – ёзувнинг кашф этилиши бўлди. Олимларнинг фикрича, шу даврда Яқин Шарқ ва Ўрта Ер денгизи ҳавзасидаги кўплаб халқларда ёзув тизими

¹ «Классик цивилизация» деганда кўпчилик Ғарб олимлари юнон-рим цивилизациясини назарда тутадилар. С.Хантингтоннинг фикрича, 500 йили германлар томонидан вайрон қилинган классик цивилизация асосида Ғарб, Ислон ва Православ цивилизациялари пайдо бўлган.

вужудга келган бўлиб, улар ичида фақат тош ва сополга ёзилганларигина бизгача етиб келган.

Шундай сопол тахтачаларга битилган матнлар орқали бизгача етиб келган шумер адабиёти ўзининг бадиий қийматига кўра инсоният томонидан яратилган эстетик ижод намуналари орасида энг юқори ўринлардан бирини эгаллайди. У қадимги юнон ва қадимги яҳудий адабиётларининг юксак намуналари билан бемалол рақобатлаша олади ва қадимги яҳудий адабиёти каби энг қадимги цивилизациялардан бирининг маънавий ва интеллектуал ҳаётини акс эттиради. Қадимги Яқин Шарқнинг маданий ва маънавий ривожиди бу адабиётнинг роли беқиёсдир. Аккадликлар, яъни оссурияликлар ва бобилликлар шумер адабиётини тўлиқ ўзлаштириб олганлар. Хеттлар, хурритлар ва канъонлар бу адабиёт намуналарини ўз тилларига таржима қилганлар ва сўзсиз унга тақлид қилганлар. Яҳудий адабиётининг шакли ва мазмунида, ҳатто юнон адабиётида ҳам шумер матнларининг кучли таъсири сезилиб туради. Инсониятнинг бу ёзма мероси шу пайтгача бундай катта ҳажмда топилган ёзма адабиётнинг энг қадимгисидир, бундан-да қадимги адабиётнинг топилиши амримаҳол. Шумер адабиёти цивилизациялар тарихини, айниқса, унинг интеллектуал ва маънавий жиҳатларини ўрганувчилар учун янги, бой ва кутилмаган манба сифатида намоён бўлди. Бу қадимги ва унутилган адабиётни тиклаш, реставрация қилиш XX асрда гуманитар билимлар соҳасига қўшилган энг катта ҳиссадир.

Шумер адабиётининг адабий жанрларига келсак, уларнинг асосий қисмини мифлар, анчагина қисмини мадҳия ва ибодатлар ташкил қилади. Мадрҳияларни мазмунига кўра тўртта асосий турга бўлиш мумкин:

- 1) худоларни шарафловчи мадрҳиялар;
- 2) подшоларни шарафловчи мадрҳиялар;
- 3) худоларга бағишланган мақтовлар шоҳлар учун қилинган ибодатлар билан алмашиб турувчи мадрҳиявий ибодатлар;
- 4) шумер ибодатхоналарига бағишланган ибодатлар.

Уларнинг асосий қисми худолар ва шоҳларни мадрҳ этишга ҳамда худоларга илтижо қилишга бағишланган.

Мадҳияларга яқин бўлган яна бир жанр – гиря (йиғи-сиғи), нола. Бу мунгли илтижолар бўлиб, душман томонидан вайрон қилинган уйлар ва шаҳарларга бағишланган. Олимларнинг фикрича, Инжилдаги йиғи-сиғи ҳодисаси ҳам шумерлардан олинган бўлиши мумкин.

Дидактик композициянинг яна бир тури – масал. Бахтга қарши, бизгача шумер масалларининг оз қисми етиб келган бўлиб, улар қуш ва балиқ, дарахт ва қамиш, дастаки сўка ва ооч, темир ва жез ҳақидаги масаллардир.

Олимлар томонидан ҳажми 100 дан 600 мисрагача бўлган тўққизта шумер достонлари аниқланган. Шулардан иккитасининг қаҳрамони Энмеркар бўлиб, улар «Энмеркар Аратта мамлакатида» ҳамда «Энмеркар ва Энсукушсиранна» деб аталиши мумкин. Яна иккита достон Лугальбанда исмли қаҳрамоннинг фаолияти асосига қурилган ва улар «Лугальбанда ва Энмеркар» ҳамда «Лугальбанда ва Хуррум Тоғ» деб номланган. Қолган бештаси бутун Қадимги Яқин Шарқда тенги йўқ адабий қаҳрамон Гилгамиш номи билан боғлиқ.

Биз илк бор ўзбекчага ўгирилган Гилгамиш ҳақидаги достонни ушбу китобда эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Шумер шаҳарлари Ур, Шуррупак ва Лагашда топилган қадимги ёзувларда турли хил ҳунармандчилик касблари ҳақида сўз юритилади. Ур шоҳларининг I сулоласи (мил. авв. XXVII–XXVI асрлар) мақбарасида олиб борилган қазиш ишлари натижаси мақбарани қурган усталар санъатининг юқори даражасидан далолат беради. Мақбарада жасадлар қолдиқлари билан бирга, кўплаб олтин, кумуш ва мис буюмлар – дубулға, болта, ханжар, қалқон ва найзалар топилган бўлиб, улар Шумерда металлсозликнинг ҳам ривожланганлигини билдиради.

Шумерда ишлаб чиқариш натурал шаклда бўлса-да, товар айрибошлаш ва савдонинг ривожланиши пул айланмасининг пайдо бўлишига олиб келган. Шуруппакдан¹ топилган битиклардан маълум бўлишича, ўша даврда мис қийматни белгиловчи восита бўлиб, кейинчалик унинг ўрнини кумуш эгаллаган. Мил. авв. III минг йилликда уй ва ер олди сотдиси қайд қилинган ҳужжатлар бизнинг давримизгача етиб келган.

КУЛОЛЧИЛИК ЧАРХИНИНГ ИХТИРО ҚИЛИНИШИ

Сопол буюмлар энг қадимги замонлардан кишиларнинг доимий йўлдоши бўлган. Инсоният абадий қоронғилиқдан ёруғликка чиққанда ҳам унинг бешиги ёнида сопол идиш турган. Инсон биринчи култум сувни ундан ичган, ўзининг ғариб кулбасини ҳам у билан беаган, қора кунлар учун йиғиб асраган бойлигини унда сақлаган. Мусобақа ғолиблари учун мукофот ҳам сополдан ясалган. Сопол қадимги давр кишиси ҳаётининг ҳамма жабҳаларини қамраб олган, образли қилиб айтганда, унинг Луври, Метрополитени ва Эрмитажи ҳам, барчасининг жамланмаси ҳам сопол бўлган. Қадимшунослар ва тарихчи олимлар учун эса сопол қадимги кишилар ҳаётини ўрганишнинг битмас-туганмас манбаидир,

¹ Қадимги Шуруппак шаҳри ўрнидан 1902 йили немис археологлари Шумер кутубхонасининг катта қисмини топишган. Ривоятларга қараганда Нух пайғамбар шу шаҳарда яшаган экан.

зотан, дастлабки ёзувлар ҳам сопол тахталарга битилган. Қадимги давр кишиси ўзининг олам ҳақидаги содда тасаввурларини, чексиз қувонч, қўрқинч ва аламларини, эҳтиросларини, орзу ва армонларини хуллас, бутун ички оламини сополдаги тасвирлар орқали минг йиллар кейин яшаган авлодларга қолдирган.

Шу тариқа инсониятнинг энг қадимги уй анжомлари, дастлабки санъат асарлари, илк китоблари сополдан ясалган, ўй-хаёллари ва орзу-умидлари ҳам сополда акс этган. Дастлаб лойдан турли шаклдаги идишлар ва бошқа анжомларни ясаган инсон аста-секин уни пиширишни, унга ишлов беришни такомиллаштирди. Илк сопол идишлар лой бўлақларини устма-уст қилиб бир-бирига улаш орқали ясалган. Бу, албатта, жуда ноқулай бўлиб, инсоният минг йиллар давомида шу усулдан фойдаланиб келган. Ҳаёт такомиллашиб боргани сари буюмларни яшашнинг янги-янги усуллари пайдо бўлади. Олимлар дастлабки кулолчилик чархи сопол буюмни яшаш жараёнида унга шакл бериш учун айлангириб туриш эҳтиёжидан келиб чиққан деб ҳисоблашади. Шу тариқа кулол сопол идишни яшаш жараёнида уни қўл билан айлангириш имкониятига эга бўлди. Дастлаб қўл кучи билан ҳаракатга келтириладиган чархлар яратилиб, уларнинг ғилдираги тошдан ясалган ва жуда катта куч талаб қилган. Шу сабабли айрим ҳудудларда кулолчилик чархини айлангириш учун уй ҳайвонларидан ҳам фойдаланилган. Аста-секин кулол оёқ билан ҳаракатга келтирувчи енгил чархлар пайдо бўлган.

Кулолчилик чархи қачон оммалашгани аниқ маълум эмас, аммо олимлар у мил. авв. 6000 йил билан мил. авв. 2500 йиллар оралигида юз берган деб ҳисоблашади. Кўпчилик олимлар кулолчилик чархи дастлаб Месопотамияда пайдо бўлганлигини таъкидлашади. Аслида, кулолчилик чархининг ватани Миср бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Қадимги Миср мифологиясида худо Хнум биринчи одамни кулолчилик чархида ясаганлиги тўғрисида айтилади.

Месопотамиянинг Ур шаҳри ўрнидан (ҳозирги Ироқ ҳудуди) топилган кулолчилик чархининг тошдан ясалган ғилдираги тахминан мил. авв. III минг йилликка мансуб бўлган. Аммо шу жойда топилган ва кулолчилик чархида ясалган сопол идишнинг ёши янада қадимийроқлиги маълум. Археологик изланишлар натижаларига қараганда мил. авв. III минг йиллик бошларидаёқ кулолчилик чархи Қадимги Мисрда, Ўрта Осиё ва Сурияда пайдо бўлган. Бошқа ҳудудларга кулолчилик чархи анча кеч тарқалган. Масалан, Хитойда – мил. авв. XIV асрда, ҳозирги Италия, Греция, Испания, шунингдек, Қора денгиз бўйи ва Кавказда – мил. авв. VIII–VII асрларда пайдо бўлган.

Бронза асрининг илк цивилизациялари даврига келиб кулолчилик чархи кенг оммалашган. Бу механизм ёрдамида одамлар сопол идишларни энди кўплаб ясаши мумкин бўлган ва бу инсониятнинг ялпи индустриализация сари ташланган илк қадами эди.

ҒИЛДИРАКНИНГ ИХТИРО ҚИЛИНИШИ

Инсоният ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида механика соҳасида эришган энг буюк кашфиёт – ғилдиракнинг ихтиро қилиниши бўлди. Бу қадимги мослама бронза асрида пайдо бўлган деб ҳисобланади. Археологик тадқиқотларга кўра илк ғилдираклар мил. авв. III минг йиллик ўрталарида пайдо бўлган ва уларнинг намуналари қадимги цивилизация ривожланиши анча юқори бўлган Яқин Шарқ ҳудудларида топилган. Масалан, Месопотамияда металлга ишлов бериш жуда юқори даражада бўлиб, бу биринчи араваларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Месопотамиянинг қадимги Киш шаҳри ҳудудида топилган илк икки ва тўрт ғилдиракли аравалар мил. авв. III минг йиллик ўрталарида пайдо бўлган. Олимларнинг тахмин қилишларича, қадимда оғир тошларни узоқ масофага ташиб келтиришда, қайиқларни сувга туширишда ёки бошқа оғир юкларни жойидан силжитишда уларнинг тагига қўйилган ёғоч бўлақлари дастлабки ғилдирак намунаси бўлиб хизмат қилган. Одамлар шу даврда айланувчи буюмлар ва уларнинг хоссалари ҳақида тасаввурга эга бўлганлар. Шу кузатиш жараёнида одамлар икки ёнига нисбатан ўртаси ингичка бўлган ёғоч юк остида яхши айланишига эътибор қаратган. Натижада, ёғоч бўлагининг ўртасини куйдириш йўли билан ингичкалатган, икки ёни эса ўзгаришсиз қолган. Бу жараёни такомиллаштириш шунга олиб келганки, ёғоч бўлагининг икки ёни ғилдираксимон кўринишга келиб, ўртасида ингичка ўқ ҳосил бўлган. Кейинчалик кичик ёғоч бўлақларининг ўртасида тешик ҳосил қилиниб, ўқини алоҳида ясай бошлашган. Ғилдираклар бутун ғўланинг ўртасини тешиш орқали ясалганлиги учун жуда оғир бўлган, текис йўлда қулай бўлса-да, оғир юк остида нотекис йўл ва бурилишларда синиб кетиши мумкин бўлган. Бундай араваларда юк ташиш учун уй ҳайвонларидан фойдаланилган. Аста-секин ғилдирак такомиллашиб, уни енгиллатиш учун унинг ўртасидан четларига қараб ён тешиклар ҳосил қилинади ва қўшимча мосламалар билан мустаҳкамланади. Кейинчалик ғилдиракнинг гардиши металл қоплама – тегарчик билан ўралиб, темир кегайлар ёрдамида мустаҳкамланди ва бу ғилдиракнинг чидамлилигини ва араванинг тезлигини кескин оширди.

Ғилдиракни такомиллаштиришдаги улкан ютуқ гупчакли ғилдиракиннг ихтиро қилиниши бўлди. Мустаҳкам қотирилган ва айланмайдиган ўққа гупчакли ғилдираклар қотирилиб, уларнинг ҳар бири ўзича айланмайдиган бўлди. Бу, айниқса, нотекис йўл ва бурилишларда араванинг мустаҳкамлиги ва тезлигини оширди. Ғилдиракларнинг ўққа ишқаланишини камайтириш учун уларга ёғ суриладиган бўлди. Бундай араваларга отларнинг қўшилиши арава тезлигини кескин оширди.

Шу даврда жанг аравалари ҳам пайдо бўлди. Дастлабки жанг аравалари мил. авв. II минг йиллик бошларида Месопотамияда ясалган деб ҳисобланади. Жанг араваларидан Шарқнинг бошқа мамлакатларида – Миср, Оссурия, Форс ҳамда Қадимги Греция ва Римда ҳам кенг фойдаланилган. Бу даврда жанг араваларининг сони армиянинг кудратини белгилаб берган.

Дастлаб жанг араваларига от эмас, эшаклар қўшилган, чунки замонавий кўринишдаги отлар мил. авв. II минг йилликда пайдо бўлди. Дастлабки отлар қўшилган жанг аравалари Қадимги Миср ва Оссурия қўшинида пайдо бўлган. Бу отларнинг бўйи 160 см, оғирлиги эса 500 кг гача бўлган.



Оссуриянинг оғир жанг араваси.

Транспорт воситаси сифатида араваларнинг пайдо бўлиши дастлабки йўллар ва кўприкларнинг қурилишига олиб келди. Ғилдиракдан транспорт воситаси сифатида фойдаланишдан ташқари, у ҳаётнинг

бошқа соҳаларида ҳам қўллана бошланган. Масалан, кулолчилик чархида ғилдиракдан фойдаланиш ҳам бронза даврида юз берди. Осиёда мил. авв. I минг йилликда ип йиғирув чархлари ҳам ихтиро қилинди. Ғилдиракли шамол тегирмонлари анча кеч – X асрда Осиёда ва XII асрда Европада пайдо бўлди.

ШИШАНИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

Қадимги даврда шишанинг кашф этилиши тахминан мил. авв. III асрда юз берган. Шишанинг кашф этилиши ўз миқёсига кўра жуда улкан илмий-техник ютуқ, бу кашфиёт техника ва маданият тарихида сопол ва металл қоришмаларнинг кашф этилиши билан тенглашиши мумкин.

Шишанинг кашф этилиши ҳақидаги кўплаб афсоналарда илк бор уни ихтиро қилган халқнинг номи турлича айтилади. Аммо бу афсоналар етарли асосга эга эмас ва шишани кашф этган халқнинг номи номаълумлигича қолмоқда.

Шишанинг кашф этилиши ҳақидаги дастлабки «назария»лардан бирини Қадимги Рим олими Плиний (Катта) ўзининг «Табиий тарих» номли асарида келтиради:

«Бир куни, жуда узоқ замонларда, финикиялик савдогарлар кемаларига Африкадан табиий сода юклаб, Ўрта Ер денгизи бўйлаб сузиб келаётган эди. Улар кечаси тунаш учун қумли қирғоқда тўхташди ва овқат қилишга киришди. Яқин атрофда тош топилмагач, оловни йирик бўлак сода ёрдамида ёқишди. Эрталаб кулни титган савдогарларнинг кўзи ажойиб куймага тушди. У тошдай қаттиқ, қуёшдай ёрқин ва сувдай шаффоф кўринди. Бу шиша эди» Савдогарлар қирғоқда ёққан олов натижасида қум эриб, шишасифат жисмга айланган.

Кўпчилик олимлар шишанинг пайдо бўлишини кулолчиликнинг ривожланиши билан боғлашади. Улар сополни пишириш жараёнида сода аралаш қум сополдан ажралиб, буюмнинг устида юпқа ялтироқ қатлам – сир ҳосил бўлган деб ҳисоблашади.

Мисрнинг қадимги Фива шаҳри ўрнида шишадамгарларнинг тасвири топилган. Тасвирдаги ёзувни қадимшунос олимлар мил. авв. 1600 йилга мансуб деб ҳисоблашади. Қадимги Миср шаҳарлари ўрнида ўтказилган археологик қазишмалар пайтида топилган буюмлар Миср шишадамгарликнинг маркази бўлганлигидан, бу ерда гулдон, ҳайкалча, устун, кўза каби буюмлар ясалганидан далолат беради.

Қадимда ясалган шиша замонавий шишадан фарқ қилади. У кум, ош тузи ва қўрғошин окиси – фриттанинг аралашмасидан иборат эди. Қадимда материаллар ҳам, ясаш техникаси ҳам жуда паст бўлиб, улар шишадан йирик буюмлар ясаш имконини бермасди. Мисрда шиша безак буюмлар ясашда ишлатиларди, шу сабабли шишасоз усталар шаффоф шишага нисбатан рангли шишани афзал кўришган. Шиша ясашда қадимги усталар табиий сода ва таркибида карбонат кальцийга бўлган маҳаллий кумдан фойдаланганлар. Кремнезам ва кальцийнинг камлиги ва таркибида натрийнинг юқорилиги шишанинг эриш жараёнини осонлаштирган, аммо шишанинг мустақамлиги ва атмосфера таъсирига чидамлиги пасайган.

Шиша эритишда унинг таркибий қисмлари лойдан ясалган идишга қуйилиб, ўтга чидамли ғишдан ясалган ўчоқда эритилган. Шишанинг тайёрлигини уста нигоҳи билан аниқлаган. Тайёр шиша турли идишларга кичик ҳажмларда қуйилган. Кўпчилик ҳолларда шишада ўткир томонлар ҳосил қилиниб, кейин улар синдириб олинган ва зарур бўлганда қайта эритилиб, буюмлар ясашда фойдаланилган. Дастлабки шишалардан тақинчоқлар, жумладан, мунчоқлар ясашган. Аста-секин тажриба асосида шишага турли ранг бериш ҳам ўзлаштирилган. Бундай рангли шишадан ясалган тақинчоқлар қимматбаҳо тошлар билан тенг ҳисобланган. Машҳур фиравн Тутанхамон мақбарасидан сутранг ва шаффоф шиша буюмлар топилган. Энг қадимги шиша тақинчоқ мил. авв. 1525–1503 йиллари Мисрни бошқарган малика Хатшепсутнинг шиша мунчоғи ва Янги подшолик даври фиравни Тутмос III номи иероглиф билан битилган шиша идиш ҳисобланади.

Кейинчалик шишасоз усталар лойдан ясалган қолипларга турли идишлар қуйишни ўзлаштириб олишган.

Миср ва Финикиядан шишасозлик бошқа мамлакатларга тарқалган ва қадимги дунёнинг бир қатор ҳудудларида биллур идишлар саройларда фойдаланилган олтин идишларни сиқиб чиқарди.

Мил. авв. I асрда суриялик усталар қувурчалар орқали дамлаб, шиша буюмлар ясаш усулини – шишадамгарликни ўзлаштирди. Бу усулдан ҳозиргача шишадамгар усталар жуда ноёб шиша буюмларни ясашда фойдаланиб келадилар. Шишадамгарлик фақат шиша буюмлар ясаш усулининг эмас, шиша таркибининг ҳам ўзгаришига олиб келди. Натижада замонавий ойна ясаш технологияси пайдо бўлди.



Қадимги Мисрда шиша эритиш жараёни.

АЛИФБОНИНГ ИХТИРО ҚИЛИНИШИ

Инсоният тарихида шу пайтгача маълум бўлган энг қадимги ёзувни шумерлар кашф этган. Қадимги шумернинг Урук шаҳридан топилган ёзув қоидасига кўра, ҳар бир предмет ўз белгисига эга бўлган ва бу ёзув идеография – расм-белги тарзида ифодаланган. Бу ёзув лойдан ясалган тахтачаларга битилган бўлиб, у ўзбек тилида миххат деб аталади. Шу даврда Яқин Шарқ ва Ўрта Ер денгизи ҳавзасидаги кўплаб халқларда ёзув тизими вужудга келган бўлиб, улар ичида фақат тош ва сополга ёзилганларигина бизгача етиб келган.

Ёзувнинг пайдо бўлиши цивилизация тараққиётида янги босқич бўлди. Ёзув инсон фаолиятининг барча соҳаларида тараққиётнинг қудратли омилига айланди: унинг ёрдамида мулкни ҳисобга олиш, ишлаб чиқаришни назорат қилиш, хўжаликни режалаштириш имкони пайдо бўлди, муқим таълим тизими шаклланди, маданий ёдгорликлар ҳажми ошди, натижада ёзма матн қоидаларига асосланган янги анъаналар пайдо бўлди.

Замонавий кўринишдаги биринчи алифбони эса мил. авв. II минг йилликда финикияликлар кашф этган бўлиб, у 22 ҳарфдан иборат эди. Финикияликлар – ғарбий семитлар, улар яҳудийлар билан битта тилда сўзлашган, битта худо – Яхвага сиғинишган.



Миххат ёзуви туширилган сопол тахта.
Шумер. Эрамиздан аввалги 2400 йил.

Қадимги юнон папируси.
Эрамиздан аввалги II аср.
Фрагмент.

Финикия Ўрта Ер денгизининг шарқий қирғоқларида жойлашган, маркази ҳозирги Ливан ҳудудида бўлган қадимги давлат. Финикияликлар мил. авв. I минг йиллик бошларигача финикий тилида, кейин эса оромий, VI асрдан араб тилида сўзлашишган. Тарихий ҳужжатларда қайд этилишича, финикияликлар жуда уста денгизчилар бўлган ва мил. авв. VI асрда биринчи бўлиб Африка қитъасини айланиб сузиб ўтган.

Финикияликлар жуда машҳур уста-ҳунармандлар бўлишган. Афсоналарда айтилишича, шоҳ Сулаймон саройини ҳам финикиялик усталар қурган. Улар шиша ясаш технологиясини мисрликлардан ўзлаштириб, уни мукамаллаштирган ва рангли шиша эритишни кашф этганлар. Финикияликлар узоқ вақт аккад ёзувидан фойдаланиб келган. Аккад ёзуви жуда мураккаб, 600 га яқин белгидан иборат бўлиб, узоқ ўрганишни талаб қилган. Бу ҳолат финикияликларни ўз алифбосини яратишга мажбур қилган.

Финикия алифбоси тарихда биринчи фонетик алифбо бўлганми ёки ундан аввал ҳам шундай алифбо бўлганлиги номаълум. Аммо деярли уч минг йил аввал пайдо бўлган айнан шу алифбо амалда бугун мавжуд бўлган барча алифболар тизимига асос бўлди. Финикия алифбоси қачон кашф этилганлиги тўғрисида ҳам тадқиқотчилар ўртасида баҳслар давом этмоқда. 1922 йили археологлар Библ (Библос) шаҳри (ҳозирги Байрут шаҳрига яқин жойлашган Қадимги Финикия шаҳри, ҳозир бу

ерда Жебайл шаҳри жойлашган) дан топилган шоҳ Ахирамнинг тош тобутидаги финикия ёзувида битилган матнни мил. авв. XIII асрга тегишли деб ҳисоблашади. Аммо XX асрнинг 70-йилларида янада қадимийроқ ёзувлар топилган.

𐤀	*aleph	[ʾ]	𐤁	lamedh	[l]
𐤂	beth	[b]	𐤃	mem	[m]
𐤄	gimel	[g]	𐤅	nun	[n]
𐤆	daleth	[d]	𐤇	samekh	[s]
𐤈	he	[h]	𐤉	*ayin	[ʕ]
𐤊	waw	[w]	𐤋	pe	[p]
𐤌	zayin	[z]	𐤍	tsade	[ʦ]
𐤎	heth	[h]	𐤏	qoph	[q]
𐤐	teth	[t]	𐤑	resh	[r]
𐤒	yodh	[j]	𐤓	sin	[s]
𐤔	kaph	[k]	𐤕	taw	[t]


Финикия алифбоси.

Алифбодан аввал мавжуд бўлган фонетик ёзув элементлари (аккад силлабик миххати) Икки дарё оралиғида, айниқса, Миср ёзувларида пайдо бўлади. Масалан, Миср иероглификасида Ўрта Подшолик давридаёқ бир, икки ва уч бўғинли фонграмм тизимлар кенг тарқалган. Айни пайтда бу даврдаги Миср иероглиф ёзуви идеографик ва фонетик белгиларнинг уйғунлигидан иборат бўлиб, фонетик белгилардан фойдаланиш кўпайиб бораётган эди.

Пиктограммлар – ҳарфларнинг келиб чиқиши аниқ эмас, балки мисрликларнинг бир бўғинли фоеограммларидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Аммо уларни протоханааней ёзувига мослаштириш жараёнида тузилишининг соддалашуви юз берган. Ёзув белгиларини янада соддалаштириш жараёни финикия алифбосига – 22 та ундош ҳарфлардан иборат оддий тизимнинг яратилишига олиб келган.



Қадимги Миср ёзуви.



Юқорида юнон ва пастда оромий ёзувида битилган подшо Ашоки эдикти. Қандаҳордан топилган. Кобул музейида сақланади.

Финикия алифбосининг тарқалиши, қўлланиши ва бошқа тилларга мослаштирилиши икки усулда давом этди. Семит тиллар гуруҳида сўзлашувчи халқларда у оромий ёзувига трансформациялашди, юнонларда эса этрусқлар таклиф қилганидек, ундош ҳарфларни қўшиш йўли билан мослаштириш орқали юз берди. Юнон ёзуви антик цивилизацияга асос бўлди ва кейинчалик шу цивилизация доирасида шаклланган Қадимги Рим империясининг ҳарбий ва маданий қудрати ёрдамида ёзув ва лотин тили бутун минтақага ёйилди.

ГИЛГАМИШ ДОСТОНИ ҲАҚИДА

Гилгамиш шумер мифологиясининг энг муҳим қаҳрамони бўлиб, Гилгамиш ҳақидаги дostonларда ёзилишича, унинг учдан икки қисми худо, учдан бир қисми эса одам бўлган. С. Крамернинг аниқлашича, шу жанрдаги дostonлар бешта бўлиб, улардан икkitаси – «Гилгамиш ва Буқа-Осмон» ҳамда «Гилгамишнинг ўлими» қисман етиб келган. Қолган учтаси – «Гилгамиш ва Киш Аггаси», «Гилгамиш ва Ҳаёт мамлакати», «Гилгамиш, Энкиду ва қуйи дунё (нариги дунё)» тўлиқ сақланиб қолган бўлиб, уларнинг барчаси шумерларнинг «олтин даври»да яшаган



Гилгамиш. Мил. авв.
VIII аср. Саргон II
саройининг давозасига
ишланган нақш.

арбобларни шарафлашга бағишланган¹ Адабиётнинг бу соҳасида марказий ўринни жасур Гилгамиш ҳақидаги ривоят эгаллайди. Унинг тарихи улкан муаммони – ҳар бир инсонни муқаррар кутаётган, ўзининг бутун қудрати билан, ҳатто Гилгамиш ҳам сақлана олмайдиган фожиали тақдир – ўлим муаммосини кўтаради. Қаҳрамон шахси амалда унинг мунгли қисмати билан тўсиб қўйилган, кўплаб жасоратлар битта мақсад – асрлар оша ҳеч бўлмаса номи сақланиб қолиши учун амалга оширилади.

«Гилгамиш ва Ҳаёт мамлакати»² номли дostonда қаҳрамон инсониятнинг фожиали тақдири устидан шикоят қилади ва худо Утуга мурожаат қилиб, ундан қаҳрамонни абадий шон-шарафга элтувчи Ҳаёт мамлакатига узок ва хавфли сафар қилиш учун ижозат сўрайди.

Ўзининг фожиали тақдири соясида қолган шумер адабиётининг бу қаҳрамони бизга юнон трагедияларидаги образларни эслатади. Гилгамишнинг шон-шуҳрат орқали абадий ҳаётга эришиш учун қилган дастлабки уриниши худоларга қарши даъват эди ва бу уларнинг ғазабига сабаб бўлди. Гилгамишнинг реал боқий

умрни излаши эса, бундан ҳам катта шаккоклик – зарурат юзасидан умри чеклаб қўйилган, ўлимга маҳкум инсоннинг яратувчи табиатга қарши даъвати эди. Натижада Гилгамишнинг айнан инсоний моҳияти устун келади: уни инсонга хос бўлган заифлик, бир лаҳзалик беғамлик нобуд қилади. У ўзидан бошқа ҳеч кимни айблаш олмайди: кечириб бўлмас хатога ўзи йўл қўйди. Балки айнан қаҳрамонликнинг мутлақо йўқлиги уни ҳушига келтиради. Қўрқинч Гилгамишни тарк этади, у ўзини фақат ачишига лойиқ деб билади ва йиғлайди. Кейин ҳолатнинг кулгили эканлиги унга етиб боргач, ўз устидан маъюс жилмайиш қолади, холос. Зўр бериб қилинган мислсиз ҳаракат деярли кулгили бўлиб туюлган натижага

¹ Қаранг Сэмюэль Крамер. Шумеры. Первая цивилизация на Земле. http://bookz.ru/authors/samuel_kramer/umeri_177.html. – С. 110.

² Самуэль Хукнинг ёзишича, «Гилгамиш ва Ҳаёт мамлакати» поэманинг шумерча варианты бўлиб, «Гилгамиш ҳақида эпос» унинг аккадча варианты. Қаранг Хук С. Мифология Древнего Востока. – М.. «Центрполиграф», 2009. 32–33-бетлар.

олиб келади. Табассум, ҳазил-мутойиба ҳисси – энг оғир ҳолат энгиб ўтилганлигининг белгиси. Энди у борлиқни қандай бўлса шундайлигича, у билан бирга янги қадриятларни ҳам қабул қилиш қудратига эга¹ Гилгамиш – қадимги адабиётнинг энг гўзал ифодаланган қаҳрамонларидан бири.

Бу қадимги дostonда кўтарилган муаммо – табиат қонунларининг ахлоқий жиҳатлари ва унга инсоннинг муносабати, «борлиқни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш» муаммоси бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Зеро инсоният Гилгамиш замонидан бери илоҳий қонунларга, табиат қонунларига қарши боришда ҳам анча илгарилаб кетди. Кишилар, айниқса, европаликлар, жинсий мансублик, оналик каби табиий қонунларни сексуал, жинсий озчиликнинг тенглиги, бир хил жинсдаги кишиларнинг бирга оила қуриш ҳуқуқлари ва суррагат, сохта оналик каби кенг тарқалаётган шаккокликлар туфайли бузмоқдалар ва буни маънавий-ахлоқий оқлаш учун турли хил чиройли уйдирмаларни ўйлаб топмоқдалар. Аслида, табиат қонунларига нисбатан бундай даъватларнинг оқибатларини инсоният Гилгамиш замонидаёқ англаб етган эди.

ЕЛКАН ВА КЕМАНING ИХТИРО ҚИЛИНИШИ

Елканнинг дастлабки намуналари жуда қадим замонларда, инсон энди қайиқ ясаб, денгизга чиқишга журъат қилган даврда пайдо бўлган. Дастлаб ёғочга таранг қилиб тортилган ҳайвон териси елкан родини ўйнаган. Уни қўл билан маҳкам ушлаб, шамол йўналишига мослаштириб туришган. Кейинчалик одамлар елканни мачта ва рей ёрдамида кемага маҳкамлашни ўйлаб топдилар. Олимлар елканли кемаларнинг бу турларини шумерлар кашф этишган деб ҳисоблашади.

Бизгача етиб келган энг қадимги елканли кема тасвири Миср маликаси Хатшепсут кемаси бўлиб, унда мачтага маҳкамланган елканни кўриш мумкин. Замонавий олимлар томонидан топилган бошқа кўплаб тасвирлар ҳам йирик елканли кемаларнинг Мисрда пайдо бўлганлигини ва Нил дарёси бу кемалар қатнайдиган дастлабки сув ҳавзаси бўлганлигини исботлайди. Ҳар йили июль ойдан ноябргача бўладиган Нил тошқинлари даврида мамлакатнинг кўплаб ҳудудларини сув босарди ва катта ҳудудлар худди ороллар каби бир-биридан ажралиб қолар-

¹ Прим.. Якобсен, Торкильд. = Сокровища тьмы: История месопотамской религии. = Янко Слава. slavaaa@yandex.ru. – С.134.



*Папирус боғламларидан
ясалган дастлабки елканли
кеманинг кўриниши.*

ди. Бу даврда кемалар мисрликлар учун ҳаётий заруратга айланган.

Миср кемаларининг илк намуналари енгил дарё қайиғи – барка бўлиб, у мил. авв. 5 мингинчи йилларда пайдо бўлган, деб ҳисобланади. Бу кемаларнинг бир неча моделлари ибодатхоналарга ўрнатилган бўлиб, олимлар шу модель-нусхалар орқали бу кемалар ҳақида тасаввурга эга бўлганлар.

Мисрда ёғоч танқис бўлганлиги боис дастлабки кемаларни яшашда папирусдан фойдаланилган. Бу материалнинг ўзига хос жиҳатлари Қадимги Миср кемаларининг конструкцияси ва шаклини белгилаб берди. Бу папирус боғларидан тўқилган ўроқ кўринишидаги қайиқ бўлиб, тумшуғи ва қуйруғи қайрилган эди.

Кемага мустаҳкамлик бахш этиш учун уни белбоғлар билан маҳкамлаб чиқишган. Кейинчалик финикияликлар билан савдо муносабатлари йўлга қўйилгандан сўнг, Мисрга кўплаб ливан кедри келтирилиб, бу ёғочдан кемасозликда кенг фойдаланила бошланди.

Мисрнинг Саккара шаҳри яқинидаги некрополга ишланган мил. авв. 3 минг йиллик ўрталарига тегишли бўлган бўртма нақш ўша даврда қандай кемалар ясалганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бу композицияларда кема қурилишининг айрим босқичлари реал акс эттирилган. Бу кемаларнинг тўртбурчакли елкани икки томондан маҳкамлангани ва умумий кўринишига қараб, олимлар улар денгизда сузиш учун ярамаган, аммо улар билан дарёда бемалол ҳаракатланиш мумкин бўлган, деб ҳисоблашади.

Кейинчалик, тахминан мил. авв. 2600 йилга келиб, елканни икки томондан маҳкамлаш ўрнига ҳозиргача фойдаланиб келинаётган битта ўққа маҳкамлаш усули пайдо бўлди. Елканни битта ўққа маҳкамлаш кемаларнинг сузишини осонлаштириб, уларга бурилиш имконини берди. Аммо тўртбурчакли елкан унчалик ишончли восита эмасди, унинг ёрдамида фақат шамол йўналиши бўйлаб сузиш мумкин эди, холос. Кемани ҳаракатга келтирувчи асосий куч эшкакчилар бўлиб қолаверди. Мисрликлар бу даврда муҳим янгиликни – қайиқларда эшкаклар маҳкамландиган қулоқ (қайиқ ёнида эшкак ўрнатиладиган айри ва шу

айри қозиғи учун қилинган тешик) ни ихтиро қилишган. Бу усул Қадимги Подшолик даврида бўлмаган, кейин эса эшкакларни арқон боғичлар орқали маҳкамлаш бошланди. Бу усул эшкакчининг кучи ва кема тезлигини ошириш имконини берди. Маълумки, фиръавнлар қайиқларида эшкакчилар бир дақиқада 26 марта эшкак эшиб, кема тезлигини 12 км/с га етказишган. Бундай кемалар қуйруқдаги иккита эшкаклар орқали бошқарилган. Кейинчалик бу эшкаклар палубадаги тўсинга қотирилиб, уларни айлантириш орқали зарур йўналишни танлаш имкони пайдо бўлди. Кемаларни бошқаришнинг бу усулидан ҳозиргача фойдаланиб келинади.

Қадимги мисрликлар яхши денгизчилар бўлишган. Улар ўз кемалари билан очиқ денгизда сузмаганлар. Аммо уларнинг савдо кемалари қирғоқ бўйлаб узоқ масофага сузганлиги маълум. Масалан, малика Хатшепсут ибодатхонасидаги ёзувда мисрликлар мил. авв. 1490 йили ҳозирги Сомали ҳудудидаги хушбўй зираворлар мамлакати – сеҳрли Пунтга сузиб борганлиги ҳақида маълумот сақланиб қолган.

Кемасозлик ривожига кейинги босқич финикияликлар номи билан боғлиқ. Мисрликлардан фарқли равишда финикияликлар кемалар қуриш учун етарли даражада қурилиш материалларига эга эди. Уларнинг мамлакати Ўрта Ер денгизининг шарқий қирғоқлари бўйлаб узоқ чўзилиб кетган ҳудудда жойлашган. Бу ерда қирғоқдан бошлаб қалин кедр ўрмонлари ўсарди. Финикияликлар жуда қадимданоқ кедр дарахти танасидан ўйилган қайиқлар ясаб, уларда денгизга дадил чиқишган. Мил. авв. 3 минг йиллик бошларида савдо ривожланиши билан финикияликлар йирик кемалар қура бошлаганлар. Улар кемасозликда янги усул – кеманинг мустаҳкамлигини таъминлайдиган кўн-даланг қўйилган бруслардан фойдаланишни ихтиро қилишган. Бу усулдан ҳозиргача кемасозликда (самолётсозликда ҳам) кенг фойдаланиб келинади.

Шунингдек, кеманинг тубини маҳкам тутиб турувчи узунасига жойлашган асосий пуштакни (киль) ҳам биринчи бўлиб финикияликлар ихтиро қилишган. Пуштакнинг ўрнатилиши кемага узунаси бўйлаб ва кўндаланг тўсинлар қотириш имконини берди ва бу кеманинг мустаҳкамлигини кескин оширди. Бу ихтиролар кемасозликнинг ривожига жуда катта таъсир кўрсатди ва кемаларнинг кейинги қиёфасини белгилаб берди. Илк ҳарбий кемаларни ҳам финикияликлар яратди. Улар савдо кемаларида Ҳиндистондан Африка ва Британиягача сузиб бордилар, қадимги даврнинг денгиз йўлларини очдилар.

ШУМЕРДА ПУЛНИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

Археологлар томонидан олиб борилган қазилар ишлари давомида Месопотамия ҳудудида топилган ашёлар бундан 5000 йил илгари бу ерда натурал алмашув мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Қизиғи шундаки, инсоният тарихидаги илк ёзма манбалар адабиёт намуналари бўлмасдан, оддий ҳисоб-китоблар, солиқ йиғими ҳақидаги маълумотлардан иборат. Сопол тахталарда сақланиб қолган мил. авв. 2400 йилга оид ёзувларда давлат амалдорларига солиқларни ғалла, қўй ва қўзи, ҳатто янги овланган балиқ билан олишга ҳам рухсат берилган. Аммо шу даврда пул ҳақида ҳам ёзувлар пайдо бўлади.



Қадимги Шумер илк пуллари шундай кўринишда бўлган.

Дастлабки пуллар, олимларнинг тахмин қилишича, сопол буюмлар кўринишида бўлган. Бу сопол буюмлар тўлов воситасига айланиши учун уларни яшаш марказий ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланган. Бу пуллардан аввал турли кўринишдаги сопол тангалар пул ўрнида ишлатилган. Бундай тангаларнинг инсониятга маълум энг қадимгилари мил. авв. 3300 йилга оид бўлиб, улар Суза шаҳри ўрнидан топилган. Тахминларга кўра бундай пуллар дастлаб фақат товарларнинг маълум турлари учун чеклар, яъни мажбурият белгиси сифатида қўлланилган. Масалан, бир турдаги танга (жетон) битта қўйга, бошқа турдагиси бир кўза ёғга, кийимга ва бошқа буюмларга тенг бўлган. Бу даврда улар ҳали товар алмашинуви

воситаси сифатида қўлланилмаган. Месопотамияда бундай тангалар тизим қилиб ишга боғлаб ҳам юрилган. Қадимги сопол тахталардаги ёзувларда улар ҳақида шундай дейилган: «Месопотамия шаҳарларида



Қадимги Шумер танга (жетон)лари.

тангаларнинг 16 та асосий тури ва асал, ўрдак, қўй сути, арқон, кийим, нон, тўқимачилик буюмлари, гилам, металл ва бошқаларни англатувчи яна ўнлаб кичик турлари мавжуд».

Мил. авв. 3100 ва мил. авв. 2500 йиллар оралиғида қумуш бўлаги қиймат бирлиги сифатида шаклланди. Ўша давр сопол тахталаридаги ёзувларнинг далолат беришича, ёғоч, ғалла ва бошқа товарларни қумуш ва мис аралашмаси-

дан иборат қумуш пулга сотиб олиш мумкин бўлган. Дастлабки шундай пуллар металл қумушлар шаклида бўлиб, улар зарб қилинмаганлиги сабабли ҳар бир савдо жараёнида бу пулларнинг қийматини тарозида ўлчаш, таркибидаги мис ва қумуш миқдорини аниқлаш лозим бўлган.



Зарб қилинган қадимги пул – сикель.

Кейин мил. авв. 2000 йилликда ҳақиқий танга пуллар пайдо бўлди. Бу пуллар сикль (шекель) деб аталган. Намунавий ўлчов бирлиги (эталон) сифатида битта буғдой дони олинган. У «ше» ёки «шеум» деб аталиб, бир сикль 180 шега тенг бўлган. Бундай тангалар қумуш ва мисдан тайёрланган. Кишининг бир ойлик иш ҳақи бир сикль баҳоланган. Қул 10 сиклдан 20 сиклгача турган.

Бу пул бирлиги қадимги Яқин Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган ва шекель деб аталган. Шекель бугунги кунда ҳам Исроил давлатининг пул бирлиги ҳисобланади.

ҚАДИМГИ МИСРДА ШАМНИНГ ИХТИРО ҚИЛИНИШИ

Ёруғлик манбаи бўлган шам жуда қадим замонларда, бундан 5000 йил илгари пайдо бўлган. Сақланиб қолган ёзма манбалар ва петроглифлар (тошга чизилган суратлар) Қадимги Мисрда Илк Подшолик давридаёқ (мил. авв. 3100–2800 йиллар) кўчаларни, бойларнинг уйлари ёритишда маёқлардан фойдаланилганлиги тўғрисида маълумот беради. Шунингдек, кечаси ҳаракат қилганда йўлни ёритишда ва диний маросимларда ҳам маёқлардан фойдаланилган. Бундай маёқларни тайёрлашда қамишнинг ўзаги ёки қуритилган поясидан фойдаланилган. Уларга эритилган ҳайвон ёғи шимдирилиб, кейин қуритилган. Шу усул билан дастлабки шамлар ҳам ясалган.

Мил. авв. 3000 йилликда пликли шам пайдо бўлади. Дастлабки пиликлар папирусдан ясалган бўлиб, уларга ҳам ҳайвон ёғи шимдирилган. Кейинчалик папирусларга ўсимлик ёғи шимдирилиб, кўп қаватли

қилиб ўралган ва мум билан ишлов берилган. Аммо замонавий кўри-нишдаги дастлабки шамлар фақат Қадимги Рим даврида пайдо бўлади.

ҚАДИМГИ МИСРДА ОМОЧНИНГ ИХТИРО ҚИЛИНИШИ

Қадимги даврларда деҳқончилик кишилар ҳаётининг асосини ташкил қилган. Зотан, аграр цивилизация деб аталувчи бу даврда барча аҳоли деҳқончилик билан банд бўлган. Аммо ўта оддий иш қуроллари билан ерга ишлов бериш осон иш эмас. Уни енгиллаштириш учун одамлар омовни яратганлар.

Инсоният тарихида омовни қайси халқ – шумерларми ёки мисрликлар биринчи ихтиро қилганлиги ҳақидаги баҳс тарихчилар орасида ҳамон давом этмоқда. Омов – бу ерни шудгор қилиш учун мўлжалланган асбобнинг умумлаштирилган номи. Турли цивилизациялар ва халқларда унинг ҳар хил кўринишлари бўлган. Кўпчилик олимларнинг тахмин қилишича, омов унга ўхшаш, инсоннинг қўл кучи билан ерга ишлов беришга мўлжалланган меҳнат қуролини такомиллаштириш натижасида пайдо бўлган. Аммо самарадорлиги анча шубҳали, чунки у енгил бўлганлиги учун фақат ернинг устки қисмига ишлов берган, холос. Мисрнинг қуёшли кунларида бу асбоб билан ерга ишлов бериш мураккаб иш бўлган.



Қадимги Мисрда ерга ишлов бериш жараёни.

Мил. авв. 2000 йилликда ҳолат кескин ўзгарди. Мисрликлар омовни йирик шохли ҳайвонларга қўшишни ўрганиб олдилар. Дастлаб омов ҳўкизларнинг шохига боғланган, аммо бундай усул ҳўкизга қийинчилик туғдиргани учун кейинчалик омовни унинг танасига боғлаш усули ўйлаб топилди.

Омовнинг ихтиро қилиниши Мисрда деҳқончиликнинг мисли кўрилмаган даражада ривожланишига олиб келди. Нил тошқинларининг циклини яхши аниқлаб олган мисрликлар ерга ишлов беришни шундай даражада енгиллаштирдикки, ҳали бирорта цивилизация бунга эриша олмаган эди.

ШУМЕРДА ИЛК МАКТАБЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Шумерда мактабларнинг ривожланиши юқорида айтилган миххат ёзувининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Ёзув ва унинг асосида тизимли таълим жараёнининг пайдо бўлиши шумерларнинг инсоният цивилизациясига қўшган энг катта ҳиссаларидан бири ҳисобланади.

Шумерларнинг қадимги Ур шаҳри харобаларидан топилган дастлабки ёзма ёдгорликлар (сопол тахтачалар), асосан, ҳўжалик ва маъмурий бошқарувга оид ҳужжатлар бўлса-да, улар орасида бир нечта ўқув матнлари, ёд олинадиган сўзлар рўйхати ҳам учрайди. Бу шундан далолат берадики, шумерлик мирзалар камида мил. авв. 3000 йилда шогирд тайёрлаш, ўқитиш ишлари билан ҳам шуғулланганлар. Бу жараён кейинги асрларда ривожланиб борди ва мил. авв. 3000 йилликнинг ўрталарига келиб Шумерда болаларни ўқиш ва ёзишга мунтазам ўргатувчи мактаблар тизими вужудга келди. 1902–1903 йиллари Қадимги Шуруппак шаҳрида олиб борилган археологик қазишмалар пайтида кўплаб «мактаб матналари»дан иборат сопол тахтачалар топилган. Улар мил. авв. 2500 йилликларнинг ўрталарига мансуб деб ҳисобланади.

Бироқ шумер мактабларининг энг ривожланган даври мил. авв. 3000 йилликнинг ўрталарига тўғри келади. Бу даврга оид ўнлаб сопол тахтачалар шундан далолат беради. Улардаги маълумотларга кўра, шумершунос олимлар шу даврда шумер мирзалари сони бир неча минг кишига етганлигини аниқлашган. Мирзалар катта ва кичик, сарой ва ибодатхона мирзаларига бўлинган. Шунингдек, айрим мирзалар юқори давлат мансабларини ҳам эгаллаган. Буларнинг барчаси қадим замонлардаёқ Шумерда йирик мактаблар тизими шаклланиши

ва жамиятда болаларни ўқитишга алоҳида эътибор берилганлигидан далолат беради.

Шумер мактабларида ўқитиш тизими ва усуллари тўғрисида маълумот берувчи сопол тахтачалар мил. авв. 2000 йилликнинг ўрталарига мансуб. Бу сопол тахтачалардаги ёзувлар шумер мактабларидаги ўқитиш жараёни, дастурлар, ўқитиладиган билим соҳалари тўғрисида маълумот беради. Ўқитувчиларнинг ўз мактаблари, ундаги ўқувчилар ва ўқитиш жараёни ҳақидаги фикрлари ҳам сақланиб қолган. Бу инсониятнинг узоқ ўтмиши ва илк таълим тизими ҳақида ёзма маълумот берувчи, энг қадимги манбадир.

ШУМЕР АСТРОНОМИЯСИ

Шумерлардан қолган ёдгорликлар орасида энг жумбоқлиларидан бири Қуёш системасининг тасвиридир. Бу тасвирни XX асрнинг энг буюк астрономларидан бири Карл Саган ҳам тадқиқ этган. Бу тасвир шундан далолат берадики, шумерлар бундан 5–6 минг йил илгари бизга яқин коинотнинг маркази деб Ерни эмас, айнан Қуёшни билишган. Тасвирда Қуёш марказда жойлашган, у бошқа осмон жисмларига нисбатан анча катта қилиб тасвирланган. Аммо энг ажабланарлиси шундаки, тасвирда бугун бизга маълум бўлган барча планеталар, ҳатто 1930 йили кашф этилган Плутон ҳам (Плутон 2006 йили Қуёш системасидаги планеталар рўйхатидан чиқарилган) ифодаланган.

Шумерлик коҳинлар ойнинг ҳолатини доимий кузатиб боришган ва шу орқали янги ой кирганлигини аниқлашган. Одатда, осмон жисмларини кузатиш учун баланд миноралардан фойдаланишган. Бундай миноралар, кўпинча, зиккуратларда жойлашган.

Шумер астрономлари яратган тақвим ой-қуёш тақвими бўлиб, у 12 ойдан иборат эди. Шумер тақвимида фасллар ажратилмаган. Ой ва Қуёш циклларини ўрнатиш учун ҳар бир неча йилда ўн учинчи ой қўшилган. Шумер шаҳарларининг ҳар бирида ўз тақвими бўлган. Масалан, Ур, Ниппур, Лагаш, Умма, Урук ва Адаб шаҳарлари тақвимлари ҳақида маълумотлар қадимги ёзувлар орқали бизгача етиб келган. Бу ёзувларда ойлар номи, худоларга қурбонлик қилиниши лозим бўлган кунлар белгиланган. Шундай ёзувларнинг энг қадимгиси Ниппур шаҳри харобаларидан топилган бўлиб, у мил. авв. XXIV аср охирларига мансуб.

Шумер астрономияси астрология билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлган. Коҳинлар осмон жисмларини кузатиш орқали экинлар ҳосилдорлиги, об-ҳаво ҳақида башорат қилишган. Аммо ҳозирча топилган астро-

логик ёзувлар Бобилнинг биринчи сулоласи даврига мансуб. Бу ёзувни 1911 йили ўқиган бобилшунос олим Куглер унинг мил. авв. 2600 йилга мансублигини аниқлаган.

ҚАДИМГИ МИСРДА МАТЕМАТИКА ВА АСТРОНОМИЯ ЮТУҚЛАРИ

Олимларнинг айтишича, дастлабки математик тадқиқотлар Қадимги Мисрда амалга оширилган. Мисрликлар ҳисоблашнинг ўнлик тизимини кашф этганлар, улар бўлиш ва кўпайтириш амалларини ҳам билишган. Аслида, математик ҳисоб-китобларсиз қадимги мисрликлар минг йиллар давомида ўз маҳобати билан инсониятни лол қилиб келаётган машҳур эҳромларни қуриши мумкин эмасди. Қадимги ёзувларнинг далолат беришича, уларга π (пи) сонининг хоссалари ҳам маълум бўлган, Хуфу (Хеопс) эҳромини ва бошқа фиръавнларнинг мақбараларини қуришда π сонининг хоссаси асос қилиб олинган. Мисрликлар ҳажм ва майдонни ўлчаш усулларини ҳам билишган.



Парижнинг Лувр музейида сақланаётган бурж доираси.

Мисрликларнинг асосий ютуқлари астрономия билан боғлиқ. Замоनावий Луксор шаҳри яқинидаги Дендер ибодатхонасида тарихда энг қадимги бурж доираси топилган. Бу доиранинг асл нусхаси ҳозир Парижнинг машҳур Лувр музейида сақланади. Мисрга келган зиёратчилар эса унинг гипсдан ясалган аниқ нусхасини кўриши мумкин. Мисрда, шунингдек, бир нечта қадимги бурж хариталари ҳам топилган. Қадимги мисрликларга Сириуснинг тўлиқ ҳаётий цикли 1460 йилга тенглиги, Марс ва Венера аниқ фазаларга эгалиги ҳақида ҳам маълум бўлган.

Тарихда биринчи тақвимни ҳам қадимги мисрликлар ихтиро қилишган. Йилдаги ой ва кунларнинг сонини ва тартибини аниқ билиш Нил дарёси тошқинларига боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалик ишларини юри-тишда мисрликларга катта ёрдам берган.

ҚАДИМГИ МИСР ТИББИЁТИ

Археологик қазишмалардан маълум бўлишича, Қадимги Мисрнинг олий қоҳинлари одам анатомияси ҳақида тасаввурга эга бўлишган. Улар инсониятга яқиндагина маълум бўлган мураккаб жарроҳлик операциялари – бош суяк чаноғини очиш ва мияни даволаш, ампутация қилиш, кўзни жарроҳлик йўли билан даволаш кабиларни амалга оширишнинг мураккаб технологиялардан хабардор бўлишган. Шунингдек, беморларни доривор ўтлар ва ёғлар билан даволаш кенг тарқалган, жисмоний тарбияга катта эътибор берилган.

Қадимги Мисрда юқумли касалликларни даволаш учун замонавий кимёвий ампициллиннинг прототипи кашф қилинган. Бу кашфиёт жуда оддий йўл билан амалга оширилган: ноннинг моғорлаб кетган жойи яраланган жойга босилган ва касал киши ўз-ўзидан соғайиб кетган. Ампициллиннинг таркиби олимлар томонидан фақат XX асрдагина кашф қилинди.



Қадимги Миср тиббиёти.

Қадимда мисрлик шифокорлар қўшни давлатларнинг саройларида ҳам хизмат қилишган. Миср тиббиёти бутун Қадимги Дунёга машҳур бўлган.

ҚАДИМГИ МИСРДА ЁЗУВНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Ёзувни шумерликлар кашф этганлиги ҳақида юқорида айтилди. Мисрликлар тарихий солномаларни ёзиш учун материал – папирусни кашф этганлар. Папирус Нил дарёси соҳилларида кўплаб ўсган нилу-фар ўсимлигининг поясидан тайёрланган. Папирус тайёрлаш технологиясини мисрликлар ўта мукамал билишган, баъзи ноёб маълумотларни ўзида сақлаган папируслар бир неча минг йил ўтса ҳам ҳамон яхши сақланиб қолган. Улардаги матн осон ўқилади, расмларни ҳам тез англаш мумкин. Папирусларда сақланиб қолган бу маълумотлар қадимги Яқин Шарқ цивилизацияларининг маданий ўтмиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бу маълумотлар энциклопедик характерга эга бўлиб, уларда қадимги хариталар ҳам сақланиб қолган. Бу хариталар қадимги мисрликларнинг атроф олам ҳақидаги тасаввурлари ҳақида қимматли маълумот беради. Хариталардан бирида фиръавн армиясининг Африка қитъаси бўйлаб ҳаракат йўналиши кўрсатилган.



Қадимги Миср папируси.



Папирусга ёзилган «Мархумлар китоби». Қадимги Миср.

ҚАДИМГИ МИСР АРХИТЕКТУРАСИ

Қадимги цивилизация архитектурасининг энг ноёб ёдгорликлари мафкуравий мақсадларда бунёд этилган. Қадимги Мисрнинг энг машхур меъморий ёдгорликлари – бу, албатта, эҳромлар.

Агар Месопотамияда архитектуранинг асосий вазифаси ибодатхоналар қуриш бўлса, Мисрда – бу мақбара, у мархумнинг, айниқса, фиръавннинг нариги дунёдаги тўлиқ ва қувноқ ҳаётини таъминлаши лозим. Мақбараларнинг тузилиши ҳам турли даврларда ўзгариб борган. Унинг қадимги тури мастаба¹ деб аталувчи усти кесик конусга ўхшаш эҳром бўлиб, кейингилар ундан келиб чиққан.

Бир-бирининг устига тобора кичрайиб боровчи бир неча мастабани қўйганда зинасимон эҳром келиб чиқади. Бу турдаги эҳромлар ичида энг дастлабкиси ва машхури мил. авв. XXVIII асрда Саккарда қурилган бўлиб, III сулола фиръавнларидан Жосерга тегишли. Жосер эҳромини қурган Имхотеп замонасининг энг машхур донишмандларидан бири, тош биноларнинг биринчи меъмори, олим, астроном, врач сифатида Қадимги Миср тарихининг охиригача ёдга олинган. Кейинчалик Имхотеп худо Птахнинг ўғли сифатида илоҳийлаштирилган, юнонлар эса уни ўзларининг шифокорлик худоси Асклепий билан тенглаштиришган. Зинали эҳромнинг ташқи кўриниши Месопотамиядаги зиккуратга ўхшайди

¹ Мастаба – арабчада «ўриндиқ», «ўтирадиган жой» маъносини англатади.

ва улар бир-бирининг шаклланишига таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Аммо бу икки меъморий типларнинг ривожланиш жараёни турлича. Агар Месопотамия зиккурати минг йиллар давомида ўзгармаган, фақат шакли мукамаллашиб борган бўлса, зинали эҳром IV сулола даврида кескин ўзгариб, янги меъморий ечим касб этади ва у бошқа ўзгармасдан қолади: бу квадрат асосга қурилган, деворлари силлиқ тенг томонли учбурчаклардан ташкил топган ҳақиқий эҳром. Биз мисол тариқасида келтиришимиз мумкин бўлган бундай эҳромларнинг энг машхури – бу Хуфу (Қадимги мисрликлар тилида Хуф-и-Хнам, юнонларда эса Хеопс дейилган) эҳроми: асосининг ҳар бир томони 230 метрни, баландлиги эса 146 метрни ташкил қилади. Унга ҳар бири ўртача 2,5 тонна келадиган 2 300 000 дона блок сарфланган. Геродот ёзиб қолдирган афсонага кўра, эҳром қурилишида 100 минг киши 20 йил банд бўлган. Эҳромдаги даҳмага мураккаб даҳлизлар тизими орқали борилади. Одатда, эҳром ўз ичига ибодатхона, пастга, дарё водийсига элтувчи усти ёпиқ айвонни ҳам олувчи меъморий мажмуа таркибига киради.



Гизадаги эҳромлар – Қадимги Мисрнинг энг буюк меъморий ёдгорликлари, улар орасида Дунёнинг етти мўжизасидан бири бўлган Хуфу (Хеопс) эҳроми ҳам бор.

Вақт ўтиши билан эҳромнинг ўлчамлари қисқариб, аҳамияти ҳам пасайиб боради. Албатта, улар чексиз катталашиб бориши мумкин эмасди – ҳамма нарсанинг ҳам чеки бор. Бу баҳайбат иншоотларнинг қурилишига сарфланган йўқотишлар мамлакатнинг силласини қуритади ва VI сулола эҳромлари меъморчилик санъатининг дурдонаси бўлса-да, Хуфу эҳромига нисбатан жуда кичкина бўлиб кўринади. Янги подшолик даврига келиб эса қояга ўйиб ишланган тош сағана шоҳлар жасади қўйиладиган асосий дахма турига айланади. Даҳлизларнинг ҳақиқий лабиринтига жуда пухта яширилган кириш мақбараларнинг янги турига биринчи қарашда ҳосил бўладиган фикрни тасдиқлайди: уларнинг келиб чиқиши мақбараларни талон-торож қилувчилардан сақлаш билан боғлиқ. Олимларнинг таъкидлашларича, қадимги матнлар ҳам бундай ўғирликларнинг кўплаб бўлганлигини тасдиқлайди. Айнан шу сабаб одамларни мақбара қуриш учун бориш қийин бўлган узоқ жой танлашга ҳам мажбур қилади. Шундай жойлардан бири Фивадан ғарбда жойлашган Шоҳлар водийси бўлиб, у ердан Тутанхамоннинг жуда бой мақбара-си ва кўплаб бошқа шоҳларнинг қабрлари топилган. Яна битта шундай жой – Маликалар водийси, у жануброқда бўлиб, фиръавнларнинг хотинлари ва болалари кўмилган.

Мисрда қурилган дастлабки мақбаралардан бошлаб янги жиҳат кўзга ташланади: қурилиш материали сифатида тошдан кенг фойдаланиш. Бу Қадимги Шарқдаги дастлабки тош бинолар эди. Қурилишда тошдан кенг фойдаланиш Миср меъморчилигини Шарқнинг бошқа қисмидаги архитектурадан ажратиб туради, унга ўзига хослик бахш этади.



ҚАДИМГИ ҲИНД ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ КАШФИЁТ ВА ИХТИРОЛАРИ

ҲИНД МАТЕМАТИКАСИ

Мил. авв. III минг йиллик – II минг йиллик бошларида замонавий Хараппа (Панжоб вилоятида) ва Моҳенжо-Даро (Марҳумлар тепалиги, Синд водийсида) ҳудудларида Қадимги Ҳинд цивилизацияси шаклланиб, у умумий ном билан Хараппа цивилизацияси деб аталади. Шу цивилизация доирасида қадимги ҳинд халқларининг юксак илмий ва маданий мероси шаклланди.

Қадимги Ҳиндистоннинг энг муҳим илмий ютуқларидан бири биз бугун ҳам фойдаланаётган, араб сонлари деб аталадиган ўнлик сонлар позицион тизимининг кашф этилиши бўлди. Ўша даврлардан сақланиб қолган қадимги санскрит матнларининг далолат беришича, дастлаб сонларни ёзиш учун сўзлардан фойдаланилган. Масалан, бир – «ер», «ой», икки – «кўз», «лаб» ва ҳ.к. Кейинчалик ҳар бир соннинг ўз белгиси пайдо бўлди. Энг муҳими – бу сонларнинг позицион тарзда жойлашуви, яъни пастдан юқорига қараб шундай жойлаштирилдики, масалан, «3» сони жойлашув ўрнига қараб 3, 30, 300 ва 3000 ни англатиши мумкин бўлди. Сонсиз қаторлар кичик доира билан белгиланиб (ноль), улар «шунья» – «бўшлиқ» деб аталди.

Бу тизимнинг қулайлигини англаш учун рим сонларида 4888 сонини ёзиб кўриш кифоя: 4888 – MMMMDCCCLXXXVIII. Шундан бўлса керак, суриялик руҳоний ва олим Север Себохт ҳиндлар жорий қилган ўнлик тизимни таърифлаш учун мавжуд мақтов сўзлар камлик қилади, деб ёзган эди. Дунё, биринчи навбатда, Ғарб дунёси, ҳиндларнинг бу оламшумул кашфиётига нисбатан янглиш муносабатда бўлди, уни «араб сонлари» деб атади, аслида араблар бу тизимни «ҳинд сонлар тизими» деб атаган. Ҳиндларнинг математикага қўшган буюк ҳиссасини машҳур ватандошимиз Абу Райҳон Беруний ҳам тан олган эди.

ҲИНД ТИББИЁТИ

Қадимги Ҳиндистонда тиббиёт ҳам юқори даражада ривожланган. Бу ерда тиббиёт мактаблари «аюрведа» – «узоқ умр кўриш ҳақидаги фан» (у ҳозир ҳам Ҳиндистонда анча оммавийлашган) номи билан машҳур бўлган. Машҳур табиблар Чарака (I–II асрлар) ва Сушрути (IV аср) рисолаларида ўсимлик ва минераллардан тайёрланган дори-лар, парҳез ва гигиеник тадбирлар билан кўплаб касалликларни даво-лаш усуллари батафсил ёзилган. Бу касалликларнинг кўпчилиги Евро-пада яна узоқ даврлар давомида инсон танасидан «иблисни ҳайдаш» ёрдамида «даволаниб» келинди.

Қадимги Ҳиндистонда инсон анатомияси ва физиологияси ҳақида анча юқори билимларга эга бўлишган: ҳинд шифокорлари кўплаб ин-сон органларининг вазифасини тўғри тушунтиришган. Ташҳис қўйиш ва даволашда шифокорлар фақат бемор организмнинг турли кўрсат-кичлари (юрак уруши, тана ҳарорати, тери, соч ва тирноқлар ҳолати ва ҳ.к.) ни эмас, айти пайтда, унинг руҳий ҳолатини ҳам инобатга олиши лозим бўлган.

Жарроҳлар 120 турдаги асбоблар ёрдамида ўз даври учун жуда му-раккаб бўлган операциялар: бош суяк трепанацияси, кесаров кесими, қўл ва оёқлар ампутацияси кабиларни муваффақиятли бажаришган.

Деформацияга учраган қулоқ ва бурунларни тиклаш бўйча опера-циялар замонавий тиббиёт тарихига «ҳиндча усул» номи билан кирган. Бу усулларни ҳиндлар ихтиро қилганига минг йилдан ошиқ вақт ўтгани-дан сўнг, яъни XVIII асрда европалик жарроҳлар ўзлаштириб олишди.

Шифокорлик ахлоқи тушунчаси ҳам дастлаб Ҳиндистонда шаклланди. Милодий эра бошларида яшаган машҳур табиб ва олим Чарака ўз шогирдларига: «беморни даволашга бутун қалбингиз билан киришинг», дея васият қилган эди. Унинг ёзишича, «шифокор ўз фикри, тафакку-ри ва ҳисларини бошқа нарсаларга эмас, фақат беморни даволашга йўналтириши лозим» ва шундагина даволаш самарали бўлади. Шунинг-дек, у шифокор касаллик сирини сақлашга қатъий риоя қилиши, бемор-нинг ҳолати ва унинг уйида кўрганларини ҳеч кимга айтмаслиги лозим-лигини уқтиради.

Қадимги ҳинд тиббиёти ютуқлари замонавий тиббиёт фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

ҚАДИМГИ ХИТОЙНИНГ БУЮК КАШФИЁТ ВА ИХТИРОЛАРИ

Хитой инсоният цивилизациясига жуда катта ҳисса қўшган энг қа-димги цивилизациялардан бири. Улар орасида энг муҳимлари қоғоз, китоб чоп этиш, порох ва компаснинг кашф этилиши бўлди. Айнан шу кашифиётлар илгари фақат бойларнинг мулки бўлган маданият ва санъатнинг кўплаб турлари кенг халқ оммаси орасида ёйилишига турт-ки бўлди. Шунингдек, қадимги Хитойда амалга оширилган кашфиёт ва ихтиролар сайёҳларни узоқ сафарларга чиқишга ундади, янги ерлар-нинг кашф этилишини таъминлади.

ҚОҒОЗНИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

Қадимги Хитойнинг биринчи буюк кашфиёти қоғоз бўлди. Хитойнинг Шарқий хан сулоласи солномаларига биноан қоғозни Хан сулоласи саройидаги евнух (бичилган қул)лардан Цай Лунь 105 йили кашф этган.



Хитой қоғозлари ва уларни тайёрлаш жараёни.

Жуда қадим замонларда, ҳали қоғоз кашф этилишидан аввал матн ёзиш учун Хитойда бамбук пўстлогидан, шойи мато, ёғоч ва сопол тахта-чалардан фойдаланилган. Энг қадимги хитой матнлари эса (улар «цзя-гувен» деб аталган) тошбақа косасига битилган бўлиб, улар мил. авв. II минг йилликка (Шан сулоласи даврига) мансуб.

III асрга келиб бошқа анъанавий материаллар билан бир қаторда, қоғоздан кенг фойдаланилган. Цай Лунь томонидан яратилган қоғоз тай-ёрлаш технологияси қуйидагича эди: каноптола, тут дарахти пўстлоғи, балиқ тутадиган эски тўр ва мато қайнатилган, кейин эзиб, бўтқа ҳолатига келтирилган. Ҳосил бўлган бўтқага сув аралаштирилиб, элакдан ўтказилган. Шу жараёнда элак устида толали юпка қатлам ҳосил бўлган ва уни текис тахата устига ёйиб қўйишган. Шундай тахталардан бир нечтаси устма-уст қўйилиб, устидан оғир тош бостирилган. Ҳосил бўлган қоғоз варағи қуритилиб, кейин ёзишда қўлланилган. Ўрта асрларда хитой қоғози бутун Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларида машҳур бўлган.

ХИТОЙДА КИТОБ ЧОП ЭТИШНИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

Қоғознинг кашф этилиши, ўз навбатида, ундан фойдаланиш усуллари ҳам кўпайтирди. Навбатдаги кашфиёт ҳам қоғоздан фойдаланиш билан боғлиқ эди.



Китоб босишнинг энг қадимги намунаси санскрит тилидаги сутра бўлиб, у 650–670 йиллар оралиғида каноп қоғозга босилган. Аммо

стандарт ўлчамдаги дастлабки китоб Хитойда Тан сулоласи даврида (618–907 йиллар) босилган Олмос сутра китоби ҳисобланади.

Сун сулоласи даврида (960–1279 йиллар) хитойликлар китоб муқовалашни ҳам ихтиро қилишди ва шу тариқа китоблар замонавий кўри-нишга эга бўлди.

КОМПАСНИНГ ИХТИРО ҚИЛИНИШИ

Олимларнинг фикрича, биринчи компас Хитойда Хан сулоласи даврида (мил. авв. 202 – милодий 220 йиллар) яратилган. Бу даврда хитойликлар шимол-жанубни кўрсатувчи магнит (оҳанрабо) бўлагидан компас ўрнида фойдалана бошлашган. Аммо бу пайтда компасдан навигацияда эмас, фол очишда фойдаланилган. I асрда ёзилган «Лунь-хэн» китобининг 52-бобида компасга қуйидагича таъриф берилади: «Бу асбоб қошиқни эслатади, агар у ликопчага қўйилса, унинг дастаси жанубни кўрсатади»

Дунё томонларини кўрсатувчи магнит компаснинг батафсил таърифи илк бор 1044 йил қадимги хитой қўлёзмаси «Уцзин Цзуньяо»да келтирилган. Компас балиқча кўринишида қўйилган, магнитлашган ва қиздирилган пўлат ёки темир бўлак-чаларидаги қолдиқ кучланиш принципи асосида ишлаган. Пўлат балиқчалар сув тўлдирилган косага жойлаштирилганда индукция ва қолдиқ магнитлашиш натижасида магнит кучлари пайдо бўлади.



Хитойда қадимги компасга ўрнатилган ёдгорлик.

Анча мукаммалашган компаснинг тузилиши ҳақида хитой олими Шэнь Ко ўзининг «Тушлар оқими ҳақида ёзувлар» (1088 йил) китобида маълумот беради. Унда олим игнали магнит компаснинг тузилиши ва ишлаш принциплари ҳақида батафсил айтиб ўтади.

ХИТОЙДА ҚОҒОЗ ПУЛЛАРНИНГ ИХТИРО ҚИЛИНИШИ

Биринчи қоғоз пуллар Хитойда Тан сулоласидан бўлган император Сяньцзун (805–820 йиллар) даврида пайдо бўлган. Аммо қоғоз пуллардан кенг миқёсда фойдаланиш бир ярим асрдан кейин Сун сулоласи даврида бошланди. Бу даврда иқтисодиёт ва ички бозорнинг жадал ривожланиши умумхитой бозорининг шаклланишига ва иқтисодиётнинг айланма воситаларга бўлган талаби кескин ўсишига олиб келди. Афсуски, ҳукмдорлар қоғоз пул ихтиросидан кўпчилик ҳолларда молиявий қонунларга зид равишда фойдаланган ва улар томонидан асоссиз равишда кўплаб чиқарилган қоғоз пуллар инфляцияга олиб келган ва 1020, 1160, 1166, 1217, 1236 ва 1448 йиллари ҳукумат пул ислоҳотини ўтказишга мажбур бўлган.

Натижада 1455 йили ҳукумат қоғоз пулларни ишлатишдан воз кечди ва улар 500 йилга муомаладан чиқарилди. Фақат XIX асрга келиб европаликлар таъсири остида Хитой қоғоз пулларни яна ишлаб чиқара бошлади.

Қадимги Хитой олимларининг кўплаб ихтиро ва кашфиётлари инсоният томонидан унутилиб, фақат янги даврда уларга қайтилди. Қоғоз пуллар ҳам XVI–XVII асрларда Европада янгидан кашф этилди ва шу даврдан бошлаб бутун дунёга кенг тарқалди.



1160 йили чиқарилган Хитой қоғоз пули – Хуэйцзи.





КАДИМГИ МИСР
ТАФАККУРИ
ЕАГОРНИКАРИ



ҚАДИМГИ МИСР МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Милоддан авв. I асрда яшаган грек (юнон) олими сицилиялик Диодорнинг жаҳонга машҳур, 40 китобдан иборат «Тарихий кутубхона» асаридан бизгача фақат 14 китоби етиб келган. Бу асарда география, тарих, фалсафа, эстетикага доир қимматли билимлар берилган. У ўз асарида Миср табиати ҳақида ёзади:

30. Миср мамлакати, асосан, шимолдан жанубгача чўзилган: гўзал табиати, тоғлари – ёвлардан мудофаага қулайлиги билан Рим империясидан бошқа мамлакатлардан ажралиб туради¹ Мисрнинг ғарбий чегараларида ваҳший ҳайвонлар кўп бўлган Ливия саҳросига туташ, шарқ тарафи дарё (Нил) билан ҳимояланган, бошқа тарафлари эса чўллар ва «тубсиз» ботқоқликлар билан ўралган.

31 Мамлакатининг тўртинчи тарафи Ўрта Ер денгизига туташ бўлиб, денгиздан бу ёққа келувчи кемалар 5 минг стадийга қадар узок соҳилларга кўнимгоҳ топишга жуда қийналади. Фарос ороли (денгиздан орол ва қирғоқ дамба билан тўсилгани учун) бундан мустасно. Мисрнинг денгиз тарафидаги соҳиллари яқинида сув остида узун чўзилган қумлик саёзликлар бор...

Мисрни ҳар тарафидан табиатнинг ўзи ҳимоя қилади. Соҳиллари 2 минг стадийга, қуруқлик қисмидаги тоғликлар 6 минг стадийга тенг. (1 км = 6 стадий, 184 метр – 1 стадий.)

32. Нил дарёси Мисрга етганида кенлиги 10 стадийга (бир ярим кмга) яқин ва у тўғри оқмай, айланалар, бурмалар, гирдоблар ҳосил қилиб, гоҳ ғарбга, гоҳ жанубга, гоҳ орқага қараб оқади, сабаби – дарё йўлида баланд тоғлар бўлиб, даралар, тик қоялар орасидан узокларгача оқиб, баъзида орқага ҳам оқишига тўғри келади. Баҳорда сув кўпайганида тоғликлар сув остида кўринмай қолади. Дарё ўз йўлида узок-узокларда остоналар, шаршаралар ҳосил қилади. Нил дарёси остоналарининг кўплари Миср ва Ҳабашистон (Эфиопия) чегараларидадир.

Нил баланд тоғлар орасидан узок йўл босиб, денгизга яқинлашганида олти, етти қисмларга бўлиниб, катта ҳавзани ташкил этади. Нилнинг

¹ Диодор яшаган даврда Мисрни Рим империяси босиб олган эди (тарж.).

шарқий ирмоғи Пелусия, иккинчиси – Тинит, кейингилари Мендес, Фатний, Сабания, Бўлбутия, Канопа дарёлари деб аталади.

34. Нил ҳавзасининг катталиги Сицилия каби, уч тарафи 750 стадий, асосий тарафи денгизга етганида 1300 стадийни ташкил этади. Ирмоқлар ўртасида орол бўлиб, ирмоқлар бир-бирига инсон қўли билан бунёд этилган наҳрлар (каналлар) билан туташган. Шу орол Нил олиб келган турли оқиндилар, лойқалар йиғилгани сабабли ер унумли, ҳосилдор, турли мевазорлари билан хушманзара бўлиб, баъзи жойлари ботқоқлик, лойли жойларида қамишли тўқайзорлар бор.

36. Сув кўтарилганда Нилни кўрган одам ҳайратланади. Ёз чилласида жазирама иссиқда бошқа дарёларда сув камайиб кетса, Нил дарёсида кундан-кунга сув кўпайиб, охири деярли бутун Мисрни сув босади. Сув кўпайганида оқим секинлашиб, тоғлардан, қирлардан келаётган балчиқ, лойлар, чўкиндилар сув босган ерларда қолиб, тайёр унумли ўғитга айланади ва у ерларда мўл ҳосил етишади. Сув тошганида қуруқликда яшовчи баъзи ҳайвонларни (кўй, эчки, ҳўкиз, сигирларни) оқишиб, чўктиради, баъзилари ўлиб кетади, баъзилари тепаликларга қочиб, жон сақлаб қоладилар.

Нил сувининг қачон ва қанчага кўтарилишини одамлар махсус тайёрланган Нилўлчагичдан фойдаланиб, аввалроқ айтиб турадилар ва аҳоли шунга қараб, мол-ҳолларини юқорироққа олиб бориб кўяди. (Демак, Нилўлчагич Аҳмад Фарғонийдан минг йиллар аввал бўлган, кейин бузилиб, йўқолган, сўнг Аҳмад Фарғоний янги Нилўлчагич қуриб берган – тарж.)



ҚАДИМГИ МИСР МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Миллоддан авв. I асрда яшаган грек (юнон) олими сицилиялик Диодорнинг жаҳонга машҳур, 40 китобдан иборат «Тарихий кутубхона» асаридан бизгача фақат 14 китоби етиб келган. Бу асарда география, тарих, фалсафа, эстетикага доир қимматли билимлар берилган. У ўз асарида Миср табиати ҳақида ёзади:

30. Миср мамлакати, асосан, шимолдан жанубгача чўзилган: гўзал табиати, тоғлари – ёвлардан муодофаага қулайлиги билан Рим империясидан бошқа мамлакатлардан ажралиб туради¹ Мисрнинг ғарбий чегараларида ваҳший ҳайвонлар кўп бўлган Ливия саҳросига туташ, шарқ тарафи дарё (Нил) билан ҳимояланган, бошқа тарафлари эса чўллар ва «тубсиз» ботқоқликлар билан ўралган.

31 Мамлакатининг тўртинчи тарафи Ўрта Ер денгизига туташ бўлиб, денгиздан бу ёққа келувчи кемалар 5 минг стадийга қадар узоқ соҳилларга қўнимгоҳ топишга жуда қийналади. Фарос ороли (денгиздан орол ва қирғоқ дамба билан тўсилгани учун) бундан мустасно. Мисрнинг денгиз тарафидаги соҳиллари яқинида сув остида узун чўзилган қумлик саёзликлар бор...

Мисрни ҳар тарафидан табиатнинг ўзи ҳимоя қилади. Соҳиллари 2 минг стадийга, қуруқлик қисмидаги тоғликлар 6 минг стадийга тенг. (1 км = 6 стадий, 184 метр – 1 стадий.)

32. Нил дарёси Мисрга етганида кенглиги 10 стадийга (бир ярим кмга) яқин ва у тўғри оқмай, айланалар, бурмалар, гирдоблар ҳосил қилиб, гоҳ ғарбга, гоҳ жанубга, гоҳ орқага қараб оқади, сабаби – дарё йўлида баланд тоғлар бўлиб, даралар, тик қоялар орасидан узоқларгача оқиб, баъзида орқага ҳам оқишига тўғри келади. Баҳорда сув кўпайганида тоғликлар сув остида кўринмай қолади. Дарё ўз йўлида узоқ-узоқларда остоналар, шаршаралар ҳосил қилади. Нил дарёси остоналарининг кўплари Миср ва Ҳабашистон (Эфиопия) чегараларидир.

Нил баланд тоғлар орасидан узоқ йўл босиб, денгизга яқинлашганида олти, етти қисмларга бўлиниб, катта ҳавзани ташкил этади. Нилнинг

¹ Диодор яшаган даврда Мисрни Рим империяси босиб олган эди (тарж.).

шарқий ирмоғи Пелусия, иккинчиси – Тинит, кейингилари Мендес, Фатний, Сабания, Бўлбутия, Канопа дарёлари деб аталади.

34. Нил ҳавзасининг катталиги Сицилия каби, уч тарафи 750 стадий, асосий тарафи денгизга етганида 1300 стадийни ташкил этади. Ирмоқлар ўртасида орол бўлиб, ирмоқлар бир-бирига инсон қўли билан бунёд этилган наҳрлар (каналлар) билан туташган. Шу орол Нил олиб келган турли оқиндилар, лойқалар йиғилгани сабабли ер унумли, ҳосилдор, турли мевазорлари билан хушманзара бўлиб, баъзи жойлари ботқоқлик, лойли жойларида қамишли тўқайзорлар бор.

36. Сув кўтарилганда Нилни кўрган одам ҳайратланади. Ёз чилласида жазирама иссиқда бошқа дарёларда сув камайиб кетса, Нил дарёсида кундан-кунга сув кўпайиб, охири деярли бутун Мисрни сув босади. Сув кўпайганида оқим секинлашиб, тоғлардан, қирлардан келаётган балчиқ, лойлар, чўкиндилар сув босган ерларда қолиб, тайёр унумли ўғитга айланади ва у ерларда мўл ҳосил етишади. Сув тошганида қуруқликда яшовчи баъзи ҳайвонларни (қўй, эчки, ҳўкиз, сигирларни) оқизиб, чўктиради, баъзилари ўлиб кетади, баъзилари тепаликларга қочиб, жон сақлаб қоладилар.

Нил сувининг қачон ва қанчага кўтарилишини одамлар махсус тайёрланган Нилўлчагичдан фойдаланиб, аввалроқ айтиб турадилар ва аҳоли шунга қараб, мол-ҳолларини юқорироққа олиб бориб кўяди. (Демак, Нилўлчагич Аҳмад Фарғонийдан минг йиллар аввал бўлган, кейин бузилиб, йўқолган, сўнг Аҳмад Фарғоний янги Нилўлчагич қуриб берган – тарж.)



ДУАФ ЎҒЛИ ҲЕТИНИНГ ЎЗ ЎҒЛИ ПЕПИГА МАСЛАҲАТИ

Мазкур асар, Ўрта подшоҳлик (мил. авв. XV–XII аср) даврида ёзилган бўлиб, унинг икки нусхаси Британия музейида сақланади. Қадимшунос олимлар фикрича, болаларини хат-саводли, илмли бўлишга чақирувчи бу маслаҳат бўлғуси мирзалар ўқийдиган мактабларда дарс сифатида ўқилган.

О, ўғлим, сени китобларни онангдай яхши кўрадиган қилиб тарбия қила олсам, илмнинг хазина эканлигини сенга билдира олсам эди. Котиблик, мирзаллик касби барча касблардан аъло... Бўлғуси мирзани болалик чоғида ҳам ҳурматлайдилар. Бундай болага бирор иш буюрсалар, тез бориб келиб, яна белига пешбанд боғлаб, оғир меҳнатини давом эттирмайди.

Мен ҳайкалтарошни ёки заргарни югурдак қилиб ишлатганларини кўрмадим. Лекин мен мискар-темирчини босқон ўчоғи олдида куймаланаётганини кўрдим. Темирчининг қўллари яғир бўлиб, қўл териси тимсоҳникидай, бадани балиқ увилдириғи каби сассиқ эди.

Мискар-ўймакорнинг иши деҳқоннинг ишидан оғирроқ. Унинг даласи – ёғоч, қуроли темирдан. У кечаси, қўли ишдан бўшаганида ҳам олов ёқиш билан банд.

Тош йўнувчи-хожгарнинг иши тошдай қаттиқ, у ишни тугатганда ҳам қаттиқ чарчагани учун қўллари осилиб, шалпайиб қолади, тиззаси, елкаси оғрийди.

Сартарош тонгдан кечгача, кимнинг сочини олай, деб иш излайди. У қорнини тўйдириш учун қўли тинмайди, у оч қолса ўз асалини ейдиган боларига ўхшайди. Девор-пахса урувчиларнинг иши ҳам оғир, у очик ҳавода ишлаб, шамоллайди. Гоҳо устун нилуфарига осилиб ишлайди, кийимлари йиртиқ-ямоқ. Бир кунда бир марта ювинади. Тонгдан нонини уйига ташийди, болаларини уриб едиради.

Чоракор деҳқон йил бўйи бир кийимда. Овози абу қўшнининг овозидай дағал. У йил бўйи ишлаб, чарчайди. Унинг кўнгил «хотиржамлиги» арслон олдида турган одамникидай. Мардикор деҳқон доимо касал. Уйига жуда кеч қайтади, тез орада яна далага боради.

Тўқувчи доимо бир хонада ўтиради, аёлнинг юмушидан ҳам оғир. У оёғи билан қорнини тўйғизади. Очик ҳавога чикмайди. У бир кунда

(хожаси буюрганча) газлама тўқиёлмаса, аҳволи ботқоқдаги лотос-нилуфарга ўхшаб қолади. У дарвозабонга нон беради.

Чопар-хабарчининг иши ҳам оғир. У хорижга бориш олдидан, оиласи, фарзандларига васият ёзиб қолдиради, саҳрода арслонга ёки осиелик аскарга учраб, ўлиб кетишини ўйлайди. Мабодо у Мисрга эсон-омон қайтиб келолса, боғида, уйида бир неча кун бўлиб, яна хорижга кетади.

Бўёқчининг иши ҳам, сандалчи (дурадгор)нинг иши ҳам оғир. Кир ювувчилар дарё, сув ёқаси, тимсоҳлар хавфи остида ишлайди. Балиқчилар эса доимо тимсоҳлар олдида бўлади.

Фақат мирзанинг хожаси уришмайди, чунки унинг ўзи хожадир.



ИПУЗАР ҲАСРАТИ

Ўрта подшоҳликда ёзилиб, Янги подшоҳ даврида нусха кўчирилган (мил. авв. XVIII–XIII асрлар) бу ёдгорлик («Лейден папируси»)да қулдорликка қарши халқ озодлик кураши, зolim подшоҳ ва унинг амалдорлари енгилганидан қайғуга тушган собиқ мансабдорнинг ҳасрати ифодаланган. Баъзи қадимшунослар бу асар тарихий эмас, бадиий, саънат асари деб тахмин қиладилар. Етакчи қадимшунос В.В. Струве эса, бу ёдгорликда бадиий асар шаклида қулдорликка қарши ҳақиқатда содир бўлган камбағаллар ва қулларнинг кураши акс этади, деган фикрни билдиради¹

* * *

Ҳақиқатан, осиеликлар мисрлик бўлиб қолди, мисрликлар бегоналардай йўл четига улоқтирилди.

Ҳақиқатан, аввалги бойлар ҳовон келида дон туйиб, ун қилмоқда. Авваллари ипак либос кийганлар – энди калтак остида ишлайдилар. Авваллари тўрт девор орасида ёруғлик кўрмаганлар энди истаган жойига боради...

Ҳақиқатан, ғалла ҳамманики бўлди. Аввалги бойлар энди кийимга, атир-упага, мойларга муҳтож. Омборлар таланган, қоровуллар ерда йиқилиб ётибди. Бу фалокатлар кўнгилни ғаш қилади.

Қозилар маҳкамаси аввал қандай ҳашаматли эди. Энди қозихонадаги барча жазо ҳукмлари, тилхатлар, ҳужжатлар талон-торож қилинди, махфий рўйхатлар йўқ қилинганди.

Ҳақиқатан, архивлар сочилди, васиқалар, шартномалар йўқ қилинди. Кечаги қуллар бугун хожа бўлиб қолди.

Ҳақиқатан, тўралар қатл этилди. Ҳужжатлари тортиб олинди. Котиб-мирзалар ҳам, улар ёзган рўйхатлар ҳам йўқ қилинди. Миср ғалласи умумхалқники бўлиб қолди.

¹ Хрестоматия по истории Древнего мира. – Москва, «Просвещение», 1991 – С. 31

Ҳақиқатан, қозихона, жазолов маҳкамасининг айблов ҳужжатлари йиртилиб, ерга сочилди, чорраҳаларда одам уларни босиб энди ахлатхонага айланди. Буюк қасрларга энди оддий одамлар кириб-чиқиб юрибди.

Ҳақиқатан, тўраларнинг болалари энди кўчага ҳайдалди...

Қаранглар: ёнғин олови борган сари баландга чиқаётгани учун юртимиз душманларини аланглатмоқда. Қаранглар, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ғалати ишлар бўляпти. Камбағаллар подшоҳни ҳибсга олдилар.

Қаранглар: қонунбилмас озгина одамлар подшоҳлик ҳокимиятини йўқ қилдилар. Мамлакат пойтахти бир соатда вайрон қилинди. Қаранглар, Миср фуқаролари ўз ерларига ўзи сув очмоқда (Аввалари тўралар рухсат берса суғориларди. Тарж.)

Қаранглар: ғалати ишлар бўлди. Илгари ўзига оддий кулба қуролмайдиган одамлар – энди ҳашаматли уйларнинг эгаси бўлиб қолди. Подшоҳнинг саройида яшовчи тўралар қувиб чиқарилди. Аввалги нозиктаб хонимлар энди ташландиқ кемаларда яшамоқда. Собиқ вазирлар энди омборхоналарда ишламоқда. Аввалги бойлар энди бир бурда нонга зор. Илгари девор тагида ётганлар – ҳозир безакли уйларда. Аввал зеб-зийнатли либос кийганлар – энди жулдур кийимда. Илгари умрида тоза кийим киймаганлар – энди ипакли либосларда. Илгари кичик қайиқ ҳам тополмаганлар – ҳозир кемаларнинг эгаси. Кемаларнинг аввалги эгалари – энди уларни узоқдан кўрадилар. Аввалги камбағаллар, энди бойларга айланди. Мамлакатга аввал раҳбарлик қилганлар, энди қочиб кетмоқдалар. Баъзилари тиланчилик қилмоқда. Аввал қасрда яшаганлар – энди қуруқ ерда ётибди. Аввал ахлатхонада ётганлар – энди қасрда, юмшоқ сарирларда (диванларда), нозик-нафис хонимлар энди очлиқдан азобланмоқда. Аввалги мансабдорлар чўпонсиз ҳар ёққа ёйилган мол, қўйлардай, уларни бир ерга йиғувчи чўпон йўқ.

Қаранглар: илгари ер ҳайдашга қўш ҳўкизи бўлмаган деҳқон – энди сурув-сурув йилқиларнинг эгаси. Илгари егани бир ҳовуч дони бўлмаган одам – энди ғалла омборининг эгаси. Илгари одамларга иш буюрган – ҳозир ўзлари ўша ишни бажарадилар. Энди аввалги вазирларнинг буюрганига ҳеч ким қулоқ солмайди. (Маҳаллий) халқнинг аҳволи оғирлашмоқда. Мамлакат ҳалокат ёқасига келиб қолди.

Қаранглар: далада буғдойни ўрганлар – энди ўзи учун ўрмайди. (умумхалқ мулки бўлгани учун – М.М.) Ер ҳайдамаганларга ҳам ғалла

берилмоқда. Котиб-мирза ишсиз ўтирибди. (Демак, унга ҳеч ким шикоят, ариза ёздирмаяпти.)

Бу ёдгорликдан биламизки, жуда қадим замонларда ҳам золимларга, жабр-зулмга, коррупциячи ҳокимият, қонунлар билан халқни эзувчиларга қарши халқ озодлик ҳаракатлари – революциялар бўлиб турган. Кейинги замонларда Англия, Германия, Францияда ҳам буюк революциялар бўлган, аммо инқилобчилар ҳам кўп ҳолларда адолат ўрнатмагани учун монархиялар қайта тикланган. Фақат адолатли, маърифатли давлат раҳбарларигина халқ манфаатини ўйлаб иш қилганлар (тарж.).



СОЗАНДА (АРФА ЧОЛҒУВЧИ) ҚЎШИҒИ

Бу қадимий ёдгорлик Ўрта подшоҳликлар даврида подшоҳ Антефнинг мақбараси деворига, арфа (чилтор) чолғувчи аёл расмининг остига ёзилган.

Бир авлод ўтади, янги авлодлар келур.
Бир замонлар илоҳ дейилган подшоҳлар
Ўзига қурилган эҳромларда ётурлар.
Эҳромларига кўмилган бу олийжаноб,
Шон-шуҳратли одамлар қурган ажиб қасрлар.
Қайда эди, топилмайди ўрни ҳам.
Қарагин, қайда эди улар?..

Вақтнинг аёвсиз зарбаларидан,
Йўқолади подшоҳларнинг қабри ҳам.
Борларининг деворлари йиқилган,
Билиб-бўлмас қайда эди улар ҳам.
Улар гўё ҳеч қачон яшамагандай,
Кетганлардан бирортаси келмади қайтиб,
Келса эди, не борлигин берарди айтиб.
Айтишарди унда нега муҳтожлигини,
Биз ҳам ўша томонларга борамиз дея,
Хотиржамлик топар эди бизнинг кўнглимиз
Улар кетган жойга биз ҳам боргунимизча.

Қара, ҳеч ким ўзи билан олиб кетмабди,
Умри бўйи топган бойлик, ашёларини.



ПАНДНОМАЛАР МАҚТОВИ

Бу сўзлар мил. авв. 2 минг йилликда (яъни, бундан 4 минг) йил аввал папирусга ёзилган бўлиб, Қадимги мисрликлар таълим ва тарбияга хизмат қилувчи устозлар, донишмандларнинг сўзлари жуда қадрли бўлганини.

Донишмандлар ўзларига мисдан пирамида – эҳромлар қурмадилар, туруж-бронзадан қабрларга ҳайкал қўймадилар. Устозлар ўз фарзандларига мол-мулкларни мерос қилиб қолдирмадилар.

Уларнинг мероси – ёш авлодларга айтган панд-насихатлари, ҳикматли сўзларидир. Бошқалар уйлар, эшиклар қурдилар – ҳаммаси мангу қолмади. Ҳокимларнинг видо сўзлари ҳам мангу қолмади. Мақбаралар харобага айланди. Фақат улар ёзган китобларида айтган сўзлари йўқолмади, мангу қолди. У китобларни ёзганларнинг номлари ҳам йўқолмади, мангу қолди.

Инсон умри санокли, у бир куни ўлади, тупроққа қорилади. Уни эсловчи қариндошлари ҳам ўлиб кетади. Лекин унинг қилган ишлари китобларда сақланиб қолади. Унинг ҳаёти ҳақида бошқалар ёзган китоблар ҳам мангу яшайди.

Донолар айтган сўзларни устозлар доимо (ёшларга) эслатадилар. Донолар машҳур бўлишни истаб эмас, одамларнинг яхши, фозил, оқил бўлишини истаб ёзадилар. Тириклигида донолар ўзларини танитмайдилар, одамлардан яшириниб ёзадилар. Аммо одамлар уларнинг ёзганларидан донолигини билиб оладилар.

Донолар ўзлари йўқ бўлиб кетса ҳам, ёзган ҳикматлари ўлмайди, яшашда давом этади. Уларнинг номлари ҳам, сўзлари ҳам доимо эсланади.



ПОДШОҲ ХУФУ ВА СЕҲРГАРЛАР

Қадимги Миср бадиий адабиётида магияга, сеҳр-жодуга қизиқиш катта бўлгани Ўрта подшоҳликлар даврида ёзилган бу фантастик ҳикояда равшан кўринади. Бу асарда Хуфу (Хеопс) фиръавн деб аталмай, подшоҳ деб аталгани, илоҳ деб улуғланмагани, оддий инсонлардай ажойиботларга қизиқиши, подшоҳнинг уч ўғли отасининг кўнглини ёзиш учун биттадан сеҳр-жоду ҳақида ҳикоя айтиб бериши тасвирланади. Бу қадимий асар ёзилган папирусни Мисрга саёҳатга борган олмон аёли Весткар сотиб олиб, Германияга олиб келади ва қадимшунос олим Р Лепсга совға қилади (1839 й.). У, папирус ёзувлари ўчиб кетмаслиги учун рассом Вейденбахга икки марта иероглифларни кўчиртиради. Яхши ҳам кўчиртирган экан, йиллар ўтиб, папирус ёзувларининг баъзи қисмлари ўчиб кетади. Асарнинг боши ва охири ўчиб, йўқолган. Мисршунос олимлар Масперо, Эрман ва бошқалар ўқиб, олмонча таржимаси билан нашр этган эдилар.

Юқори ва Қуйи Миср подшоҳи Хуфу (Хеопс) оламдан ўтган подшоҳ Жосер хотирасига қурбонлик учун мингта нон, бир ҳўкиз, юз кўза шарбат ва бошқалар берилсин, деди.

Подшоҳ Хуфу ҳазрати олийлари айтгандай қурбонлик қилинди.

Шундан сўнг подшоҳнинг ўғли Хефрен ўрнидан турди ва (отасининг рухсати билан) гап бошлади:

– Жаноби олийлари Набқо бобонгиз кўрган бир мўъжиза ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Ул зоти олийлари Мемфисдаги маъбуд Птах ибодатхонасига борганида бир воқеа устидан чиқибди.

Бош нозир Убай (уйига хабарчи юбориб) хотинига: «Подшоҳимиз учун бир сандиқ кийим юборгин», – дебди. Хотини бир сандиқ асл кийим-кечаклар юборибди.. Шундан сўнг Убай жорияси билан сандиқни подшоҳ ҳазрати олийларига тақдим этибди. Бош нозирнинг хотини (уйда ёлғиз қолганда) бир нажас (ёмон одам) унга: «Убайнинг боғида соясалқин айвонча бор, кел, иккаламиз ўша боғда роҳатланамиз», – дебди. Аёл рози бўлибди. Иккаласи боғдаги айвончада тонг отгунча роҳатланишибди. Сўнг нажас ҳовузда чўмилибди. Бу воқеани уй хизматкори

Болиназир Убайга айтиб берибди. Нозир Убай унга: «Уйимда арча ёғочидан ясалган, тилла нақшли сандиқчам бор, ўшани олиб кел», дебди. Айтганини хизматкор олиб келибди.

Нозир Убай сандиқчасидан қаттиқ мум олиб, ундан етти қарич узунликда бир тимсоҳ ясабди. Сўнг сеҳрли дуоларни ўқибди. Сўнг уни хизматкорига бериб: «Ўша одам яна келса, ҳовузда чўмилаётган вақтида бу мум тимсоҳни ҳовузга ташла», – дебди.

Нозир Убайнинг хотини яна ўз хушторини боғдаги айвончага чақирибди. Хизматкорига айтиб, тўкин дастурхон безатибди. Яна тонггача роҳатланишибди. Сўнг нажас одатдагидай, ҳовузда чўмилибди. Шу пайт хизматкор ҳалиги мум тимсоҳни ҳовузга ташлабди. Мум тимсоҳ етти қулочли катта тимсоҳга айланибди.

Нозир Убай подшоҳ ҳазрати олийлари ёнида бир ҳафта қолиб кетибди. Шу етти кун ичида хотинининг ўйнаши нафас ополмай ҳовузда қолиб кетибди. Сўнг нозир Убай подшоҳ Набқо ҳазрати олийларига: «Менинг боғимга борсангиз бир мўъжизани кўрасиз», – дебди.

Улар боғдаги ҳовуз олдига келибдилар. Убай мум тимсоҳни ўз олдига чақириб: «Нажасни олиб кел!» – дебди. Тимсоҳ сувга шўнғиб, нажаснинг ўлигини олиб чиқибди.

Юқори ва Қуйи Миср подшоҳи Набқо ҳазрати олийлари бунни кўриб: – Жуда қўрқинчли тимсоҳ экан», – дебди. Шунда Убай сувга энгашиб, тимсоҳни қўлига олган экан, у яна кичик мум тимсоҳга айланиб қолибди.

Шунда нозир Убай подшоҳ ҳазрати олийларига хотини шу нажас билан бузуқлик қилганларини айтиб берибди. Сўнг подшоҳ мум тимсоҳга: «Ўз ўлжангни олиб кет!» – деб буюрибди. Мум тимсоҳ яна ростакан тимсоҳга айланиб, нажасни тишлаб олганича сувга шўнғиб, кўздан ғойиб бўлибди.

Шундан сўнг Юқори ва Қуйи Миср подшоҳи Набқо ҳазрати олийлари Убайнинг хотинини (эрига хиёнат қилгани учун) пойтахт шимолидаги далага олиб бориб, ёқиб ташлашга фармон берибди. Убай шундай қилибди. Хотини ёндирилгач, кулини дарёга сочишибди. Подшоҳ Хуфуга ўғли Хефрен (бўлғуси подшоҳ, у ҳам ўзига эҳром қуради) бобоси, Юқори ва Қуйи Миср подшоҳи Набқо замонида содир бўлан мўъжиза мана шу экан.

Юқори ва Миср подшоҳи Хуфу ҳазрати олийлари бу ҳикояни тинглаб, бобоси хотирасини эъзозлаб, хайр-эҳсон қилиш учун мингта нон, юз кўза шарбат, бир хўкиз, икки ярмоқ мушк-анбар берилиши ва нозир Убай хотирасига ҳам (озроқ) хайр-эҳсон қилишни буюрди.

Подшоҳ ҳазрати олийлари айтганидай хайр-эҳсон қилдилар.

Шундан сўнг подшоҳ Хуфунинг (ўртанча) ўғли Бавуфр (Бавфур) «Рухсатинг билан», – деб гап бошлади»

– Ҳазрати олийлари, мен сизга отангиз Снефру подшоҳлиги вақтида кўрилган бир мўъжиза ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Ўша вақтда отангизга ибодатхона бош нозири Жузжон-Яманҳо бир мўъжизани кўрсатган экан.

Кунлардан бирида подшоҳ Снефру ҳазрати олийлари (нима қиларини билмай) зерикканидан сарой аъёнларини чақириб, уларга «Бирор кўнгилочар машғулот топинглар», – дебди улар. – Бундай ҳайратангиз сеҳр-жодуларини Жузжон-Яманҳо билади» дебдилар. Подшоҳ ҳазрати олийлари:

– Боринглар, бош коҳин, китоб ёзувчи Жузжон-Яманҳони бу ерга олиб келинглар! – деб буюрибди.

Ўша заҳоти бош коҳинни топиб келтиришибди.

Подшоҳ Снефру ҳазрати олийлари унга:

– Мен сарой аъёнларини бирор кўнгилочар машғулот топинглар, деб чақирган эдим, улар тополмадилар, балки сен топарсан, – дебди.

Бош коҳин Жузжон-Яманҳо бундай маслаҳат берибди:

– Подшоҳ ҳазрати олийлари, сарой яқинидаги кўлда қайиқда сайр қилинг Қайиқни саройингиз ҳарамидаги энг гўзал канизаклар эшкак эшиб ҳайдасин, улар билан қайиқда кўлнинг бу соҳилидан-у соҳилигача сайр қилиб қайтсангиз, канизакларнинг қайиқ ҳайдашини ва табиатнинг хушманзара жойларини кўриб, кўнглингиз очилади, – дебди.

Подшоҳга бу таклиф маъқул келибди.

– Яхши, мен қайиқда кўл бўйлаб сайр қиламан. Қайиқнинг бир тарафида ўнта, иккинчи тарафида ўнта канизак ўтириб эшкак эшадилар. Ҳар бири асл обон ёғочидан, сопи олтин билан безатилган йигирмата эшкак топиб келинглар. Бир-биридан чиройли, хушқад, кўкрақдор, онаси ўпмаган йигирмата канизак эшкак эшсин. Йигирмата ипак тўр кўйлак келтиринг, канизаклар сайр вақтида ечиниб, шу тўр кўйлақларда бўлсин, – дебди подшоҳ.

Подшоҳ айтган ҳамма нарсаларни тайёр қилибдилар.

Канизаклар эшкак эшиб, кўлда (бир неча марта) у ёққа, буёққа сузиб, сайр қилибдилар. Канизаклардан бири сочини тузатмоқчи бўлиб, кўлини кўтарганида феруза тақинчоғи сувга тушиб кетибди. Канизак эшкакни эшмай, жим бўлиб қолибди¹ Унинг қаторидаги бошқа канизаклар ҳам эшкак эшмай ўтирибдилар. Подшоҳ (ажабланиб):

¹ Қайиқ текис сузиши, эшкаклар тенг эшиши учун «Хайр, ҳо» деб хитоб қилар эдилар.

– Нимага эшкак эшмаяпсизлар? – деб сўрабди.

Қизлар:

– Етакчимиз эшкак эшмай, жим бўлиб қолди, нимагадир хафа бўла-
япти, – дебдилар.

Подшоҳ ҳазрати олийлари етакчи канизақдан:

– Нимага эшкак эшмаяпсан? – деб сўрабди.

Канизақ:

– Сочимни тузатай деб қўлимни кўтарганимда, феруза тақинчоғим
сувга тушиб кетди, – дебди.

Подшоҳ ҳазрати олийлари унга:

– Ўрнига бошқасини бераман, – дебди.

Канизақ:

– Ўзимники жуда яхши эди, уни излайлик, – дебди.

Подшоҳ ҳазрати олийлари (бошқа қайиқдаги) хизматчиларга:

– Тез бош қоҳин Жузжон-Яманҳони топиб келинглар! – дебди.

Бош қоҳин тез етиб келибди.

Подшоҳ ҳазрати олийлари бош қоҳинга:

– Эй, қоҳин, мен сен айтгандай қайиқда канизақлар билан сайр қил-
дим, кўнглим ёзилди. Лекин шу орада етакчи канизақларимдан бири-
нинг феруза тақинчоғи сувга тушиб кетибди. У овоз чиқармай, эшкак
эшмай қолди, унинг қаторидагилар ҳам эшмай қолдилар. Мен унга: «Ўр-
нига бошқасини бераман», – дедим. У «Ўзимники яхши эди», – деди.

Шундан сўнг бош қоҳин кўлга қараб, сеҳрловчи қандайдир дуо ўқиган
эди, кўл иккига бўлиниб, ярим кўл суви бошқа ярмининг устига чиқиб,
ярмининг таги кўринди. Феруза тақинчоқни олиб канизақка бердилар.
Ўша вақтда кўл суви чуқурлиги 12 қулоч эди, бир ярми иккинчи ярмига
тахлангач, сув қалинлиги 24 қулочга етди.

Шундан сўнг бош қоҳин Жузжон-Яманҳо қандайдир сеҳрли дуо ўқиб,
кўл сувини аввалги ҳолига қайтарибди. Подшоҳ ҳазрати олийлари бар-
ча сарой аъёнлари билан бирга кун бўйи байрам қилибдилар, ўйнаб-
дилар. Сўнг подшоҳ ҳазрати олийлари бош қоҳин Жузжон-Яманҳони
турли ноз-неъматлар билан тақдирлади.

Ўғли Бевфур шу мўъжиза ҳақида ҳикоясини тугатди. Подшоҳ Хуфу
хурсанд бўлиб: «Юқори ва Қуйи Мисрнинг аввалги подшоҳи Снеф-
ру хотирасига мингта нон, юз кўза шарбат, бир хўкиз қурбонлик учун
берилсин!» – деб буюрди. Подшоҳ «Китоб ёзувчи, бош қоҳин Жузжон-
Яманҳонинг (сеҳргарлик) санъати билан танишдим», – дея уни ҳам тақ-
дирлади.

Подшоҳ ҳазрати олийларининг фармони бажарилди.

Шундан сўнг подшоҳ Хуфунинг учинчи ўғли Дад-Фахр ўрнидан ту-
риб, сўз бошлади:

– Қиблагоҳ, отажон, сиз ҳаётдан ўтган одамларнинг сеҳр-жодуси
ҳақида ҳикояларни эшитдингиз. Улар кўрсатган мўъжизалар ростдан
бўлганми, бўлмаганми – билиш қийин (бу воқеалардан рост-ёлғонни
ажратолмаймиз). Мен ҳозир яшаб турган бир сеҳргарни биламан.

– Ким экан у, ўғлим? – сўради подшоҳ ҳазрати олийлари.

Подшоҳ ўғли Дад-Фахр айтди:

– Мен айтаётган сеҳргар оддий одам, исми Диди, у ҳозир 110 ёшда
(кўп овқат ейди). У бир ойда 500 та нон, яримта буқа гўштини еб, юз кўза
шарбат ичади. У довюрак, арслоннинг арқонини бўшатиб олиб юради.
Кесилган бошни ўрнига қўя олади. У илоҳ Тот мақбарасининг яширин
хоналари қаердалигини билади. Ҳазрати олийлари, сиз ўша яширин хо-
наларни тополмаётган эдингиз.

Подшоҳ ҳазрати олийлари:

– Ўғлим Дад-Фахр, ўша одамни ўзинг бу ерга олиб келасан! – деб
буюрди.

Подшоҳ ўғли Дад-Фахр учун бир неча кема тайёрлатди, бу кемалар-
да Нил дарёсида жануб тарафга сузиб, Жад-Снефру шахрига етдилар.
Соҳилга тушганлардан сўнг арча ва сандал дарахтидан ясалган маҳо-
фаларда қуруқликда анча юрдилар. Дидининг уйига етганларида шаҳ-
зода маҳофадан тушди ва ҳовлига кирди. Диди ҳовлидаги супада бўйра
устиде ётар, бир хизматкори унинг бош томонида сочини тарар, бошқа
хизматкори унинг оёғини уқалар эди.

Подшоҳ ўғли Дад-Фахр унга салом бериб, деди:

– Ёшингиз улуг, лекин қаримагансиз, ажал келишга, дафн этилишга,
барча касалликлардан, қийновчи йўталдан халос бўлиб, кундузи ҳам
ухлаб ётадиган кунингизга ҳали анча бор.

Ҳурматли қарияларга шундай салом берар эдилар.

– Мен бу ерга подшоҳ отам Хуфу топшириғи билан келдим. Сизни
саройда тансиқ, ширин, аъёнларга муносиб таомлар билан меҳмон қи-
лишмоқчи. Сиз энди умрингиз охиригача, отангиз кетган жойга йўл олгу-
нингизча яхши яшайсиз.

Диди унга жавоб қайтарди:

– Саломат бўл, Дад-Фахр, подшоҳимизнинг суюкли ўғли. Отанг ака-
ларингдан кўра сени яхши кўради. Сенинг Кайинг душманинга ғолиб
бўлсин, Байинг йўли сени ҳориганларни дам олдирувчи Зотнинг ҳузури-
га етказсин. – Подшоҳ ўғлига шундай салом берар эдилар.

Шундан сўнг Дад-Фахр кўлини узатиб, паҳлавон қарияни ўрнидан турғизди. Сўнг уни кўлидан ушлаб, етаклаб, денгиз (дарё) бўйига келдилар.

Сеҳргар чол Диди иккита қайиқда болаларини ва ёзган китобларини олиб келинлар, – деди. Айтганини қилдилар. Сўнг булар ҳаммаси подшоҳнинг ўғли кемасига жойлашиб, оқим бўйлаб сузиб кетдилар.

Пойтахтга етганларидан сўнг Дод-Фахр отаси, Юқори ва Қуйи Миср подшоҳи Хуфу ҳазрати олийларига кўриниб, сеҳргарни олиб келгани ҳақида хабар берди:

– Подшоҳим, ҳазрати олийлари, Дидини (пойтахтга) олиб келдим.

Ҳазрати олийлари:

– Уни даргоҳимизга олиб кел, – деди. Сўнг подшоҳ сарой кўриниш хонасига бориб, тахтига ўтирди.

Подшоҳ ҳазрати олийлари унга деди:

– Нима учун шу вақтгача, Диди, сени кўрмаган эканмиз?

Диди жавоб берди:

– Чақирилган жойга борилади, давлатпаноҳ! Мана, чақирибсиз, келдим.

Подшоҳ ҳазрати олийлари сўради:

– Айтишларича, сен кесилган бошни яна ўрнига қўя олар экансан?

Дадий айтди:

– Ҳа, давлатпаноҳ, бу ишни уддалайман.

– Зиндондаги бир маҳбусни келтиринг, уни шу ерда қатл этинглар, – деди подшоҳ.

Диди айтди:

– Ҳазрати олийлари, мен сеҳримни фақат ҳайвонларда кўрсатаман.

(Бунга подшоҳ рози бўлди) у бир ғоз келтиришни буюрди. Ғознинг бошини кесиб, танасини аркнинг ғарб томонидаги девор олдига, бошини шарқ томондаги девор олдига қўйдилар. Диди сеҳр-жоду қилувчи қандайдир дуони ўқиди. Шу заҳоти ғознинг танаси ва боши ҳаркатга келиб, бир-бирига интилди. Улар бир-бирига етиб бирлашди ва ғоз «ғо-ғо»-лай бошлади.

Шундан сўнг бошқа бир ғозни олиб келишди. У билан ҳам шундай мўъжиза содир бўлди.

Кейин бир буқани олиб келишди. Унинг ҳам боши кесилди. Сеҳргар Диди яна дуо ўқиб, буқани ҳам асл ҳолатига қайтарди. Буқанинг бўйнидаги арқони ерда судралиб қолди.

Шундан сўнг подшоҳ Хуфу ҳазрати олийлари сеҳргар Дидидан бир қийин масалани сўради.

– Айтишларича, сен илоҳ Тотнинг мақбарасидаги яширин хоналарни очувчи махфий рақамларни билар эмишсан, шу гап тўғрими?

Диди айтди:

– Ҳазрати олийлари, рухсатингиз билан айтаман, мен сиз айтган махфий рақамларни билмайман. Мен фақат ўша махфий рақамларни сизга ким олиб келишини биламан.

Подшоҳ ҳазрати олийлари сўради:

– Хўш, ким олиб келади?

Диди жавоб берди:

– Ра-адад хоним туғадиган уч ўғилнинг каттаси олиб келади.

Подшоҳ ҳазрати олийлари дедилар:

– Яхши айтдинг, аммо Ра-адад хоним деганинг ким экан?

Сеҳргар (китоб ёзувчи) Диди айтди:

– Ра-адад хоним – Саҳоба шаҳри ҳукмдори бўлмиш бир коҳиннинг хотини. У маъбуд Радан ҳомиладор. Ра унга айтибдики, хонимдан туғилладиган уч ўғилдан каттаси Гелиополда (Юқори ва Қуйи Масрнинг пойтахти Менфисда) бош коҳин бўлади.

Бу сўзларни эшитиб, подшоҳ ғамгин бўлиб қолди. Диди айтди:

– Хафа бўлманг, ҳазрати олийлари. Уч гўдак сизни яхши кўради. Камина башорат қилиб айтганманки, аввал сизнинг ўғлингиз, сўнг унинг ўғли (неварангиз), кейин Ра-адад хонимнинг уч ўғлидан бири бош коҳин бўлади.

– Подшоҳ (Хуфу) ҳазрати олийлари сўради:

– Ра-адад қачон туғар экан?

– У мана шу қиш мавсумининг ўн бешинчи куни туғади.

Подшоҳ (Хуфу) ҳазрати олийлари айтди:

– Бу вақтда икки хут – балиқ наҳрининг шаршараларидан ўтиб бўлмайди, бўлмаса, мен наҳрдан (сув камайса) ўтиб, Саҳоба шаҳри ҳукмдори (ҳокими) Ра ибодатхонасини зиёрат қилардим.

Сеҳргар Дадий айтди:

– Мен наҳр шаршараларида сувни (камайтириб) чуқурлигини тўрт қаричга келтираман.

Шундан сўнг подшоҳ Хуфу ҳазрати олийлари ўз саройига қайтди ва фармон берди:

– Сеҳргар Диди шаҳзода Дад-Фахрнинг уйида яшаб турсин, унга егулик учун мингта нон, юз кўза шароб (бўза), битта хўкиз гўшти ва юз боғлам кашнич берилсин.

Подшоҳ Хуфу ҳазрати олийлари буюрган ишларни қилдилар.

Кунлар ўтиб, Ра-адад туғадиган вақти етди, аммо унинг туғиши кийинлашди. Саҳоба ҳукмдори, маъбуд Ра унга тобе маъбудалар: Исида, Нафтида, Месхенат, Ҳакат ва Ахнумга фармон берди:

– Боринглар, Ра-адад учта чақалоқ туғади, унга ёрдамлашинглар, унинг болалари улғайганда бутун мамлакатни обод қиладилар, сизларни эъзозлаб, жомелар қурадилар, меҳробларингизни ноз-неъматларга тўлдирадилар.

Айтилган маъбудалар раққосаларга айланиб, Ра-ададга ёрдамга етиб келдилар. Ахнум уларнинг чолғу асбобларини кўтарди. Улар борганларида Ра-ўсар (ҳоким) хотинининг белбоғини ечган, белбоғ осилиб турган экан¹

Улар Ра-ўсарга чилдирма ва шақилдоқларни кўрсатдилар.

– Хонимлар, азизаларим, аёлим мана бу белбоғ ечилса ҳам туғишга қийналмоқда.

Маъбудалар айтдилар:

– Рухсат этинг, биз аёлингизни кўриб қўяйлик, биз унинг туғишига ёрдам берамиз.

Ра-ўсар деди:

– Кўринг, майли.

Улар Ра-адад олдига келиб, хона эшигини беркитдилар. Исида аёлинг олди тарафига, нафтида орқа тарафига ўтирдилар. Улар ёрдам бера бошладилар.

Исида айтди (аёл қорнидаги чақалоққа):

– Эй бола, сенинг исминг Ўсар-Раф (Қувватбек) бўлса ҳам, она раҳмида юмшоқ бўлгин, – деди.

Шу заҳоти бўйи бир қулоч, суяги бақувват чақалоқ она раҳмидан Исиданинг қўлига шилқиллаб тушди. Боланинг чўчоғи тилладай, пешонаси ферузадай эди.

Маъбудалар боланинг киндигини кесиб, чўмилтириб, ғишт супа устига қўйдилар.

Сўнг Месхенат унга яқин келиб, дуо қилди:

– Бу бола бутун мамлакатга подшоҳ бўлади!

Ахнум эса болага соғлиқ ато қилди.

Сўнг Исида яна Ра-ададнинг олди тарафига, Нафтида орқа тарафига, Ҳакат ўртасига ўтириб, унинг туғишига ёрдам бердилар.

Исида айтди:

– Эй бола, сенинг исминг Саҳ-Ра бўлса ҳам, ҳозир юмшоқ бўлгин.

¹ Туғадиган хотиннинг белбоғини ечиш одати шарқ халқларида ҳозиргача сақланиб қолган (тарж.).

Шу заҳоти чақалоқ она раҳмидан Исиданинг қўлига шилқиллаб тушди, боланинг бўйи бир қулоч, чўчоғи тилладай, пешонаси ферузадай эди.

Маъбудалар боланинг киндигини кесиб, чўмилтириб, ғишт супа устига қўйдилар¹

Сўнг Месхенат боланинг яқинига келиб, дуо қилди:

– Бу бола ҳам бутун мамлакатга подшоҳ бўлади.

Маъбуд Ахнум болага соғлиқ ато қилди.

Сўнг Исида яна Ра-ададнинг олди тарафига, Нафтида орқа тарафига ўтдилар. Ҳакат туғишга ёрдамлашди.

Исида она раҳмидаги болага айтди:

– Эй бола, сенинг исминг Коку бўлса ҳам, она раҳмида юмшоқ бўлгин.

Шу заҳоти чақалоқ Исиданинг қўлига шилқиллаб тушди. Боланинг бўйи бир қулоч, чўчоғи тилладай, пешонаси ферузадай эди.

Сўнг Месхенат боланинг яқинига келиб, дуо қилди:

– Бу бола ҳам бутун мамлакатга подшоҳ бўлсин!

Маъбуд Ахнум болага соғлиқ ато қилди.

Маъбудлар чақалоқнинг киндигини кесиб, чўмилтириб, ғишт супанинг устига қўйдилар.

Маъбудлар аёлга уч болани туғишга ёрдам берганларидан сўнг, ташқарига чиқиб, Ра-ўсарни табрикладилар:

Уч ўғилли бўлдинг, Ра-ўсар, хурсанд бўлавер.

Ра-ўсар деди:

– Эй, хонимлар, маликаларим, яхшилигингизни қандай қайтарай?

Ақалли мана шу арпани хизматкорингиз кўтариб кетсин, сизга бўза тайёрлаб берсин. Маъбуд Ахнум арпани қопни кўтариб олди.

Маъбудлар келган жойларига қайтдилар. Сўнг Исида бошқа маъбудларга бундай деди:

– Биз келиб, онасига уч чақалоқни туғишга ёрдамлашдик, лекин бу болаларнинг отасига (Қуёш маъбуди Рага) айтиб беришга арзигулик бирор мўъжиза кўрсатмадик. Маъбуд Ра бизни шу ишга (уч болани туғишга ёрдам беришга) юборган эди.

Маъбудлар учта подшоҳлик тожини тайёрлаб, қопдаги арпага қўшиб қўйдилар. Сўнг улар осмондан бўрон ва ёмғир сўрадилар² Кейин орқаларига қайтиб, (бир қоп) арпани Ра-адад уйининг хизматчисига бериб:

¹ Ғишдан шер ҳайкали ясаиб, ўғлимиз шердай бўлсин деб ният қилар экан.

² Учта чақалоқнинг келгусида бўрон ва ёмғирлардай қудратли ва сахий подшоҳлар бўлсин, деб тилак айтиш одати бўлган (М.М).

– Мана бу бир қоп арпани усти ёпиқ жойга беркитиб қўинглар, биз уни Шимолда рақс тушиб, қайтганимизда оламиз, – дедилар.

Шундан сўнг маъбудлар буғдойли қопни (қулфлаб) беркитиладиган жойга қўйдилар.

Кейин она – Ра-ададнинг 14 кунлик тозаланиш иддаси ўтди. Сўнг бека хизматкор аёлдан сўради:

– Уйда ҳамма нарса етарлими?

Хизматкор аёл айтди:

– Уйда ҳамма ноз-неъматлар етарли, фақат хумлар олиб келинмаган.

Ра-адад сўради:

– Нима учун хум олиб келинмаган?

Хизматкор аёл айтди:

– Уйда таом тайёрлаш учун раққосалар қолдириб кетган бир қоп арпадан бошқа ҳеч нима йўқ.

Ра-адад айтди:

– Пастга тушиб, ўша арпадан озроқ олиб кел, Ра-Ўсар қайтиб келганида яна ўрнини тўлдириб қўяди.

Хизматкор аёл пастки хона (қазноқ)ни очиб, ичкарига кирганда подшоҳларга хос байрам – ашула, рақс, олқиш овозлари эшитилди. У орқасига қайтиб, бекасига эшитганларини айтиб берди. Ра-адад ўша хонага, бошқа барча хоналарга кирса ҳам, чўри айтган овозларни, шовқин-суронни эшитмасди. Шундан сўнг у арпали қопга қулоғини тутган эди, бу овозлар ўша ердан чиқаётганини тушунди.

Шундан сўнг аёл бу нарсаларни бир сандиқчага солди ва уни ўзининг қимматбаҳо нарсалари солинадиган хонага олиб кириб, хонани қулфлаб қўйди.

Ра-Ўсар қишлоқдан уйига қайтганида хотини унга бўлган воқеани (шовқинли овозларни) айтиб берди. Ра-Ўсар роса шодланди. Қалби чексиз шодликка тўлди. Иккаласи хурсандчилик билан кун ўтказдилар.

Орадан неча кунлар ўтиб, Ра-адад чўриси ишни вақтида (айтганидай) қилмагани учун жаҳли чиқиб, уни калтаклашга буюрди. Чўри уйдаги одамларга:

– Бекамиз мени ноҳақ калтаклатди. Бекамиз учта бўлғуси подшоҳни туққан. Мен буни Юқори ва Қуйи Миср подшоҳи Хуфу ҳазрати олийларига айтиб бераман, – деди.

Чўри аввал она бир, ота бошқа акасини учратди. У зиғир пояларини ўриб, боғлаб ғарам қилаётган экан.

– Йўл бўлсин, қизалоқ, – сўради акаси.

Чўри акасига бекаси ҳақида бўлган воқеаларни гапириб берди.

Акаси айтди:

– Бу ишинг – чақимчилик, ёмон, мени ҳам чақувга шерик қилмоқчимисан?!

Шундай деб, акаси сингисини зиғир пояси билан ура бошлади. Чўри юз-қўлини ювиш учун дарё бўйига бориб, сувга энгашган эди, тимсоҳ тишлаб тортиб кетди.

Чўрининг акаси бу хабарни айтиш учун Ра-ададнинг уйига келди. Қараса, Ра-адад боши эгилган, чексиз қайғуга ботиб ўтирибди.

У аҳвол сўради:

– Бекажон, сизни ким бундай хафа қилди?

Бека жавоб берди:

– Уйимиздаги қизалоқни калтаклаган эдим, у менинг уч чақалоғим ҳақида айтаман, деб уйдан чиқиб кетди.

Акаси бош эгиб, таъзим қилиб айтди:

– Бекажон, чўрингиз аввал менга учради. Мен уни қаттиқ урдим. У юз-қўлини ювишга дарёга энгашганида, тимсоҳ уни олиб кетибди...

(Папируснинг охири йўқ)

ҚИШЛОҚЛИК СУХАНДОН

Қадимги Мисрда давлат бошқарувининг нутқ маданияти, нотиклик санъати масалаларига катта эътибор берганини ушбу папирусларда битилган ҳикоядан билиш мумкин. Мутахассислар фикрича, ушбу ҳикоя олий таълим мактабларида намуна сифатида ўқитилган. Ҳозир бу папирус нусхалари Британия, Берлин музейларида сақланади. Уни ҳикоя ҳам, эртак ҳам дейиш мумкин. (М.М.)

МУҚАДДИМА

Ўтган замонда Водийи Натрум (Тузли водий)¹ деган жойда Хивануп² исмли киши яшаган экан. Унинг Мара (Марям) исмли хотини бор экан.

Шу киши бир кун хотинига бундай дебди:

– Қулоқ сол, мен Мисрга, болаларимиз учун озиқ-овқат ғамлаб келиш учун тушмоқчиман. Сен омборда ўтган йилдан қолган арпадан (арпа унидан) нон ёпиб бер.

¹ Водийи Натрум – Аччиқтош водийси, Нил ҳавзасидан баландда эди.

² Бу исм маъбуд Анупис химоясидаги одам дегани.

Хотини унга 3 ботмон арпа унини олиб чиқиб берибди.

Қишлоқи хотинига бундай дебди:

– Мана бу икки ботмон арпа унидан сен ўзинг ва болаларга нон ёпиб еб турасизлар. Унинг олти ботмонидан мен сафарда ейишим учун нон ёпиб, бўза тайёрлайсан.

Қишлоқи Мисрга олиб бориб сотиб, ўрнига озиқ-овқат олиш учун эшакларига қуйидаги деҳқончилик ҳосилидан юклабди: ийа ўсимликлари, турли қимматбаҳо тошлар, нару, укос қушлари, кабутарлар, шифобахш гиёҳлар.

ҚИШЛОҚИ ВА ҚАРОҚЧИ

Қишлоқи (шу юклари билан) жанубга, Нени-Несут (Грек-Рим даврида Буюк Гереклеполис) томонга йўл олди. Мадёниёт шимолидаги Парфи вилоятига келганида дарё соҳилининг тор йўлагига (ўтган-кетганларни талайдиган Тўхтанехт исмли қароқчига учради. У Исарий исмли кишининг ўғли бўлиб, ота-бола подшоҳлик мол-мулклари идорасининг бошлиғи Ренсининг хизматчилари эдилар.

Шу Тўхтанехт йўлда кетаётган қишлоқининг эшакларини ва улардаги юкларни кўриб, уларга кўнгли кетди. Ўзига деди: «Эҳ, бир ажойиб иш қилайки, анави қишлоқининг барча мол-ҳоли меники бўлиб қолсин!»

Ўша Тўхтанехтнинг уйи дарё ёқасидаги тепалиқда бўлиб, йўл жуда тор, бир ёғи сув, бир ёғи арпа даласи экан.

Тўхтанехт хизматкорига буюрибди:

– Тез бориб, уйимиздан оқ дастурхон олиб кел!

Хизматкор оқ дастурхонни дарров олиб келибди.

Тўхтанехт оқ дастурхонни йўлга шундай ёйибдики, унинг бир чети сувга, бир чети арпазорга тегиб қолибди.

Қишлоқи эл қатори тор йўлдан келаверибди.

Бояги Тўхтанехт уни огоҳлантирибди:

– Ҳой, қишлоқи, эҳтиёт бўл, менинг кўйлагимни босиб ўтма!

Қишлоқи йўлидаги оқ дастурхонни босмасликка ҳаракат қилибди.

– Мен сен айтгандай тўғри келаяпман, – дебди ва юқориқадан юрибди.

Тўхтанехт яна огоҳлантирибди:

– Эй, қишлоқи, менинг арназоримни босиб ўтмоқчимисан?

Қишлоқи Ҳуванпу айтибди:

– Мен тўғри йўлдан юрибман. Соҳил йўли жуда тор, сен йўлга арпа экибсан. Бир ёғига кўйлагингни ёйибсан. Оқ матоҳингни ол, мен ўтиб олай.

Шу вақт қишлоқининг эшаги арпазорга кириб, донни ямлай бошлабди.

Тўхтанехт буни кўриб деди:

– Бу эшагинг арпамни егани учун меники бўлди. Энди бу эшак фақат арпа ғарамини босиб, дон ажратади.

Қишлоқи айтди:

– Сен тор йўлни атайлаб тўсгансан. Эшагим озгина арпангни егани учун тортиб оляпсан. Мен бу жойларнинг бошлиғи Ренси ибн Меруни яхши биламан. У бутун мамлакатда ким йўлтўсарлик, талончилик қилса жазолайди. Мен одил бошлиқнинг ерларида қароқчига учрадимми?

Тўхтанехт айтди:

– Мақолни эшитмаганмисан?.. Хизматкорнинг исми хожасининг исмидан кейин айтилади. Мен сен тўғрингда гапирсам, сен мулклар бошлиғи ҳақида гапиряпсан! (Мен ўша бошлиқнинг хизматчисиман).

Шундай деб, Тўхтанехт қўлига яшил таёқ олиб, қишлоқини аямай ура бошлади. Эшакларини ҳам юклари билан олиб кетишди.

Қишлоқи (жисми ва кўнгли оғриб), ўтириб хўнграб йиғлади. Ўша Тўхтанехт яна дўқ қилди.

– Ўчир овозингни, қишлоқи, сен ҳозир Индамаслар олами яқинидасан!

Қишлоқи айтди:

– Сен мени урганинг етмай, молларимни тортиб олганинг етмай, шикоят сўзларимни ҳам ўғирламоқчисан. Мен Индамаслар олами ҳукмдорига илтижо қиламан. Эй жимжитлик ҳукмдори! Менинг молларимни ўғридан қайтариб олиб берсанг, оҳ-воҳ қилиб, сенинг тинчингни бузмайман.

(Индамаслар оламидан садо чиқмади) Қишлоқи Ҳув-Ануп яна ўн кун давомида Тўхтанехтга «Молларимни қайтариб бер», деб ялинди, аммо у қишлоқининг ёлворишига қулоқ солмади.

(Қишлоқи бошлиқ Ренсига арз қилади)

Шундан сўнг қишлоқи Ҳув-Ануп жанубга, Нени-Несут (Гелиополь)га подшоҳлик ерлари бош ноziри Меру ўғли Ренсига шикоят қилиш учун йўл олди. У шаҳарга етиб борган вақтида Меру ўғли Ренси идорасига бориш учун хизматчи қайиғига тушмоқчи бўлиб турган экан.

Ҳалиги қишлоқи унга бундай деди:

– Мен мазлумнинг арзини тинглаб, яхшилик қилсанг қалбинг шодланади. Ёрдамчинга айтгин, у менинг арзимни тинглаб, сенга етказсин.

Подшоҳлик мулклари бош ноziра Меру ўғли Ренси ёрдамчисига қишлоқи арзигўйнинг шикоятини билишга юборди. Ёрдамчига қишлоқи қандай масалада келганини бутун тафсилотлари билан айтиб берди.

Подшоҳлик мулклари бош нозири Меру ўғли Ренси хизматчиларини йиғиб, Тўхтанехтнинг қилмишига қандай жазо беришни муҳокама қилдилар. Хизматчилар бундай дедилар:

– Афтидан, бу қишлоқи Тўхтанехтга қарашли қишлоқдан келган. Мол, резаворларини унга топширмай, бошқа ёқда сотмоқчи бўлган. Бизнинг хизматчиларимиз ўз еридан маҳсулотларни бошқа ёққа олиб кетишаётганида уларни ўзиники бўлгани учун олиб қоладилар.

Бир ҳовуч натрум ва бир чимдим туз учун Тўхтанехтни жазолаш тўғри бўлмаса керак. Яхшиси, унинг резаворларини ва аччиқтошларини қайтариб бер, дейлик. У қайтариб берсин.

Подшоҳлик мулклари бош нозири Меру ўғли Ренси индамади, ўз амалдорларига ҳам, ўша қишлоқига ҳам жавоб қилмади.

(Қишлоқининг биринчи нутқи)

Шундан сўнг қишлоқи Хуванпу шикоят қилиш учун подшоҳлик ерлари бош нозири Меру ўғли Ренси қабулига келди ва бундай деди:

– Эй, подшоҳлик ерларининг бош вазири, менинг хошам, улуғларнинг улуғи, борларнинг ва йўқларнинг (бойлар ва йўқсилларнинг) раҳбари!

Сен адолат дарёсида сузаётганингда кеманг елканлари йиртилмайди, кеманг секинлашмайди, елкан устунлари синмайди. Кеманг соҳилга яқинлашганда саёзликда ўтириб қолмайди, дарё тўлқини кемангни оқизиб кетмайди, дарё сенга макр-ҳийла қилмайди, хизматчиларинг кўрқув билмайди.

Балиқлар кўрқиб, сендан мадад сўрайди, сен фақат семиз қушларни авайлайсан. Чунки сен етимларга ота, беваларга боқувчи, оиласи бузилганларга ака, онаси йўқларга ҳимоячисан.

Сенинг очкўзликдан узоқ, тубанликка бегона, ёлғонни фош этувчи, ҳақиқатни ғолиб қилувчи, мазлумнинг фарёдига етгучи улуғ зот эканингни бутун мамлакат бўйлаб қонунга мувофиқ овоза қилишимга рухсат бер.

Сен сўзимни тингла, адолат қил, эй, мақталганларнинг мақтовларида мақталган зот! Мен фалокатга учрадим, ғам-қайғунинг оғир юки остида эзилдим! Дардимга даво қил, сенинг мададинга зорман, эй жанобим!

(Подшоҳлик фармони)

Ўша қишлоқи шу нутқини Юқори ва Қуйи Миср подшоҳи, ҳазрати олийлари Набқавра замонида айтган экан.

Марв ўғли Денси подшоҳ ҳазрати олийлари ҳузурига келиб, бундай деди:

– Жаноби олийлари, мен бир хушсухан, адолат изловчи қишлоқини топдим, менинг хизматчиларимдан бири унинг молларини зўравонлик қилиб тортиб олибди. Қишлоқи хизматчимизнинг устидан шикоят қилиб келибди.

Подшоҳ ҳазрати олийлари бундай деди:

– Сен мени соғ-саломат (адолатли) бўлишимни истасанг, ўша қишлоқининг ишини тез битирма, токи унинг шикоят сўзларини кўпроқ эшитайлик. У нима деса ҳам, сен индамай туравер. (Котибларга айт) унинг сўзларини ёзиб олсинлар. Сўнг бизга ўқиб берадилар. Аммо унинг оиласи, болаларини оч қолдирманглар. Одатда, қишлоқилар уйда озиқ-овқат қолмаганидан шаҳарга (сотгани мева-чева) олиб келадилар. Қишлоқининг ўзи ҳам оч қолмасин, озиқ-овқатини бериб турунглари. Фақат сен бераётганингни билмасин.

Қишлоқига ҳар куни ўнта нон, икки кўза шароб бериладиган бўлди. Марв ўғли Ренси ўз ёрдамчиси орқали шуларни қишлоқига етказиб берар эди.

Шундан сўнг подшоҳлик мулклари бош нозири Марв ўғли Ренси Водийи Натрум ҳукмига қишлоқи (Хуванун)нинг хотинига ҳар куни уч миқдор озиқ-овқат бериши ҳақида буйруқ юборди.

Ана шу қишлоқи бош нозир Ренсига иккинчи марта бундай мурожаат қилди:

– Эй подшоҳлик мулкларининг бош нозири, хошамиз! Улуғларнинг улуғи, бойларнинг энг бойи! Осмонларни боқувчи, ерларнинг устун, тарзининг шайини! Кема дарғаси, йўлингдан адашма! Қийшайма, эй устун! Торози палласи, бойларга оғма!

Буюк хожанинг хизматчилари ўзини ҳимоя қилолмайдиган, ёлғиз одамни талайдими? Сен камбағал одамнинг ризқ-насибасини тортиб оласан, ахир сен бировнинг нон-сувиға муҳтож эмассан-ку? Ҳар банданинг бошига ўлим келади, сен ҳам мангу яшамайсан.

Тарозидан уриб қолиш гуноҳ, ҳалол, адолатли одамга ёвузлик қилиш – гуноҳ. Қара! Кўз ўнгингда ҳақиқат топталмоқда. Амалдорлар халқни қийнамоқда, адолат очкўзлар қўлида, сўроқ қилувчилар порахўр. Ўғрини ушлаш керак бўлган одам ўзи ўғрилиқ қилмоқда. Шифо берувчи одам ўзи касал, ёлғончи, каззобларни жазоловчи одам ўзи каззоб. Фалокатни аритувчи одам ўзи фалокат келтиради, ёмонларни жазоловчи ўзи қароқчи.

Подшоҳлик мулкларининг бош нозири Марв ўғли Ренси айтади:

– Менинг хизматкорим сени тутиб олишини ўйламай, ҳа деб тортиб олинган нарсаларингни гапираверасанми?

Қишлоқи гапини давом эттираверди:

– Ғаллани ўлчаб, тортиб, қабул қилувчилар ўз фойдасига нотўғри ўлчайдилар, бировларга фойда етказаман дегувчилар зарар етказадилар. Қонунга амал қилишни текширувчилар ўзлари қонунни бузадилар, ўғирлик қил, дейдилар. Бу пасткашликларга ким чек қўяди? Адолат қилувчилар ўзлари адолатсизлик қиладилар. Баъзилар ёлғондан ўзини ҳалол қилиб кўрсатади, яна баъзилар тинимсиз ёвузлик қиладилар. Бу ишлар сенга алоқадор эмасми?

Яхшилик тез бажарилади, ёмонлик узоқ давом этади. Олийжаноб, хайрли ишнинг жавоби, албатта, қайтарилади. Донолар айтади: «Яхшиликни яхшилик қилувчиларга қилсангиз яхшилик кўпаяди» Яхшилик қилинса, ёмонликнинг олди олинади, ўз қўл остидагиларга, одамларга яхшилик қил деб буюриш ҳам яхшилик қилишдир.

О, агар бир зумда (довул) сенинг тоқзорларингни вайрон қилганида, уйингдаги қушларга (товуқ, хўрозларга), тўқайингдаги қушларга ўлат келганида (камбағалларнинг аҳволини билардинг). Энди кўзи очиқ кўр бўлипти, қулоғи эшитмай, кар бўлипти, устоз йўл кўрсатиш ўрнига, йўлдан урувчи бўлипти!

Сен ҳозир кучли, қудратлисан, кўлинг эгри, дилинг очкўз. Аввал камтарин эдинг, энди такаббурсан. Сен бахтсиз қилган одамларнинг аҳволи аянчли! Сен илоҳ Тимсоҳ хабарчисига ўхшаб қолибсан. Сен вабо, ўлат тарқатувчи маликадан бадтар даҳшатли бўлибсан. Унда ҳам, сенда ҳам виждон, инсоф йўқ. Сенга ўхшаб у ҳам ҳеч кимга яхшилик қилмайди.

Бой одамга камтарлик ярашади, камбағал эса йўлтўсарлик қилишга мажбур. Бойлар буни жинойт дейдилар! Ўзлари ҳеч нарсага муҳтож эмас-да. Ўғри-ку, оч қолмаслик учун ўғирлайди. Сенинг хизматчиларинг нимага ўғирлайди.

Сен, катта амалдор, нонга зор эмассан-ку, сен ўзинг бўзаю майларинг билан мастсан...

Дарға кемани бошқармаса, тўлқинлар уни оқизиб кетади. Подшоҳ ўз оромгоҳида, кема чамбари сенинг кўлингда. Атрофингда эса ноҳақликлар, жинойтлар содир бўлмоқда. Шикоятчилар, арзгўйларнинг кети узилмайди, иллатларини ҳеч ким тузатмайди. Хизматчилар шикоятчиларга эътиборсиз, «Ким экан у, нимага келипти», – дейдилар.

Сен мазлумларга паноҳ бўл, соҳилинг тинч бўлсин, соҳилда тимсоҳлар гиж-гиж...

Тилинга эҳтиёт бўл, сўздан адашма. Инсон тили сабабли ҳалокатга учрайди. Ёлғон сўзлама.

Амалдорларингни назорат қил. (Баъзи) амалдорларинг бир сават мевага сотилади, ёлғончилик – асосий касби, улар ёлғон гапиришдан роҳатланадилар.

Сен ҳамма одамларнинг ишларидан хабардор одам, менга зулм қилинганидан хабардор эмассан!

Эй, фалокатга учраганларнинг халоскори, мен ўз кемамга етолмай чўкаётирман. Сен кемаси ҳалокатга учраб, чўкаётганларни қутқариб, соҳилга олиб чиқасан..

(Қишлоқининг учинчи нутқи)

(Эртасига) қишлоқи учинчи марта шикоятини бошлади:

– Эй, хожам, бош нозир, сенинг хизматчиларинг осмон, сен Ра (қуёш) сан. Нил суви (бахорда) кўпайгани каби, сен ҳам одамларга яхшиликларингни кўпайтирасан. Сен Хапи (Нил) каби, қишдан чиқиб, қуриган тақир ерларга янгидан ҳаёт бағишлайсан, ўтлоқларни яшнатасан.

Қароқчи – золимни жазола, мазлумни ҳимоя қил. Арз билан келганларни дарё тўлқинидай қайтарма, мангу ҳаёт (охират) яқинлигини ўйла. Узоқ яша, «Хайрли иш инсон учун нафас олувчи ҳаво» деган мақолни эсла.

Агар золимни жазоласанг, энг покиза ҳаёт кечирган бўлсанг, инсонлар орасида тенгсиз бўласан.

Ахир тарози паллалари тенг бўлса, алдамайди. Тик турган тарози адашмайди. Тарозинг бузуқ бўса, кўп ноҳақликлар қиласан!

Тўғри тарози бўл, уч ҳақиқатга содиқ бўл! Ул ҳақиқат бузилса, сен ҳам кўп ноҳақликлар қиласан!

Яхшилик ва ёмонликни фарқла, яхши ёмонлик қилмас.

(Агар жавобинг бўлмаса) менинг шикоятим санамгул чирмовгулдан ҳам узайиб, чўзилиб кетади. Бундай гул чўзилган сари атрофинга хушбўйлик таралади. Майли, сен гапирмасанг, мен гапиравераман...

Агар сен кема елканларини (шамолга) тўғрилаб, ҳайдасанг адолат соҳилига етасан. Аммо сен кема чамбараги арқонларига ўралашиб қолсанг, саёзликда ўтириб, сузолмай қоласан. Мамлакат кемасини мувозанатда ушлаб туриш адолатли бошқарувдир.

Шундай баланд мавқеда туриб, ёлғон гапириш, ноҳақлик қилиш сенга ярашмайди. Сендай эътиборли одам хато иш қилиши мумкин эмас. Оғмачи бўлма, чунки тарози сенинг кўлингда, сен ҳалолликда бошқаларга ибратсан.

Тарози билан сен бирсизлар, тарози қийшайса, сен ҳам қийшаясан. Кемангни тўғри ҳайда, бошқарув (руль) арқонини тўғри торт. Ўғрилиқ қилма, ўғриларни топиб, жазола. Кимнинг қалбида ҳарислик, очкўзлик бўлса, у буюк инсон эмас.

Сенинг тилинг – вақт-соатнинг тили, юрагинг тарози тоши, лабинг – тарозининг шайини. Сен золимларни кўриб, кўрмаганга олсанг, разолатни ким йўқотади?!

Адолат қилмасанг, қўйлақларни ифлосини тоза қилолмайдиган кир ювгучига ўхшайсан, бировдан топшириқ олиб, ўз дўстига чоҳ қазувчи хоинга ўхшайсан. Бундай одам ўз акасини эмас, ким унга нарса берса, ўшани ака дейди.

Сен бу ҳолингда одамлардан пул олиб, нариги қирғоққа ўтказиб қўядиган қайиқчига, нопок бўлса-да, ўзини ҳалолман дейдиган ёлғончига ўхшайсан.

Сен камбағалга дон бермайдиган омбор мудирига ўхшаб қолибсан. Одамлар сен учун майда, ожиз қушлар, сен эсанг қушларни тутиб егучи калхат бўлиб қолибсан.

Сен ўзинг сўядиган мол, қўйингни типирчилашини кўриб, роҳатландиган қассобга ўхшаб қолибсан.

Сен сурувларингни, мол-қўйларингни тимсоҳлар олиб кетса, қўриқлаёлмаган ношуд чўпонга ўхшаб қолибсан. Сен узоқда бўлганинг учун мол-қўйларинг қочишга паноҳ тополмайдилар.

Сен мазлумлар фарёдини эшитмайсан. Нима учун эшитмайсан?

Бугун мен (шу сўзларим билан) золим, зўравонга зарба бердим, тимсоҳ чекинмоқда.

Сени ҳам тергайдиган топилади. Ҳақиқат юзага чиқади, ёлғон фош этилади. Бугун зўрсан, лекин эрта бир кун ожиз қоласан (яъни, ўласан).

* * *

Қишлоқи бу нутқини мулкларнинг бош нозири Марв ўғли Ренсининг идораси олдида айтаётган эди. Бош нозир қўлида қамчиси бор икки хизматчисига буюриб, қишлоқини роса калтаклатди. Аммо қишлоқи сўздан тўхтамади.

* * *

– Демак, Марв ўғли ноҳақлик йўлида давом этмоқда. У ҳақиқатни кўрмайди, панд-насихатларни эшитмайди! Эй, бош нозир, сенинг мамлакатинг адолатли ҳукмдорсиз, жамоанг раҳнамосиз, кеманг дарғасиз бўлиб қолибди.

Сен амалдор ўғрига, порахўр шаҳар ҳокимига, қароқчиларни тутиш ўрнига ўзи қароқчилик қиладиган қози-ҳакамга ўхшаб қолибсан.

(Қишлоқининг тўртинчи нутқи)

Ана ўша қишлоқи яна бош нозир олдига келиб, тўртинчи шикоят нутқини бошлади. Бу вақтда Марв ўғли Ренси маъбуд Арсафас ибодатхонасидан чиқиб келаётган эди.

– Эй, маъбуд Арсафас мақтовини олган одам! Яхшилик қилинмади, ёлғон фош этилмади. Шу билан мақталадим, одам?

Қайиқ ҳали соҳилга етмади, кечик ҳали кечилмайди. Шунча гаплардан сўнг тонггача уйку келадими? Инсон кечаси кўчага чиқолмайди, кундузи эркин юролмайди, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилолмайди.

Бу сўзлар сенга таъсир қилмайди, сен камтаринликни йўқотибсан. Сен қанча одамларни бахтсиз қилдинг. Сен паншаханг билан сув отлари – бегемотларни, тўнғизларни овлайсан, балиқ тутасан, қушларга дом – тузоқ қўясан.

Тили билан дили бир, тўғри фикр айтувчи одам ҳозир топилмайди.

Марҳаматли бўл, ҳақиқатни билишга ҳаракат қил. (папирусда баъзи битиклар ўчиб кетган).

Ким ҳақиқатини билишни истасанг, сенга келаётган хабар, ахборотларни текшириб кўр. Куч-қудратингни суиистеъмом қилма, шунда бахтсиз бўлмайсан. Бир ишни эътиборсиз қолдирсанг, ўша иш яна чигаллашади.

Сенга арз билан келмоқдалар, сен эсанг парвосиз, тентаксан. Бе-парволигинг тентаклик белгиси. Ҳаёт тўлқинлари кемани истаган томонига оқизиб кетмоқда. (Сен сабабли) одамлар очликдан ўлмасин, тимсоҳларга ўлжа бўлмасин!

(Қишлоқининг бешинчи нутқи)

Ўша қишлоқи бош нозирга бешинчи марта мурожаат қилиб, бундай деди:

– Эй, подшоҳлик мулкларининг бош нозири! Балиқчилар барча турдаги балиқларни овлаб тугатмоқда. Сен шундай балиқчига ўхшаб қолибсан.

Ҳимоясиз, камбағал одамнинг бор-будини тортиб олма. Мазлум бор-будидан ажралса ҳалок бўлади, ҳавосиз нафас ололмай қолади.

Арзғўйнинг арзини тинглаш, у ҳақда ўйлаш, зўравон талончини жазолаш – сенинг вазифанг. Сен бўлсанг, ўғрини ҳимоя қиляпсан. Жино-

ятчини жазоламаганинг – ўзинг ҳам жиноятчи эканлигингни билдиради. Сен ожизларни жиноятчилардан сақлаш учун тўғон бўлишинг керак...

(Қишлоқининг олтинчи нутқи)

Ўша қишлоқи бош нозирга олтинчи марта мурожаат қилиб, бундай деди:

– Подшоҳлик мулкларининг бош нозири, хожамиз! Ҳар бир соф виждонли амалдор ёлғон гапларга ишонмайди, ҳақиқатни аниқлайди, яхшиларни тақдирлайди, ёмонларни жазолайди, очни тўйдиради, ялонғочни кийинтиради. Бундай раҳбар бўрон ва довулдан сўнг ҳаво очилиб, қуёш чарақлаб чиққандай, одамларни шодлантиради.

Лекин сенинг амалдоринг ундай эмас, у ноҳақ ишни ҳақ дейди, ўзи фирибгар, ўғри, одамларни севинтириш ўрнига йиғлатади. Муғамбир ҳақиқатни яширади. Агар тўғри қаралса, ҳақиқат кам ҳам, ортиқ ҳам бўлмайди.

Сен олимсан, оқилсан, етуксан, лекин бу фазилатлар сенга талончи, қароқчи бўлиш учун берилмаган. Сен бўлсанг, кўпчилик авом одамлар каби алдайсан. Мамлакатда энг уста фирибгарни одамлар энг ҳалол, пок одам деб ўйлайдилар. Зулм боғбони сенинг боғингни гуноҳлар суви билан суғоради, барча мулкларга фалокат келтирувчи ёлғонлар боғига айлантиради.

(Қишлоқининг еттинчи нутқи)

Ўша қишлоқи подшоҳлик мулкларининг бош нозирга еттинчи марта мурожаат қилиб, бундай деди:

– Эй мулклар бош нозири, хожамиз! Сен бутун мамлакат учун боқувчисан. Мамлакат кемаси сенинг фармонинг билан сузади. Сен тортишган томонларга тарафкашлик қилмай ҳакамлик қилувчи маъбуд Тотга ўхшайсан, иккинчи Тотсан.

Эй хожа! Ҳақ ишимни арз этишга рухсат бер. Жаҳлинг чиқмасин, сержаҳллик сенга ярашмайди. Кўзи ўткир одам ҳам баъзан олдидаги нарсани кўрмай қолади. Ҳали келмаган балога қайғурма, ҳали келмаган бахт-иқболга севинма, кўнгил кенглиги дўстликни узайтиради, ўтган кўнгилсиз гапни унуттиради. Ғайратнинг кўнглида яширин қандай нияти борлигини билиб бўлмайди.

Зуравон, талончи, қонунбузар ҳақиқатдан қочади.

Менинг жисму жоним ноҳақликдан вайрон бўлди. Мени ҳимоя қилувчи тўғон бузилиб, мени оқизиб кетди. Кўп сўзларни айтишга оғзим дар-

возаси очилди, мен чекаётган қайғумдаги сувни ташқарига чиқардим, лой бўлган либосларимни ювдим. Шу билан аҳволим ёмонлиги ҳақида шикоятимни сенга баён қилиб бўлдим. Яна нима керак сенга?

Сенинг бепарволигинг бошинга етади, ҳарислигинг (бойликка ўчлигинг) ҳалокатга элтади, душманларингни кўпайтиради. Менга ўхшаган шикоятчини бошқа тополмайсан. Бошқа шикоятчи мен каби остонангда узоқ кутиб, дардини айтолмайди. Бошқалар сендан кўрқиб гапиролмайдилар. Сен ухлоқни уйғотолмайсан, аҳмоқдан тўғри гап ололмайсан. Шикоятчининг оғзини очирмайсан, нодонни оқил қилолмайсан.

Аслида, сенинг амалдорларинг ёмонларни жазоловчи, яхшиларни тақдирловчи бўлиши керак. Улар сеҳр-жоду қилиб, ўликни тирилтирамиз деб мақтанадилар...

Сенга неча марта шикоят қилдим, қулоқ солмадинг. Энди сенинг устингдан арз қилиш учун маъбуд Анубис ҳузурига бораман.

ҲАҚИҚАТ ҒОЛИБ ЧИҚАДИ

Подшоҳлик мулкларининг бош нозири арзгўй қишлоқини қайтариш учун икки соқчи юборди. Қишлоқи кўрқди, бош нозир ҳақ гапларим учун мени ўлдиради, деб ўйлади. Аммо у ўлим ҳақлигини, чақалоққа она сути нақадар азиз бўлса, ўлим ҳам шундай азиз, деб тинчланди.

Бош нозир, Марв ўғли Ренси қишлоқига «Кўрқма, биз сени узоқроқ гапирсин, деб кеткизмаётган эдик, деди. У хизматчиларни чақириб, қишлоқининг котиблар ёзиб олган нутқларини ўқиттирди. Котиблар қишлоқининг ҳамма гапларини янги папирус – қамишқоғозга ёзиб олган эдилар. Шу битикни подшоҳ Набқавро ҳазрати олийларига етказдилар. Подшоҳ бу битикларни энг қимматбаҳо хазина сифатида сақлайди. Арзгўйнинг шикоятини ҳал этишни подшоҳ бош нозирга буюрди. Бош нозир қишлоқининг бор-будини тортиб олган хизматчи Тўхтанехтни ҳибсга олди. Унинг барча мол-мулкни мусодара қилинди. Қишлоқига барча нарсалари қайтариб берилди.



КЕМА ҲАЛОКАТИ

Азиз йўлчи деди: «Хотиржам бўл, етиб келдинг шоҳ кўшига ҳаммадан аввал, ёғоч болғани отдик соҳилга, заминга тез қоқилди қоқиқ, кема бурнидан арқон отилди.¹ Кема аҳли худога мадҳу сано айтиб, бир-бирин кучди. Етиб келдик талафот кўрмай, етиб келдик ҳеч кимса ўлмай. Бориб келдик Вовот диёрининг сарҳадларига. Санмавт оролидан ҳам ўтдик омон. Эсон-омон келдик ўз юртимизга. Сўзим тингла, орамизда каттамыз сенсан: таҳорат қил, бармоқларингни сув билан покла. Жим тинглагил сўзлашганда подшоҳ билан Сўраганда жавоб бергил хуш одоб билан. Чиройли сўзлагил, ширин сўз инсонга нажот келтиргай. Ширинсўз одамга шоҳ ҳам меҳрибон. Подшоҳ олдида чин дилдан, тутилмай сўзла: тезгина жавоб бер, қайсарлик қилма. Мен ҳам бир вақтлар сен каби подшоҳнинг конларини назорат қилгани бориб, денгиз сафарига йўл олган эдим. Кема катта эди, бўйига бир юз йигирма қулоч, энига қирқ қулоч эди. Бир юз йигирма сара денгизчи, мисрлик бари. Дадил қарашди еру осмонга, жасурликда менгзар арслонга. Яхши билар аввалроқдан бўрон, яшин чақишини Бўрон бошланди-ку, улар айтгандай Елканларда тез сузган билан биз заминга ета олмадик.

Кучайгандан-кучайиб бўрон, саккиз қулоч кўтарилди денгиз мавжлари. Шу замон йиқилди кема устуни, довул ичра чўка бошладик. Денгизчилар барчаси чўкиб, биргина мен омон қолгандим. Тўлқинлар мени улоқтирди соҳил томонга. Йиқилган дарахтлар шохлари аро уч кун қолиб кетдим ҳушимга келмай. Ҳамроҳим фақат кўнглим бўлди. Сўнг кўзғалиб, овқат изладим Яхшики, бу оролда зайтун, хурмо, узум, сабзи мўл экан. Одамзод экиб ўстиргандай, карамлар, бодринглар ҳам бор. Балиқ ҳам, қушлар ҳам мўл-кўл. Кўнгил тилайдиган барча ризқ-насиба тайёр. Тўйганимдан ортганини бир ерга қўйдим. Худога шукрона айтиб, олов ёқдим Шу пайт чақмоқ гумбурлади, ер силкиниб, дарахтлар қарсиллади. Денгиз томон қарасам бир аждар келяпти. Узунлиги ўттиз қулоч, соқоли икки қулоч. Қаноти-арраси, тилло(дек) ялтирайди, қошлари ёқутдай. Танаси тиккайган. Оғзини очиб, мен томон келмоқда. Мен ергача эгилиб унга таъзим қилдим. Аждар сўради:

¹ Аслиятда тош битикларга рақамлар қўйилган (тарж.).

– Эй бечора, сени бу ерга ким ташлаб кетди, сени кимлар ташлаб кетди? Агар у кимлигин айтмасанг, бир олов пуркасам, куйиб кул бўласан. Йўқ бўласан, сени ҳеч ким тополмайди! Мен жавоб бердим: «Сенинг олдинда кўркувдан ақл-ҳушим йўқолган» Шунда аждар мени оғзига солиб, ўз уясига олиб борди. Мен унинг очилган оғзида, таъзим, тавозе билан не дейишини кутдим.

Аждар яна саволини такрорлади: «Ким оролга келтириб ташлади?» Мен қўлимни кўксимга қўйиб, жавоб бердим: «Мени подшоҳим узунлиги бир юз йигирма қулоч, эни қирқ қулоч кемада, мисрлик бир юз йигирма сара денгизчи билан (олтин) конларини назорат қилишга юборди. Улар заминга ҳам, осмонга ҳам тик боқувчи жасур эдилар, улар ҳаво қачон айнашини, қачон бўрон бошланиб, яшин чақнашини олдиндан билар эдилар. Улар қалби журъатли, қўли қувватли эдилар. Орасида бирор кўрқоқ йўқ эди. Биз денгизда елканларни ёйиб бораётганимизда бирдан бўрон турди, қирғоқ узоқ эди, тўлқинлар ҳайбати саккиз қулоч эди, кема устуни синиб, чўка бошлади. Шу кема ҳалокатида бирорта денгизчи омон қолмади, фақат мени тўлқинлар шу оролга чиқариб ташлади. Мана энди сенинг даргоҳингданман.

Аждар деди: «Эй бечора кичкинтой, мендан кўрқма, қўлинг билан юзингни тўсма. Худо сени асраб қолибди ва шу оролга келтириб қўйибди. Бу оролда барча ноз-неъматлар бор. Энди сен шу ерда уч-тўрт ой яшаб турсанг, подшоҳинг юборган кема келиб қолади, сен подшоҳинг саройига, одамларинг орасига қайтасан ва (ажалинг етганида) ўз юртингда ўласан. Фалокатдан омон қолган одам нақадар бахтли. Менинг ҳаётим сеникидан қайғулироқ. Биз бу ерда етмиш беш илон, ака-укалар аҳил яшардик. Менинг Худодан дуо, илтижо қилиб тилаб олган жажжи қизалоғим бор эди. Самодан бир оловли юлдуз тушиб, барчасини куйдириб кул қилди. Ўша куни мен бу ерда йўқ эдим.

Буларнинг ҳаммаси бир уюм кул бўлганини кўриб, қайғудан ўлай дедим. Сен агар сабр-бардошли бўлсанг, уйингга қайтасан, хотинингни кучиб, болаларингни ўпасан. Ҳақиқий бахт мана шунда. Сен подшоҳнинг саройига қайтиб, ўз одамларинг орасида бўласан»

Мен бошим ерга теккунча Аждарга таъзим қилиб, бундай дедим:

– Подшоҳимга сенинг буюклигинг, куч-қудратинг ҳақида сўзлаб бераман. Менинг гапим билан подшоҳим сенга (бир кемада) хушбўй зираворлар, мушк-анбар, анжир, ўрик, ёнғоқ юборади, сен уларни тутатиб, Худога қурбонлик қиласан. Подшоҳимга бу ерда бўлган воқеа ҳақида ҳикоя қиламан, у Мамлакат Кенгашида (Олий Мажлисда) сенга мақтовлар айтади. Мен Сен учун ҳўкиз сўйиб, оловда пишириб, қурбонлик қиламан. Менинг маслаҳатим билан одамларни олис ва кимсасиз

оролда, бирга одамларни севгувчи, меҳр-мурувватли Худога қурбонлик қилгандай, Мисрда бор энг яхши ноз-неъматлар юкланган кемаларни юборадилар.

Аждар бу сўзларимни эшитиб, соддалигимга кулиб қўйди ва «Сен айтган хушбўйлик, мушк-анбар, барча ноз-неъматларни менинг оролимдан олиб кетадилар, – деди. Сўнгра: Сен бу ерни бошқа кўролмайсан, чунки яна келганигда бу орол сув остида қолади», – деди.

У айтган кема бир куни кўринди. Мен баланд бир дарахт устига чиқиб, кемада келган одамларни танидим ва пастга тушиб, Аждарга кема келганини айтдим. У кема келишини билар экан. Мен яна таъзим қилиб, унга миннатдорчилигимни билдирдим. У бизнинг кемага оролдаги барча зираворлар, мушк-анбар, фил суяклари, ов итлари, маймунлар ва бошқа ноз-неъматлардан етарлича юклатди. Мен унга яна таъзим қилдим. У менга «Икки ойдан сўнг подшоҳинг ҳузурига етиб борасан, болаларингни қучиб, ёшлигинга қайтасан, вақти етиб ўз уйингда хотиржам ўласан», – деди. Мен у билан хайрлашиб, соҳилга бориб, одамларни чақирдим. (Улар кемадан тушиб, мен билан кўришдилар). Мен орол эгасига мақтовлар айтдим. Денгизчилар ҳам шундай қилдилар.

Кемада шимол томонга, подшоҳимиз даргоҳига йўл олдик. Аждар айтгандай, икки ойда подшоҳимиз ҳузурига етдик. Мен подшоҳимиз ҳузурига оролдан олиб келинган совғаларни топшириб, бошимдан кечганларни айтиб бердим. Подшоҳимиз Мамлакат Кенгаши (Олий Мажлис) аъзолари олдида мени мақтади, «Подшоҳимиз йўлдоши» деган унвон билан мукофотлади ва бир гуруҳга бошлиқ қилиб тайинлади.

Шундай қилиб, мен оғир фалокатлардан омон қолиб, яна заминимизга келдим. Сен мени кўриб турибсан. Гапларимни тингладинг (Дўст сўзларини), тинглаш яхши одат, дедим. У деди: «Эй дўстим, бизни алдама, бу айтганларинг эртак-ку! Ким азон вақти қушга сув бериб, кун ёришганида уни сўяди? (колофонда – кўлөзма сўзи: Бу асарни моҳир котиб Амон Алоний ўз қўли билан бошидан охиригача ёзиб тугатди, у доим соғ-саломат, омон бўлсин, қайғу, офат кўрмасин!»

СИНУҲА ҲИКОЯСИ

Бу ҳикояда ўзини илоҳга тенг билган Миср Фиръавни ва унга тобе осиелик кўчманчилар давлати бошлиғи Синуханинг янги Фиръавннинг даҳшатли куч-қудрати олдида кўрқуви, Фиръавн вафот этгач, ўрнига тахтга ўтирган ўғли – янги Фиръавн отаси давридаги мансабдорларни ўлимга буюради деб кўрқиб, Осиедаги бир давлатга қочиб боргани, унинг саркардаларидан бири бўлиб, кўп ғалабаларга эришгани, қариб

қолганда ватанини соғингани, Фиръавндан Мисрга қайтишга ва у ерда дафн этилишга рухсат сўрагани, Фиръавн уни ҳурмат билан кутиб олгани тасвирланади.

Олийжаноб, биринчилар қаторидаги амалдор, подшоҳнинг кўчманчилар мамлакатадаги ҳокими, подшоҳнинг яқини, йўлдоши Синуха бундай дейди: «Мен подшоҳимизнинг яқин йўлдоши, подшоҳ ҳарамининг хизматчиси, малика ҳазрати олия-подшоҳ Сануфрунинг рафиқаси ва подшоҳ (фиръавн) Аменемхет қизи Нефрунинг хизматчиси Синуха айтаманки, Нил суви кўтарилган 30-йил, 3-ойининг 7-кунида Юқори Миср ва Қуйи Миср подшоҳи «илоҳ» Эсхетибарнинг руҳи самога парвоз қилиб, Қуёшга кўшилди. Подшоҳнинг илоҳий жисми уни дунёга келтирган (тупроққа) қайтиш қилди. Шоҳ саройи жимжит бўлиб қолди. Барча қалблар қайғуга ғарқ бўлди. (Пойтахт эшиги) Буюк Дарвоза ёпилди. Сарой аъёнларининг бошлари эгилди, халқ кўз ёшларга кўмилди.

Подшоҳ (фиръавн) олий ҳазратлари катта ўғли, хайрли илоҳ Сенусертни Чехен мамлакатини босиб олиб, аҳолисини қириб ташлаш учун кўшин бошлиғи қилиб юборган эди. Сенусерт жуда кўп асирлар ва саноқсиз ўлжалар – мол, қўйлар билан қайтаётган эди. Подшоҳнинг дўстлари катта ўғилга саройдаги ўзгариш ҳақида хабарни етказиш учун (Нилнинг) ғарбий соҳилига чопарлар юбордилар. Улар ярим кечада катта ўғилни учратдилар. Лочин (катта ўғил) шу заҳоти бу хабарни кўшинга ҳам билдирмай, (пойтахт томон) парвоз қилди. Қўшинда подшоҳ (фиръавн)нинг кичик ўғиллари ҳам бор эди. Чопарлар шу ўғиллардан бирини четга чақириб гаплашдилар. Бу ўғилларнинг гаплари менга эшитилиб турарди.

Юрагимга кўрқув тушди, кўлим, бутун вужудим қалтиради. Сакраб-сакраб, тез улардан узоқлашдим. Буталар, ўт-ўланлар орасига яшириндим, ўзимга йўл очиб бордим. Жануб сари қоча бошладим. Саройга боришни ўйламас эдим. Саройда қирғин бошланса, мен ҳам омон қолмайман. Искामора яқинида Мавтий кўлини кесиб ўтдим. Снефру оролида тўхтаб, дала четида кунни кеч қилдим. Эрта тонгда яна йўлга тушдим. Йўлда бир одам учради, у менга ҳурмат билан салом берди. Мен бўлсам ундан кўрқдим.

Кечки овқат вақтида Наҳав қишлоғига яқинлашдим. Нилдан солга тушиб ғарбий шамол ёрдамида нариги соҳилга ўтиб олдим. Сўнг шарқ томон юриб, Қизил тоғ маликасининг тош (мармартош) конлари ёнидан ўтиб, шимол томонга юрдим. Кўчманчилар хужумини қайтариш учун қурилган Подшоҳ деворига етдим. Девор устида навбатда турган соқчи мени кўриб қолмасин деб, қумтепалар тагига яшириндим. Қоронғи тушганда йўлда давом этдим.

Тонг ёришганида Патанга етдим. Буюк Қоракўл ўртасидаги оролда тўхтадим. Сувсизлик, ташналиқдан нафас ололмай қолдим. Энди ўлар эканман, деб ўйладим. Аммо яқин орада қўйларнинг маърашини эшитиб, кўнглим жойига тушди. Кўчманчиларни кўрдим. Уларнинг бошлиғи мени таниди. У Мисрда бўлган эди. Менга сув берди, сут қайнатиб ичирди. Қабиласига олиб борди. Барчалари менга меҳрибончилик қилдилар. Мени бошқа мамлакатга кузатиб қўйдилар.

Мен Бибил шаҳридан кетиб, Кедемга етдим. У ерда бир ярим йил яшадим. Юқори Ретену ҳокими Омуненинг мени яхши қабул қилди. «Бу ерда яхши яшайсан, Миср тилида гаплашувчиларни тинглайсан», – деди. У мени оқилона яхши ишларим ҳақида бу ерга келувчи мисрликлардан эшитган экан. «У менга келишим сабабини, подшоҳ хонадонидан бирор ўзгариш бўлдимми?» – деб сўради. Мен «Юқори Миср ва Қуйи Миср подшоҳи самовий оламга парвоз қилди. Энди нима бўлиши номаълум», – дедим. Ёлғон ҳам кўшдим: «Мен Темеху мамлакатига сафаримдан қайтиб келаётганимда шу хабарни эшитдим-у, юрагимга ғулув тушди (юрагим қинидан чиқай деди), қочиш хаёлимга келди. Ҳолбуки, мен ўлимга ҳукм қилинмаган, (раҳбарлар) менинг юзимга тупурмаган, менга тўхмат қилиниб, жарчилар (мени хоин деб) халқ орасида жар солмаган бўлса ҳам. Нима учун мен бегона юртларга келиб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Бу иш Худонинг қудрати билан Нил ҳавзасида яшовчи одам Элефантинага келиб қолгандай, ботқоқлар олами – Нубияга келиб қолгандай (ғаройиб) бўлди.

Шунда дўстим айтди: (вафот этган фиръавнсиз) илоҳсиз Мисрнинг ҳоли не кечади? У шундай қудратли эдики, бегона ерларда ундан халқ вабо келтирувчи илоҳ Сеҳметдан кўрққандай кўрқар эдилар. Мен дўстимга жавобан дедим: «Шубҳасиз, унинг ўғли саройда (тахтга) ўтирган, отасининг вориси бўлган. У ҳам ягона (тенги йўқ) илоҳ, аввал бундай одил ва оқил подшоҳ ҳеч қачон бўлмаган: у илму дониш соҳиби, мақсадлари ажойиб, фармонлари ғаройиб (халқ учун фойдали) хизматчилар, амалдорлар унинг фармони билан (саройга) кирадилар ва чиқадилар. Отаси саройда ўтирганида бегона элларни бўйсундирди. У отасининг кўрсатмаларини бажариб, келиб, қилган ишларини айтар эди. У забардаст, жасур эр, бегона элларга, душманларга ҳужум қилишда тенгсиз, у душманларга ҳамманинг кўз олдида яқинлашиб ҳужум қилади. У душманларнинг шохини синдиради, дастини қисқа қилади, ёв сафларини туза олмай қолади. У (айбдорларни) жазолайди, пешоналарини ёради, ҳеч ким унга бас келолмайди. У тез қадамлар билан қочаётган ёвни қиради, ёв орқасига қарамай қочади. У довюрак душманга тик қарайди, ҳеч қачон душманга орқасини кўрсатмайди. У кўз олдида жуда кўп душ-

ман бўлса ҳам кўрқмайди. У шарқий кўчманчиларни кўрганда ҳам кўрқмайди, осиеликлар ҳужум қилганда яйрайди, қалқонини тутиб, уларни яксон қилади. У душманларини (қиличида) бир зарб билан ўлдиради. Унинг ёй-ўқидан ҳеч душман омон қолмайди. Унинг ёйини ҳеч ким тортолмайди. Ёвлар унинг кўлидан Буюк илоҳа қудратидан қоча олмагандек бўлади. У душманларга тинмай зарба беради, ҳеч бирини аямайди, охиригача қириб ташлайди. Ҳамма (фуқаролари) уни яхши кўради, у ҳам барча (фуқароларни) яхши кўради. Шаҳар (аҳли) уни ўзидан ҳам, ўз маъбудларидан ҳам афзал кўрадилар¹ Эркаклару аёллар унинг (ҳайкали) ёнидан ўтаётганларида ҳайратланиб салом берадилар. У – подшоҳ! Тухумлик пайтида подшоҳ эди. (Ота подшоҳ тухумида) чақалоқлик вақтидан шоҳлик ҳокимияти бор эди. У ўз замонида одамларни (аҳолини) кўпайтирди. У ягона подшоҳ. Бундай подшоҳни одамларга Худо берган. Унинг подшоҳлигидан халқининг шодлиги чексиз! У мамлакат садҳадларини кенгайтиради. У Жануб ўлкаларини бўйсундиради, Шимол ўлкаларига менсимай қарайди. У осиеликларни мағлуб этиш учун туғилган. Сен унга элчилар юбор, у сенинг номингни билсин. У олий ҳазратларига ёмон сўз айтма. У ўзига садоқатли хорижий мамлакатларга ғамхўрлик қилади»

Шундан сўнг дўстим менга деди:

– Ҳақиқатан, Миср бахтли экан, шундай доно подшоҳи бор экан. Лекин, сен (шундай жойдан қочиб) бу ерга келибсан. Майли, менинг яқиним (қардош) бўласан, сенга яхшилик қиламан.

У болаларни тарбия қилишни менга топширди. Сўнг катта қизини менга никоҳлаб, куёв қилди. Ўз мамлакатидан энг яхши ерни, бошқа мамлакат билан чегарадош, Ида деган қизил тупроқли серҳосил ерларни менга берди. Бу ерларда турли бугдой, сули, хурмозор, узумзорлар, зайтун, асал мўл-кўл, чорва моллари сурувлари сон-саноксиз эди. Унинг меҳрибонлигидан мен жуда кўп яхшиликлар кўрдим. У мени энг яхши қабиласига бошлиқ – сардор қилиб қўйди. Қўл остидагилар менга ҳар куни оқ нон, сут, қаймоқ, қуш гўшти ва қўй гўштарини етказиб берар эдилар. Ўзимизнинг овқатларимиз ҳам бор эди.

Кўп йиллар шундай роҳат-фароғатда яшадим. Ўғилларим ўсиб-улғайиб, паҳлавон бўлиб, ҳар бири ўз қабиласига бош бўлди. Турли мамлакатлардан Жанубга ёки Шимолга бораётган чопарлар, элчиларни ҳузуримга чақириб, меҳмон қилардим. Мен ташналарни қондирдим, адаш-

¹ Шарқий кўчманчилар – хуннулар, осиеликлар – ўғуз турклари Мисрни кўп безовта қилган бўлса керак – (тарж.).

Шаҳар аҳли ўз уйида ҳам уй маъбудига сиғингандир. Бу сўзларда барча замонларда бўлгандек, подшога хушомадгўйлик, мадҳу сано акс этган.

ганларга йўл кўрсатдим, қароқчиларга таланганларни қутқардим. Кучли хорижий ҳукмдорларга қарши ўзини ҳимоя қилиб, урушаётган осиеликларга йўл-йўриқ кўрсатдим.

Мен кўп йиллар Ретену мамлакати қўшинларига бош бўлиб, душманларига қарши жангларда ғалаба қозондим. Енгилган қабилалар ўз қудуқларини ва яйловларини ташлаб қочдилар. Мен уларнинг чодирларини, сурувларини, асирларни ўлжа қилиб олиб кетдим. Душман эркаклари (кўпчилиги) жангда менинг қўлимдан, камоним ўқидан, ҳарбий сафарларимдан, оқилона режаларимдан ҳалок бўлдилар. Шундай қилиб дўстим (Ретену ҳукмдори) Амон Эншининг кўнглини чоғ қилдинг. У мени яхши кўрди, кучли эканимни билди. Ретенунинг энг кучли паҳлавони чодирим олдига келиб, мени яккама-якка курашга чақирди. У жасур эди, полвонликда тенгсиз эди, Ретенунинг барча паҳлавонларини енгган эди. У мени курашга чақирди. Мақсади – мени ўлдириб, мол-мулкимни, пода, сурувларимни эгаллаш эди. Қабиласи (оқсоқоллари) унга шундай маслаҳат берган эдилар. Ҳукмдорим Амон Энши билан маслаҳатлашдим. Унга айтдимки: «Мен бу одамни танимайман, унинг овулига ҳужум қилмаганман. Унинг эшигини очмаган бўлсам? Деворларини ёқмаган бўлсам? Бу ҳасадчи, қораюрак кўриб турибди: мен фақат сенинг буйруқларингни бажараман. Ҳақиқатан, мен бегона подага адашиб кириб қолган буқага ўхшайман.

Бегона поданинг буқаси узун шохи билан менга ташланди. Оломон (бегона) юртдан келган бошлиқни яхши кўрмайди. Кўчманчи ҳавзадан (Нил ҳавзасидан) келган, тоғ устида папирус ўстирган одамни яхши кўрмайди. Лекин келгинди буқа уришқоқ буқадан кўрқмайди, у ҳар қанча зўр бўлса ҳам. У жуда уришишга ташна бўлса, дилидаги мақсадини айтсин. Тақдиримизда нима борлигини тақдир қилган Худо билмайди-ми? Албатта, билади!

Кечқурун камоним ипини тортдим. Ўқдонга ўқни жойладим. Қиличимни чархлаб, қинидан осон чиқадиган қилдим, қуролимни тозаладим. Тонг ёришганида (майдонга) Ретену халқи йиғилди, барча қабилалардан, қўшни халқлардан одамлар келди. Паҳлавон жангга тайёрланди. Мана у, менга ҳамла қилди. Эркаклар ва аёллар шивирлаб, мен томон бўлдилар: «Менга ҳеч ким тенг келолмайди», – дедилар. Паҳлавон қалқонини, болтасини, найзасини, камонини ишга солди, ўқдони бўшаб қолди. Барча ўқлари хато кетди. Сўнг менга ҳамла қилди. Менинг ўқим унинг томоғини тешиб, тиқилди. У бир наъра тортиб йиқилди. Мен уни болтам билан чопиб ташладим ва унинг елкасига оёғимни қўйиб, ғалаба наърасини тортдим. Барча осиеликлар хурсанд бўлиб қичқирдилар.

Мен бўлсам, Мангу маъбудга ҳамду санолар айтдим. Ўлган паҳлавоннинг хизматчилари йиғи-сиғи қилдилар.

Амон Энши мени кучоқлаб бағрига босди. (Енгилган баҳодирни) мол-мулки, сурув-подалари менга ўлжа бўлди. У менга қарши ният қилган бўлса, тескариси бўлди. Унинг ўтовидаги ва қароргоҳидаги барча бойликлар менга ўтди.

Менинг мол-мулким, сурув-подаларим янада кўпайди, иззат-ҳурматим янада кучайди. Аввал мен Худонинг ғазабига учраб, бегона юртларга қочқин-қувғин бўлган эдим. Энди Худо менга марҳамат қилди, кўнглим гуноҳдан ювилди. Аввал қочқин эдим, энди шоҳ саройида иззат-ҳурматдаман. Бир вақтлар очликдан мадорсиз, аранг эмаклар эдим, энди қўшниларибга хайр-эҳсон, нон-туз бераман. Бир вақтлар жулдур, йиртиқ кийимда эдим, энди ҳашамли, ипакли, зар либосдаман. Қочқин вақтимда бирор ёрдамчи йўқ эди, энди хизматчиларим бисёр. Саройда иззат-ҳурматим баланд. Эй Худойим, менга мадад бер!

Бир вақтлар мени қочоқ, ожиз қилган, эй худойим, менга яна раҳм-шафқат қил, туғилиб-ўсган жойларни яна кўришни, ажалим етганда ватанимда ўлишни насиб эт. Ўтмишим (ёшлик йиллари) нақадар ажойиб эди. Авваллари менга кўп марҳамат қилгансан, эй Худойим, яна раҳм-шафқат қилиб, охирги кунларимни ҳам чиройли қил, олис юртларга қочган инсон (ёшини яшаб) яна туғилган жойига қайтиб, дафн этилиш қандай яхши!

Бегона юртларда қувғинда яшашимдан Худойим ҳам хафа эди, бугун У менинг, (ватанидан) олис жойларда яшаётган бандасининг ёлворишларини эшитди ва раҳм-шафқат қилди. Миср подшоҳи ҳам менга раҳм-шафқат қилсин, мен унинг ҳимоясида яшай! Подшоҳим саройидаги маликага ҳам саломлар йўллаймак. Подшоҳнинг фарзандлари ҳам омон-эсонлиги ҳақида менга хабар беринглар. Подшоҳим доим ёш бўлсин. Мен бўлсам қаридим, таним заифлашди, кўзларим хиралашди. Қўл-оёқларим ҳориган, юрагим амрига бўйсунмайди. (Дунёдан) кетишим яқинлашди, мени боқий дунёга кузатадилар. Мен илоҳам чақирган жойга бораман. У менга фарзандларим ҳақида хабар етказди. У мени боқий дунёга олиб киради.

Менинг (ватанимга) қайтишим ҳақида Юқори ва Қуйи Миср подшоҳи Хафар-Қорага хабар бердилар. Ҳазрати олийлари мени ўзга мамлакат подшоҳидай кўриб, шоҳона совға-саломлар юборди. Шоҳ фарзандлари ҳам ўз хизматкорлари қайтишидан хурсандлигини билдириб хабар юбордилар.

Бу банданинг Мисрга қайтиши ҳақида шоҳ (фиръавн) фармойишининг нусхаси бундай:

(Аввал расмий унвонлари айтилади)

Ҳар икки илоҳ (Исида ва Озирис) дан туғулган Ҳур (амри билан) Юқори ва Қуйи Миср подшоҳи бўлган Хафар-Қора, Ра (Қуёш) ўғли, мангу ҳаёт соҳиби Санусартнинг подшоҳ йўлдоши Синуҳага фармони: «Сенга юборилган мазкур фармондан маълум бўлсинки, сен бегона юртларни кезиб, Қасамдан то Ретенугача етиб бординг. Сени бир мамлакат бошқа мамлакатга ўз ихтиёринг билан узатди. Лекин сен жазога лойиқ бирор ёмонлик қилмадинг. Ҳеч ким ҳақида ёмон сўз айтмадинг, ҳеч ким буни инкор этмайди. Вазирлар Кенгаши ҳақида ҳам ёмон сўз айтмадинг, буни ҳеч ким инкор қилмайди. Кўнглинг қочишни истади, лекин менинг кўнглимда сенга қарши ҳеч қандай фикр йўқ эди. Сенинг осмонинг – малика Нефру ҳозир ҳам саройнинг яшнаган гули, бошида шоҳона тож. (Малика ёш чоғларида Синуҳа унга тарбиячи бўлган, дейди тадқиқотчилар). Маликанинг фарзандлари ҳам саройда соғ-саломат. Улар ҳам сенга кўп совғалар беради, уларнинг саховати билан бой-бадавлат яшайсан. Хуллас, Мисрга қайтиб келавер! Ўзинг униб-ўсган хонадонингни кўрасан. Буюк дарвоза олдида ерни(тупроқни) ўпасан.

Энди қаридинг, жасурлигинг кетди. Энди ўлимни, муносиб (иззат-ҳурмат билан) дафн этилишингни ўйла. Илоҳа Таит (Тўқувчилар маъбудаси) сенга қоронғи кечани, мушк-анбарни, кафанлик йўргакларини беради. (Давлат Кенгаши) сен учун дафн ҳайъати (комиссияси) ни тайин қилади, танингни мумиёлаш учун олтин тобут ясатилади, устингдан (юлдузли) осмон сувратини ясайдилар (тобут қопқоғини ички тарафи), сўнг ёғоч тобутга солиб, аравага ортадилар, аравани ҳўкизлар тортадилар. Сенга атаб қурбонлик қилинади. Сенинг мақбаранг устунлари оқ мрамрдан бўлади, қабринг шаҳзодалар дахмасида бўлади. Бегона юртларда ўлсанг, осиёликлар сени қўй терисига ўраб, чуқурга кўмиб, устингдан тупроқтепа қилиб қўяр эдилар. (Юртингдан олисларда) дайдиб юришни бас қил. Касалланиб, ётиб қолишингни ўйла. Қайтиб кел!

Ретенуга – (Фаластинга) келган Миср элчилари бошлиғи) фиръавн – шоҳ Сенусартнинг бу фармонини менинг қавмим, қабилам олдида турганимда ўқиб берди. Мен бу фармон шукронасига ергача эгилиб таъзим қилдим, сочимга тупроқ суртдим. Хурсанд ҳолда қароргоҳим атрофини айланиб чиқдим. «Кўнглим бегона юртларга элтиб ташласа ҳам, подшоҳим бу хизматкорига марҳамат қилибди», – дедим.

Хизматкорини ўлимдан қутқазиб, марҳамат қилувчи кўнгил (фиръавн кўнгли) ҳақиқатан ажойибдир. (Эй подшоҳим) менинг жисмоний ҳаётимни сенинг саройингда тугаллаш ҳақида фармон бердингми?

Шоҳ (фиръавн Санусарт) фармони Синуҳага етказилгани ҳақида ҳисобот нусхаси: «Шоҳ саройи хизматкори Синуҳага деди: «Омон бўл-

гил! Икки замин (Юқори ва Қуйи Миср) ҳукмдори, Ранинг севимлиси, маъбуд Манту (уруш маъбуд) нинг арзандаси, Фивлар ҳукмдори, маъбуд Амон ўз хизматкори Синуҳанинг қочиб кетишида ҳеч қандай ёмон нияти бўлмаганини билиши ажойибдир!

Шундан сўнг ҳикояда шоҳ – фиръавн Санусартга тобе бўлган мамлакатлар, мулклар, дарёлар, тоғлар санаб ўтилади. Синуҳа Мисрдан қочиб кетишида ҳеч бир ёмон ниятда бўлмагани, кўнглига негадир кўрқув тушганлиги тақдорланади. Лекин, Қадимги Миср тарихи, тошбитиклар ва папирус ёзувларини тадқиқ этган олимларнинг аниқлашича, ёш малика ва шаҳзодаларнинг тарбиячиси, ҳарбий саркарда Синуҳа фиръавн Аменемхетнинг ўлимида катта ўғил Санусартнинг хотини алоқадорлигини билар эди, яъни бу вақтда аввалги фиръавн иззат-ҳурмат билан тантанали дафн этилган бўлса ҳам, аслида, яширин давлат тўнтарилиши юз берган эди. Буни билган одамлар йўқотилар эди. Шу сабабли Синуҳа хорижга қочиб тўғри йўл тутган. Фақат у қочишининг сабабини ҳеч кимга айтилмас эди. Янги фиръавн Санусарт Хафри ҳам бу сирни билмас эди. Шу сабабли у содиқ саркардасини Мисрга қайтишини истади. «Нима учун Синуҳа кўп йиллар Ретану-(Фаластин) да яшади, аввалроқ Мисрга чақирилмади?» – деган савол ҳам туғилади. Ҳикояда бу ҳам сирлигича қолган.

Мен (Мисрга қайтиш олдидан) бир кун аввал барча мол-мулкларимни фарзандларимга топширдим. Биринчи ўғлим қабила бошлиғи бўлди. Менинг бутун қабилам, барча мол-мулкларим, одамларим (хизматчиларим), чорва молларим, ғаллаларим, мевали дарахтларим (боғларим) унинг қўл остига ўтди. Сўнг хизматкор (Синуҳа) жанубга йўл олдим. Маъбуд Ҳур йўллари олдида тўхтадим. Чегара соқчилари бошлиғи менинг Мисрга қайтиб келганим хабарини олий даргоҳга етказиш учун (чопар) юборди. Ҳазрати олийлари (фиръавн) Деҳқончилик вазирига, мени маъбуд Ҳур йўлигача кузатиб келган осиёликларга совға-саломларни кемаларга юклаб, мени кузатиб келганларнинг ҳар бирининг исмини, вазифасини айтиб таништирдим.

Елканли кемаларда (Миср пойтахтига) йўл олдик. Иту (Мемфис) гача, ёнимиздаги бошқа кемада ошхона бўлиб, унда мен учун ҳамирдан бўза ва овқатлар тайёрланар эди. (Пойтахтга) эрта тонгда етиб келдик. Фиръавннинг ўн хизматчиси мени кутиб турган экан. Улар мени ўз ҳузу-

рига чақирдилар. Улар мени шоҳ саройига элтиш учун келган эдилар. (Сарой олдидаги) сфинкслар¹ ўртасидан ўтаётганимда ётиб, тупроқни ўпиб таъзим қилдим. Сарой дарвозаси олдида шоҳ (фиръавн)нинг болалари менга салом бериб кутиб олдилар.

Хизматчилар мени устунлар ҳовлисидан олиб ўтиб, фиръавн ҳузурига олиб кирдилар. Олтин тахтда улуғвор ўтирган фиръавнни кўриб, ергача эгилиб таъзим қилдим ва (ҳаяжонланиб) ҳушимдан кетдим. Кўксимда юрагим йўқдай – на тириклигимни, на ўликлигимни биламайман. Шунда фиръавн дўстларидан бирига: «Уни турғиз, мен у билан гаплашаман», – деди. Яна бундай дедилар: (Ватанинга) қайтиб келдинг. Қочиб борган бегона жойингда кўп мамлакатларни бўйсундирибсан. Аммо энди қаридинг, ўлим остонасига яқинлашдинг. (Юртингда) дафн этилиш – жиддий масала. Энди сени осиеликлар тупроққа кўммайди. Сен энди аввалгидай яшамайсан, нима учун гапирмайсан? Исминг тилга олинмоқда, сен нима дейсан?

Мен жазодан кўрқар эдим, кўрқувда эканимни айтдим. Ўша вақтда қочганим учун ҳозиргача кўрқаман дедим. Нима учун қочганимни ўзим ҳам билмайман. Нимани гапираман? Жим турганим яхши. Тақдиримда шу бор экан. Худонинг айтгани бўлади. Мана, ҳозир қўл остингдаман, ҳаётим Сенинг қўлингда. Ҳазрати олийлари нимани лозим кўрсалар, ўша бўлади».

Подшоҳ болаларини олиб келишни буюрди. Сўнг маликага деди: «Қара, мана бу Синуха, қайтиб келди, у осиелик, кўчманчи бўлиб қолибди». Малика қийқириб кулди, шаҳзодалар эса бари бир овоздан: «Бу киши у эмас», – дедилар. Подшоҳ ҳазрати олийлари айтди: «Ҳақиқатан, бу ўша» Болалар (фиръавнга) ўзларининг шодликда рақс туширадиган мантлари, систралари – шақилдоқларини чалиб отасига мадху сано айтиб, дуо-тилакларини айтдилар:

– Эй қиблагоҳимиз, дастинг узун бўлсин, Самовий малика либосининг безаклари (юлдузлари)га етсин! Юлдузлар маликаси сени севсин! Жануб тожи оқим (Нил оқими) бўйлаб, сен учун пасайсин, Шимол тожи оқим бўйлаб, сен учун кўтарилсин ва Сенинг пешонангни урай² билан безатсин!

Подшоҳ фарзандлари яна бундай дедилар:

– Отажон, сиз бир бахтсиз бечорага мурувват кўрсатдингиз. Сизга ҳам икки дунё эгаси Ра (Куёш маъбуди) мурувват кўрсатсин! Сизга ва Олам соҳибасига (онамизга) шон-шарафлар бўлсин! Сиз ўликка жон-нафас

¹ Сфинкс – танаси арслон, боши одам сувратидаги баҳайбат ҳайкаллар.

² Урай – фиръавн тожини безовчи илон шакли.

бердингиз, бу кўчманчилар йўлбошчисини, илоҳа Махут ўғлини, осиеликни¹ севимлилар мамлакатада бизга бағишланган. У сиздан кўрқиб қочиб кетган, ҳа Сиздан кўрқиб қочиб кетган. Сизинг юзингиз энди унча кўрқинчли эмас, Сизни кўрган одам кўрқувга тушмайди».

Ҳазрати олийлари (фиръавн Санусарт) дедилар:

– У кўрқмасин, ҳа, кўрқмасин. У подшоҳнинг дўсти, сарой хизматчиларидан бири бўлсин. Эрталабки оромгоҳга боринглар, унга жой кўрсатинглар».

Мени шоҳ фарзандлари қўлимдан ушлаб, даргоҳи олийдан олиб чиқдилар. Барчамиз буюк дарвоза томон йўл олдик. Менга подшоҳ (фиръавн) ўғлининг хоналаридан бирини бердилар. Танобий хона салқин, деворларда маъбудлар расми, шифтда юлдузли осмон. Ҳар ерда қимматбаҳо нарсалар, шоҳона ипак кийимлар, вазирларга муносиб атр, мушк-анбар, шоҳ яхши кўрадиган хушбўйликлар муҳайё эди. Ҳар бир юмушга алоҳида хизматчи бор эди. Чўмилиб, танамдаги ўтмиш йилларнинг чанг-ғуборидан тозаландим. Соқолимни олдилар, сочимни ювиб-тарадилар. Асл, ипак либослар кийдириб, юмшоқ ўринга ётқиздилар. Қумтепаларда юрганимда суртадиган тахта мойи (эҳтимол, пахта ёғи)ни ташлаб юбордим.

Менга боғ эгасининг уйини бердилар, у шоҳнинг дўсти эди. Бу уйни кўп бинокор усталар қурган. Боғдаги дарахтларни ҳам янгидан ўтқаздилар. Саройдан менга ҳар куни уч-тўрт маҳал овқат юборилар эди. Шаҳзодалар ҳам ширинликлар (ҳолвалар) бериб туришарди.

Эҳромлар майдонида мен учун ҳам эҳром (пирамида) қура бошладилар. Қурувчилар бошлиғи эҳром учун жой танлаб, ҳисобини (режасини) тузди. Рассомлар бошлиғи ва ҳайкалтарошлар бошлиғи ҳам иш бошладилар. Мангулик шаҳри раиси эҳром битгунча назорат қилиб турди. Мақбарага қўйиладиган нарсалар ҳам тайёрланди. Марҳумни кузатиш учун руҳоний-коҳинлар ҳам тайинланди. Подшоҳнинг яқин дўстларидан бирига атаб қурилган эҳромга қараб турувчилар учун дала-ер ажратилибди. Фиръавн фармонига мувофиқ менинг ҳайкалимни тиллага бўядилар, юпка тилладан камар тақдилар. Мен оломон қатори эмас эканман, оддий фуқарога бунчалар иззат-ҳурмат кўрсатмайдилар. Мен ўлгунимга қадар подшоҳ (фиръавн) ҳимоясида яшадим²

¹ Фарб мисршунослари «осий» (цейкор) сўзини адашиб, осиелик деб таржима қилган кўринади. Лекин аслида ҳам осиелик ҳинд, турк, форсий тилли халқлар баъзи вақтларда Мисрга ҳужум қилиб турган бўлиши мумкин.

² Мисршунос тадқиқотчилар фикрича, Синуха эҳроми тарихий манбаларда учрамайди, бу бадий тўқимадир (М.М.).

ТЎҒРИ ВА ЭҒРИ

(Бош қисми ўчиб кетган) Эгри Тўққизлик ҳакамига деди: «Тўғрини ушлаб келиб, кўзини ўйинглар, у кўр бўлиб, ҳовлимнинг дарвозаси олдида қоровул бўлиб ўтирсин!»

Тўққизлик ҳакам Эгрининг айтганини бажарди. Кунлар ўтди. Бир куни Эгри ҳовлиси дарвозаси олдида ўтирган Тўғрини кўриб, унинг яхшилигини (чиройини) кўриб, (ҳасад қилиб) унинг хизматчиларига: «Ўз хожангизни (ҳибсага олиб) ваҳший арслонга ем қилиб беринглар», – деди. Икки хизматчиси Тўғрини ушладилар ва (арслон сари) судрадилар. Тўғри айтди: «Менга тегманглар»

Кўп кунлар ўтди. Бир куни маликанинг жориялари Тўғрини кўриб келиб мақтадилар: «Бундай чиройли йигит мамлакатда бошқа топилмайди, биз билан бориб бир кўринг.. Бизнинг дарвозамизда қоровул бўлсин», – дедилар. Малика жориясига: «Уни бу ёққа бошлаб кел», деди. Жория бориб, Тўғрини бошлаб келди. Малика тўғрининг (чиройини) кўриб, уни истаб қолди. У билан бир кеча ётиб, эркаклигини билди. Шу кеча малика ҳомиладор бўлди.

Ой-куни етиб, малика ўғил туғди. Бу мамлакатда у энг чиройли бола бўлди. Уни мактабга бердилар. Бола аъло ўқиб, ўқиш-ёзишларни ва меҳнатда (турли касбларда) тенгдошларидан ўзиб кетди. Боланинг ўртоқлари ундан: «Сен кимнинг ўғлисан? Отанг йўқ-ку?», – деб сўраб, масхара қилдилар. Шунда бола онасидан сўради: «Менинг отам ким ва қаерда? Ўртоқларим отамнинг исмини сўрамоқда», – деди. Малика ўғлига (тўғрисини) айтди: «Дарвозамиз олдида бир кўр йигит ўтиради, ўша сенинг отанг бўлади» Онасидан бу сўзни эшитган ўғил: «Она, бу ишни қариндошларингни чақириб, ошкор этиб ва отамни бу ёққа келтириш керак», деди. Ўғил отасини уйга олиб келиб, курсига ўтказиб, оёғи остига гилам тўшади. Нон, сув, егулик берди. Сўнг «Ота, сизни ким кўр қилди?» – деб сўради. Отаси: «Ўз укам кўзимни ўйди», – деб, бўлган воқеани айтиб берди.

Ўғил отасини хор қилган одамдан ўч олишга аҳд қилди. (Дастурхонга) ўнта нон олди, бир таёқ, бир меш, сандалий ва бир қилич олди. Семиз бир кучли буқани олдига солиб, Эгрининг подасини боқаётган

чўпонга учради. У чўпонга деди: «Мана, ўнта нон, таёқ, сандалий, меш ва қилич – бари сизга. Буқа эса мен шаҳардан қайтиб келгунимча сизнинг подангизда бўлсин».

Орадан кўп кунлар ўтди. Бир куни Эгри ўз подасини кўришга келди. Подаси орасида чиройли, семиз буқани кўриб, «Буни мен олиб кетаман, сўйиб ейман», – деди. Чўпон: «Бу сизники эмас, бировнинг буқаси, уни сизга беролмайман», – деди. Эгри эса «Менинг ҳамма буқаларим сенинг қўлингда. Манави буқанинг эгаси келса, бошқа бир буқани бериб юборавер!» – деди.

Бола буқасини Эгри олиб кетганини эшитиб, чўпондан: «Менинг буқам қани?» – деб сўради. Чўпон: «Подамиздаги буқалардан истаганингизни олиб кетинг», – деди. Бола: «Йўқ, бу менинг буқамга ўхшамайди. Менинг буқам Пойомунда ўтласа, думи папирусзорда (қамишзорда) бўлади, унинг бир шохи ғарбий тоғда, бир шохи шарқий тоғда бўлади. Унинг дам олиш жойи – дарёнинг бош ирмоғида, ундан ҳар куни олтамишта бузоқ туғилади», – деди. Чўпон: «Дунёда бундай катта буқа бўлмайди», – деди. Шунда бола чўпонни Эгрининг олди-да бошлаб борди. Эгрини ушлатиб, Тўққизлик ҳакамларига топширди. Тўққизлик ҳакамлар болага «Ёлғон айтибсан», – дедилар. Бола деди: «Сиз айтган адолат пичоғининг дами Ял тоғича, сопи Кўптошча, қини Худонинг уйича» деган сўзларингизга ишониб бўладими? Яхшиси, Эгри билан Тўғрининг ишини кўриб чиқинглар», – деди. Эгри Олам Эгаси номига қасам ичиб айтдики, «Тўғри аллақачон ўлиб кетган, агар уни тирик деб исботлаб берсангизлар, мени ҳам кўр қилиб, унинг дарвозаси олдида ўтказиб қўйинглар» Бола айтди: «Тўғри тирик, уни топиб келсам, Эгрини таёқ билан беш юз марта уриб, кўзини кўр қилиб, Тўғрининг дарвозаси олдида ўтказиб қўясизлар»

(Бола отасини бошлаб келди, бўлган воқеани айтиб берди. Эгрининг кўзини ўйиб, акаси дарвозаси олдида қоровул қилиб қўйдилар.

Қадимги папирусда ҳикоянинг охири ўчиб кетган.)

ОҚИБАТЛИ АКА-УКАЛАР

Ровийлар айтурки, бир она, бир отадан туғилган ака-ука бор экан. Акасини Анупу, укасини Бата деб атар эканлар. Анупунинг уйи ҳам, хотини ҳам бор экан, Бата уларга фарзанддай экан. Ука акасининг кийимларини ювар, мол-ҳолни яйловга ҳайдар, ерни шудгорлаб, экин экар, ҳосил етилганида ўриб-йиғар ва омборга жойлар экан. У акасини ҳурматлаб, уйдаги ва даладаги ҳамма юмушларни бажарар экан. Шу зайлда кунлар (ойлар) ўтибди, ука уй ва дала ишларини бажариб юра-верибди. У ҳар куни тонгда мол-қўйларни яйловга ҳайдаб, мева териб, ўтин йиғиб, сигир соғиб, акасига кўзада сут олиб келар экан. Бата акаси ва янгаси олдида улар билан еб-ичиб, сўнг оғилхонада мол-қўйларнинг олдида ётар экан.

Тонг отиб, қуёш борлиқни ёритганида ука овқат пишириб, акасининг олдида қўяр, акаси унга нон берар ва у яна мол-қўйларни яйловга ҳайдаб кетар экан. Мол-қўйлар унга: «Фалон ерда ўт-ўлан яхши ўсган», дейишар, у ўша жойга уларни олиб борар, мол-қўйлар барра ўтларни еб, маза қилар экан. Мол-қўйлар тез семириб, қўзилар кўпаяр экан.

Шудгор вақти келганда Анупу укаси Батага: «Аравага (ҳўкизни) қўш, ёмғирлардан ер кўпчиб (юмшаб) турибди, шудгорлаш осон бўлади», деди. «Мен далага бораман, орқамдан сен уруғлик ғаллани олиб борасан, ерни ҳайдаб, экаверамиз», – деди. Ака шундай деди. Ука акасини айтганларини қилди. Қуёш чиқиб олам ёришгач, ака билан ука уруғликни олиб, далага йўл олдилар. Экин экиб, ўз меҳнатларидан кўнгиллари тўлди. Кўп кунлар ўтди. Экишга уруғлик тугаб қолди. Ака укасига: «Уйга бориб, яна уруғлик олиб кел», деди. Укаси уйга келса, келинойиси (кўзгу олдида) сочини тараб ўтирган экан. Ука унга: «Ўрнингдан тур, акам далада кутиб қолди, тезроқ бўл!» – деди. Келинойиси айтди: «Ўзинг омборни очиб, уруғлик ол, менинг соч турмагим бузилмасин», – деди.

Ука омборни очиб, иккита қопга буғдой ва арпа тўлатиб, елкасига ортиб, ташқарига чиққанида аёл ундан «Қанча ғалла олдинг?» – деб сўради. Ука юкида уч харвор буғдой, икки харвор арпа бор», – деди. Келинойиси: «Юкинг оғир-ку, жуда бақувват экансан! Мен ҳар куни сенинг кучли эканингни кўраман», – деди.

Аёлнинг бу кучли йигит билан ётишга кўнгли тилади, у ўрнидан туриб Батани қучоқлаб олди ва деди: «Юр, сен билан бирор соат ётайлик, бу сен учун фойдали – мен сенга янги кийимлар бераман», – деди. Йигит келинойидан бу сўзларни эшитиб, жануб шеридай ғазабланди ва деди: «Бу қандай беорлик, сен менга онамдайсан, эринг – отамдай, мени боқиб ўстирган. Бундай ифлос сўзларни менга иккинчи қайтарма, сен – гапирмадинг, мен – эшитмадим». Ука шундай деб, юкини елкасига ортиб далага кетди. У акасининг ёнида яна ўз ишига машғул бўлди. Қош қорайганда акаси уйига кетди. Ука мол-қўйларни тўплаб, ўт ўриб, қайта бошлади.

Шу орада аканинг хотини бўлган воқеани эри билиб қолмасин деб, ўзига (қора) ёғ суртиб, ўзини ука ургандай кўрсатиб, ўрнига ётиб олди. Эри келганида ҳар кунгидай қучиб олмади, қўлига сув қуймади, чироқ ёқмади, хона қоронғилигича қолди. У ўрнида ётганича, эрига дод-фарёд қилди. «Сени ким хафа қилди?» – деб сўради эри. Аёл деди: «Мени укандан бошқа ким хафа қиларди? Уни сен уруғлик олиб кел деб уйга юборибсан. У мени ёлғизлигимдан фойдаланиб: «Кел бирор соат ётиб олайлик», деди. Унга мен сенга она ўрнида, аканг ота ўрнида эмасми?» – деб рад этдим. «Бу гапни акамга айтсанг, ўласан», – деб укандан роса урди. Агар у тирик юрса, бир кун мақсадига етса, мен ўзимни ўлдираман» Бу сўзларни эшитиб, ака жануб қоплонидай ғазабланди. У пичоғини чархлаб, қўлида маҳкам қисиб, укасининг қайтишини пойлади. Қуёш ботганда укаси даладаги ишларни битириб, ем-хашак ўриб, мол-қўйларни ҳайдаб келди. Оғилхонага келган бир сигир унга: «Аканг сени ўлдириш учун пичоғини чархлаб турибди, қочиб кет», деди. Биринчи сигир шундай деди. Оғилхонага кирган иккинчи сигир ҳам шундай деди. Бата оғилхона орқасида қўлида пичоқ билан пойлаб турган акасининг оёқларини кўрди. У (елкаси ва қўлидан) юқларини ерга қўйиб, қутулиш учун қоча бошлади. Акаси қўлида пичоқ билан қувлади. У қочаётиб, маъбуд Ра-Харахтидан мадад сўради: «Эй одил, раҳмли танграм. Ким ёлғончи, ким ростгўйлигини ўзинг биласан!» – деди. Ра (Қуёш маъбуду) укага мадад берди. Ука билан ака ўртасида дарё пайдо қилди, унда тимсоҳлар ғиж-ғиж эди. Ака сувнинг бир томонида, ука сувнинг бошқа томонида бўлиб қолди. Ака, «Эҳ, (хоин) укамни ўлдиролмадим!» – деб қўлини бир-бирига урди. Шунда ука акасига деди: «Эй, ака, тонгга қадар, Қуёш чиқиб, олам ёришгунча ўша ерда кутиб тур, мен қуёш гувоҳлигида сен билан сўроқлашаман, Танграм ўзи ким ҳақ, ким ноҳақлигини аниқлаб беради. Сен ноҳақ мени ўлдирмоқчи бўлсанг, мен то абад (қиёматгача) сен бор жойда бўлмайман, Чинорлар водийсига кетаман», – деди. Ра-Харахти Қуёш чиқиб, кун ёришганида ука акага қа-

раб деди: «Эй, ака, сен фақат хотинингни гапини эшитдинг, мени гапимни эшитмай, мени ўлдирмоқчи бўлдинг Аслида, мен учун сен отамдай, хотининг онамдай-ку. Ҳа, ростдан шундай. Сен мени уруғлик дон олиб кел, деб даладан уйга юборганинга, хотининг менга «Кел, бирор соат бирга ётиб олайлик», деди. Хотининг сенга мутлақ тескарисини айтибди». Ука бўлган воқеани асли қандайлигини айтиб берди. Ука Ра-Харахти номига қасам ичиб айтдики: «Эй, ака, сен зинокор, суюгоёқ хотинингни гапи билан, қўлингга пичоқ олиб, мени ўлдирмоқ учун қувлаяпсан». Шундай деб, ука ўзининг (хотин зотига қизиқиши йўқлигини исботлаш учун қамиш ғаровидан синдириб олиб, уни (пичоқ ўрнида ишлатиб) ўзининг эркаклик олатини кесиб, сувга ташлади, уни зоғора балиқ ютиб юборди. Уканинг эркаклик қуввати йўқолиб, бахтсиз бўлиб қолди. Бу ҳолни кўриб, акаси ўз қилмишидан (ҳақиқатни билмаганидан) укасини шу аҳволга солгани учун қайғуриб, йиғлади. Ука айтди: «Эй, ака, сен менинг яхши ишларимни ўйламай, фақат ёмонликни хаёл қилдинг. Энди уйингга бор, мол-қўйларингга ўзинг қара, мен энди сенинг ёнингда бўлолмайман, Чинорлар водийсига кетаман. Сен менга яхшилик қилмоқчи бўлсанг, шуни билки, мен ҳар кеча (ухлаш олдидан) юрагимни чинорнинг гулли шохига беркитиб қўяман. Агар душманлар келиб, йиқитсалар, сен ўша ерга бориб, менинг юрагимни излаб топасан. Агар етти йилда ҳам тополмасанг, руҳингни туширма, излашда давом этавер. Юрагимни топганинга уни тиниқ совуқ сувга солсанг, мен тириламан ва душманлардан ўчимни оламан. Агар мен ўлган бўлсам, сенинг қадаҳингда шарбат тошиб, тўкилади. Шунда зудлик билан Чинорлар водийсига йўл ол!» Шундай деб, ука ака билан хайрлашди. Ака бошини чангаллаб, йиғлай-йиғлай уйига қайтди, бошига тупроқ сочди. Уйига бориб, зинокор хотинини ўлдириб, жасадини итларга ем қилди. Ўтириб йиғлайверди.

Кунлар, ойлар ўтиб, ука Чинорлар водийсига етди. У ерда ёлғиз яшайди. Кундузи дашт ҳайвонларини овлаб, кечаси чинор остида ётар, юрагини кўксидан олиб, чинорнинг гулли шохига беркитиб қўяр эди.

Кўп кунлар ўтиб, ука Чинорлар водийсида ўз меҳнати билан (мол-давлат орттириб) ўзига сарой қуриб олди, уни чиройли нарсалар билан жиҳозлади. Сўнг оила қуришни хоҳлади. Шу тилак билан Тўққиз маъбудларга мурожаат қилди. Улар самода ўзлари учун тайин қилинган йўллардан юрар эдилар (Булар тўққиз сайёра бўлса керак – М.М.). Улар Батага дедилар: Эй, Бата, Тўққизлар буқаси, сен аканг Анупунинг хотини макри билан уйингдан кетиб, бу ерларда яшаяпсан. Ўша хотин қатл этилган, қасосинг олинган (Энди ёлғиз яшама). Тўққизлардан Ра-Харахти Хонумга (Зухрога) деди: «Бата ёлғиз яшамасин, сен унга яхши келин

топиб бер» Хонум йигитга ҳуснда тенгсиз қизни топиб берди¹ Етти Хат-хор келинни кўргани келдилар. Унга қараб: «Бу аёл қиличдан ўлади», – дедилар.

Бата хотинини жуда яхши кўрди, у саройда яшай бошлади. Бата дашт ҳайвонларини, қушларни овлаб уйга келтириб, хотинига берар (у уларни пишириб, дастурхонга қўяр) эди. Сўнг у хотинига деди: «Денгиз сени олиб кетмаслиги учун уйда ўтир, ташқарига чиқма, сен денгиздан қутулолмайсан, чунки аёлсан. Мен (ухлаётганимда) юрагимни чинор шохлари (гуллари) орасига беркитиб қўяман. Ким (душман) уни топиб олса, мен курашаман» Шундай деб, Бата хотинига ҳамма гапни айтиб берди.

Кунлар ўтиб, Бата овчилигини қилиб юраверди. Бир кун келин уй ташқарисидаги чинор тагига сайрга чиқди. Денгиз уни кўриб, тутиш учун тўлқинларини юборди. Келин қочиб уйга интилди. Денгиз чинорга: «Мен учун аёлни тутиб бер», деди. Чинор қўл-шохлари билан аёлнинг бир неча соч толасини ушлаб берди. Денгиз бу соч толасини Миср соҳилига элтиб берди. У ерда фиръавн ҳазрати олийларининг кийим ювгувчилари иш қилаётган эдилар. Улар фиръавн ҳазрати олийларининг либосларини юваётганида, либосларга аёл сочининг ёқимли ҳиди ўтиб қолибди. Фиръавн ҳазрати олийлари «Бу қандай аёл сочининг ҳиди?» – деб либос ювгувчиларни ҳар куни койир экан. Либос ювгувчиларнинг бошлиғи ҳар куни фиръавн ҳазрати олийларидан сўкиш эшитавериб, оғир ўйга толиб, соҳилда юриб, ўша соч толалари ётган жой қаршисидаги тепаликда тўхтабди. У ёқимли ҳидни сезиб, соч толаларини фиръавн ҳазрати олийларига келтириб берибди. Фиръавн ҳазрати олийлари ўз мамлакатидеги барча донишмандларни чақиртириб, «Бу соч толалари кимники?» – деб сўрабди. Донишмандлар: «Бу соч толаси маъбуд Ра-Харахти (Кунботар Қуёш) қизига тегишли. У аёл етти маъбуд (етти сайёра) наслидандир, у аёл фиръавн ҳазрати олийларига бегона мамлакат совғасидир», дедилар. «Уни топиш учун барча чет мамлакатларга элчилар юборинг Чинорлар водийсига борадиган элчига кўп навкарлар ҳамроҳ бўлсин, шунда у аёлни сизнинг ҳузурингизга олиб кела оладилар», – дедилар. Фиръавн ҳазрати олийлари: «Сизлар яхши фикрлар айтдингиз!» – деди ва уларнинг қайтишига рухсат берди.

Кўп кунлар ўтиб аёлни топиб олиб келишга турли мамлакатларга юборилган элчилар қайтиб келдилар ва айтдиларки, «Чинорлар водийсига юборилган элчилар, навкарларни (аёлнинг эри) Бата қириб

¹ Оврупо қадимшунослари Хонумни эркак маъбуд, Прометей деб ўйлайдилар.

ташлабди, фақат бир навкарни бу хабарни етказиш учун ўлдирмай, қайтариб юборибди».

Шунда фиръавн ҳазрати олийлари жуда кучли жангчилар ва жанг араваларини ва улар билан бир аёлни турли зеб-зийнатлар, атир, упу, ифорлар бериб, Чинорлар водийсига жўнатибди. Ўша аёл Мисрга Батанинг хотинини бошлаб олиб келибди. Бутун мамлакат байрам қилибди. Фиръавн ҳазрати олийлари хушбўй сочли аёлни жуда яхши кўрибди ва унга «Буюк маҳбуба» унвонини берибди. Сухбат орасида аёлнинг эрини эслашибди. Аёл эрининг юраги чинор шохи гуллари орасига беркитилганини фиръавн ҳазрати олийларига айтибди, «Чинорни кесиб, йиқитсалар, Бата ўлади» – дебди. Фиръавн ҳазрати олийлари фармони билан қуролли жангчилар бориб, чинорни йиқитибдилар. Бата шу заҳоти ҳалок бўлибди.

Акаси Ануну даладан уйига келиб, қўлини ювиб, финжондан шарбат ичмоқчи бўлганда, у чайқалиб тошиб кетибди. Қадаҳда май ичмоқчи бўлганда ҳам шундай бўлибди. Шунда Анупу оёғига этик, қўлига ҳасса ва қурол олиб, Чинорлар водийсига борибди. Укасининг саройига кирибди, ўлиб ётган укасини кўриб, бошида йиғлаб ўтирибди. Сўнг укаси доим ухлайдиган жойдан юрагини излабди, лекин тополмабди. Уч йил излаб ҳам укасининг юрагини тополмабди. Тўртинчи йили Анупу истаганини тополмагач, Мисрга кетишга қарор қилибди. Аммо эртасига яна кун бўйи излабди. Кеч бўлганида, «укамнинг юрагини топгунимча излайман» деган фикрга келибди. Охири (шоҳ-шаббалар орасидан) юриб, нўхатдай бўлиб қолган юракни топибди. Уни тиниқ, совуқ сувга солган экан, у сувни ўзига шимиб олаётганида, ўлик укага жон кирибди. Ака юрак солинган совуқ сувни укасига ичирган экан, юрак сув билан Батанинг ичига тушиб, ўрнига жойлашибди. Ака-ука қучоқлашиб, бўлган воқеаларни бир-бирига айтиб берибдилар. Шундан сўнг Бата акасига бундай дебди: «Мен чиройли рангдаги катта буқага – ҳўкизга айланаман, буқа сирли бўлиб, одамларнинг ўй-фикрларини тушунади. Ака, сен қуёш чиқишидан аввал устимга миниб, Мисрга борасан. (Менинг юрагим сирини душманга айтган) хотиним ўша ерда. Сен мени фиръавн ҳазрати олийларига совға қиласан, ҳазрати олийлари сенга бўйинг баравар олтин ва кумуш беради, чунки ажойиб буқа шу баҳога арзийди. Ажойиб буқа қутлуғ келди, деб халқ байрам қилади, сен қишлоғинга қайтасан».

Тонг отиб, ер юзи ёришганда Бата (дуо ўқиб) ўзи айтган ажойиб катта буқага айланди. Акаси Анупу буқага миниб, кеча-кундуз йўл юриб, Мисрга етиб келди. Ажойиб буқа (олиб келган одам) ҳақида фиръавн ҳазрати олийларига, омон бўлсин доимо, хабар бердилар. Фиръавн

ҳазрати олийлари ажойиб буқани кўриб, роса шодланди. Ажойиб буқа яхшилик (фаровонлик) келтиради, деб бутун мамлакатда халқ байрам қилиб, чўнг қурбонликлар берилди. Батанинг акаси Анупуга бўйи баравар олтин ва кумуш бердилар. Фиръавн ҳазрати олийлари, омон бўлсин доимо, Анупуни яхши кўрди, бутун мамлакатда ҳаммадан аъло кўрди, унга кўп мол-мулк, кўп хизматчилар берди. У шу бойликлар билан қишлоғига келди.

Кўп кунлар ўтди. Бир куни буқа (Бата) емакхонага кириб, хотинига деди: «Мен Батаман. Сен мени ўлсин деб чинорни кестирганини биламан. Мен ўлмадим, буқа бўлдим», – деди. Аёл эрининг гапларидан қўрқувга тушди. Буқа чиқиб кетди. Фиръавн ҳазрати олийлари, омон бўлсин доимо, емакхонага кириб ўтирганда севимли аёли унга май узатиб, меҳрибонлик қилиб, деди: «Ҳазрати олийлари, омон бўлинг доимо, «Сенинг ҳар қандай тилагингни бажараман» деб Худога қасам ичасизми?» Фиръавн ҳазрати олийлари, омон бўлсин доимо, аёлни яхши кўргани учун, Худо ҳаққи, нима тилагинг бўлса, бажараман», – деди. Аёлнинг гапига қулоқ солдилар. Аёл: «Анави буқанинг жигарини егим келяпти, шу буқанинг жигаридан бошқа нарса (менинг касалимга) фойда қилмайди», – деди. Фиръавн ҳазрати олийлари, омон бўлсин доимо, аёлнинг бу гапини эшитгач, шундай ажойиб буқанинг сўйилишига қаттиқ хафа бўлди, кўнгли оғриди. Лекин Худога қасамёд қилган. Эртасига Қуёш чиқиб, кун ёришганида буюк қурбонлик қилинади, деб жар солдилар. Фиръавн ҳазрати олийларининг биринчи қассобига фармон берилди, омон бўлсин доимо. Қассоб буқани сўйиб, ёрдамчилари (қурбонлик жойига) олиб бораётганларида бўйнидан томган қондан шоҳ дарвозасининг иккала тарафида биттадан ёнғоқ кўчати униб чиқиб, чиройли дарахтларга айланибди. Фиръавн ҳазрати олийлари, омон бўлсин доимо, бир куни шу дарахтлардан бирининг соясида малика билан дам олиб ўтиришганда дарахтдан овоз чиқибди: «Эй, хиёнаткор хотин, сен мени ўлдириш учун чинорни кестирдинг, буқани сўйдирдинг, лекин мен, Бата, ҳамон тирикман»

Яна кўп кунлар ўтди. Аёл фиръавн ҳазрати олийларига, омон бўлсин доимо, меҳрибонлик қилиб, май узатиб, яна Худо номига қасам ичиргач: «Шоҳ дарвозасининг икки четидаги ёнғоқни кесиб, сарир (диван) ясатиб беринг», – деди. Фиръавн ҳазрати олийлари, омон бўлсин доимо, қасам ичгани учун ёнғоқ дарахтларини кестирди. Усталар дарахтни силлиқлаб, рандалаётган пайтида бир жуда майда пайраҳа Батанинг хотини оғзига кириб, ютилиб кетди ва ўша заҳоти у ҳомиладор бўлиб қолди.

Кунлар, ойлар ўтиб, аёл бир ажойиб ўғил туғди. Бу ҳақда (сафарда бўлган) фиръавн ҳазрати олийларига, омон бўлсин доимо, хушха-

барни етказдилар. Сўнг унга чақалоқни кўрсатдилар. Фиръавн ҳазрати олийлари, омон бўлсин доимо, хурсанд бўлиб, чақалоққа энага ва соқчи тайинлади. Бутун мамлакат байрам қилди. Фиръавн ҳазрати олийлари хурсанд бўлиб, гўдакни Кеш мамлакати подшоҳи деб эълон қилди. Яна кўп кунлар, кўп йиллар ўтиб, гўдак улғайгач, фиръавн ҳазрати олийлари, омон бўлсин доимо, уни бутун мамлакатнинг тахт вориси, валиаҳд шаҳзода қилиб тайинлади. Кўп йиллар у шу вазифада (мартабада) яшадди. Кўп йиллар ўтиб, фиръавн ҳазрати олийлари, омон бўлсин доимо, вақти-соати етиб, руҳлар оламига самога парвоз қилди. (Янги) фиръавн ҳазрати олийлари, омон бўлсин доимо, ўз вазирларини, амалдорларини чақириб, улар олдида отасининг собиқ хотинини сўроқ қилди. У вазирларидан: «Бу аёл маккор, хиёнаткор, қотил эканлигига ишондингизми?» – деб сўради. Вазирлар: «Ҳа, ишондик», – дедилар. (Маккора аёл жазосини олди, қатл этилди.) Бата акасини пойтахтга чақиртириб, уни бутун мамлакатга тахт вориси этиб тайинлади. Укаси (Бата) Мисрга ўттиз йил подшоҳлик қилгандан сўнг, вафот этди. Уни дафн этганларидан кейин акаси (Анупу) ҳазрати олийлари, омон бўлсин доимо, тахтга ўтирди.

* * *

Кўлөзма колофониди – сўнги саҳифасида котибларнинг қуйидаги сўзлари ёзилган: «Бу ривоятни фиръавн ҳазрати олийлари, омон бўлсин доимо, хазинасидан олиб, кўчирган котибнинг руҳи хотиржам, саломат бўлсин, бу битикни охирига етказган котиб Каҳоба, котиб Хорий, котиб Мирим руҳлари шод бўлсин. Бу сўзлар китобнинг эгаси котиб Иннонга тегишли. Агар бу ривоятни кимки ёлғон, деб мункирлик қилса, маъбуд Тотнинг душманидир»

ЖОДУЛАНГАН ШАҲЗОДА

Бор эканда йўқ экан, бир подшоҳ бор экан. У фарзандсиз экан. Доимо фарзанд тилаб, ўз элининг маъбудларига тавалло қилар экан. Охири маъбудлар унга бир ўғил беришга қарор қилибдилар. Подшоҳ бир кеча хотини билан ётганида, малика ҳомиладор бўлибди. У ой-кунни етиб ўғил туғибди. Хатхор маъбудларидан боланинг тақдири қандай бўлишини сўрабдилар. Маъбудлар: «Бу бола ё тимсоҳ, ё илон, ё ит тишлашидан ўлади», – деб башорат қилибдилар. Энагалари маъбудларнинг башоратини подшоҳ ҳазрати олийларига етказибдилар. Подшоҳ бу сўзларни эшитиб, хафа бўлиб, кўнгли оғрибди. У фарзандини айтилган бало-қазодан асраш учун чўл ўртасида тошдан бир уй қурдирибди ва хизматчиларига: «Болани ташқарига ўйнагани чиқарманглар» – дебди.

Йиллар ўтиб, шаҳзода бўй етиб, бир куни уйнинг томига чиқиб, тева-рак-атрофни томоша қилибди. У йўлда бир одам ва орқасида ити келаётганини кўрибди. Бола хизматчисидан «Анави одамнинг орқасидан эргашиб кетаётган нарса нима?» – деб сўрабди. Хизматчи шаҳзодага: «Бу ит», – дебди. Шаҳзода: «Менга ҳам шундай ит топиб беринглар», – дебди. Хизматчи бу гапни подшоҳ ҳазрати олийларига етказибди. Шунда подшоҳ ҳазрати олийлари: «Шаҳзодага кичик бир лайча топиб беринглар, майли, хафа бўлмасин», – дебди. Шаҳзодага кичик бир итни келтириб беришибди.

Йиллар ўтиб шаҳзода ўсиб-улғайибди. У бир куни отасига: «Эй, ота, бу ерда тўрт девор ичида ўтирганимдан нима фойда? Барибир пешонамда борини кўрар эканман. Яхшиси, мен кўнглим тилаганича яшай, токи худонинг тилаги бўлганича», – деди.

Шунда шаҳзода учун жанг аравага от қўшиб, керакли қуроллар ва хизматкор, навкарлар бериб, (кемада) дарёнинг (Нил дарёсининг) шарқий соҳилига ўтказиб қўйдилар. Ити ҳам у билан бирга эди. Подшоҳ ҳазрати олийлари шаҳзодага: «Майли, кўнглинг тилаганича яша!» – деди. Шаҳзода даштда овлаган ҳайвон, қуш гўштини еб, умр кечираверди.

Шаҳзода овга қизқиб, бир куни Наҳория подшоҳининг мамлакати чегарасига етиб борди. Наҳория подшоҳининг бир қизидан бошқа фарзанди йўқ экан. Подшоҳ қизига кўшк, қаср қурдирибди. Деразасидан ергача етмиш қулоч чиқар экан. Наҳория подшоҳи Сурия атрофидаги барча шаҳзодаларни чақириб, шарт қўйибди. «Қим қизи ўтирган деразагача (оти билан) сакрай олса, қизимга уйланади», – дебди.

Кўп кунлар ўтибди, кўпгина шаҳзодалар баланд деразагача сакрашга ҳаракат қилибдилар, лекин ета олмабдилар. Шу орада бу ерга жанг аравали йигит келиб қолибди. Подшоҳларнинг ўғиллари, шаҳзодалар уни яхши кўриб, уйларига (чодирларига) таклиф этиб, чўмилтириб, оёқларини уқалаб, кийинтириб, меҳмон қилибдилар. Хизматчиларига овқат, отларига ем-хашак берибдилар. Сўнг: «Эй барно йигит, сиз кимсиз, қардан келдингиз, кимнинг ўғлисиз?» – деб сўрабдилар. Йигит уларга деди: «Мен Мисрлик бир жангчининг ўғлиман. Онам вафот этган, отам бошқага уйланган. Ўгай онам мени ёмон кўрар эди. Мен ундан қочиб, бу ёқларга келиб қолдим»

Шаҳзодалар мисрлик йигитга (раҳми келиб), қучоқлаб, ўпиб қўйибдилар. Кўп кунлар ўтибди, йигит шаҳзодалардан: «Бу ерларда ўзларингиз нима билан машғулсиз?» – деб сўрабди. Шаҳзодалар унга: «Наҳория подшоҳи шарт қўйган. Ким шоҳнинг қизи ўтирган деразагача сакрай олса, қизини ўша йигитга узатар экан. Биз уч ойдан бери бу ерда

сакрашни машқ қилаяпмиз», – дебдилар. Шаҳзода уларга: «Агар оёғим оғримаганида, мен ҳам сакрар эдим», – дебди.

Шаҳзодалар ҳар кунгидай, сакраш (машқларига) кетибди. Мисрлик йигит уларнинг сакрашини томоша қилиб тураверибди. Қиз йигитни кўриб, уни ёқтирибди. «Сакра» дегандай ишора қилибди. Шунда йигит ҳам бошқалар қаторида сакрабди ва деразага етибди. Қиз уни ўпиб, қучоқлабди.

Хизматчилар бу хабарни қизнинг отасига етказибдилар: «Бир йигит қизингиз ўтирган деразагача сакради», дебдилар. Қизнинг отаси: «У қайси подшоҳнинг ўғли экан?» – деб сўрабди. Хизматчилар: «Йигит бир мисрлик жангчининг фарзанди, у ўгай онасидан қочиб келган экан», – дебдилар. Наҳория подшоҳи: «Мен қизимни келиб-келиб мисрлик қочқинга бераманми, у келган жойига қайтиб кетсин», – дебди.

Подшоҳнинг қизи эса мисрлик йигитни қучоқлаб: «Мангу ҳаёт Ра-Харахти (Кунботар Қуёши) га қасамки, мени бу йигитдан жудо қилсалар, овқат ҳам емайман, сув ҳам ичмайман, ўлиб қоламан!» – дебди. Канизаклар қизнинг бу сўзларини отасига етказибдилар. Подшоҳнинг яна жаҳли чиқиб: «Мисрлик йигитни ўлдиринглар», – деб соқчиларни жўнатибди. Бундан хабар топган қиз соқчиларнинг йўлини тўсиб: «Агар бу йигитни ўлдирсангиз, Мангу ҳаёт Ра номига қасамки, мен унинг ўлимидан сўнг бир лаҳза ҳам яшамайман», дебди. Соқчилар қизининг бу сўзларини отасига етказибдилар, подшоҳ шундан сўнг қизи билан йигитни ўз ҳузурига чақирибди. У йигитни қучоқлаб, ўпиб, «Энди ўғлимдай бўлдинг, ўзинг ҳақингда сўзлаб бер», – дебди. Йигит унга ҳам: «Мен бир мисрлик жангчининг ўғлиман, онам ўлган. Отам бошқага уйланган. Ўгай онам мени ёмон кўради. Мен ундан қочиб, бу ёқларга келиб қолдим», – дебди. Подшоҳ қизини унга никоҳлаб, уй-рўзғорларини бут қилиб, дала, чорва (чаҳорпо), бошқа зарур нарсалар берибди.

Кунлар ўтиб, йигит хотинига маъбудлар башоратини айтибди. «Мен ё тимсоҳ, ё ит, ё илон сабабли ўлар эканман», – дебди. Хотини унга: «Итингни ўлдирсинлар, рухсат бер», – дебди. Шаҳзода: «Итимни жуда кичиклигидан боққанман, уни ўлдиришларини истамайман», – дебди.

Шундан сўнг хотини эрини янада эҳтиётлаб асрайдиган, кўчага ёлғиз чиқармайдиган бўлибди.

Шаҳзода Мисрдан шу юртга келган куни бир катта ҳовуз олдига келиб қолган экан. Ҳовузда бир тимсоҳ яшар экан. У ерда бир кучли одамобий (сув одами) бўлиб, у тимсоҳни ташқарига чиқармас, тимсоҳ ҳам уни қуруқликка чиқармас экан. Булар (тунда ухлаб) тонг отиши билан олиша бошлар эканлар. Улар шу зайлда уч ой курашиб (ҳолдан тойганида), бу ерга шаҳзода келиб қолибди...

Шаҳзода ўзи учун хавфли бўлган уч ой ўтганига хурсанд бўлиб, ҳовлисидан ташқарига чиқмай, (дам олиб) ўтирибди. Кеч кириб, шамол тўхтаган вақтида йигит ухлаш учун ўрнига ётибди, сўнг уйқуда қотибди. Хотини уни кўриқлар экан. У илондан эрини асраш учун бир идишда сув, бир идишда бўза (русча таржимада пиво) тўлдириб қўйибди. Ўзи ухламай кутибди. Ярим кеча илон уясидан чиқиб, шаҳзодани чақишга келибди. Аммо бўзани ичиб, маст бўлиб, қорнини кулча қилиб, ўралиб, ухлаб қолибди. Хотини канизакларига болта бериб: «Илонни чопиб ташланглар!» – дебди. Илонни чопиб ташлабдилар. Эри уйғонганида хотини унга: «Ана, сенга тикилган жодулардан бири ўлди, Худойим сени сақлади, худо хоҳласа, яна сақлайди», – дебди. Шаҳзода ҳар куни маъбуд Рага қурбонликлар қилиб, унга мадҳу санолар айтибди.

Кўп кунлар шаҳзода ўз дала, боғларини айланишга чиқибди. Ити ҳам ёнида экан. Бир вақт ити тилга кириб, («Маъбудлар тилагича, мен сени тишлашим керак», дебди) Шаҳзода итидан қочиб, тимсоҳли ҳовуз олдига келиб қолибди. Тимсоҳ унга: «Уч ойдан бери сени кутаётган эдим. Сени тишлашим керак эди. Лекин сен агар менинг душманим бўлган одамобийни ўлдирсанг, мен сени омон қолдираман», – дебди...

Тонг отиб, кун ёришганида (Наҳория юртига шаҳзоданинг отаси) излаб келди..

(Қўлёзма, тошбитикнинг охири ўчиб кетган.)

ҚУЁШ – АТОН (РА)ГА МАДҲУ САНО

Қадимги мисрликлар эътиқодига кўра, Ер юзидаги ҳаёт сирлари, Қуёш нурлари билан қишнинг қорлари, музларини эритиб, дарё ва сой, жилғалар оқизиб, ўсимликларни ундиргани учун инсонлар ва ҳайвонларнинг пайдо бўлиши ва мавжудлиги Қуёшга боғлиқ деб билганлар ва ҳар тонгда Қуёшни қутлаб, мадҳу сано айтганлар (тарж.).

* * *

Шон-шарфлар бўлсин, мангу ҳаёт маъбуд Ра-Харахтига, шу исми билан самода чарақлаб парвоз қилгучи маъбуд, яъни Атонга! Буюк ҳаёт берувчи Атон асрлар оша яшасин, Қуёш фалак доирасида бўлган барча мавжудотларнинг ҳукмдоридир. У осмон эгаси, замин эгаси, Ер куррасининг иккала тарафининг эгаси, Ахетатондаги Атон ибодатгоҳининг эгаси. У Юқори Миср ва Қуйи Мисрнинг ҳақиқатчи подшоҳига, Ра ўғлига шуҳрат беради. У подшоҳнинг севимли маликаси, икки замин соҳибаси Нефертитига, доимо соғ-саломат ва доимо ёш бўлсин, шон-шуҳрат беради.

У (Эхнатон, Атоннинг севгилиси) Қуёшга бундай дейди: «Эй фалакда чарақлаб турган мангу яшовчи Тангри, ҳаётнинг боши! Сен шарқдан балқиб, заминга гўзаллик, чирой берасан. Сен ажойибсан, буюксан, чароғонсан! Сен заминнинг ҳамма томонидан юксаклардасан! Сенинг нурларинг барча мамлакатларни ёритади, ўзинг яратган барча мавжудотларнинг охиригача ёритади.

Сен – Ра, барча сарҳадларга етасан.

Сен олис-олис ерларни севимли ўғлингга бўйсундирасан. Ўзинг олисдасан, лекин нурларинг заминда, сен. одамлар олдида ўз йўлингга давом этасан. Сен мағрибга ботганинда замин зулматда қолиб, ўлгандай бўлади. Одамлар бошларини ёпиб, ўликдай ухлайдилар, кўзлари ўзини ва бошқани кўрмайди, уйини ўғри урса ҳам сезмайди.

Қоронғиликда арслон овга чиқади, илонлар қоронғида одамларни чақади, замон зулматга ботади. Сен машриқдан чиқар экансан, олам ёришади, саховатли нурларинг қоронғиликни қочиради, Икки Замин (Қуйи Миср, Юқори Миср) уйғонади, одамлар оёққа туради. Сен уйғотгач, одамлар ювинадилар ва кийинадилар.

Сен чарақлаб заминни ёритганинда, одамлар сен томон қўлларини узатиб, сени шарафлайдилар, сўнг ҳар ким ўз ишига тутинади. Яйловларда мол, қўйлар яйраб ўтлайди, дарахтлар ва ўт-ўланлар яшнайдилар, қушлар инларидан чиқиб, қанот қоқиб, сени шарфлайдилар. Сенинг нурларингда барча ҳайвонлар чопқиллайди. Сенинг нурларинг денгиз тубигача етиб, садафларда марваридларни ўстиради. Сен эркакда уруғ, аёл қорнида чақалоқ пайдо қиласан, она қорнида чақалоқни ўстирасан, йиғлатмайсан, юпатасан, хавфсиз нафас олдирасан, вақти-соати етиб туғилганида, унга овоз ато қиласан, тухум ичида қуш жисми пайдо бўлганида, сен тухумнинг пўчоғи орқали асрайсан, қушнинг тухумини ёриб чиқиши вақтини тайинлайсан, қуш қафасидан чиққан заҳоти ўз оёғи билан юриб кетади.

О, сен яратган мавжудотлар сон-саноксиз, одамларнинг ақли етмайдиган ҳаёт сирларга тўла, сен яккаю ягона маъбудсан, сендан бошқа маъбуд йўқ! Аввал сен ёлғиз эдинг, (кўп яшасин деб) заминни, одамларни, ҳайвонларни, ерда юрувчи ва осмонда учувчи жониворларни яратдинг. Одамларни ўзинг истаган ерларга – Сурияга, Қушга (Кешга), Мисрга жойладинг, уларга ризқ бердинг. Ҳар кимнинг насибаси, ўлчовли умри бор. Одамларнинг ўзлари ҳам, тиллари ҳам, танасининг ранги ҳам турлича, яшаётган мамлакатлари ҳам турлича. Сен ер остидан Нил дарёсини ер устига чиқариб, одамларга ризқ бердинг. Осмонлардан ерга тушган Нил дарёси тоғлардан шаршаралар, тўлқинлар ҳосил қилиб, водийларга оқиб, далаларни яшнатади. Эй Қуёш, абадият эгаси, бар-

ча мавжудотларга қилган, қилаётган яхшиликларинг нақадар ажойиб, гўзал! Сен одамларга ғамхўрлигиндан марҳамат қилиб, нурларингни осмондан ерга туширдинг. Заминдаги Нилдан маҳаллийлар ҳам, муҳожирлар, мусофирлар ҳам ризқланадилар. (Нил сувлари билан) сенинг нурларинг экинзорларни яшнатади. Сен вақтни барчага ўлчаб берасан. Ҳар бир авлоднинг яшаш вақти бор. Ёзда экинзорлар жазирама иссиқликда куймасин деб, қишни яратдинг. Сен, осмонда айланиб, ўзинг яратган мавжудотларни кузатиб турасан. Сен, мангу ҳаёт Атон, ягона маъбуд, чарақлаб, ярақлаб турасан, бизга ҳам олиссан, ҳам яқинсан. Сен ўзингдан лак-лак (миллион-миллион) ўзингга ўхшашларни (юлдузларни) яратгансан.

Сен кундузи чарақлаб турганинда барча шаҳарлар ва қишлоқлар, дала ва йўллар, дарёлар сени кўриб қувонадилар.

Нурларинг менинг қалбимни ҳам ёритади. Неферхефрўй (Ой) сенинг ягона ўғлинг, сен унга ҳам кечалари Ер юзини ёритишни буюрасан ва унга қувват берасан.

Эй Қуёш – Ра, сен одамларни яратдинг, сен заминни ёритсанг одамлар яшайди, сен ёритмасанг, зулматда одамлар яшай олмайди. Сен одамларнинг яшаш вақтисан, уларнинг умри, қанча вақт яшаши сен билан (Қуёш неча марта чиқиб, неча кунлар ўтиши билан) ўлчанади. Одамлар сен уфққа ботганинда жамолингга қараб турадилар. Сен уфққа ботганинда одамлар меҳнатдан бўшайдилар. Тонгда ерни ёритганинда яна ишга тутинадилар. Сен заминни яратганидан бери одамларнинг оёғи тинмайди. Сен Ра, Юқори Миср ва Қуйи Мисрда адолат, ҳақиқат билан подшоҳлик қилаётган ўғлинг Эхнатон (Атонга севимли) Неферхефрўйга (Рамзес II га) ва подшоҳнинг севимли умр йўлдоши, икки замин (Юқори Миср ва Қуйи Миср) маликаси Нефертитига доимо яхшиликлар тилагин, Илоҳим!

Изоҳ: Бу манбадан маълум бўлишича, қадимги мисрликлар яккахудолик динига, масиҳийлар ва мусулмонларнинг динига ўтишга яқинлашган. Фарқи шундаки, улар оламлар яратувчисини табиатни яшнатувчи Қуёш тимсолида кўрганлар. Қуёшнинг ҳам ягона яратувчиси борлигини билиш даражасига етмаган (тарж.).

**«Марҳумлар китоби» дан
(Мил. авв. XV аср. Китобдан бир боб)**

Қадимги Миср халқининг эътиқодига кўра, ҳар бир инсон охиратда маъбудлар бошлиғи Осирис ва турли вазифадаги фаришталар, ҳакамлар олдида ўз айбсизлигини исботлаши, бу дунё ҳаётида ҳеч бир жонзотга ёмонлик қилмаганини исботлаш керак. Мазкур парча «Марҳумлар китоби» нинг 125-бобидан (тарж.).

**Муқаддима
Марҳумнинг 1-ўзини оқловчи нутқи**

Икки Ҳақиқат эгасига (бу дунё ва у дунё ҳақиқати эгасига) ассалом!
Мен сенинг жамолингни кўриш учун келдим.

Икки Ҳақиқатнинг Буюк саройида қирқ икки маъбуд (фаришталар) Ун-нефер ҳакамлигида дунё ҳаётидаги золимларнинг қонини ичишга тайёр туришларини биламан. Адолат ҳокимлари, мен сизларни биламан, мен сизлар буюргандай, ҳақиқат билан ҳалол яшадим, ноҳақликдан, нопокликдан узоқ юрдим.

Одамларга ёмонлик қилмадим.

Жониворларга ёмонлик қилмадим.

Ҳақиқатни ёқладим, гуноҳ ишга қўл урмадим.

Ахлоқсиз ишлар қилмадим.

Муқаддас қайиқ дарғасини ранжитмадим¹

Куфр сўзларни айтмадим.

Заифларга, ожизларга қўл кўтармадим.

Худонинг ғазабини келтирувчи ишлар қилмадим.

Қулга эгаси (Тангри) олдида жабр-зулм қилмадим.

Бировларнинг соғлигини йўқотмадим.

Ҳеч кимни йиғлатмадим.

Ҳеч кимни ўлдиришни буюрмадим.

Ҳеч кимга алам-азоб бермадим.

Ибодатгоҳлардан захираларни олиб тугатмадим.

Муқаддас экинзорларни пайҳон қилмадим.

Ўлганларнинг нонига (молига) кўз олайтирмадим.

Бузуқлик, фаҳш ишлар қилмадим.

Ҳеч кимни ҳақоратламадим.

¹ Устозга ҳурматни бажо қилиш ҳақида бўлса керак (тарж.).

Тарозида ошиқча, ё кам тортмадим.

Тарозининг тошини босмадим.

Гўдакларни она сутидан айирмадим.

Бировнинг қўй ва эчкиларини тортиб олмадим.

Муқаддас қушларга тузоқ қўймадим.

Муқаддас ҳовуздаги балиқларни овламадим.

Ариқларда оқаётган сувнинг йўлини тўсмадим.

Қурбонлик оловини ўчирмадим.

(Қўй сўйиб) қурбонлик қилишни тарк этмадим.

Худонинг яйловидаги (ибодатхоналарга қарашли) мол-қўйларга қўл тегизмадим.

Маъбуд (Қуёш) чиқишига тўсқинлик қилмадим.

Мен ҳалол яшадим, ҳалол яшадим, ҳалол яшадим!

Икки Ҳақиқатнинг Буюк саройида қирқ икки маъбуд (фаришта)нинг исмларини билганим учун менга бу ерда бирор жабр-зулм еткизилмайди, деб умид қиламан..

Изоҳ. Шундан сўнг битикда сўроқ қилувчининг 2-ўзини оқловчи нутқи келади. Унда марҳум ҳар бир фариштанинг номини айтиб, турли гуноҳ ишларни қилмагани айтилади. Бу нутқда айтилган гуноҳ ишлардан тийилиш виждон софлиги орадан неча-неча минг йиллар ўтиб, ҳозир ҳам Шарқ халқларининг юксак маънавий ҳаётидан далолат беради. Бундай гуноҳ ишлардан сақланиш ҳозирги авлодлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга (тарж.).





ГИГАМИШ ХАКИДА ДОСТОН



ШУМЕРЛАР ЭПОПЕЯСИ

Ч кки дарё оралиғи – Месопотамияда илк давлатлар қонун ва ҳуқуқ, фалсафа, дин, маданият, жумладан, адабиёт, санъат вужудга келгани ва ривож топгани ҳақида қадимий тошбитикларда ёзиб қолдирилган. Кичик Осиёнинг шарқий чегаралари, қадимги Ван кўли жануброғида, Курдистон тоғларидан бошланган Тигр (Дажла) дарёси 1950 километр (тахминан Кошғардан Озарбайжонгача) йўл босиб, жанубда ундан ҳам олисроқ (2770 км) йўл босган Евфрат (Фрот) дарёси билан қўшилиб, Шаттл-Араб дарёсини ҳосил қилади ва Басра шаҳридан пастроқда Ҳинд океанининг кўрфазига куйилади. Мана шу икки дарё сувлари шарофати билан бу оралиқда қадимги Ашшурбанипал, Сарданапал, Навуходонасор каби жанговар, урушқоқ подшоҳлар қурган Аккад, Элам, Бобил, Шумер давлатлари таркибида обод, гўзал шаҳарлар вужудга келди. Оссурия давлати Бобилни босиб олган вақтларда Ниневия шаҳри пойтахт сифатида юксалади. Дажла ва Фрот дарёлари минг километрча оқиб, бир-бирига яқинлашган (оралиғи 30 км бўлиб қолган) жойларда Қадимги Бағдод ўрнида ва атрофида Аккад, Бобил, Сиппар, Кеш, Ларсо, Урук шаҳарлари қад кўтаради. Месопотамиянинг шарқ тарафида Қадимги Эронга чегарадош Захро (Загро) тоғлари этагида Беҳистун битиклари топилган.

* * *

Милоддан аввалги ХХХ–XXIII асрлар – шумерлар (сомирийлар) давридан жуда бой маданий мерос хазиналари сақланиб қолган. Биргина Ниппур шаҳри ибодатхонасининг кутубхонасида мифологик дostonлар туркумига кирувчи 2000 га яқин бадий асар сопол ва тошбитикларда бизгача етиб келган. Лагаш, Кеш, Урук ва Ур (Хур) шаҳарлари ибодатхоналарининг кутубхоналарида бу асарларнинг аккад тилига таржима қилинган жуда кўп тошбитик нусхалари топилган. Бу қадимий маданий ва адабий ёдгорликлар нисбатан кеч, Наполеон кўшинлари Мисрни босиб олган, Англия кўшинлари Франция билан бу ҳудудларни талашган даврларда, 1807–1870-йиллар оралиғида инглиз, француз, олмон, турк ва чех олимлари томонидан археологик қазилмалар вақтида топилгани

учун бир адабий асар – дostonнинг бир қисми Берлинда, яна бир қисми Лувр (Франция)да, яна бир қисми Лейпциг ёки Лондонда ва Истанбулда сақланган. Лекин илм-фан фидойилари бўлган археолог, тарихчи, филолог олимлар турли жойлардаги парчаларни бирлаштириб, бадий асарнинг тўлиқ мазмунини тиклашга эришганлар.

Жаҳон адабиётининг энг қадимий дурдоналаридан бўлмиш «Гилгамиш» ёки «Билгамиш» дostonи ана шундай етук асарлардан биридир. Юксак бадийати ва инсонпарварлик руҳи сабабли бу асар қадим замонлардаёқ турли тилларга таржима қилинган. «Билгамиш» дostonининг турли вариантлари, айрим ҳолда, кўшилган ва ўзгартирилган турлича нусхаларининг топилиши қадимги вақтлардаёқ илмий-адабий қарашлар, илмий-адабий тадқиқотлар мавжудлигини билдиради.

Чех қадимшунос олими Йозеф Климаннинг аниқлашича, Шумерда вужудга келган бутун дунёни тўфон суви босиши, Шуруппак шаҳри ҳокими ва коҳини Зи-Усудра кема ясаб, жонзодлардан бир қисмини асраб қолиши Нух тўфони тасвирига ўхшаб кетади. Қадимги Шумернинг пойтахти Ниппур шаҳри вайроналаридан топилган Тўфон афсонаси «Гилгамиш» («Билгамиш») дostonи таркибига киради. Дostonда Гилгамиш хоқоннинг душман шаҳри Кеш подшоҳи Оғага қарши жанг қилгани, уни енггани ва ўз юртига қайтаргани, дўсти Энкидунинг ўлимидан сўнг, ҳаёт гулини излаб, олис денгиз сафарига чиқиши ва сафар чоғида донишманд Утнапиштимни учратиб, ундан Тўфон воқеасини эшитгани тасвирланади.

Шумершуносларнинг фикрича, «Гилгамиш» дostonи аввалроқ турли мустақил кичик дostonлардан иборат бўлган. Сўнг туркумлашув қоида-сига кўра, бу алоҳида асарлар бир дostonга бирлаштирилган. Атоқли мисршунос олим Неъматилла Иброҳимов қадимий араб халқ қиссалари (романлари) ҳам ана шундай туркумлашувни бошдан кечиргани ҳақида ёзади¹ «Гилгамиш» дostonининг яхлит вариантыда қаҳрамон, дўсти Энкиду билан бирга Ливандаги кедр ўрмонида бориб, Урук шаҳри қурилиши учун дарахтларни кесиши, Хумбобо исмили даҳшатли дев билан курашиб, Қуёш тангриси Уту (Ўтту, Ўтли) ёрдамида девни ўлдириши воқеаси тасвирланади. Асарда қадимги Шумер халқининг адабий-бадий тафаккури, қарашлари акс этган. Асарда Кеш давлати босқинчиларига қарши Гилгамиш ва Энкидунинг жанги тасвирида туркий қаҳрамонлик эпосига хос эмоционал, ҳис-ҳаяжонли бадий такрорлар, савол-жавоблар, ватан ҳимояси учун «Омочларни қиличга алмаштирамиз!» каби шиорлар, «Ёвларнинг кўркувдан ақли адашди, фикри тўзиди, эсанкиради» деган халқона иборалар кўп учрайди.

¹ Иброҳимов Н. Араб халқ романи. – Т.. «Фан», – 1996.

Туркий халқлар эпоси, жумладан, «Алпомиш» достони қаҳрамонлари қабила, элат бошлиқлари – беклар бўлса, «Гилгамиш» («Билгамиш») достонида бош қаҳрамон ҳам юрт ҳокими ва руҳоний қоҳиндир. У дўсти Энкидуга «Ўлмас тоққа бориб, ё номимни шон-шарафга буркайман, ё номимни шон-шарафга буркаш мумкин бўлмаса, Тангриларни шарафлайман!» – дейди. Гилгамиш кўп қаҳрамонликлар кўрсатиб, адолатли жамият куриш орзусига етади:

*Шаҳар! Қиёфаси даҳшат солар ёвларга,
Ёвлар бунда дуч келади ғовларга.
Ташқаридан келар жанглар сурони,
Ичкарида ёвлар учун тўр, тузоқ,
Талашганлар яшамайди кўп узоқ.
Шаҳар аҳли адовату иғволарни билмайди,
Беҳудага ур-сур, жанжал қилмайди.
Тилида ҳам, дилида ҳам кифр йўқ,
Йўқ, бу ерда қаҳри қаттиқ қозилар,
Зўравон йўқ, эзувчи йўқ, золим йўқ,
Сўзи бошқа, иши бошқа олим йўқ.
Бу шаҳарда чақимчи йўқ, ёлғон йўқ.
Бу шаҳарда мезбон эрур ҳақиқат,
Осмонида парвоз қилур ҳақ-бургут.
Маккор, душман, қайтгувчилар сўзидан,
Қочолмаслар ўткир бургут кўзидан.*

Достоннинг кейинги бўлимида Ниппур шаҳрининг тоғ қоясига қурилган Экур ибодатхонасида Энлилга, юлдузларга ибодат маросимлари, қурбонликлар қабул қилиниб, гуноҳлар кечирилиши, ҳайит-байрамларда халқ бу ерга оқиб келиши, чашмаларнинг суви шифобахш, руҳонийлари кийиниш ва ибодатда покиза, далалари серҳосил экани айтилади. Кейинги бир неча қисмларда Еру Осмон Тангриси Энлилга такрор-такрор мадҳу санолар ўқилади. «Сенинг комиллигинг олдида барча инсонлар лол қолади, моҳиятинга инсон ақли етмайди, ният-мақсадингни ҳеч ким билмайди, жамолингни ҳеч ким кўролмайди, сўзинг-каломинг беқиёс, осмонлардай чексиз, булутлардай саховатли. Сенинг сўзинг билан заминда мўл ҳосил, ноз-неъматлар етилади».

Достонда илоҳлар бошлиғи Энлил – фиръавн деб, унинг хотини, самога ўғирлаб кетилган, барча мавжудотларга меҳрибон, ғамхўр, Экур ибодатхонасининг илоҳаси ҳисобланган Нинлил фиръавн ёнида шоҳо-

на тахтда ўтирган малика деб таърифланади. Достонда Нинлил – бутун олам, коинот маликаси, осмон остидаги барча мамлакатларнинг бекаси деб мақталишига кўра, шумерлар – сомирийлар Ойга ҳам сиғиниб, ибодат қилганларини тасаввур этиш мумкин¹.

Шумерларнинг эпик поэзиясида муҳаббат илоҳаси Инанна (Бобилда – Иштар) билан шаҳзода чўпон Думузи бир-бирини севиб оила куриши, бахтли ҳаёт кечириши, сўнг Инанна осмонларни орзу қилиб, Ойга айланиши, (Ой куйган вақтида) бу илоҳа Ер остига, марҳумлар оламига кириб, «борса-келмас» мамлакатни кўришни орзу қилиши, марҳумлар оламига етиш йўлида бу дунёдаги обрў, мартаба, улуғворлик нишонларидан, зебу зийнатларидан бирма-бир айрилиши Ҳомер достонларидаги каби эпик кўламда энг нозик тафсилотлар – бадий деталлар воситасида тасвирланади. Ерости оламининг дарбони Нети малика Инаннага эшик очмайди ва ўз илоҳаси Эрашки-ҳолга бу ҳақда маълум қилади.

Кўшиқ – боб сюжети, маънолари ва оҳангидан сезиладикки, марҳумлар олами илоҳаси Эрашки-ҳол гўзаллик ва муҳаббат маликаси Инаннанинг ҳаёти тугаб, қоронғилик оламига келишини, бу ерда лазиз таомлар ўрнига оғзига лой тўлишини, қимматбаҳо атир-упалар ўрнига қошу кўзига тупроқ сурилишини, бўйнига дур-жавохирлар шодаси ўрнига илонлар осилишини орзиқиб кутганга ўхшайди. Ерости оламига кираверишда севги маликаси Инанна бошидан дур-гавҳарли ишқ тожини, 2-дарвоза олдида қўлларидан мулкдорлик ва ҳокимият нишонларини, 3-дарвоза олдида бўйнидаги дур-марваридлар шодасини, 4-дарвоза олдида кўкрагидаги икки қават гавҳар боғламини, 5-дарвоза олдида иккала билагадаги билагузукларини, 6-дарвоза олдида «Кел, эй эркак, бери кел!» деб ёзилган кўкрак тўрини, 7-дарвоза олдида белидан тожу тахт камарини олиб кўядилар. Инанна ҳар гал «Бу нимаси?» – деб сўраганида, ажал дарбони Нети «Ерости қонунларига ҳамма бўйсунмай, иложи йўқ!» – деб жавоб беради.

Оссурийшунос, бобилшунос, шумершунос европалик олимлар кейинги асрларда (XIX–XX) ўз давлатларининг Яқин Шарқ, асосан, араб мамлакатларидаги кучли таъсир доирасидан фойдаланиб, икки дарё оралиғи – Месопотамияда жуда кўп қадимий адабий, маданий, тарихий ёдгорликларни излаб топдилар. Атоқли бобилшунослардан Ф Гомел, Б. Ландсбергер, диншунослар А.П. Оппенгейм, У Ламберт, Йоханн ван-Дейк, рус шумершунослари И. Дьяконов, М. Кузьмин, И. Клочков ва бошқалар янги кашф этилган асарларнинг матнларини ўқиш, таржима қилиш, имкони борича шарҳлашда фидойиларча меҳнат қилдилар.

¹ Поэзия и проза Древнего Востока. – С. 141

Қадимги шумерлар ва бобилликларни умуминсоний абадий-фалсафий муаммолардан уchtаси жуда қизиқтирган:

1 Илоҳий тақдирни пок, мусаффо яшаш, гуноҳлардан қутулиш билан, яхшилиқлар қилиш билан ижобий томонга ўзгартириш мумкинлиги масаласи.

2. Тақдир илоҳаси (зардуштийларда порлоқ Толе, римликларда Фортуна) бор деб, унга илтижо қилиб, пок-мусаффо яшашга аҳд, ваъда қилганлар.

3. Жамият ҳаётида ёмон, ёвуз, золим одам яхшиларга кун бермаслигидан норозилик.

Шумерлар тўғрисида ўзбек тилида ёзилган илк асарлардан бири, серқирра олим Зойир Зиётовнинг «Шумерлар ва Турон қавмлари» китобидир. Бу асар нафақат географик кенглик нуқтаи назаридан, балки милoddан аввалги икки минг йилликни ҳам қамраб олиши билан, жаҳон тарихида етакчи этносларнинг келиб чиқиши, Турон ва Скандинавия халқлари алоқалари билан ҳам ҳайратлантиради.

Гап шундаки, борди-ю, фақат шумерлар ва улар яшаган давр ҳақидаги маълумотлар билан кифояланса, шумерларни тушуниб олиш қийин бўлар эди. Шуларни эътиборга олиб, муаллиф мавзуни жуда кенг олади. Асар шумерлар тарихининг очилиши мавзуси билан бошланади ва улар қайси халқларнинг аждодлари экани ҳақидаги илмий фаразлари билан китобхонни ўзига жалб қилади. Шумер тарихи очилгунча бўлган барча воқеалар шу тарзда бир-биридан қизиқ воқеалар билан ҳаёлимизни бениҳоя олисларга бошлайди.

Кейинги бўлимлар шумерларнинг тарихига доир ёдгорликларни излашга бағишланган, бунда ҳам ўқувчи оламшумул қизиқарли воқеалар билан танишади. Кейинчалик шумерлар аста-секинлик билан ўзлари яшаган Жанубий Месопотамиядан ташқари бошқа ҳудудларга тарқалади: Ҳиндистон, Арабистон, Марказий Осиё, бутун Яқин Шарқ минтақалари, Миср ва ҳатто, Скандинавия мамлакатларининг узоқ ўтмишида инсонлар билан боғланган ришталар янада қизиқарли.

Муаллиф қадимги қабила-уруғлар негизида кейинги қабиланинг шаклланиши ва шовинийлар ғоясига зид равишда ҳеч қачон олий ёки паст ирқли алоҳида соф қабилалар бўлмаганини, барча халқлар, аслида, бир жойдан келиб чиққанини тарихий, этнологик, археологик далиллар билан қизиқарли ҳикоя қилади. Кенг географик ҳудудларда бундан 10–12 минг йиллар аввал яшаган халқлар тарихи билан танишганимиздан сўнг, ўзингиз ҳам бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Асар нафақат тарихчи, қадимшуносларни, балки тилшунос, ҳуқуқшунос, файласуф, врачлар, математиклар, хуллас, ҳар қандай касбдаги ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

«Шумерлар ва Турон қавмлари» китоби муаллифи Зойир Зиётовга ҳеч ким бу соҳада китоб ёз деб таклиф ҳам, топшириқ ҳам бермаган. Бу соҳа асли табиатшунос, ўсимликшунос, селекционер олим учун кўнгил иши бўлиб, у Турон қавмлари, этносларини ўрганишда С. Крамер, Л. Гумилёв ва И. Дьяконовларнинг китобларидан ташқари, XVI аср италиялик сайёҳ Пьетро делла Валенинг эсдаликларини (бу аллома сайёҳ ажойиб-ғаройиб кўрган-кечирганларини Й. Гёте ҳам «Ғарбу Шарқ девони»да муфассал тасвирлайди), Нибур, Лэйярд, Раулинсон, Смит, Вулли каби олимларнинг Шумер ва Бобил маданиятининг нодир ёдгорлиги – «Гилгамиш» («Билгамиш») достонига тааллуқли узук-юлуқ парчаларнинг топилиши, ўқилиши ва (имкон борича) тўлиқ ҳолга келтирилиши билан боғлиқ изланишларни чуқур ўрганиб чиқади. З. Зиётов жаҳон бадиий адабиёти хазинасининг энг қадимги ёдгорликларидан бири бўлмиш бу достонга катта эътибор берганини қуйидаги сарлавҳалардан ҳам билиш мумкин: «Экабани – саҳродаги ваҳший», «Уни бўйсундириш», «Золим Хумбобо (Хун-бобо)га қарши юриш», «Гилгамиш маъбуда Иштар (Инанна) севгисини рад этади», «Иштарнинг ғзаби ва қасоси», «Қийин сафар», «Собитум қаҳрамонга йўл кўрсатади», «Гилгамиш ўлик сувларни кечиб ўтади», «Шифо топиш», «Мангулик сувини излаш», «Эрек (Урук)ка қайтиш», «Нух тўфони»

Китобнинг II бобида илмий муаммолар таҳлил ва талқин этилади: «Шумерларда илк диний эътиқодлар», «Шоҳ битиги», «Ур шаҳрининг юксалиши ва инқирози», «Вуллининг буюк кашфиёти», «Урукнинг бир куни» III бобда Шумерлар мифологияси (адабиёти) кенг кўриб чиқилади: «Энлил ва Нинлил», «Энки ва Инанна (Иштар)», «Инаннанинг марҳумлар оламига саёҳати», «Гилгамиш ва Энкиду», «Тўфон ривояти», «Шумерлар мероси» Китобнинг IV боби «Шумерлар ҳаёти»га бағишланади: «Шумерлар мактаби», «Хаммурапи қонунлари энг қадимги қонунлар эмас», «Шумер шаҳарлари», «Суд ҳукмлари». Китобнинг V бобида З. Зиётов «Тарих. Этногенез. Удумлар»ни муфассал кўриб чиқади. Бу ерда шумерлар илк ватани, шумерлар тили, Иброҳим пайғамбар қадамжолари, Скандинавия соҳилларида туркий халқлар, мадайлар (мидияликлар) ва ахоманийлар, «Авесто»даги диний, иқтисодий, фалсафий қарашлар тадқиқ этилади.

Шумерлар тўғрисида озми-кўпми тасаввури бор кишида беихтиёр шундай савол туғилади: асли сомий бўлмаган бу халқ ҳозирги семит

халқлари, жумладан, араблар мамлакатига қандай бориб қолди экан? Асар билан тўлароқ танишганимизда маълум бўладики, семит-сомий халқлари ҳам, ҳинд-европа халқлари ҳам бу ҳудудларга шумерлардан анча кейин келган халқлар экан.

Шумер, Аккад, Элам, Оссурия давлатларига нисбатан Миср, Ҳиндистон, Ўрта Ер денгизи атрофидаги мамлакатлар, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё давлатлари, ҳатто, Хуннулар, Эрон ва Турон, Мидия, Хитой, Япония каби давлатлар «ёш давлатлар» бўлиб қолади. Бу масалада Ҳиндистон ва Миср, Нубия этносларининг янада қадимийлиги ҳақида фақат тахмин қилиш мумкин. Ҳиндистонда милоддан аввалги III–II мингйилликларда гуллаб-яшнаган Моҳенжо-Доро ва Хараппа маданияти ёдгорликлари, Миср ва Нубия чегарасида Ўрта Ер денгизи, Қизил денгиз ва Бобал-Мадиб («Қайғу дарвозаси») сув бўғози орқали, Адан кўрфази орқали Ҳинд океани билан боғловчи халқаро сув йўлини очган Сувайш (Суэц) каналининг баланд тўғони қурилаётган вақтда абадий сув остида қолиши мумкин бўлган қадимий тошбитиклар, ҳайкаллар, мақбаралар, қабртошларни бошқа жойларга кўчиришга, қутқариб қолишга Миср ва Ҳабашистон ҳукумати билан бутун дунёнинг йирик давлатлари (Англия, АҚШ, Германия, Франция, Польша, Чехословакия, Россия, Ироқ ва бошқалар)нинг хусусий компаниялари шартнома туздилар ва юз мингдан зиёд қадимий ёдгорликлар жаҳон археологлари, тарихчилари, тадбиркорлар томонидан қутқариб қолинади. Бу ёдгорликлар матнлари эълон қилиниши жаҳон олимларини ларзага солди.

Академик В.В.Струве ва унинг шогирди И.М.Дьяконов ўртасида шумерлар тарихи, маданияти, тил ва ёзувларини ўқишга доир илмий баҳслар охири душманликка айланади, жаҳон оссурийшунослари, шумершунослари ўртасида янги муаммолар, чигалликлар вужудга келади. Орадан йиллар ўтиб, жаҳон шумершунослари, қадимшунослари академик В.В.Стувенинг йўли тўғри, деган хулосага келдилар.

Қадимги дунё тарихи дарсликлари шўролар даврида Г Шлиман кашф этган Крит-Макен, Греция ва Римдан бошланар эди. Аммо ҳолис ва фидойи шарқшунослар В.В.Струве, Д.Г.Редер, А. Эрман (мисршунос, яна В. Эрман – ҳиндшунос ҳам бор), У Ламберт, А.Л.Оппенхейм, А.Ландсбергер, М.М.Дьяконов, И.М.Дьяконов, Б.Я.Тураев, С.Клочков, С.Н.Крамер, эллинистлар В.Иванов, С.С.Аверинцев, эроншунослар В.И.Абаев, Дандамаев, хитойшунослар Бичурин Якинф, М.Алексеев, туроншунослар, В.М.Массон, Э Ремпел, Г.А.Пугаченкова, Э.Ртвеладзе, Қ.Маҳмудов, М.Исоқов, А.Хўжаев, Н.Раҳмонов, А.Отахўжаев, Қ.Содиқов ва бошқалар қадимий шарқ цивилизацияларини ўрганишда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Насимхон Раҳмонов қа-

димги туркий обидаларга доир асарлар, Қозоқбой Маҳмудовнинг «Қадимги Туркистон» китоби, Аҳад Хўжаевнинг «Хитой манбаларида турк хоқонлиги ҳақида», Азиз Қаюмов, Мирсодиқ Исоқов, Азимхўжа Отахўжаев, Қосимжон Содиқовнинг «Қадимги ёзма ёдгорликлар» асарларида халқимизнинг тарихий хотираси, онгини ўстирувчи янги-янги манбалар тадқиқ этилди. Беруний тавсиф этган «Авесто», «Ригведа» ёдгорлигини ўрганиш кенг йўлга қўйилди. Зойир Зиётов бу ҳақда кенг фикрлайди.

Атоқли қадимшунослар В.В.Струве билан Д.Г.Редер раҳбарлигида тузилган нисбатан тўлиқ «Қадимги Шарқ тарихи хрестоматияси»да қадимги Миср, Шумер, Бобил, Сурия, Финикия, Фаластин, Хаттотийлар, Ҳиндистон, Эрон тарихига доир биринчи манбалар (Ҳеродот «Тарихи»да Миср тавсифи, Палерма тошбитиги)да Нил суви сатҳини доимо ўлчаб турилиши, янги фиръавнлар тахтга чиқиши, Мисрга ҳужум қилиб турган давлатлар), мил. авв. XXIV асарда яшаган мансабдор Хуфхор мақбарасидан топилган таржимаи ҳол ва фиръавн Пепи II нинг унга ёзган мактуби, бу саркарда Куш ва Пунт мамлакатларига ҳарбий юришлари, шербошли Хатхор – уруш маъбудасига хайр-эҳсонлар, яна бир лашкарбоши, унга ёдгорлигида фиръавн тобеларининг осиелик бадавийларга қарши юришлари, улар 5 марта исён кўтаргани айтилади. Қадимшунослар бундан 44 аср аввалги осиелик бадавийлар деганда фаластин арабларини тахмин қиладилар. Милоддан аввалги XXIII да Юқори ва Қуйи Миср, Фива билан Абидос ўртасида урушлар бўлгани ҳақида ёдгорликлар берилган.

Милоддан аввалги 1750 йилда Мисрда фиръавнлар ва олий табақаларга қарши жуда катта инқилоб (қўзғолон) оқибатида илгари мамлакат эгалари бўлган аслзодалар мансабларидан айрилиб, камбағаллашиб, аксинча, собиқ камбағаллар барча бойликларга эга бўлиб, одамлар бир-бирига шафқатсиз бўлиб (ота-болага, ака-укага душман), меҳр-оқибат йўқолгани, олтин, қумуш, дур, жавоҳирларни собиқ қул-чўрилар тақиб юргани, шоҳ саройига аввалги тобе халқлар бож-хирож тўламай қўйгани, ҳунармандлар олий зотларга нозик-нафис безаклар, зеб-зийнатларни ясамай қўйгани ҳақида ярим бадий, ярим тарихий асар Мемфис яқинидаги Саккар эҳромидан топилиши жаҳон олимлари ўртасида катта шов-шув бўлди (ҳозир «Ипусар сўзлари» деб шартли номланган бу қадимий папирус Нидерландияда, Лейси музейида сақланади. Лейден папируси асл нусхасини ва таржимасини таниқли қадимшунос А.Гардинер 1909 йилда Лейпцигга нашр этган. Мана шу қадимги ёдгорликда айтилишича, «Мисрни бегоналар, варварлар, осиеликлар эгаллаб олди, вазирлар, аъёнлар оч, юпун, энди улар аввалги хизматкорларига хизмат қилмоқдалар, чўрилар, жориялар ўз маликасига иш бу-

юрмоқдалар, муқаддас тимсоҳларни ўлдириб, нимталамоқдалар, арслонларни қовуриб емоқдалар, Птах ибодатхонасига ўғирлик молларни қурбонлик қилмоқдалар, ҳар бир ходим «Бу бизнинг даламиз, бизнинг сувимиз!» – демоқдалар. Осиёликлар мисрлик бўлиб қолдилар, мисрликлар эса мусофирлардай кўчага ҳайдалмоқда. Каттаю кичик ўлимни орзу қилмоқда. Аслзода хонимлар кул, чўриларга айланди...» (Қадимги Шарқ тарихи Матнлар. Саҳ. 61–66).

Мазкур ёдгорлик мазмуни ҳали жаҳон олимлари томонидан етарли тадқиқ этилмаган. Бизнинг тахминимизча, Миср фиръавнлари, коҳинлари, амалдорларининг жабр-зулмидан тўйган маҳаллий фуқаролар ўз золимларига қарши курашда осийликларни, эҳтимол, Шумер, Бобил, Оссурия кўшинларини ёрдамга чақирган бўлиши мумкин. Мисрда айрим одил ва оқил фиръавнлар одамларни қурбонлик қилиб, халқни даҳшатда тутиб турган сохта руҳоний-коҳинларнинг куч-қудратини синдириш ёки чеклашга ҳаракат қилган. Зойир Зиётов шу ҳақда ёзади.

«Гилгамиш» достонида Еру Осмон маъбудни Энлилга мадҳиялар айтади. Ундан сўнг Энлил назар қилган пойтахт шаҳар Ниппурга мадҳия айтади. Бу мадҳияда Сукрот ва Афлотун замонидан минг йилларча аввал адолатли давлат, идеал шаҳар таърифи берилган.

«Гилгамиш» достонида ҳозиргача инсоният билмайдиган сирли жанг қуроллари ишга солинади. Ўрмон деви Хунбобо (ёки Хунхор дев) – қонхўр дев баҳодир Гилгамишга, дўсти Энкидуга, бошқа беклар, қаҳрамонларга кўздан даҳшатли нур юборади. Хунбобо ток новдаси каби буралган аждаҳога ўшатилади. Лекин Гилгамиш ва унинг баҳодирлари ҳар гал омон қолиб, чинордай девнинг бақувват шохларини қирқиб, тоғ этагига тахлаб қўядилар. (Бу шохлар аждаҳонинг қўл-оёқлари бўлса керак) дев охири таслим бўлиб, Гилгамишга «Мен ота-онасиз, етимчаман, энди сен менинг отамсан, раҳм-шафқат сўрайман!» – деб оёғига бош уриб ялинади. Гилгамиш раҳмдиллик қилиб, «бу қафасдаги қушни ўз уясига, онасининг бағрига қайтаринглар!» – деб буюради. Энкиду бу фикрга қўшилмайди. У Гилгамишни ўз валламатидеб билса-да, аччиқ сўзлар айтади.

Миср фиръавнларининг 18-сулоласи (мил. авв. 1580–1345 йиллар) тарихда энг кўп из қолдирган сулола: Миср давлатини (Юқори ва Қуйи Мисрни) ягона давлатга бирлаштириш, қарийб 200 йил ҳукмронлик қилган гиксосларни мамлакатдан қувиб чиқариш ва уларнинг изидан Осиёга кириб бориб, Фаластин ва Оссурияни забт этиш, ҳатто фиръавн Хатшепсут фиръавн Тутмос II нинг хотини, Тутмос III нинг ўғай онаси амалда ҳукмронликни улардан тортиб олиб давлатни бошқарган.

Барча машмаша тахтга Аменхотеп IV ўтирганда бошланди. Бу вақтда мамлакат маркази Юқори Мисрдаги Фива шаҳрида бўлиб, коҳинлар ақл бовар қилмас даражадаги ҳуқуқларга ва бойликларга эга эдилар.

Нафсини жиловлаб бўлмас коҳинлар ва бошқа зодагонларнинг тазйиқидан қутулиш учунми, Аменхотеп IV Фивада Амон маъбудига сиғинишни қатъий тақиқлайди. Унинг ўрнига ягона маъбуд, Қуёш маъбудни бўлмиш Атонга сиғинишни эълон қилади. Шу муносабат билан ёш фиръавн ўзига ҳам янги «Эхнатон» деб (Атонга Хуш Келувчи) исм қўяди. Давлат пойтахтини ҳам Фивадан Ахетатонга (ҳозирги Тел-Амарнага) кўчириб, оиласи ва яқинларини олиб, янги пойтахтга кетади. Тел-Амарнада топилган ёзма ёдгорликлар жуда кўплаб бебаҳо маълумотлар бериш билан бирга, Эхнатон ислохотларининг туб мақсадини бироз ойдинлаштирадиган маълумотлар қолдиргани қадимшуносликда жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Олим қадимий ёзувларга таяниб, қуйидагиларни ёзади: «Эхнатон коҳинлар мактабини ёптирди. Коҳинларни сохта ўқитувчилар, улар ҳақиқий маъбудга сиғинмайди», деди. Аввалги маъбудларнинг барчасини ноқонуний деб эълон қилади. У қандай маъбуд бўлмасин, ҳаттоки Атоннинг ҳам суратини чизиш, ҳайкалинини ясашни қатъиян ман қилади, чунки унинг фикрича ҳақиқий маъбуд қандайдир шаклга эга эмас. «Фива эркаклари, эшитинг, – дейди у, – халқимиз жуда кўп маъбудларга, шу жумладан, Амонга ибодат қилиб келди... Бироқ мен сизларга шуни тушунтирмоқчиманки, фақат қон тўкишлар ва қурбонликлар (одам қурбонлиги назарда тутилмоқда) ҳисобига ўзларини шон-шухратларга буркашни истовчи маъбудлар мавжуд эмас. (Сохта) Маъбудларга сиғинишдан юз ўғиринг!»

Шундан кейин Эхнатон ўзининг ғоясини тушунтиради: «Бутун тақдиримизни ҳал қилувчи, ҳаммадан баландда турувчи ягона маъбуд бор. Бу бизнинг маъбудимиз – Атон. Маъбуд – Қуёшнинг ўзи, ҳамма нарсани у (Қуёш) ўстиради»

У ўзи олдида, яъни фиръавн олдида тиз чўкиб таъзим қилишни ҳам тақиқлайди.

«Эхнатоннинг ўлими сабаби маълум эмас. Унинг ўлимидан сўнг Тэйе исмли хотин уч йилча ҳукмронлик қилган, уни Эхнатоннинг онаси деб ҳисоблашади олимлар», – деб ёзади Зойир Заёдов ва бу ҳақда ўз фикрларини билдиради.

Эхнатоннинг хотини Нефертити эди. Бу сўз таржимаси – мисрча «Соҳибжамол келмоқда» У Эхнатоннинг диний ислохотларини нафақат қўллаб-қувватлади, балки эридан сўнг давлатни бошқарганда, бу ислохотларни давом эттирди. Кейинчалик унинг исми Нэферу-Атон

(«Атоннинг гўзаллар-гўзали») деб ўзгартирилиши ҳам юқоридаги фикрини тасдиқлайди. Нефиртитининг ўлими ҳам сирли..

Ва ниҳоят, тахтга ёш ўспирин (тахминан 12 ёшларда) Тутанхатон (Атоннинг жонли тасвири дегани) ўтиради. Бироқ у 18 ёшга етмасдан вафот этади, унинг ўлими ҳам жумбоқли. Шуниси аниқки, тахтга ўтиргач, унинг исми Тутанхамонга ўзгартирилади, давлатни амалда у эмас, вазирлар бошқаради. Пойтахт яна Фивага қайтарилади ва Амон маъбудига сиғиниш тикланади. Шундан кейинги сулолалар даврида Эхнатон ва унинг авлодлари ҳақида, унинг ислоҳоти ҳақида гапириш, ёзиш, ҳатто эслаш ҳам қатъиян ман қилинади. 1902–1924 йилларда Телл-Амарна ва Фивадаги ёдгорликлар очилгунча, қарийб 3300 йил давомида бу ҳукмдорлар тўғрисида ҳеч нарса маълум эмас эди.

Митаний давлатини ташкил қилган (мил. авв. XVI–XIII асрлар) Хуррийларнинг Урартлар билан бир тил оиласига мансуб экани ва бу давлатнинг асосий ҳудудлари Шимолий Месопотамия (Урарту давлатининг ҳудудлари ҳозирги Кавказ, Туркия ва Эроннинг бир қисми) бўлгани инobatга олинса, бу халқларда ханнан ва финикияликлардан фарқ қилиб, аллақачон одам қурбонлигига барҳам берилгани маълум бўлади. Миср 18-сулоласининг охириги вакилларида бири Эхнатонда Митаний уруғларининг, шумерлар маданиятининг таъсири сезиларли бўлганки, у бу қадар жоҳилликларга чидай олмасдан дин ислоҳотини ўтказган.

3. Зиётов кўп йиллик илмий-ижодий изланишларида турли олис давлатлар ва турли жуғрофий ҳудудларда ташкил топган кучли давлат бирлашганларида бизнинг аждодларимиз, ватандошларимиз фаол қатнашганини кўрсатади.

Норвегияда яшаган оила фарзанди, болалигидан бир қанча замонавий ва қадимий тилларни билган, Ғарбий Европа ва Шарқ олимларининг асарлари билан яхши таниш бўлган Игор Михайлович Дьяконовнинг шумершуносликда, укаси Михаил Михайлович Дьяконовнинг эроншуносликда қилган хизматлари таҳсинга лойиқ. Санкт-Петербург университетиде Игор Дьяконовнинг устозлари Николай Марр, Александр Рифтин, Игнатий Крачковский, Василий Струве, африкашунос Дмитрий Ольдерогге каби машҳур шарқшунослар эдилар. 1937 йил қатағонлари истеъдодли шарқшунос олимларга ҳам қирғин ва бахтсизликлар келтиради. Отаси советларга қарши фаолият юритишда айбланиб, 1938 йилда қамоққа олинди, отиб ташланган, аммо оиласи бундан хабарсиз эди. Игор Дьяколовни ҳам НКВД тинч қўймас, бошқа олимларни қамаш учун гувоҳлик беришга мажбур қилар эди. Буюк турколог Лев Гуллиевнинг 15 йил қамоқда ўтиришида унинг ҳам ҳиссаси бор эди. Лев Гумилёвнинг қамоқ лагерларида шоир Ўлжаснинг отаси Умархон Сулаймо-

нов билан топишади. Иккинчи жаҳон уруши йиллари Игорь Дьяконов Эрмитажда ишларди. У бошқа олимлар қатори Эрмитаждан миллионга яқин тарихий ва саънат ёдгорликларини Урал тарафга эвакуация қилишда қатнашади. Олмон тилини яхши билгани учун уруш йиллари у асирларни сўроқ қилишда қатнашарди. Урушдан сўнг у В.М. Массон ва укаси М.М. Дьяконов билан ҳамкорликда Нисода топилган Парфияга доир қадимий ҳужжатларни таржима қилди. 1956 йилда у Озарбайжон Фанлар академияси топшириғи билан «Мидия тарихи» китобини ёзиб, нашр этди. Укаси Михаил Тожикистон фан арбоби Б. Ғофуровнинг докторлик иши ҳимоясида баҳоловчи эди. Игорь Дьяконов 1959 йили «Қадимги Икки дарё оралиғи. Шумер» монографиясини тугатди ва шу мавзуда 1960 йили докторлик диссертациясини ёқлади. Бу ишини атоқли олим, АҚШ шумершуноси С.Н. Крамер ижобий баҳолади. Шундан сўнг И.М. Дьяконов бобилшунос В.К. Афанасьева билан ҳамкорликда Шумер ва Бобил маданий ёдгорлиғи – «Гилгамиш» («Билгамиш») достонини нашрга тайёрлаш билан шуғулланди. Унга «В.К. Шилейко топилмасини ўзлаштириб олди», деган айблар ҳам қўйилади. У 1999 йилда вафот этади.

3. Зиётов ўз китобида С. Крамер, Вулли, И.М. Дьяконов асарларидан ташқари, жаҳон шумершуносларининг деярли барча тадқиқотлари билан танишиб чиқиб, уларни Турон қавмлари миграцияси нуқтаи назаридан таҳлил ва талқин этади.

Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Осор ул-боқия») китобида ёзадики, инсоният тарихи бошланиши, осмон ёриткичлари, сайёралар, юлдузларнинг ҳаракатланиш давлари ҳақида кимдир «Мингларча миллион йиллар» деб жавоб берса, уни айблаш керак эмас. Беруний «Тарихлар моҳияти» бобида ёзади: «Ундан кейин. Набанассор I эраси (даври) келди. У форсча Бухтин-Нарсий деб аталади. Бу номни «Кўп йиғлаб нола қилувчи киши» деб изоҳлашади.» (Беруний. Танланган асарлар. I жилд, – Т., 1968. Саҳ. 62). Истанбулда 1986 йили нашр этилган «Islom ensiklopediyasi»нинг 2-жилдида Бухтуннасер ҳақида француз олими Карра де-Во бундай ёзади: «Бухтуннасер (Набоходосер II, мил. авв. 604–561 йиллардаги Бобил ҳукмдори бўлиб, Набоходосер I нинг ўғлидир. У 605 йилда Фрот соҳилида Миср фиръавни Наҳао II қўшинларини мағлубиятга учратди. Сурия шаҳзодалари Миср фиръавни билан иттифоқ тузиб, Бобилга ҳужум қилдилар, аммо енгилдилар (587). Бу урушда Бухтуннасер (Набоходосер II) Қуддуси шарифни эгаллаб, яҳудийларни Бобилга асир қилиб олиб кетди. Беруний «Осор ул-боқия»да Бухтуннасер II билан унинг бобоси Бухтуннасер I ҳукмронлик йилларида 143 йил фарқ бор, дейди. Қадимги Эрон тарихи-

да Балх вилояти ҳукмдори бўлиб, Бобилни забт этган, вилоят марзбони (чегара вилоят ҳокими), шаҳаншоҳ Хурмузнинг укаси Нарсий Бобил подшоҳлари тарихи жадвалига Бухтуннаср номи билан кириб қолган, деган фикрни Беруний ҳам тасдиқлайди».

Шумерлар эпопеясига доир З.Зиёдов ўз тадқиқотларига Шумер, Бобил, Миср подшоҳларининг ҳукмронлик йиллари жадвалини ҳам тузгани бениҳоя машаққатли меҳнат самарасидир. У «Ахоманийлар» бобида Ғарб шумершуносларидан Генри Раулинсон узоқ йиллар аккад-шумер хатлари ўқилмай турган замонларда Беҳистун қоясида Доро II ёздирган уч тилдаги (аккад, элам, паҳлавонча) ёдгорликдан шумер ёзувларини аниқлаб, ўқишга асос солди.

Қадимги Шарқ халқлари тарихига қиёсласак, Ҳеродот, Фукидид, Ксенофонт, Страбон, Эратосфен, Тацит, Плутарх асарларида анча кейинги даврлар тарихчилари ёзилган бўлиб қолади. Бу нодир тарихчилар асарларида ўз замонасидан аввалгироқ, янада қадимийроқ халқлар тарихларига ишора қилинган ўринлар бор. Аммо Шумер, Бобил, Миср, Ҳиндистон, Мидия, Эрон, Парфия, Кушон, Суғдиёна, Довон (Фарғона), Кангюй, Юэчжи каби Шарқ мамлакатларининг тарихида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни, қадимий халқларнинг ҳаёт тарзи, диний-ижтимоий, сиёсий, фалсафий қарашларини ўрганиши жуда машаққатли иш бўлиб, булар ҳақида тарихий далиллар, маълумотлар анча кейин, ҳозирги эранинг XIX, XX асрларидагина топила бошлайди. Кўп минг йиллар аввал йўқолиб кетган, қадимий, номаълум тилларга оид демотик (сувратли), иероглифли, миххатли, руний битикларни ўқиш, алифбосини, грамматикасини билиш, қадимий давлатлар бир-бири билан муносабатларини, халқаро сиёсатга таъсирини, қадимий подшоҳликлар, сулолалар алмашинувини, давлатлар гуллаб-яшнаши ва инқирозининг сабаблари ва оқибатларини ўрганиш учун қадимшунослар бениҳоя сабот, матонат кўрсатганлар. Қадимги халқларда, кўпинча, инсонпарварлик динлари эмас, балки ёниб, қизиб турган баҳайбат мис ҳайкал – Молоҳга, Жағғорновут ғилдираги арраларига берилган минг-минг қурбонликлар, ваҳшиёна хурофотлар тарихини билсак, замонамиздаги инсонпарварлик руҳи қарор топгунича, инсоният чексиз тўсиқларни енгиб ўтгани кўрилади.

Шумерлар (сомирийлар) маданияти ёдгорлиги «Гилгамиш» достонида бутун инсоният учун аҳамиятли бўлмиш ҳаёт ва ажал муаммолари бадиий юксаклик билан талқин этилган. У вақтларда ҳам поэзия – донишманд мураббий деб тушунилган ва ибодат кўшиқларига, дуо, мадҳияларга айланган. Ажал руҳлари – жинлар маликанинг ўзини олиб кетмоқчи бўлиб, унга деганлари дostonнинг бадиий юксаклигини, ҳаёт

тийлиги ва теран фалсафийлигини кўрсатувчи энг яхши эпик тасвирлардир: «Жинлар Урук шаҳрига кириб, малика Инаннани ушлаб олдилар.

«Қани, тез бўл, Инанна, Ер остига борасан!

Буни ўзинг истадинг, Ер остига борасан!

Кўнглинг шуни тилади, Ер остига борасан!

Эрашки-қолга қайтгил, Ер остига борасан!

Шоҳона либос кийма, Ер остига борасан!

Тахту тожингни ташла, Ер остига борасан!

Кўзингга сурма қўйма, Ер остига борасан!»

Бу мисралардан маълум бўладики, шоҳона зебу зийнатлар охирачун кераксиз экан. Севги илоҳаси Инанна жон аччиғида эрига, чўпон подшоҳ Думузига ташланди, «Эй йигит, кишан солгил оёқларингга. Ажал сиртмоғига бергил бўйинингни...» Жинлар ҳам йигитга бигиз, найза, болта билан ташландилар» Аслида ўлим бу қуролларсиз ҳам келиши мумкин. Лекин неча минг йиллар давомида инсоният тарихида бошланган низо, уруш, қирғинлар туфайли жуда кўп одамлар оиласида касалликдан, ўз ажали билан эмас, жанг, қатл қуроллари билан ўлиши ҳам аччиқ ҳақиқатдир. Поэзиянинг вазифаси, бизнингча, одамзодга фақат бадиий, эстетик завқ, билим-маърифат беришгина эмас, балки инсониятни қирғин урушлардан тўхтатиб, тинч-тотув яшашга ўргатиш ҳамдир.

«Инанна Ер остида» дostonининг Бобилда қайта ишланган вариантыда Инанна Ой илоҳасининг қизи Ицтар билан алмаштирилади. Бобилшунослар олима В. Афанасьева ҳар иккала матнни ўрганиб чиқиб, аслиятига нисбатан аккад ва хетт тилларига таржима қилиниб, қайта ишланган ва Ашшурбанипал ташаббуси билан кўчирилгани фарқланди, деган хулосага келади.

Дostonнинг Бобил вариантыда илоҳа Иштарнинг ўз севгилисини ўлимга юборганидан қайғуриши, уни соғиниб, изтиробланиши тасвирланган. «Гилгамиш» дostonининг Шумер вариантыда бош қаҳрамон, асосан, Геракл каби жасорат (юнон мифида 12 жасорат) кўрсатиши тасвирланса, Бобил вариантыда қаҳрамоннинг камолотга етиш босқичлари эпос қонуниятига мувофиқ кенг кўламда тасвирланган.

Биринчи босқичда Гилгамиш баҳодир куч-қувватини қаёққа сарфлашни билмайди, ўтган-кетган билан жанжаллашади, бировнинг қўлидан тортса, қўли узилади, оёғидан тортса, оёғи узилади. Иккинчи босқичда қаҳрамон арслон қиёфали Энкиду билан дўстлашиб, унинг таъсирида олийжаноблиги ўсиб, маънавий жихатдан юксалади, бутун дунёда ёвузликни, ёмонликни йўқотишга аҳд қилади. Ёвуз дев Хумбобо (Хувова) билан олишиб, уни асир қилади. Учинчи босқичда Гилгамиш

ҳаёт ва ўлим муаммолари ҳақида ўйловчи донишманд мақомига етади. Ҳаёт гулини излаб топади, лекин ўзини эмас, дўстини ўйлаб, оғир машаққатларни бошдан кечиради. Демак, Бобил битикчилари илмий-назарий тафаккурда ҳам илғорлашган. Бадиий асарда мангу муаммоларни ўйловчи кучли характерлар борлиги Арастудан минг йиллар аввал ҳам учраши қизиқарлидир:

1 Мангу ҳаёт ёки ақалли узоқ яшаш ва инсон руҳининг абадий ўлмаслиги масаласи. Барча диний эътиқодларда бу дунё ҳаёти ва охираат оламида яшашга ишонч-эътиқод, тасаввурлар яхши ривожланган.

2. Бу дунёда гуноҳкор, ёвуз, адолатсиз одамларга тақдир, толе кулиб боқиши ва яхши, софдил одамларнинг бахтсизлиги ҳақидаги зиддиятлар муаммоси.

Шумернинг «Гилгамиш» («Билгамиш») достонида севги маъбудаси Инанна (Бобил вариантыда – Иштар) билан марҳумлар оламининг маликаси, ўлим илоҳаси Эрашки-ҳол (Эрешкигал) опа-сингиллар деб тасвирланади. Достонда севги маъбудаси ўзининг маъшуқи шаҳзода-чўпон Думузини ўлим олами элчилари – жинлар қўлига топшириб юбориши рамзида, бизнингча, бундай ҳаёт фалсафаси бор: севгувчи, ошиқ – доимо садоқатли, лекин севилгувчи – маъшуқа, маҳбуба доимо бевафодир. Одамзод ҳаётни севади, лекин ҳаёт одамзодга бевафо ва бебаҳо. Севги илоҳасининг синглиси – ўлим маъбудаси Эрашки-ҳол достонда адолатли, бир сўзли, ваъдасига содиқ деб улуғланади. Ҳаёт ҳаммага бир хил қарамайди, ёмонларни алқаб, яхшиларга азоб беради. Ўлим эса ҳаммага бирдай қарайди, унга шоҳ билан гадонинг фарқи йўқ.

«Билгамиш» достонида севги маъбудаси Инанна баҳодир паҳлавон (Билгамиш)ни ўзига ёр қилиб (тўғриси, ўзига асир қилиб) олмоқчи бўлиб, ширин сўзлар айтади. Аммо донишманд баҳодир Гилгамиш унга алданмайди. У Инаннанинг ҳеч кимга вафо қилмаслигини, яхши одамларни йўлдан урувчи эканлигини айтади. Достон давомида Гилгамиш малика Иштарга: «Аввал севги маъбудаси эдинг, энди фоҳишалар маъбудаси бўлдинг, энди сен қасрлар, боғларда эмас, кўча-кўйда, бозорларда жазман излайсан», – дейди. Бошқа жойда Энкиду унга: «Менга хотин бўлатуриб, бошқа эркакларни йўлдан урдинг, энг кучли арслонни севардинг, унга етти жойда чоҳ қазидинг, севимли отингни уриб қийнадинг, яна бир чўпон севгилингни бўрига айлантириб, итларга талатдинг», – деб санайди.

Қадимги Бобил адабиёти дурдоналаридан бўлмиш «Гилгамиш» («Билгамиш») ва номсиз фалсафий достон «Вавилон теодицеяси» деб шартли номланган ҳасратномада бутун инсоният тақдирига алоқадор ахлоқий, ижтимоий, маънавий муаммолар тасвирланади.

ГИЛГАМИШ ҲАҚИДА ДОСТОН

Ҳамма нарсадан воқиф Гилгамиш ҳақидаги ушбу достон афсунгар Синликунинни оғзидан ёзиб олинган.

1-фасл

Четлари номаълум ёруғ оламини билгувчи миридан-сиригача то, Жамики тоғлардан оқиб келган баҳр сувидек қилгувчи ҳовучига жо, Дўстинг билан бўлиб ҳампоя, ҳамроҳ душманнинг бурнини ерга ишқаган, Ҳар қандайин зўрни чирпирак қилиб, жаҳд ила ерга тенг қилиб ташлаган. Донолик илмида мураттаб, комил, нигоҳи даҳрлар қаърини ёрган, Ҳар пинҳон ошқору аён ҳар ниҳон, тўфон аввалидан хабар юборган. Олис йўл чоғини олган-у, бироқ чарчоқ жонибидан изига қайтган, Тош ўйиб ёзишнинг машаққатига чидаган, ривоят ўзи ҳақида. Урукни зўр девор билан ўраб ул узоқмас, битирган гўё яқинда. Авлиё Эаннанинг омборини кўр, тилладай товланар ундаги ҳар дон, Кунгураддор девор нақ асл мисдан, бундайи бўлмаган ҳеч қачон, ҳеч он. Тортинма, киравер ичкарига шон, Эанна – Иштарга муборак маъво, Чиқавер деворга мағрур одимлаб, ҳаттоки бўлажак шоҳ қилмас даъво. Чиқавер Урукнинг деворларига, тўйиб боқ пойдевор, пештоқларига. Ғишларин сийпалаб кўргин бирма-бир, олов етганмикан бари-барига.

Ё етти донишманд нафасидан ўт,
олов алангаланганмикан пишгунча тамом?
Улуғлардан-улуғ у одамзод аро.
(шу ердан 30 га яқин сатр етишмайди.)
Учдан иккига – худо, учдан бир одам,
жисминда қиёс йўқ унга етарли.
(шу ердан тўрт сатр етишмайди.)
Урукнинг деворларини
у кўтарган осмонга,
Марди майдон – боши тик,
ёввойи буқасимон
Тутган аслаҳасидан ғанимлар
титрар қалт-қалт,
Барча бўйлари турар
оёқда баб-баробар,
Урук эрлари қўмсаб
тўшакни бағри ёниб:
«Гилгамиш фарзандларин оталарга қолдирмас!
Кечасию кундузи жонлари ёнар ўтда:
Истеҳкомли Урукнинг руҳонийси Гилгамиш,
Урук ўғлонларининг руҳонийси, коҳини
Шулар эмасми шонли, қудратли, ҳам ақлли?
Ботирдан юкли бўлган, ботирга у бешиккертти,
Қизларини Гилгамиш
Қолдирмаган ҳеч қачон азиз онажонига!»
Ўғил-қиз фарзандларнинг ноласи худоларнинг
Қулоғига етгайдир
оқмай-томмай йўлларда.
Фаришталар Урукнинг Хонини чорламишлар
Ва улар бир овоздан
«Лаббай» деб сас бердилар:
«Сендан келмиш вужудга норғул, паҳлавон,
Наинки паҳлавон у,
мағрурлашда ягона, –
Қўрдошлар битта қолмай ноғорасидан уйғон,
Гилгамиш ўғлонларини
отасига қолдирмас.
Кун ва тунда баробар
наъра тортар шер мисол:
Мустаҳкам Урукнинг ул

коҳини эрурмикан,
Урук ўғлонларининг роҳиби эрурмикин,
Қудратда, шон-шафқатда,
заковатда бемисл?
Қизларини Гилгамиш
отасига қолдирмас,
Ботирдан юкли бўлмиш,
бешиккертти куёвдан!»
Уларнинг ноалари
Ануга етиб борди.
Сўнг буюк Аруруни
ҳузурларига чорлаб,
Икки оғиз сўз билан
англатмишлар мақсадин:
«Ҳой, Аруру, сенмасми
Гилгамишни яратган?
Энди эгизагини
яратмоқлик бўйнингда!
Йигит марди синалур
қон тўкилган майдонда.
Энди улар олишсин, Урукка дам бер бироз»
Буни эшитиб дарҳол
Аруру итоат-ла
Юрагининг қаърида яратди фарзандни то
Иккинчи Ану денгиз.
Чайди Аруру қўшин,
Чимдимлаб лойларини
бир-бир ирғитди ерга,
Чаплай-чаплай лойларини
Энкидуни бор қилди.
Яратти қаҳрамонни ярим туннинг боласи,
Жангчи Нинурти, ҳайҳот,
аёлга ўхшаб бошдан –
Оёқ ютинг чирмалган –
қулон сочлари узун,
Қалинлигига гап йўқ
буғдойзордек чайқалар;
На инсон, на жаҳон-ла
иши бор – беғам ҳаддан.
Эгни-боши мисоли

Сумукандан нуқс олган.
Оҳулар билан бирдек
ўтлар чимдийди шоён!
Турфа йиртқичлар билан
симираб тоғ сувларин.
Ҳар қултум ютганида
юракчаси ўйноқи.
Баногоҳ овчи – одам
пайдо бўлар қаршимда,
Биринчи, иккинчи кун,
учинчи кун ҳам шундай.
Шаршаранинг ёнида
пайдо бўлар одамзод.
Овчи кўрдик, бирдан
ранги ўзгариб кетмиш
Ҳалиги одамзоднинг
моллари билан бир.
Қайтмиш ўйчан, лол-ҳайрон,
юраги бир тутам, оҳ,
Рангида қолмаган ранг,
Бошдан-оёқ вужудин
Қайғу чўлғамиш, гўё
олис сафарни танҳо
Қилган каби ихтиёр.

Овчи сўзга оғиз очмиш ва отасига ушбу сўзларини ирод қилмиш:

«Эй, ота, ажиб ҳол бу –
тоғдан тушган ўшал кас
Мамлакатга таниқли, кучлиликда ягона,
Худди жанговар Ану каби тани метиндан,
Туни билан йўл босиб
тоғлару боғлар ошар,
Йиртқични етаклаб у
сувлоққа тушиб келар.
Иши шу – келиш-кетиш
сувлоғу тоғлар ора
Қўрқаман ундан, яқин
боролмайман олдиға.
Хандақлар қаздим, аммо

дарҳол кўмиб ташлайди!
Тузоқ қўяман маҳкам
суғуриб ташлар чўпдай,
Қўлимдан юлиб олиб
чўл томон олиб кетар!»

Ота сўзга оғиз очмиш ва овчига қараб бундоқ демиш:

«Ўғлим, Уруқда яшар
Гилгамиш отлиқ ботир.
Кучлиликда унга тенг келар йўқдир дунёда.
Унинг ботирлигию маҳорати бу ёруғ
дунёдан чиқиб кетмиш,
Анунинг жанговарлиги,
метиндан маҳкамлиги
Фалакларда машҳурдир,
ўғлим, бор ўша ботир
Жўмардга муҳотиб бўл.
Айт яширмай борини,
Дардингни очиб солгин.
Сенга тортиқ қилар оғир
Суюгоёқ аёлин,
олиб кел уни уйга:
Ўзингни ботирдай тут»
Аммо, аслида, бунинг
Тескариси бўлди-ку,
шер сув ичаётганда
Аёл кийимин ечиб
улоқтиргай нариға.
Гўзаллигини кўриб
Унгит ҳангу манг бўлғай.
Ақлдан озган каби
аёлга ташлангай у.
Аёл-ла чўлда ўсган
йиртқичлар четландилар.
Ота сўзин ҳеч қачон
икки қилмаган фарзанд
Бу гал ҳам итоатли,
ота айтгандай қилди.
Овчи йўл олди аста
Гилгамиш ҳузурига,

Қайдасан Урук, дея
овчи йўлга тушди боз.
Гилгамишга юзма-юз
бўлганида бошлар сўз:
«Кўрдим бир одамзодни,
тоғдан тушиб келмиш бот,
Бутун юртда унга тенг
кучли зот топилмагай
Ану каби жанговар,
метиндай чўнг вужуди!
Туну кун, қишин-ёзин
кезар тоғу боғларда,
Қачон кўрманг шер ила
сувлоққа тушиб келмиш.
Бир кун ҳам канда қилмас,
кўрқинчлидир бағоят.
Хатто яқин боргани
журъатим етмас менинг!
Хандақ қазисам, уни
кўмиб ташлар зумдаёқ,
Тузоқ қўйсам-чи, юриб
кетар дуч келган томон.
Асраганим йиртқичлар
гапимга кирмай қўйди,
Чўлда меҳнат қилгани
ҳеч қўлим бормаи қўйди!»

Жавоб бериб овчига Гилгамиш бундай деди:

«Ҳой, овчи, тезда келтир
ҳузуримга аёлни»
(Шамхатдир унинг исми)
сувлоққа келган онда,
Ҳам йиртқичлар пишқириб
сув ичаётганда тақир.
Эгнидаги кийимин
аёл ечиб отади.
Ортар ҳусни ўн чандон,
буни кўриб ул кас ҳам
Тутиб туролмас ўзин,
йиртқичлар-чи, чўлдошлар

Бирма-бир бўлар ғойиб,
овчи кетди, кўп ўтмай
Сатангни олиб келмиш
барчалари бир бўлиб.
«Ҳайт» дея йўлга тушди,
учинчи кун деган
Айтган жойга етдилар,
овчи ва собиқ сатанг икков
Пистирмадан жой олмиш,
бир кун, икки кун ўтди,
Сувлоқни тарк этмай тек
қўриқлаб турдилар-ку.
Йиртқичлар келар бир-бир,
сув ичади сувлоқдан,
Хириллаб, завқланиб
кавш қайтарган говмишлар,
Тоғларни ватан тутган
Энкиду ҳам шу ерда.
Охулар билан бирга
ўт чимдийди қарт-қурт-қарт..
Сояма-соя барча
жониворлар силжиб келар,
Хўриллатиб, завқланиб
кавш қайтарар говмишлар.
Бир вақт Шамхатнинг кўзи
тушмиш махлуқ одамга,
Кетидан чўл қаъридан
нидо янгради мунгли:
«Ҳой, Шамхат, қийиқ аёл,
кўрсатгин муҳаббатинг!
Уялмай кўрсат ҳуснинг,
лол қолсин баттол эринг!
Сени кўрган заҳоти
пешвоз чиққай ёрига.
Ҳеч тортинма,
Зеро аёл иши шу
эркаклар кўнглин олиш.

Йўлдош-чўлдош ҳайвонлар
бирин-сирин тарқалар.
Эрингнинг ҳар суйгани
хўп меҳригни оширай.»
Энкиду кўриб уни
бор оламини унутди!
Тортинмай сира Шамхат
меҳрин кўрсатди унга.
Зеро аёл иши шу
эркаклар кўнглини олиш.
Эркакнинг эркалаши
Шамхатга ёқиб борар.
Олти кун ўтди шундай,
етти тун шундай кечди.
Энкиду аҳтироси
ортиб борар бебошвоқ.
Ўзин босгач, Энкиду
юз бургай ваҳший томон.
Буни кўриб оҳулар
шаталоқ отиб қочмиш.
Ваҳшийлар галасидан
Энкиду омон қолмиш.
Энкиду ирғиб тургай,
баданлари бўшашган,
Оёқлари тек қотган,
чўлдошлари гумдон, жим.
Энкиду тан бергайдир
ночорликка ноилож.
Аммо ошган тажриба,
билими теран тортган.
Қайтиб келиб ўлтурди
енгилтак пойига шарт.
Енгилтак унга боқар,
тили иродга шайдир.
Кўзи унинг оғзида,
қулоқлари динг, ҳушёр.



Энкидуга баногоҳ
қийиқ қиз сўз қотар шан:
«Чиройлисан, Энкиду,
маъбудсимон, хурсимон,
Хўш, нечун ваҳший ҳайвон
ила чўлда кезарсан?
Йўқ демасанг, юргин-да, Урукка – Шаҳристонга
Анунинг гўшасига, нур тўла маъвога юр,
Ботир Гилгамиш унда
қарор топган паҳлавон.
Буғу сингари кучин
кўрсатиб наъра тортар.
Унга кўзинг тушган он
ҳайратдан лол қолурсан!
Чўпон-чўлиқ тўшаги
тупроқдан қаддинг кўтар!»
Шамхат деди: «Нақадар
ширин, чиройли сўзлар.
Унинг доно юраги
ўз жуфтин излар мудом»
Шунда Энкиду айтди
енгилтакка бу сўзни:
«Қани, олиб бор мени
Анунинг масканига.
У жой муқаддас эмиш,
нурга лим-лим тўлиқмиш.
Гилгамишким паҳлавон,
одамларга кучини
Кўрсатиб мақтанармиш,
буғу каби мағрурмиш.
Ҳузуримга чорлайман
ва айтаман тап тортмай:
Ҳой, одамлар, мен зўрман,
тақдирингиз қўлимда.
Чўлда туғилиб ўсан
йигит мангу яшайди!»
«Юр, кетдик, токи сени
Гилгамиш кўриб қўйсин:
Уни қандай топишни мен биламан мукаммал.

Юр, кетдик, юр, Энкиду
Шахристонга борайлик,
Унда одамлар мағрур
шоҳона кийимлардан.
Унда эл-элат тинмай
байрам қилар, шод яшар.
Безори ўспиринлар
дилга келганин қилар,
Қош қоқиб шўх қизлари
чорлар ўзин ягона жойларга.
Муҳаббатдан гупиллар
танда жон борки, бари.
Тунги тўшақдан юлиб
кетар донишмандларни.
Эҳ, Энкиду, билмайсан
ҳалигача ҳаётни.
Бировлар фарёдига
тоқатсиздир Гилгамиш.
Қара, унинг чўян янглиғ
ялт-юлт қилган чеҳрасига.
Қара, тошдан йўнилгандай
мушақдор қўлларига.
Қара, мардлик нури балққан
ўтли кўзларига шаън.
Эҳтиросдан ҳайпинади
бошдан то товон қадар.
Айтиб қўяй – кучда у
юз чандон ортиқ, билсанг,
Кеча ҳам кундуз бирдек,
бунинг унга фарқи йўқ.
Энкидунинг олдида
сен ип эшолмайсан, ҳа!
Энкидунинг олдида
сен бир ўйинчоқ мисол.
Шамаш, Ану, Эллил, Эа –
бари севар Гилгамишни.
Сен тоғдан бу ергача
келишингдан сал аввал
Урукдан туш кўрмиш у,
Кимни – айнан сени.

Ўриндан тура солиб
Гилгамиш тушин баён
Қила кетди бетўхтов
онасига шу сўзларни:
«Онажоним, бу тун ажиб
туш кўрибман билсангиз.
Жўмардлар орасида
изғир кўк юлдузлари.
Ану жангчи каби
устимдан босиб тушмиш.
Даст кўтардим «ҳайт» дея,
аммо кучим етмади.
Силталаб кўрдим, қайда,
қимир эткизолмадим...
Урукнинг одамлари
унга қарши чов солмиш.
Сўнг оёққа турмиш сал
бўлмаса юртнинг бари.
Келаверди бостириб
усма-уст ёшу қари.
Атрофини оломон
зич ўраб олмиш тугал.
Менга дўст тутинганлар
пойибўс айлар тинмай.
Аёлга ўч одамдай
чиппа ёпишдим мен ҳам.
Сўнг уни судраб сизнинг
пойингизга келтирдим.
Зеро мени тенг қилган
эдингиз куч, хуснда»

Гилгамиш онасининг билмаган нарсаси йўқ, доноларча кериб қош,
султонга бу сўзни дер. Ҳа, доно аёл Нинсус, бу дунёда у билмас нарса
йўқдир ва дилбандига қараб айтар:

«Эрлар аро танҳо у,
ғуж юлдузлар унга зеб,
Сенга шартта ташланиб,
ёш ақлингни лол қилмиш.

Даст кўтармоқчи бўлдинг,
кучинг етмади бироқ.
Силкитиб кўрдинг тақир,
қимир эткизолмадинг,
Сўнг судраб ночор уни
пойимга олиб келдинг
Ҳолбуки, сени унга
қиёс қилгандим бешак.
Ахир, бор гап-ку, элда:
сенга ўхшаб ким чўлда
Туғилганга доя – тоғ,
мана, кўрарсан ҳали
Кўриб хурсанд бўларсан,
дўстга жон, фидо, маҳрам.
Дунёда йўқдир тенги,
дўстга олмас дунёни,
Юрт бўйлаб донғи чиққан,
Худо назар қилган, бас.
Ану жангчиси мисол
бадани нақд метиндан.
Аёлга ёпишгандай
ажралмай қолдинг сен ҳам.
Барча эрлар тўймасдан
пойибўс айлар, ҳайҳот!
Қучоқлаб олиб судраб,
менга қилдинг рўбарў.
Сен кўрган туш таъбири,
аслида, шундоқ эди!»

Бунга жавобан Гилгамиш онасига бу сўзни айтиб турур:

«Онажоним муштипар,
мен яна бир туш кўрдим:
Борар эмишман юриб
Шахристон йўлларида.
Тушиб келмиш бошимга
осмондан болта ногоҳ.
Урук аҳли оёққа
турмиш ёрдам бергали.
Оломон гуррос-гуррос

бостириб келар тақир.
Болтаки ажиб ғоят,
кўзни олар тоби бор.
Мен ҳам кўрган заҳоти
қойил қолдим, во ажаб!
Болтамас, гўё гўзал
паридай ақлим олмиш,
Шартта қучоқлаб олдим,
қараб сира тўймайман.
Белимга қистирдим
сиз томон учдим, она!
Зеро сиз эмасмисиз,
мени унга ўхшатган?»

Доно аёл, Нинсуснинг дунёда билмаган нарсаси йўқ она Гилгамишга
бу сўзни айтиб турар:

«Одамзод – бу, аслида,
сен кўрган болта эрур,
Сен чиппа ёпишасан
хасми ҳалолим гўё.
Зеро мен қузатгандим
уни сенга – боламга –
Бу болта содиқ дўстдир
балодан қутқарувчи,
Худди Ану жангчиси
сингари кучда танҳо,
Ҳеч зот унга бас келмас,
шундай ажиб сеҳри бор!»

Гилгамиш сўзга оғиз очиб, отасига ушбуларни айтиб турур:

«Ҳар қанчаки бошимга
ёғилса бало тоши
Барини даф этувчи
дўст тополдим ўзимга.
У билан бирга бўлсам,
ҳеч бир ғаним чўт эмас»
Гилгамиш кўрган тушин
шундайин айтиб солмиш
Шамхат уни оқизмай
Энкидуга етказмиш.

Сўнг икковлон бир жойга
аста чўқди тиззалаб.

2-фасл

Энкиду қиз қошига
келиб ўлтурган замон
Қиз матодан бир парча
йиртиб унга қистирди.
Иккинчи бўлаги-ла
ўз авратин яширди.
Сўнг боладай етаклаб
олиб кетди ўйнатиб.
Бордилар чўпонлар овулига шан,
Қўралар лиқ тўла молларга.
У ерда чўпонлар йўрғалаб олмиш-да
Кўзларини узмай шивирлашармиш:
«Ташдан қараганда қуйиб қўйгандай
Гилгамишнинг ўзи ота-боладек.
Фақат бўйи пастроқ, зуваласи қурч.
Тўғри, Энкидунинг киндигин қони
Чўлга тўкилгандир, чўл-полвон ўзи,
Анунинг жангчиси сингари чапдаст,
Минг қилса ҳам йиртқич сутин эмган-да».
Иззатлаб олдиға қўйилган нонга
Тишлаб қараркан, сал ўйга ботар:
Энкиду бечора нонни бўлмабди
Сикера нўш айлаш – унга ёт одат.

Сатанг аёл гапиришга оғиз жуфтлаб, Энкидуга айтди:
«Нондан е, Энкиду – унда ҳаёт бор,
Сикерадан нўш қил – яшаш лаззати!»
Нон еди Энкиду тўйгунча қорни,
Сипқорди сикерадан нақ етти хумин.
Қони жўш урди, кўзи сузилди обдон,
Юраги қувнади нақ каптарбола.
Силади оҳиста сертук баданин,
Мой суртди одамлар кулмасин дея.
Либосга ўранди – ажабтовур одам.

Қурол тутган эди, шерга айланди.
Чўпонлар уйқуси тинч бўлди бу тун.
Бўриларни қувди, шерларни енгди.
Буюк роҳиб-ла тинч ухлади бу тун:
Энкиду қоқмас мижжа –
Эл-юртига посбон.

Бир вақт биров келди-да, Гилгамишга чақиб солди:
Эмишки, енгилтак-ла Энкиду айшин сурар.
Гилгамиш қарар унга кўзини ердан олиб,
Сўнг енгилтак Шамхатга амрона дер:
«Шамхат, анов келган ким? Нега келди бу ерга?
Исми-жисми нима, айтгин?»

Енгилтак имо қилди нотаниш меҳмонга ва у яқинроқ келиб боқмиш
Гилгамишга диққат-ла.

«Ҳой, мусофир, йўл бўлсин сенга бу он?
Қай юртлар томон сафар ихтиёр этдинг?»
Мусофир вазминлик-ла аста бошлади гапин:
«Гўшангага кирмоқлик насиб этмас ҳар кимга,
Лек одамлар қисмати – бўйсундирмоқ олийларга.
Одамлар саватларда ғиштлар ташийди тинмай,
Овқат пиширмақ ёш-ёш қизларга топширилмиш,
Фақат Шаҳристон, Урук шоҳигина ҳақлидир
Гўшангага кирмоқлик биринчи бўлиб ҳар гал.
Фақат Урук шоҳигина энг аввал
Гўшангага кирамоқлик ҳуқуқи бор, вассалом.
Хасми-ҳалол бўлмоққа у ҳақли, холос,
Фақат удир ҳақли, сўнгра бошқалар навбат билан:
Маъбудлар кенгашининг қарори – шу,
Хатна чоғида унга шундай ҳуқуқ берилмиш!»
Меҳмоннинг сўзлардан Гилгамиш чўчиб тушди...
(Шу ерда бир неча қатор шеърлар ўчиб кетган.)
«Энкиду олдда борар,
Сатанг унга издош.
Шаҳристон Урукка у
етгани ҳамон минглаб
Одам зумда тўпланмиш,
қуршаб олмиш ҳар ёқдан.
Шаҳристон Урукнинг кенг

кўчаси ўртасида
Туриб олди Гилгамиш,
барчанинг оғзида у
«Ташдан қараганда фарқ
қилмасийди Гилгамишдан,
Бўй-басти ўшанда-ю,
зуваласи кўп пишиқ!»
Халойиқ кўзи унда: «Бутун юртда унга тенг
келар паҳлавон йўқдир:
Минг қилса ҳам йиртқични
эмиб катта бўлган-да!»
Эранлар қувончининг чеки йўқ:
«Баҳодир келди, бизнинг
шонли баҳодиримиз!
Энди Урукнинг боши чиқмас тўй-томошадан:
Эр-эранлар юзидан қон томар, ял-ял ёнар.
Маъбудсифат ботиримиз ёлғиз эмас –
Гилгамиш ҳарифни Худо ўзи етқизди!»

Ишхара учун етти
кат кўрпача тўшалмиш,
Кўрпачага Гилгамиш
чиқиб келди виқор-ла.
Тунда қиз билан ётиб,
эркалатди парини,
Энкиду чиқиб уйдан
Гилгамиш йўлин тўсди,
Билмоқчи эди кучин
чоғини паҳлавоннинг
(*Шу ерда бир неча сатр шеър ўчиб кетган*).
Гилгамиш, қарасаларки,
бир ёввойи эранмиш,
Ёллари хурпаярмиш,
кўрганнинг ранги ўчиб
Нима қиларин билмай
ақли шошармиш, яна
Қонини жўшдирармиш,
еб кўйгудек қарармиш.

Катта йўлнинг устида
Тўқнаш келмиш юзма-юз
Энкиду оёғи-ла
Гилгамиш йўлин тўсмиш.
Олишиб кетди улар,
деворлар зириллади.
Мисоли икки новвос – Гилгамишу Энкиду,
Бузилиб кетди эшик
туруми чидаш бермай,
Икки новвос зарбидан
эшик бўлиниб кетмиш.
Гилгамиш бир тиззасин
ерга қаттиқ тирамиш,
Ғазабдан тушди бир вақт
изин босди куч билан.

Юрагин босиб олгандан кейин Энкиду Гилгамишга бир сўз айтиб турибди:

«Сендай фарзанд энадан
бир туғилгай, ҳой, ботир,
Ул сигирнинг отини
Нинсус дерлар!
Эранларга бош бўлдинг,
Рутбанг шундай баланддир,
Эллил сени одамлар султони қилиб қўймиш!
(*Шу ерда 10 сатр етишмайди.*)
Бундай қилиш қаёқдан миянгга кела қолмиш?»
Улар ўпишадилар, дўстлашадилар.
(*Яна 10 тача сатр етишмайди.*)

Гилгамиш сўзга оғиз жуфтлаб, отасига қарата бир сўз дебтурибди:

«Мана бу тоғдан тушган
асил дўстим бўлади,
Мамлакатда унга тенг
паҳлавон йўқдир, она.
Ану каби жангари,
нафаси метин, тошдан.
Дуо қилинг, икковлон
ака-ука бўлайлик»

Гилгамишнинг онаси сўзга оғиз жуфтлади-да, ўз ҳукмдорига бу гапларни айтиб турур,

Она Нинсус сўзга оғиз жуфтлади-да, Гилгамишга қараб бу гапларни айтди:

(Аслиятда сатрлар ўчиб кетган.)

Гилгамиш сўзга оғиз жуфтлади-да, онасига қараб демиш:

«Елкамдан бамисоли
тоғ кулаб тушди, билсанг
Эшикка яқин келди,
ақлимни йиғдим шунда,
Сўзларимни эшитиб,
аччиқ-аччиқ йиғлади,
Энкиду ғирт етим-да,
на оға бор, на она.

Қайчи кўрмаган сочи
елкадан ошиб тушган,
Чўлда не қилсин қайчи – жулдури чиқиб кетган»

Энкиду тек қотганча дўстин сўзини тинглар,

Сўнг ерга чўк тушди-да,

аламдан хўнграй кетди.

Кўз ёши дарё бўлиб

беармон оқди, ҳосиб-ҳай.

Йиғлайвериб чарчади,

танидан ҳоли кетиб.

Ака-ука бир-бирин

кучоқлаб олмиш қаттиқ,

Туғишган инилардай

меҳри тошгандан-тошиб

Сийпаланишар тинмай,

ҳидларига тўёлмай.

Гилгамиш раҳми келиб, Энкидуга бир сўз дер:

«Айт-чи, жигарим, нечук

кўз ёшинг дарё бўлмиш?

Бу қадар оҳ-воҳларинг

сабаби недур, билай?»

Энкиду сўзга оғиз жуфтлади-да, Гилгамишга бундай демиш:

«Чекканим ўтли оҳ-воҳ

асло бежиз эмасдир:

Беиш қолди қўлларим,

ишсизлик ёмон дарддир»

Гилгамиш сўзга оғиз жуфтлаб, Энкидуга демиш:

«Жигарим, жоним, иним,

бу ердан узоқларда

Лубнон тоғлари бордир, бошдан-оёқ эманзор.

Ўша ўрмонда золим

Хумбобо яшар, билсанг.

Юр, иккимиз бир бўлиб,

ўлдирайлик олчоқни.

Мальўнлар борин ҳайдаб,

дунёни тозалайлик!

Эманзорни йўқ қилиб,

тоғларга йўл очайлик.

Келгуси авлод биздан

рози бўлгувчи, албат!»

Энкиду сўзга оғиз жуфтлаб, Гилгамишга бир сўз деб турибди:

«Сенга айтсам, оғажон,

у тоғларни биламан.

Дуч келиб йиртқичларга,

олишганман жонга-жон.

Ўрмонзорнинг чети йўқ,

бир қадам ичкарига

оёқ кўя олмайсан.

Хумбобонинг наъраси

бутун ўрмонни тутгай.

Оғзидан ўт отар ва

нафаси сочар ажал.

Сенга не зарур кепти

ўзингни ўтга уриб?!

Хушбобо билан асло

тенг кела кўрма, иним!»

Гилгамиш сўзга оғиз очиб, Энкидуга демиш:

«Ўша тоққа бир чиқиб,

тушмоқни кўнглим тусар.

Ўша ўрмонга бирров

қадам изи қилсам, бас.

Қарасам Лубнон тоғини,

Хушбобо кулбасин ҳам!

Ўткир болтамни белга

иламан-да, жўнайман,
Сен ортимдан борасан,
мен эса сендан олдда»

Энкиду сўзга оғиз жуфтлаб, Гилгамишга демишким:

«Қай юрак билан ўша
жойларга бороламиз?
Билсанг, у мижжа қоқмас
на тунда, на кундузи.
Хумбобо – Шамаш унга
ато қилган мангу куч,
Адду эса жасорат ила сарафроз этган.
Эманзорни қўриқлаш
учун Эллил маъбуди
Унга инсонларга ҳос хушёрликни ишонган.
Хумбобо ҳар гал нафас
олганида зўр бўрон
Овози тутар, ҳа-ҳа,
Дунёнинг тўрт тарафин.
Денгизларни чайқатур,
ер ағдар-тўнтар бўлур.
Йўқ жойдан шамол қўзғаб
ҳамманинг тинчин бузар.
Тўфон каби сувларни
тоширар қирғоқлардан.
Ҳар ғазаб қилганида
ер-кўк титрар беомон.
Тоғлар силкиниб, бехос
қоялар думалар, оҳ!
Тирик жон борки, ўзин
дарага урар шартта.
Оғзидан ўтлар сочар,
нафаси тайёр ажал!
Эшитганим бор, ўша
ўрмон йўли кўп узоқ.
Ким етар-у, ким унинг ичига қадам қўяр?
Эманзор қўриқлашни
Эллил унга топширмиш.
Ўрмонга ким кирса ҳам

тил тортмай ўлиб қолган»
Шунда Гилгамиш оғиз жуфтлаб, Энкидуга айтибди:
«Айт-чи, дўстим, осмонга
ким чиқа олган баланд?
Фақат қуёш маъбуди
унда мангу қолмишдир.
Инсон-чи, умри қисқа,
бармоқ билан санарли
Қилган ишлари эса шамолда тўзиб битар!
Кўриб турибман, ўлим
сўзидан чўчиб тушдинг,
Қани сендаги юрак,
журъатинг қайга кетди?
Мен олдинда бораман,
сен эса қичқир ортдан:
«Юравер, қўрқма, оға!»
Борди-ю, енгилсам-чи?
Номим қолур тарихда:
«Иблис Хумбобо билан
Жангда ўлмиш Гилгамиш»
Уйда фарзандлар сендан
сўраб қолишса агар:
«Айтинг нима бўлган», – деб,
ҳеч нарсани яширма.
Уларга очиб солгин
бор сирини битта қўймай.
Ҳозир айтган сўзларинг
юрагимни оғритмиш!
Баланд кўтариб қўлим,
эманзорни йиқитгум,
Номин қолар абадий!
Ҳа, иним, усталарга
Буюртиргайман аслаҳа.
Ҳамманинг кўз олдида
ясатгайман қуролни»
Усталарга амр бўлди,
дарҳол ишга киришди,
Ойболтадан беҳисоб
қалаб ташлашди зумда.

Уч талантдан¹ болтани,
ҳам шу нарҳдан ханжарни.
Икки томондан тиғдор
уруш анжоми тайёр.
Ўттиз минглик қуролнинг
икки чети қабарик,
Ўттиз минглик ханжарнинг
сопи олтиндан тоза.
Гилгамиш ва Энкиду
ўн талантдан олишди.
Урук дарвозасидан
олишди етти қулфни.
Буни эшитиб ҳамма
тўпланди кўчаларда,
Гилгамиш одамларга
юзма-юз бўлди дарҳол.
Шаҳристон Урук эли,
оқсоқол, аъёнлари
Ботир олдига чўкмиш,
ҳамда жим қулоқ тутмиш.
Гилгамиш шундай деди:
«Шаҳристон Урукнинг сиз
Оқсоқол, аъёнлари,
Шаҳристон Урукларининг мард
Эли! Қулоқ солинг сиз
Гилгамиш сўзларига.
Номин эшитса эллар,
зир титрар ўша асно.
Кўрмоқчиман бир бора
ҳамда эманзор ичра
Жонингни олсам дейман.
Менким, Урук зурриёдин
Қудратин кўриб қўйсин,
билиб қўйсин дунё ҳам!
Номим мангу қолажак!»



¹ Талант – пул бирлиги.

Шаҳристон Урукнинг бор аъёни – Оқсоқоли Гилгамишга жавобан бу сўзни айтиб турур:

«Ёш оловсан, Гилгамиш,
юрагинг тўла ғайрат.
Не ишлар қилаяпсан,
ўзингга ҳам номаълум!
Эшитганмиз – Хумбобо
азалдан шайтон эрур,
Ҳали ҳеч ким бас келган
эмас унинг тиғига.
Ўрмонзори чек билмас,
қадам қўймоқ – ўлим, бас.
Хумбобонинг овози
бўрондан ҳеч қилмас фарқ.
Оғзидан ўтлар сочар
нафаси – тайёр ажал!
Ажал билан ўйнашманг,
фақат жонидан тўйган
Одам қилар бу ишни!»
Бу гапларни эшитиб
Гилгамиш борар аста,
ҳамроҳига бурди юз
Ва кулиб бундай демиш:
«Эшитдингми одамлар
гапини, иним, сен ҳам?
Кўрқоқмишман, номардмиш.
иккаламиз ҳозироқ
Эманзорга йўл олсак,
кўрқадиган нима бор?
Хумбобони йиққаймиз!»

Урукнинг оқсоқоллари Гилгамишга бу гапни айтиб турурлар:
(Бир неча сатр ўчиб кетган.)

«Майли, сенга ҳамроҳлик
қилсин маъбуда ўзи.
Жонингни омон сақлаб,
қолиш унинг бўйнида.
Текис йўллардан юрсин,
сени қийнаб қўямасин.
Ой бориб, омон қайтгин»

Гилгамиш Шамаш қошида тиз чўкмиш:
«Кексаларнинг мен ёшга
айтган сўзлари тўғри!
Жангга кетаётибман,
Шамаш қўлласин мени:
Омад тилайман ундан –
омон қайтайлик бирга.
Сояя давлатини дариг тутмасин биздан»

Гилгамиш Энкидуни чорлади ва фол оча бошлади.
(Шу ерда бир қанча сатр ўчиб кетган.)

Фолнинг таъбирини эшитиб,
у ўтирди-да, йиғлаб юборди.
Гилгамишнинг юзидан
Жилғалар оқа кетди.
«Мен илгари кўрмаган,
юрмаган йўлдан кетдим.
Сафарда агар омад
ёр бўла қолса ногоҳ,
О, Шамаш, сен ҳақинга
дуолар қилгум кўп-кўп.
Санамларингга зардан
тахтлар ясаттиргайман!»
Шунда унинг олдига
тердилар қуролларни:
Ойболта, ханжар, яна
турфа хил аслаҳалар.
Ёй ва совутни ботир
қўлига тутқазмишлар.
У болтани олди-да, садоқ ясади бопта
Аншан ёйини
елкасига чаптаст-ла
Ханжарларни камарига
чаққонгина сукди-да,
Лашкарига ҳайқириб деди: «Олға жанг сари!»



3-фасл

Гилгамишга сафар олди
дуо қилар оқсоқоллар:
«Сенга айтар энг асосий
насиҳат бу турур, албат
Мағрур кетма кучингга ҳеч,
ўзингни қил эҳтиёт
Олдда борсин ининг доим,
бунда маъно кўпдир билсанг.
У жуда кўп юрган одам,
кўрганлари ундан кўп:
Ҳар кафт ерни яхши билар,
Хумбобони ундан кўп
Олдда борган орқадаги
шеригини сақлайди!
Шамаш сенинг хоҳишингни
рўёбга чиқарсин, айт.
Сен мияга келтирганни
у амалга оширсин.
Илк бор одам юрган сўқмоқ
айт, олиб ўтсин.
Йўллар топсин, тоғлар топсин,
пойингга нисор этсин.
Тушида ҳам туширмасин
яхши сўзни оғзидан.
Бу ишда Лугальбанда
ёрдам берсин, албатта.
Анқайма, бу ишларни
жуда тез қилмоқ керак.
Хумбобони ўлдирсанг,
унутма – оёғинг юв.
Хобгоҳнинг ичидан бир
қудуқ қазгил, тоинки
Мешкобингдан зилол сув
ҳеч қачон аримасин.
Шамашни сувдан йўқлаш
ҳеч эсингдан чиқмасин,
Лугальбандани ҳам ёддан

қилма асло фаромуш!
Энкидуни авайла,
дўстингни кафтда сақла,
Унинг жасадин олиб
жарлардан олиб ўтгин.
Кенгашда биз сени шоҳ
сайлағаймиз бебошвоқ,
Қайтиб келганингдан сўнг
сен бизга шоҳ сайлайсан!»

Сўзга оғиз жуфтлаб, Энкиду Гилгамишга буларни айтиб турур:

«Аҳдинг қарор эканми,
йўлга туш иккиланмай.
Йўлдан қўрқма, ёнингда
мен борман, оғажоним.
Хумбобонинг маскани ҳам юрар йўлларини
Беш қўлдай биламан, ҳа,
парво қилма, оғажон.
Исмингни эшитибоқ
эллар титрағай зир-зир.
Мен билан юрган одам
ҳеч нарсадан қўрқмасин.
Сен уларга не деган
бўлсанг, бари ўнг келсин.
Ой борайлик барчамиз,
қайтайлик омон-эсон!»
Оқсоқоллар бу гапни
эшитиб дуо қилди:
«Бор, Гилгамиш, йўлингни
берсанг маъбудалар то,
Қайгаки борар бўлсанг,
Худо ўзи ёр бўлсин.
Шамашнинг дуолари
йўлинг ёритсин ҳар дам»

Гилгамиш оғиз жуфтлаб, Энкидуга бу сўзларни айтиб турибди:

«Юр, дўстим, энди икков
Эгальмахга борайлик,

Нинсус қошида унинг
дуосини олайлик.
Нинсус буюк малика,
доно, билимдон, хушёр.
У билмаган нарса йўқ бу буюк оламда ҳеч.
Бизга энг тўғри йўлни
кўрсатади фақат у!»
Етаклашиб икки дўст, йўқ, икки ака-ука
Эгальмахга борди тез,
Нинсус қошида аста
хобгоҳга қадам кўйди.
Ҳам бу сўзларни айтди:
«Юриш қилгали бу кун
Ўзимча қарор этдим.
Манзил кўп олис – иблис.
Хумбобо яшар жойда
Қонга-қону, жонга-жон
Бир олишув бўлмоқчи.
Йўлим узоқ-яқинин
Билмайман мен ўзим ҳам,
не бўлса ҳам эманзор
Йўлимдан чиқмагунча,
Токи иблис Хумбобо
Қўлимда ўлмас экан,
Ёруғ дунёда токи
Ёмонлик қолмагунча
жанг либосин ечмайман,
Бекорга қон кечмайман.
Шамашнинг чироқдони
ҳаққи ортга қайтиш йўқ!»
Ўғли Гилгамишнинг бу
Сўзларин тинглаб Нинсус
хомуш тортиб қолди-ку.
Битта-битта юриб у,
боргоҳига йўл олмиш.
Баданин совунлаб
ювди обдон ишқалаб,
Кийди либосларидан
ўзига ярашганин.
Дурлар тақди беадад

бошдан-оёқ дид билан,
Манглайга тиллақошу
сийнасига забаржад.
Хипча белига камар
ва яна қанча безак.
Тоза сувдан аямай
саҳнга сепиб чиқди.
Томга чиқди-да, Шамаш
билан бўлди юзма-юз.
Илтижоли қўлини
унга томон чўзди шан:
«Гилгамишни не учун
асранди қилиб бердинг?
Кўкси ичра жойлабсан
бетиним бир юракни.
Бекор қўзгадинг уни,
тинчини бузиб алҳол.
Мана, у кетмоқ бўлиб
зўр сафарга чоғланмиш.
Эси-марги – Хумбобо,
кўнгли шунга боғланмиш.
Савашмоқчи у билан,
катта жанг бошламоқчи.
Эманзорни йўқ қилмоқ,
ўлдирмоқ Хумбобони.
Ер юзидан зулмни
изсиз йўқотмоқ – мақсад.
Ўзингни билдирган кун
ҳеч ҳайиқмай эслатсин
Аста келин сизларга:
уни тунги қўриқчи
Қилиб қўйгайсан аввал,
Бу кечки соатларга
тўғри келади роса».
(Шу ерда 90 сатр шеър етишмайди.)
Жинчироқни ўчирди,
Иботатин тугатди,
Энкидуни чақирди,
ва унга бундай деди:
«Мендан бўлмаган, ўгай,

Энкиду ботир ғоят.
Тангри ҳукмига маҳқум
коҳинаю роҳибалар»
Гилгамишга назрлар,
Энкидунинг бўйнига
Тақиб қўйди бир тумор.
Маъбуднинг завжаси-ла
қўл ушлашиб қўйишди
Маъбуднинг қизлари ҳам
алқадилар барчасин
«Мен – Энкиду, Гилгамишга
ҳамрох эрурман содиқ.
Гилгамиш мени жангга
бирга олиб кетмишдир»
Кетиб борар паҳлавон,
қайрилиб боқмас ортга,
Мақсади эманзорни
йўқ қилмоқ битта қўймай.
«Бир кунми ёки ўн кун,
(Бир ойми ёки бир йил
мен ундан айрилмайман,
аҳду паймон шу бошдан!»
(Шу ерда камида 105 сатр шеър етишмайди.)

4-фасл

(Бошида 20 сатр шеър етишмайди.)

Йигирма чақиримдан сўнг
бир бўлагин уздилар,
Ўттиз чақиримдан сўнг
Қўналғага келдилар,
Эллигинчидан ўтдилар,
бир кунда бир чақиримни,
Олти ҳафталик йўлни уч кунда босдилар нақд.
(Шу ерда 25 сатр шеър етишмайди.)
Уйғониб туриб кетди
Гилгамиш ногаҳоний
Ва савол сўрди: «Дўстим,
мени чақирган кимдир?
Биров қаттиқ туртгандек

уйғониб кетдим бирдан.
Тоғларга бир кўз сол-чи,
тинчликмикан чор-атроф?
Эсиз, ширин уйқум қоқ
белидан узилди-я!
Дўстим, туш кўрибман-да,
Қўрқинчли, оғир, мудҳиш!
Ёввойи кийиклар-ла
хўб олишиб ётибман.
Ҳар гал қичқирганида
чанг тикка бўлар чўлда.
Бундан кайфим учди ва...
Мешдаги сувдан менга
куйиб ичирди Нинсус...
Чўлда туғилиб ўсган
одам доно бўлади».

Энкиду дўстига, тушин таъбирин бир-бир айтар:

Сенга дуч келган махлуқ,
дўстим, кийикмас зинҳор.
Тушингдаги кийик-чи,
бу мунаввар Шамашдир.
Мусибат чоғида қўл
узатган вафодор у.
Мешдан сенга сув берган
Лугальбанда – билсак ул!
Бирга бўлсак иккимиз,
иш чиқарсак, ажабмас.
Ҳар икки дунёда ҳам
эсдан чиқмас, ҳеч қачон»
Тонг билан дўстлар яна
йўлга тушдилар тақир.
Йигирма чақиримдан сўнг
бир бўлак ажратдилар.
Ўттиз чақиримдан сўнг
қўналғага кўнишди.
Шамашнинг кўз ўнгида
қудуқ қазишди чукур.
Ётишдан олдин улар
қучоқлашиб хўшлашди.

Инсон-чун ширин неъмат –
уйқу босди уларни.
Ярим тунда ногоҳон
ўчди уйқуси унинг
Туриб дўстидан сўрди:
Уйқумни бузган ким у?
Сен мени туртмадинг-а?
Унда ким ўша махлуқ?
Энкиду, дўстим менинг,
бу тунда бир туш кўрдим,
Иккинчи бор туш кўришим,
тоғ довонин ичинда
Айланиб юрганмишмиз.
қоя тўғри устимга
Келиб тушмиш баногоҳ,
босиб қолган оёғим.
Сира кўзғатолмайман.
Тоғнинг олдида бизлар
мисоли чивинлармиз.
Шунда бир чироқ ёниб
эркак киши кўринди.
Эркакнинг ҳуснига ҳеч
боқиб тўймайсан, ҳайхот!
Тоғни остидан мени
шу одам тортиб олди.
Сув тутди, ичдим,
бироз ўзимга келдим охир,
Қўлтиғимдан олди-да,
оёққа кўйди мени.
Чўлда туғилиб ўсган
одам доно бўлармиш»
Энкиду эса дўсти
кўрган тушни таъбирлар:
«Дўстим, тушинг таъбири
Яхшилиқдан дарақдир.
Гарчи пича қўрқинчли
бўлса-да, хосиятли.
Дўстим, сен кўрган ўша
тоғ асли Хумбободир.
Биз тутгаймиз золимни,

жўнатгаймиз дўзахга.
Жасадини ташлаймиз
итларга ем бўлиш-чун»
Тонг-ла дўстлар яна
Йўлда давом этишди
Йигирма чақиримдан сўнг
бир бўлакни узарлар.
Ўттиз чақиримдан сўнг
қўналғага қўнишди.
Шамашнинг кўз олдида
қудуқ қазилди чуқур.
Гилгамиш турди аста,
қудуқ томонга юрди.
Бир чимдим унни қудуқ
ичига ташлаб деди:
«Ҳой, тоғ, қани келтиргин
тушимнинг таъбирин!»
Шамаш туш таъбирини
битта қўймай айтди-ку.
Аёзли шамол эсди,
баданини тешворгудек.
Дўстин ётқизиб,
ўзи кетди қоровуликка.
Тоғ арпаси мисоли
бошини солиштирмиш.
Гилгамиш иягини
тиззасига тираб олмиш,
Уйқу ширин, баҳодир
мудрай кетди хуриллаб.
Ярим тунда уйқу
қочиб, уйғониб кетди.
Туриб, дўстидан сўрди:
«Сен мени уйғотдингми?
Нега уйғотдинг, хўш, айт!
Қаттиқ туртиб юбординг,
сесканиб тушдим ногоҳ.
Арвоҳ-парвоҳ ўтдимми?»

Баданим ўтдек ёнар?
Дўстим, ростини айтсам,
учинчи бор туш кўрдим.
Бу тушим бошқалардан
даҳшатлироқ, ваҳмакор.
Осмон ўпириб тушмиш,
ер денгиздай чайқалмиш.
Кун ўрнини тун олмиш.
Яшин чақнамиш, олов
олмиш дунё тўрт ёгин.
Қоп-қора булут бормиш,
Ёмғирмас, ажал ёғмиш.
Шафақ ўчмиш, машъал ҳам,
тоғлар ҳам қулаб тушмиш,
Кунпаякун бўлмиш, бас,
чўлга тушиб ўртада
Бир маслаҳат қилайлик!»

(Шу ерда 60–70 сатр шеър этишмайди.)

Энкиду сўзга оғиз жуфтлаб, Гилгамишга буларни маълум қилмиш:

«Урукда айтган гапинг эсингдами, оғажон:
«Шошил, тезда йўлга туш,
Хумбобони ўлдиргил,
Шунда Урук зурёдин
дунё танийди тугал!»
Дўстининг сўзларидан
ботирга нашъа қилмиш,
«Шошил, дўстим, шошил, бўл,
Қочиб қолмасдан душман.
Ўрмон ичига кириб,
бизни чув туширмасин.
У кийинар етти қат
матосини ростмана.
Ҳозирча бир қаватин
киймиш, яна олти қат.»
Шу топ қутурган кийик
дупури келди тоғдан.

Хумбобо – ўрмончининг
наъараси янграр бир вақт.
Биринчи қичқириғи
қулоқни тешиб ўтмиш.
Иккинчи бор қичқириш,
қулоқлар бўлди батанг,
Учинчи бор қичқириш
Хумбобо томоқ йириб
Эшитганлар қулоғи
гаранг бўлди бутунлай.
(Шу ерда 20 дан ортиқ сатр етишмайди.)

Оғиз жуфтлаб Энкиду дўстига бир сўз деб турмиш:

«Дўстим, мен сенга айтсам
ўрмонга кирмагаймиз,
Чунки мадорим кетиб,
танымда жон қолмади.

Гилгамиш сўзга оғиз очиб, бундай демиш:

«Дўстим, неча тоғлардан
ошиб келдик бу ерга.

Нега энди тўсатдан
ваҳм босмиш дилингни?

Қўй, ундай дема, дўстим,
руҳинг асло тушмасин,

Суягинг жангда қотган,
усулларинг юз минг хил.

Ахир, шерни йиқитган
ботирга кийик нима?!

У гапларни қўй четга,
ўрмонга кирайлик-да,

Биринчи дафъадаёқ
мусаххар этайлик, бас!

Қўй, ўлимни ўйлама,
тилга олма бу сўзни!

Кучлининг ўрни доим
саф бошида муқаррар.

Қўрқиш, чарчаш унга ёт,
ўз ва ўзгага бирдек

Жангда ўлганлар шаҳид

саналгайлар – жаннати».

Рўбарўда ногаҳон

пайдо бўлади эманзор,

Уни кўриб, ботирлар

бир лахза тек қотдилар.

Ўрмон дегани, ҳайҳот,

шунча гўзал бўларми?

5-фасл

Эманзорнинг учлари

кўкка қадалиб турар

Бир сўқмоқ кўринар ва

унда Хумбобо ҳам бор.

Сўқмоғу чўллар бари

орапта, шинам, текис,

Эманзор соясида

маъбудлар макон қурган.

Ўртада муҳташам тахт –

маъбуда Ирникини.

Тоғ-ку осмонни ўпар,

эманзор ундан баланд.

Сояси қуюқ, ерга

тангадай нур тушмайди.

Дарахту буталарнинг

шоҳлари шиғил бирдай,

Самбитгули неча хил

гуллар чаман очилган.

Бир чақирим юрар-юрмас

ботирлар йўқотди йўл.

Иккинчи чақримдан сўнг.

Учинчи чақримдан сўнг...

(Шу ерда 40 сатрлик шеър етишмайди.)

Жанговар болтасини

ботир баланд кўтарди,

Яхшиямки, йўлбоши

олишганди болтани.

«Ҳайт!» – деди-да, Энкиду

болтани ишга солмиш.

Хумбобо қулоғига

«тўқ-тўқ» овози етмиш.
Ғазабга минди золим,
сўрди: «Ким у нобакор?!
Ким табаррук ўрмонни
булғаб қўл теккизган ул?!
Кимнинг ҳадди сиғди,
хой, кесгани ўрмонимни?!»
Ботир Шамаш ўрмондан бундай жавоб айтади:
«Қўрқманглар асло ундан, бостириб бораверинг!»

(Шу ерда 90 сатр шеър етишмайди.)

Кўзларидан шашқатор
ёш оқди милтир-милтир.

Ботир Шамашга бундай деди Гилгамиш вазмин:

«Шамаш ботирнинг амри
ҳам тақдир ёзиғи-ла
Ихтиёр қилган эдим
шу ердан бормоқликни!»
Шамаш ботир Гилгамиш
сўзларин эшитди жим.
Бу вақт золим Хумбобо
устига юрди шамол.
Шамолки, турфа ному
турфа шиддат, тезликда:
Буюк шамол кетидан
турмиш Шимол шамоли.
Қаттиқ шамол кетидан
гувлаб эсди қум шамол.
Бўрон шамол кетидан
Совуқ шамол кўзгалмиш.
Беқарор бирин номи,
Гармсел яна бири,
Ҳаммаси бўлиб саккиз
шамол турди аёвсиз.
Хумбобонинг кўзлари
шамолга дош беролмай,
Ҳеч нарса кўрмай қолмиш,
бир жойда тек қотганмиш.

На орқага, на ортга,
на у ён, на бу ёнга
Қимирлай олмас эмиш,
иложсиз таслим бўлмиш.
Гилгамишга дермиш:
«Хой, Гилгамиш, шафқат қил
мен бечора бобойга!
Сен хўжам бўлгин, майли,
Мен қулинг бўлай алҳол.
Ўрмонимда ўстирган
Эманларимдан, майли,
Сен қанча хоҳласанг, мен
шунча кесиб берайин.
Кесилган эманлардан
сенга уйлар қурай сўнг»

Энкиду оғаси Гилгамишга бир сўз айтиб турибди:

«Хумбобонинг гапига
ишонма ҳеч, оғажон.
Уни тирик қолдириб
бўлмас ҳеч он, ҳеч қачон!»
(Шу ерда 30 сатр шеър етишмайди.)

Гилгамиш Энкидуга бундай демиш:

«Хумбобони ўлдиргали борганда
ҳатто қуёш нур беришдан тўхтайтиди.
Қуёш нури тўхтаб, борлиқни
зулмат чулғар,
Чор-атроф қоп-қоронғи».

Жавобан Энкиду Гилгамишга бундай дер:

«Дўстим, тутгил бир она қуш,
жўжалари ташлаб кетмас онасин!
Қуёш нури сўнг излармиз,
ўтлоқзорда кезиб юрган жўжалардай
Ҳар тарафга питраб кетади зумда.
аввал ўлдир Хумбобони,
Кейин тинчит мулозимларин»

Дўстининг бу гапларини эшитибок Гилгамиш
Жанг болтасин баланд кўтарди-да, Хумбобонинг
Энсасига бир солди, қиличин қиндан олди,
Дўсти Энкиду эса айлангириб золимнинг
Қоқ кўксига тиг солди,
учинчи зарбадан сўнг
Хумбобо жон берди ва
ҳаракатсиз тош қотди.
Шу тариқа Хумбобо
ер тишлади тортиб ох,
Икки чақирим нарида
эманлар чекди фарёд.
Энкиду барчасини
битта қўймай чопди-ку,
Хумбобонинг бошига
етган ҳам шу ботир-да;
Лубнон ва Сариа ҳам
чўчир унинг товушидан.
Тинчиди баланд тоғлар,
ўрмонлар шитир этмас.
Ўрмон эгасиз қолмиш,
мушук бекаси қолмиш.
Битта қолмай, еттовлон
жон таслим қилганида
Хумбобонинг эгнидан
жанговар қуролларни
Энкиду битта-битта
юлиб олди ва барин
Элтди махфий саройга,
Гилгамиш дарахт кесар,
Энкиду ёғоч йўнар.
Сўнг туриб Гилгамишга
Ушбу сўзларин айтар:
«Дўстим Гилгамиш, икков
эманзорни хўп кесдик.
Энди бас, Шамашга чин

ихлос-ла дуо қилсак,
Сўнг барча ёғочларни
Фрот бўйига элтсак»

(Шу ерда 50–60 сатрча шеър етишмайди)

Найзасининг учига
золимнинг бошин илди,
Кейин тип-тиниқ сувда
чўмилиб олди икков.
Либослар ҳам қуроллар
ялт-юлт қиларди тинмай.

6-фасл

Кирлар кетиб бадандан
покланди бошдан-оёқ.
Елкага чакмон солиб
камарни маҳкам тортди.
Бошга дубулға кийиб,
тожга укпар қўндирди,
Гилгамишнинг бир хусни
устига ўн хусн то
Қўшилганин кўрди-ю,
Иштарнинг эси оғди,
Маликани ногаҳон
ишқ ўти қамраб олмиш,
Гилгамишга очиғин
айтди-қўйди бебошвоқ.
«Кел, Гилгамиш, эр-хотин
бўлайлик ушбу ондан.
Қилма увол ёшлигинг,
умринг берма шамолга.
Олтин жанг араваси
мендан сенга инъомдир.
Ғилдирагу чодирини –
бу ҳам тоза тиллодан.
Уни тортиб боради
кучли, семиз хачирлар,

Уйимизга кирган чоқ
эман ҳиди маст қилар.
Остонадан тўргача
оёғинг тупроқ кўрмас.
Тоза гиламлар, ихлос
ила оёғинг ўпгай.
Узоқдан кўриб сенга
аъёнлар тиз чўккайлар.
Қир-адир, водийлардан
мевалар келтиргайлар.
Қўй ва эчкилар зотдор,
доим эгиз туғар.
Қон ортилган эшаклар
хачирларга бермас йўл.
Аравали тулпорлар
осмонлар бўйлаб учарлар.
Тумшуғи туғаланган, новвослар тенгсиз буткул!»

Гилгамиш оғиз жуфтлаб сўз айтади, у малика Иштарга бундай дейди:

«Не сабабдан мен сени
хотинликка олай, хўш?
Кўйлак берурман сенга
ҳузурижон баданга,
Нон бераман қайроқи
оқ буғдойдан, мазали,
Яна бир ноним борки,
маъбудларга ёки.
Маликаларбоп қизил
мусалласим бор яна.
Хобгоҳингни жаннатдай
қилиб безаб берурман.
Омборларингни олтин,
донга лим тўлдирарман.
Роҳибларингни олтину
Кумушларга кўмарман.
Аммо сенга ҳеч қачон
уйланмагайман! Асло!
Сен манқалдонсан, иссиқ-
совуққа йўқсан мутлақ,

Шамол ва бўрон чўпдай
учириб кетар зумда.
Ботирнинг бошин янчган
саройсан вафоси йўқ.
Ўз қопқоғин ямлаган
бадбахт кудуқсан-да сен.
Қайноқ сақичсан, ишчи
сенга йиқилиб ўлган.
Замбиларга хиёнат
қилган мешкобсан, билсанг
Тош деворни чатнатиб
ағдарган ўчоқ ўзинг.
Одамларни ғанимга
арзон сотган ногоҳон,
Эгасининг оёғин
қийнаган кийилган бошмоқ.
Бари-бари сен ўзинг
эмасмисан, ҳой, айёр?!
Шу кунгача кимлар-ла
неча бор ётиб-турдинг,
Йўқ демасанг, эринмай
санаб берай бир бошдан?

Кўз очиб кўрган келин
Думузини қийнадинг,
Шўрлик рўшнолик кўрмай
ўтиб кетди дунёдан.
Яна чўпон қушчага
кўнгил қўйдинг, уни ҳам
Уриб, патин синдирдинг;
Бечора, қалин ўрмон
ичра танҳо туну кун,
«Вой, қанотим!» деб йиғлар,
Кўрганнинг кўнгли вайрон!
Яна ҳайвонлар шоҳи
арслонни севиб қолдинг,
Сен унга (ҳазил эмас!)
тузоқ қурдинг даҳшатли.
Сўнг жанглardan соғ қайтган

бедов отга дил бердинг.
Эгар-жабдуқ, қанжирға –
барин унга топширдинг.
Мажбур қилдинг шўрликни
етти чақирим чопгани,
Орқасидан лойқа сув
бердинг тўйиб ичгани.
Онажон Силили
ҳали-ҳамон қон йиғлар.
Кейин эчкибоқарга
муҳаббат изҳор қилдинг,
Ҳар куни сенга қўрда
пишган нон келтирарди.
Қўмиб егани барра
қўзи гўшти берарди.
Сен уни бир ургандинг,
бўрига айланди-ку.
Энди ўз қондошлари
сиғдирмай ҳайдаб солар.
Итлар бийлатмас, гарчанд
тўпиғин узиб олар.
Боғбон Ишулланга
ишқ изҳор айлар эдинг,
У бечора ишониб
хурмо келтирар эди,
Олдинга дастурхонни
тўкин қилиб ёзарди.
Сен аста уни яқин
келдинг-да, аврай кетдинг:
«Оҳ, Ишуллан, жоним,
айни пишган мевадек
Ширага ғарқ тўлибсан,
Бағримга бағринг очиб,
Меҳримдан баҳра ол-чи!»
Ишуллан жавобан
Тиржайиб жавоб айтар:
«Мендан нима истайсан?
Онам ёпмаган нонга

қўл урмайман ҳеч қачон,
У менга ҳаром, макрух,
гуноҳи кабирадур».
Унинг гапин эшитиб,
жаҳл билан бир урдинг.
Шўрлик ўша заҳоти
айланмиш ўргимчакка,
Тўрларга ўралгач,
аросатга тушмиш бот,
На ерга туша олур,
на чиқолгай осмонга.
Сенга уйлансам, шундай
кунларга қолгум, албат!»

* * *

Бу гапларни эшитиб,
Иштар ғазабга минди,
Шартта осмонга чиқиб,
аввал отаси Ану,
Сўнгра онаси Анту
қошига борди нолон,
Кўзларидан шашқатор
ёш оқарди бебошвоқ:
«Отажоним, раҳмингиз
келсин мен бечорага,
Гилгамишнинг ҳақорат
ботқоғига ботдим-ку.
Уят-пуютни қўйиб,
гуноҳларимни бир-бир
Санай кетса бўларми»
Ану гапга оғиз жуфтлаб, қизига бир сўз деб турибди:
«Гуноҳларини бир-бир
санар экан Гилгамиш,
Тўғри қилган, аслида, у эмас, сен айбдорсан!»

Иштар сўзга оғиз жуфтлаб, отаси Ануга бир оғиз сўз айтиб турибди:

«Отажон, менга битта
хўкиз ато этинг тез.
Гилгамишни ўлдирсин,
ахир, қилмиши учун
Шунга мустаҳиқ, малъун!
Борди-ю, менга хўкиз
ато этмас экансиз,
Борса-келмас юртнинг эшигини қоққайман.
У дўзах эшигидур ўликлар ором олган.
Ўликларни оёққа
турғазурман беаёв,
Тирикларни уларга
ем қиламан, ҳа, шунда
Тириклар ўликларга
қараганда кам бўлур»

Ану оғиз жуфтлаб, малика Иштарга бир сўз айтар:

«Модомики, сен ундан
хўкиз сўрабсан, қизим,
Бир шarti бор: Урукка
бошоқ териб берасан.
Оз эмасу кўп эмас,
нақд етти йил, жон қизим.
Бу – одамлар учундир,
мол-ҳоллар учун бошқа
Шarti бор: етти йилга
етгулик пичан керак»

Иштар сўзга оғиз жуфтлаб, отасига қараб айтмишки:

«Донни сепдим аллақачон,
пичанни ҳам ғамлаб кўйдим.
Урукда ким шунга муҳтож
бўлса, келсин ҳузуримга.
Одамлар-чун ғалла тайёр, молларига ем-хашак»

Қизининг гапларини
эшитиб ота Ану
ҳурмат юзасидан ҳам
ато этмиш хўкизни.

Фалақдан Урук томон
қизин ҳайдаб юборди.
Урук кўчаларига
у етиб келганидан сўнг
Фрот бўйига келди,
энкайиб етти хўплам
Ичганди, (воажаб!)
дарё қуриди-қолди.
Хўкиз бир пишқирганди,
пайдо бўлди зўр чуқур,
Урукнинг юз нафар чўнг,
давангирдай одами
Чуқурга тушиб кетди.
Иккинчи нафасдан ҳам
пайдо бўлди зўр чуқур
Урукнинг норғул-норғул
икки юз одамини
ютиб юбормиш чуқур;
Учинчи нафасини
Энкидуга йўллади,
Энкиду букилди-ю,
аммо лекин синмади.
Бир сакраб у хўкизнинг
шоҳидан тутди маҳкам.
Хўкиз оғзин тўлатган
сўлакни пуфлар ногоҳ.
Билақдай думи билан
айлантириб бир солди.

Энкиду оғиз жуфтлаб, Гилгамишга бир сўз айтиб турибди:

«Дўстим, жангда кўрсатган
чексиз жасоратимиз
Рухлантирар бизларни.
Аммо мана бу ишга
Не деб жавоб бергаймиз?»

Гилгамиш оғиз жуфтлаб, дўстига бир сўз айтаётибди:

«Дўстим, кўриб турдим
мен хўкизнинг қилиқларин,
Аммо бизга етмайди

унинг кучи, бу аниқ.
Юрагини суғуриб оламан-да, Шамашнинг
Олдига қўяман шан.
Хўкизни иккаламиз
Ўлдиргаймиз, албатта,
Ғалабадан нишон деб
устига чиқиб олгум.
Шохин тўлдириб майга
Лугальбандага инъом –
Этурмиз ҳурмат ила,
думидан сен тутгайсан,
Қоқ миясин ва бўйнин
мен ёраман ханжар-ла.
Бориб Энкиду шу он
хўкизни хайдаб келмиш.
Ногоҳ думидан тутди
Гилгамиш-чи, тажриба
ортдирган кўп жанглар,
Хўкизнинг қоқ мияси
ва бўйнига аёвсиз
Ханжар солди, хўкизнинг
жони узилди бирдан.
Айтганидек, юрагин
суғуриб олдилар-да,
Шамаш олдига қўйиб,
ваъдаларидан чиқди.
Шамашга таъзим бажо
келтириб оға-ини
Тахтнинг икки ёнидан
жой олдиран қўр тўкиб.

* * *

Шаҳристон Урукнинг зўр
деворига осилиб
Кунгуранинг устига
чиқиб олиб Иштар дер:
«Гилгамишни ер ютсин,
мени шарманда қилди,
Хўкизимни ўлдирди!»
Иштарнинг бу сўзларин
Энкиду ҳам эшитди,

Хўкизнинг аъзосини
Суғуриб олиб тўғри
Иштарга қараб отди.
Аъзо бориб Иштарнинг
юзига бориб тегди.
Энкиду дер: Бу сенга
энг яхши мукофотдир.
Ичакларини бошга
салла қилмоқ керак-да!»
Иштар чорлади барча
қоҳинаю сатангу бокира-барин,
Хўкиз аъзоси хаққи
дуолар ўқидилар.
Шохларнинг йўғонлиги
усталарга хўп ёқди.
Ўттиз минг зумрад
кетар қадамга ростмана
Икки энлик гардишга
олти миқдор зайтун ёғ,
Хар икки шохга бирдай.
Маъбуд Лугальбандани
Мойлаб туриш-чун, албат.
Шохни шоҳ хобгоҳига
олиб кирилди, баланд
қилиб осиб қўйилди.
Қўлларини чайдилар
Фротнинг сувларига.
Қўл ушлашиб чақчақлашиб
юриб бордилар хурсанд.
Урук аҳли уларга
қарарлар ҳавас билан.

Гилгамиш Урукнинг оддий фуқаролари билан суҳбат қуриб борадир:

«Ботирлар орасида
энг хушрўйи ким экан?
Эранлар орасида
энг мағрури ким экан?
Ботирлар орасида
Гилгамишдир тенгсизи,
Эранлар орасида

энг мағрури Энкиду!
Биз самовий хўкизни
хайдаб солдик беаёв,
Маъбудалар орзуси
ушалмай қолиб кетмиш.
Фақат сен билан менинг
орзумиз ушалди, бас!»

* * *

Гилгамиш саройида
қизгин базму зиёфат,
Ботирлар ухламоқда
юмшоқ парқуга ботиб.
Энкиду ширин ухлаб,
ширин тушлар кўрмоқда.
Уйғониб ўз тушининг
таъбирин айтар, яна
Дўстини сўрар: «Оға,
буюк маъбудлар нима
Ҳақда кенгаш қилдилар?..»

7-фасл

Сен тингла, мен айтайин
не тушлар кўрганимни:
Ану, Элليلь ва Шамаш
ўзаро кенгашдилар.
Ану Эллилга демиш:
«Хўкиз ва Хумбобони
Не учун ўлдирмишлар?»
Ану деди: «Тоғолди
Эманзорни кесганлар
аниқ ўлмоғи керак!»
Элليلь деди: «Ўлмоғи
керақдир Энкиду,
Гилгамиш эса ҳали
кўп яшаши керақдир!»

Шамаш жавоб беради ботир Элليلь саволига:
«Хўкиз ва Хумбобонинг
ўлмоғига сен сабаб.

Беғуноҳ Энкидунинг
ўлиши керакмас-да!»
Ботир Шамашдан Элليلь
қаттиқ дарғазаб бўлмиш:
«Бир кўрмасанг уни
сен туrolмайсан, тўғрими?»
Гилгамишнинг олдида
Энкиду ётиб олди,
Гилгамишнинг юзидан
шашқатор бўлди ёши:
«Укажоним, жигарим,
нега мени оқламай
Сени қораламишлар?»
Яна дер: «Наҳотки, мен
Остонада руҳ билан
танҳо қолурман, нега?
Наҳотки, ўз укамни
бошқа кўрмайман, нега?»

Эндику сўзга оғиз жуфтлаб, Гилгамишга бундай демиш:

«Келинг, оғажон, энди
гаплашайлик ўтгандан.
Шамашнинг амри билан
ўрмон кесдик, бу бор гап.
Эмандан ёғоч эшик
ясаттирдим, бу ҳам рост.
Шу эшик деб чиқди-ку
жанжалнинг энг каттаси.
Бошин кўтариб ботир
Энкиду эшик билан
Муноқашага тушди:
«Ҳой, ёғоч эшик, билсанг,
Бу жанжалдан маъно йўқ.
Сени деб нақ йигирма
чақиримлик ўрмон кесдим.
Охири осмон бўйи
бир эманга дуч келди-ку!
Баҳайбатликда тенгсиз
осмонни тўлдиргудек,

Баландлиги олти гар¹,
эни эса икки гар,
Зулфин, лўкидон, занжир
ўн икки қулоч келар.
Тайёр қилиб келтирдим,
Ниппурда сайқал бердик,
Билгандайдим, ҳой эшик,
шундай бўлишин аввал
Болтамни олардим-да,
майдалаб чопар эдим.
Пайрахасидан бўйра
ясардим-да, даланга
Қилар эдим зўр тўсиқ!
Ану ва Иштар шунга
Чидай олмай қолдилар.
Эшик ясаб берганим
Ниппурда бўятганим
уларга оғир ботмиш.
Майли, тангри эшикни
ясаб берсин уларга,
Исмимни қириб ташлаб,
ўзларини ёзишсин...»
Бу сўзларни эшитиб,
Гилгамиш чидолмади,
Хўнг-хўнг йиғлаб-сиқтади.

Гилгамиш оғиз жуфтлаб, Энкидуга бу гапни айтмиш:
«Худо берган бандасан,
дўстим, қалбинг уммондир,
Доно сўзларинг олам
аҳлини лол қилгудек!
Қўрқинчли бўлсин қанча
туш, барибир, каромат.
Маъбудлар тирик жонни
соғинмай ҳам қўйдилар!
Соғинишни тириклар
зиммасига ортмишлар!
Етти букилиб сенинг

¹ Гар – узунлик ўлчови.

маъбудинга ёлборай:
Маъбудларнинг отаси
Анудан шафқат тилай,
Эллилнинг оёғига
йиқилай бошим уриб,
Шамаш ҳам қараб турмай
бир саховат кўрсатсин:
«Муҳибларинг бошидан,
олтин-кумуш сочайин!»

Буни эшитган Шамаш Гилгамишга қараб бир сўз деди:

«Муҳибларга зар сочиб,
исроф қилманг, эй шоҳим,
Маъбудлар бир гапирар,
икки гапирмас ҳеч он.
Қуръа ҳам бир ташланар,
иккинчига йўқ ҳожат.
Одам қисмати шундоқ:
«Бошга тушар, қўз тортар!»

Энкиду бошини кўтариб, Шамаш ҳукмига шундай жавоб қилмиш.
Шамаш олдида кўзларидан ёш жилғадек оқа кетди.

«Башоратли туш айтдинг
менга бу он, эй, Шамаш,
Неки ният қилибсан,
ниятингга ет, майли,
Аммо сўзимни икки
қилмагин, Шамаш, токи
Ерда қолмасин сўзим.
Мерган овчига шундай
қисмат ато этгилки,
То қиёматга қадар
эсидан чиқмай юрсин.
Ўлжасидан маҳрум эт,
қўлларин бемадор қил.
Йўлларини тўсиб қўй,
дўстлари юз ўгирсин,
Нима бўлмасин, овчи етолмасин ниятга!»
Тўлқин отиб юраги
Шамхатни қарғай кетди:

«Ҳой, сатанг, қулоқ сол,
қарғишларимни эшит.
Шундай қисматга қолки,
қийноқдан чиқмас бошинг.
Сени яхши кўрганлар
ёмон кўриб қолсинлар,
Аёлларнинг қулгиси
виждонингни куйдирсин.
Қарға томингдан кетмай,
кун бўйи қағилласин.
Кўйга ўхшаб ўзининг
тезагинга ботиб қол.
Уйларингга ўт тушсин,
кўчада қол қиш-ёзин,
Кафтдек жойга зор бўлгин,
сарсонликда оёғинг
Тўза-тўза шол бўлсин,
Очингдан силланг қуриб,
Қоқ суякка айлангин,
чунки бир вақтлар сен ҳам
Қарғагинг аямай,
қайтар дунё шу бўлар,
Ўзим сенга қайтаргум!»
Бу гапларни эшитиб,
Шамаш оғиз жуфтлади,
Олис фалақдан туриб,
қичқириб бундай деди:
«Кўй, Энкиду, енгилтак
Шамхатни қарғама, йўқ,
Илоҳий нонлар билан
қорнингни тўйдирганди,
Шоҳларбоп мусалласлар
ичирган эди,
Шоҳона либослардан
кийдириб қўйган эди,
Гилгамишдек лафзи пок
дўстни топиб берганди.
Энди ўша Гилгамиш
ҳам дўст, ҳам ини сенга.
Паркуларга ётқизар.

шоҳона паркуларга.
Хобгоҳнинг энг тўрида
Тахтиравон – ёт, ухла!
Олис юртлардан шоҳлар
келиб ўпар оёғинг,
Урук халқини севгин
ва дардини ол дейди
Ўзи жандани кийиб,
йўл олар сахро томон»

Ботир Шамашнинг сўзларини эшитиб, Энкидунинг бироз кўнгли жо-
йига тушди, юрагини босиб деди:

«Бўлмаса, ҳой, сатанга,
бошқача йўл тутайлик:
Сени ташлаб кетган кас
хузурингга қайтсин тез.
Султонлар ва ҳукмдорлар
сенга меҳр қўйсинлар.
Сенга кўзи тушганлар
ҳайратдан лол қолсинлар,
Ботир сенинг қаршингда
сочларини тўзғитсин,
Сендан юз ўгирганлар
саховат кўрсатсинлар:
Сенга совға қилсинлар
ложуварду тиллолар!
Душмандан ўч олмоқ-чун
ёрдамга қўл чўзармиз.
Ўчоқ олови ўчиб,
нонлари пишмай қолсин!
Маъбудлар эхромига
олиб келишсин сени.
Сени деб онанг кечсин
етти нафар завжидан!»
Тунги тахтиравонда
ёп-ёлғиз ётганида
Энкидунинг қорнида
оғриқ турди ногаҳон.
Кўнглидаги ғамларин
дўстига очиб солди:

«Дўстим, бугун мен ажиб
туш кўрдим ваҳм тўла,
Осмон гумбур-гумбури
ердан фалакка қайтар.
Зим-зиё тун қўйнида
бир ўзим турганмишман.
Бир вақт бир одам
пайдо бўлди, чехраси ғамгин,
Юз-андоми бамисли
бўрон қушига ўхшар.
Қанотлари қушдаин,
тирноқлари бургутча.
Қуш-ла олиша кетдим,
келолмадим унга бас.
Ҳайдамоқчи бўлгандим,
келиб елкамга қўнди,
Ерни ўйиб, ичига
мени жойлади паққос.
(Шу ерда 8 сатр шеър этишмайди.)
Салгина теккан эди,
мен бутунлай ўзгардим,
Елкаларимга қушнинг
қанотини ўрнатди:
Бир қараб қўйиб, зулматхонага олиб келди.
Иркалла макони бу, борса-келмас номи бор.
Бу йўлни босиб ўтган кимса қайтмас изига,
Бу уйни макону
тутган зиёдан маҳрум бўлар.
У ернинг таомини
на еб бўлар, на туфлаб.
Либослари қушлардек, қанотлари – кийим, бас.
Нур бегона бу ерда, яшарлар зим-зиёда.
Эшик ҳам лўкидонлар
чанг босган нақ бир энли!
Гардлар уйида кўрдим
жин йиққан шоҳларни.
Тождорлар ҳукмдорлар,
мулкдору заминдорлар,
Улар Ану ва Эллийль
рамзлари, аслида,

Уларга тортилади
буғи чиққан қовурдоқ.
Мен кириб борган марҳумлар
уйида яшар эди
Авлиё ва чўри қиз, яна қоҳин ва телба.
Яшар яна маъбудлар пири Этана, Сумукан
Яшайди Эрешкигаль
ер юзин маликаси.
Белет-цери, ернинг бокира
парихони барча-барчаси
Қаршисида тиз чўкар,
Лавхул-махфуз кўлидаю
Тиловат қилар дадил,
Бошин озот кўтариб
Мени кўрди баногоҳ:
«Ўша одамнинг ҳозир
Худо олди жонини!»
(Шу ерда 50 сатр шеър этишмайди.)

Гилгамиш оғиз жуфтлаб, бундай демиш:

«Дўстим, сени қаттиқ севардим,
Ҳеч ким дўстин севолмас бунча,
Яхши-ёмон кунларни бирга
Баҳам кўрдик теппа-теңг, бирдай,
Жанглар қилдик,
ўйнатиб қилич,
Зафар бизга кўпда ёр бўлди.
Дўстим ажиб туш кўрмиш, алҳол,
Ҳозиргина тугади туши,
Мангуликка бош қўйди дўстим,
У ётибди қимир этмасдан
Ҳамда нафас олмасдан, тақир.
Бир кун ўтди, ўтди икки кун,
Ётар дўстим тахтиравонда,
Учинчи ҳам тўртинчи кун, ҳа,
Бешинчи ва олтинчи кундирки,
дўстимдан йўқ сас, на садо»
Еттинчи ҳам, сакизинчи ҳам
Ўтди-кетди сувдай оқар,
Тўққиз кетиб, келганда ўни

Жасад аста айний бошлади.
Ўн биринчи, ўн иккинчи кун
Ўтди, ётар ҳамон Энкиду,
Бир вақт оғиз жуфтлаб, у аста
Гилгамишни чақирди сирли
Ва дўстига бир гапни айтмиш:
«Дўстим, билсак, мен маъбудларнинг
Каттасидан қарғиш олганман.
Эсингдами, Урукда икков
Гурунглашар эдик беармон.
Мен бояқиш урушдан кўрқиб
Бош тортгандим жангга бормишдан,
Билар эдим – жангда ўлганлар
Шаҳид кетар – жаннатий бўлар.
Мен галварс-чи, ўлимдан кўрқиб
Бош тортибман тайёр савобдан,
Қилмишимга яраша ўлим»
(Шу ерда 10–25 сатр шеър етишмайди.)

8-фасл

Тонг шафақи кўкни тутганда
Гилгамиш бир сўз айтиб турар:
«Энкиду, жон дўстим, онанг ғазол,
Отанг қулон эди, билиб қўй буни,
Сени табриклади думли махлуқлар,
Чўл ва яйловдаги қорамоллар ҳам!
Эманзор ичидан ўтган сўқмоқлар
Ва йўллар соғиниб сени йиғлатар.
Кун ҳам тун товушсиз нолалар айлар
Шаҳристон Урукнинг оқсоқоллари.
Йиғлар ортимиздан қўлин ювган
Ўрмонзор тоғларнинг чўққилари ҳам,
Онадай «хув» тортиб йиғлар яйловлар,
Ширасин оқизиб йиғлар сарвлар.
Ҳазабдан қоқ ёриб ўрмонни икков
Ўтиб борар эдик нописанд, мағрур.
Йиғлар айиқлару, чиябўрилар,
Қоплонлар, йўлбарслар ғазабнок йиғлар.
Тоғтака, силовсин, арслон ва кийик

Йиғлар бири олиб-бири кўяроқ.
Охулар, эчкилар, чўл жониворлари
Оҳ тортиб, уҳ тортиб тўкарлар кўз ёш.
Икков соҳилларни беармон кезган
Тошқин ёвлар кўксин уриб йиғлайди,
Сувларидан ҳовуч-ҳовуч ичган ул
Кумуш Фрот аччиқ-аччиқ йиғлайди.
Шаҳристон Урукнинг эрлари йиғлар,
Бизлар ҳўкизини суйганимизни
Кўрган хотинлар соч юлиб йиғлар.
Жонингни кўкларга кўтарган қоҳин
Эреду йиғлайди кўксига муштлаб,
Жонингни кўкларга кўтарган Эа –
Донишманд сирғаниб йиғлайди, эвоҳ!
Сенга нон едириб боққан энаганг,
Оёқларингни мойлаб қўйган энаганг,
Сенга мусалласлар берган энаганг,
Ўткир ичимликлар тутган энаганг
Куйиб-ёниб алам ўтида йиғлар.
Баданинга хушбўй мойлардан суриб
Гулдай қилиб қўйган моҳпора йиғлар.
Доно маслаҳатинг олиб ёш жуфтлар
Гўшангага оёқ босганда йиғлар.
Акасин соғинган келин-қизлардай
Соч юлиб, ув тортиб, ёш тўкиб йиғлар,
Отаю онадан узоқ жудолик
Туфайли эзилиб жигарбанд йиғлар.
«Энкиду, Энкиду», дея ўртаниб
Ўзим ҳам йиғлайман дўстимни ёдлаб.
Билиб қўйинг ботир эркаклар, билинг,
Шаҳристон Урукнинг оқсуяклари,
Мен бугун ҳеч киммас, балки жондайин
Иним Энкидуга йиғлайман қон-қон,
Гўё таъзияда гўянда мисол:
Ишонган болтам-да, тоғдай суянчим,
Ўткир ханжарим-да, синмас қалқоним
Тўйда тўним эди, башанг бичиқли,
Золим иблис мендан тортиб олди, бас!
Укажоним қулон шайдоси эди,
Чўл барслари билан кўп олишарди!

Ҳеч кимга бўй бермас эдик, инилар,
Зумда чўққиларни забт этар эдик.
Улкан ҳўкизни ер тишлатдик икков,
Эманзор соҳиби Хумбобони ҳам,
Қандайин уйқуга кетдинг – бемаҳал,
Ўнг ҳам қарамайсан, гапим эшитмайсан!»
Энкиду қилт этмас, кўтармайди бош
Туртиб кўрди – юрак буткул тўхтаган.
Келиндай дўстининг юзини ёпар,
Ўзи бургут каби айланар баланд,
Боласи тузоққа тушган она шер каби,
Нари бориб, бери келади тинмай,
Сочларин юлади, тўзғитади хўп,
Жирканиб эгнидан отар кийимин.

* * *

Тонг отиб, ол шафақ тутганда кўкни
Гилгамиш мамлакат аҳлига хитоб
айламиш: тошйўнар, мискар, темирчи –
Барчани бир жойга тўплади-да, сўнг
Маййитга қарата бу сўзни айтмиш:
«Эй, дўстим, ҳайкалинг яратмоқчиман,
Дўстга чин вафо не – билдирмоқчиман.
Дўст деган бор бўйи турсин кўриниб,
Тамалтош мрамрдан, соч-ложуварддан.
Бош – ганчдан, тиллодан аъзойи бадан.

* * *

(Шу ерда 20 сатр шеър этишмайди.)

* * *

Менким, ҳам дўстинг, ҳам оғанг ўлароқ
Сени ётқиздим чўнг тахтиравонга,
Ётқиздим табаррук тахтиравонга,
Жой бердим даргоҳнинг чап томонидан.
Меҳмон ҳукмдорлар пойибўс айлар,
Шаҳристон Урукка мотам буюрдим,
Тўхтатдим кулгию ўйинни таққа,
Ўзим ҳам жандага ўраниб охир
Шер терисин ёпиниб, ҳайт дея чўлга
Чиқиб кетдим бадар бош олиб, тақир»

* * *

Ол шафақ тутганда осмонни бутун
(Шу ерда 70 сатр шеър этишмайди.)

Гилгамиш одамлар шаклини лойдан
Ясамиш: келтирди катта хонтахта,
Асалга тўлдирди ҳақиқ идишни,
Ложувард идишга солди ёғни мўл,
Ҳайкалчани бўяб, Шамашга элтди.
(Шу ерда 50 сатр шеър этишмайди.)

Маъбудлар тўпланди маййит олдига, Элليلь оғиз жуфтлаб, Гилгамишга бу сўзни айтди:

«Қадимдан, Гилгамиш,
касбу ҳунарлар
Одамларга теп-тенг
қилинган тақсим:
Дехқон ер ҳайдайди,
ҳосил йиғади.
Чорвадор молим деса,
овчи ўлжадан мағрур.
Терисин кийим қилиб,
гўштини ейди – ҳузур!
Сен-чи, Гилгамиш, қилдинг
йўқ нарсадан бор.
Шундан буён шамолинг
сувларни ҳайдар нуқул».
Шамаш маъюс тортади,
Гилгамишга бу сўзни
айтмиш чин дилдан:
«Гилгамиш, шошма, тўхта,
излаганинг ҳаётни
Топа олмайсан зинҳор!»

Гилгамиш ботир Шамашга қараб бундай деймиш:

«Дунё кезиб, билдимки,
одамзод тинчимаскан.
Узоқ уйқуни уриб
қайта уйғондим гўё.
Қуёш чарақлаб, кўзлар

нурга қонсин, албатта.
Ахир, тунга нур керак
оломонни ёритмоқ-чун!
Ўлик жон қуёш нурун
қандай ҳам кўра олсин?»

(Шу ерда 50 сатр шеър етишмайди.)

9-фасл

Мотамсаро Гилгамиш
дўстига аза тутиб,
Ачиқ-ачиқ йиғлайди
сахро томон чопароқ:
«Ўзим-чи, ўлмайманми
Энкиду каби бир кун?
Юрагим ғамга тўла,
ўлим тушмиш изимдан,
Шунинг-чун қочмоқчиман
чўл томон, нажот шундан!
Убар-Тутунинг ўғли
Ўйинга тушди ҳукми-па
Шу йўлни тай этдим, ҳа,
энди шошмоғим керак.
Тунда тоғ дарасига
етиб бордим сарсари,
Шерлар галасин кўриб
ўтакам ёрилаёзди,
Бошим кўтариб Синга
ҳам барча маъбудлару
Ҳукмронларга муштоқ
таввало қила кетдим:
Аввалгидай яна бир
ўлимдан сақлаб қолинг!»
Тунда уйқуга кетди,
тонг отганда уйғонди.
Қарасам, чор атрофда
изғир даҳшатли шерлар,
Ҳаётдан хурсанд бари,
жанг болтасин олди-да,

Қиндан суғуриб қилич, ёй ўқи каби тикка
Йўлида туриб олдим»
Қилич ва болтаси-ла
Сермаб қанчаси «еди»,
«еди»қарийб барчасин.

(Шу ерда 50 сатр шеър етишмайди.)

Эшитганди бир вақтлар
Машу деган тоғ ҳақда.
Шу тоғга етган ҳамон
тонг ва тун икков уни
Кунда айлар ҳимоя,
Телада маъдан само,
Охири йўқ, чексизлик.
Пастда дўзах олови
кўкракдан уриб турар.
Чаён-одамлар унинг
дарвозасин асрарди,
Турклари совуқ муздан,
нигоҳлари нақд ажал.
Ялт-юлт қилган шуъласи
тоғларни йиқар эди.
Кун ва тун ўртасида
қуёшни асрар эди.
Гилгамиш кўзи ногоҳ
уларга тушганида
Ботир юраги бирров
сесканиб кетмиш, ҳайҳот!
Ўзига келиб олгач, уларга яқин борди.
Чаён-одам ногаҳон
хотинига қичқирмиш:
«Келаётган одамнинг
жисми маъбудларники»
Чаён-одамга хотини
шундоқ жавоб айламиш:
«Учдан икки маъбуд ул,
бир ҳисса одамзотдир»
Чаён-одам бирдан
Гилгамишга қичқирар

Ва маъбудлар зурриётига
айтмиш ушбу сўзларин:
«Не учун танламишсан
узоқ йўлни ҳайронман,
Ахир, бу йўлдан мени
олиб келган эдинг-ку.
Денгиздан олиб ўтган
Эдинг, чуқур кечувдан
Нечун келдинг – мен шуни
билмоқ истайман яна.
Қайга йўл олмоқчисан
шуни билмоқ истайман».

Гилгамиш чаён-одамга жавоб бериб айтдики:

«Укажоним қулонлар
ишқибози эди, бас.
Чўл ботирлари билан
қиёматли дўст эди.
Ҳар шанба ғолиб эдик,
тоғлар олдимизда паст,
Икковимиз бир бўлиб
хўкизни ер тишлатдик,
Хумбобони тинчитдик –
эманзор соҳибини!
У инсон қисматига
рўбарў бўлмиш охир!
Куну тун тепасида
туриб тўқдим қонли ёш.
Тупроққа топширмадим,
овозимни эшитиб
Сакраб тургаймиз дедим,
олти тун ўтди яна,
Етти кун ҳам ўтди-ку,
бурнидан қурт тушгунча
Сабр қилдим унинг-чун,
мен ўлимдан қўрқардим,
Яшаш – олий мақсадим,
қароқчидай саҳрода
Кезар эдим сарсари:

Овозимга дўстимдан
бир садо чиқармикан?
Ботир Энкиду фикри
миямдан кетмас сира.
Олис йўлларда сарсон
кезаман саҳрода.
Тинчланишимга бирон
чора бормикан алҳол?
Дўстим аста тупроққа
айланиб борар, даҳшат!
Бир кун келиб мен ҳам шу
аҳволга тушарманми?
Абадий қолмасманми?
Энди сени учратдим –
Қўрққаним ажални мен,
Балки бошқа кўрмайман?
Отам Утнапштининг ҳузурига йўл олдим.
Тирилиб, маъбудларнинг мажлисида иштирок
Этганларга жон киргай, ҳаёт-мамот ҳақида
Шулардан сўраб билай!»

Чаён-одам сўзга оғиз жуфтлади-да, Гилгамишга бундай демиш:

«Йўқ, Гилгамиш, бундаин
оғир тоғ йўлин босиб
Ўтмаган ҳеч ким ҳали:
ичкарига ўн икки
Чақирим чўзилиб кетган:
атроф зим-зиё, ҳеч не
Кўринмас кўзга, ёху!
Қуёш чиққандагина
дарвозалар очилар,
Қуёш ботгандагина
дарвозалар ёпилар,
У ёқдан маъбудалар
фақат Шамашнигина
Олиб чиқарлар тақир,
Шуъласи билан унинг
аҳлин битта қолдирмай куйдиради беаёв.

Ўзинг ўйла, бу йўлдан қандай ўта оласан?
Киришга кирарсан-у,
аммо чиқиш йўқ абад».

(Шу ерда 50 сатр шеър етишмайди.)

Гилгамиш Чаён-одамга бир сўз айтиб турибди:

«Майли, дилим ўртансин,
жисмим ёнсин оловда,
Хоҳ иссиқ, хоҳ совуқда
ўлиб кетай армонда,
Майли, не бўлсам бўлай,
фақат оч дарвозани»
Чаён-одам оғиз жуфтлаб,
Гилгамишга бир сўз айтиб турибди:
«Бор, Гилгамиш, йўлингни
берсин Худойим ўзи.
Машу тоғин ошиб ўт,
ўрмонлар, қоялар ҳам
Орда қолсин пайдар-пай,
аммо, албат, қайтарсан,
Омон-эсон юртингга!
Ўт, сенга тоғ йўллари
Елка бериб тургай, бас!»
Бу гапларни эшитиб,
Гилгамиш айтиб кетди:
Чаён-одам не ийиб,
барчасига «хўп!» деди.
«Ҳайё-ҳайт» дея шу он
йўл олди Шамаш томон.
Биринчи қақиримдан ўтди –
атроф зим-зиё,
Милт этган ёруғлик йўқ,
олд қайда, орқа қайда,
Ҳеч нени билиб бўлмас.
Иккинчи қақиримни
Босиб ўтганди, ҳайҳот,
ўша-ўша зулмат чоҳ,
Олд қайда, орқа қайда,

ҳеч нени билиб бўлмас.
Учинчи қақиримда
шарт орта ўгирилди.

(Шу ерда 18 сатр шеър етишмайди.)

Нафасин ростлаб олди,
олға одимлаб кетди.
Тўртинчи қақиримда ҳам
аҳвол ҳеч ўзгармади.
Чор-атроф қоп-қоронғи
ҳеч нени кўриб бўлмас.
Олд қайдаю-орт қайда,
ҳеч нени билиб бўлмас.
Бешинчи қақирим ўтди,
зулмат босган ҳар ённи,
Ҳеч нени кўриб бўлмас,
олд қайдаю орт қайда,
Ҳеч нени билиб бўлмас.
Олтинчи қақиримдан
сўнг ҳеч нима ўзгармади,
Олд қайдаю орт қайда,
ҳеч нени кўриб бўлмас.
Еттинчи қақирим ўтгач,
қулоқ тутди зулматга –
Зим-зиё қоронғилик
эгаллаган ҳар ённи,
Олд қайдаю орт қайда,
ҳеч нени кўриб бўлмас.
Саккизинчи қақиримда
яна зулматга овоз
Бериб қаттиқ қичқирди,
на олд ва на ордан бир
Садо бўлди жавобан.
Тўққизинчи қақиримда
у салқинни ҳис этди.
Юзларин майин шамол
аста сийпалаб ўтди.
Зулмат қуюқ,

на олдида, на ортда зоғ учадур.
Ўнинчи чақирим ўтди,
манзил шарпаси келмиш,
Аммо бошқа чақиримлар
каби бу ҳам хатарнок.
Ўн биринчи чақиримда
сезилди тонг нафаси.
Ўн иккинчи чақиримда
нур кўринди узоқдан.
Тош ўрмонини кўриб,
ботир довдираб қолди:
Ақиқ ҳил-ҳил пишибди,
кўриб ўйнайди кўзлар.
Ложувард салмоғидан
шоҳлар эгилган ерга.
Гўё тош эмас улар,
балки меванинг ўзи.

(Шу ерда 34 сатр шеър етишмайди.)

Тош боғдан ўтиб борар
экан ботир Гилгамиш
Ҳайратдан лол қолганча
ҳар томон жавдирармиш.

10-фасл

Сидури – маъбудларнинг
бекаси эрур, ўзи
Яшар эрур денгизнинг
уюри яқинида,
Маъбудларни бўза-ла сийламоқ эмиш иши,
Унга бердилар чоғир, ҳам олтин паймонани.
Устидан мато ташлаб, одамдан пана қилиб
Турган бир дамда аста
Гилгамиш яқин келмиш,
Сидури кулбасига:
шер териси ёпишган,
Бошдан-оёқ чанг-ғубор,
борлиғидан ёғилур
Илоҳийлик ва тақво;

ичига лек сифмас қил,
Олис сафар ихтиёр
қилгани шундоқ аён,
Бека уни узоқдан
таниб ўзига дермиш:
«Шошма, ақлингни жамла,
балки бу бир жаллоддир,
Қонга ташна эрта-кеч,
телба бу аҳволида
Қаён кетмоқда экан?»
Кўрққанидан бека қулф
Урди эшикка алҳол.
Яна зулфинни осиб,
сурди лўкидонни ҳам.
Қулф овозин эшитиб,
Гилгамиш ҳушёр тортмиш,
Бошин кўтариб тақир
бекага бундай дермиш:
«Ҳой, бека, нима учун
менга кўзинг тушган он
Эшикни кулфлаб олдинг?
Барибир куч ишлатиб,
уриб очарман билсанг,
Зулфинни синдиргумдир!»
Бека Сидури ғазаб
ичида худосифат –
Гилгамишга айтибдур:
«Узоқ йўлни ихтиёр
Нечун айлай қолибсан?
Қанча дарё-денгиздан
Ошгандирсан, ҳойнаҳой,
хўш, нега келдинг, йигит,
Мен шуни билмоқчиман,
сўнги манзилинг қайда –
Мен шуни билмоқчиман»
Беканинг саволига
Гилгамиш жавобан дер:
«Мен ўша Гилгамишман –
Хумбобонинг заволи,
Хумбобо эманзорда

яшар эди якнасақ,
Осмондан тушган хўкиз,
буни ҳам тинчитган мен,
Тоғ дараси ичида
арслоннинг бошин уздим»
Унинг гапига жавоб бериб Сидури дермиш:
«Эманзор соҳибини ўлдирган ўша ёвқур,
Осмондан тушган улкан
хўкизни ер тишлатган,
Тоғли даралар ичра арслонларни қийратган
Ўша Гилгамиш бўлсанг,
айт, юзинг нега сўлғин?
Бошинг эгик тол мисол?
Дилинг тўла ғам-андух?
Рангинг синиқ, қонсиз, оқ?
Афт-андоминг минг йиллик
Йўл юрган мусофирдай?
Бир иссиғу бир совуқ
урган палақдай сариқ?
Охири йўқ бу чўллар
ичра қаён борурсан?»
Гилгамиш хонбекага бир сўз айтиб тургани:
«Нега юзим сўлмасин,
эгилмасин мағрур бош,
Юрак ғамга тўлмасин,
рангидан ранг қочмасин,
Юрагимнинг тубида
андух ўти ёнмасин,
Иссиқ-совуқ баробар
вужудим куйдирмасин,
Кафтдек соя қидириб
чўлда сарсон кезмасин
Қачонки, укажоним,
қулонлар ишқибози
Ва сиртлонлар шайдоси Энкиду укажоним,
Қулонлар шикорбози
ва сиртлонлар шайдоси,
Бирга-бирга ғанимлар
уруғини қуритган,
Осмонбўйи тоғларни

ўйнаб ошиб ўтароқ,
Менинг ёнимга кириб,
хўкизни қилган бежон,
Эманзор соҳибини –
Хумбобони ўлдирган
Ва ниҳоят, ҳаммадан
ортиқ севганим укам
Энкидуни Эгамга
«Ма, ол!» деб топширганим,
алам қилмасму, ахир?!
Кўзимдан ёш эмас – қон
оқса, найлайн, ахир?!
Тун-кун аза тутсам, то
Йиғламасдан найлайн?!
Тупроққа топширгани
кўз қиймаса, найлайн?!
Мен чақирсам, бир оғиз
«ҳа» демаса, найлайн?!
Олти тун ва олти кун ўтди,
лош чиримади.
Ниҳоят, димоғинда
бир қурт ғивир қилди-я!
Ажал нелигин шунда
аниқ ҳис этдим мен ҳам.
Ажалдан қўрқиб кетдим,
ҳаётимни йўқотдим.
Қароқчи каби тунлар
чўлларда изғидим мен:
Ботир укам хаёли
миямдан кетмас бир зум.
Билмам ўзимни қандай
овутай бу ғамаро?!
Тирикчиликда гард юқса,
киприкда олар эдик.
Пок жисм энди, эвоҳ,
қаро ерга айланмиш.
Ҳа, жон дўстим деганим
Энди ҳеч не, ҳеч киммас,
у каби мен ҳам хокка
Айланарман муқаррар,

бир кетганча то абад
Уйғонмаслик шум қисмат!
Энди, хонбека, сени
Учратиб қолдим, энди
ўлмаслигим муқаррар!»

Хонбека Гилгамишга қараб бир сўз айтиб турибди:

«Ҳой, Гилгамиш, кўп шошма,
беҳуда чиранма, кўй.
Инсон учун бир келмоқ,
бир кетмоқлик ҳақ, билсанг.
Абадийлик маъбудга
хос қилиб яратилган.
Сен инсонсан, инсонча
яшамоққа маҳкумсан.
Туғилмоқ, емоқ, ичмоқ
ва ўлмоқ дастуридир.
Тонгдан тунгача, тундан
тонггача айшингни сур,
Ҳар куни байрам қилиб,
тун-кун куйла ва ўйна!
Эгнингда зарли либос
ялтираб турсин доим.
Тиниқ сувда сочинг юв,
қара, боладай сенинг
Қўлингдан ушлаб олган,
бағрингга ол жуфтингни,
Ол бирйўла кўнглин ҳам,
Чин инсонинг иши – бу!»

Гилгамиш бека томон қараб туриб бундай деди:

«Энди, ҳой, бека,
айтгил Утнапишти йўлини,
Қўриниши қанақа?
Уни топшир менга тез,
токи билай унинг йўлин:
Иложин топсам агар,
денгизни ошиб ўтгум,
Бўлмаса-чи, начора,
сахродан чопиб ўтгум!»

Бека унга, Гилгамишга қараб бир сўз айтиб турибди:

«Илгари ҳеч қанақа
мард бўлмаганди тақир,
Қадимдан фақат ботир
Шамаш номи янграрди.
Денгиздан фақат Шамаш
ботир ҳатлаб ўтгуси.
Қийин денгиздан ошмоқ,
йўл дегани беш баттар.
Ажал сувлари чуқур,
уни фақат Шамаш, ҳа,
Шамаш ботир эплайди.
Агар денгиздан ошиб
Ўтолсанг, ҳой, Гилгамиш,
ажал сувига етгач,
Унда нима қиласан?
Ҳой, Гилгамиш, Уршанаби
Деган битта одам бор.
Утнапишти кемасози,
Туморлари бир қатор,
Ўрмонда илон тутар,
Уни топиб, дўст тутин.
Йўқ демаса, денгиздан
У билан ошиб ўтгил,
иложин топмасанглар,
Қайтиб келаверинглар»
Бу гапларни эшитиб
Гилгамиш кўли билан
жанг болтасин кўтармиш,
Камаридан зулфироқ
қиличини суғурмиш,
Дарахтлар орасидан
Беаёв ёриб ўтмиш,
Ўткир пайкон мисоли
ёриққа бориб тушмиш,
Ғазаб ичида барча
туморни чил-чил қилмиш.
Ўрмон ичида сирли
илонга дучор бўлмиш.
Қўллари билан қаттиқ

қисиб жонин олмиш-ку.
Ғазаб отидан тушгач,
Гилгамиш сал тинчланмиш,
Жаҳлини босиб демиш:
«Қайиқ-пайиқ кўрмадим!
Ажал уммонидан мен,
қандай сузиб ўтармен?
Денгиз дегани, ахир,
чексиз бўлса, бепоён»
Гилгамиш жаҳлин тийиб
ўрмондан чиқиб кетмиш,
Дарёга тушиб келмиш,
Уршанаби сувида
Қайиқда сузиб ўтмиш,
қайиқни қирғоқ томон
Аста буриб қўйгаймиш.

Гилгамиш кемасоз Уршанабига бу сўзни айтмиш:

«Мени Гилгамиш дерлар,
Урукдан келдим, яъни
Ану хонадонидан,
Йўл юрдим, йўл юрсам ҳам
Мўл юрдим нақ Машрикдан»

Уршанабининг Гилгамишга қараб бир сўз деб тургани:

«Нега юзларинг сўлгин,
бошларинг ҳам ва маъюс?
Юрагинг ғамга тўла,
лунжларинг салқи, беранг?
Бағрингни ғам кемирмиш,
елканг букик, нолон дил?
Олис йўл босиб келган
мусофирга ўхшайсан,
Иссиқ-совуқдан афтинг
буришиқлашиб кетмиш,
Танадек сояга зор
бўз биядек саргардон!»

Гилгамиш кемасоз Уршанабига қараб бу сўзни сўзлаб турур:

«Жондек иним, қулончи,
чўл сиртлони овчиси
Укажоним Энкиду
одамзод насли каби
Ўлди-кетди бебошвоқ,
овлар эди қуёнлар,
Сиртлон дейсизми, яна
ҳар доим енгиб чиқар
Эдик жангда муқаррар.
Тоғларга чиқар эдик,
Олишар эдик тоза.
Хўкизни ер тишлатдик,
Тоғ даралари аро
шернинг ҳам жонин олдик,
Эманзорнинг эгаси
Хумбобони ўлдирдик.
Дўстим, уни жонимдан
ортиқ кўрар эдим, бас!
Келган бало-қазони
бирга даф этар эдик.
Энкиду жондан суюк
инижоним эди, бас!
Инсонлигига бориб
шундоқ ўлди-кетди-я!
Кунлар ва тунлар қон-қон
йиғладим девонавор.
Уни қора тупроққа
сира бергум йўқ эди,
Ўйлайман, балки овоз
бериб чақирсам ногоҳ
Тирилиб, «ҳа?» дермикан?
Олти кун ва олти тун
Ўтди, димоғида қурт
пайдо бўлди ниҳоят!
Мен ўлимдан ўлгудай
қўрқар эдим, на қилай?
Қароқчидай чўл аро
чопар эдим сарсари!
Ботир иним Энкиду

дея менга тинчлик йўқ.
Нима қилсам, дардимга
даво топилар қандай?
Нечук жим бўлай, нечук
юрагимни тинчлатай?
Жондан азиз дўстим
тупроқда ётибди-ку.
Чақмоқдай шиддатлиги
тош каби қотибди-ку
Инижоним Энкиду,
ўйнаб-кулсанг бўлмасми?
Сенинг ўрнингга ўзим
бориб ётсам бўлмасми?»

Уршанабига қарата Гилгамиш бу сўзларни айтиб турур:

«Энди айт, Уршанаби,
менга Урнапиштининг йўлин.
Кўриниши қанақа,
бундан ҳам хабар бергил,
Айт, у қанақа одам,
одамми ё инс-жинсми:
Иложини тополсам,
денгиздан сузиб ўтгум,
Тополмасам, начора,
чўлда сарсон кезмишам!»

Уршанаби Гилгамишга қараб бир сўз деб турмиш:

«Гилгамиш, ўз йўлингга
ўзинг тўсиқ бўлмишсан,
Туморлар чил-чил бўлди,
илон қопқонга тушмиш.
Кўтар, Гилгамиш, энди
ойболтангни баландроқ.
Ўрмонга бор, бир талай
хода кесиб қўй алҳол,
Бир юз йигирма хода
Ўн беш саржиндан бари,
Сақич сурт, лаппак яса,
сўнг келтир тез олдимга».

Гилгамиш эшитиши
биланоқ бу сўзларни
Қўли билан кўтармиш
Азот болтани, яна
Камардан шарт суғурмиш
Зулфиқор қиличини.
Ўрмон ичига кириб
кесди шохлардан хода,
Юз йигирма дона-ю,
ўн беш саржиндан бари.
Мум суваб, лаппак қилди,
элтди айтган у жойга.
Гилгамиш, Уршанаби
қайиққа ўлтиришди,
Қайиқ тўш уриб сувга
Шитоб-ла суза кетди.
Олти ҳафталик йўлни
уч кунда тай этишди
Ва ажал уммонига
Уршанаби оёқ қўйди.

Шунда Уршанаби Гилгамишга бир сўз демиш:

«Шошмай тур, ҳой, Гилгамиш,
майли, ол бир ходани,
Ажал сувига аммо
текизма қўл учинг ҳам.
Иккинчи ва учинчи
ҳамда тўртинчисин ҳам,
Алҳол бешинчиси,
олтию еттинчисин.
Майли, сеники бўлсин
саккиз, тўққиз ва ўни,
Ўн бир, ўн икки хода
бари-бари сеники».
Шунда сафар белбоғин
қайтадан ечди ботир,
Кийимларин ҳам бир-бир
ечиб ерга тўшамиш,

Худди оқ елкан каби
ҳавода ҳилпирамиш.
Утнапишти узоқдан
кўриб турарди барин.
Овоз чиқармай, ичдан
ўз-ўзига дер эди:
«Кемадаги туморлар
нега чил-чил қилинган?
Нега дарғанинг ўзи
кўринмайди, ажабо?
Келаётган анов кас
менга етти ёт эрур.
Хоҳ қарай ўнг томондан,
чап тарафдан бўлса ҳам,
Сира таниёлмайман,
ким бўлди экан бу кас?
Хўш, мендан у не истар?»
(Шу ерда 20 га яқин сатр шеър етишмайди.)

Утнапишти ботир Гилгамишга қараб бир сўз демиш:

«Нечун юзларинг сўлгин,
мағрур бошинг ҳам?
Ғусса тўлиқ юрагинг,
лунжларинг салқи?
Дилингда қайғу отлиқ
ҳиссиёт уя қўймиш?
Афт-андомингдан олис
сафардан келаётибсан.
Саратону қаҳратон
синовидан ўтгансан,
Тангадай сояга зор
сарсонсан, саргардонсан»

Гилгамиш узоқдан туриб, Утнапиштига бу сўзни айтаётибди:

«Нега сўнмасин чехрам,
нега бўлмас бошим ҳам,
Нечун дилим тўлмасин
ғуссага буткул, ахир,
Афт-андомим не учун

мусофирга ўхшамас?
Саратону қаҳратон
олмасин ўз забтига,
Тангадай сояга зор
нечун сарсон бўлмасин?
Қулон овига муҳтож,
қопқон овига илҳақ,
Жондек укам Энкиду,
дунёдан ўтди, ахир!
Бизлар жангга тўймасдик,
тош-қоялар кўрпамиз.
Биргалашиб икковлон
ҳўкизни ер тишлатдик,
Хумбобони ўлдирдик,
эманзор қўриқчисин.
Даралар орасида
шерларни хўп қийратдик.
Мен уни жонимдан ҳам
ортиқ яхши кўрардим.
Қийинчилик дегани
бизга асло чўтмасди.
Ўртада эди яхши
ҳам ёмон кунлар бирдек.
Билдирди одамлигин,
фаришта эмаслигин.
Куну тун эслаб уни
қон-қон йиғлайман тинмай.
Тупроқдан қизғанаман,
тупроқ-да у, қаро ер.
Умид бор: отин айтиб
чақирсам, «Ҳа!» дермикан?
Олти тун ва олти кун
Ўтди маййит айнимас.
Туйқус ажал бўғзимга
чанг солар деб кўрқаман.
Ўғри мушукдек ўзим
танҳо саҳро кезаман:
Ботир ҳақида ўйлаб
уйқумда ҳаловат йўқ,
Чексиз биёбон ичра

сарсон кезаман танҳо.
Ихтиёр ўзимдамас,
фарёд қиламан: «Ё-ху!»
Жондай дўст, дилбар иним
ерга кириб кетди-ёв!
Кетидан навбат билан
мен ҳам кетиб қолсам-чи?»

Узоқда турган Утнапиштига қарата Гилгамиш бир сўз айтиб турибди:

«Олисдаги падари
Утнапиштига етмоқ
Йўлини қилмоқ ҳамда
ўзи-ла кўришмоқ-чун
(минг қилса ҳам улуғ зот!)
Узоқ юрдим ва кўплаб
элларни ошиб ўтдим.
Учи осмонга теккан
тоғлар ортимда қолди,
Неча уммон-бахрлар
ариқча бўлмайд қолди.
Уйқуга қонмай кўзим
қўрғошиндай зил, оғир.
Вужудим ўтдай куйиб
ўзни дўзахга отдим.
Маъбудлар бекасига
етай-етай деганда
Синовларга дуч келдим
бири биридан оғир,
Ббири биридан мудҳиш:
йилқилар-ла олишдим,
Шоқолу шер ва йўлбарс,
буғу, така, қорамол,
Яна талай йиртқичлар
мени обдон синашди,
Бўш келмадим, уларнинг
гўштин едим тўйгунча,
Терисин кийим қилиб,
кийиндим – совуқни енгдим:
Эвоҳ! Беканинг кўзи
менга тушиши ҳамон

Эшигин қарсиллатиб
юзимга ёпди, шундоқ!
Сақич, қорамой билан
ходаларни сайқаллаб
Қайиққа ўлтирдим-да,
шитоб-ла сузиб кетдим».

Утнапиштининг Гилгамишга айтиб турган сўзи:

Сен, Гилгамиш, ғоятда
оғир ғамга ботибсан.
Жисму жонинг инсонмас,
илоҳлар қавмидандир:
Сен ота ҳам она деб
яралгандир – қисматинг

(Шу ерда 25 сатр шеър етишмайди.)

Қазои муаллақ – инсон заволи:
Ахир, абадиймас
биз қурган уйлар.
Ё босган муҳримиз
мангуликмикан?
Ё ака-укалар
абад биргами?
Ё нафрат дегани
мангулик ҳамроҳ?
Ё дарё сувлари
абад тўхтамас?
Ё ғумбак чексизми
ниначи бўлар?
Ё қуёш кўзларни
Олмасми бир зум?
Азалдан шу бўлган,
дегани ростми?
«Уйқу – бу ўлимдир»,
мажозмас – ҳақ рост?
Инсон ҳукмдорми
ўлим олдидан?
Ануннаклар – буюк
Маъбудлар, шаксиз,

Тақдирни яратган
Маметдир асли,
Бор ё йўқ қилувчи
улар ўртада:
Ҳаёт ва мамотни
яратган улар,
Мамотни билмоққа
аммо йўқ изн»

11-фасл

Узоқда турган Утнапиштира қарата Гилгамиш айтган сўзлар:

«Бундоқ олиб қарасам,
Рости гап, Утнапишти,
Сенинг ҳам шохинг йўқдир,
сен ҳам мендайсан тақир.
Бўй-бастинг, қад-қоматинг
мендан зарра ўзгамас.
Сен билан олишмоққа
халал бермас ҳеч нарса.
Ҳордиқ олганда сен ҳам
чалқа тушиб ётарсан.
Ростин айт, қандай қилиб
ўлмай қолдинг йиғинда?!»

Бунга жавобан Утнапиштининг Гилгамишга айтган сўзлари бу турур:

«Гилгамиш, сенга бир гап
айтмоқчиман, сол қулоқ,
Одамзотмас, илоҳлар
асроридан кетар сўз.
Шуриппак шаҳрини сен
мендан яхши биласан,
Фротнинг бўйидадир,
қадимийдир бағоят.
Маъбудларга кўп яқин,
Нух тўфони уларни
Бир ишга ундаб қолмиш;
Маъбудлар юрагини
Таъмир қилмаса бўлмас.
Оталари Ану ва

Ботир Эллилль – вазири,
Элчи Нинурта, яна мироб Эннуни
ҳамда Нинигику – Эа
онт ичдилар ўртада,
Аммо зумда бу сирни
кулбага чақиб солди.
«Ҳай, кулбаю деворлар,
эшитмадим деманглар!
Убар-Тутунинг ўгли,
яъники шуриппаклик,
Фармон бермиш шу топда,
уйларни бузиб ташланг,
Ўрнига ясанг кема,
экин экманг, тириклик
Ғамини енг энди, ҳа,
бойликка ҳавас қўйманг,
Жонингизни авайланг!
Ҳар ким ўз кемасига
жониворларни ортсин,
Сиз ясаган ул кема
кўринишдан тўртбурчак,
Эни билан бўйи тенг,
худди баҳри муҳитдай,
Устин ёпинг томсифат!»
Гапларидан англадим:
Қулоқ сол, мен айтайин.
Сен ирод қилган сўзлар
Мен учун мукаррамдир,
қадрлайман то абад.
Не дей энди шаҳарга,
улус ҳам кексаларга?»

Эа сўзга оғиз жуфтлаб, бундай демиш:

«Мен, қулига, айтмишким:
Сен эса айт уларга,
Биламан, Эллилль мени
жинидан ёмон кўрар,
Сизнинг шаҳардан энди
туз-насибам узилмиш.
Эллилнинг тупроғидан

оёғимни узгайман.
Баҳри муҳитга, яъни
хукмдор Эа ҳузурига
Кириб бораман аста!
Сизларнинг устингиздан
ёмғир шаррос қуйгуси,
Хабар топгансиз қушлар
ҳаётидан мукаммал,
Ҳам балиқлар гўшаси
нечоғли ажаблигин!
Ер узра ҳамма жойда
Ҳосил бўлгуси мўл-қўл.
Тонгда челақлаб ёмғир
қуйса то кечга довур
Нон ёғилар осмондан»

* * *

Тонг отиб, қуёш чиқиб
олам мунаввар бўлгач,
Чор атрофга жар солиб,
элни бир жойга йиғдим.
Эркак фуқаролар бош
эгиб, бўйсундилар.
Уйлар бузилиб, девор
йиқилаверди гуп-гуп.
Болалар сақич элтар,
катталар тортар ғалтак.
Беш кундирки, баландга
тупроқ отаман тинмай.
Ботмон-ботмон майдонлар,
аравалар баҳайбат
Йигирма қулоч бўйи –
Бўлса, эни ундан қўп.
Кегарчинлар қопладим,
тарҳини ўзим чиздим:
Кемага нақ олтита
палубани жойладим,

Ҳар бирини еттита
қисмга бўлиб чиқдим.
Кема тагини роса
тўққиз бўлаққа бўлдим.
Кийдирдим унга сувли
идишни қатор қилиб.
Рулни ҳам хўп жойладим,
аслаҳалар бадастир.
Уч миқдор қирни олов
тагида тозаладим.
Уч миқдор сақични мен
унга қуйиб юбордим,
Замбилкашлар уч миқдор
зайтун ёғи келтирди.
Мойлашга кетадиган
зайтун ёғдан ташқари
Икки миқдорин дарға
яшириб қўйган экан.
Шаҳар аҳли учун мен
хўкизлар сўяр эдим.
Мева шарбати, ёғлар,
мусалласлар беҳисоб,
Дарё каби оқарди,
одамлар нўш этади
янги йил айёмидек.
Зиёфатлар авжида,
хушбўй суртмалар тоғ-тоғ,
Қўлларин мойлаш учун
меҳмонун мезбон бирдек.
Қуёш ботган заҳоти
сас келди: «Кема тайёр!»
Зилдай оғир кемани
қимирлатиш осонмас,
Тепадан ва қуйидан
қозиқлар терилди соз,
Ниҳоят, учдан икки
қисми сувга ботмиш, бас!

Айнан мен айтганимдай
қилиб юклар ортилмиш.
Бисотимда неки бор:
олтин, кумуш, жавохир,
Уй ва ёввойи ҳайвон,
барисини орттирдим.
Қариндош-уруғлару
яқин-йироқ аймақлар,
Битта қолмай кемага
чиқариб олдим тугал.
Қўли гул усталар ҳам
Қолмади, бари хурсанд.
Шамаш менга қўзғалиш
вақтини билиб бермиш:
«Тонгда жала қуярмиш,
тунда нон ёғилармиш.
Зап томоша бўлармиш
Бор, кемага тушгин-да,
Эшикларга сақич сурт»
Белгиланган вақтнинг бошланиши:
Тонгда жала қуйди зап,
тунда ёғди нонёмғир.
Мен об-ҳавонинг авзойига разм солдим –
Об-ҳавога қарашнинг ўзи бўлмади бу вақт.
Мен кемага чиқдим-да,
эшикларга мум суртдим.
Бу хизматим учун мен
рағбат олдим даргадан.
Уста Пузур-Амуррига
яп-янги қаср тегди.

Тонг шафағи уфқни
безай бошлаганида
Кўкнинг қоқ ўртасида
пайдо бўлар сур булут.
Ортидан гумбурлаган
овоз тутди борлиқни.

Бу – Адду, маъбуда эди,
олдинда борар эди
Шуллат ва Хониш икков,
Ён атрофдан сарбозлар
От солиб келар эди.
Эрагаль мачталарни
бир-бир суғуриб ташлар эди.
Тўшама йўлни ёриб
Нунурта келар учиб,
Ануннаклар аҳил
кўтарди машъалларин,
Машъалалар тобидан
Дунё ёришиб кетмиш.
Аддунинг қилиғидан
Осмон тек қотиб қолмиш.
Милт этган ёруғ борки,
Ўчиб, зулматда сўнмиш,
чил-чил синган косадек
Ер юзи ушалгайдир.
Биринчи кун жанубнинг
Шамоли авжга минмиш,
Тўсатдан душман тўпи
Одамларни қиргандек,
телбаланиб бу шамол
Тоғ-тошни ялар тамом,
одам одамни кўрмай
Уришар таваккалга!
Маъбудларнинг ҳам ёмон
кайфи учган – қиёмат?
Ану қанотларини
силкиб, кетмиш фалакка,
Кўппак каби ғужанак
бўлиб уймалашарлар.
Иштар қичқирар тинмай
тўлғоқдан қийналгандай,
Аммо унинг овози
ёқимлидир шунда ҳам:
«Ўша кунни, ё Раббим,
ер ютса бўлмасмиди?!
Маъбудлар кенгашида

ёмон хабарга бордим,
Ҳа, шундай бу кенгашда
бадбин хаёлга бордим,
Одамларимни қириб
Ташлаш-чун уруш очдим!
Ўзим одамзот бўлиб
одамни ўлдирайми?!
Одамларнинг ўлиги
уммонни тўлдирсинми?!»
Буни эшитиб, Ануннак маъбудлари
Хўнгир-хўнгир йиғлади.
Маъбудлар тинчланишиб
Келар кўзда ёш билан,
Бир-бирини қучоқлаб
Кўришарлар дўстона.
Олти кун ва етти тун
Эсган шамол лабларни
қақратиб юборганди.
Ортидан бўрон турмиш,
еттинчи кун тонгида
Тошқин орқага қайтмиш.
Чинакам қўшин каби
Жон олиб-жон бердилар.
Денгиз тинчланмиш,
бўрон ётмиш, тўлқин тўхтамиш.
Дарчани очган эдим
юзимга ёғду тушди,
Нигоҳимни уммонга
қаратгандим: у тип-тинч!
Башар жинси бош-оёқ
балчиққа айланганмиш!
Текислик деганлари
том каби ясси эди.
Тиз чўқдим-да, боладай
ўтириб йиғлай кетдим,
Шашқатор оққан кўз ёш
юзимни ювар эди.
Соҳилни иштиёқ-ла
томоша қилар эдим.
Бир вақт қарасам, очиқ

денгизда орол қурдим.
Орадаги масофа
ўн икки чақиримча бор.
Ницир тоғи ёнида
Кема лангар ташламиш.
Кемамиз қоя тошлар
ичра қисилиб қолмиш.
Шўрлик кема на у ён,
на бу ён бўлар эди.
Уч кун, тўрт кун Ницир
кемани ушлаб қолди,
Беш кун олти кун ўтди,
қилт этмади жойидан.

* * *

Еттинчи кун тонг чоғи
каптаримга эрк бердим;
Каптар учиб кетди-ю,
қайтди ҳаял ўтмасдан,
Қўнгани жой тополмай,
бундай фикрга келмиш.
Қалдирғочимни қўйиб
юборгандим, (вожаб!)
Жой тополмай зумдаёқ
қайтиб келмиш, бу не сир?!
Кўрганмиш сув қайтишин,
ўзи қайтиб келмади,
Иши фақат шу қар-қар
этмоғу фоллар очмоқ.
Чикдим-да, тўрт томонга
таъзим қилдим сидқ ила.
Қоядаги минорда
тутатқи ҳам тутатдим:
Еттига етти қилиб
тердим исириқдонларни,
Оловга мирта, қамиш
Чўпларидан ташладим.
Маъбудларнинг димоғин
тезда қичиша қолмиш,
Ўзлари маъбуд, лекин

бундаи ҳеч бўлмамиш,
Садақадон устига
ёприлиб келмишлар.
Бироқ шу он кеп қолмиш
маъбудалар онаси,
Кўнгли учун деб аста
Ану тайёрлаб берган
Дурни қўлига олмиш
ва шундай ирод этмиш:
«Маъбудлар! Бўйнимдаги
Бу ложувард жавоҳир,
Мен уни унутмайман,
худди бу кунлар унут
Бўлмагандек ёдимдан!
Барча маъбудлар келсин
саждагоҳга яқинроқ.
Бунда фақат Эллилни
истисно айлагансан,
Зеро башар қисматин
охиргача ўйламай
Тошқин келтирган удир,
Одамзотни уруғи
Билан қуритмиш хумпар!»
Иттифоқо, бу ерга
келиб қолган Эллилнинг
Кўзи кемага тушиб,
жон-пони чиқиб кетмиш,
Игиг Маъбудларидан
ғазаби чунон ортмиш:
«Нечук омон қолмиш бу
одамзотнинг боласи?!
Битта ҳам одам насли
тирик қолмасин эди!»

Нитурта оғиз жуфтлаб ботир Эллилга қарата бундай демиш:
«Эадан бошқа кимнинг
бунга ақли етарди,
Ҳар нарсани билгувчи
Эадир, ҳа, Эадир!»

За гапга оғиз жуфтлаб, Эллилга бундай демиш:
«Сен – ботирсан, маъбудлар
ичида энг доноси!
Ҳар нима бўлганда ҳам
Тўфон келтирган сенсан.
Бегуноҳлар жазога лойиқ,
Гуноҳкорлар этилмиш озод.
Бардам бўл, қолгайсан омон,
Чидай тур, бўлгайсан дархон.
Тошқин сенга не қилиб берар,
Арслон дуруст – одамзод кушандасин!
Тошқин сенга не қилиб берар,
Бўри дуруст – одамзод кушандаси!
Тошқин сенга не қилиб берар.
Ўлат дуруст – ҳаётнинг кушандаси.
Менга буюк маъбудлар
Сирин очмади,
Энг доно зотга мен
Уйқу юбордим.
Энди не маслаҳат берсанг, бу – марҳамат!»
Ўрнидан туриб, Элليلь
кемага чиқиб келмиш,
Қўлимдан ушлади-да,
тепага олиб чиқмиш,
Тиз чўктирди, ёнимда
хотинимни ҳам бирдек,
Манглаймизга бир-бир
қўл учин теккизмиш.
Ўртамизда тик туриб
Бизларни дуо қилмиш:
«Шунгача Утнапишти
бир оддий одам эди,
Шу дамдан Утнапишти
маъбудлар қавмидандир,
Утнапишти яшасин
дарёнинг ўзанида,
Якранг-якнасақ ўзи,
қўшнисиз, ошносиз!»
Мени жуда олисга
олиб кетишди, ё ху!

Дарёнинг ўзанига
жойлаштириб қўймиш.
Қанча замондан буён
излаганнинг ҳаётни
Топиб бермоқ учун, хўш,
ким йиғар жамоани?
Олти кун ва етти тун
бедорликка ким чидар?»
Оёқларин ёйиб кенг
ерга бош қўйган ҳамон
Чўлнинг зулмати янглиғ
уйқу чулғайди кўзин.

Утнапишти ўз завжасига қарата бир сўз деб турибди:
«Яшашни хоҳлаган ботирни қара!
Саҳро зулматидай уйқу босибдир»

Завжа узоқдан туриб Утнапиштига бир сўз деб турибди:
«Туртиб кўр, одам-ку, балки уйғонар,
Ўша йўлдан қайтиб келса ажабмас,
Дарвоза ҳам очиқ, келсин она юртига!»

Утнапишти ўз завжасига қарата бир сўз демиш:
«Ёлғончи одам у!
Сени алдайди:
Нон ёпиб ёстиғи олдига қўйгил,
Ва унинг ухлаган кунларин бир-бир
Деворга чизиб бор»

Унинг биринчи нони узилиб тушди,
иккинчиси дарз кетди,
моғорлади учинчиси,
тўртинчисини оппоқ
пўпанак босиб кетмиш,
Бешинчиси тош қотмиш,
Олтинчиси яп-янги,
еттинчисига қўли
Тегар-тегмас у тўсатдан
Уйғониб кетмиш, чўчиб.

Олисдаги Утнапиштига Гилгамиш қуйидагиларни маълум қилмиш:
«Бир зумга илинибди
Уйқу-ла кўз тушмагур.
Магарам тегмасайдинг,
уйғонмасдим ҳеч қачон»

Бунга жавобан Утнапишти Гилгамишга бу сўзни айтиб турур:
«Тур, Гилгамиш, ўрнингдан,
нонларни санаб кўр-чи,
Ухлаган кунларинг-да,
шунда маълум бўлгуси
Сенга нонларнинг холи:
биринчи нонинг ерга
Тушиб, синмиш юз бўлак.
Иккинчиси дарз кетмиш,
Учинчиси моғорлаб,
Тўртинчисини босган
қалин-қалин пўпанак.
Бешинчисининг суви
қочиб тошдай қотмишдир,
Олтинчиси тандирдан
ҳозир узиб олгандай.
Еттинчисига навбат
келганида кўзларинг
Мошдай очилиб кетмиш»

Гилгамиш ҳув нарида турган Утнапиштига бу сўзни айтиб турибди:
«Утнапишти, айт менга,
айтгин, нима қилай мен?
Вужудимни ўғрининг
руҳи эгаллаб олмиш,
Боргоҳимни забт этиш
ўлим отлиқ бир бало,
Қаёққа кўз ташламай
фақат уни кўргайман!»

Утнапишти кемасоз Уршанабига қарата бир сўз деб турмиш:
«Бандаргоҳ йўлига
бўлмай интизор,
Юклар келишидан

Умидинг уз.
Оёгинг остида
турган соҳилни
Иложи борича
тезроқ тарк этгил!
Сен олиб кетган ул
одам эгнига
Кийибдир минг
ямоқ жандани алҳол,
Терилар унинг чин
гўзаллигини
Батамом чиқармиш
йўққа бир йўла
Бор, ҳой, Уршанаби,
олиб бор уни,
Баданин ишқалаб
ювиниб олсин.
Айниқса, кўйлаги
чилги бўлибдир,
Тери билан кўшиб
денгизга отгил.
Шунда қад-қомати
бўлур намоён.
Бошига танғиган
қийиқчани ҳам
Улоқтир ва топгил
буткул янгисин,
Эгнига либослар илиб, авратин
Тезгина беркитсин,
Ҳаё кетмасин.
Бу ишни йўлакай
Бажарсин аёл!
Шаҳарга етмасдан
Кийиниб олсин.
Либослари яп-янги,
бенуқсон бўлсин!»
Уршанаби уни дарҳол
дарёга олиб кетди.
Кўйлагини ювди обдон,
терилар ирғитди,

Кўз ўнгида хушомад
йигит бўлди намоён.
Бошига янги қийиқ
Танғиди – бўлди гулдек.
Эгнига либосларни
илганди, ўша заҳот
Авчати ҳам ёпилди.
То шаҳарга етгунча,
То йўлда экан, илло,
йўл юра-юра тамом
Янги либосли бўлмиш.
Гилгамиш, Уршанаби
икков қайиққа минди.
Бир силтов-ла қайиқни
Тўлқинлар ола кетди.

Завжаси унга, олисдаги Утнапиштига қараб демиш:

«Гилгамиш ҳолдан тоймиш,
йўл юриб, меҳнат қилиб.
Нима берасан унга?
Ватанига қайтсинми?»
Гилгамиш эса сувдан
чангакни олиб қўймиш.

Утнапишти Гилгамишга бир сўз деб турибди:

«Гилгамиш, кўп йўл юрдинг,
Чарчадинг меҳнат қилиб.
Айт, сенга не берайин?
Қайтарсан ё элингга?
Сенга, Гилгамиш, очиб
сочмоқчиман бир гапни.
Яна бир гул сирин ҳам
Сенга қилай ошкор:
Бу гул асли чўнг уммон
тубида ўсган, билсанг,
Атиргул тиканакли,
қўлинг қонга бўялгай
Огоҳ бўлмасанг агар.
Шу гул ёнингда бўлса
Билмайсан қаримоқ не.»

Бу сўзларин эшитиб,
Гилгамиш ўша заҳот
Қудуқ оғзини очмиш,
Оёғига залворли
Тошларни боғлаб олмиш.
Тошлар уни уммоннинг
Тубига тортиб кетмиш.
Гулни тез қўлга олмиш,
Қўллари қонаб кетмиш.
Оёғидан тошларни
Бир-бир ечиб ташламиш.
Уммон кўтариб уни
Қирғоққа улоқтирмиш.

Кемасоз Уршанабига қараб, Гилгамиш бир сўз деб турмиш:

«Уршанаби, билсанг гар
Ўша гул бир мўъжиза.
Зеро у бор жойда йўқ
ўлим деган бир бало.
Шаҳристон Урукка
Олиб бораман-да, сўнг
Элимни ошу нонга
боқадирман тўйдириб.
Бир йўла синайман ҳам:
қарини ёшартирса
Ва ёшликка қайтарса,
мен ҳам ейман бу гулдан,
(Ёш бўлишни ким севмас?)»
Йигирманчи чакримда
ўзиб олмиш бир бўлак.
Ўттиз чақиримдан сўнг
қўналғага қўнмишлар.
Бир пайт йигитнинг кўзи
Муздек қудуққа тушмиш.
Қараб ўтирмай шартта
ўзини шунга отмиш.
Гул илон атиргулнинг
Ҳидини олиб ногоҳ
Инидан чиқиб келмиш,

Сўнг гулни олиб кетмиш.
Илон қайтиб келмиш-да,
пўст ташламиш бебошвоқ.
Гилгамиш-чи, ўлтириб
Хўнгир-хўнгир йиғлармиш,
Кўзларини юзидан жилғалар оқа кетмиш;
Кемасоз Уршанабига қараб бир сўз демиш:
«Ўзинг айт, Уршанаби,
қўллар ишлаш нечун?
Нечун юрак қон ютар?
Мен ўзим-чун қилмадим
Бу яхшилашни билсанг,
ер фалаги-чун қилдим.
Нақ йигирма чақиримдан сўнг
гулнинг бари чок ўлмиш,
Қудуқни очаётиб
мен қуролдан айрилдим.
Топган нимарсам эса
бир чақага қимматдир.
Бунни айтгандан не наф?
Мен кемани қирғоқда
Қолдирдим.» Сўнг йигирма
чақирим ўтиб, гулдан бир
Бўлак узиб олмишлар.
Ўттиз чақирим ўтганда
Қўналғага жойлашди
ва ниҳоят, шаҳристон
Урукка етиб келмиш.

Кемасоз Уршанабига Гилгамиш бир сўз айтиб тургани:

«Тур ўрнингдан, Уршанаби,
Тур, шаҳристон Урукнинг
Деворларидан юргил.
Пойдеворин тепиб кўр,
Сийпала ғишт, кесагин,
Пишиқ ғиштли ё хом ғишт –
Бунни аниқ билиб ол.
Етти донишманд ростдан
Виждонан ишлаганми ?..»

Энкиду асфаласофилинда

11-фасл

«Қани эди, кўс ноғорамни
Қолдирган бўлсайдим
Дурадгорда мен!
Дурадгор хотинини
Кўрар эдим
ўз онамнинг ўрнида
Муқаддас, қутлуғ!
Қизини-чи, ҳатто
Кўрардим ўзимнинг синглимдан ортиқ!
Бормикан кимдир-биров кўс ноғорамни
Менга ердан олиб бергувчи мардон?!
Ким ноғорам чўпини олиб бераркин
дўзах тубидан?»

Эндикунинг Гилгамишга бир сўз айтиб тургани:

«Гилгамиш, бунчалик ўртаниш нечун,
Бугун жуда-жуда авзоинг бузук?
Ноғоранг бугуноқ қўлингда бўлгай,
Чўпни ҳам дўзахдан олиб бергайман!»

Гилгамишнинг Энкидуга бир сўз айтиб тургани:

«Мадомики, бугун ернинг тубига
Тушмоқни ихтиёр қилмоқ бўлибсан,
Сенга айтмоқчиман икки оғиз:
Тоза кийим кийма,
Улар билиб қолур ажнабийлигинг
Идишдаги мойдан олиб суртинма,
Ҳидни олиб бари ёпирилиб келар.
Ойболтангни ерга зинҳор ташлама:
Шундан жон берганлар уймалашурлар.
Асони қўлингда тутмагил ҳаргиз,
Арвоҳлар қарғиш ургай беомон.
Илма оёғинга шиппакни зинҳор,

Асфаласофилинда жим турмоқ расм.
Ҳар қанча севсанг ҳам ёрингни ўпма,
Қанча ёмон кўрма – урма ҳеч қачон.
Жигарингдан оқиб тушган фарзандинг
Ўпиб эркалама – бу ниятдан қайт.
Борди-ю, фарзандинг сендан воз кечса,
Урмагил, қўл учин теккизма, туртма.
Ер ташвишга сени буткул банд этмиш.
Уйқудаги она Ниназунинг гар
Очиқ қолса оппоқ нозик елкаси,
Лўппи кўксилари хаёлинг олса,
Нарса ташлаб, устин ёпмагил ҳаргиз»
Хожасининг гапига кирмай Энкиду
Топ-тоза кийимни эгнига солмиш,
Марҳумлар кўрдик, у бир ажнабий.
Идишдаги мойдан баданга суртмиш,
Ҳидин олиб, келмиш ёприлиб бари.
Ойболтани ерга ташлаган эди,
Ўраб олмиш уни шундан ўлганлар.
Қўлига тутгани ҳамон асони,
Арвоҳлар аёвсиз қарғадилар, оҳ!
Оёғига илар-илмас бошмоқни
Асфаласофилинда бошланди ғавғо.
Жондан севган хотинидан бўсалар олмиш,
Ёмон кўрганини аямай солмиш.
Жигарбандин қайта ва қайта ўпмиш,
Ёқмаганин урмиш бесабаб, ҳайҳот!
Уни қамраб олмиш дунё ташвиши,
Уйқудаги она Ниназу унинг оқ
Ва тиниқ елкаси очиқ ётганмиш,
Дўмпайган кўксилар хаёлин олмиш
Энкиду ердан бош кўтармоқ истар.
Ва лекин на Намтар, на иблис унга
Рўйхуш бермай шартта ўгирилмишлар юз.
Нергала – қаҳрли посбон, бепарво,
Чунки уни азод кўтармиш Замин!
Эранлар бир бўлиб урсалар уни,

Жойдан қилт этмай тип-тикка турмиш,
Замин кўтармиш уни!
Келмоқда Нинсуснинг ўғли хафақон
Қули Энкидуга мотамлар тутмиш.
Экуру эхроми томон бир ўзи
Кетиб бораётир, нолавор мунгли:
«Ота Элليلь, бугун таёқчаларим
Ер ости дўзахга тушиб кетмиш, ҳа!
Уни олмоқ бўлиб борган Энкиду
Ерга тўқнаш келмиш ва тўхтаб қолмиш!
Намтар унга бепарво, иблис ундан бепарво,
Қаҳрли посбон Нергала ҳам унга бепарво.
– Фақат замин уни юбормас қўйиб!
– Эранларнинг муштира тоғдек туриб бермиш ул.
– Ер уни тутиб қолмиш!»
Ота Элليلь бир оғиз жавоб айтмамиш, ёху!
Син эхромига у бир ўзи ёлғиз кетмиш:
«Ота Син, ноғорам ва чўпларимни йўқотдим,
Олиб бермоқчи бўлган Энкиду ҳам йўқолди!
Намтар унга бепарво, иблис унга бепарво,
Нергала поспон унга бепарво эмас асло,
– Зами бепарво эмас!
Эранлар муштирашганда у тоғдай қилт этмамиш.
Ер уни суяб қолмиш!» Ота Син унга оғиз
Очиб бир сўз демамиш.
Эа эхромга бир
ўғри аста олмиш йўл.
«Ота Эа, ноғорам дўзахга тушиб кетмиш,
Ноғора чўплари ҳам дўзахга тушиб кетмиш.
Олиб бермоқчи бўлган Энкидунинг йўлини
Ер тўсиб қолмиш, эвоҳ!
Намтар бепарво эди, иблис бепарво эди,
Олчоқ Нергала ҳам ғоят бепарво эди.
– Ер бунга чидай олмасди,
Эранлар муштирашганда қилт этмади жойидан
– Ер бепарво эмасди»
Бу гапларни эшитгач, Эа

Нергалага гап қотмиш бундоқ:
«Мард ва жасур Нергала, қулоқ сол:
Ундан кўра Ернинг бағридан
Очсанг яхши бўларди туйнук.
Энкидунинг руҳи туйнукдан
Ер устига чиққан бўларди,
Ер қонунин билган бўларди!»

Жасоратли эран Нергала бу гапларини жим эшитди-да, сўнг
Ердан туйнук очган эди, бас, чиқиб кетди ундан Энкиду.
Руҳи бўрон каби гувуллаб қучоқлашиб кўришдилар-да,
Сўнг ўлтириб, ўтган-кетгандан гап сотдилар, суҳбатлашдилар:
«Айт-чи, менга сен ўзинг билган «Ер қонуни» – бу ўзи нима?»
«Йўқ, айтмайман хафа бўлсанг ҳам, айтишга йўқ менда ҳақ-хуқуқ.
Агар кўзим билан кўрганим қонунни бир бошдан сўзласам,
Сен ўтириб, фақат йиғлардинг».
«Майли, майли, ўкириб йиғлай!»
«Унда эшит, дўстим, сен теккан бу вужудим ичра юрак бор,
Эски кўйлак каби уларни ейди фақат қурт-қумурсқалар!
Сен теккан бу жисм ичра юрак бордир қуртларга емиш,
Ўзи эса куп-қуруқ қўл, ҳой!»
Бошинг эгиб Гилгамиш бир сўз айтиб турибди:
«Ўзинг топган одамни кўрганмисан?» – «Кўрганман.
У ер тагида ором олмоқда, емиши нондир»
«Уч фарзанд кўрганни ҳеч кўрганмисан?» – «Кўрганман,
У ер тагида ором олмоқда. У сув ичади, холос»
«Тўрт фарзанд кўрган одамни кўрганмисан?» – «Кўрганман.
Уни овқат бериб боқадилар – шундан унинг кўнгли шод»
«Бешта фарзанд кўрган одамни кўрганмисан?»
– «Кўрганман, чинакам жангчи сингари унинг биқинлари очиқ.
У ер тагида ором олмоқда, у саройга кириб келмоқда»
«Олтита фарзанд кўрган одамни кўрганмисан?» – «Кўрганман»
«Етти фарзанд кўрган одамни кўрганмисан?» – «Кўрганман»

(Шу ерда 25 сатр шеър етишмайди).

«Мачтадан йиқилиб ўлган одамни кўрганмисан?»

– «Кўрганман, фақат ер тагига тушиб, нукул найзаларни суғуриб олади»

– «.дан ўлган, Одамни кўрганмисан?» – «Кўрганман.

Тун тахтиравонида рамақижон бўлиб ётибди, у тоза сув ичади»

«Жангда ҳалок бўлган одамни кўрганмисан?» – «Кўрганман,

Унга ота-онаси тасалли беради.

Хотини ҳам унинг қошига келиб, бошини эгади»

Жасади чўлга олиб бориб ташланган одамни кўрганмисан?» – «Кўрганман»

«Руҳи ҳақоратланган одамни кўрганмисан?» – «Кўрганман»

«Сарқитлар, кўчага чиқариб ташлашган ва қотган нон бурдаларини еб кун кўради у»

Рус тилидан Амир Файзулла таржимаси.



ҚАДИМГИ МИСР ШЕЪРИЯТИДАН

Севги қудрати¹

1

(Қиз айтади)

Сенга меҳрим жисмимда ва жонимда,
Гўё ҳаёт шарбатидай қонимда.
Қалампирга гўё ҳолва қўшилган,
Ёки сутга қанду асал қўшилган.

Тулпор интилгандай майдонга,
Буқа талпингандай сурув томонга,
Синглинг томон талпин, азизим²

Сенинг севгинг илоҳий неъмат,
Гўё чўғдир хашакни ёққан.
Сор бургутдир шикорга чиққан.

2

(Йигит айтади)

Ҳовузни тўлдирган нилуфар гули,
Очилмоқда сенинг лабингдай.
Сийнанг икки анорга ўхшар,
Қучоғингдан қийин айрилмоқ.

Шамшодни эслатар силлиқ пешонанг
Сарв оғочидан ясалган тузоқ.
Сочларинг домига қолдим тутилиб,
Ёввойи ғоз каби сенга интилиб.

3

(Қиз айтади)

Севгинг қудратига менда йўқ мажол,
Содиқ бўлгил сен ишқ лаззатига.

¹ Анна Аҳматова ва Вера Потапованинг рус тилига таржимасидан фойдаланилди.

² Қадимги Мисрда севишганлар йигитни оға, қизни сингил деб айтадилар.

Севма деб, ёрингни, мени урсалар,
Сурия, Нубия сари сурсалар,
Нил томонга ҳайдасалар ҳам
Воз кечмайман сенга муҳаббатимдан.

4

Қайиғимиз эшаклари равон чайқалар,
Нилда сузмоқдамиз бир боғ қамиш-ла.
Мемфис сари интилмоқдаман,
Бахтим сўраш учун илоҳ Птахдан.

Дарё суви май бўлиб қолса,
Илоҳ Птах–дарё қамиши.
Сув ўтларин япроқлари-маъбуда Саҳмот,
Гунчалари-маъбуда Ёрий,
Гули эса–маъбуд Нефертум.

Дарё тўлқинлари тиллодай оқар.
Ёруғ қилар Замин юзини.
Хув олисда Мемфис кўринар–
Бу биз учун Маъбуд қўли-ла
Узатилган қадаҳми, дейман.

5

(Йигит айтади)

Ўзимни бемордай кўрсатиб,
Кутаман дўстларни ўрнимда ётиб.
Қўшнилари киради ҳол сўраш учун.
Улар орасида севган малагим,
Дардимга менинг даво қилар у,
Дардим нелигин яхши билар у.

6

(Йигит айтади)

Яқин қолди синглим чорбоғи,
Ланг очикдир дарвозасин икки қаноти.
Илгаклари очиб қўйилган,
Негадир ғазабда севгилим.

Кошки, мени дарвозабон қилиб,
Хизматга олса-ю ғазабин сочса.
Унинг дарғазаб овозин тинглаб,
Кўнглим роҳатланарди яйраб.

7

(Қиз айтади)

Оқим бўйлаб сузар қайиғим,
Шоҳ наҳридан қайиғим, эркин
Ра наҳрига ўтаман шошиб.
Байрам чодирлари тикилар бугун.

Байрамга кечикиб қолмайин дейман,
Кўнглимда қиламан Рага илтижо.
Подшоҳ эҳромин зиёратига
Келган ул оғамни кўрайин дейман.

Зиёратда оғамни кўрдим,
Мен томонга қайиғин бурди.
Бир кўришиб, тез хайрлашдик,
Юрагимни олиб кетди у.

Хаёлимда оғам иккимиз,
Қўл ушлашиб, югуришиб тез,
Дарахтзорлар томон йўл олдик,
Ва унда биз бир зум йўқолдик.

Қуёш маъбудининг дарахтзорида
Муқаддас япроқлардан узиб оҳиста,
Қизиган юзимни елпидим,
Эҳром сари қараб олисдан.

Ёрим хушбўй жингалак сочи
Деб силадим бодом баргларин.
Ёрим очганида менга қулочин,
Ҳис этдим ўзимни малика дея.

СИНГИЛЖОН ҚУШ ОВИДАН ҚАЙТАЁТГАНИДА АЙТГАН ГЎЗАЛ ВА ҚУВНОҚ ҚЎШИҚЛАР

1

Оғажон, биламан, нени тиларсан,
Юраклар тилаги битта, биларсан.
Қуш сайдига чиқдим эрталаб,
Бир қўлимда тузоқ, бир қўлимда тўр.

Ўткир ханжар ҳам бор қўлимда,
Яшил ўтлоқ яшнар йўлимда.
Қанотлари хушбўй қушчалар,
Пунтдан Миср сари учарлар.

Чангалидан Пунт атри анқир,
Яйрасин деб уни қўйвордик.
Қандай яшноқ яшил дала, қир,
Унда ёлғиз қолдик иккимиз.

Оға, эшит, кўнглимнинг қушин,
Яна кўришгунча хайр, оғажон.
Тўрдан халос бўлар дил қуши,
Севинчидан қалтирайди жон.

Ўтлоқда учрашдик иккимиз,
Оғажон, нақадар бахтлимиз.

2

Тўрга тушган ёввойи ғоз,
Фарёд қилар тинимсиз.
Жоним севги тўрида
Типирчилар тинимсиз.

Қуш овидан қайтаман,
Тушмади қуш тўримга.
Онамга не деб айтаман,
Қуш тушмади тўримга.

Бугун тузоқ қўймадим,
Ўтлоқдаги қушларга.
Ишқ тўрига тушдим ўзим,
Ов ҳақида йўқдир сўзим.

3

Ёввойи ғоз ға ғалаб,
Ёйилмада сузгандай.
Ғала-ғала хур қушлар
Ошиқлигим сезгандай

Ҳозир бўлсам-да ёлғиз,
Кўнглимда севинч чексиз.
Ёрим ҳам чиройда кам эмас,
Усиз ўтган дамлар дам эмас.

4

Мен ёримни ўйласам,
Талпинади юрагим.
Унинг васлини ўйлаш
Менинг ширин тилагим

Усиз тансиқ таомлар
Мен учун ширин эмас.
Усиз тиниқ майлар ҳам
Мен учун ширин эмас.

Фақат ёрнинг бўсаси
Жуда ширин мен учун.
Маъбуд Амон, илтимос,
Уни асра мен учун!

5

Жоним, орзу қиламан доим –
Уй бекаси бўлсам меҳрибон.
Қўлим бўлса сенинг қўлингда,
Севгим бўлса сенинг кўнглингда

Кўнглингда ишқ уйғонсин дейман,
Ёрим менга уйлансин, дейман.
Бергил менга илоҳим, сабр,
Сенсиз тўшак – мен учун қабр.
Соғиндим, ҳаётим – севгилим,
Қўшиғим, баётим – севгилим.
Сен борсан оламда, бахтимсан,
Сен олий тилагим, аҳдимсан.

6

Қалдирғоч овозин эшитдим:
«Уйғонинг, тонг отди, учайлик!»
Эй қалдирғоч, жим тургин бир оз,
Ёрим ҳали ухлар, кутайлик.

Орамгоҳда ёрим, уйқучи,
Севинаман севгилим қучиб.
Ёрим айтар: Бир оз ухлайин.
Кўнглим айтар, бошин силайин.

(Камтарона нонуштадан сўнг),
Иккимиз чиқамиз сайрга.
Аёлларнинг бахтлисидирман,
Сайр этамиз доимо бирга.

7

Ёримнинг қайтишин кутиш,
Дарвозага қараб ўтириш—
Менинг учун энг асосий иш,
Ёр оёғин товушин билиш.

Машғулотим – ёримни кутиш.
Бошқа ишим йўқдир севишдан.
Ташвишим бор: бир куни тайин,
Кўнгли совуб қолса – нетайин.

Тўғри чикди кўнглим сезгани,
Рост экан ёримнинг мендан безгани.

Топиб олибди у бошқани,
Менга берган ваъдалар қани?

Наҳот энди ўзга бир дилбар,
Менинг ёрим кўнглин олибди?
Наҳот энди ўшал кундошим,
Мени бу кунларга солибди?

8

Энди сени эслаб яшайман,
Сочларимни силлиқ тарайман.
Ёримнинг йўлига қарайман,
Эсдан чиқар тароқ ва турмак.

Мени ҳамон севганим десанг,
Яна кирар яноғимга ранг.
То ўлгунча сени ўйлайман,
Яна сенинг беканг бўлайин!



ШОДОН ҚҶШИҚЛАР БОШЛАМАСИ (Қадимги ёр-ёрлардан)

1

Сени кўриш-кўзимга малҳам,
Сени кўрсам-кўзим чарақлар.
Қолсам эди, ёрим умрбод,
Сенинг беканг, севгилинг бўлиб.

Сен билан бўлган кечам,
Эсдан чиқмайди сира.
Бирлашувди жисму жон,
Лабим лабингдан сўрар.

Кечаси-ю кундузи,
Мен кўнглингни олгайман.
Ғамда ҳам, шодликда ҳам-
Дўстинг бўлиб қолгайман.

2

Чиройли чечаклардан,
Сенга ясайман гултож.
Мен сенинг боғингдирман,
Боғда ўртоғингдирман.
Сенга мен-хушбўй майса,
Гулзор, ўтлоғингдирман.

Сен ётган ҳовуз бўйи,
Ғир-ғир шаббода эсар.
Салқин-сайр чоғида,
Кўнглимиз боғи ўсар.

Менинг қўлим сенинг қўлингда,
Интизорман сенинг йўлингда.
Кўнглимиз севинади,
Васлга тўйинади...

Овозинг мени маст қилар,
Кўзинг ёндирмоқни қасд қилар.
Муҳаббатга таом керакмас,
Ёр қараши мени қилар маст.

МАЪШУҚА БОҒИДАГИ ДАРАХТЛАР

Анор меваси айтади:
Доним – қиз бола тиши,
Икки анор – қизнинг кўкраги.
Соямда дам олар ошиқлар,
Васлдан маст, айтур кўшиқлар.

Кузда, қишда бошқа дарахтлар
Барглари сарғайиб тўкилар.
Ўн икки ой арчалар каби
Анорлар ҳам ям-яшил турар.

Аввал гуллаб, сўнг барг очаман,
Боғда анор-биринчи чаман.
Гар билмаса буни ошиқлар
Ўзларига бўлади ёмон.

Анорзорга келмаса улар
Қамишзорга қолар кунлари.

Анорзор дарахти айтади:
Мисрга келиб қолдим Шом диёридан,
Гўзал Бекам мени талаб қилди ёридан.
Мисрга мен гўё асира,
Ташна бўлсам сув бермайдилар.
Севишганлар: мени парвариш қилмас сира,
Баргларим хушбўйлигин назарга илмайдилар.

Соямни ҳам менсимайдилар,
Билмайдилар, бунда ўсдимми?
Тугаб қолса бошқа мевалар,
Қорлар ёғиб, олар қасдимни.

Йигит айтади:
Севгилим, нариги қирғоқдадирсан,
Дилга яқин, лекин узоқдадирсан.
Дарё тўсар йўлимизни, оҳ,
Тўлқинларда пойлайди тимсоҳ.
Сувнинг тошлоқ жойин топаман,

Тўлқинлардан кечиб ўтаман.
Севги жасур қилар одамни,
Орзиқиб кутганман бу дамни.

Севги йўл очувчи дуодир,
Ва у минг бир дардга даводир.
Яқинроқ келақол, севгилим,
Келинчак бўлақол севгилим.

2

Ниҳоят ёримни кучаман,
Севинчдан кўкларга учаман.
Қиз ҳам менга тутар кўксини,
Қолмасин дер севгим ўксиниб.

3

Менинг бўсам уни ёндирар,
Ўзини тортади уялиб.
Ташналигим қачон қондирар,
Кўксимга бош кўяр, суяниб.

4

Туй кечаси:
Янгажон, жойимиз ҳозирла,
Юмшоқ бўлсин ёрим тўшаги.
Шоҳона безаклар бизга на ҳожат,
Оддий сурпга ҳам ҳурсанд муҳаббат.

5

Келин айтади:
Қора чўринг бўлайин,
Оёқларинг ювайн,
Баданинг кўркамлигин,
Роҳатланиб кўрайин.

6

Йигит айтади:
Мен сенга бир ойгина,
Хизматкорлик қилайин.

Либосларингни ювиб,
Хушбўйлигинг билайин.

7

Бармоғингда узук бўлайин,
Тақиб-хурсандлигинг кўрайин.
Ширин ўтсин ҳаётимиз,
Қайрилмасин қанотимиз.

Севги алёрларидан:

Қарашларинг бургутдай,
Кўринишинг йигитдай.
Малҳам каби хушбўйсан,
Офтобдай хушрўйсан.

Шафтолидай яноғинг,
Мармар каби томоғинг
Шўхликда боладайсан,
Қирдаги лоладайсан.
Оғзинг очилса агар,
Рага мадҳия айтар.
Сенга мақтов сўзларни,
Амоннехт, Ипуй ўғли.

Мангу муҳаббат:

Тангрим бизни айирмасин,
Доим бирга бўлайлик.
Ўлгунимча мен сенинг
Вафодоринг бўлайин.

Гар бу дунёдан кетсак,
Қутуламиз меҳнатдан.
Мангулик диёрида,
Озодмиз машаққатдан.

Қуёш чиқишин кўриш,
Яхши эрур, албатта.
Бунда ҳар кун тонг отар,
Қабрларни ёритар.

Мангу яшайсан энди,
Жудолик диёрида.
Сени доим кўраман,
Ҳаётимнинг борида.

Ёшлигимиз эсласам,
Шодланади юрагим.
Бизнинг мангу муҳаббат –
Фарзандларга ҳам ибрат.

Садоқатли бека мадҳи:

Эрига севикли, чиройли, лаззатли аёл,
Ғунча лабларида сўзи ёқимли.
Лабидан учган сўз – бари ҳақиқат,
Ўз шаҳрида мақтовли, иши – саховат.
Ёрдам берар у камбағал, муҳтожларга,
Сўзларида яхшилиқни кўзлайди фақат.
Одамларга у ёқимли сўзларни айтар
Барчага сеvimли бека Раҳо-Муҳаббат.



1

Илмим бор деб керилма,
Худбинликка берилма.
Маслаҳат ол донолардан
Гоҳо шоҳу гадолардан.

Санъат, хунарда моҳирликнинг чеки йўқ,
Ҳеч бир санъаткор камолотнинг охирига етолмайди.

Тошлоқ ерда зумрад, ёқут учрагандай,
Қуллар, чўрилардан ҳам доно фикр чиқади.

2

Дўстингга содиқ бўлсанг,
Оғанг уйига келсанг,
Аёлларга гап отма,
Ҳурматингни йўқотма!

Яқинлашма аёлларга,
Борма турли ҳаёлларга.
Кўплар бошига тушган офатлар,
Аёллардан келган эди фалокатлар.

Чиннидай аёллар бадани совуқ бўлса ҳам,
Кўзларини қамаштиради.
Қуёш нури ойна орқали,
Пахтага ўт туташтиради.

3

Яхши яшай десанг уйлангин,
Оила қур, аёлингни сев.
Қорнин тўйғиз, устини бут қил,
Қисма уни атр-упадан.
Кўнглини ол, яхши гапиргил,
Сеникидир бу гўзал бадан.
Аёл-даланг, сен эса деҳқон,
Экканингни ўрасан зотан.

ХАЁТДАН НОРОЗИ ОДАМНИНГ¹ ҲАСРАТИ

Эй кўнгил, на қилай, ёмонотлиқман,
Қуш ахлати каби ёзда, сасиган.

Эй кўнгил, на қилай, ёмонотлиқман,
Қирғоқда сасиган балиқлар каби.

Эй кўнгил, на қилай, ёмонотлиқман,
Қамишзор ичида ботқоқлик каби.

Эй кўнгил, на қилай, ёмонотлиқман,
Иссиқда тимсоҳнинг нафаси каби.

Эй кўнгил, на қилай, ёмонотлиқман,
Хотини айб иш қилиб қўйган эркақдай.

Эй кўнгил, на қилай, ёмонотлиқман,
Подшоҳга исён қилган бир шаҳар каби.



¹ Бу шеърларни Анна Аҳматова ҳам қофиясиз таржима қилиб, фақат мазмунини берган.

ИККИНЧИ ҲАСРАТ

Мен дардимни кимга айтаман?
Одамлар очофат,
Текинхўр, ҳарис.

Мен дардимни кимга айтаман?
Зўравонлар эркин,
Яхшилар тутқин.

Мен дардимни кимга айтаман?
Тортиб олар бойлар
Етимнинг нонин.

Мен дардимни кимга айтаман?
Дўст душманлик қилар,
Душман – укалик.

Мен дардимни кимга айтаман?
Устозлар эсланмас,
Яхшилик қайтмас.

Мен дардимни кимга айтаман?
Дўстлар ёрдамлашмас,
Бегонадан сўраймиз ёрдам.

Мен дардимни кимга айтаман?
Одамлар ғаразгўй,
Фойда бўлса бас.

Мен дардимни кимга айтаман?
Адолат топталган,
Эгрилар мақталган.

Мен дардимни кимга айтаман?
Камбағалда уй йўқ,
Ер фақат бойларга берилган.

Мен дардимни кимга айтаман?
Атрофимда бахтли одам йўқ,
Дардлашувга яқин ҳамдам йўқ.
Мен дардимни кимга айтаман?
Ер юзи ёмонлар мулкидир,
Барчаси кўп айёр, тулкидир.

УЧИНЧИ ҲАСРАТ

Ўлим энди мен учун нажот,
Касалликдан соғайиш,
Азоблардан қутулиш бўлур.

Ўлим энди мен учун нажот,
Хушбўй мушк-анбар,
Шамол сурган елкандир.

Ўлим энди мен учун нажот,
Маст қилувчи, хушбўй
Нилуфар гули.

Ўлим энди мен учун нажот,
Олис сафардан қайтиш,
Равон, катта йўл.

Ўлим энди мен учун нажот,
Сирли Тақдир ҳадияси,
Ҳаққа етишдир.



ТҮРТИНЧИ ҲАСРАТ

Чиндан ҳам марҳумлар диёрида биз,
Кўрамиз золимлар жазоланишин,
Интиқом оламиз золимдан.

Чиндан ҳам марҳумлар диёрида биз,
Қуёш қайиғида сузамиз эркин,
Худонинг раҳмати ёғилар.

Чиндан ҳам марҳумлар диёрида биз,
Донолар суҳбатин тинглаймиз,
Бу ҳаёт нелигин англаймиз.



**ШОҲ АНТЕП МАҚБАРАСИДА
АРФА-ЧИЛТОР ЧАЛҒУВЧИ СУВРАТИ ОЛДИДА
ЁЗИЛГАН ҚЎШИҚ**

Бунда ётган подшоҳ элпарвар эди,
Вафот этди қутлуғ айёмда.
Эски авлод кетади, янги авлод келади.
Аждодлар ҳам ҳаёт эди замонда.
Мен – Илоҳман деган подшоҳлар ҳам,
Жимгина ётибди эҳромларида.
Олийжаноб, шуҳратли вазиру вузаро ҳам,
Жимгина ётибди эҳромларида.
Улар ҳашаматли уйлар қурган эдилар,
Ҳозир ўша уйларнинг ўрни ҳам йўқ,
Имхотиб ва Жад-фахр сўзларини
Одамлардан мен ҳам эшитган эдим.
Уларнинг мақбаралари ҳозир вайрона,
Кетган қайтиб келмади, у ёқда –
Нелар кўрганини айтиб бермади...



КИТОБ ЁЗУВЧИ КОТИБЛАР МАҚТОВИ

Қадим-қадимлардан донишманд, китоб ёзувчи адиблар, олимлар ўзларига мис ва биринж-бронзадан ўзларига мақбаралар, эҳромлар қурмаган бўлса ҳам, келажакда нималар бўлишини башорат қилган китоблари битиклари, ёзувлари билан мангу ном қозондилар. Уларнинг битикларини қоҳинларга, панд-насихатларини эҳромларга, қамиш қаламлардан тушган ёзувларини–фарзандларига қиёслаш мумкин.

Катта, кичик тошлардаги битикларини ҳам уларнинг авлодлари, фарзандлари дейиш мумкин.

Эй фарзанд, котиблик, ёзувчилик барча касблардан аъло, чунки китоб мақбаралардан, эҳромлардан, тошдеворлардан ҳам мустаҳкам, чунки улар ёзган панд-насихатларда, ўғитларда ҳақиқат бор.

(Энг буюк) инсонлар ҳам ўлади, тупроққа айланади, уларнинг қариндош-уруғлари ҳам қолмайди. Уларнинг номлари (ва қилган ишлари) адиблар, ёзувчи котибларнинг китобларида эсланади...



Мемфисни соғиниш

Кўнглим менга хабар қилмасдан
Яширин йўл олди Мемфис томонга.
Энди унинг қайтишин кутиб,
Тоқатсиз қарайман жануб тарафга¹
Оқ девор олдида не ишлар бўлмиш,
Шундан хабар берарди кўнглим.

Мажолсиз, кутаман, кўнглим олисда,
Илоҳ Птах, менга раҳм айлаб,
Мемфисни кўрсатгил оҳиста.
Мен яшай Мемфисни куйлаб.

Кўп йиллар кўрмадим қадрдон шаҳрим,
Кўп йиллар шаббода кўрмади бағрим.
Энди таним ожиз, кўзларим хира,
Қулоғим эшитмас, толеим қора.

Илоҳ Птах, Мемфисга еткиз бу танни,
Ўлишимдан аввал кўрай Ватанни.



¹ Ушбу шеърда Миср пойтахтидан сургун қилинган бир давлат арбобининг кечинмалари ифодаланган (тарж.).

Нилга мадҳия

1

Сени шарафлаймиз, эй Хапи,
Бу заминни гуллатиб –
Яшнатишга келибсан!
Гоҳ секин, гоҳ тезлашиб,
Миср сари елибсан.
Ойдин кечаларда ҳам,
Мавжланиб далаларни,
Эй Нил, сен яшнатасан.
Ўтлоқларда эчкилар яйрар,
Гулзор, боғда сайрашар кушлар.
Сен туфайли деҳқон ва боғбон
Яшнатади она заминни.

2

Агар деҳқон қилса ялқовлик,
Далаларда буғдой пишмаса,
Элга келар очлик, қашшоқлик,
Оч қолади шаҳар, қишлоқлик.
Ёғдирмаса ёмғирин осмон,
Бўлар эл-юрт аҳволи ёмон.

3

Энг ёмони – қурғоқчиликдир,
Сув бўлмаса яшнамас замин.
Нил сувлари келишин кўриб,
Байрам қилар қарилар, ёшлар.
Инсон каби, қўй, эчкилар ҳам,
Яшнаб кетар ҳаттоки тошлар.

4

Сен ҳаммага озик берасан,
Сен туфайли атроф чиройли.
Хушбўй гуллар атри хуш эсар,
Ўт-ўланлар гуркираб ўсар.
Сен туфайли тўлар омборлар,
Сен туфайли бутдир рўзгорлар!

5

Дарахтлар гул очар сен билан,
Гуллар атрин сочар сен билан.
Сенда сузар катта кемалар,
Тўлқинларинг ясар зиналар.
Эй Нил, сенга қул ҳам керакмас,
Дарё, сенга пул ҳам керакмас.
Сувинг учун солиқ солмайсан,
Неъматларинг бериб, толмайсан.

6

Омборларга сиғмайди ғалла,
Сенга буйруқ беролмас шоҳлар.
Фарзандларинг эрур болалар,
Сен-ла ўйнар шўх шалолалар.
Қуйи Миср, Юқори Миср,
Иккиси ҳам сендан сув ичур.
Сен-ла хурсанд элу юрт бойиб,
Сен-ла ортар замин чиройи.

7

Жарчи эълон қилар: «Сув тўлар»,
Балиқлар ҳам уруғ ташлайди.

Шодланади ул тўққиз илоҳ,
Барчаси ҳам Мемфисга паноҳ.
Далаларда пишар бошоқлар,
Деҳқон уни аранг ортмоқда.
Ҳосил кимни тўйдириб,
Кимни маст қилар.
Хасисларни уялтириб,
Қадрдон паст қилар.
Одамлар дон талашиб,
Жанжал қилмайди.
Атрофда тўкинчилик –
Қуёш жилмайди.

8

Нил, сен зулматдан оқиб,
Ёруғликка чиқасан.
Жониворларни суғориб,
Улар тилин уқасан.
Сени севар деҳқону боғбон,
Умид ила боқар ҳар бир жон.
Деҳқон тиним билмасдан,
Кечаси ҳам суғорар экин.
Униб чиқар хато қилмасдан,
Деҳқон кўнгли топади таскин.

9

О Нил, бизга ризқ келтирасан,
Шўх куйлаб оқасан тоғлар оралаб
Ғазаблансанг балиқларга қирон келар.
Чор-атрофни сув босиб вайрон қилар.
Фақирни ҳам, бойларни ҳам бир ён қилар.
Агар сувинг етмай қолса, унмаса ҳосил,
Одамларга егани нон, кийгани кийим топилмас.
Дарахтлар қуриб қолса,
Одамларга ўтиргани соя топилмас.
О Нил сувинг яна тўлиб кела бошласа,
Севгингдан одамлар, болалар шод,
Байрам қилиб, шўх кула бошлар...

10

Ҳақиқатни севар одамлар бисёр,
Булар учун шундай мақол бор:
«Дарё гуноҳ қилса денгиз жазолар»,
Бу сўзни тасдиқлар ҳатто фазолар
Яна бундай мақомлар ҳам бор:
Баъзи қушлар чўлни севади,
Кумушни эритиб кумуш қилсалар,
Баъзи қўллар севар тиллони.
Дур, жавоҳир озик бўлмайди,
Буғдой пишса очлар ўлмайди.

Эй Нил, сенга атаб куйлайди торлар,
 Чапак чалади сенга дилдорлар,
 Сени кўриб севинар ёшлар,
 Ҳосил унса сенга ҳам ташлар.
 Эркин сузар сенда кемалар,
 Савдогарлар топар даромад,
 Ҳомиладор аёллар ҳам,
 Кўю кўзи, кўп моллар ҳам,
 Сени севиб, сувга талпинар.

Сен эй дарё, суғорасан шаҳар аҳлин ҳам,
 Бойлар чаяр гўзал либосларини.
 Камбағаллар орзу қилар лотос баргини.
 Кўкат-ла боқади фарзандларини.
 Агар дуо қилмасалар шукрона айтиб,
 Сув камайиб қолса, элда очлик бошланар,
 Ташна одамларнинг кўзи ёшланар.

Қуёшга мадҳия

Кўкда пайдо бўлса агар
 Олтин Қуёш Кемаси,
 Ра севар уни.
 Кундуз пайти Қуёш нури
 Сочилади яна кучлироқ,
 Ра севар уни.
 Ўрта денгизгача етса Қуёш нурлари,
 Ра севар уни.

*Рус тилидан Маҳкам Маҳмуд,
 Зайниддин Баҳриддин таржималари.*



Ўтўнбада Тўти
 Ўтўнбада Тўти

ХЕТ АДАБИЁТИ

ЭСКИ ЧОҒДАГИ ХЕТ ЙИҒИ-ЙЎҚЛОВЛАРИ

* * *

Бошкент Неса кафанин,
Олиб кел, олиб келгин!
Онажоним кийимин,
Олиб кел, олиб келгин!
Олиб кел, олиб кел-ов,
Тиларман, елиб кел-ов!



ҚУЁШ ҚАСИДАСИ

1

Сени олқишлайман, эй маъбуд Қуёш!
Юксақдан боқурсан одам қалбига,
Бироқ ҳеч ким кўрмас сенинг қалбингни.
Гар ёмон иш қилса, бирорта инсон.
Тепадан кўрурсан, берурсан жазо.

Борурман ҳақ йўлдан ўзим бу замон.
Менга ким ёвузлик қилса, ўша он,
Уни сен кўргайсан, эй маъбуд Қуёш!

2

Эй кўклар маъбуди – Қуёш!
Эй эгам!
Эй башар подасин олий чўпони!
Денгиздан юксалиб, чиқурсан кўкка?
Кезурсан ҳукм айлаб, ўзинг фалакка.

Эй Қуёш!
Эй менинг ҳақсевар эгам,
Ҳокимсан Одамга, итга, тўнғизга¹,
Ҳокимсан газанда, куш-қурт, қўнғизга.
Барига берурсан жазо ё сийлиқ.

3

Эй Қуёш, эй менинг ҳақсевар эгам!
Эй Ер, Кўк хоқони!
Эй одил ҳакам!
Ўлкалар, юртларни бошқарган сенсан,
Куч, қудрат, жасорат берган ўзингсан!
Эй Қуёш!
Барчага эй шафиқ маъбуд!
Ким сенга топинса, топадир нажот.

¹ Ўша давр одатига кўра инсонлар ит ва тўнғизларни қурбон қилишган.

Ўзинг энг меҳрибон,
Ўзинг энг одил.
Қай инсон тақводор бўлса эл ичра,
Сен фақат ўшани юксалтирасан!
Эй Қуёш, маъбнинг ўғли,
Ҳаворанг соқолинг камолот кони!
Жаҳоний етуклик тимсоли сенсан!
Эй эгам, назар сол, қаршингда инсон –
Сенинг бир қулинг у, ёлворар сенга:

«Эй Қуёш, ер узра, уфқлар узра,
Кўкларда нур сочган фақат ўзингсан!
Шоҳона қаҳрамон! Эй шонли Қуёш!
Эй момо Нингалнинг оловли ўғли!
Ўлкалар қонунин, аҳду битимин,
Тузган ва юритган ўзингсан фақат
Шаҳсувор қаҳрамон, шавкатли Қуёш!
Фақат сен порлоқсан маъбудлар ичра!
Буюк ҳукмронлик сенга берилган,
Адлу адолатнинг бобоси сенсан!
Шоҳона куч сенда, эй маъбуд Қуёш!
Маъбуд Энлил Ота сенга бахш этган,
Нур сочмоқ қудратин тўртта томонга.
Ундаги ҳаётнинг ҳаками сенсан!
Эй мудом ҳукм этган, чарчамас ҳоким!
Кечмишдаги минглаб маъбудлар аро,
Фақат сен ботир шоҳ, музаффар Қуёш!
Маъбудлар кенгашин ўтказувчи сен,
Минглаб маъбудларнинг улушларини,
Адл ила улашган ўзингсан ахир!

Ҳар доим фалакнинг шафақ қапуғи,
Очилиб-ёпилар фақат сен учун!
Эй кўкнинг ягона порлоқ йўлчиси!
Мовий, ол қапуқдан чиққувчи бир сен.
Осмон маъбудлари сенга бош эгар,

Сенга таъзим айлар ер махлуқлари.
Агар маъбудлар-ла этсанг мулоқот,
Улар эгилганча сенга ёлворар.
Ночор фарзандларга, етим-есирга,
Шафқат, эҳсон қилган ота кабисан.
Эзилган, хўрланган нотавонларнинг,
Ўчини, ҳаққини бергувчи ҳам сен.

Ҳар тонг ер ва кўк уфқида балқиб,
Қалқиб, юксакларга чиқарсан, Қуёш.
Ўлкалар устини ёритган сенсан,
Диёрлар остини иситган сенсан.
Маъволар нурига-ла чароғон, Қуёш,
Қитъалар узра сен бир хоқон, Қуёш.
Қурбон қилинадир сенга ит, тўнғиз;
Дарранда, газанда – бари ҳукмингда.
Тилсиз махлуқларга, сўйламасларга,
Ҳукм чиқарасан ўз маҳкамангда.
Золимлар, исқиртлар жазосини ҳам,
Фақат сен берурсан, эй одил ҳакам!
Инсондан юз бургач барча маъбудлар,
Хор, тубан бўлганда бори одамзод,
Ўз иссиқ бағрини унга очган сен,
Уни юксалтириб, ёғду сочган сен.
Инсонга меҳрибон ўзингсан, Қуёш,
Шу бани башарни, шу қулларингни,
Совуқ балолардан асрагувчи сен.
Шу боис одам ҳам нон ва бўзани,
Қурбонлик қилади сенга, эй Қуёш.
Ҳар дам ихлос билан эгиб турар бош,
Содиқ қулларингни қўлла, эй Қуёш!

Олтин араванга қўшилган тўрт от,
Дон емин беради уларга инсон.
Тўртта от у ерни еб турса, албат,
Ҳар замон ер-кўкда кезгайсан, Қуёш!
Эй Қуёш, банданга айлагил назар,
Сени шарафламоқ истайдир инсон,
Сенинг сўзингни ҳам эшитмоқ тилар,

Шаҳсувор қахрамон, эй шонли Қуёш!
Олтин аравангда кезиб чиқарсан,
Оламнинг тўрт ёғин ўлкама-ўлка.
Сўлингда кўк бўйлаб учадир Даҳшат,
Соғингда Ваҳима чарх урар тинмай...
Яна ўнг ёнингда учар Бунене –
Доно маслаҳатчинг, содиқ ўнг қўлинг.
Чап ёнда Мишару парвоз этадир,
Тақводор ёрдамчинг, зийрак хизматчинг...
Осмонда мунтазам кезарсан, Қуёш...



УЛЛИҚУМ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

(Достондан парчалар)

Биринчи битик

...Барча маъбуд отаси Қумарбини куйлайман.

УЛЛИҚУМНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Қумарби кўнглин хушлар, муҳташам ақлин пешлар.
Бир пайт қаҳри келганча Ёмон Кунни туғадир,
Қалдироқ маъбудига ёмонлик тилар чунки,
Унга қарши тургувчи рақиб, душманни туғар.

У ўз кўнглин овулар, ақлига кулоқ тутар,
Донолик дурдай порлаб, руҳиятин ёритар.

Қумарбининг борлиғи қайнаб фикрат, ғайратдан,
Бирдан қалққанча тахтдан, қуюндай бир чарх урар,
Оёғига шамолни,
Этик каби кийганча,
Шоҳона асо кўлда,
Гувуллаб учар йўлда,
Чиқиб Уркис шаҳридан, бир манзил сари шошар.
Уча-уча Совуқ Кўл томон етар ниҳоят.
Совуқ Кўлда кўп нарсалар бор.
Унда мавжуд улкан бир Қоя –
Узунлиги уч чақирим,
Эни эса бир ярим,
Ярим чақирим қисми сув ичида жимирлар...
Бунни кўриб, Қумарбининг ўйнай бошлар юраги,
Қумарбининг кўнгли кетиб, шу Қояга қўшилар...
Уруғини қолдирди у гўзал Қоя жисмида,
Қоя билан қовушди у беш марта,
Ўн бора у Қоя билан қовушди...



УЛЛИҚУМНИНГ БОЛАЛИГИ

Туғириқчи хотинлар ёрдам берди Қояга,
Қанча Тақдир маъбуди, кўп Қўриқчи маъбуда.
Туғилиши биланоқ ўғлонни қўлга олиб,
Келтириб, Қумарбининг тиззасига қўйдилар.
Қумарби уни кўриб, шунақаям қувонди,
Севинганча болани тиззасида тебратди,
Унга не от қўйсам деб, бир пас хаёлга ботди.

Қумарби ўзи билан, кўнгли билан кенгашди:
«Ўғлимни ким деб атай?
Тақдир маъбудлари ва Қўриқчи маъбудалар,
Уни менга келтирди, унга не деб от қўяй?
У онасин қорнидан қиличдай порлаб тушди,
Туғилибоқ юра кетди, югурди ва сакради.
Униб-ўссин, майли, уни Улликўм деб айтайин.
Майли, кўкларда кезсин, подшоҳ бўлсин самода,
Шонли Қум шаҳрини-да, майли, яксон айласин,
Қалдироқ маъбудин ҳам Улликўм ёриб ташлар,
Оёқлари остида кукундай сочилгай у,
Товонларин тагида чумолидай эзилгай!
Тасмисунинг қовурғасин қамишдай синдирар у!
Маъбудлар қушдай кўрқиб кўкда ундан қочарлар,
Барчасин бўш хумлардай синдириб ташлагай у!..»

Қумарби шу сўзларни айтаркан ўз-ўзига,
Тағин давом эттириб фикрини, шундай ўйлар:
«Кимга берай ўғлимни?
Мендан бир эҳсон каби ким олар экан уни?
Ким элтгай ўғлимни Қоронғи Ерга?
Қуёш маъбуди ҳам,
Ой маъбуди ҳам,
Уни кўрмаслиги керак мутлақо!
Кўрмасин ул Қум шоҳи –
Қалдироқ маъбуди ҳам!
Қайси кўрса, ўлдиргай уни...

Ниневия шоҳ ойими Иштар ҳам кўрмасин ҳеч!
Кўрса гар, қовурғасин қамишдай синдирадир! »

Шу пайт Импуларини Қумарби этди даъват:
«Импулари! – деди у. – Сенга бир топшириқ бор.
Сўзларимга қулоқ сол!
Шоҳасони қўлга ол,
Оёғинга шамолни бир чорикдай кийиб ол!
Чобуқ йўлга туш-да, уч!
Бор, Ирсирри маъбудларин маконига ет дарҳол!
Ирсирри маъбудларга сўзим айт, билсин,
Жуда муҳим бир иш бор, ҳаммаси келсин!

Маъбудларнинг отаси Қумарби чақирди, де!
Бироқ нега чақирганин,
Борганда биласиз, де!
Бари тез етиб келсин!

Импалури, шуни-да билгил:
Ирсиррилар келсин-да, чобуқ,
Қора Ерга элтсин болани –
У бошқа маъбудларга кўринмай ўссин»

Импалури бу сўзларни эшитгандан сўнг,
Дарҳол шоҳасони қўлига олди.
Оёғига этик қилиб кийди шамолни,
Уча кетди Ирсиррилар макони томон.

Алқисса, Ирсиррилар маъвосига етишгач,
Импалури маъбудларга айтди ушбу хабарни:
«Бор маъбудлар отаси Қумарби сизни чорлар!
Ҳамон етиб боргайсиз!
Бироқ нега чақирганин,
Сизлар асло билмайсиз.
Қани, тез етиб боринг!»

Ирсиррилар бу хабарни эшитиб,
Тахтларидан турдилар,
Тез тадорик кўрдилар,
Йўлда елдай елдилар,
Бир лаҳзада етиб келдилар.

Ирсиррилар бош эгдилар Қумарбининг қошида,
Ирсирри маъбудларга Қумарби шундоқ деди:
«Шу болани олингиз!
Бир тортиқ деб билингиз!
Қора Ерга элтингиз!
Шошинг, довул бўлиб учингиз!
Упеллури елкасига қиличдай қўйинг уни,
Уни Упеллурининг қўйинг ўнг елкасига.
Ҳар кун бир-икки қулоч ўсаверсин, майлига,
Майли, чорак чақирим ўсаверсин ҳар ойда.

Лекин унинг бошига қўйилган нодир тошни,
Кўзларига тушириб қўйинг – ҳеч не кўрмасин!»

Қумарбининг сўзларини тинглагач Ирсиррилар,
Олдилар Қумарбининг тиззасидан болани.
Ирсиррилар ўғлонни,
Қучоққа олган они,
Ҳадя каби эъзозлаб, бағрларига босиб,
Шамол каби ҳавода тутиб,
Манзил сари учдилар.
Олиб бориб Энлилнинг тиззасига қўйдилар.

Энлил бошин кўтариб,
Ўғлонга кўз ташлади.
Бош маъбуднинг қаршисида тик турди у тош ўғлон,
Жисми қоя Кункунутси – «Қотил Қоя», ёш ўғлон.

Маъбуд Энлил ўз-ўзига шундай деди ичида:
«Кимдир ахир бу ўғлон?
Тақдир маъбудди ҳамда,
Қўриқчи маъбудалар авайлаб етиштирмиш.
Бироқ у кимдир ахир?
Буюк маъбудлар билан оғир,
Жанг қилишга қодир айлаб яратилган маъбудми?
Бундай ёвуз бир ишни,
Фақат Қумарби қилар:
Зотан у туғди-ку Қалдиरोқ маъбудини,
Қалдироқ маъбудининг рақибин ҳам у туғди! ..»
Энлил шундай ўйларкан ўз-ўзича, айти он,
Ирсиррилар болани,
Упеллури елкасига қилич каби қўйдилар.

Кункунутси – «Тош қотил» ўсди ҳар куни,
Энг қудратли маъбудлар тарбия қилди уни.
Ҳар куни ўсди у бир-икки қулоч,
Ҳар ой чорак чақирим ўсди.

Бироқ унинг бошига қўйилган у нодир тош,
Сал пастга туширилди –
Кўзларин тўсди.

ҚУЁШ МАЪБУДИНИНГ ҒАЗАБИ

Ун бешинчи кун эди.
Юксаак бўлиб ўсди Тош.
Кенгайиб, сувга тушди,
Тизида қолди денгиз.
Бўйи ўта баланд эди – баланддан баланд.
Денгиз унинг қўйлагида бир белбоғ эди.
Буруқсаган босқон каби ундан буғ тараларди.
Юксалгандан юксалди Тош,
Пастда қолди бутхоналар,
Маъбудларнинг кўклардаги маъвосига тегди боши.

Баландлардан маъбуд Қуёш тубанларга боқаркан,
Улликүмга кўзи тушди.
Улликүм ҳам унга қараб тургандайин туюлди.

Шунда Қуёш маъбуди,
Ўзига ўзи деди:
«Бу қандай маъбуд бўлди?
Соат сайин ўсади,
Улликүм ўсар – жисман маъбудларга ўхшамас? »

Нигохини Қоядан олди самовий Қуёш,
Денгиз ёққа йўналди маъбуд Қуёш шу чоғда.
Яқин келди денгизга.
Қўлин қўйди Тош манглайига,
У англади: Улликүм тошдан яратилмишдир!
Бирдан тошиб нафрати,
Юзи бужмайиб кетди.

Қуёш кўкда кезаркан, Улликүмга бир боқди,
Тоғлар узра инди, сўнг,
Қалдироқ маъбудининг маъвосига йўналди.

Қалдироқ маъбудининг акаси Тасмису ҳам,
Ёвуқлашганин кўриб, Қуёш маъбудин шу дам.
Ўз-ўзига шундай дер:
«Буюк қитъа подшоҳи маъбуд Қуёш не учун
Бу ёнга келди экан?
Ҳарҳолда ўта муҳим сабаби бордир бунинг
Эҳтиёт бўлиш даркор!
Ғазаби келса агар,
Уруш чиқса – фалокат!
Жанг қилиш эса – офат,
Бу фалақда исён саналар,
Урда эса, ўлим ва очлик...»

Шу асно Тасмисуга Қалдироқ маъбуди дер:
«Дарҳол бир тахт тайёрланг сўзин дейиши учун,
Улкан дастурхон солинг неъмат ейиши учун!»

Ака-ука шу тарзда сўйлашиб турар экан,
Улуғвор маъбуд Қуёш бу маъвога етишди.
Ўтирсин деб маъбудга қўйдилар тахтиравон,
Бироқ у ўтирмади.
Тотинсин деб олдиға солишганди дастурхон,
Ҳеч недан еб кўрмади.
Ичсин дея сунулди чанок,
Теккизмади дудоғин бироқ.

Қалдироқлар маъбуди инжиб, Қуёшга деди:
«Шунчалар ёмонми ул хизматчи қул?
Сенга келтирмишди тахтиравонни,
Сен унга бир лаҳза ўтирмадинг ҳам.
Шунчалар ёмонми эди баковул?
Сени деб солганди мўл дастурхонни,
Сен ундан бир луқма еб кўрмадинг ҳам.
Ёқмадими сенга шарбатчимиз ҳам?
Энг аъло ичкини сунмишди сенга,
Ичмадинг ҳеч қурса бирор қултум ҳам...»

Иккинчи битик

ҚУЁШ МАЪБУДИ ВА ҚАЛДИРОҚ МАЪБУДИ

...Алқисса, маъбуд Қуёш фикрини айтгандан сўнг¹,
Қалдироқ маъбудининг ғазабдан юзи ёнди.
Қатъият-ла сўйлади у Қуёш маъбудига:
«Неъмат тўла бу дастурхон сенга ёзилди!
Кўзадаги ўткир ички санга аталган!
Тўйгунингча ич!
Хуллас, азиз меҳмон бўл,
Сўнгра бундан уча қол,
Юксакларни қуча қол!»

Қалдироқ маъбудининг бу сўзларин тингларкан,
Яйраб кетди Қуёш маъбуди.
Ноз-неъматлар унга хуш келди,
Тўйгунча еди.

¹ Асарнинг олдинги қисми сақланмаган.

Роса ёқди ичкилар ҳам,
Мириқиб ичди.
Мамнун бўлди, ана шундан сўнг
Кўтарилиб кетди кўкларга.

Қуёш маъбуди кетгач,
Қалди роқ маъбудининг кўнгли анча тинчиди.
Сўнг Қалди роқ маъбуди Тасмису билан бирга
Маъволаридан чиқиб,
Бутхоналардан ўтиб,
Аста уча кетдилар.

Икковининг синглиси Иштар ҳам учди кўкка.
Учар экан, ўз-ўзига шуларни деди Иштар:
«Акаларим қай томон,
Учиб кетдилар бу он?
Мен-да улар ортидан борай,
Нима бўлар экан, бир кўрай»

Иштар ҳам уча кетди,
Акаларин ортидан,
Қардошларига етди,
Бориб кўлларин тутди.
Хаззи тоғи ёққа учдилар.

...Қум подшоси денгиз томон қараб қараб, ўйларга толди.
Бир пайт Кункунутсига кўзлари тушиб қолди.
Ҳазабидан юзлари буришиб кетди шу чоғ

Сўнг Қалди роқ маъбуди аста чўқди заминга.
Аччиқ ёш кўзларидан дарёлар бўлиб оқди.
Йиғлаб туриб, Қалди роқ маъбуди шундай деди:
«Бу даҳшатли махлуқ билан жанг қила олар ким ҳам?
Ким унга бас келарди?
Ундан кўрқмас экан ким?!»

Қалди роқ маъбудини Иштар шундай юпатди:
«Акагинам!
Билсанг агар, у ҳеч нарса билмайди!

Биздан унга ўн қатла кўп куч берилган бўлса ҳам,
Аслида, у кучли эмас...
Мен ўшанинг ҳузурига бораман!..»

ИШТАРНИНГ УЛЛИҚУМ ҚАРШИСИДА АЙТГАН ҚЎШИҒИ

...Кўлларига олди Иштар уд билан чирмандани,
...Кўшиқ айта бошлади Уллиқум қаршисида.

Шағаллар, чақир тошлар қоплаган бир қирғоқда
Тик турганча маъбуда Иштар кўшиқ куйларди.
Шунда бирдан
Кўтарилди денгиздан Катта Тўлқин.

Катта Тўлқин маъбуда Иштарга шундай деди:
«Ким учун бу кўшиқни айтмоқдасан, эй Иштар?
Бу ёқимли кўшиқнинг аталгандир кимга, айт?
Билки, у одам кардир!
У мутлақо эшитмас!
Билки, у одам кўрдир,
Ҳеч нарсани кўрмайдир!
Туйғули қалб йўқ унда,
Кет, эй маъбуда Иштар!
Акаларинг олдига тез бор!
Токи бу Тош зўр жангчи бўлмасдан бурун тез чоп!
Токи яна ўсмасдан бу бориб, акаларинг топ!..»

Бу сўзларни эшитиб,
Кўшиқини тўхтатди Иштар.
Ташлади уд, чирмандасини.
Олтин тақинчоқларин юлиб, улоқтираркан,
Бўзлай-бўзлай қирғоқни тарк айлаб, уча кетди.

ҚАЛДИРОҚ МАЪБУДИНИНГ ЖАНГГА ШАЙЛАНИШИ

..Буюрилди: буқалар учун ем тайёрлансин!
Уларга суртиш учун қутлуғ ёғ келтирилсин!
Буқа Серра* шохини қутлуғ мой билан мойланг!
Буқа Телла думига олтин безакни бойланг!

Қутурган буқаларни араваларга қўшинг!
Буқаларни қаттиқроқ боғланг араваларга!
Уларга ортинг улкан, кескир метин тошларни!
Чорлангиз энг даҳшатли, ваҳший қалдиروقларни –
Бўйи тўқсон чақирим Қояни ёрсин гурлаб!
Саккиз юз чақиримни қоплаб эссин шамоллар!
Шамолларга қўшилиб жала ёғсин тинимсиз!
Қалдиروق-ла чақмоқлар чақиб, йиртсин Қояни!!!
Буйруқ шу –
Барча энди маъводан йўлга чиқсин!»

Тасмису эшитиб ушбу фармонни,
Яйлоққа келтирди буқа Серрини;
Имгарру тоғидан Теллани ушлаб,
Ташқи кўшкка уни элтиб, боғлади;
Серри шохин қутли ёғ-ла ёғлади,
Олтинни бойлади Телла думига;
Қўшғилдирак аравага
Қўшди икки буқани,
Ён-верини қоплатди, тўлатди тошлар билан;
Чақирди энг даҳшатли, ваҳший қалдиروقларни,
Бўйи тўқсон чақирим Қояни ёриш учун!

Ўлдирувчи қуролларни олди қўлига,
Энг кескир чопқиларни тақди ғилдиракларга;
Йилдиримли булутларни кўкка чақирди.

Сўнг Қалдиروق маъбуди тағин боқди Қояга.
Не кўз билан кўрсинки маъбуд,
Икки юз бор ўсибди Қоя!

Учинчи битик

МАЪБУДЛАРНИНГ УЛЛИҚУМ БИЛАН ИЛК УРУШИ

Маъбудлар ўша сўзни эшитиши биланоқ,¹
Аравада ўтирган жойларидан туришди.
Жанг маъбуди Аштаби қалдираб, чақмоқ чақди,

¹ Асарнинг олдинги қисми топилмаган.

Гулдур-гулдур қилганча денгиз сари ошиқди.
Етмиш маъбуд эргашди Аштабининг ортидан.

Улар Улликўм билан қақшатқич сўғиш қилди.
Аштаби олишувда денгизга чўктирилди,
Етмиш маъбуд ҳам бирга бутунлай тор-мор бўлди.

Улликўм – «Қотил Қоя» титроқ солди осмонга,
Ичи бўш кўйлак каби кўкни силкитиб, қоқди!

Улликўм яна ўсди.
Агар у авваллари икки минг чақиримча,
Кирган бўлса денгизга,
Энди ерни қоплади,
Баҳайбатдан баҳайбат бир қиличдай тикланди.
Маъбудларнинг самовий маконларига етди.
Унинг бўйи икки минг чақиримдан узунди,
Энига ҳам тўққиз минг чақирим чиқар эди.
Қум шаҳрининг қапуқлари қаршисида турар у,
Ҳебат бутхонасидан, Хабатдан¹ юксак эди.
Ҳебатга маъбудлардан,
Хабар келмас – тўсди Тош,
Кўролма қолди Ҳебат ҳаттоки эрини ҳам.

Шунда Ҳебат канизаги Такитини чорлаб, дер:
«Ҳеч хабар келмай қўйди Қалдиروق маъбудидан,
Бошқа маъбудлар ҳоли надир – ҳеч эшитмадим.
Улликўм билан уруш бўлади, дейишганди,
Балки жангда жуфтимни у тору мор этгандир? ..»

Ҳебат тин олар, сўнгра
Тикитига шундай дер:
«Сўзларимга қулоқ сол!
Шоҳасони кўлга ол!
Оёғинга шамолни бир чориғдай кийиб ол!
Дарҳол уч, майдонга бор!
Балки жанг майдонида жуфтим ўлиб ётгандир –
Қалдиروق маъбудини, у подшоҳ эримни,

¹ Ҳебат – Қалдиروق маъбудининг хотини.

«Қотил Қоя» аллақачон маҳв этгандир, эҳтимол,
Билиб, хабар бер дарҳол!»

Тикити бу сўзларни эшитиши биланоқ,
Оёғини қўлига олиб, учди шамолдай.
Бироқ манзил томонга борай деса, йўллар берк,
Тикити учун бирор очиқ йўл кўринмасди.

Алқисса, Тикити ҳам иложсиз, йўлдан қайтди,
Ҳебатнинг ҳузурига Тикити қайтиб келди...

Қалдиरोқ маъбудининг сўзин тинглаб Тасмису,
Дарҳол кўкка юксалди:
Шоҳасоси кўлида,
Оёғига шамолни чорикдай кийиб олган,
Миноралар оралаб учиб борар самода.
Учиб бориб,
Ҳебатнинг қаршисида тўхтади.

Томда турган Ҳебатга Тасмису шундай деди:
«Қалдиरोқ маъбуди менга Қумдан кет деб буюрди,
Ўша ерда бўлажакмиз маълум муддатга қадар».
Ҳебат бошини буриб, Тасмисуга қаради.
Унга боқиб, каловланиб, томдан йиқилай деди.
Агарда сал кўзғалиб,
Бирор одим отсайди,
Ҳебат томдан, албатта, йиқилар эди.
Бироқ Ҳебат, мобоодо, томдан қулаганда ҳам,
Уни сарой ойимлари тутиб қоларди сўзсиз.

Алқисса, Тасмису фикрини айтиб,
Минорадан пастга йўналди қайтиб.
Қалдироқ маъбудин қошига борди,
Сўнг Тасмису шундай деди Қалдироқ маъбудига:
«Энди қайда ўтиргаймиз?
Қандурна¹ бошидами?
Агарда биз жойлашсак Қандурна тоғларига,
Бошқалар макон этгай Лалапудава тоғин...
...Бироқ у чоғ қолмагай кўкларда бирор подшоҳ!..»

¹ Қандурна, Лалапудава – тоғлар номи; Улликўмдан қочиб бормоққа интилган маъбудлар ўша тоғларни кўзлашган.

ҚАЛДИРОҚ МАЪБУДИ БИЛАН ТАСМИСУ МАЪБУД ЭА ҚОШИДА

Қалдироқ маъбудига Тасмису шундай деди:
«Эй Қалдироқ маъбуди, улуғ шоҳ!
Сенга айтар гапим бор.
Сўзларимга қулоқ сол!
Эшитиб, не қилгайсан –
Уни ўзинг билгайсан.
Баҳри муҳит остига – Апсуга тушмоқ даркор.
Ерости Дунёсининг маъбуди Эа унда,
Энг қадимий битикни бер, деб ундан сўраймиз.

Бироқ бил:
Етилганда сарой дарвозасига,
Беш бора таъзим айлаб, эгилмоғимиз керак.
Ундан сўнгра Эанинг маъвосига ўтамиз.
Тағин қапуғ қошида беш бор таъзим этамиз.
Эанинг ҳузурига етиб борганда эса,
Ўн беш марта таъзим қиламиз.
Ана шунда Эа бизга назар ташлагай,
Шундагина Эа тинглар илтижомизни.
Ана шунда шафқат айлар бизларга Эа,
Қайта бағишлар бизга эски қудратимизни».

Қалдироқлар маъбуди Тасмису сўзин тинглаб,
Бирдан шошиб кўзғалди.
Тахтидан сапчиб туриб, чарх урди теварақда.
Сўнг Қалдироқ маъбуди Тасмису қўлин тутди,
Йўлга тушди,
Манзилга бир он ўтмай ҳам етди.
Икковлон парвоз айлаб етиб келди Апсуга.
Сарой дарвозасининг қошида эгилдилар,
Эҳтиром билан беш бор таъзим бажо қилдилар.
Маъбуд Эа маконига қадам босишар экан,
Қапуга қараб беш бор яна таъзим айлашди.
Эанинг жамолига кўзлари тушган захот,
Эгилиб, ўн беш дафъа таъзим қилиб турдилар...

ЭА ВА УПЕЛЛУРИ

.Алқисса, маъбуд Эа ақлин пешлаб, ўйлади.
Сўнгра туриб тахтидан,
Ички сарой ҳовлисига йўналди.

Унда барча маъбудлар саф тортиб, эгилишди.
Қалди роқ маъбуди ҳам, яъни Қум шаҳаншоҳи,
Эанинг ҳузурида эҳтиром-ла эгилди...

Кейин Эа Энлилга юз буриб, шундай деди:
«Эй Қуёш маъбудининг отаси Энлил маъбуд,
Наҳот сен хабарсизсан?
Наҳот сенга айтмади бирор хизмати маъбуд?
Наҳотки, сен ўшани ҳозиргача билмассан?
Қалди роқ маъбудига рақиб қилиб Қумарби –
Уни яратганди-ку, наҳот шуни билмассан?
Улликум – у «Тош Қотил» сув юзида ўсди-ку,
Тўққиз минг чақиримдир бўйи! Юксақдан юксақ!
Шундай улкан яратиб савлат тўкаркан кўқда,
Наҳотки, сен сезмадинг?»

Эа сўзин битириб, юзини буриб аста,
Упеллури томон юрди.
Бошини буриб, унга қаради Упеллури,
Эҳтиром-ла эгилиб, Эага шундай деди:
«Эа, сенга умр тилайман!»
Сўнгра қаддини тиклаб, Упеллури жим турди.
Эа бундан мамнун бўлиб, шундай деди жавобан:
«Упеллури, Қора Ерда яшайвер ва давринг сур!
Яшанг деб Ер ва Кўкни қуриб қўймиш маъбудлар!»

Алқисса, Эа тагин Упеллурига деди:
«Упеллури, наҳотки, сенинг ҳам хотининг йўқ?
Наҳотки, ҳеч бир кимса сенга хабар бермади?
Наҳотки, сен ҳам уни билмайсан, танитайсан?
Чопуқ ўсган маъбудни –

Қумарби яратган ул барча маъбудлар ёви –
«Қотил Тош»ни билмайсан?
Билмайсанми сен, ахир Қумарбининг истаги –
Қалди роқ маъбудининг ўлимидир!

Шу боис
Унга қарши курашгани Улликумни яратди!
Сув юзида улғайди у Улликум – «Қотил Қоя»,
Наҳот уни билмайсан?
Ўсиб, у кўкка етди!
Маъбудларни,
Ҳебатни – барчани тўсиб қўйди!
Ҳа, сен узоқлардасан.
Қора Ер остидасан,
Шунинг учун у маъбуднинг ўсганин билмагансан»

Упеллури Эага жавобан шундай деди:
«Маъбудлар Ер ва Кўкни устимда курганини,
Нетай, билмай қолибман.
Улар тош чопқи билан Ер-Кўкни айирганда,
Уни ҳам сезмагандим.
Бироқ ўнг елкамда сал недир халақит берар –
У қандай маъбудлигин билмайман, тўғриси шу»
Эа ушбу сўзларни эшитиб турган чоғда,
Упеллури ўнг елкасин унга томон сал сурди,
Кўринди ўнг елкада Улликум чексиз тоғдай!
Шунда Эа кечмишнинг маъбудларига деди:
«Эй ўтмиш маъбудлари, эшитинг, сўзим шудир!
Сиз ўтган замонларда нелар бўлган, биласиз,
Яна ота-бобомиз омборин очиб, боқинг!
Ундан улуғ оталар муҳрини келтиришсин!
Иш битгач, у муҳрни жойига элтиб қўйинг
Омбордан эски чоғлар аррасин келтиришсин!
Ўша Ер билан Кўкни ажратган тош аррани.
Ана энди Улликумни арралаймиз тубидан!
Ахир уни Қумарби барча маъбудларга ёв –
Рақиб қилиб яратди!
Биз уни йўқотамиз!»

МАЪБУДЛАРНИНГ УЛЛИҚУМ БИЛАН СЎНГГИ ЖАНГГИ

..Алқисса, маъбуд Эа Тасмисуга шундай дер:
«Ўғлим билан кет ҳозир,
Қаршимда турма ортиқ!
Чунки кўнглим қоронғи, аччиғим чикди қаттиқ!
Қора Ерда ўликларни ўз кўзим билан кўрдим,
Бари қора тупроқ бўлмиш...»

Бир оздан сўнг маъбуд Эа тагин дер Тасмисуга:
«Енгдим мен Улликўмни!
Боринг, сиз-да ташланиб, айланг тагин-да тор-мор!
Энди у қилич каби тик бўлиб турмас тақрор!

Ана шунда Тасмисунинг кўнгли кўп яйраб кетди,
Қувончидан қичқирди уч бор.
Қийқирганча учди, чарх урди.

Бу гап етди барча маъбуд, маъбудаларга.
Эшитди Қалдиरोқлар маъбуди, Қум подшоҳи.
Барча келди йиғилиб, Маъбудлар Кенгашига.
Улликўмга ғазаби боис,
Барча маъбуд буқа каби бўкиришиб юборди.
Қалдироқ маъбуди сўнг,
Қушдай учиб аравасида,
Гумбурлатиб Ер-Кўкни денгизга етиб борди.
Қалдираб, чақмоқ чақиб, «Қотил Тош»га ташланди...

КЎКЛАРДАГИ ПОДШОҲЛИК

(туркумдан парча)

Анча олдин, ўтган чоғларда,
Кўкда подшоҳ эди Алалу.
Ўтирарди ўз тахтида у.
Маъбудларнинг энг қудратлиси,
Жасур маъбуд Ану ҳам ҳатто
Алалунинг оёқларига,
Бошин уриб, таъзим қиларди.

Баъзан шоҳга қадаҳ тутганча,
Баковулдай айларди хизмат.

Алалу шоҳ бўлгандан буён
Тўққиз аср ўтди орадан.
Етганида ўнинчи аср,
Алалудан юз бурди Ану.
Унга қарши курашди, енгди.

Ундан қочиб кетди Алалу,
Қора Ерга борди қочганча.
Ану эса, ўтирди тахтга,
Подшоҳ бўлди осмонга Ану.

Кучли маъбуд Қумарби ҳатто
Шоҳ Анунинг оёқларига
Бошин уриб, таъзим қиларди;
Баъзан шоҳга қадаҳ тутганча,
Баковулдай айларди хизмат.

Ану Кўкка шоҳ бўлгандан сўнг,
Тўққиз аср ўтди орадан.
Етганида ўнинчи аср,
Кучга тўлиб маъбуд Қумарби,
Уруш очди Ануга қарши.
Алалунинг насли Қумарби
Ану билан урушди Кўкда.
Қумарбининг қаҳҳор кўзига,
Подшоҳ Ану дош беролмади.
Қумарбидан қочди шоҳ Ану,
Кўкдан қочди Қора Ер томон.
Қушдай ҳуркиб қочар экан у,
Қувиб борди Қумарби уни,
Етиб, маҳкам оёғин тутиб,
Кўкдан Ерга уни судради.
Оёғидан тишлаб, Анунинг
Бор кучини сўра бошлади.
Қуйма чўян бўлиб у қувват,
Қумарбининг жисмига сингди.

Душманининг эрлик қувватин,
Ютиб бўлган заҳот Қумарби,
Ваҳшиёна қаҳқаҳа отди.

Шу пайт Ану Қумарбига тик,
Боққанича шу сўзни айтди:
«Майли, қувон!
Сўриб олдинг, ҳа,
Менинг эрлик қувватимни сен!
Беҳудадир қувончинг аммо,
Чунки сенга уруғ ташладим!
Биринчидан, иккиқат бўлдинг,
Қалдиروقлар маъбудига сен!
Иккинчидан, ҳомиладорсан,
Тезоб Дажла дарёсига ҳам!
Учинчидан, тагин юклисан,
Жасур маъбуд Тасмисуга ҳам!
Туғадирсан учта маъбудни,
Учовига ҳомиладорсан.
Сен уларни орттирдинг мендан,
Энди сен у оғир юклар-ла,
Қолмоқдасан иккиқат бўлиб!
Ана энди бошинг уравер,
Қояларга, тоғу тошларга! ..»

МУРСИЛИСНИНГ ЎЛАТ ЧОҒИДАГИ ИБОДАТИ

(«Ибодатлар»дан парча)

.. Ё Қалдиروق маъбуди! Хаттушаш шаҳрининг маъбуди, эй менинг буюгим!

Ё маъбудлар! Эй менинг улуғларим! Дунёда ҳар иш бўлади; одамзод гуноҳқордир. Менинг отам гуноҳ қилган. Яъни, у Қалдиروق маъбудига, Хаттушаш шаҳри маъбудига, менинг буюгимга берган ваъдасида турмаган, аҳдини бузган. Мен эса ҳеч бир гуноҳ қилганим йўқ. Бироқ бу дунёда ҳар иш бўлади; отанинг гуноҳи болага ҳам ўтади. Мен ҳам отанинг гуноҳига қолдим. Зотан мен бу гуноҳни ўз бўйнимга олдим. Чиндан ҳам топиндим Хаттушаш шаҳрининг маъбуди Қалдиروق маъбудига, ул улуғимга юкундим. Бошқа барча маъбудлару маъбудаларга, менинг

буюкларимга топинаман. Бўлар иш бўлди, гуноҳимни бўйнимга олдим. Отамнинг гуноҳини ўз гуноҳим дея тавба айлаб, тазаррулар қилганимдан кейин Қалдиروق маъбудининг, бошқа барча маъбудларнинг ҳам кўнгли юмшаб, менга раҳм этгайлар дея умидворман.

Ё маъбудлар! Эй буюкларим! Менга шафқат айлангиз! Хетлар юртидан ўлат кўтарилсин!

Маъбудларга қурбон сифатида нону туз атаганлар ҳам, маъбудлар учун май ичган қоҳинлар ҳам (аслида, жуда озчилик қолдилар) ёлворсинларки, ўша тирик қолганлар энди ўлмасинлар!

Таниқ бўлинги, ўлат офатидан асрашларини сўраб Қалдиروق маъбудига, бошқа улуғ маъбудларга, Хаттушаш шаҳри маъбудига, буюкларимга ёлворурманки, мен ҳам яшаб қолайин!

Қуш қафасга қайтаркан, қафас унинг ҳаётини сақлаб қолади.

Агарда қулга бир иш оғирлик қилса, у хўжайинига ёлворади, хўжайини унинг илтижосига қулоқ тутаети, шафқат кўрсатади; қулнинг юкини енгиллатади.

Ёки қул бирор ёмон иш қилиб қўйса, хўжайиндан кечиришини сўраб тўғриси айтса, хўжайин унга не чора кўрса-да ихтиёридир. Аммо қул ўз айбини хўжайинга айтиб тан олса, хўжайиннинг кўнгли юмшаб, уни жазоламайди. Мен ҳам отамнинг гуноҳини ўз гуноҳим деб бўйнимга олдим, бу чиндан ҳам шундай; мен шундай қилдим.

Рус тилидан Тоҳир Қаҳҳор таржималари.





КАДИМГИ ХИТОЙ ТАФАККУРИ



«ТАРИХИЙ ҲИКОЯЛАР» КИТОБИДАН ЛАВҲАЛАР ЦЮЙ ЮАННИНГ БОШДАН КЕЧИРГАНЛАРИ

Цюй Юань – асли исми Пин. У Чу сулоласига қариндош-уруғчилик ришталари билан туташган ва шу подшоликнинг хизматида эди, «эл отаси»нинг чап ёнидан жой олиб, атрофда кўрган-билганлари ва эшитганларини унинг қулоғига шипшиб турарди. Ҳамма нарсадан огоҳ, билмаган балоси йўқ, хотираси кучли эди. Давлатнинг иш тутумига доир масалаларда қилни қирқ ёрадиган даражада сезгир, фаҳми ўткир эди. Бунинг устига, сўзга чечан воиз бўлиб, ҳаммани оғзига қаратарди. Подшоҳ уни ўз ишининг шинавандаси сифатида жуда қадрларди. Саройда у подшоҳ билан бақамти ўтириб, давлат ишларини обдон муҳокама қилар, биргалашиб фармон ва буйруқларни тайёрлашар, саройдаги юмушларни тугаллаганидан кейин Чу заминига қадам ранжида қилган меҳмонларни кутиб олар ҳамда подшоликка қарам ерларнинг тизгинини қўлида тутган маҳаллий беклар билан учрашиб фикрлашар эди.

Саройда яна бир, юқори мартабали амалдор бор эди. Унинг подшоҳ олдидаги обрў-эътибори Цюй Юанникидан кам эмасди. Бироқ ул зот бундан сира қаноатланмас, Цюй Юань билан ҳуда-беҳудага пачакилашиб турар, очиғи, унинг зукко ишбилармонлик истеъдодини сира кўра олмас эди.

Подшоҳ Хуай бир гал Цюй Юанга давлат қонунлари тўпламини тайёрлашни амр этди. Цюй Юань бу ишга киришиб, топшириқнинг қоралама нусхасини хат-қаламдан чиқарди. Лекин уни охирига етказа олмади. Тўғриси, бунга улгурмади. Ҳалиги қитмир амалдор Цюй Юанга оғир панд берди. У Цюй Юань бажараётган ишдан хабар топиб, ҳозирча қоралама ҳолда турган қўлёмани ўзлаштиришга чоғланди, Цюй Юань эса бунга йўл қўймади. Аламзадалиги ошиб-тошган ҳасадгўй зот шундан кейин Цюй Юань устидан бўлмағур фисқу фасод гапларни тўқиб, бутун элга ёйди. Гўёки, унинг айтишича, подшоҳ у ёки бу қонунни тайёрлаш юзасидан Цюй Юанга топшириқ берса, кутилмаганда бутун эл бундан хабар топар, у ёки бу қарор мамлакат ҳаётига жорий этилса, Пин (Цюй Юань) бу борадаги ўз хизматларини ошириб-тоширар, подшоҳ ҳеч бир ишни менсиз уддалай олмайди, деб атрофга жар солар эмиш...

Бўхтон ўз ишини қилди. Цюй Юань ўзи ҳақида тарқатилган иғволардан чуқур таҳқирланди. Энг ёмони, подшоҳ ҳам бу миш-мишларга ишонганини эшитиб, надоматдан ўзини кўярга жой топа олмай қолди. Ёлғон-яшиқ гаплар дили покиза инсонни бир пасда бадном қилиб қўйишини, эгрилик тўғрилиқни синдиришини, шу пайтгача эл-юрт орасида юзи ёруғ, боши тик ҳолда юрган одам разолат дастидан ногаҳонда тавқи лаънати бўлиб қолишини Цюй Юань ўз бошидан бешафқат бир тарзда кечирди. Унинг борлиғини ғам-андуҳ қамраб олди, узлатга чекинди. Уйида хонанишин бўлиб ўтириб, «Лисао» деб номланган достонини яратди. «Лисао» – «Мен қандай қилиб балога йўлиқдим?» деганидир. Уни «Афсуснома» деб атаса ҳам бўлади.

Бугун мен айта оламан: «Осмон нима дегани? Одамзод ўз ибтидосини унда кўради. Ота-оналар-чи? Улар одамзод наслини ерда ривожлантирадиган зотлардир» Инсон ўз умрини яшаб бўлгач, тагин ўз манбаига қайтади. Бироқ машаққатлар ва жабру ситамлар ҳолдан тойдирса, унинг Осмонга надомат билан хитоб қилишдан ўзга чораси қолмайди. Ёки биронта касалликка чалиниб, азоб-уқубат чангалида қийналса, изтироб чекса, киши беихтиёр ота-она руҳидан нажот излайди. Цюй Пин имон-инсоф йўлидан ҳеч адашмади, тўғри яшади, қалбининг бор ҳароратини ва бор ақл-идрокини ўз подшоҳининг хизматига бахшида этди. Аммо ғийбатчи уларни бир-биридан тамомила бегоналаштирди. Бўлиб ўтган маломатлар Цюй Юанни боши берк кўчага олиб кириб қўйди. Ахир, бу нима деган гап? Ёруғ оламда ундан-да софдил инсоннинг ўзи йўқ эди, хизмат лавозимида чексиз ишонч қозонди, шак-шубҳага асос берадиган ҳеч бир қадамни ташламади. Бор вужудини бағишлаб меҳнат қилди, охир-оқибатда эса бўлар-бўлмас тухматнинг қурбони бўлиб ўтирибди... Қисматнинг бундай ўйинидан додламай бўладими?!

Цюй Пин «Мен балога қандай йўлиқдим?» («Лисао») достонини ифлосликдан нафрат, ғазаб ва надоматдан дунёга келтирди. Машҳур «Пешонанинг ишлари» китобида ишқ-муҳаббат эҳтирослари марказий ўрин тутди, аммо унда фаҳш-бузуқликдан асар ҳам йўқ. «Кичик қасидалар» эса ғазабнок ҳис-туйғулардан туғилган, лекин уларда исёнкорлик кўзга ташланмайди. Энди мана бу «Афсуснома» («Мен балога қандай йўлиқдим?») қасидаси тўғрисида гапирадиган бўлсак, айтишим керакки, унда муҳаббат ва нафрат ҳис-туйғулари ўзаро бир-бирига чатишиб пай-васта бўлиб, алангаланиб турибди.

Шоир қадимги подшоҳ Ди Ку хусусида сўзлай туриб, бевосита азалий замонлар бағрига шўнғийди, кейин яна ўз даврига қайтиб, Хуан қисматини қаламга олади. Уларнинг оралиғида Тан ва У подшоликлари тўғрисида ўйларга берилади. Турли замонларни қиёслаб, ўз даврининг

қинғирликларини кўрсатади. Цюй Пин одамзод тарихини бутун кенглигида қамраб олади, чунончи, ибтидоси ва интиҳоси кўринмас Дао'нинг ҳамиша ҳақлигини, Дэ² беғубор, бенуқсон инсонийлик йўли эканлигини, дунёнинг пасту баландликлардан иборат мураккаб манзараларини, тартиб-қоида ва мувозанат асосларини, шу билан бирга, уларга абадий тўғаноқ бўлиб келаётган ярамасликларни – барча-барчасини тафаккур қилади.

Цюй Юаннинг шоирона услуби ингичка ва зикна шаклда, шеърий сўзи нафис ва бой имо-ишорали. Шоирнинг кўнгил дунёси ўта беғубор. Хулқ-атвори, қилмишлари ниҳоятда пок ва адолатли. Шу боисдан табиатдан, борлиқдан ниманики қаламга олса, асарларида барчаси нодир бир гўзалликдай порлаб туради.

Ўз ҳаётини Цюй Пин пок, ҳалол қадамлар билан яшаб ўтди, ҳатто ўз ўлими лаҳзаларида ҳам имонли йўлига хиёнат қилмади. Юзларига лой чапланди, уни разолат ва манфаатпарастлик ботқоғига судраклашди, аммо у ҳамиша асл, чин, беғубор инсонлигини сақлаб қола билди. Унинг қалб оламидаги нурафшонликни борлиғидан саховатли ёғду таратиб, бутун оламини мунаввар этиб турган Қуёшга ва Ойгагина қиёс этиш мумкин, бошқа қиёс тўғри келмайди.

Цюй Юань борлигини бағишлаб саройда адо этиб келаётган хизматидан бўшатилганидан кейин, кўп ўтмай, Цинь подшоси Ци ерларини босиб олишга қарор қилди. Ци ўлкаси эса қўшни Чу ерларига дўстлик ва ҳамкорлик ришталари билан тутшиб кетган эди. Уларнинг иноқлигидан Цинь подшоси Хой анча ҳадиксираб турарди. Шунда у бир айёрликни ишга солди – ўзига тобе амалдор Чжан И ни ҳузурига чорлади, унга гўё ўзини Цинь подшосини тарк этиб, Чу ўлкасига фуқаро бўлишни хоҳлаб қолгандай тутишни, шу ниятда, бой инъом-эҳсонлар билан Чу ўлкаси подшоси ҳузурига йўл олишни буюради. Чжан И Чу ерига борди ва унинг подшосини аврашга киришди:

– Подшоҳ Хой Ци ўлкасини ёқтирмайди, – деди у, – Ци эса Чу ўлкаси билан дўст-биродар. Бироқ сиз Ци замини билан дўстона алоқаларни узсангиз, Цинь подшоси олти юз ли³ кенгликдаги майдонга эга Шаньюй туманини сизга ҳадя этмоқчи.

Чу ўлкаси подшоси Хуай нафс бандаси эди, шу боисдан Чжан И айтган гапларга лаққа тушди ва Ци подшоси билан алоқаларини дарҳол узди. Шундан кейин ўз элчисини Цинь подшоси ҳузурига жўнатиб, унга ваъда қилинган ерларни эгаллашни буюрди. Аммо Цинда элчини подшоҳ эмас, балки ўша Чжан И қарши олди. Чжан И элчининг гапларига қулоқ тутиб, муғомбирона илжайди:

– Сизнинг подшоҳингиз билан Цинь подшоси номидан атиги олти ли ер тўғрисида келишганим ёдимда, лекин олти юз деганимни ҳеч эслай олмаяпман...

Чу элчиси Чжан И нинг анқовсирашидан ғаши келиб, ҳеч нарсага эга бўлмай ортига қайтди ва бор гапни подшоҳ Хуайга етказди. Подшоҳ Хуайнинг жаҳли чиқди ва катта қўшинни оёққа турғизиб, Цинга қарши урушга отланди. Цинь подшоси ҳам катта қўшин билан унга пешвоз чиқди, Дань ва Си дарёлари оралиғидаги манзилда бўлиб ўтган ҳаёт-мамот жангида Чу қўшини тор-мор этилди. Цинь асирга олинган саксон минг аскарнинг бошини танасидан жудо қилди. Чу ўлкаси қўшини қўмондонни Цюй Гайни асир олди, ундан кейин Чу ўлкасининг Хань (Ханьчжун) дарёси соҳилидаги ерларини эгаллади. Подшоҳ Хуай қолган-қутган туманлардан яна қўшин йиғиб, бу гал Цинь ерларининг анча ичкарисига бостириб кирди. Энди Ланьтянь соҳилида жанг бўлди. Бу орада бошқа воқеа юз берди. Вэй вилояти ҳокими пайтдан фойдаланиб, эгасиз қолган Чу ерларига ҳужум қилди. Вэй қўшинлари Дэн вилоятигача етиб борди. Чу қўшинлари бу хабардан довдираб қолиб, Цинь ерларини тарк этди ва ўз ерига қайтиб, уни Вэй қўшинларидан тозалашга киришди. Ци ўлкаси эса дўстликка хиёнат қилган Чу ўлкасига ёрдам кўрсатишни хаёлига ҳам келтирмади. Чу танг аҳволда қолди. Келгуси йили подшоҳ Цинь ўзаро тинчлик сулҳини тузиш мақсадида Чу подшосига ўзи эгаллаган Ханьчжун ерларини қайтариб беришга қарор қилди.

Чу подшоси бундай «мурувват»га жавобан:

– Менга ер керакмас, Чжан И керак. Шундагина ўзаро адоватни унутишга тайёрман, – деди.

Чжан И бундан хабар топиб, ҳайратланди:

– Битта мени деб Хуай бутун бошлиқ Ханьчжун ерларидан воз кечяптими? Ҳазрати олийлари, – деди у подшоҳ Хойга мурожаат қилиб, – рухсат беринг, майлига, Чу ерларига бораман.

У, чиндан ҳам, Чу ўлкасига ташриф этди, тагин эски хунарини ишга солди, яъни Чу подшолиги саройининг мартабали амалдори Цзин Шамни кўпдан-кўп совға-саломлар билан кўнглига йўл топди, шунингдек, подшоҳ Хуайнинг хуштори Чжэн Сю хонимни ҳамкорлик илинжида ўзига эл қилди.

Подшоҳ Хуай эса Чжэн Сю хоним нимани хоҳласа, унинг айтганларига дарҳол рози бўларди. Хуллас, бу гал шу хонимнинг ҳиммати билан Чжан И ўз бошини омон сақлаб, Чу ерларида бир муддат эркин яшади.

Бу пайтда Цюй Юань айнан лавозимидан бўшатилган кунлар эди. Уни Ци подшолигига элчи қилиб жўнатишди. Элчиликдан кейин у яна

Чу ерларига қайтиб подшоҳ Хуай билан учрашди ва унга таънаомуз охангда деди:

– Нега Чжан И ни қатл эттирмадингиз?

Подшоҳ Хуай йўл қўйган хатосидан пушаймон бўлди ва Чжан И ни топиб, ҳузурига келтиришларини буюрди. Бироқ Чжан И аллақачон Чу ни тарк этган эди. Шундан кейинги йилларда бир неча подшоликлар Чу заминига кетма-кет юришлар уюштиришди ва уни обдон харобазорга айлантирдилар. Улар Чу қўмондони Тан Мэйни ҳам жанглардан бирида ўлдиришди. Худди шу кунларда Цинь тахтига ўтирган янги қирол Чжао Чу подшоси билан опоқ-чапоқ алоқаларга киришгандай эди. У подшоҳ Хуай билан кўришиш орзусида эканлигини маълум қилди. Хуай ҳам бундан беҳад мамнун бўлиб, сафар тадоригини кўра бошлади.

Цюй Пин унга маслаҳат берди:

– Цинь йўлбарслар ва бўрилар давлати, – деди у. – Унинг подшосига ишониб бўлмайди. Яхшиси, бу сафарга борманг.

Лекин подшоҳ Хуайнинг кенжа ўғли Цзи-лан отасига тескари маслаҳатни раво кўрди:

– Цинь ўлкасига шоду хуррамлик шукуҳини бағишлайдиган сафардан нега воз кечишингиз керак экан? – деди у.

Хуллас, подшоҳ Хуай ўйлана-ўйлана, барибир, Цинга сафар қиладиган бўлди ва шу мақсадда У-чуань чегара бекатига қадам қўйди. Айёр Цинь қирол эса шуни кутиб турган эди, у дарҳол пистирма уюштириб, подшоҳ Хуайнинг ортига қайтиш йўлини кесиб қўйди. Ниҳоят, подшоҳ Хуайни қўлга олишди ва ундан Чу ерларининг бутунлай Цинь қироллигига итоатли бўлишини талаб қилдилар. Чу подшоси бундай сурбетликдан ғазабланиб ва уларнинг талабини рад этди. Сўнгра бир амаллаб Чжао ерларига қочди. Чжаода эса уни қабул қилишмади ва яна Цинга қайтаришди. Подшоҳ Хуай қолган умрини Цинь ўлкасида, асирликда ўтказиб вафот этди ва фақат унинг майитини ватанига қайтаришди. Подшоҳ Хуай тахтини эса катта ўғли Цинь Сян эгаллади. У укаси Цзи-ланни мамлакат бош вазири лавозимига тайинлади. Чу халқи Цзи-ланни ўз отасини Цинь ўлкасига сафарга ундаган ва шу йўсинда унинг ўлимига сабабчи бўлган падаркуш ўғил сифатида билишар ва ундан жуда норози эди. Цюй Пин бу енгилтак шахзодани аввалдан хуш кўрмас эди. Қувғинга учраб, ўзга ерларда сарсон-саргардон юрган Цюй Пин яна Чу ерларини ҳамини соғиниб яшади, қаерда бўлмасин, қалбини подшоҳ Хуайга нисбатан чексиз эҳтиром тарк этмади ва унинг саройига қайтишни доимо ният қилди. Цюй Пин омади кулиб, подшоҳи аъзам унинг ниятини қачонлардир бир куни тушунишидан умидвор бўлиб яшади. Бу умид

ушалмади. Кейин у ўз мамлакатида ва унинг подшоси ҳузурида сидқидилдан хизмат қилишдек орзу-хаёллари тўғрисида бир қўшиқ яратиб, аввал ўзи куйлаб юрди, сўнгра уни авлодларга мерос қилиб қолдирди. У орзу-умидларига ҳеч қачон ета олмади ва она юртига қайтиб бориш ҳам унга насиб этмади. Подшоҳ Хуай Цюй Пин кўнглидаги истакларни тушунишни ўйлаб ҳам кўрмади. Хукмдорлар, ким ва қандай инсон бўлмасин – нодонми ёки дономи, эгаллаган тожу тахтига муносибми ёки нолойиқми – барибир, уларнинг орасида ўзига чин дилдан садоқатли, яхши-ёмон кунларда ёнида тоғдай таянч бўлиб тура оладиган ҳақиқий хизматкорлар бўлишини хоҳламайдигани камдан-кам топилади. Аммо биз инқирозга юз тутаётган подшоликларни ва харобазорликка учраётган мўътабар даргоҳларнигина кўряпмиз, холос. Бундай подшоликларни бирин-кетин кўп бошдан кечиряпмиз. Лекин донишманд, халқ ҳурмати ва садоқатига сазовор бўла олган, эл-юртни оқилона тартиб-қоидаларга қатъий суяниб бошқарадиган одил хукмдорлар, замонлар ўтяптики, одамзоднинг пешонасига битмаяпти. «Бунинг боиси нимада» – дея мен ўз-ўзимдан сўрайман. Боиси мана нимада: подшоҳга энг садоқатли мулозим деб билганларимиз тили бошқа – дили бошқа, риёкор кимсалар бўлиб чиқяпти. Лавозимига муносиб, шекилли, деб ўйлаганларимизнинг кейинги қадам олишларини кўриб, «Аттанг!» деб қоляпмиз.

Хуай ён-атрофидаги одамларнинг кимлигини яхши фаҳмлайдиган подшоҳ эканлиги аён бўлди. Бунинг оқибатида, ўз саройида ин қуриб олган Чжэн Сюдай маккор хонимларнинг лўттивозлигига асир бўлиб қолди, шунингдек, у Чжан И сингари туллак келгиндиларнинг ёлғондакам ваъдаларига учди. Цюй Пиндай зукко инсонларнинг эса баҳридан ўтди ва юксак давлат лавозимларини ўғли Цзи-лан сингари калтабин амалдорларнинг қўлига ишониб топширди. Қўшинлари урушларда шармандаларча ҳалокатга учради ва мамлакат ҳудудининг анча қисмини бошқа подшоликлар ўз мулкига қўшиб олди. У олти вилоятдан айрилди ва ўзи Цинь тупроғида, бегона ерларда ўлим топиб, юртдошларининг аччиқ кулги-истеҳзоларига сазовор бўлди. Элу халқни тушунмасликнинг оқибати ҳамини шундай бўлади. «Ўзгаришлар тарихи» китобида қуйидагича ҳикматни ўқиймиз: «Қудуқ суви тоза, тип-тиниқ, у эса шу сувни ичишни истамайди – бундан мен қаттиқ ранжидим. Ахир бу ношукурлик-ку?! Подшоҳ оқил бўлса, унинг ўзига ҳам, бошқаларга ҳам, ҳар бир кишига Осмон, албатта, тегишли насибасини ато этади!» Подшоҳ оқилу донишманд бўлмаса, эл-юрт бор насибасидан ҳам мосуво бўлиши ҳеч гапмас...

Бош вазир, отасининг бошига етган Цзи-лан ўзи тўғрисида тарқалган бундай ривоятнамо гаплардан дарғазаб бўлиб, саройда ишбоши бўлиб

турган амалдорни ҳузурига чорлади ва унга подшоҳ Цин Сян олдига кириб, Цюй Юанни ёмон отлиқ қилиб чиқишни буюради. Цин Сян ишбоши амалдорнинг тўқиган иғволарига чиппа-чин ишониб, тутақиб кетади ва Цюй Юанни саройдан бадарға қилади.

Цюй Юань тартибсиз тўзиб ётган сочлари паришонларча елкалари-га ёйилиб, Цзянь дарёси соҳилига келди, аллақандай ғамгин бир қўшиқни куйлаганича дарё қўлтиғида дайдиб кезиб юрди. Чехраси изтиробли ва сўлғин эди. Ниҳоятда озғин гавдасида қовурғалари бўртиб, саналиб турарди. Кекса балиқчи уни шу алфозда кўрди ва сўради:

– Сен юрт бошига бирин-кетин келган уч подшонинг саройида узлуксиз хизмат қилган ўша машҳур амалдормисан? Нега бундай аҳволга тушиб қолдинг?

Цюй Юань қисматини изоҳлаб, шундай деди:

– Ер юзида ҳаёт тамомила ифлосланиб ва айниб кетди, ўз софлигини сақлаб қолган ёлғиз мавжудот менман. Барча одамзод маст-алас, уларнинг орасида эс-ҳушидан айрилмаган ёлғиз киши менман. Мана нима сабабдан мен саройдан қувилдим.

Кекса балиқчи деди:

– Сенга дилимда борини айтаман: комил инсон ҳа деганда айнимайди. Шу билан бирга, атрофдаги серғалва ҳаётдан айри ҳолда яшай олмайди, унинг тақдирини шу чигал ҳаёт белгилайди. Модомики, бутун олам ифлосланса ва айниган дарё бўлса, нега унинг оқимидан четда қолдинг, нега тўлқинлари сени кўтариб оқмади? Агар одамлар маст-алас бўлсалар, уларнинг қадаҳлари тагида қолган қуйқаларни нега то-заламаслик керак? Нега энди дилингдаги гавҳарни эъзозлаб, ўзингни қувғинлик қурбонига айлантириб ўтирибсан?

Цюй Юань унга жавобан деди:

– Мен шундай бир мушоҳадани эшитганман: «Кимки юзини ювса, у албатта, қалпоғини қоқиб чангдан тозалайди. Кимки чўмилса, дарҳол кўйлагини силкита-силкита ғубордан фориг этади» Одамлар орасидан яна ким, ўзи фариштадай беғубор, покдомон бўла туриб, бошқалардан сачраган бадбўй, қўланса балчиққа қоришиб, бунга чидаб яшаб юриши мумкин? Яхшиси, мен ўзимни абадий шовуллаб турган оқим ихтиёрига топширганим маъқулга ўхшаяпти, балким, Цзянь дарёсида тирикчилиги ўтаётган балиқлар қорнидан жой топганим минбаъд афзалроқдир. Ахир мен, қандай қилиб, шу пайтга қадар ҳар жиҳатдан ярқираб, жилоланиб турган бир инсон, бирдан ҳамма ёғимни бу исқирт оламнинг сассиқ бал-чиқларига ботириб ва шунга кўникиб яшашим мумкин?!

Ва шундай изтиробли ўйлар оғушида дарё бўйини кезиб, у ўзининг «Қумли соҳилдаги қайғули ўйлар» дostonини етилтирди. Шундан ке-

йин... қўйини тошга тўлдириб, Мило дарёсининг сувларида ўзини ғарқ қилди ва ёруғ олам билан хайрлашди. Цюй Юандан кейин Чу заминида Сун Юй, Тан Лэ, Цзин Ча ва бошқа унинг издошлари яшади. Уларнинг барчаси чинакам истеъдодли шоирлар эди ва асосан, қасиданавислик йўлида асарлар яратиб шуҳрат топдилар. Бироқ барчалари Цюй Юаннинг юракдан табиий қуюлиб келган шеърий оҳангларга бой услубидан ибратланиб ижод қилишди. Уларнинг ҳеч бири Цюй Юандан кейин... подшоҳ иродасига қарши бориб бошларини хатарга қўйишни истамади.

Цюй Юандан кейинги ўн йилликларда Чу ўлкаси ўз тасарруфидаги ерларни бирин-кетин бой бера бошлади, Цинь қироллиги бу ўлкани тамомила ўз ерларига қўшиб олиб, ундан ном-нишон ҳам қолдирмади.

Цюй Юаннинг Мило дарёсига чўкиб ўлганидан сўнг орадан, чамаси, юз йилдан биров кўпроқ вақт ўтиб, Хань ерларида олим ва шоир Цзя И яшади. У Чанша ўлкасининг ёш подшосига мураббийлик қилди. Бир куни Сянь дарёсига бориб, унинг сувлари бағрига ўз асари қўл ёзма-сини сочиб юборди. Бу асар Цюй Юаннинг эзгу хотирасига битилган марсия эди.

Шу ўринда буюк мунажжим ва граф қуйидаги кўнгил розларини айтган бўларди: «Лисао» («Мен қандай қилиб балога йўлиқдим?»), «Менинг Кўкка йўллаган саволларим», «Кўнглим сизни чорлайди», «Ин-фиғоним менинг» каби дostonларни бирин-кетин ўқидим. Қалбим дарду аламлар исканжасида қолди. Шундан кейин Чаншага йўл олдим. У ерда Цюй Юань юрган йўллардан юрдим. Бу инсонни ўз бағрида ғарқ қилган Мило дарёсига бориб, тўлқинларни кузатиб узоқ ўтирдим. Мижжаларим ёшланди, олис хаёлга толиб, унинг қандай инсон бўлганлигини кўз ўнгимга келтиришга уриндим. Шоирнинг фожиали сиймосини ғам-андуҳ билан ёдга олган аллома ва шоир Цзянинг асарини ўқир эканман, «Цюй Юань, бундай буюк қалб эгаси, нега бошқа узоқ-яқиндаги подшоҳлар ҳузурига бориб, улар билан дўстлашишга уринмади? Ахир ҳар бир ўлка подшоси уни бажонидил қабул қилар эди-ку?! У ўзини бу қадар афсусланарли қисматга дучор қилиши шартмиди?» деган саволлар ха-ёлимда чарх урди...

Мен Цзя И нинг бефайз куш – Бойўғлига бағишланган мажозий дostonини ҳам ўқидим. Бироқ бу асарда унинг ҳаёт билан ўлимни тенг қўйиши, дунё воқеа-ҳодисаларини қабул қилиш ёки уларни инкор этишдай ғоятда муҳим масалаларга жиддий ёндошмаганлиги мени қониқтирмади. Бу унинг тафаккурда йўл қўйган жиддий эътиборталаб ха-толаридир»

Изоҳлар

Цюй Юань – милоддан олдинги IV–III асрларда яшаган Хитой шоири. Замонасининг етук, зукко донишманд кишиларидан бири сифатида ўз даври подшоликларида хизмат қилган. Тухмат ва ҳасадгўйликлар ичра тақдир фожиаи кечган. Қадимги давр тарихчиси ва адиб Цима Цянь (милодий 145–85 йиллар) юқоридаги тарихий бадиасида шу тўғрида ҳикоя қилади. Цюй Юань «Хитой шеърятининг отаси» деб ном қозонган. Шеърларида ва дostonларида замонасидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётдан чуқур норозилик акс этган, шу билан бирга, инсон феъл-атворидаги гўзалликларни, ахлоқий идеалларга садоқат ҳис-туйғуларини эъзозлаб куйлаган. Халқ оғзаки ижодиёти бойликлари таъсирида ижодини бошлаган Цюй Юань, охир-оқибатда, шеърый тасвир ва ифодани юксак санъат даражасига кўтара олган.

1 Дао – «йўл» деган маънони англатади. Қадимги Хитой фалсафий тафаккуридаги асосий йўналишлардан бири. Ушбу фалсафий атаманинг асосчиси қадимги Хитой донишманди Лао-Цзи (тахминан, милоддан олдинги VI–V асрларда яшаган). Дао – бутун борликдаги ҳаётнинг асосини ташкил этувчи умумий қонуният. Бу қонуниятга табиат, ижтимоий ҳаёт ва ҳар бир инсон бўйсунди. Дао (қонуният)ни бузган, унга амал қилмаган ҳар бир мавжудлик ҳалокатга учрайди. Лао-Цзи шундай деб таълим беради.

2. Дэ – «Дао» («Йўл»)га монандликда яшаш деган маънони ўзида ифода этади.

3. Ли – узунлик ўлчови. Ли – тахминан, 0,5 км. масофани англатади.



Номаълум муаллиф

ЯНЬ ШАҲЗОДАСИ ДАНЬ

Янь подшолиги¹нинг меросхўри Дань-Цинь Чин ўлкаси²да тутқунликда эди. Юзма-юз келиб қолганларида, Цинь ҳукмдори уни назар-писанд қилмасдан ёнидан ўтиб кетарди. Бундай димоғдорликдан сабр косаси тўлган Дань учун она эли бағрига қайтиш бирдан-бир орзу бўлиб қолди. Цинь подшоси унинг дардини эшитишни ҳам хоҳламасди. Буниси ҳам етмагандай, кунлардан бир куни подшоҳ унинг устидан кулиб, шундай деди:

– Қора қарғанинг боши оқарган, от бошида эса шох ўсиб чиққан куни сени, албатта, уйингга қўйиб юбораман.

Шундан кейин Дань нажот сўраб Осмони фалакка нола қилди. Қаранги, унинг дарду ҳасрати Худога етиб, қора қарғанинг боши оқарди, отнинг бошида эса шох пайдо бўлди. Табиийки, Цинь подшосининг Данни уйига қўйиб юборишдан ўзга иложи қолмаган эди. Бироқ маккор подшоҳ яна бир синовни ўйлаб топди: Данни чириб адо бўлган қилтирикдай кўприк устидан ўтказди. Мабодо, у ўтаётган маҳалда кўпроқ қоқ белидан «чўрт» узилиб тушса, тамом, Дань яна асирликда қоларди. Лекин кўприк қуламади. Дань ундан хотиржам ўтди. Шунда ҳам озодлик қайда? Кейин бир зимистон тунда, барибир, тутқунликдан қочиб, чегара кўриқчилари бекатига етиб келди. Шаҳар дарвозалари тақа-тақ бекилган ҳолда мудраб турарди. Дань ногаҳонда хўроз бўлиб қичқирди ва узоқ-яқин ҳовлилардаги хўрозлар ҳам бараварига қичқиришиб, унга акс-садо беришди. Соқчилар таажжубланиб дарвозани очишди. Дань шу йўсинда ташқарига чиқди ва юртига қараб қуён бўлди.

Цинь ҳукмдорининг қилмишларидан Даннинг юрагида оғир асоратлар қолди ва ундан ўч олиш бирдан-бир мақсадига айланди. У Ватанига келгач, ҳеч нарсадан тап тортмас марди майдон йигитларни саройга чорлади, уларга катта молу давлат ҳамда ҳар бирига алоҳида ҳурмат-эҳтиромли бўлишни ваъда қилди. Натижада, тез орада ёвқур, ҳарб ҳунарининг ҳавосини олган йигитлар гурас-гурас бўлиб унинг ҳузурига кела бошладилар.

Шундан кейин Дань устози Цюй У га қуйидаги мактубни йўллади: «Дань – аждодларига сира муносиб эмас. У чекка ва ғариб бир подшоликда дунёга келди, бу подшоликнинг экин ерларида ҳам унум йўқ. Мен зинҳор олий мартабали зотларнинг назоратига туша олмадим, қимматли йўл-йўриқларини тинглаш ҳам насиб этмади. Оқибатда, ҳаётда энг тўғри йўл нима эканлиги масаласида тасаввурга ҳам эга эмасман. Хуллас, ўй-хаёлимдаги фикрларни шу номада бир даражада бош-адоғли қилиб баён этишга уриндим ва муҳтарам устоз мактубимга бирров эътиборини қаратса, камина беҳад бахтиёр бўлар эдим.

Дань шуни биладики, тўхтовсиз таҳқиру ҳақоратларга дуч келиб, хўрланиб яшаш ўз қадрини билган эр йигит учун уят-номусдир, бундай киши баайни зўравон кимсага йўлиқиб, номусидан айрилган қизларга ўхшаб кетади. Агар ориятли инсон бундай вазиятга тушса, ҳеч иккиланмасдан ўз бўғзига пичоқ тортади ёки уч оёқли қозонга қамаб қовура-миз дейишса ҳам, бундан чўчимайди. Таҳқирланиб яшашдан кўра ўлим топиб, бу дунёни тарк этишни афзал деб билади. Ҳа, ориятли одам қалбининг туб-тубида, ҳеч бўлмаганда, худди шу сингари ўй-хаёллар, албатта, туғилади. Айни кунларда Цинь подшоси Осмон иродасига қарши бориб, ён атрофидаги бошқа халқларга бамисоли ваҳший шердай ва бўридай муомала қилмоқда. Шахсан мен қўшни юртнинг шаҳзодаси эканлигимни билса-да, тутқунликда эканимда, ўтакетган пасткашлик ила муносабатда бўлди. Бошидан кечирган кўргуликларни Дань ўла-ўлгунча унута олмайди.

Қасос ҳақ ва зарур. Бироқ митти Янь ўлкасининг бутун аҳолисини йиғиб, жанг майдонига сафарбар этганимда ҳам Цинга бас келишим қийин. Уруш узоқ муддатга чўзилади, шунда бари беҳуда бир чираниш бўлади. Масала аён: куч-қудратимиз заиф! Фақат бир нарсага умид боғлашим мумкин. Бутун Осмон ости подшоликларининг энг баҳодир йигитларини Цинь подшосига қарши курашга чорлаш! Тўрт денгиз оралигидаги подшоликларнинг⁴ жасур жангчиларидан бир бутун, йирик лашкарни сафбаста қилиш. Янь диёри камбағал-қашшоқ бўлиб, хазинаси ҳувиллаб бўшаб қолса-да, бундай зарбдор кучни ҳосил қилиш бурчимиздир. Кучли кураш йўлида бойлигимизни ҳам, Цинь подшоси шаънига болдай татимли, айёрона алдовларимизни ҳам аяб ўтирмайман. Ва Цинь подшоси хайру эҳсонларга ҳамда тилёглама ваъдаларга эга бўлгач, менга ишонади. Ахир ногаҳонда ишга солинадиган тадбиркорлик ўн минглаб жангчилар уддалай олмаган ишни қила олади! Кейин мард қўлда ярқираган қилич бошимиздан кечган таҳқирларимизга биратўласига чек қўяди. Борди-ю, мен ўйлаган нарсалардан бирон иш чиқмаса, ота Осмон ўз қаршисида тубан бўлган юзимни бошқа ҳеч қачон кўрмайди,

яъни танамни қора Ер ўз бағрига олади. Агар саъй-амалларимиз чаппасига олса, кўринган подшо ва подшочалар кўрсаткич бармоғини Данга бигиз қилиб, ич-ичидан яйраб кулиб юришади! Бу курашда Ишуй дарёсидан шимол ёққа қараб ёйилган менинг она юртимдаги фуқаролардан қанчаси ҳалок бўлади, қанча киши тирик қолади, буни айта олмайман. Бироқ ўшанда, мўтабар зот, сиз ҳам, албатта, тавқи лаънатдан бош кўтариб юра олмай қоласиз. Йўл-йўригингизга муҳтожман. Сизга чексиз эҳтиром билан ушбу мактубимни йўлламоқдаман ва умид қиламанки, фикр-ўйларим билан танишиб, уларни обдон мулоҳаза қилиб кўрасиз».

Устоз Цюй У мазкур мактубга қуйидаги жавобни йўллади: «Сизнинг содиқ қулингиз зеҳн-идрокига муҳрланган ҳикматлардан бири шундай: кимки шошқалоқлик билан қарор чиқарса, бундан панд ейди ва кимки, ёлғиз кўнгил майлларига берилса – ҳалокатга учрайди. Айни дамда шаҳзода ўз бошидан кечирган кўнгилсизликларни ўйлаб, изтироб чекмоқда ва ғам-андудан қутулмоқ учун чора-тадбир изламоқда, шу изтироб кўчаларида у таъбир жоиз бўлса, гоҳида «бошини тошга уриб ёришга ва ёруғ оламини тарк этиб, танасини тупроққа топширишга ҳам ўзини тайёрдай ҳис этмоқда», гоҳида ҳушёр тортиб, бу дарддан халос бўлишнинг оқилона йўл-йўриқларини берилиб изламоқда. Камина қулингиз бу бо-рада шундай фикрдаман: донишманд одам эл орасида ҳурмат-эътибор топишни фақат омадга боғлиқ деб билмайди, бор ақл-идрокини, нима қилиб бўлса-да, фақат кўнгил майлини рўёбга чиқаришга йўналтирмайди. Шу боисдан оғир кезларда аввал ўзингизни қўлга олинг, яхшилаб ўйлаб кўриб, сўнгра ақл билан ҳаракат қилинг. Шундай қилсангиз, бошлаган ишингизда хато бўлмайди. Барча омадсизликларнинг бошида шошқалоқликда босилган қадам туради. Ўйлаб қадам боссангиз, дуч келган тошга тўқишиб юрмайсиз. Шаҳзода жангари инсонларнинг марду майдонлигини муҳим деб билипти ва қилич воситасида ўз ниятини амалга ошира олишига умид боғламоқда. Лекин мен тахт ворисининг бундай режасини охиригача пухта ўйлаб кўрилмаган бир қадам деб биламан. Камина қулингиз сизни Чу халқи билан иттифоқ тузишингиз тўғри бўлади деб ўйлайман. Шу билан бирга, Чжао аҳолисининг куч ва шижоатига ҳам таянишингиз, Хань ҳамда Вэй подшоликлари билан шартномага эришмоғингиз ва фақат шундан кейин Цинга қарши уруш очишингиз ақлдан бўлади. Худди шундай, ҳар тарафлама тайёргарликлардан сўнгра Цинда зафар сизга ёр бўлиши мумкин. Юқорида айтганларимга яна бир қўшимча: Хань билан Вэй ерлари, билишимча, Цинь подшолиги билан зоҳиран дўсту биродардай, аммо кўнгиллари асло яқин эмас. Қўшинни йўлга чиқарсангиз, Чу сизга ҳамкор бўлади. Уларнинг изидан Хань билан Вэй ҳам сизга келиб қўшилади. Бундай иттифоқдошликнинг

кучи-куч, қудрати-қудратдир. Шаҳзода маслаҳатимга қулоқ тутса, иши юришиб, дарду дунёсини эзиб келаётган ўйлардан биратўласига қутулади. Камина, фақир устозингиз эса хаёлидаги ташвишлардан фориг бўлади. Таклифларимни атрофлича ўйлаб кўринг».

Ушбу мактубни ўқиб, шаҳзода айтарли қоникмади. Кейин устоз Цюй У нинг шахсан ўзини ҳузурига чорлаб, мактубда битилганларнинг маъно-моҳиятини янада аниқроқ тушунтириб беришни ундан сўради. Устоз деди:

– Камина қулингизнинг айтганларига амал қилсангиз, Ишуй дарёсининг шимол томонидаги аҳоли, еримизни эрта-индин Ци подшоси босиб олади, деган ўйлардан қутулиб, тинчлик ва хотиржамликда яшайди. Подшоликка тобе бўлган вилоятлардаги бекликларнинг эса сизга ишончи ортади ва ҳеч бир ишга сиздан бемаслаҳат қўл урмайдиган бўлишадди.

Шаҳзода барибир бетоқатланди:

– Лекин бу келишувлар қанча вақтни олади?! Кўнглимни эса қасос аламлари тинимсиз тимдалаб, мени адо қиляпти.

Цюй У эътироз билдирди:

– Камина қулингиз масалани атрофлича ўйлаб кўриб, берадиган маслаҳатимни бердим. Цинга юриш масаласида асло шошқалоқликка берилмасдан, сабр-тоқат билан ўйлаб қадам ташлашингиз керак. Ҳа, гоҳида, югургилаб бажариладиган ишни одам боласи жойида қимирламай ўтириб ҳам уддалай олади. Тўғри, Чу билан Чжоуни иттифоқдошликка кўндириш, Хань ҳамда Вэйни жанг пайти ёнингизда туришга ундаш учун вақт керак, бундай келишувлар неча ойларга чўзилиб кетиши мумкин, бироқ охир-оқибатда, айнан шу йўл сизни кўзлаган мақсадингизга етказди. Қулингиз ишонади, мен айтган режага амал қилиш анча фойдалидир.

Шаҳзода тўшагида мудрай бошлади, устознинг йўл-йўриқлари унинг ҳафсаласини совутди. Буни пайқаган Цюй У тахт ворисига деди:

– Каминанинг айтганлари, афтидан, шаҳзодамизга маъқул келмади. Бироқ мен Тянь Гуан билан яқиндан танишман, ул зот катта ақл эгасидир ва қалби тўла эзгу мақсаду ниятлар.. Уни ҳузурингизга бошлаб келсаммикан?

Шаҳзода бунга дарҳол рози бўлди. Тянь Гуан ташриф этганида эса у тахт ёнида эди. Дань ташқарига чиқиб, Гуан билан саломлашар экан, унинг қаршисида қайта-қайта икки бор таъзим бажо келтирди. Сўнг меҳмонлар залида ёнма-ён жойлашиб ўтиришгач, Дань бу мўътабар зотга шундай сўзлар билан мурожаат қилди:

– Гувоҳи бўлиб турибманки, устоз Гуан Янь подшолигини ёввойилар мамлакати, Данни эса ўз аجدодларига нолюйқ бир фарзанд деб билмайди. Акс ҳолда, камина сизни ҳузуримга чорлаб, ортингиздан одам жўнатганимда Яратганнинг назаридан четда бўлган бу ерларимизга ташриф этмаган бўлардингиз. Ахир бу бор гап-ку? Янь, чиндан ҳам, бир чеккада – Хитойнинг энг шимолий сарҳадларида кўним топган. Модомики, шундай экан, уни жанубдаги ёввойиларнинг⁵ ерлари билан бемалол бир қаторга қўйиш мумкин. Устоз шундай заминга қадам ранжида қилишдан орланмади. Дань эса шу боисдан унинг атрофида парвона бўлишдан беҳад бахтиёрдир. Нур ёғилиб турган донишмандона чехрангизни кўриб, – дея кўшимча қилди у, – заминимизга бамисоли Янь подшолигини ёмон кўзлардан асрайдиган улў аждодларимизнинг табаррук руҳи ташриф этдими деб ишониб турибман. Эй, муҳтарам зот, биз фақирларнинг афтодаҳол кулбамизга хуш келибсиз, боримизни сиз билан баҳам кўриш бизга чексиз мамнунлик бағишлайди.

Тянь Гуан ҳам унга эҳтиромини изҳор этди:

– Шаҳзодам, шу кунгача сизнинг фақат олижаноб ишларингизга гувоҳ бўлиб келяпман ва қутлуғ номингизни ҳамиша эл орасида эъзозлаш билан машғулман. Бугун биз, фақирга қандай хизматни буюрмоқчисиз, амрингиз бош устига.

Дань устознинг меҳр тўла сўзларидан мутаассир бўлиб, қаршисида бош эгди ва пойига эмаклаб борди. Кўзларидан шашқатор ёш оқиб юзларини юва бошлади. Ниҳоят, у деди:

– Бироз аввал Цинь ўлкасида тутқунда эдим, шаҳзода бўлсам-да, Цинь подшоси буни инобатга олмай, бошимга ит кунларини солди. Шу боисдан кечаю кундуз дилимни ундан ўч олиш истаги ўтдай куйдириб келади. Аммо бу осонмас. Циннинг катта халқи бор, куч-қудратимизни Цинга қиёслаб бўлмайди. Бошқа бир нарсани ҳам айтмоқчиман: ён қўшни давлатлар билан иттифоқлик шартномасини тузсак бўлади, бироқ бунга вақт керак, кўнглимдаги қасос ҳисси эса мени тезкор чораларга ундайди. Ушбу ҳис-туйғу менда шу қадар кучлики, бу тўғрида ўйласам, емак-ичмагимда маза сезмайман, бутунлай оромимни йўқотдим, уйкум қочиб бўйра устида тўлғаниб чиқаман. Майлига, уруш дастидан Янь ва Цинь ўлкалари бараварига харобазорга айлансин, шунда ҳам юрагимда қасос ўтининг алангаси босилмаса керак. Балким, устоз Тянь Гуан мени бу руҳий қийноқлардан халос этадиган бирон оқилона йўл кўрсатар?!

Тянь Гуан:

– Бу давлат аҳамиятига эга жиддий масала, ўйлаб кўришим учун менга имкон беринг, – деди.

Шахзода устозни саройнинг юқори қаватидаги баҳаво хоналардан бирига жойлаштирди. Шахсан ўзи кунига уч маҳал унга овқат ташийти, бунинг устига, ҳеч бир камчилик йўқми, деб мунтазам сўраб туради.

Орадан уч ой ўтди. Тахт вориси уч ойдан буён унинг оғзини пойлаб, бирон жўяли гап кутади. Устоз эса миқ этмайди. Диққати ошиб, охири бир кун Гуан билан ўзи гаплашишга қарор қилди. Хизматкорни хонадан чиқариб юбориб, меҳмонга юзланди:

– Устоз, маълумки, дардимга дармон бўлиш учун ҳузуримга келгансиз. Бирон чора-тадбирни кўрсатиб мушкулимни осон қиладилар, деган умиддаман. Лекин мана, орадан уч ой ўтяптики, сиздан садо чиқмайди. Наҳотки, шунча вақт мобайнида жанобларида бирон фикр уйғонмаган бўлса?!

– Бу тўғрида гап очмаганингизда ҳам, барибир, сиз билан гаплашиш мавриди етиб келди, деб ўйлаб турган эдим ва мен сизга дилимда борини айтмоқчиман. Шу нарса аёнки, туёғидан ўт чақнаб турган ёш тулпор минг ли масофани бирпасда ортда қолдиради, қариб, қирчанғи бўлиб қолганида эса унинг йўли сираям унмайди. Шахзодам ёшим ўтиб, кексайиб қолганимда мендан хабар топдилар. Борингки, унга биронта арзирли чора-тадбирни ўйлаб кўриб маълум ҳам қиларман, лекин айтганларимни ҳозирги ёппа-ёлғиз ҳолатингизда эплай олмайсиз. Мен ҳам, қанча гапирмай, қариб-қартайган бу ёшимда ҳеч бир ишга қурбим етмайди. Шундай бўлса-да, уч ой ичида атрофингизни қуршаб турган одамларни зимдан, биттама-битта назаримдан ўтказдим. Уларнинг орасида, афсуски, мен ўйлаганларимни эплай оладигани кўзга ташланмаяпти. Мана, Ся Фу! Қони жўшиб турган мардонавор йигит, лекин қаҳри кўзгаганда афти-андоми дарҳол қизариб кетади. Ёки Сун И ни олайлик, мушаклари ўйнаб турган зап баҳодир, бироқ қаҳри келса, юзи якқол тундлашиб қолади. Хўш, энди У Янга разм соламиз, келбатидан от ҳурқади, лекин қаҳрланса, ранги дарҳол бўздай оқаради. Ниҳоят, Тянь Гуан ўз режасига ёлғиз Цзин Кэ деган йигит мос келишини айтиб, шундай деди:

– Ҳозирча танимайсиз, лекин у чинакамига мардонавор руҳиятли зот, муҳими, қанча қаҳрланмасин, буни асло сездирмайди. Цзин Кэнинг билими ҳам анча кенг, хотираси жойида, вужудида «Бас!» дегунча кучи бор, суяклари бақувват. Кичик нарсаларда ўзини айтарли уринтириб ўтирмаса-да, аммо йирик ишларда борлигини баралла кўрсатишни жуда-жуда истайди. У Вэй подшолигида хизмат қилиб юрибди, Вэйда ўнлаб одамларнинг бошини балолардан асраб қолганлигидан хабардорман. Албатта, атрофингиздаги йигитлар ҳам шак-шубҳасиз, уддабуро, қўлидан иш келадиган йигитлар, буни гапириб ўтирмасам ҳам бўлади.

Бироқ тахт вориси ўз олдига қўйган мақсад-муддаони фақат Цзин Кэгина рўёбга чиқара олади. Бошқаси эмас!

Шахзода устозга яна икки марта таъзим бажо келтириб, бўйрага қайтиб ўтирди.

– Шуни ишонтириб айтаманки, – деди у, – устоз маслаҳатига қулоқ тутиб, Цзин Кэ билан дўстликка эришсак, Янь подшолигида Осмон ва Ер ҳаққига қурбонликлар аташ абадул-абад давом этадиган қутлуғ одатга айланади. Ва бу одатнинг шаклланиши манбаида сизнинг улуғ хизматингиз туради, устоз!

Тянь Гуан шу заҳотиёқ ўрнидан турди. Шахзода лутфан ўзи уни йўлга кузатди, хайрлашиш чоғида эса устознинг қўлларини қўлига олиб, бир нарсани ўтинди:

– Бу давлатимиз тақдирини ҳал этадиган тадбир. Илтимос, сир ўртада сирлигича қолсин, устоз!

Шахзода унинг сўровига жавобан Гуан жилмайди ва:

– Келишдик, – деди.

Юртига қайтар экан, Гуан йўл-йўлакай Цзин Кэ билан учрашди.

– Сиз тўғрингизда шахзодага бор ҳақиқатни айтдим, – деди у, – Янь подшолигининг бу вориси дунёда тенги йўқ оққўнгил инсон. У орқаваротдан сизга меҳр-эътиқод билан боғланиб қолди, истардимки, сиз ҳам ундан ҳимматингизни аямасангиз.

Цзин Кэ унга деди:

– Табиатан шундай одамман: кимки мени бутун борлиғи билан ҳурмат қилса, ўзимни ундан аямайман. Ва ким билан гапимиз келишмаса, бундай одамга кейин қиё бурилиб ҳам қарамайман. Сиз шу топда шахзодага дўст-биродар бўлишимни сўраяпсиз. Бу таклифингизни жону дилим билан қабул қиламан, устоз.

Унинг тантилик билан қилган ваъдасини эшитгач, Гуан мамнун бўлди, шу билан бирга, у шахзода ўзига ишончсиз кўз билан қараганини ҳам айтди:

– Ҳақиқий эркак бошқаларда ўзи тўғрисида гумон уйғотмаслиги керак. Лекин Гуан шундай жиноятни қилиб бўлди, – деди-да, Цзин Кэга юзланиб туриб, бирдан тилини чайнаб ютди ва ёруғ оламдан кўз юмди.

Цзин Кэ шу заҳоти Янь подшолигига йўл олди. Янь чегараларига қадам қўйиши билан уни икки ғилдиракли шоҳона аравага таклиф этишди. Шоҳона аравада тахт вориси чап томонга сурилиб, унга фахрли жой кўрсатди. Кэ эса ҳеч бир тавозега берилмасдан, аравага сакраб чиқди-да, отлар тизгинини ўзи қўлга олди.

Саройга етиб келишгач, Цзин Кэ залда одамлар жой-жойини топиб ўтиришларини хотиржам кузатиб, бироз кутди. Сўнгра ўрнидан туриб, сарой аҳлига мурожаат қилди:

– Тянь Гуан менинг олдимда бўлиб шаҳзоданинг ғоятда олижаноб инсон эканлигини сидқидилдан таъриф тавсиф этди. У тахт ворисини, жумладан, ўз юрти ва халқи учун ниҳоятда жонкуяр, шу йўлда қилаётган ишлари Кўкнинг назарига муносибдир, деди. Фикримча, шаҳзоданинг хайрли амаллари шон-шуҳратини, чиндан ҳам, бутун Ер юзи билса арзийди. Шу важдан мен, Цзин Кэ Вэй пойтахтини тарк этиб, Янь сари йўлга тушдим. Январь ойининг қиш-қировли кунлари, йўлнинг узоқлиги ва хавф-хатарлари мени ниятимдан қайтара олмади. Бугун шаҳзода бор иззатимни аъло даражада ўрнига қўйиб, сийлаб кутиб олмоқда. Камина бундай муносабатдан беҳад мамнунман. Шу иззат-эҳтиромга муносиб бўлишни ўз бурчим деб биламан.

Тахт вориси ногаҳонда сўради:

– Устоз Тянь соғ-саломатмилар?

Цзин Кэ бошини эгди:

– Уни ватанига кузатишдан олдин, шаҳзодам, ораларингизда бўлиб ўтган суҳбат давлат сири бўлиб қолишини устозга эслатибсиз, шу кўйи сиз унга тўла ишонмаётганингизни аён қилиб қўйибсиз. Бундай гумон ор-номусли инсон учун ўлим билан баробардир. Шу боисдан устоз кўз олдимда тилини ғарчиллатиб чайнаб ютди ва жон берди.

Тахт вориси бу воқеани эшитиб, қўрқиб кетди, ранглари бўздай оқарди, кейин ҳиқиллаб ва инграб йиғлаб юборди. Дув-дув кўз ёшларини тўкиб:

– Дань бор-йўғи устозни огоҳлантирмоқчи эди, холос. Қандай қилиб бу инсондан шубҳа-гумонга боришим мумкин?! Нима қилиб қўйдим, устоз?! Шундай улуғ зотдан олам жудо бўлганидан кўра мен бу дунёни тарк этсам бўлмасмиди? деди.

Шаҳзода бу воқеадан кейин узоқ пайт ўзига кела олмасдан юрди, дарду дунёси қоронғи ва паришонхотир бўлиб қолди.

Кунлардан бирида Дань базм уюштириб, унга Цзин Кэни таклиф этди. Базм иштирокчиларининг кайфу сафолари ошиб қолганида Дань ўрнидан турди ва азиз меҳмонга шахсан қадаҳ узатди. Шунда баҳодир йигитлардан Ся Фу уларнинг ёнига келиб, Цзин Кэга юзланди ва:

– Ўз ватанида обрў-эътибор топа олмаган киши марду майдон одамларнинггина қўлидан келадиган доврўкли ишлар тўғрисида сўз очмагани маъқулдир. Ахир тулпор отларнинг сиртига яқин келмаган одам қандай қилиб шоҳона аравани бошқара олиши мумкин? Хуллас, мени бир нарса қизиқтиряпти: узоқ бир юртдан келиб қолган Цзин Кэдай бир

киши бизнинг шаҳзодамизга нима хизматни қилиб бера олар экан? – дея, унинг ҳамиятига оғир ботадиган гапни айтди.

Бироқ Цзин Ке бунга айтарли парво қилмай, жавоб қайтарди.

– Дунёдаги нодир зотларни ўз она қишлоғи кишилари билан таққослаб фикр юритган киши жиддий хатога йўл қўяди. Минг чақиримли йўлга ярайдиган тулпорни юк аравасага тиркаш ақлдан эмас. Масалан, қадимги замонда Люй-ван қассоблик ва балиқчилик билан шуғулланиб юрганида Осмон ости ерларида ундан барча ижирғанган. Кейин у Вэнь-ван билан учрашгач, ҳаётида кескин ўзгариш рўй бериб, Чжоу подшолигида устоз мақомига кўтарилди. Чопқир той туз ортилган аравани тортса, унинг нўноқ қирчангидан фарқи қолмайди. Аммо Бо Лэ сингари отбоқарнинг назарига тушса, у минг чақиримли узоқ масофанинг танобини тортадиган арғумоққа айланади. Эр кишининг шон-шуҳратини унинг ўз қишлоғида кўрсатган майда-чуйда жонбозликларига асосланиб баҳолаш тўғри бўлмаганидай, ҳар бир отнинг мақомини ҳам бир вақтлар унинг аравани тортган-тортмаганига қараб белгилаш адолатдан бўлмайди.

Шунда Ся Фу меҳмондан шаҳзодага қандай хизматни кўрсата олиши мумкинлигини қайтадан сўради. Цзин Кэ кўнглидаги муроду мақсадини изоҳлаб, шундай деди:

– Мен Янь подшолигининг Чжао Гун изидан⁶ боришини ният қиламан, Янь ерида ёввойи олма дарахтларининг мевалари етилиб пишиб, тансиқ неъматларга айланишини иштайман. Шу дарахтлар соясида ҳар бир инсон комил хулқ-атворли бўлиб ривожланса дейман. Энг эзгу ният-истагим, қадимда доврўқ қозонган уч ҳукмдор⁷ ёнига Янь подшоси тўртинчи бўлиб қўшилсин, аввал ўтган бешта шон-шуҳратли подшоликнинг⁸ қаторида бу замин олтинчи бўлиб тарихдан ўрин олсин, дейман. Хўш, менинг бу ният-истакларимга қандай қарайсизлар? – деди у ниҳоят залдагиларга қараб.

Базм аҳли Цзин Кэнинг ўзини ориятли тутишига тан беришди. Базм давомида ҳеч ким уни бирон бетамиз гап билан бошқа безовта қилишга ботинмади. Шаҳзода эса Цзин Кэнинг ўз хизматида ҳозир у нозир эканлигидан беҳад бахтиёр эди. Унинг қалбида ўктам бир ишонч уйғонди: Цзин Кэдай баҳодир ва оқил инсон ёнида экан, Цинь подшолиги бундан кейин уни зинҳор хафа қила олмайди.

Икки кун ўтгач, у Цзин Кэ билан Шарқий сарой ҳовлисида кезиб, дўстона суҳбатлашишди. Сўнг ҳовуз бўйига келишди. Ҳовузнинг суви кўзгудай тиниқ ва жимирлаб турарди. Улар бундан завқланишди. Цзин Кэ шу атрофда синиб ётган сопол синиқларининг кичик бир бўлагини олиб, ҳовуздаги қурбақалар тўдасига қараб ирғитди. Тахт вориси бундан кўриб хизматкорни чақирди ва унга бир баркаш тилла олиб келишни буюрди.

Хизматкор баркашни келтириб Цзин Кэга тутқазди. У эса энди сопол синиқлари ўрнига қуйма тилла қотишмаларини қурбақаларга қарата битта-битта ирғита бошлади. Тилла қотишмалари тугагач, шаҳзода хизматкорга баркашни яна тўлдириб келишни буюрди. Бироқ Цзин Кэ ўз эрмагини тўхтатди-да, шаҳзодага:

– Биламан, сиз мендан тиллаларингизни асло қизганмайсиз, аммо ҳовузга тилла ташлайвериб, қўлимда оғриқ пайдо бўлганлиги учун машғулоти бас қилмоқчиман, – деди.

Сўнг иккалови чиройли тулпор отга тиркалган қўш ғилдиракли шоҳона аравага ўтиришиб, сайёҳатга отланишди. Цзин Кэ йўл-йўлакай шаҳзодага:

– Тулпор отнинг, эшитишимча, жигаридан лаззатли таом қилса бўларкан, – деб қолди.

Шаҳзода дарҳол отни сўйдирди ва унинг жигаридан хушхўр таом ҳозирлатиб, Цзин Кэни меҳмон қилди.

Орадан яна бироз вақт ўтиб, Цинь ўлкасидан лашкарбоши Фан шаҳзода Дань хузурига бошпана сўраб келиб қолди. Цинь подшолигига қарши қандайдир жиноятни содир этганлиги сабабли лашкарбоши қидирувда эди. Дань унинг шарафига Хуаян минорасида базм берди. Базм қизигандан-қизиб авжига чиққанида бир гўзал канизак даврага таклиф қилинди, хоним цитра созида тенгсиз ижрочилиги билан донг таратган экан. Цзин Кэ унинг чалган куйларига маҳлиё бўлиб:

– Қандай ажойиб санъаткор экан, бу хоним! – деди завқ-шавқини яширолмай. Тахт вориси канизакни дарҳол Цзин Кэга тортиқ қилмоқчи бўлди. Цзин Кэ эса бундай саховатни рад этиб:

– Менга унинг атиги моҳир қўллари ёқди, – дея, ўз фикрига ойдинлик киритди.

Шаҳзода табассум қилди ва созанда хонимнинг қўлларини дарҳол кестириб, жилвагар яшм тошидан ясалган чиройли лаганда тахлаб олиб келди-да, чуқур ҳурмат-эҳтиром билан Цзин Кэга тақдим этди.

Шаҳзоданинг азиз меҳмон билан иноқлиги тобора ортиб борди, у билан доимо бир хонтахта атрофида ўтириб овқатланар ва бир ётоқхонада ётиб-турадиган бўлди.

Кунларнинг бирида Цзин Кэ ногаҳонда шаҳзодага мурожаат қилди:

– Мана, уч йилки, хузурингиздаман. Сиз каминанинг иззат-ҳурматини мудом жойига қўйиб келяпсиз: қурбақаларга итқитишим учун тиллангизни ҳадя этдингиз, чопқир аргумоғингизни сўйиб, жигари билан мени сийладингиз, ҳатто канизагингизнинг латиф санъаткор қўлларини мендан аямадингиз. Ҳар қандай киши бундай сийловларга дуч келса, бахтиёрлигидан, ўзини қўярга жой топа олмай қолади. Ва шаҳзода жа-

нобларининг эшигида отдай ёки итдай ётиб хизмат қилишни ўз бурчи деб билади. Дарвоқе, тахт ворисининг ёнида эканман, мен Цзин Кэ, Янь подшолигига садоқат намунасини кўрсатиб, мардларча ҳалок бўлган айрим қаҳрамонлар тўғрисида анча-мунча ҳикояларни эшитдим. Таърифлашларича, улардан баъзиларининг ҳалокати Янь аҳолиси бошига Тайшань тоғидан ҳам вазминроқ қайғуни келтирган ва уларни ҳамон меҳр-муҳаббат билан бу ерда хотирлашмоқда.

Цзин Кэни диққат билан тинглаган шаҳзода, аввал, унинг ҳурмати учун ўз либосининг этагини қайириб камарига илди, сўнгра анча муддат ўйга толиб, кўнгил сирларини баён этди:

– Қачонлардир Цинь подшолиги саройида эрксизликда яшадим, келиб чиқишим мўътабар оиладан бўлса-да, подшоҳ менга оддий бир инсонга кўрсатиладиган эътиборни ҳам раво кўрмади. Аксинча, қўлидан келганича таҳқирлади. Бундай кимса билан бир замонда яшаётганимдан афсусдаман. Цзин Кэ эса мени ўзига муносиб бир дўст деб билади, у ўз ташрифи билан Янь ерининг нуфузини оширди. Мен Цзин Кэни подшолигимизни ёмон кўзлардан асраш ишига ўзини бағишлаган муҳтарам сиймоларимиз қаторида кўраман.

Цзин Кэ кўнглида борини яширмай, очиқчасига сўзлади:

– Ҳозирги кунда Осмон ости ерларида Циндан кучлироқ подшолик топилмайди. Сизлар эса ён-атрофдаги мамлакатлар, албатта, ҳисоблашадиган ва хавотирланадиган даражада кучли эмассизлар. Бунинг устига, шаҳзодамизнинг нияти ва режаларига кўни-қўшни подшоҳликларнинг бош қўшишлари ҳам амри маҳол. Шаҳзода Дань мамлакатининг бор кучини тўплаб Цинга қарши ҳужумга ташлади ҳам дейлик, аммо бу баайни қўй сурувини бўрилар галасига рўпара қилишдан бошқа нарсамас. Ёки боринги, бўрилар тўдасини бамисоли шерни таъқиб қилиш учун жўнатгандай бўласизлар.

Тахт вориси Цзин Кэ айтган ҳақиқатни бор вужуди билан ҳис этиб турган эди.

– Мана, неча йилки, худди шу ҳолат мени қийнаб келяпти, – деди у, – аммо бунга қарши бирон чорани излаб топишим ҳам осон бўлмапти.

Шунда Цзин Кэ ўз таклифини айтди:

– Фан Юй-ци Цинь олдида гуноҳкор ҳисобланади ва Ци подшоси қочқин Фанни қўлга олишни истайди. Айни пайтда Цинь ҳукмдори Дукан ерларини ҳам ўз итлатига олиш пайида юрибди. Агар қўлимизда Фаннинг боши ва Дукан ерларининг харитаси бўлса, муддаоларимизга йўл очилар эди.

Шаҳзода бунга жавобан шундай деди:

– Агар бошлаётган ишларимиз омадли тугаса, сизга бутун Янь подшолиги ерларини ҳады этишга тайёрман. Ҳатто бундан мен мамнун бўлардим. Лекин лашкарбоши Фан менинг ҳузуримга бошпана излаб келган жабрдийда инсон. Уни ушлаб Цинь подшосига топширишга сира рози бўла олмайман.

Цзин Кэ лом-мим демади.

Шундан кейин беш ой ўтди. Шаҳзода «Цзин Кэ ўз режасидан айнаб қолмаса эди» деган хавотир билан яшади. Бир куни у Цзин Кэга яна дилидаги тахминлардан сўз очди:

– Цинь подшолиги Чжаони тор-мор этди, уларнинг қўшини Янь чега-раларига яқинлашиб қолди, таҳликаш ошгандан-ошяпти. Мен сиз айтганингиздай йўл тутишга ҳам тайёрман, фақат ҳаракатимни нимадан бошлашни билмаяпман. Балким, бу борадаги дастлабки қадам сифатида У Янни Цинь подшоси саройига элчи қилиб жўнатармиз?

Цзин Кэнинг бу гапдан жаҳли чиқиб кетди:

– Нега энди ғўр болакайни у ёққа жўнатиб, бекордан-бекорга қурбон қилишимиз керак? Мен, Цзин Кэ, ўйлаганларимизни амалга ошириш учун, барибир, энг қулай шарт-шароит вужудга келишини пойлаб ҳозирча ҳаракатсиз ўтирибман.

Шундан кейин, кўп ўтмай, Цзин Кэ фавқулодда ҳаракатни амалга оширди-ю, ҳеч кимга билдирмасдан Фан Юй-ци қошига келди.

– Эшитдимки, лашкарбоши, Цинь подшосига қарши аллақандай жиний иш қилгансиз, – деди у, – бунинг оқибатида отангиз, онангиз, хотинингиз ва фарзандингизни қўлга олишиб, барчасини гулханда ёқишган. Ўзингизни бошингиз учун эса мукофот эълон қилишибди, яъни сизни тутиб Цинь подшосига элтадиган киши бутун бошли шаҳарга эга бўлади, устига-устак, қўшимчасига яна минг дона Цзин олтин танга олади. Албатта, қисматингиз мени ачинтиради, лашкарбоши. Бироқ сизга бир саволим бор: «Бундай оғир руҳий азоблардан қутулишга, айна бир вақтнинг ўзида, Янь ерларини ҳам жазоланишдан асраб қолишга тайёрмисиз?»

Фан жавоб қилди:

– Мени ҳам шу ўйлатаяпти. Дилим кечаю кундуз азобда, лекин қандай йўл тутсам бўлади, билмайман, аросатдаман. Мабодо, жаноб Цзин бирон йўл кўрсатса, мен уни тинглашга тайёрман.

Цзин Кэ гапнинг дангалига кўчиб, шундай деди:

– Менга сизнинг бошингиз керак. Ҳа, бошингизни Дукан ерларининг харитасига қўшиб Цинь подшосига тақдим этмоқчиман. Цинь подшоси бундай совғадан хурсанд бўлади, хурсанд бўлгач, беихтиёр камина Цзин Кэни кўришни хоҳлаб қолади. Ўшанда Цзин Кэ Цинь подшосига

юзма-юз қилиб, чап қўли билан унинг енгидан маҳкам тутуди, ўнг қўли билан эса кўксига қилич санчади. Цзин Кэ подшоҳнинг Янь ери олдидаги барча айбларини юзига айтиб солади. Мен айна пайтда, сиз учун ҳам қасос олган бўламан, лашкарбоши! Шунда ҳамманинг кўз ўнгида Цинь подшосининг туҳфасини ўз бағрига олган қасос тепалиги пайдо бўлади. Унинг қорлари Янь ерларини ҳам оқартиради ва мусаффо оқ кенгликдан руҳингиз таскин топиб, қалбингизни эзиб келаётган ғазаб-нафрат ҳис-туйғулари ҳам ором топади. Фан ўрnidан турди. Билак узугини қаттиқ ғижимлади, шу кўйи, руҳиятида уйғонган ўзгаришнинг қатъийлигини тасдиқ этди. Кейин қиличини қинидан суғуриб олиб Цзин Кэга деди:

– Сизнинг матонатли аҳдингиз шу кечаю кундузда кўнглимда кечаётган ўйларимни ойдинлаштирди.

Лашкарбоши шундай дея қўлидаги қилични қўлида сермади. Жонсиз калласи елкасига осилиб қолди, кўзларини эса юмишга ҳам улгурмаган эди.

Шаҳзода Дань бундан хабар топиб, сакраб аравага ўтирди, отни ўзи қамчилади ва зум ўтмай, ўлим юз берган жойга етиб келди. У Фаннинг жасади устига ўзини ташлаб хўнграб-хўнграб йиғлади. Шаҳзоданинг дарду ҳасрати чексиз эди.

Кейин ўзига келиб, ҳеч нарсани тузатиб бўлмаслигини тўла англаб етгач, у Фан Юй-цининг узилган бошини баркашга жойлашни буюрди ва уни Дукан ерларининг харитасига қўшиб Цинь подшолигига жўнатишга ҳозирлади. Цзин Кэ баҳодир йигит У Янь кузатувида «совғалар»ни олиб Цинь элига йўл солди.

Шаҳзода ва Цзин Кэнинг саройда орттирган бир гуруҳ дўстлари дағал канош матодан тикилган оддий кийимларда ва безаксиз – ҳашамсиз бош кийимларда уларни Ишуй дарёси кўпригигача кузатиб қўйишди. Кузатиш чоғида цитра созидан ғамгин куй таралиб турди, баҳодир йигитлар кўзёшларини тия олмай қолдилар. Шу топда Цзин Кэ бир зумга тўхтаб, шаҳзодага узоқ умр тилаб қадаҳ кўтарди ва куйлай бошлади:

*Изғирин юзни ялар. Ишуй кўкси муз, дандон,
Ботир йўлга тушади, уйга қайтмоғи гумон.*

Гао Цзянь унга ўн уч торли цитра созида жўр бўлди, Сун И эса Цзин Кэга қўшилиб куйлай бошлади. Цитра торлари мардонавор оҳанг таратганда уларнинг сочлари хурпайиб, гўё бошларида қалпоқлари кўтарилаётгандай бўларди. Цитра ғамгин нола қилганида эса йигитларнинг кўзлари ёшланди.

Ана, икки киши шоҳона аравага кўтарилди ва шу ондан бошлаб орқаларига бурилиб қарамай қўйдилар. Арава кузатувчилар ёнидан ўтаётганида эса Ся Фу ногаҳонда бўғзига пичоқ тортиб юборди. У Цзин Кэга шубҳа билан қараганимдан чуқур афсусда эди. Бундай қалб қийноғидан қутулишнинг ўзга йўлини топа олмади...

Цзин Кэ ва У Янь йўл устидаги Янда қишлоғига араваларида кириб келишди. Цзин Кэ дўкандан гўшт харид қилмоқчи бўлди. Лекин қассоб билан тарози устида гап таллашиб, «сену мен»га бориб қолишди. Қассоб аллақандай ёмон сўзни айтиб, Цзин Кэни ҳақорат қилди. Жаҳли чиққан У Янь бирдан қиличини яланғочлади, аммо Цзин Кэ уни тўхтатиб қолди.

Улар Цинь ерларига ғарб томондан кириб келишиб, унинг пойтахти Шинжонга қадам қўйдилар. Саройга қадамлари етганда Мэн исмли хизматкор Цинь подшосига буни маълум қилиш учун унинг ҳузурига югуриб кетди.

– Янь шаҳзодаси Дань қудратли ҳукмдоримизнинг салобатидан ҳайқиқиб, жаноб олийларининг назарига тутмоқ учун баркашда хоин Фан Юй-цининг кесилган бошини ва Дукан ерларининг харитасини ўз элчилари воситасида йўллабди. Шу йўсинда, у шимолий чегаралардаги содиқ вассалингизга айланишни ният қилибди, – деди у ҳукмдорга.

Цинь подшоси бундан ниҳоятда қувонди ҳамда кўпдан-кўп сарой аъёнларининг қуршовида ва кўлларида шохдор найза тутган бир неча юз соқчиларнинг бевосита ҳимоясида Янь подшолиги элчилари қошига чиқиб келди. Цзин Кэ подшога таъзим билан кўлларида Фан Юй-цининг кесилган боши солинган баркашни тутиб турар, У Янь эса харита ўрамини кўтариб олган эди. Бирдан ноғора ва бутхона кўнғироғининг садолари бараварига, аралаш-қуралаш садо бериб, сарой оломони «Буюк подшоҳимиз кўп яшасин, ўн минг йиллар мобайнида омон бўлсин!» дея бараварига ҳайқириб хитоб қилишга киришдилар. У Янни кўрқув босди, оёқларини турган жойидан уза олмасди, афти-башараси эса ваҳимадан ўликниқидай кулранг тусга кирди. Цинь подшоси уни таажжуб билан кузатиб турарди. Шунда Цзин Кэ ҳам У Янга еб қўйгудай қаҳр билан тикилди ва чаққонлик билан унинг ёқимсиз авзойини тўсиб, олдинга чиқди ва Цинь подшосига узр оҳангида мурожаат қилди:

– Биз, осий бандалар, шимолдаги ёввойи табиатли халқ ва жанубдаги мань қабиласининг фарзандларимиз. Шу пайтгача қудратли Осмон Ўғли⁹ни ҳеч қачон кўрмаганмиз. Ҳаяжонимиз сабаби шу. Жаноби олийларининг марҳаматидан умидвормиз, улуғ шоҳ бошланган қутлуғ ишларимизни муваффақиятли яқунлашга имконият яратадилар, деб ишонамиз.

Подшоҳ Цзин Кэга амр қилди:

– Харитани олиб, яқинроқ кел.

Подшоҳ харита ўрамини аста ёя бошлади. Ўрам тугай бошлаганида эса орасидан қиличнинг ўткир учи кўринди. Шунда Цзин Кэ чап қўли билан подшоҳнинг енгидан маҳкам тутди, ўнг қўлига харита ичидан қилични эпчиллик билан суғуриб олиб, подшоҳнинг кўксига зарба беришга чоғланди. Аммо подшоҳни ўлдиришдан олдин унинг айбларини бир-бир санаб ўтишни лозим топди:

– Сен Янь эли бошига қандай кўргуликларни солмадинг?! Энди бўлса тўрт денгиз орасидаги барча ерларни забт этишни ўйлаяпсан. Очофатлигинг чеку чегара билмаяпти. Фан Юй-ци олдинда ҳечам айбдор эмасди, лекин сен унинг бутун уруғини қириб ташладинг. Бугун Цзин Кэ сени маҳв этиб, бутун Осмон ости ерлари учун қасос олишни ўзига мақсад қилган. Янь подшосининг онаси оғир бетоб, худди шунинг ўзи қасосни тезлаштиришимга бош сабабдир. Омадим келса, сени тириклай ўша муҳтарама зотнинг олдига олиб бораман, бунга улгурмасам, шу ернинг ўзида жонингни оламан.

Цинь подшоси ўзини ночор бир бандадай тутиб унга мурожаат қилди:

– На илож, тамомила инон-ихтиёрингданман. Фақат бир ўтинчим бор: ҳаётим сўнгида бир марта бўлса-да, цитра созини тингламоқчиман, кейин, майли, билганингни қил.

Хизматкорлар ҳукмдорнинг канизагини чақириб келишди. Унинг цитра торларига бармоқлари тегиши билан атрофга нозик садоли оҳанглар таралиб, канизак қўшиқ куйлай бошлади:

*Майин ипак кўйлак енгини
Тортқилаш ва узиш қийинмас.
Саккиз ли баландлик тўсиқ бўптими,
Ошиб ўт, қоч, бир сакрасанг, бас!
Нақ ортингда қилич-ку тайёр,
Қиндан чиқар, тезда ишга сол!*

Цзин Кэ цитра тилини тушунмас эди. Подшоҳ эса цитра забонини балодай ўзлаштирган эди. У ортига чаққон бурилиб, ғилофда турган қилични суғурди. Цзин Кэ чангалида турган либосининг енгини қилич билан шартта узиб ташлаб, ундан қутулди. Олдидаги тўсиқдан сакраб ўтиб қочиб қолди. Шошиб қолган Цзин Кэ подшоҳнинг ортидан ханжарини отди. Ханжар жездан тикланган баланд устунга бориб тегиб, подшоҳнинг, бор-йўғи қулоғини енгил яралади. Устундан чор-атрофга учқунлар сачради. Подшоҳ ногаҳонда ортига бурилди-да, қиличини бир сермаб,

Цзин Кэнинг икки қўлини чўрт узиб ташлади. Цзин Кэ устунга суяниб, телбавор бир оҳангда хохолаб кулди. Кейин зинапояга ўтирди. У баайни ахлатга чиқариб ташланган белкуракка ўхшаб қолган эди. Цзин Кэ ўзига-ўзи танбеҳ бериб сўзланди:

– Тадбиримни миридан-сиригача ўйлаб кўрмаганимни қаранг-а? Мана, мисим чиқиб, ёш боладай алданиб ўтирибман. Янь ерини омон асраб қололмадим, бунинг устига, мард бир инсонни бекордан-бекор бошидан жудо этдим. Лашкарбоши Фан Юй-ци! Олдингизда то абад гуноҳқорман. Сизни кўяверинг, ўзимни ўзим кечира олмайман!

Изоҳлар

«Янь шаҳзодаси Дань» қиссаси «Қадимги қиссалар» (I–VI асрлар) тўпламидан ўрин олган. Унда Хитой парчаланиб, олти давлатга бўлиниб кетган пайтларидан ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётнинг айрим жиҳатлари ўз аксини топган. Ватан ва халқнинг мустақиллиги, эмин-эркин ривожланиш ғоялари асарнинг марказида туради.

1 Янь подшолиги – Милоддан олдинги V–VI асрларда, қудратли Чжоу давлати парчаланиб кетиб, унинг харобалари ўрнида катта-кичик подшолик вужудга келган эди. Янь подшолиги мустақилликка эришган ана шу подшоликлардан биридир. Бу кичик давлатлар бир неча аср эркинликда яшаган. Янь – Ишуй дарёсининг шимолий томонидаги ерларда жойлашган. Куч-қудрати ўзига етарли бўлган Вэй подшолиги билан чегарадош эди. Янь ерларида Янь ва Мань уруғларига мансуб аҳоли истиқомат қилган. Милоддан аввалги III асрларда йирик ва қудратли Цинь (Чин) давлатига қўшиб олинган.

2. «Цинь (Чин) ўлкаси» – Қадимги Хитойдаги йирик давлат. Ён атрофидаги кичик подшоликларни бирин-кетин босиб олиб, милоддан олдинги III асрда, қудратли империяга айланди. Цинь (Чин) салтанатининг қадимги пойтахти ҳозирги Цинь-Чжоу вилоятининг Ханьсу шаҳарчаси ўрнида эди. Милоддан олдинги II асрда, қирол Цинь Ши Хуанди даврида Ер юзининг машҳур тарихий ёдгорликларидан бири – Буюк Хитой деворининг қурилиши бошланган. Цинь Ши Хуанди шафқатсиз ҳукмдор эди. Масалан, унинг давлат бошқарувига эътироз билдирган конфуцийчи олимларнинг баъзиларини тириклай ерга кўмган, қолганларини Буюк Хитой девори қурилишида чидаб бўлмас оғир ишларга мажбурлаб, кўпларини ўлдиртириб юборган.

3. «Осмон ости подшоликларининг...» – Осмонни қадимги хитойликлар ота ва она ўрнида кўришган. Уларнинг тасавурида Осмон Ердаги ҳаётни, одамларнинг қадам олишини, феъл-атворини доимо назорати остида ушлайди, ҳар гал адолатли ҳукм чиқаради, йилларни гоҳида файзли-баракали қилса, гоҳида қурғоқчил, беунум, камбағал-қашшоқлик палла-

ларига айлантиради. Хитойнинг «Осмон ости мамлакати» («Тянься») деб аталиши ҳам худди шундай мифологик дунёқараш билан боғлиқдир.

4. «Тўрт денгиз оралиғидаги подшоликларнинг...» – Хитой ерларини Япон денгизи, Сарик денгиз, Шарқий Хитой денгизи, Жанубий Хитой денгизи каби улуғ сувликлар жанубий-шарқий томонлардан ўраб туради.

5. «...Жанубий ёввойиларнинг...» – Маълумки, қадимги Хитой кўчманчи қабилалар қуршовида яшаган ва улар тўхтовсиз хитойликлар устига бостириб келавериб, уларни тинка-мадорини кетказишган. Шундай қабилалардан бири Хитойнинг жанубий чегараларидаги Хунлар эди. Улар юз йил мобайнида Хитой аҳолисига тиним бермаган. Хитой аҳолиси Хунлардан ўзларини ҳимоя қилиш учун бундан 20 аср аввал, яъни милоддан олдинги III асрда Буюк Хитой деворини бунёд этишган. Хитойликлар назарида, Хунлар «жанубдаги ёввойилар» эдилар.

6. «Чжао Гун изидан...» – Милоддан олдинги XII асрда Хуанхэ дарёси ҳавзасида, Хитойнинг марказий ерларида Чжоу қабиласи кучи ва шижоати билан вужудга келган кучли марказлашган давлат «Чжоу подшолиги» деб аталади. Милоддан олдинги VI–V асрларгача ҳукм суриб келган. Бу давлатда қонунчиликка қатъий амал қилинган. Чжоу подшолигида қонунчилик турли қабилалардан иборат мамлакат аҳолиси амал қилиши лозим бўлган ижтимоий-ахлоқий меъёрлардан иборат эди. Шу боисдан Чжоу давлати анча узоқ (600–700 йил мобайнида) яшади. Парчаланган Чжоу подшолиги ерларини эгаллаган ҳукмдор Цинь ҳам қонунчиликка катта эътибор қаратган. Аммо қонунчиликка ёндашуви тамомила бошқача эди. Цинь (Чин) ҳукмдори Цинь Ши Хуанди даврида қонунлар – оммавий таъқиб, зўравонлик, шафқатсизлик қуролига айланди. Шафқатсизлик эса оммавий норозиликларни келтириб чиқарди. Оқибатда, Цинь подшолиги узоққа бормади, атиги 15 йил ҳукм суриб, тарих саҳнасидан тушиб кетди. Юқоридаги ҳикоя қаҳрамони Цзин Кэ қадимги Чжоу давлатидаги инсонийликка асосланган қонунчиликни қадрлайди. У бундай умуминсоний тартиб-интизом Янь давлатида ҳам бўлишини орзу қилади.

7 «Уч доно ҳукмдор...» – бу ўринда Хитой тарихида мавжуд қадимги Ся, Инь ва Чжоу подшоликлари кўзда тутилмоқда. Уларда, ҳар ҳолда ўз даври шарт-шароитларидан келиб чиқилган ҳолда оқилона давлат бошқарувлари йўлга қўйилган эди.

8. «...аввал ўтган бешта шон-шуҳратли подшоликлар...» – академик Н.И. Конраднинг маълумот беришича, Хитой тарихида Ся, Инь, Чжоу ва Цинь давлатлари ҳукм сурган. Ҳикоя қаҳрамони Цзин Кэ, афтидан, ўз сўзида шу улуғ қадимги давлатлар сафида Янь подшолиги ҳам тарихда қоладиган олтинчи буюк давлат даражасига кўтарилишини орзу қилаётир.

9. «Осмон Ўғлини...» – Осмонга топинган қадимги хитойликлар мамлакат раҳнамоси бўлган салтанат соҳиблари – қироллар ва подшоҳларни Осмоннинг Ердаги вакили, Осмон ҳукмини Ерда ўтказиш тақдирига битилган қудратли кишилар деб билишган. Уларга сидқидилдан итоаткор бўлишган.

ЧЖАО – ШҮҲ ҚАНОТЛИ ҚАЛДИРҒОЧНИНГ ҚИСМАТИ

Малика Чжао болалигидаёқ «Шүх қанотли қалдирғоч» лақабини ортирган эди. Чунки ўта шүх, тийиқсиз, доимо хушчақчақ қизалоқ эди. У Фэн Ван-цзиннинг қизи эди, Фэн Да-ли эса бобоси бўларди. Фэн Да-ли ўғли Фэн Ван-цзинни ўзи сингари созгар уста бўлишини жуда-жуда истарди. Шундай қилса, ўғли, аввало, бир ишончли касб соҳибига айланиб, келгусида бемалол рўзгорини тебрата олар эди. Иккинчидан, янада муҳими, созгар уста ўз касбининг ворисига эга бўларди. Бундай касб, Фэн Да-лининг назарида, ҳаммага ҳам насиб этавермайди, чунки созгар фақат уста эмас, унинг қалбида ноёб неъмат – созга, мусиқага, оҳанглар дунёсига адоқсиз муҳаббат ҳам бўлади. Қалбингда мусиқага муҳаббат бўлмаса, созгар ҳам бўла олмайсан. Ахир ҳар бир соз ўхшаши йўқ бир ажойиб оҳангга эга. Бу оҳангни бошқа соз бера олмайди. Фэн Да-ли бузилган созни тузатар экан, оҳангига бутун борлигини бағишлаб кулоқ тутуди, соз ўша жонбахш оҳангни бағридан таратса, тарата олса, уста сидқидилдан бир жилмаяди. У жилмайдими, бўлди – демак, соз тайёр, тузалди, сафга тўла кирди. У энди базм давраларининг қайтадан безагига, жонига, роҳатига айланади. Устага шу керак! Фэн Да-ли ўғлини шогирдликка қабул қилиб олиб, унга қўлида, кўнглида нима бўлса, буларнинг барчасини бериб, мерос қилиб қолдириб кетиш ниятида эди.

Аммо Ван-цзин ота касбини эгаллашни истамади. Лекин Фэн Да-ли бундан хафа бўлмади, аксинча, хурсанд бўлди. Чунки вояга етиб келаётган ўғлининг саройда мусиқа бобидаги нуфузи отасиникидан баландроқ бўлди. Сабаби, Ван-цзин куй ва қўшиқлар яратувчи бастакор ва хонанда сифатида нафақат танилди, балки севимли, арзанда инсон бўлиб қолди. Хусусан, марҳумлар хотирасига марсиялар бағишлаш Ван-цзиннинг севимли машғулотиغا айланди. У ҳаётни, атрофидаги одамларни севарди. Аммо бир кун келиб, ўзи яхши кўриб қолган бу одамлар ногаҳонда вафот этса, қалби ларзага келар, атрофдаги ёруғ олам кўз ўнгида хиралашиб, ҳувиллаб қолгандай туюларди. Унинг ғамгин оҳангли марсиялари шундай пайтларда туғиларди. Марсияларни у «Қалбларни сеҳрлайдиган санъат» деб атарди. Чиндан ҳам, унинг қайғули мусиқий

асарларини тинглаган одамларнинг дарду дунёси остин-устун бўлиб кетарди.

Энди воқеаларнинг бу ёғини эшитинг. Кексайиб қолган Цзянду подшосининг ворислик даъвосига эга бўлган қиз невараси Гусу хоним келиб чиқиши цзянсулик бўлган Чжао Мань исмли бир чжунвей'га турмушга чиққан эди. Мань деганлари бастакор Ван-цзин билан шу қадар қалин дўст бўлиб қолдики, улар мунтазам бир дастурхон атрофида ўтириб овқатланишар, шундай қилишмаса, еган-ичганлари ҳеч бирига татимасди. Аммо бу яқинлик ғалати оқибатларга ҳам олиб келди. Ван-цзин дўсти Манниқига борди-келди қилиб юриб, охир-оқибатда, унинг жуфти ҳалоли Чжао Мань билан ишқий алоқага киришиб қолди. Бу яширин ишлардан сўнг Чжао хоним ҳомиладор бўлди. Ҳомиласини эса эридан сир тутишга мажбур эди.

Сабаби, Мань табиатан ўта рашкчи ва феъли тажанг киши эди. Шу бадфеъл эр ўз хотинининг ҳомиладорлигидан хабар топса, ҳаёти нима билан тугашини ёлғиз Яратганнинг ўзи биларди. Чжао эридан ҳомила орттира олмаслиги аниқ. Чунки Мань авжи йигит ёшида аллақандай бир дардга чалиниб, хотини билан ишқий алоқаларга ярамай қолди. У ниҳоятда тушкун кайфиятда эди. Рашкчилиги ва тажанглиги ҳам шунинг оқибати бўлса, ажабмас.

Чжао хоним эрининг қўрс феъл-атворидан чўчиб, ҳомиласи кўзга ташланар-ташланмас бир пайтда ўзини оғир бетобликка солди-да, кекса подшоҳ отасининг саройига кўчиб ўтди. Эри билан кўришмай қўйди. Бу ерда малика биратўласига эгизак фарзанд кўрди. Дунёга эртароқ келган қизалоғига И-чжу деган исм қўйди, эгизагини эса Хэ-дэ деб атади. Орадан кўп ўтмай, норасида қизалоқларни ўсиб-улғайтириш учун асл оталари бўлган Вань-цзин ихтиёрига жўнатиб юборишди. Қизалоқларнинг таваллудини сирлигича қолдириш учун уларни Чжоу деган ёлғондакам ота номига расмийлаштиришди.

Эгизакларнинг каттаси И-чжу жуда ақлли ва уқувли бўлиб ўсди. Ван-цзин хонадонда машҳур ҳаким Пэн-цзунинг томир уришини аниқлашга оид китоби сақланар эди, шу китобни мутолаа қилавериб И-Чжу инсоннинг нафас олиш йўллариини даволаш ҳунарини эгаллади. И-Чжу гўзал қадди-қоматли қиз бўлиб вояга етди, қадам олишлари чаққон, учиб-қўниб юрар, шу боисдан унга Фэй-янь, яъни «Шүх қанотли қалдирғоч» деган лақабни беришди.

Хэ-дэнинг танаси силлиқ ялтираб турарди, ҳўл баданига мой суртилгандай эди, шу сабабли ҳаммомдан кейин унинг терисида намчилликдан асар ҳам сезилмасди. Боз устига, киройи хонанда эди, овози

ниҳоятда ёқимли, куйлаганида оҳанг оҳиста ва майин куйилиб келарди. Опа-сингиллар чирой-хуснда тенгсиз эдилар.

Ван-цзин вафот этганидан кейин оиласи тўзғиб кетди. Опа-сингиллар ўз ҳолига ташлаб кўйилди. Фэй-янь синглиси билан Чаньянга кўчиб кетишди. У ерда уларни Чжаонинг қизлари ёки Маннинг четдан орттирган зурриётлари сифатида яхши билишарди.

Опа-сингиллар Чжао Линь яшаган тор кўчадаги хонадонлардан бирида яшай бошлашди. Чжао Линь Янь-э хонимнинг саройи кўриқчиларининг сардори эди. Чжао Линнинг ҳомийлигига умид боғлаган опа-сингил бўш пайтлари ўзлари тикишган чиройли кашталаридан унга дам-бадам совғалар қилиб туришарди. Ҳар гап совға олганида Чжао Линь қизариб-бўғриқиб кетар, лекин қизларнинг атаганларини ҳечам қайтармасди. Тез орада қизлар Линнинг уйига кўчиб ўтишди, бу даргоҳда уларни ўз қизларидай кутиб олишди. Линнинг ўз қизи ҳам бўлиб, ўша кезларда саройда бекалик қиларди. Аммо дардманлиги сабабли саройни тарк этди ва кўп ўтмай, ёруғ оламдан кўз юмди. Ҳаётлик пайтларида бетоб бўлиб қолса, Фэй-янь саройга бориб, унинг хизматини бажарар, йўқлигини билдирмай юрарди. Хонадон соҳиби Янь-э хоним вафот этгач, Фэй-янь синглиси билан батамом сарой хизматида ёлланишди.

Ҳали оддий хизматкорлик пайтларидаёқ опа-сингиллар машҳур раққосалар ва кўшиқчи санъаткорларга орқаворатдан тақлид қилиб юришиб, куйлаш ва рақс тушиш ҳунарларининг сир-асрорларини тўлиқ ўзлаштиришган эди. Улар кунларини кўшиқ тинглаш билан ўтказар, гоҳида бундай вақтихушликка шу қадар берилиб кетишардики, овқат маҳалини ҳам унутиб кўйишарди. Тез орада улар пулга ва чиройли либосларга муҳтожлик сеза бошладилар, чунки бор пулларини баданни мойлаш, чўмиладиган сувларига хушбўйлик топиш, упа-элик харид қилиш кабиларга сарфлаб бўлишган, бундай эрмаклар учун топганларини аяшмас эди. Янь-э хонадонидаги жамики хизматкорлар уларни жиннига чиқариб кўйишган эди.

Бу орада Фэй-янь ўзларига девор-дармиён кўшни бўлиб яшаётган қиролнинг шикорбеги билан апоқ-чапоқ бўлиб олди. Фэй-янь қашшоқ-камбағал қиз эди, синглиси Хэ-дэ билан бисотларида мавжуд увадаси чиқиб кетган кўрпага ўралиб ухлашар эди. Қорли бир оқшомда Фэй-янь уйлари ёнида ўша шикорбегини пойлади. Шикорбеги қизнинг муздай совуқ кўча бетиде энгил кийимда турганлигини, лекин аёзда жунжикиб титрамаётганини кўриб, жуда таажжубланди. Қиз табобат китобини ўқиб, нафасини чуқур ушлаб туриш орқали вужудидаги ҳароратни сақлай олиш усулини ўзлаштирган эди. Шикорбеги кейин ҳам уни бир неча бор шундай чаққон ҳолатда кўрди ва шу-шу, Фэй-яннинг табиатан шаддодлигига

ич-ичидан тан берадиган бўлди. Кўп ўтмай, хонадон бекасининг ёрдами билан Фэй-янь саройга йўл топди ва қирол уни зудлик билан ўз ҳузурига чорлади. Қизнинг холаси Фань-И эса олий ҳазратларининг хобхонасида оқсочлик қиларди ва жиянининг қирол шикорбеги билан илакишиб юришидан хабардор эди. Шу боисдан ҳам тийиқсиз қариндошининг қирол эътиборига тушганини эшитиб, юраги така-пука бўлиб кетди.

Қирол билан илк учрашув қизнинг ўзи учун осон кечмади. Аввалига, бошини қўллари орасига бекитиб олиб йиғлашга тушди, кўзёшлари иякларидан оқиб либосини ҳўл қила бошлади. Қўрқиб кетганидан қиролга пешвоз чиқа олмади. Аммо учрашишгач, қирол уч кеча мобайнида уни оғушидан кўйиб юбормади, бироқ каловланаётган қизга яқинлашмади ҳам. Шундай бўлса-да, қиздан ранжиш унинг хаёлига ҳам келмади. Саройда аввалдан қиролнинг илтифотида сазовор бўлиб юрган хонимлар унинг янги канизак тўғрисидаги фикрини билишга ошиқишарди.

– Ажойиб қиз, – деди қирол, – ҳар жиҳатдан мукамал қилиб яратилган, бениҳоя майин-мулойим, гўёки суяклари йўқдай. Гоҳида ўта хотиржам, гоҳида тортинчоқ, гоҳида латиф бир ҳаракатлар билан менга яқин келади ва шундай аснода узоқлашади. Энг муҳими, Фэй-янь – бурч ва фазилатлар эгаси. Нимасини айтасиз, қиёси йўқ! Дуч келган ялангоёққа қош қоқиб нозу фироқлар қилишни ҳунарига айлантирган, сиз, ойимчалардан тамомила фарқ қилади.

Охир-оқибатда, қирол Фэй-яннинг васлига эришди.

Ўша кундан бошлаб қирол Фэй-янга парвона, ёнидан кетмайди. Атрофдагиларнинг тили эса уни «Малика Чжао» деб аташдан бошқа нарсани билмай қолди.

Бир куни қирол ҳазратлари «Ажралмас ўрдакчалар» зали ёнидаги овлоққина дам олиш хонасида ихтиёридаги канизакларнинг рўйхатини кўздан кечириб ўтирган эди. Оқсоч Фань-И унга бу борадаги ишлар тўғрисида атрофлича маълумот берди ва гап орасида, Фэй-яннинг Хэ-дэ исмли кўркем, келишган, тарбияли етук синглиси ҳам борлигини қистириб ўтди.

– Менга ишонинг, ҳазрати олийлари, – деди у, – мафтункорликда малика опасидан сираям қолишмайди.

Қирол дарҳол саройдаги Люй Янь-фу исмли хизматкорини ҳузурига чорлаб, хазинадан юз танга ва Ҳумо куши тасвири акс эттирилган жилдор нефрит тоштахтачани олиб, зудлик билан Хэ-дэ ҳузурига боришни ва уни саройга келтиришни буюрди. Бироқ Хэ-дэ бу олий таклифни қабул қилолмади.

– Бирдан-бир қимматли опамнинг розилиги билангина сизларга эрғашиб саройга боришим мумкин. Акс ҳолда, бошимни чопиб ташлаганларингда ҳам бунга кўнмайман, – деди.

Янь-фу қизнинг айтганларини оқизмай-томизмай қиролга етказди, шундан кейин оқсоч бека Фань-И гўёки қирол эҳтиёжлари учун зарур бўлиб қолганлигини баҳона қилиб, малика Фэй-янга тегишли бўлган ва хайр-эҳсон тадбирлари пайтида фойдаланиладиган бежама каштали адебини ундан сўраб олди-да, уни Хэ-дэга малика опасининг розилиги аломати сифатида жўнатди. Хэ-дэ қайтадан ҳаммом қилди, Цзюцюдан келтирилган ўткир хушбўй ҳидли алоэ суюқлигини бутун танасига пуркади, кейин афти-ангорини безашга киришди: сочларини «янги таъб» талабига асосан бошига чамбарак қилиб турмаклади, қошларини қора тўш бўёғи ёрдамида «олис тоғлар манзараси» услубида эгилтирди ва чехрасига қизил ясама хол туширди-да, пардоз-андозини яқунлади. Ушбу пардоз-андоз «юнлай», яъни «қўл учи тегиб-тегмай бажариладиган пардоз» деб аталарди. Эгнига киядиган тузук-куруқ кийими ҳам йўқ эди, шу боис «борига барака» қилиб одмигина калта энгли кўйлагини ва олд тарафи гулдор каштали юбкасини кийди, қўшимчасига, олхўри доналари тасвири туширилган пайпоғини оёғига илиб олди.

Қирол эса унинг учун деворида булутли осмон манзараси акс этирилган махсус пашшахона ҳозирлашларини буюрди ва оқсоч аёлни Хэ-дэ ортидан, залга бошлаб келиш учун жўнатди. Шунда Хэ-дэ:

– Қимматли опажоним анча бадфеъл ва рашкчи аёл, шундай экан, у ҳазрати олийларининг менга аталган илтифотларини бир зумда йўққа чиқариши ҳеч гап эмас. Хуллас, опамнинг оқ фотиҳасини олмасдан қирол тўшагига қадам қўйишдан кўра ўлганим яхшироқ, – деди кўзларини ерга қадаб. Қирол унинг бу истагини ҳам бажарди.

Майда қадамли Хэ-дэ шитоб билан уни залга бошлаб бораётган оқсоч Фань-И ортидан пилдираб зўрға улгурарди. Аммо олдинда кетаётган оқсоч холасига унинг жаврашлари аниқ-тиниқ эшитилиб турарди. Залга яқинлашишар экан, атрофида хола-жиянни кузатиб турганлар қизнинг латофатини бир овоздан тасдиқлашди. Қирол Хэ-дэни ичкарига олиб киришларини амр этди.

Саройда кўпчилик қаторида Нао-Фань-чэн деган хотин ҳам хизматда эди, у олдинги қирол Сюань-ди давридаёқ хушбўйликларнинг тенгсиз билимдони сифатида шуҳрат қозонган эди. Энди сочлари оқарган бу аёл сарой бекаларининг тарбиячиси вазифасини бажарарди. Кунлардан бир кун қиролнинг орқа тарафида турган Нао-Фань-чэн ўз-ўзича нолиб қолди:

– Шармандагарчилик! Саройдаги янги қизлар бу қадар тийиқсиз бўлишмаса? Улар бошимизга кутилмаган балоларни ёғдирмаса майли эди..

Хэ-дэнинг кўнглини овлаш учун қирол ҳар хил режаларни хаёлидан бир-бир ўтказиб, ниҳоят, Фань-И нинг айтганини қилди: аввало, катта қироличани ўзидан узоқлаштириб, унга Юаньтяогуань деган манзилдан муҳташам оромгоҳ қурдирди. Оромгоҳни ранг-баранг асбоб-анжомлар билан бой қилиб таъминлади, ложувард ва яшил тусли булутлар акси туширилган ҳарир матодан пашшахона яساتди, ўртасига жим-жимадор нақшлар ишланган нефрит хонтахта қўйдирди, бир-бирига устма-уст, тўққиз қават қилиб жойлаштирилган ҳашамдор қутичалари бор сандиқ пашшахона беагига айланди, сандиқчанинг ҳар бир қутичаси қизғиш жилодор тусли олтин тангалар билан лиқ тўлдирилган эди.

Фань-И эса очиқчасига, қиролича жияни Фэй-янга таъна аралаш юзланиб шундай деди:

– Муҳтарам қиролимизнинг меросхўри йўқ. Ахир қудратли ҳокимият тепасида туриб, садоқатли ворис тўғрисида ўйламай бўладими? Шундай экан, қиролимизга ўғил туғиб берадиган яна бирон канизакка уйланишини маслаҳат берсанг бўларди.

Фэй-янь холасининг таънасини оқилона тушунди ва ўша тундаёқ синглиси Хэ-дэнинг қирол хобхонасига киритилишига изн берди.

Қирол Хэ-дэ билан тунни ўтказгач, завқу ғурурдан ўзини боса олмай қолди. Бу чиройли қиз ҳар жиҳатдан соғлом ва кўркем вужуд соҳибаси эди. Қирол унга кўнглидан чиқариб Вэньчжоусян, яъни «Муҳаббатим ва роҳат-фароғатим манбаи» деб мурожаат қиладиган бўлди. Орадан кўп вақт ўтмай, қирол оқсоч бека Фань-И га сидқидилдан шундай деди:

– Кексайиб қолдим ва ҳозирги масканим оғушида бу дунёдан кўз юмишга ҳам розиман. Қирол У-ди сингари аллақандай «Оппоқ булутлар» мамлакатини орзу-армон қилиб юриш менга сираям тўғри келмайди.

Оқсоч Фань-И унинг бахтиёрлиги боисини яхши англаб турган эди.

– Нималар деяпсиз? Илоҳим, ўн минг йиллар яшанг! – деди хизматкор кампир ва қиролни чин юракдан қутлади: – Чиндан ҳам, ҳазрати олийлари, сиз бир умрли фариштага эга бўлдингиз.

Қирол миннатдорчилик рамзи сифатида оқсоч аёлга сиртига тилла балиқчалар сурати нақшланган йигирма тўрт дона зарбоф халат ҳадя қилди.

Хэ-дэ эса тез орада қирол қалбининг подшосига айланди. Унга биринчи даражали малика унвони берилди.

Хэ-дэ, барибир, саройда қиролича опасини ўзидан устун қўйиб, унга ўзини бамисоли хизматкордай тутиб юрарди. Бир куни опа-сингиллар

бақамти суҳбатлашиб ўтиришганида, опаси «чирт» этиб туфлади. Унинг тупуги эса сингисининг либоси енгига келиб қўнди.

– Буни қаранг, опажон, – деди Хэ-дэ қувноқ оҳангда. – Сурмаранг либосимнинг енгини қандай чиройли қилиб безаб қўйдингиз! Тупугингиз бамисоли тошга ўйилган нақшга ўхшаб турибди-я! Мен сарой кимхоблари тикувчисига махсус буюртма берганимда ҳам либосимга бу қадар нафис безакни тушириб беролмасди.

Юаньтяогуань манзилидаги қароргоҳга кўчганидан бери опа-қиролича шахсий соқчилари орасидаги бир талай зобитлар ва ҳатто барзанги хизматкор қуллар билан ишқий муносабатга киришиб юрди. Аммо уларнинг орасидаги кўп фарзандли оталарга эътибори алоҳида бўлди. Хэ-дэ опасини тушунарди ва иложи борича унга қайишиб юрди. У қиролга доимо бир нарсани такрор ва такрор таъкидлар эди:

– Опам табиатан фавқулодда ва мураккаб феъл-атворли. Атрофдагилар буни ўзларича тушуниб, беҳуда гапларни кўпайтириб юришмаса, майли эди. Пешонасига фарзанд битмаяпти, буни ўйлайвериб, ич-этини еб юрибди ва ёлғиз пайтларида тез-тез оби дийда қилиб ҳам туради.

Мана, не сабабдан, қиролнинг кейинги пайтларда тажанглиги ортиб, кимки катта маликани бузуқликда айблаб гап қилаётган бўлса, уларнинг барчасини кетма-кет қатл қилдира бошлади. Шунга қарамасдан, саройдаги соқчиларнинг айрим бошлиқлари ва қуллардан баъзи бирлари сўнги пайтларда бир-биридан ўтказиб, алвон хил беҳаё безак-бўёқли иштонларни кийиб юрадиган бўлиб қолишди, кўйлақларидан эса атир ҳиди бурқийди, қисқаси, улар дам-бадам қиролича оромгоҳига ташриф этишиб, у билан дилхушлик қилишни одатга айлантиришди. Ва ҳеч ким бу тўғрида «миқ» этмасди. Барибир, қиролича уларнинг биронтасидан ҳам бола орттира олмади

Опа-қиролича, одатда, таркибига беш хил модда ва етти хил хушбўйлик аралаштирилган сувда чўмиларди. Алоэ оғочидан ясалган курсида жойлашиб ўтириб, тепасидан сув оқизганида баданини кимдир қитиқлаётгандай роҳатланарди. Юз хил ноёб бўйли кўкатлардан тайёрланган бўтана аралашмага бор бўй-басти билан чўкиб лаззатланарди. Сингиси Хэ-дэ эса бундай ҳашамларни ортиқча деб биларди: у ёлғиз сувқалампир аралаштирилиб тинитилган сувда ҳаммом қилар, баданига янчилган гул баргидан тайёрланган упадан сепарди. Бир куни Фань-И, уларнинг холаси бўлса-да, шунга қарамасдан, барибир, қиролга ҳасрат қилиб қолди:

– Катта қиролича танасини исталган ноёб моддалар билан қанчалар артиб-суртмасин, зинҳор Хэ-дэ хоним баданининг табиий хушбўйлигига эриша олмайди.

Саройда ҳанузгача Цзянь подшоси И давридан вакила бўлиб Ли-Ян-хуа исмли кекса канизак ҳам яшаб келарди. У қиролнинг бобоси Да-лининг хотинига жиян эди. Кексайганида у Фэнлар хонадонига қайтди. Опа-сингил қироличалар уни она ўрнида кўришарди. Ли-Янь-хуа пардоз-андозу безаниш-ясанишнинг ҳавосини олган аёл эди ва катта қироличага бу борада тез-тез қимматли маслаҳатлар бериб турарди. Жумладан, унга Цзюхуэй тоғидан келтирилган алоэ япроқларини қайнатиб тайёрланган дамламада чўмилишни ўргатган эди. Ёки бўлмасам, «Кабарга» деган кийиксимон шохли ҳайвон эркагининг киндиги ёнидаги мушк безидан тайёрланадиган ҳапдори инсон танасини ёшартиришини қироличанинг қулоғига қуйиб келарди. Хэ-дэ ҳам шу ҳапдорини ичиб турарди. Лекин эслатиб ўтишимиз керакки, бу дориворни ҳадеб ичаверган аёл ҳомиладор бўлмаса-да, лекин унинг қорни кўтарилиб, гўёки ҳомиладор сиёқли бўлиб қоларди. Катта қиролича ҳалиги ҳапдорининг бундай хусусияти тўғрисида сарой табиби Шангуан-У га айтганида, у аросатда қолиб:

– Модомики, ушбу ҳапдори бу хилда алдамчи таъсир кўрсатса, у ҳолда қачон ва қандай қилиб, ростакамига ҳомиладор бўлишингиз мумкин? – деди.

Кейин шу табибнинг йўл-йўриғига кўра, Фэй-янь хоним мэй гулининг томирини қайнатиб, сувида чўмила бошлади. Аммо бу усул ҳам наф кўрсатмади.

Шундан кейинги кунларнинг бирида «чэнэньшу» деб аталган бир қабила сардори қиролга деярли ўн минг йиллик тарихли чиғаноқни ва унга қўшиб, тунда атрофга нур сочиб турувчи марварид донасини совға қилди. Ундан тараладиган ёғду тўлин ой нурига рақобат қила оларди. Мазкур марварид шуъласи остида, гўзалми ёки хунукми – ҳар қандай хотин зоти тенги йўқ соҳибжамолга айланиб кўзга ташланарди. Қирол чиғаноқни Фэй-янь хонимга тортиқ қилди, марваридни бўлса Хэ-дэ хонимга раво кўрди. Чиғаноқ катта малика пашшахонасининг яна бир нодир безаги бўлиб қолди. Чиғаноқ пашшахонага тўлин ой шуълаларини бағишлади.

Қирол, орадан бироз муддат ўтгач, Хэ-дэга шикоятмуз оҳангда деди:

– Кундуз пайтларида катта маликанинг тунги гўзаллигидан ном-нишон ҳам қолмаяпти. Ҳар тонгда унга кўзим тушса, ҳафсалам совияпти.

Шунда Хэ-дэ опасига таваллуд куни муносабати билан ўзидан ёғду таратиб турадиган ўша марваридни аташни хаёлига келтирди. Марваридни маликалик тожига қадаса, зора бундан опасининг чехраси ҳам ўзгача ёришиб кетса?! У марваридни, албатта, опасига беради! Аммо бу тўғрида ҳозирча на опасига, на-да қиролга бир оғиз бўлса-да, гапирмади. Катта маликага қирол фармони билан навбатдаги юқори мартаба ато этилган куни Хэ-дэ опасининг номига махсус табрикнома битди. Унда, жумладан, шундай дейилган эди:

«Осмон ва Ер ўзаро кўнгил эҳтирослари билан тил топишган ушбу табаррук кунда беқиёс қимматли опажоним энг олий бахтли дамларни бошидан кечирмоқда ва нодир яшма тошларидан заргарона ишланган тахтни безаб, бор атрофни шуълавор қилиб турибди. Ўтган аждодларимизнинг руҳлари бундан беадад қувонмоқда. Шунинг ўзини ўйласам, мен – синглингизнинг севинчим ва бахтиёрлигимга дунё торлик қилиб қолаётир. Ҳаётингизда юз берган улкан шодиёна муносабати билан опажонимизга чеку чегараси йўқ меҳр-эҳтиромимнинг камтарона рамзлари сифатида, қуйидаги нодир буюмларни ҳадя этаман:

- Ялтироқ тилла тангалар тасвири туширилган тўшама.
- Хушбўй алоэ ёғочидан ясалган нилуфар япроқлари дастасига ўхшаш қадаҳ.
- Йирик, беш хил рангли яхлит ҳалқа – инсонлар аро чуқур яқдиллик рамзи.
- Ажралмас ўрдакчалар тасвири туширилган бир дона зарҳал кимхоб.
- Биллур тақинчоқлар қадалган парда.
- Туну кун ўзидан нур сочиб турувчи ва маликанинг тожига ярашиғлиқ марварид.
- Қора ёввойи мушукларнинг ошланган терисидан тикилган йирик чойшаб, бутун борлиғидан хушбўйлик анқиб туради, қурбонлик маросимларида қўлланилади.
- Сандал дарахтидан ясалган йўлбарс сиёқли ҳайкалча.
- Хушбўй анбар оғочидан, балиқ сиртли қилиб тўқилган икки кичик бўлағи.
- Чайқалиб турадиган қимматбаҳо ясама нилуфар гули.
- Етти япроқли сув ёнғоғи гули шаклидаги ойна.
- Тўрт дона соф тилладан ясалган узук.
- Қорамтир-қизғиш тусда жилоланувчи сяс атласидан тикилган кўйлак.

– Юпқа ғижим вэнь-ло газламасидан, кашталари қўлда тикилган уч дона чойшаб.

– Сочни ялтиратиб товлантурувчи ва ўткир хушбўй ҳидли мой тўлдирилган дандон қутича.

– Тўқ қизил ва зар иплар билан қавилган кўрпа ва тўшак, уларга қўшимча хушбўй кўкатлар исириқдони, уч дона.

– Каркидон суюгидан ясалган овқатланиш чўпи, заҳарланишнинг олдини олади, икки дона.

– Упа-элик суртишда асқотадиган зангори яшма таёқчалари, тўла бир қути. Ҳаммаси бўлиб, йигирма олтита ноёблик. Уларни сизга югурдак хизматкорим Ги Юй-цун етказади.

Малика Фэй-янь ҳам синглисининг ҳимматига жавобан унга беш хил рангда товланувчи тўшама, ҳаворанг кимхоб ва хушбўй алоэ суюқлиги тўлдирилган яшма чойнакни тақдим этди.

Хэ-дэ буларни олгач, қиролга кўзёши қилди:

– Агар бу чиқиндилар қиролича опамдан менга аталган совғалар бўлмаганида эди, уларга умуман бурилиб ҳам қарамасдим.

Қирол унинг ўпкагинали сўзларини сидқидилдан хайрихоҳлик билан тинглади. Орадан кўп ўтмай, қирол уч йил муддатга Ингжоуга йўл олди.

Хэ-дэ учун сиртига етти қатор бўлиб кўкариб турган алоэ дарахтлари тасвири туширилган ялт-юлт зарбоф тўшамани буюртма қилиб, шу мақсадда катта миқдорда пул ажратди.

Хэ-дэ хоним қиролни Тайн кўлининг соҳилида қарши олди, улар бу ерга келишларидан олдин минг кишидан иборат бутун сарой аҳлини ўз бағрига сиғдирадиган баҳайбат қайиқни хизматга тайёрлаб қўйишди. Қайиққа «Қовушиш кошонаси» деган ном беришди. Кўлнинг қоқ ўртасида «Мангу барқарор Инчжоу мамлакати» деб аталган, тоғдай баланд кўшк савлат тўкиб турарди.

Бир сафар Фэй-янь хоним ҳам бу кўшкка ташриф этган, ҳаводор бу кўшкдан туриб атрофдаги манзарани суқланиб томоша қилган эди. Қиролича юпқа шань газламасидан тайёрланган енгил кўйлақда эди, қизиги, олди ҳилпиллаб турадиган бу кўйлақ ҳеч бир чоксиз, юпқа ипак матодан қилинган эди, мато юзасида жўшқин югурик тўлқинлар тасвири жилоланиб турарди. Тўқ қизил тусли юбка эса булутлар ва гуллар тасвири билан безалган. Қироличанинг бу либослари Жанубий Юэдан тухфа қилиб жўнатилган эди.

Фэй-янь хоним «Узоқдан бизни қаршилаб шамол эсмоқда» деган мазмундаги кўшиқни куйлаб, хуморидан чиққунча берилиб рақсга тушди. Қирол эса унинг кўшиғи оҳангларига монанд равишда каркидон суюгидан тайёрланган митти соч қадамаси билан яшма тақсимчасининг

четини бир маромда такиллаиб қоқиб, сидқидилдан ҳамоҳанг бўлиб турди. Шунингдек, қиролнинг эркатой хизматкорларидан Фэн У-фан ҳазрати олийнинг имосига «Лаббай!» деб жавоб қилиб, Фэй-янь хонимга шэнь мусиқа асбобида жўр бўлиб турди. Қўшиқ ва кайфу сафолар айни авжига чиққанида, ногаҳонда кучли шамол кўтарилди. Қиролича эса шамолнинг гувиллашини босиб кетадиган бир даражада овозини баралла кўтариб куйлашда давом этди. Фэн У-фан ҳам, ўз навбатида, чалаётган куйларини яна ҳашамдор пардаларга кўтарди ва шэнь садоси чор-атрофга тобора нафис, енгил ва майин оҳангларда тарала бошлади. Мусиқа ва қўшиқ чуқур мастонавор уйғунликка киришиб жаранглар эди. Шамол бирдан қироличанинг ҳилпиллаб турган юбкасини юқорига кўтарди ва унинг сони ланг очилиб қолди. Қиролича бор овоз билан қийқира бошлади:

– Мана, мен! Кўриб қўйинглар! Кўринглар! – Ва шамолдаҳилпираётган ипак енгларини силкиб, кўкка қараб муножот қила бошлади. – Эй, кўк малоикаси! Мени кексалик чангалидан халос эт, дуркун ёшлигимни қайтариб бер! Таҳликалардан мени фориг эт!

Қирол, чиндан ҳам, Осмон уни кўтариб, қаърига олиб кетишидан ваҳимага тушиб, У-Фанга жон ҳолатда буюрди:

– Қироличани ушла, мен учун ушлаб қол, уни!

У-Фан қўлидаги шэнь созини дуч келган томонга итқитиб, югуриб бориб қироличанинг жажжи оёқларига ёпишди. Шамол аста-секин тинди. Фэй-янь кўзёшларини тўхтата олмас эди:

– Қирол ҳазратлари, нақадар мурувватлисиз, мени малоиклар масканига учиб кетишдан олиб қолдингиз, – деди афтодаҳол бир аҳволда. Фэй-янь сўнгра аллақандай оҳангни куйлаб ҳуштак торта бошлади. Кейин бирдан зорланиб йиғлаб юборди, унинг кўзёшлари сел бўлиб оқмоқда эди.

Қирол уятдан қизаринди ва Фэй-янга жуда раҳми келди. Ҳукмдор созанда У-фанга йирик бир бўлак, оғирлиги ва таннархи минг тангага тўғри келадиган кумуш қотишмасини ҳадя этди. Айни пайтда унга Фэй-янь оромгоҳига ора-орада кириб, унга ҳамдард бўлиб туришни буюрди.

Тез орада сарой бекалари ўзгача бир алфозда кийинишга ўтдилар. Уларнинг ташқарига кийиб чиқадиган юбкаларида куёш нури тарамлари тасвири жилоланиб турарди. Бундай безакли либос «Малоиканинг ерда ушланиб қолишига сабаб бўлган юбка» деган ном билан машҳур бўлди.

Хэ-дэ қиролнинг борган сари кўпроқ лутфу карамига мушарраф бўлиб борарди. Кунларнинг бирида унга «Зиёбахш феъл-атвор соҳибаси» деган янги унвонни муносиб кўришди. Хэ-дэнинг катта малика опажонига яқин бўлиб яшашга мойиллигини инобатга олиб, Қирол унинг учун

Шаониньгуань, яъни «Кичик канизак кўшки» деган ном билан аталган махсус кошонани бунёд эттирди. Унда бир неча муҳташам заллар мавжуд эди. Аниқроғи, улардан бири «Шабнам кўнган гуллар», иккинчиси «Шамоллар бекати», учинчиси «Хайру эҳсонлар манзили», ниҳоят, тўртинчиси «Оромбахш даргоҳ» каби, бир-бирдан ажойиб номлар билан аталарди. Улардан кейин чўмилиш масканларига ташриф этилади: бу ерда ҳаммом, муз тўлдирилган хумлар ўрнатилган ўта салқин ҳаво муҳитини ҳосил қилган хоналар бор, шунингдек, алоҳида бир залда бағрида ёнғоқлар қалқиб сузаётган сув ҳавзаси тиниқ мавжланиб турибди. Улар усти ойнаванд тор йўлаклар орқали бир-бири билан туташган. Кошонанинг ичи тилла ҳаллар юритиб безатилган, деворларига оппоқ нефрит маъданидан думалоқ бўртма қопламалар ишланган. Ҳар бир қоплама ўртасида бир хил шаклда тўртбурчакли ўйиқлар мавжуд. Деворлар турфа хил жилолар билан товланади. Бу кошонадан катта қироличанинг оромгоҳига ораликда қурилган муҳташам дарвоза орқали ўтиб борилади. Дарвозага «Кўк малоикалари ҳузурига очилган эшик» деган ном берилган.

Гарчи Фэй-янь ҳамон қирол ҳазратларининг эътибори ва эҳтиромидан четда бўлмаса-да, у барибир, эски енгилеёқлигини тусаб турарди. Ҳамиша ёш ва севимли бўлса! Мана, унинг бирдан-бир орзуси! Мамлакатнинг тўрт тарафига табибларни югуртириб, вужудига бостириб келаятган кексаликнинг машъум нафасини ўзидан узоқлаштира оладиган дори-дармонларни тўхтовсиз изламоқда эди.

Ўша кунларнинг бирида мамлакатнинг жануби-ғарбий чегараларида истиқомат қилаётган бэно қабиласидан бир янгиликни эшитди. Уларнинг элчиси аллақандай шифобахш таомни тайёрлашни билар экан. Ушбу таомни тановул қилган киши кечаю кундуз ўзини ўктам ҳис этаркан. Саройда хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари бўйича мутасадди бўлган шахс қиролга ўша элчининг кимлиги тўғрисида атрофлича маълумотни баён этди, айтганларига қўшимча қилиб, яна бир ажойиботни маълум қилди: ҳалиги элчининг келбатидан атрофга нур порлаб тураркан! Малика Фэй-янь ҳам ғаройиб элчининг шахсиятига қизиқиб қолиб, мутасаддидан, у қандай афсунгар, кўлидан нима ҳунарлар келади, деб ижикилаб сўради. Элчини саройга таклиф этишди ва ўз ҳунарларидан атрофдагиларни бохабар қилди.

– Менинг ҳунарим шундан иборатки, – деди у, – осмон ва ерни ўзимга тобе қила оламан, ҳаёт ва ўлим қонуниятларини чуқур биламан, макон ва ломаконни мувозанатга келтира оламан, хуллас, менинг қўлларимда ўн минг хил эврилишлар бир андозага тушади-қолади.

Малика шу лаҳзанинг ўзидаёқ бош оқсоч хоним Фань-И нинг ёрдамчиси Бу-чжоуни ҳузурига чорлаб, у орқали бу антиқа хорижлик учун минг тилла бериб юборди. Бироқ тилла қотишмаларни қабул қилиб оларкан, элчи воситачи шахс орқали маликани огоҳлантириб шундай деди:

– Кимки менинг ҳунаримни ўзлаштириш ниятида экан, табиати бузқчилик ва тили беҳаё гап-сўзлардан пок бўлмоғи керак.

Малика, табиийки, аллақачон кўникмага айланган кирдикорларидан воз кечиш ниятида эмасди. Бир неча кун ўтгач, оқсоч холаси Фань-И малика Фэй-яннинг ҳаммом ишларига кўмаклашишига тўғри келди. Ҳаммомда улар овозини баралла қўйиб гаплашмоқда эдилар. Оқсоч Фан-И га малика хорижий шахс билан суҳбатининг тафсилотларини ипидан-игнасиғача, битталаб айтиб берди. Фан-И маликани эшита туриб, бехосдан чапак чалиб юборди.

– Цзяндуда юрган кунларимда, – деди сўнгра, – холам Ли Янь-хуа ҳовузда ўрдак боқарди. Бироқ, афсуски, сув қўнғизи уларни доимо тутиб еб қўярди. Бир куни Чжулилик кекса аёл Нэй қўнғизнинг ўзини тутиб олди ва уни Ли Янь-хуага элтиб, унга шундай деди: «Эшитишимча, қўнғиз ўрдақдан бошқа ҳеч нарсани емас экан, демак, уни фақат ўрдак билан озиклантириб кўпайтириш мумкин» Ли холам унинг гапларини эшитиб, энсаси қотди ва қўнғизни осиб ўлдирди. Сен айтаётган ғалати хорижликнинг ҳунари менга шу воқеани беихтиёр эслатди, – деди оқсоч хола ниҳоят.

Малика Фэй-янь буни эшитиб, хохолаб кулди ва хорижий кимсага орқаваротдан захарханда ёғдирди:

– Аҳ, сассиқ ёввойи! Наҳотки менинг шаънимни булғаш ва дорга остириш унинг қўлидан келса! Бўлмаган гап!

Шу орада малика Фэй-янь саройда югурдаклик қилиб юрувчи Янь уруғидан бўлган «Қизил Ҳумо» лақабли бир қўлни ёқтириб қолди. У куч-ғайратли ва ниҳоятда эпчил, дуч келган деворни енгил ошиб ўтадиган қирчиллама йигит бўлиб, маликанинг ётоқхонасида кўз очиб-юмгунча ҳозир бўларди. Қизиғи, у билан Хэ-дэ ҳам ўз хилватгоҳида кўришиб турарди. Бир куни катта малика ҳалиги қўлваччани чорлаш учун оромгоҳидан ташқарига чиққанида унинг «Кичик канизак кўшки»-дан чиқиб келаётганини кўриб қолди..

Эски урф-одатга кўра, ҳар йили ўнинчи ойнинг бешинчи кунда бутун сарой аҳли Линьаньмяо, яъни «Кўнгил осойишталиги» ибодатхонасига ташриф этишарди. Кун бўйи ибодатхона атрофида бурғулар нидо солди, ноғораларнинг «така-туми» қулоқларни қоматга келтирарди. Барча йиғилганлар қўлни-қўлга бериб, ер тепиниб рақсга тушишарди. «Қизил

Ҳумо» қўшиқларга ўз сози билан ҳамкор бўлиш учун даврага кириб келганида, катта малика синглисидан:

– У кимни деб келди экан? – деб сўради.

Хэ-дэ жавоб қилди:

– Қизил Ҳумо бебаҳо опажонимизни деб келган-да, албатта, у яна кимни кўнгли тусабу ерга келиши мумкин?

Қиролича синглисининг қитмир гапидан жаҳли чиқиб, қўлидаги чинни коса тўла бўзани унга қаратиб сепиб юборди. Хэ-дэнинг юбкаси бўзага ботиб, ҳўл бўлиб кетди.

– Ҳали сичқон одамларга тиш кўрсатадиган бўлиб қолдимизми? – деди Фэй-янь, ғазабдан ўзини боса олмасдан.

Хэ-дэ эса хотиржамлигини йўқотмасдан жавоб қилди:

– Кимнинг қўйлагини кийсанг, унинг ички либосини ҳам тасаввур қила оласан. Бор гап шу. Фақир синглингиз бирон кишини тишлаб олишни хаёлига ҳам келтирган эмас.

Одатда, маликалар қаршисида оддий канизаклар ўзларини қандай тутишса, Хэ-дэ ҳам опасининг олдида ўзини худди шундай тутарди. Бу гал ҳам қиролича синглисидан одатдаги муомалани кутган эди, аммо мана бундай тагдор гапларни эмас! Шу сабабдан қиролича бироз саросимага тушди ва синглисига бақрайиб тикилиб қолди. Опа-сингил ўртасида вазият кескинлашганини кузатиб турган уларнинг холаси, Фань-И бош кийимини ечиб бирдан ерга урди, сўнгра ўзи ҳам муккасига ётиб олди ва бошини қайта-қайта ерга уравериб, бурнини қонатиб юборди. Шу аҳволда ўрnidан турди-да, Хэ-дэга яқинлашиб, тирсагидан тутди ва уни опасидан узр сўрашга ундади. Хэ-дэ кўзлари ҳаяжондан ялтиллаб опаси қаршисида тиз чўқди ва йиғлаб юборди:

– Опажоним, яқиндагина битта рўдапо кўрпага ўралашиб ётиб-турганларимизни наҳотки унутиб қўйган бўлсангиз? Йўқчилик ва қишнинг суяқдан ўтиб кетадиган муздай совуқ кечаларини бошдан кечириб ухламай чиққан пайтларимизни наҳотки унутиб бўлса? Ахир мана бу муштипар синглингиз Хэ-дэга «Орқамга тикилиброқ ёт, бир-биримизни иситайлик» деганларингиз ҳам унут бўлдими? Энди эса? Энди сиз эътибор ва мартабалар кўкидасиз, бошқаларни оёқ остида кўрасиз. Сизнинг дийдорингизга ҳеч ким бош кўтариб журъат билан қарашга ботинолмайди. Наҳотки шундай кунларга етиб келганимизда, арзимаган нарсаларни рўкач қилиб, бир-биримизни танимай ўтирсак?

Малика синглисининг адоқсиз ҳақиқат аралаш таъна гапларини эшитиб, ҳўнграб йиғлай бошлади. Кейин кўзёшларини арта-арта Хэ-дэга яқин келиб, авайлабгина қўлтиғидан олди. Тўққизта Ҳумо қуши тасви-

ри акс этган сиёхранг товланувчи тўғнағични бошидан суғуриб олди-да, сингисининг соч турмагига қистирди. Бир-бирига ғамгин бир руҳда жилмайишди. Опа-сингил маликалар ўртасидаги гинахонлик шу йўсинда яқун топди.

Бу воқеа тафсилоти элас-элас даражада қиролнинг қулоғига ҳам етиб борди. У бўлиб ўтган воқеаларни билишга қизиқди.

Бироқ қиролнинг ғазабидан кўрқишиб, опа-сингил муаммони бости-бости қилишга киришдилар. Қирол бу тўғрида Хэ-дэни сўроққа тутди. У энгил табассум билан:

– Малика сизни мендан бироз қизғанаяпти, – деди. – Хань сулоласининг рамзи – олов ва эзгуликдир. Демак, сиз, қиролим, бир вақтнинг ўзида ҳам оловранг Хумосиз ва оловранг Аждаҳосиз.

Қирол бундай сир-асрорли изоҳга рози бўлди ва кичик маликанинг таъриф-тафсилотидан завқланди.

Кунлардан бир куни қирол тонг қоронғисида овга отланиб, охир-оқибатда, қор бўронда қолиб кетди ва тоби қочди. Киши билмас жойларини совуққа олдириб қўйди ва аввалги куч-қувватидан асар ҳам қолмади. Одатда, Хэ-дэни эркалатар экан, қирол унинг оёқларини силаб-сийпалаб ором оларди. Бироқ бир мунча вақтдан бери унинг бундай эҳтироси анча сустлашиб қолди. Ногаҳонда эркаклик ҳис-туйғулари жунбишга келиб қолганида Хэ-дэ беихтиёр орқасига ўгирилиб ётиб олар, қирол эса унинг оёқчаларини кўллари билан тутиб олишга улгурмас эди. Оқсоч Фань-И хола бир куни Хэ-дэга эътироз оҳангида шундай деди:

– Қирол куч-қувватини тиклаш учун ҳар хил дори-дармонларни ича бошлади. Лекин, афтидан, уларнинг ҳеч биридан наф сезмаяпти. Фақат сенинг оёқларингни кўлига олгач, у ўз беҳоллигидан халос бўлиши мумкин. Осмон сенга қиролнинг севиклиси бўлишдек алоҳида бахтни ато этган. Шундай экан, нега энди унинг раъйига қарши борасан-да, нукул тескари ўгирилиб ётиб оласан?

Хэ-дэ кулимсиради:

– Қиролнинг майли ва эҳтиёжларига шу йўсинда қаршилиқ кўрсатсам, биламан, унинг эҳтирослари баттар алангаланари. Нега мен опамнинг тақлидчисига айланишим керак? Ахир айнан опам қиролга ўз оёқларини силаб-сийпалавераиб, шунга кўниқтириб қўйди. Хуллас, опамнинг усулини такрорласам, тез орада ҳазрати олийларининг жонига тегиб қоламан. Ахир бир усулни ҳадеб такрорлайверсанг, у зерикарли бир нарсага айланиши аниқ-ку?

Малика Фэй-янь, барибир, димоғдор ва ўзига баҳоси баланд бир аёл эди. Масалан, бироз шамолладими, бас, бунга алоҳида жиддий тус бериб, емак-ичмақдан қатъиян тийиларди. Қирол шахсан ўзи кўлига қошиқ

олиб ёки таом чўпи билан уни овқатлантирарди. Мабодо, аччиқ таъмли дори-дармонни қабул қилиши лозим бўлиб қолса, уни, албатта, қиролнинг оғзидан олиб ютарди.

Хэ-дэ эса тунда сувида ёнғоқлар қалқиб турадиган ҳавзада чўмилишни ўзига одат қилиб олган эди. Унинг оппоқ танасида шаъм ёруғлари ялт-юлт жилоланиб турарди. Қирол эса парда ортида унинг чўмилишини кузатишни хуш кўрарди. Хизматкорлар буни пайқаб қолишиб, Хэ-дэни хабардор қилишди. Энди Хэ-дэ катта сочиққа ўралиб ўтирадиган бўлди ва шаъмларни ўзидан узоқлаштиришни буюрди. Қирол эса сув ҳавзаси ходимларига олтин тангалар улашиб уларни ўз тарафига оғдириш пайига тушди. Бироқ кичик маликанинг садоқатли бир ходимаси қирол билан бундай келишувга унамади. У парда ёнида туриб олди, қирол пардага яқинлашган заҳоти ҳалиги ходима бу тўғрида Хэ-дэни огоҳлантирар эди. Хэ-дэ эса шу зумдаёқ орқа-олдини бекитишга улгурарди. Қирол ёнғоқли сув ҳавзага қаратилган дераза пардаси ёнига келишни одат тусига киритганидан буён энгларининг қатини имкон қадар кўпроқ олтин тангаларга тўлдириб чиқадиган бўлди. Бу тангаларни ҳавза йўлида дуч келган ҳар бир оқсоч ходимага битта-битта улашиб борарди. У ходималарни учратиб, этагидан шаппа тутиб тўхтатар ва кўлига тилла танга қистирарди. Қиролнинг тангаларига ҳирс қўйган оқсоч хотин-қизлар унинг йўлида кўпайиб кетди. Айримлари қирол йўлини қайта-қайта пойлайдиган бўлиб қолди. Ҳавзага тунда қоровуллик қиладиган атиги битта хизматкорнинг ўзи бир оқшомда қиролдан нақд юз тилла тангани санаб олишга муваффақ бўлди.

Орадан кўп ўтмай, қирол бетобланди ва озиб-тўзиб кетди. Сарой бош табиби кўлидан келган барча ҳунарини ишга солди, аммо қиролнинг аҳволи ўнганмади. Шундан кейин ғайритабиий таъсир кучига эга бўлган антиқа дориворларни излашга тушдилар. Ниҳоят, Шэньсуйцзяо – «Куч-қувват бағишловчи сирач» деб аталган бир ҳапдорини топиб келишди. Аммо ундан имкон қадар ҳушёрлик билан фойдаланиш талаб қилинар эди. Ҳапдорини Хэ-дэга тутқазди. Қиролнинг ёнида ўтирган Хэ-дэ хоним уни беморга кун давомида фақат бир донадан ичириши лозим эди. Шу битта ҳапдори қиролни кун бўйи нисбатан тетиклаштириб турарди. Бироқ навбатдаги оқшомлардан бирида қирол билан базм қилиб, кайфи тарақ бўлиб қолган Хэ-дэ хоним қиролга ҳалиги ҳапдорининг биратўласига еттитасини ичириб юборди. Натижада, қувватланиб кетган қирол тун бўйи Хэ-дэнинг тўққиз қават қилиб ёпилган кўрпасини кўтаравериб тинмабди. Бунинг устига қирол тун бўйи хи-хилаб кулишдан ҳам ўзини тўхтата олмабди. Аммо тонгда ўрнидан туриб, кийимларини кийишга чоғланган пайтда, беҳосдан қиролнинг нозик жойидан

Бо Лэ, аксинча, сардорнинг айтган маълумотларини тоқат билан эшитиб, бирдан дили яйраб, чеҳралари яшнаб кетди.

– Ёпирай, Цзюфан Гао мен кутганимдан ҳам аълороқ отбоқар чиқиб қолди-ку?! – деди ҳайратини яширолмасдан. – Мени қўяверинг, мен сингари минглаб отбоқарлар, афтидан, унинг олдида ҳеч ким эмасмиз. Ахир Гао табиатни ботинан англайдиган нодир зот экан! Бошоққа кўз ташлаб тўқ донни чорисидан ажратади-қўяди. Энг зарур нарсани дарҳол пайқайди, аҳамиятсиз нарсага эътибор ҳам қилмайди. Арзигулик нарсани ўта қадрлайди, арзимас нарсага вақт сарфламайди. Ҳа, бундай заковат ҳар қандай отдан қимматроқдир.

Гао танлаган тойни келтиришганида, у чиндан ҳам, Осмон ости (Хитой) заминиди Биринчи От эканлиги аён бўлди!

(Саккизинчи боб – «Мосу монандлик».)

* * *

Ванчу ва Тайхан тоғларининг теварак-атрофи етти юз ли, баландлиги эса ўн минг жэнь² ўлчамли эди. Аввал бу тоғлар Цзичжоу ерларининг жанубида, Хэян ерларининг шимол томонида – икки ернинг қоқ ўртасида – бор ўмрови билан ерга чўкиб туришарди.

Соддадил кимса Шимолий тоғ этақларида, яъни қарама-қарши томонда яшар эди. Тоғлар унинг азобига битган эди. Умр бўйи довлонларга ўрмалаб чиқиб, узоқ айланма йўлларда эринмай тентираб, тик нишабликларга чангақларини қадаб, ҳарсиллаб кўтарилиб яшаб келди. Ниҳоят, толиқиб, тоққа чиқа олмай қолгач, бир куни уйдагиларни атрофига йиғиб, оилавий кенгаш ўтказди.

– Бор кучимизни ишга солиб шу тоғларни асос-асосигача емириб текислаб ташласак, Юйчжоунинг жанубига, Ханьшуй дарёсининг соҳилларигача тўппа-тўғри йўл очиларди, – деди қария.

Оила аъзолари чолнинг фикрига бажонидил қўшилишди. Лекин Соддадил кимсанинг хотини эътироз билдирди.

– Ҳозирги аҳволингда, тоғни қўявер, Куйфу тепалигини ҳам бир ёқли қила олмайсан. Бунинг устига, қазиб олинган тупроқ ва тошларни қаёққа олиб бориб ташлайсан!

– Бохай кўрфазига, унинг шимол томонидаги саёзликларга элтиб чўктирамыз.

Шундай қилиб, чол уч ўғли ва суяги қотган невараларини ёнига олиб иш бошлади, қояларни уриб майдалади, ер қовлади ва чиқиндиларни саватга солиб, Бохай кўрфазига ташмалашни мўлжаллади. Цзинчэн су-

лопасига мансуб бўлган тул хотин қўшнисининг яқинда сут тиши ўрнига ҳақиқий тиши чиққан ўғли ҳам уларга ҳашарлаша бошлади. Қиш ўтиб ёз келди, улар тош ва тупроқ уюмларини атиги бир марта кўрфазга олиб бориб ташлаб келишга улгуришди.

Дарёнинг бурумида яшайдиган бир Ўзбилармон, қитмирлиги кўзғаб, Соддадил кимсанинг устидан кула бошлади ва уни бошлаган ишидан совутишга уринди.

– Бунчалар нодон бўлмасанг! Шу кекса ёшингда жимитдай жонинг билан, бир дунё тупроқ ва баҳайбат харсанглари-ку қўявер, тоғдаги бир қоп қумни ҳам жойидан жилдира олмайсан.

Соддадил шоввоз нафасини ростлаб, Ўзбилармонга юзланди.

– Аслида, сен ўзинг ўтакетган нодонсан, ёш бир гўдакча ҳам ақлинг йўқ, етим, бебошвоқ болакайлар ҳам сендан кўра дурустроқ фикрлай олади. Ҳа, мен ўламан, ўғилларим эса ортимда қолади, ўғилларимдан эса невараларим туғилади, невараларим ҳам яна ўғиллик бўлишади, улар ҳам, ўз навбатида, ўғиллар ва неваралар орттиришади. Хуллас, ўғиллар кетидан ўғиллар, неваралар кетидан неваралар дунёга келаверишади, зоту зурриётларимиз бир-бирига улашиб, сулоламыз суяк суришда давом этади. Биз чеку чегара билмаймиз. Тоғлар эса ўсмайди, уларнинг бўлган-тургани шу. Шундай экан, мен ҳеч қачон умидсизланмайман, ахийри, бир кун келиб, бу тоғларни теп-текис қиламиз!

Ўзбилармон кимса тилини тишлаб, ўйланиб қолди.

Тоғлар деви, илонлар сардори эса, чолнинг айтган гапларини эшитиб қўрқиб кетди. Ишондики, қария билганидан қолмайди. Ва дев бу тўғрида Тоғлар Илоҳасига хабар етказди. Илоҳа Соддадил қариянинг қароридан таъсирланиб, Баҳайбат-Чумоли уруғидан бўлган икки нафар барзанги девга икки томонда туриб, тоғларни ҳар бири ўз тарафига қараб тортиб, ораларини очишни амр этди. Шундан бери Цзичжоунинг жанубидан тортиб Ханьшуй дарёсининг бўйигача ҳеч бир тоғли тўсиқ учрамайди. Ҳаммаёқ очик яланглик.

(Бешинчи бобдан – «Тан ери лавҳалари».)

Изоҳлар

1 «Ли Цзин» – қадимги Хитой маданий ёзма ёдгорликларидан бири. «Ли» – Қонун, «Цзин» – тўппам, китоб маъноларини билдиради. Демак, «Ли Цзин» – «Қонунлар мажмуаси» деганидир. Уни «Расм-русум, ахлоқ-одоб қоидалари китоби» деб билиш ҳам оммалашган. Тахминан, милoddан аввалги 551–479 йилларда яшаган донишманд Кун-цзи (Конфуций) диний-фалсафий таълимотининг шаклланишига асос бўлган мозий китоб-

лардан саналади. Кун-цзи (Конфуций) уни қайта ишлаб, хитой халқи учун доимо аҳамиятли бўлган қонун-қоидаларини саралаб, зарур тарихий маълумот ва шарҳлар битиб ўз замондошларига тақдим этган. Ҳозирги «Ли Цзи» устоз Кун-цзи таҳриридан чиққан ўша намунадир.

2. Жэнь – баландлик ўлчов бирлиги. «Жэнь» сўзи «қарич» маъносини ҳам билдиради. Демак, лавҳада тилга олинган тоғ деярли ўн минг қарич баландликка бўй чўзиб турган экан. Бу, тахминан, 2 км баландликни ташкил этади.



У ПОДШОСИНИНГ ҚИЗИ ЁКИ «ҚИРМИЗИ НЕФРИТ» ҚИССАСИ

У ерлари ҳукмдори Фу-чанинг кенжа қизини бутун сарой аҳли Цзи-Юй, яъни «Қирмизи нефрит»¹ деб чақиритар эди. Авжи гуллаб-яшнаб турган ўн саккиз ёш устидаги қиз ғоятда истеъдодли ва латофатли эди. Хань Чжун исмли ўспирин билан улар тенгдош эдилар. Хань Чжун Дао илми ва ҳунарини эгаллаган эди. Хуллас, шу йигитча Цзи-Юйга ёқиб қолди, улар бир-бирларига ўтти мактублар йўллашиб, чиндан ҳам, ўзаро муҳаббатлари кун сайин ортиб бораверди ва охир-оқибатда, турмуш қуришга қарор қилишди.

Чжун узоқ бир ўлкада таълим олмоқда эди, бу ўлка Ци ва Лу ерлари оралиғида жойлашган эди. Хань Чжун ўша элга жўнашидан олдин қизнинг ота-оналари ҳузурига келиб, улардан қизларининг кўлини сўради. Подшоҳнинг бундан жаҳли чиқди ва йигитчани ҳайдаб юборди. Буни эшитган Цзи-Юйнинг кўнгли чил-чил синди, хафагарчилиги кундан-кунга кучайиб, оғир хасталикка учради ва севган йигитининг дийдорига зор бўлиб, фироқ дардини кўтара олмай, кунлардан бир куни вафот этди. Мархумани Чанминь дарвозасига яқин жойда дафн этдилар.

Орадан уч йил ўтди. Чжун таълимини якунлаб ватанига қайтди. Келган заҳоти ота-оналаридан ақлу ҳушини банд этган қиз тўғрисида бетоқатлик билан сўрай бошлади. Ота-она бор гапни унга маълум қилишди.

– Подшо қизининг ялиниб-ёлворишларига асло кулоқ солмади. Уни тўхтовсиз жеркиб-койиди. Шундан кейин қиз бечора бу дунёдан умидсизланиб касалга йўлиқди-да, охири вафот этди. Дафн этилганига ҳам анча-мунча бўлди, – дейишди улар.

Бундай маъшум хабарни эшитиб, йигит додлаб йиғлаб юборди. Бир неча кун мобайнида кўзёшларини тўхтата олмай, ўз-ўзига гувраниб, дарду ҳасрат қилиб юрди. Кейин Цзи-Юйнинг мозори бошига бориб қурбонлик ўтказди, қабр устига мўл-кўл пул сочди. Бунинг барчасини ич-ичини кемираётган армонларига таскин бериш учун қилди. Маросимга йиғилганлар тарқалди. Чжун қабристонда ёлғиз қолди. Шунда бехосдан мархума қизнинг арвоҳи қабр тепасида пайдо бўлди² Чжунни кўриб

қолиб куйиниб-куйиниб йиғлади ва бошидан ўтганларини сўзлай бошлади:

– Сиз жўнаб кетганингиз заҳотиёқ отам билан онам мени саройда хизмат қилаётган подшо маслаҳатчисига унаштиришди, унга турмушга чиқасан деб қисти-бастига олишди. Сизни кўнглимдан тамомила чиқариб ташлашим шартлигини буюришди. Бошимда бундай оғир синовлар борлигини ҳеч кутмаган эдим. Ҳайҳот! Қандай кунларга қолдим-а! – деди-да, юзини кескин бошқа томонга буриб, чуқур ғуссали бир овозда куйлай бошлади:

*Тоғнинг жануб ёнбағрида яшарди қарға,
Шимол ёнда кутар эди қарғани тузоқ.
Қарға руҳи учди, афсус, олис кўкларга,
Тузоқ эса кутар уни, кутарди муштоқ.
Мен ҳам бўлдим йўлингизга илҳақ-интизор,
Бошим узра маломатлар булутдай кезди.
Аммо кутдим, беқиёсим, туну кун бедор,
Совуқ еллар ахир мени япроқдай узди.
Ҳа, бандимдан «чирт» узилдим бир япроқ мисол,
Не қилайки, қисматимга битилмиш завол.*

*Паррандалар дунёсида кўп бахтли Қақнус,
Ёлғиз унга насибадир мангу тириклик.
Аммо жуфти ҳалолдан айрилса қўққис,
Тирик Қақнус тирик эмас, энди ўлимтик.
Атрофида ҳаволанар кушлар галаси,
Ғамгузори, ҳасраткаши қаерда, қани?
Бахтиқаро Қақнус каби сўнди нафасим,
Синиқ руҳим қаршингизга чиқди, кутгани.
Тақдир экан, таним ётар қора ерда жим,
Бор экансиз, теграгизда парвона руҳим.*

Цзи-Юй кўшиғини айтиб бўлгач, ҳиқиллаб йиғлашга тушди, яна юзларини кўзёшлари селдай юва бошлади. Кейин у Чжундан ўзини қабрга кузатиб қўйишини сўради. Йигитни унинг ўтинчи доводиратиб қўйди.

– Тириклар ва марҳумларнинг йўли тамомила бошқа-бошқадир. Сизнинг айтганингиз ножоиз бир иш бўлмаса дейман ва шу боисдан истагингизни бажаришдан ўзимни тиймоқчиман.

Шунда Цзи-Юй унга деди:

– Мен эса тириклар ва марҳумларнинг қисматидаги айричаликларни ўз бошимдан кечирдим. Бироқ биз энди абадул-абадга хайрлашамиз.

Сиз, ёш жаноб, мени, охир-оқибат, тирик кўрмай, арвоҳимга дуч келдингиз ва бу учрашув хосият келтирмайди, деган кўркувдасиз. Менинг эса ёлғиз ниятим, ҳаёт йўлингизда сизга доимо ҳамдард ва беминнат хизматкор бўлишдир.

Чжун унинг сўзларидан таъсирланди ва ҳадик-хавотирни бас қилиб, шўрлик марҳумани қабрига кузатиб қўйди. Қабр устида бир қултумдан майхўрлик қилишди. Чжун уч кечаю уч кундуз Цзи-Юйнинг ёнида бўлди. Аввалига ўзларича эру хотин ўртасида бўладиган никоҳ урф-одатларини амалга оширишди, ниҳоят, Чжун қабрни тарк этиш пайти етиб келганида Цзи-Юй бир бармоқ узунлигидаги марваридни унга совға қилди ва хайрлашиш онда Чжунга дилидаги сўнгги ҳасратларини изҳор этди:

– Инсонлик қадрим топталди, орзу-ниятларим ушалмади. Энди менга нима қолди, ўзи? Қисматимга битилгани абадий ғам-андуҳ ва изтироблардир. Мабодо, бизнинг хонадонимизга йўлингиз тушса, падари бузрукворимиз бўлган подшоҳ ҳазратларига таъзимимни етказиб қўясиз.

Чжун содир бўлган воқеа-ҳодисаларни сўзлаб бериш учун Цзи-Юйнинг отаси ҳузурига шошилди. Бироқ подшоҳ унинг айтган гапларидан дарғазаб бўлиб, Чжунга ўшқира кетди:

– Қизим аллақачон ўлган. Сен, Чжун, марҳума қизимнинг хотирасини таҳқирлаш учун бўлмағур уйдирмаларни тўқияпсан. Балким қимматбаҳо тақинчоқларини ўғирлаш учун унинг қабрини кавлагандирсан? Энди эса жиноятингни хаспўшлайман, деб соялар ва арвоҳлар ҳақидаги аллақандай сафсаталарни валдираяпсан. Ҳой, хизматкорлар, банди қилинг, бу муттаҳамни!

Чжун подшоҳнинг забтидан бир амаллаб халос бўлди. Шундан кейин тағин қабр бошига келди ҳамда Цзи-Юй арвоҳига бўлиб ўтган можарони сўзлаб берди. Арвоҳ унга:

– Хафа бўлма, энди мен ўзим отамнинг олдига бораман, – деди.

Арвоҳ қиз отасининг қошига келганида подшоҳ соч-соқолини тартибга келтираётган эди. Қизини бўсағада кўриб, чексиз ҳайратга тушди ва кўрқиб кетди. Чехрасига дам қайғу соя солса, дам қувонч порлади. У қизидан дангалига сўради:

– Айтчи, сен нега бирдан тирилиб қолдинг?

Цзи-Юй отаси қаршисида тиз чўқди:

– Ёдингиздами, – деди у, – ҳузурингизга Хань Чжун исмли бир йигит келиб, мен, шўрлик қизингизга, уйланмоқчи эканлигини айтган эди. Бироқ сиз, подшоҳ ҳазратлари, бунга рози бўлмадингиз. Энди эса мен бадном бўлиб қолдим, ўзим эса ўлганман, ота-оналарим олдидаги бурчимни адо этолмадим. Севикли йигитим Чжун узоқ ўлкадан қайтиб

келиб, вафот этганимни билди. Кейин у менинг руҳимга бағишлаб хотира маросимларини ўтказди, элу юртга хайр-садақа пулларини тарқатди. Мозорим бошига келиб, йиғлаб-сиқтаб қайғу-ҳасратини баён этиб нола қилди. Унинг чексиз оққўнгиллиги ҳаққи, мен – қизингиз Цзи-Юйнинг руҳи Чжун билан тиллашди ва унга сиз яқинда ундан тортиб олган марваридни бердим. Ишонинг, у қабримни ковлгани йўқ. Охирги умидим шупки, сиз уни асло ўғрилиқда айбламагайсиз.

Мархума қизининг овози қулоғига чалинган, малика она ҳам оромгоҳидан чиқиб, Цзи-Юй ёнига келди ва уни кўриб, бағрига босиш учун қулочини ёйди. Аммо бунга эришмади. Мархума Цзи-Юйнинг арвоҳи бирдан тумандай тарқаб, кўздан ғойиб бўлди.

Изоҳлар

Қадимги Хитой шеърини ва насрий асарларида ҳаётий манзаралар афсоналар, ривоятлар, асотирлар билан чатишиб кетган. Ва бу табиий бир ҳол. Сабаби, қадимги хитойликлар дунёқарашининг ўзи борлиқни мифологик асосда идрок этиш, англашдан холи бўлмаган. Чжао Е нинг юқоридаги митти асари ҳам бундан мустасно эмас. Унда, масалан, руҳларга мурожаат қилинган. Ҳаёт ва миф мотивлари аралаш бу ҳикояда ҳеч қачон эскирмас инсоний орзу-армонлар, эзгу кечинмалар нурланиб турибди. Айни пайтда, унда одамзод бошига фожиалар келтирган тошюралик, худбинлик, манфаатпарастлик каби ижтимоий-маънавий иллатлар қораланади.

1 **«Қирмизи нефрит»** – нефрит, яшма каби нодир рангдор маъданлар Хитойда азал-азалдан поклик, беғуборлик, юксаклик рамзлари бўлиб келган. Бу изоҳ Конфуцийнинг «Урок мудрости» китобидан олинди (Москва, 2007 г., – С. 419).

2. **«...Қизинг арвоҳи қабр тепасида пайдо бўлди»** – қадимги хитойликлар руҳнинг мавжудлигига, руҳнинг танадан-танага кўчиб юришига ишонишган. Чжао Е қиссасида хитойликлар руҳиятининг бу хусусияти яққол сезилиб турибди.

3. **«Тузоқ эса кутар уни, кутарди муштоқ».** – Ушбу шеърда акс этган қарға ва тузоқ муносабати, биз, ҳозирги авлодларга ўткир ҳаётий драмадай туюлади. Лекин Дао таълимоти ва буддавийлик руҳида тарбияланган қадимги хитойликлар учун қарға ва тузоқ муносабати – драма, фожа эмас, балки ҳаёт ва ўлим, кеча ва кундуз, ёз ва қиш, иссиқ ва совуқликнинг бири ордидан иккинчисининг келиши муқаррар эканлигидай табиий, ҳатто зарурий бир ҳолатдир.



«ДАО-ДЭ-ЦЗИН» КИТОБИДАН

Иккинчи боб

Осмон ости мамлақати (Хитой) аҳли гўзалликни гўзаллик деб таниган дамларда қаршисида хунуклик ҳам пайдо бўлди. Яхшиликнинг яхшилик эканлигини ҳис қилганида ёвузликка дуч келди. Шу йўсинда, борлиқ ва йўқлик бир-бирини дунёга келтиради. Худди шу тарзда, оғирлик ва енгиллик бири иккинчисини яратади, узунлик ва қисқалик бири иккинчисининг ўлчамига айланади, юксаклик ва тубанлик ёнма-ёнликда яшайди, товушлар ва овозлар бир-бири билан уйғунликка киришади, ибтидо ва интиҳо бир-бирига эргашади. Мана, нима учун донишманд зот беҳаракат бўла туриб ҳаракатланади ва сукунатда, ими-жимиди ҳаракатланишнинг бебаҳолигини амалда аён этади.

Учинчи боб

Истеъдод – нодир ҳодиса сифатида юксак баҳосини топмаса, одамлар ўртасида рақобат вужудга келмайди. Нодир нарсалар нодирлик деб қадрланмас экан, одамлар бўёқчилик ва безакчилик ишлари билан шуғулланмай қўядилар. Одамлар қизиқиш ва талпиниш уйғота оладиган нарсаларга дуч келмасалар, уларнинг кўнгли дунёларида ҳис-туйғу, ҳаяжон ҳам туғилмайди.

Шу боисдан қув, айёр ҳукмдор, эл бошқарувини қўлга олса, энг биринчи иши – мамлакат фуқаролари ҳис-ҳаяжонини қарахтлантиради, қорнини тўйғазади, иродаларини мудратади, фақат уларнинг тана ва суяқларини ўз хизматида ярайдиган қилиб қувватлантириб, оби-тобига келтиради.

Бундай ҳукмдор, имкон қадар, ўз фуқароларининг билимсиз, истаксиз ва интилишларсиз яшашини хоҳлайди. Мабодо, эл орасида билимдон, фикрли шахс пайдо бўлиб қолса, унинг ҳаракатга тушиб кетишига асло йўл қўймайди.

Ҳукмдор зимдан, беҳаракат ҳаракатланади¹ ва элни бошқаради.

Ўн иккинчи боб

Беш хил ранг кўзнинг кўриш қобилиятини заифлаштиради, беш хилдаги товуш қулоқнинг эшитиш қобилиятини барбод этади, беш хил таъм тилнинг сезиш қобилиятини пасайтиради. Пойга ва овчилик – кишини жунбишга келтиради. Ноёб нарсалар – жиноятчилик ҳис-туйғуларини уйғотади...

Шу боисдан доно одам кўздан кўра кўпроқ меъдасининг қайғусини қилади. У, аввало, меъдасининг манфаатига қулоқ тутиб, борлиқдаги неъматларни шу асосда танлайди ва ортиқча бўлиб туюлганларидан дарҳол воз кечади.

Ўн саккизинчи боб

Буюк Йўл² йўқотиб қўйилса, «яхшилиқ» ва «бурч» муҳим нарсаларга айланади. Ўтқир ақл ҳайратомуз маккорликларни ҳам болалатади. Агар оила аъзолари ўзаро келиша олмай қолишса, «фарзандлик бурч-эҳтироми» ва «ота-онага меҳр-оқибат» ўртага қалқиб чиқади. Давлатда тартибсизлик вужудга келса, «содиқ фуқаро» ибораси тилдан тушмай қолади.

Эллик еттинчи боб

Мамлакат адолат билан бошқарилиши керак. Урушда айёрликлар ҳам иш беради. Осмон ости мамлакати (Хитой)да ҳаракатсизлик ҳукмронлик қилмоғи адолатдандир...

Нега бундай деяпман? Эшитинг, мана сабаблари: Осмон ости (Хитой) элида таъқиқлар кўпайган пайтларда халқ камбағал-қашшоқликда яшаган. Халқ кўлида қурол ошиб-тошса, мамлакатда ўзаро нифоқлар кучайиши кўзга ташланган. Эл орасидан моҳир кўлли усталар ва ҳунармандлар кўп етишса, эл бозори нодир ва хилма-хил буюмлар билан обод бўлган. Лекин қонунлар ва фармонлар саноғи ортгани сайин талончилик ва ўғрилиқ ҳам ўсиб, ғовлай бошлаган. Буларни кузатиб-билиб, обдон мушоҳада қилган донишманд эл отаси ҳам қуйидагича фикрлашга ўтади: агар мен монёлик кўрсатмасам – халқ эркин ҳолда ривожланиш йўлига кириб олади. Агар мен ўз ҳолига қўйсам, халқнинг аҳволи ҳар жиҳатдан фаровонлашиб боради. Агар мен ўз хоҳиш-истакларимни тиқиштирмасам – халқ табиий оққўнгилигини ва соддалигини сақлаб қолади.

Олтмиш тўртинчи боб

Ҳаракатсиз нарсани кўлда тутиб туриш осон кечади. Ҳали ўзлигини аён этмаган нарсани осон йўлга солса бўлади. Мўрт нарса тез синади. Майда-чуйда нарсаларни пуфлаганинг заҳотиёқ сочиб-тўзғиб кетади. Эгалланмаган, бўш, овлоқ жойда иш бошлаш осонроқ. Тартибсизлик ғовлаб кетмасидан унинг олдини олиш – маъқул иш. Танаси қучоққа

сиғмас дарахтлар мурғак ниҳоллардан пайдо бўлади. Баҳайбат, тўққиз қаватли миноралар оддий тупроқ ва лойдан кўтарилади. Минг ли масофали узоқ йўл – оёғинг остидан бошланади.

Минг югуриб-елсанг ҳам – ютқазининг ҳеч гапмас. Бирон нарсага эга бўлмасанг – ҳеч нарсангни йўқотмайсан ҳам.

Шу боисдан донишманд зот ими-жимиди яшайди ва асло ютқизмайди. Бирон нарсага эга бўлмайди ва ҳеч нарсасини йўқотмайди.

Одамлар иш бошлаб омадсизликларга ҳам учраб туради. Кимки ҳар томонлама ўйлаб, етти ўлчаб бир кесиб бирон ишни бошлаган бўлса, шу қадар эҳтиёткорлик билан уни ниҳоясига етказади ва зиён-заҳмат кўрмайди.

Шу боисдан донишманд одам ўта совуққон бўлишга интилади. Нодир нарсаларга ўч бўлмайди. Нодон ва нодонликлардан ибратланади. Бошқалар босиб ўтган йўлдан юришдан орланмайди. Ҳамиша табиий бўлиб қолишга интилади, табиий нарсаларни ёқтиради ва тийиқсизликлардан ўзини тияди.

Олтмиш бешинчи боб

Қадимги замонларда кимки Буюк Йўлга амал қилган бўлса, у халқни маърифатли қилишга интилмаган, аксинча, жаҳолатда асрашни маъқул деб билган. Негаки, халқ кўп нарсани билса, уни бошқариш осон бўлмай қолади. Шу боисдан кимки мамлакатни бошқарса ва у доно бўлса, албатта, халқнинг зарарига ишлаган. Кимки элни бошқарса-ю, узоқни ўйламаса, халқни маърифатли қилган.

Ҳаёт ва халққа бундай икки хил ёндашув ўзига хос сабоқларга бой.

Изоҳлар

1 «**Ҳукмдор зимдан, беҳаракат ҳаракатланади**» – «беҳаракат ҳаракатланиш» – Даочилик фалсафасининг марказий тушунчаларидан биридир. Лао Цзи назарида, даочи донишманд кулбасида ўтирганича, «деразадан ташқарига боқмай туриб» ҳам Даони – олам қонуниятларини кўриб-билиб, ҳис этиб туради ва шу қонуният билан яшайди. Дао – унинг онгида, қалбида ҳукмрон. Шунинг ўзи «беҳаракат ҳаракатланишдир» Лао Цзи табиатга яқинликни, уни тушунишни ва унинг яшаш, ривожланиш тарзига аралашмасликни, табиат ва инсонни ўз ҳолига қўйишнинг тарафдори. Унинг асаридаги «ҳаракатсиз ҳаракатланиш», «фаолиятсизлик» деган иборалар шундай дунёқараш кўзгусидир.

Аммо Даочилик фалсафасининг бундай ғоялари Лао Цзининг ўзи ҳаётлигидаёқ эътирозларга сабабчи бўлди. Ҳаракатсизлик, фаолиятсизлик

инсониятга ва унинг тараққиётига мос эмаслиги ошкора айтилди. Лекин Лао Цзининг табиат ва инсонни қадрлаш, уларга зуғум-зўравонлик кўрсатмаслик тўғрисидаги қарашлари ҳамisha ҳурмат ва эътиборга лойиқдир.

2. «Буюк Йўл...» – Дао таълимоти ва унга амал қилиб яшаш фалсафа тарихида шундай номга сазовор бўлган.

3, 4, 5 – Лао Цзи билан бир вақтда фалсафий тафаккур майдонида чиққан яна бир донишманд – Устоз Кун-цзи (Конфуций) Дао ҳақидаги таълимотни эътироф этган ҳолда, уни туманли, илоҳий-диний кўклардан Ерга туширди, жамият ва инсонлар ҳаётига татбиқ этди. Кун-цзини жамият ҳаёти ва унинг ривожланиш қонуниятлари ўзига ром этади. Ижтимоий борлиқда Дао қонуниятлари қандай амал қилишини ўз замондошларига тушунтириб берди. Инсон – жамият аъзоси ва унинг тартиб-қоидаларига итоатда яшаши керак! Кун-цзи (Конфуций) фалсафасининг бош қоидаси ана шундай. Кун-цзи ижтимоий ҳаётнинг шундай талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда – «яхшилик», «эзгулик», «фарзандлик бурч-эҳтиром», «ота-онага меҳр-оқибатли бўлиш», «мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумга содиқ фуқаролик» каби маънавий-ахлоқий тартиб-қоидаларни илгари суради. Бундай яшаш инсондан фаолликни, амалий ҳаракатни, меҳнат ва қуришни талаб қилади. Шу боисдан инсондан ижтимоий-маънавий лоқайдликни, фаолиятсизликни, ими-жимидида яшашни талаб қилиб келаётган даочиларга Кун-цзининг инсонни фаолликка, саъй-амалга чорловчи ғоялари, табиий равишда ёқмас эди. Юқоридаги матннинг кескин оҳангларида Кун-цзи қарашларини даочилар хушламаслиги яққол кўзга ташланиб турибди.



«ЧЖУАН БИТИКЛАРИ»ДАН

Изоҳ: Чжуан-цзи – милоддан аввалги IV асрнинг иккинчи ярми ва III асрнинг биринчи ярмида яшаб, улкан миқёсда фалсафий ва адабий фаолият олиб борган Қадимги Хитойнинг мутафаккир-адибларидан биридир. Ушбу асар ғоятда кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Кенг қамровлилик, аввало, унда қаламга олинган мавзу ва масалалар кўламининг кенглигида кўзга ташланади. «Чжоу битиклари»да дунёдаги ҳаёт ўзининг бор бойлигида, ранг-баранглигида, кескин қарама-қаршиликлари билан ва ҳайратланарлиси, мураккаб бир бутунлигида, уйғунлигида қамраб олинган. Иккинчидан, кенг қамровлилик ушбу асарнинг ғоялари, тафаккурининг кенглигида, илгари сурилган фалсафий-маънавий қарашларнинг турфа хиллигида намоён бўлади. Қарашлар шу қадар ранг-баранглик, гоҳида битта бадий қатрадаги, лавҳадаги фикр, нуқтаи назар, хулоса бошқа биттасида тамомила инкор этилади. Сиз Чжуан-цзини тушуна олмай қоласиз, уни қайси бекатда қарши олишингизни билмай, довдирайсиз. Гўё у аниқ манзилсиз, бекатсиз, тайинсиз ва аниқ позицияга эга бўлмаган инсондай бўлиб туюлади, сизга. Лекин ҳар гал ва ҳар бир қатра асариди донишманд сизни ўткир заковати, кутилмаган янгича қарашлари билан маҳлиё этади. Сиз унга чин дилдан ишонасиз ва тан берасиз. «Чжуан битиклари» услуби ҳам кенг ҳаётий бўёқдорлиги билан ажралиб туради. Гоҳида ниҳоятда мафтункор ҳаётий соддалик, гоҳида чуқур маъноли қитмирлик, киноя, истехзо; гоҳида асотирий, диний-илоҳий ва хаёлий-фантастик руҳли ўйлар; гоҳида бир-бирига зид маъноли, тартибсиз метафоралар билан фикрлаш; кундалик ҳаёт ва тарих, оддий, ҳар хил тоифали, касб-хунарли одамлар ва турли даврларда ўтган ҳукмдорлар тақдири устидан чиқарилган фалсафий ҳукмлар, беҳад ранг-баранг табиатли ҳис-туйғулар асарда чексиз ранг-баранглигида барқ уриб турибди.

Аслида, Чжуан-цзини даочи файласуф, Лоа-цзи вориси, дейишади. Лекин уни конфуцийчи донишманд десак ҳам янглишмаймиз. У фалсафий тафаккур майдонида ҳеч бир чегарани тан олмайди. Чжуан-цзи табиийлик, ҳаракатсизлик, фаолиятсизлик сингари Дао таълимотига оид қарашларни ҳам, айна пайтда, Конфуций илгари сурган фаоллик,

ҳаракатчанлик, хунармандлик, инсоний истеъдод ва имкониятни амалда кўрсатишга даъватни ҳам чуқур қадрлайди. Бундай ҳолат Чжуан-цзи дунёқарашининг асло иккиюзлаамачилиги эмас, балки ўзига хослигидан далолатдир. Бу донишманд – Лао-цзи таълимотининг мутлақ ҳукмронлиги тугаб, Хитой фалсафасида конфуцийчилик ўзига фаол йўл оча бошлаган даврда дунёга келган ва мазкур эврилишни ўз таълимотида ифода этган.

Юқоридан айtilган умумий мулоҳазалар «Чжуан битиклари»дан саралаб олиниб, чоп этилган митти бадиаларнинг моҳиятини бир қадар ойдинлаштиради ва китобхонларнинг тушунишига кўмаклашади деб умид қиламиз. Бизнингча, энди бошқа, майдалаштирилган изоҳларга ҳожат йўқдай.

* * *

Кунларнинг бирида Чжоу туш кўрибди. Тушида у капалакка айланиб қолган эмиш. Майсалар ва гуллар устида чарх уриб учиб юрган эмиш, ниҳоятда бахтли эмиш ва ўзининг Чжоу эканлигини ҳам билмас эмиш. Ногаҳонда уйғониб кетибди ва ажабланибди. Қараса, у, чиндан ҳам ўзи, Чжоу! Энди у кўрган тушининг таъсиридан қутула олмай, тамомила довдирай бошлабди: ростдан ҳам у тушида капалакка айланиб қолдими? Ёки ўша капалакнинг ўзи тушида Чжоуга айланиб қолдими? Ахир капалак ва Чжоу айнан битта нарса эмас-ку? Ёки бу, ўша – руҳнинг бир танадан аллақандай бошқа танага кўчиб юришининг шунчаки бир далолатими?

(Иккинчи бобдан – «Нарсаларнинг тенглиги».)

* * *

Ботқоқда умргузаронлик қилаётган қирғовул ўн қадам ўтиб, алланирсани чўқилаб ейди, юз қадам йўлни ўтиб, сув ичиб чанқоғини босади... Аммо зинҳор қафасга қайтишини истамайди. Тўғри, қафасда эканида дон-дуни, чанқовбосди суви шундоқ тумшуғи тагида муҳайё эди: е, ич, яшайвер! Лекин у ердаги ҳаётда, барибир, нимадир муҳим бир нарса етишмайди!

(Учинчи бобдан – «Яшаш санъати».)

* * *

Лао Дань вафот этганида Цинь И марҳумнинг қариндош-уруғлари қошига ҳамдардлигини изҳор этиш учун борди-да, бор-йўғи уч марта «Уф!» тортди ва чиқиб кетди. Шогирдлари ундан:

– Ахир сиз марҳум Устознинг дўсти эмасмидингиз? – дея, ажабланиб сўрашди.

– Биз дўст эдик, – деди Цинь И.

– Шундоқ экан, дўстингиз ўлимидан қайғу-ҳасратингизни муносиб бир ҳолатда изҳор этсангиз бўларди-ку? – деб, ижикланишдан тийилишмабди шогирдлар.

– Шундай қилсам бўларди, – дебди Цинь И. – Дарвоқе, сизларни ҳам марҳум Устознинг ҳақиқий садоқатли шогирдлари деб билардим. Лекин кўриниб турибдики, ундай эмас экан. Мен таъзияга келган чоғимда, кўрдимки, кексалар ўз ўғлидан айрилиб қолгандай куюниб йиғлаша-япти, ёшлар эса отасиз қолишгандай ҳасрат-надоматга берилишмоқда. Марҳумнинг атрофида йиғи-сиғи, доду фарёд... Аммо, бу тўғрими? Бу – бу Осмоннинг иродасига қарши бориш, асл ҳақиқатдан юз ўгириш эмасми? Бундай васваса тақдирни инкор этиш деб аталмайдими? Қадимги аждодларимиз буни «итоатсизлик балоси» деб билишган. Буюрилган вақтда Устоз дунёга келди, яна вақти келди – Устоз ёруғ дунёдан кетди. Қисматга холисона ёндошсангиз ва барҳақликка бўйсунсангиз, сиз на шодланасиз, на қайғу-ситамга бериласиз. Қадимгиларимиз ўлимни «Сиртмоқдан халос бўлиш» деб ҳукм қилишган.

(Учинчи бобдан – «Яшаш санъати».)

* * *

Отнинг туёғи бор – қор-қировни кўрдим демай ғирчиллатиб босиб юриверади. Жуни бор – изғирин ел ва аёз совуғидан уни ҳимоя қилади. У ўт-ўсимликлар билан озукланади, сув ичиб ташналигини босади. Кучи танасига сиғмай кўкка сакрайди ва шамолдай елиб учади – буларнинг барчаси отнинг ҳақиқий табиатига хосдир. Отга юксак миноралар ҳам, бой-бадавлат кошоналар ҳам керакмас.

Бироқ мана, Бо Лэ пайдо бўлди ва:

– Мен отларни итоатимга оламан, – деди.

Хуллас, у отларнинг танасига ўткир дори суриб, куйдира бошлади ва тамғалашга киришди, кишанлади ва жиловга олди, ёлини қайчилади ва туёғига нағал қоқа бошлади, отхонага қамади ва охурга мубтало қилди. Оқибатда, ҳар ўн отдан икки-учтаси ҳаром ўла бошлади. У эса отларни очлик ва ташналикка маҳкум этиб қийноқ-қистовга солди. Йўрғалаб-йўртиб юриш ва жон аччиғида ҳаллослаб чопишга мажбурлади, сафда мунчоқдай қаторланиб туришга кўниктирди, оғзига сувлик солиб тизгинлади, елкасига эгар босди, вужудини қамчига бўйсундирди. Шу-шу, отларнинг ярмидан кўпи ҳаром ўла бошлади.

– Мен эсам, – деди Кулол, – лойнинг тилини биламан. Паргарни ишга солиб, дум-думалоқ идишлар ясайман, бурчак ўлчагичлар воситасида пойдеворларни тўғри тўртбурчак шаклига келтира оламан.

– Мен ёғочсозлик хунарининг ҳавосини олганман, – дейди Дурадгор. – Эгри-бугри ёғоч-ходаларни чангакка солиб тўғрилайман, тўғриларининг тўғрилигини шоқул ёрдамида текшираман.

Аммо ёғоч ва лой, табиатан, мана шу чангак ва шоқул, паргар ва бурчак ўлчагичларнинг изни-иродасига бўйсунуш учун яратилганми? Шунга қарамасдан, одамзод аҳли хунармандларнинг шаънини кўкларга кўтаргани-кўтарган: «Бо Лэ отларни мулла қилиб қўйди. Кулол ва Дурадгор тупроқ-лой ва оғочдан мўъжизалар ярата олдилар» деб, мақтайвериб эсдан айрилишади.

Осмон ости (Хитой) мамлакатини бошқаришда ҳам ғайри-табиий ҳолатларга йўл қўйилмоқда. Эл-юртни бошқаришда ҳукмдорлар табиий талаб ва эҳтиёжларга риоя этишмаяпти.

Оддий халқнинг табиати эса ўша-ўша, зинҳор ўзгарган эмас: улар тикиш-бичиш билан шуғулланишади, кийим-либосларда юришибди, деҳқончилик қилишиб озуқа етиштиришади. Бундай саъй-амаллар азалий кўникмалардир. Уюшмаларга бирлашиш ва ўзаро тенгликка интилиш – одамларнинг қонида бор. Мана, нима сабабдан Осмон Иродасини Ирода деб билишган илк чоғларда улар жиддий ва сипо эдилар, қарашлари соғлом ва ҳаётий эди. У пайтларда тоғларда йўл ва сўқмоқлар учрамасди, дарёларда қайиқлар ва кўприклар йўқ эди. Жамики тирик жонзот аралаш-қуралаш эди, ўз чегаралари ичига бекиниб олишмасди. Қушлар ва ҳайвонлар гала-гала бўлиб учиб-қўниб ва ўтлаб юрарди. Кўкатлар ва дарахтлар ўз ҳолича ўсиб-ғовлаб ётарди. Одамлар қушлар ва ҳайвонлардан ўзларини ажратмасди. Тубанлик ва олижаноблилик тўғрисидаги гапларни одамлар кейин тилга оладиган бўлиб қолишди. Барча одамлар билимсиз эди, лекин ички дунёларини оққўнгиллилик, ўзаро иноқлик безаб турарди. Ҳеч ким истак ва интилиш тўғрисида ўйламасди, лекин одмилик ва табиийлик ҳаммага хос эди. Одмилик ва табиийлик билан яшаганлиги учун одамзод ўз одамийлигини сақлаб қола билди.

Шундан кейин ҳаёт сахнасига донишмандлар чиқди. Улар ўз чираниш ва уринишларини «эзгулик» деб, турли усулдаги ҳийла-найрангларини «бурч» деб атай бошладилар. Шу кўйи, Осмон ости (Хитой) элида ўзаро шубҳаланишлар расм бўлиб қолди. Девонаю дарвишлик ва телбаликларни «муסיқа» деб таъриф-тавсифлай бошлашди, икир-чикир тартиб-қоидаларни ўйлаб топишиб, уларга «урф-одат» деган ном

беришди. Осмон ости (Хитой) ўлкасида талончиликлар авж олди. Қурбонлик чорчўпларини ясаймиз, дейишиб, дарахтларни қийрата бошладилар. Ҳукмдорларга ҳашамдор асо ҳадя этамиз, деб оқ жилодор яшма тошларининг абжағини чиқаришди. Буюк Йўл ва инсон оққўнгиллигидан воз кечиб, қандай қилиб «эзгулик» ва «бурч»га эришиш мумкин? Табиий инсоний ҳис-туйғулардан воз кечиб, нега энди ясама урф-одатлар билан яшаш ва муסיқага сажда қилиш керак экан? Беш хил тусдаги рангни бир-бирига аралаштирмай туриб жилвагар нақшни ярата оласизми? Товушларни бир-бирига қўшмай туриб олти хил оҳанг тузилмасини дунёга келтириб бўладими? Аллақандай арзимас буюмни ясайман деб гуркираб-яшнаб турган дарахтни майиб-мажруҳ қилиш – хунарманд устанинг табиат олдидаги оғир гуноҳидир. «Эзгулик» ва «бурч»га зўр бериб, Буюк Йўл ва олижанобликни унутиш – донишмандларнинг ҳаёт олдидаги оғир айбидир.

Эмин-эркинликда юрган отнинг еган кўкати ва ичган суви ўта татимлидир. Эркин ҳаёт бағрида улар бир-бирига эркаланишиб, бўйинларини бўйинларига босиб, ўзаро иноқликларидан қувонишади. Эркинликда отлар аччиқ-тиззиқларини ҳам бир-бирларига орқа ўгиришиб, ўзаро тепинишиб очиқ-ошкора ифода этишади. Бундай одатлар улар учун табиий. Бироқ уларнинг бўйнига хомут кийгазишиб, тумшукларига ярим ой шаклидаги нўхта уришгач, отларнинг кўзи норозилиқдан ғилай торта бошлади, бўйинларини асабий силкишни одат қилишди, сувлиқни егудай чайнаб, тизгинларини узиб юборгудай юлқинишга ўтишди. Осмон ости (Хитой) заманида от зотига кўрсатилаётган бундай зўравонликни Бо Лэ жорий этди ва унинг бу иши табиат олдидаги кечирилмас жиноятидир.

Ибтидоий замонлардан буён бу замин халқи табиатнинг ҳаётига аралашмай яшаб келди, қаерга бориш, нима қилиш деган масалалар ҳам ҳеч кимни ўйлатмади. Тўйгунича еб-ичиб, ўйнаб-кулиб кун кечирди ва ҳаётдан мамнун бўлишди. Бу халқ тинч, хотиржам яшамоқда эди. Бироқ донишмандлар дунёга келиб, одамзод турмушига турли хил расм-русумларни жорий этишди, муסיқага муҳаббатни уйғотишди, уларнинг ёрдамида Осмон ости (Хитой) еридаги ҳаётни юксалтиришни кўзладилар. «Эзгулик» ва «бурч» тушунчаларини бор кучлари билан тарғиб ва ташвиқ этишди – ўзларича Осмон ости аҳолисининг ички дунёсини ўзгартирмоқни хаёл қилдилар. Шу-шу, бу ердаги халқ билимдон бўлиш ва бойлик орттириш пайида бўлиб келяпти. Барча тийиқсизликларнинг бошида донишмандлар туришибди.

(Тўққизинчи бобдан – «От туюқли бўлади».)

Чжуан-цзи Пушуй дарёси бўйида балиқ овлаб ўтирганида Чу подшолигидан икки амалдор уни сўраб келиб қолди.

– Подшоҳимиз сизни ўз подшолиги хизматига чорлаяптилар, – деди улар.

Чжуан-цзи кўлида қармоқ тутганича, ёнидаги подшо вакиллариға қиё бурилиб ҳам қарамасдан шундай деди:

– Эшитдимки, Чу саройида муқаддас тошбақа сақланмоқда экан. Тошбақанинг ўлганиға уч минг йил бўпти. Подшолар эса уни ажодлар руҳи ором топаётган ибодатхонада, нафис сандиқчада, шоҳона парда остида авайлаб-асраб келишмоқда экан. Тошбақа учун, аслида, нима муҳимроқ: ўлиб ҳаром қотган ҳолда сийланмоқми? Ёки тирик ҳолда, думини ўйнатиб ботқоқда яшамоқми?

– Думини ўйнатиб ботқоқда бўлса-да, яшаш яхшироқ, албатта! – дейишибди амалдорлар.

– Ундай бўлса, қани, жўнаб қолларинг, – дебди Чжуан-цзи. – Мен шу ерда думимни ботқоқларда судраб яшашни афзал деб биламан.

(Ўн еттинчи бобдан – «Куз сувлари».)

Чжуан-цзи Чу воҳаси йўлларида кетатуриб, битта бош суягиға дуч келиб қолди. Суякнинг тамомила суви қочган, қоқ-қуруқ, аммо ҳали бус-бутун эди. Чжуан-цзи қамчисининг дастаси билан бош суягини қоқиб, такиллаб кўрди ва ундан сўради:

– Сен нега бундай аҳволға тушиб қолдинг? Балким, кўнглингдаги хоҳиш-истакларингни амалға ошираман деб, қонун чегарасидан чиқиб, бошинг балоға қолдимми? Ёки бўлмасам, мамлакатинг урушда енгилиб, сенинг бошинг ҳам кундаға қўйилгандир? Эҳтимол, барча кулфатларингга ўзинг айбдордирсан, яъни ота-онанг, хотин ва бола-чақаларингни тавқи лаънатға қолдириб, уятдан ўзингни ўлдирдингми? Ёки очликда қолиб, балким, аёвсиз қаҳратонға йўлиқиб ўлим топгандирсан? Ёхуд, шунчаки қариб-қартайиб вафот этдингми?

Чжуан-цзи интиҳосиз саволларни охири тўхтатиб, суякни бош томонига қўйди-да, бироз тин олиш учун ётиб, уйқуга чўмди.

Тунда бош чаноғи унинг тушида жонланиб, тилға кирди:

– Саволларингдан кўриниб турибдики, анча сўзамол ва дунё сирларига қизиқувчан одам экансан. Бироқ сен билишни истаган нарсалар ёлғиз тириклар учун аҳамиятлидир, ўлганларға эса энди фарқи йўқ. Агар хоҳласанг, сенга марҳумлар тўғрисида сўзлаб бераман?

– Албатта, эшитишни хоҳлайман, – деди Чжуан-цзи.

– Марҳумлар учун, – деди бош чаноғи, – энди уларни тепасида туриб бошқарадиган подшолар ҳам, ёки пойида таъзим қилиб турадиган хизматкорлар ҳам йўқ. Энди йилнинг тўрт фасли турли хил об-ҳавоси билан уларни асло безовта қилмайди. Улар беғам-беташвиш, эрки мутлақо ўз ихтиёрларида, улар бамисоли Ер билан Осмондай абадий ва барҳақдирлар. Ҳатто юзларини жанубға қаратиб тожу тахтида савлат тўкиб ўтирган эрмакталаб подшоҳларнинг ҳузур-ҳаловати ҳам марҳумларнинг фароғати олдида ҳеч нарсаға арзимайди.

Чжуан-цзи унинг айтганларига ишонқирамасдан, шундай деди:

– Агар истасанг, мен Тақдирлар Соҳибидан сени тирик ҳаётға қайтаришини сўрайман. У сенинг суякларингни бор бўйича тиклайди, уларға тери ва гўшт бахшида этади. Сен ота-онанг, хотининг ва болаларинг, кўни-қўшниларинг ва ёру биродарларинг олдиға қайтасан?

Аммо бош суягининг бирдан қовоқ-тумшуғи осилиб хўмрайди ва деди:

– Нималар деяпсан, ўзи? Топган шоҳона ҳузур-ҳаловатимни, келиб-келиб, одамлар тирик оламда бошларидан кечираётган чидаб бўлмас азоб-уқубатларға алмашаманми?

(Ўн саккизинчи бобдан – «Олий саодат».)

Чжуан-цзининг хотини вафот этди. Шу муносабат билан Хуай-цзи ҳамдарадлигини изҳор этиш учун унинг ҳузурига келди. Хуай-цзи келганида, ажабо, Чжуан-цзи чордона куриб ўтирганича, тиззасидаги хурмачанинг сиртини бармоқлари билан бир маромда такиллаб қоқиб, қандайдир ашулани хиргойи қилиб турганди.

– Сен марҳума аёлинг билан яшаб анча-мунча фарзандлар кўрдинг, – деди Хуай-цзи, – энди ул муштипар ёши бир жойға бориб бу дунёдан кўз юмганида эса сен уни хотирлаб, обидийда қилиш ўрниға, мана бундай ҳолатда, идиш қоқиб ашула айтиб ўтирибсан. Буни қандай тушунса бўлади?

– Ҳолатимни тўғри тушунмаяпсиз, – дебди Чжуан-цзи. – Хотияним ўлганида мен ёлғизланиб қолдим, наҳотки бу мени қайғуртирмасан? Лекин мен ўйланиб қолдим. Ҳали у дунёға келмаган дамларни хаёлимда жонлантирдим: у нафақат туғилмаган, балки она қорнида зуваласи ҳам шаклланмаган эди. Поёнсиз бўшлиқ муҳитиға ҳамнафасликда у пайдо бўлди, нафас ҳам ола бошлади. Нафас ола бошлагач, танаси ҳам ривожланди. Танаси ривожлана бориб, ҳаёти ҳам бошланди. Мана энди, тақдир эврилиши юз бериб, тагин ҳаётни тарк этди. Буларнинг барчаси,

ўз-ўзидан, йил фаслларини ёдга солади: баҳордан кейин ёз келади, куз ўрнини эса қиш эгаллайди. Бу – табиий ва муқаррар.. Модомики, пайти етиб келиб, марҳума хотиним яна Ер қаърига қайтган экан, нега бу муқаррар сўнгги абадият йўлига уни йиғлаб-сиқтаб, дод-фарёд солиб кузатишим керак? Бу Осмон иродасига шаккоклик эмасми? Шу боисдан мен ғам-андухни тўхтатдим.

(Ўн саккизинчи бобдан – «Олий саодат».)

Чжун-ни Чу ерларига йўл олди. Ўрмондан чиқиб, қараса, бир букри одам панжаларига елим суртиб ҳашарот овляяпти, шу қадар усталик билан овляяптики, гўё ҳашаротларни овламаяпти, балки қўлда тутяпти дейсиз.

– Қандай устамонсан? – деди Чжун-ни. – Бундай эпчилликнинг сирини мада?

– Битта сир бор, – деди букри. – Ой кўтарилишининг бешинчи ва олтинчи кунларида ходанинг учига бир жуфт мунчоқни жойлайман ва оҳиста кўтараман. Агар мунчоқлар ерга тушмаса, хомага кўнган ўнлаб ҳашаротнинг атиги икки-учтасигина қўлимдан қочиб қутилади. Борди-ю, хома учида учта мунчоқни тутиб туролсам – ҳашаротларнинг ёлғиз биттаси қочиб қутулади, холос. Мабодо, хома учида биратўласига беш дона мунчоқни сақлаб тура оладиган уқувга эришсам, унда ҳашаротларни қўлда бемалол тута оламан. Кўпикдай қалқиб тураман, қўлимни қуруқ шохчадай ҳавода ёяман. Осмон ва Ернинг баҳайбатлиги, борлиқдаги жамики инсу жинслар мени қизиқтирмайди, хаёлимни фақат ва фақат қанотли ҳашарот бутунлай банд этади. Мақсадимдан чекинмайман, ҳеч нарсага чалғимайман, жимитдай битта ҳашаротни бутун оламга алмашмайман – шу қадар саъй-интилишдан сўнг ҳам, наҳотки битта ҳашаротни тута олмасам?!

Кун-цзи (Конфуций) теварагида давра қуриб ўтирган шогирдларига бир куни шундай деган экан: «Ироданг ва ихтиёрингни жамлаб, бир мақсадга йўналтира олсанг – Худоба айланасан»

Ахир бу ҳикмат айнан бизнинг букримиз ҳақида айтилган-ку?!

(Ўн тўққизинчи бобдан – «Ҳаёт сирлари».)

Дурадгор Цин бутхонага мўлжаллаб ёғочдан ром тайёрлади. Ром тайёр бўлганида, уни кўрган одамлар ҳайратдан ёқа ушлашди: ром ғоятда чиройли эди, уни одам боласи эмас, руҳлар тайёрламадимикин деб ўйланиб қолишди.

Ромни Лу ерларининг ҳокими ҳам келиб кўрди ва дурадгордан:

– Бундай санъатга қандай эришдинг? – деб сўради.

– Оддий дурадгорман, – деди Уста, – санъат менда нима қилсин? Дарвоқе, битта сирим бор. Ҳеч бир ишни беҳафсала бошламайман. Руҳиятимни ишга ростлаш учун, аввалига, албатта, рўза тутаман. Уч кунлик рўзадан кейин кўрсатилажак иззат-икром ва мукофотлар, ёрлик ва унвон-мартабаларни хаёлимдан чиқараман. Беш кун рўза тутганимдан кейин мақтов ва танбеҳлар, омад ва омадсизликлар тўғрисида ўйламай қўяман. Етти кунлик рўзадан кейин ҳатто ўз танамнинг бор-йўқлиги ёдимдан кўтарилади, қўлим ва оёқларим борлиги сезилмай қолади. Мен учун энди ҳукмдорлар ва уларнинг саройлари гўёки йўқдай, ташқи оламга эътибор қилмай қўяман. Бутун борлигим ва куч-қобилиятимни бир мақсадга йўналтираман. Шунда тоғ мени ўзига чорлайди, бориб, у ердаги дарахтларнинг табиий хусусиятларини битта-битта кўздан кечираман. Ва қайси дарахт танаси ва шохларида хаёлан ромни тайёр ҳолда кўрсам – ишга киришаман, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Худди шу йўсинда, менинг табиатим дарахтларнинг табиати билан ўз-ўзидан уйғунликка киришади – яратган буюмим ҳам мўъжизага айланади.

(Ўн тўққизинчи бобдан – «Ҳаёт сирлари».)

Чжуан-цзи вафот этган яқин бир кишининг дафн маросимига борди. Қабристон йўлагидан бораётиб, марҳум Хуан-цзининг қабрига юзма-юз келиб қолди. Ёнида бораётганларни ҳам қабр бошида бир зумга тўхтатиб, уларга кўнгул сирларини ошкор этди:

– Бир куни, – деди у, – аллақандай зодагоннинг бурни учига оппоқ оҳак эритмаси сачраб қўнибди. Зодагон шу атрофда айланиб юрган Ши исмли дурадгорни ёнига чақириб, бурнини доғдан тозалашни буюрибди. Дурадгор нима қиларди? У қўлидаги болтани шамолда визиллатиб ўйнатиб ишга чоғланибди. Зодагон «Бир, икки, уч! Бошла!» дейиши заҳотиёқ, болтани зарб билан ҳаракатлантириб, оҳак доғини зодагоннинг бурни устидан қиртишлаб кўчириб, ерга туширибди. Шу қадар моҳирлик билан ишлабдики, бурун устида оҳак қатрасидан асар ҳам қолмабди, муҳими, бурун заррача бўлса-да, шикастланмабди. Қизиғи, болта ишлаётганда зодагоннинг авзоида «қилт!» этган ўзгариш сезилмабди.

Буни эшитган Сунь ҳокими дурадгорни ҳузурига чорлаб:

– Шу абжирлигингни менда ҳам синаб кўрмайсанми? – дебди.

Дурадгор шундай дебди:

– Қачонлардир шу ишни бажарганман, аммо менинг журъатимни бошида синаб кўрган ўша «жонли тажриба ашёси» дунёдан аллақачон ўтиб кетган-да!

Мана, мен ҳам ўшандай «жонли мулоқот ашёси»дан айрилиб ўтирибман: Устоз Хуай-цзи бу ерда ётибди. Энди ким билан баҳс-мунозара қилишимни ҳам билмайман.

(Йигирма тўртинчи бобдан – «Сюй У-чуй».)





ҚАДИМГИ ХИНДИСТОН ТАФАККУРИ



ҚАДИМГИ ҲИНД АДАБИЙ МАНБАЛАРИ

Хиндшунос олимлар фикрича, веда китоблари, веда адабиёти м.а. X аср ва XII–XI асрлар оралиғида самхитлар – муқаддас китоблар сифатида шаклланган. Муқаддас «Веда» китоблари тўртта: «Ригведа», «Самоведа», «Яхурведа», «Атхарведа». Бу китобларда қадимги ҳиндларнинг ижтимоий аҳволи, ибодат маросимлари, диний эътиқодлари, фалсафий ва эстетик тафаккури акс этган.

«Ригведа» китоби ведалар қаторида энг юқори мақомни эгаллайди. Чунки у халқнинг диний эътиқоди, маъбудларга ихлоси, уларга гимн айтиш – мадҳу сано билан боғлиқдир. «Ригведа» ижодкорлари тингловчиларда, қавмларда кучли таассурот қолдириш учун, Тангри қудратини, унинг жамоа, қабила толеига марҳамати, карами кенглиги ҳақида равшан тасаввур ҳосил қилиш учун ёрқин истиоралар, поэтик санъатлар билан беаганлар ва бойитганлар. «Ригведа» гимнларини айтувчи бахшилар, оқинлар, коҳинларга Тангри ўзи илҳом беради, деб тасаввур қилганлар. Риг – маъбудларга мадҳу сано, гимн деган маънони билдиради. Риг тўқувчи шоирлар бадиҳагўйлик – экспром билан архаик – энг қадимий ва энг янги сўзлар воситасида маъбудларга мадҳу сано мусобақасида ғолиб чиқишга интилганлар. Қадимги вақтларда риг айтувчи шоир – бахшиларни қабила, жамоа одамлари риши – донишманд, устоз деб эъзозлар эдилар...

«Ригведа» мадҳияларида жуда кўп маъбудларга: яшин, чақмоқ эгаси, жангчи Индрага, фазо, космос тартиботчиси, самовий уммон эгаси Варунага, олов маъбуди Агни Вайш ванарага, Сўз санъати маъбудаси Брихаспатига мадҳу санолар айтилади, яъни бу – мушриклар поэзиясидир.

Ведалар пайдо бўлишидан аввалроқ Ҳиндистон жамияти ҳаётида варналик – ижтимоий табақаланиш, тенгсизлик келиб чиққан эди (Варна – ранг маъносида оқсуяқлар, қоралар ўша замондаёқ айирмачилик қилар эдилар). Энг юқори варна-поғонада руҳонийлар – браҳманлар, муқаддас билимларни сақловчи ришилар, сўнг кшатрийлар (сиёсатчилар, жангчи йўлбошчилар), сўнг вайшья – ҳунармандлар ва энг қуйи поғонада – шудралар – қора халқ турарди. Юқори табақа вакиллари, сиёсатчи, жангчилар бир неча йил устозлар қошида сабоқ олганларидан

сўнг «Икки марта туғилган» деб аталарди. Билимли, илмли бўлиш яна бир марта дунёга келиш билан тенг эди.

Браҳманлар даврасида ижод қилинган ведалар – билимларни фақат юқори табақа вакиллари ўрганар, паст табақалар чала, ярим эшитганларини бузиб талқин қилар эдилар. Беруний мана шу чаласаводлар ҳақида бундай дейди: «Авом халқ ва ҳинд динининг бошқа («Патанжали»дан бошқа) барча шохобчаларига ўралашиб қолган кишилар (илоҳий) сифатларни ишлатишда чегарадан чиқиб кетдилар. ...Худога, эр ва хотинлик, ўғил ва қизлик, туғдириш ва туғилиш сифатларини, инсонларга хос бошқа табиий ҳолатларни берадилар, шу ҳақда ўлчовсиз гапиришдан уялмайдилар. Гарчи (ҳиндларнинг) мазҳаб ва тушунчалари кўп бўлса ҳам, эътиборсиз, чунки асл тушунча браҳманларникидир. Васудева «Гита» («Бхагавадгита») китобида айтганидек, ҳақиқатини олганда оламдаги ҳамма нарса Тангриникидир». Шу ўринда Беруний Балинос (Апполоний Тианли), Апполониуснинг «Нарсаларнинг вужудга келиш сабаблари ҳақида» китобида айтган мана бу фикрга ўхшаш, дейди: «Ҳамма одамда илоҳий бир қувват бор (бу Худо берган фикрлаш қуввати). Моддий ва номоддий нарсалар шу фикрлаш қуввати билан билинади... Ҳиндларнинг имо-ишораларини ишлатмай, аниқлаб гапирадиган кишиларига (ришиларга) келсак, улар жонни пуруша деб атайдилар. Шаклга кирмаган модда (материя)ни ҳиндлар авақта дейди. Унинг салоҳиятида уч қувват бор: саттва, ражас ва томас. 1. Роҳат ва поклик – фаришталарга хос. 2. Меҳнат ва машаққат – одамларга хос, сабот ва доимийлик (барқарорлик) шундан пайдо бўлади. 3. Кучсизлик (ақлий кучсизлик) ва ҳайронлик – ҳайвонларга хосдир». Юнон ва ислом фалсафасида барча моддий мавжудотлар асоси тўрт унсур, қадимги ҳиндларда эса 25 унсурдан иборат.

Қадимги ҳиндларнинг мифологик, поэтик тасаввурича, уч олам бор. Юқори, ўрта ва қуйи оламлар. Юқори олам – сворлока – жаннатдир. Қуйи олам – Нагалока, яъни илонлар йиғиладиган жой, дўзахдир. Баъзан Потола – Ерости деб ҳам атайдилар. Ўрта олам Бхурлака ёки Мадҳиалока – инсонлар олами. Қадимги ҳиндлар бу оламларни тушуниш учун буддавийлик ва ҳиндийлик қўшилмаси бўлган жон ва руҳнинг ўсимликларга, ҳайвонларга ва инсонларга кўчиб юриши, бу кўчишнинг сабаблари ҳақидаги таносух таълимотини билмоқ керак. Бу ҳақда Беруний бундай дейди: «Шаҳодат калимаси мусулмонлар динининг шиори, Тангрини уч зот (Худо, Руҳул-қуддус – Жаброил ва Исо Масих)дан иборат дейиш насроний динининг аломати, шанба куни (Худо шанбагача оламларни яратиб бўлиб, дам олгани сабабли) меҳнат қилмай, шан-

ба куни дам олиш яҳудийлик белгиси бўлганидек, таносуҳ (руҳларнинг кўчиши) ҳиндлар динининг асосидир. Ҳиндларда ҳамма таносуҳга ишонади, унга ишонмаганлар динсиз саналади. Жон ва руҳнинг кўчиши – таносуҳ таълимоти буддавийликда ҳам, Кришна (Васудева) фалсафасида ҳам асос, пойдевор ҳисобланади.

Веда даври ёдгорликларидан «Сама веда» илоҳий куйлар, қўшиқлар тўплами бўлиб, халқ эътиқодига кўра, бахши-шоирлар, ришилар бу қўшиқларни самовий зотлар, маъбудлар, фаришталардан эшитиб, ёзиб олганлар. «Самаъ» сўзи веда тилида ҳам, араб-форс тилида ҳам «эшитиш» маъносини билдиради.

Тўртинчи веда – тиббиёт, шифокорликка бағишланган «Атхарведа» кейинчалик қўшилган. Унда турли касалликларни даволашга доир маслаҳатлар, дуолар ўрин олган.

Ҳиндшунослар аниқлашича, орийларнинг тили – санскрит, асосан, ҳинд-европа тилларининг асосини ташкил этади. Бу тил лексикаси, сўз бойлиги жиҳатидан кенгайиб, такомиллашиб, дравидий, паҳлавий, айрим Европа халқлари тилларига ҳам таъсир кўрсатган. Орий тили халқлари мифологиясида, маъбудларнинг номларида «Авесто»га ҳам яқинлик бор. «Ригведа» маъбудларидан бири Варуна – дарёлар, денгизлар маъбуди «Авесто»да ҳам шу вазифада келади. Митра – Қуёш маъбудининг исми ўзи ва бошқа қўшимчалари билан аталиши учрайди (Мас. Риши, донишманд шоир Вишмамитра...)

«Ригведа» муқаддас китобидаги маълумотларга кўра, орийлар Ҳиндистонга келишидан аввал Ўрта Осиёда, сўнг Амударё ва Сирдарё оралиғида бўлиб, сўнг асрлар давомида Афғонистонга, Эронга ва Ҳиндистонга кириб келганлар. Баъзи қадимшунос олимлар фикрича, милоддан аввалги иккинчи минг йилликда Кичик Осиё (Туркия, Эрон), Олд Осиё (Ироқ, Месопотамия) халқлари ёдгорликларида «митанний – орий тили»га оид сўзлар учрайди¹.

Қадимги ҳинд ведалари бадиийлиги, ҳаётийлиги юксак бўлса ҳам, кенг халқ оммасига ўргатилмагани сабабли бўлса керак, юз йиллар, ҳатто минг йиллар давомида унутилган кўринади. Ведалар ўрнига оташпарастлик дини ақоиди аҳкомлари бўлган «Бараҳман» китоби муқаддаслашган. Мазкур китобда Пражапати (Табиат) олий тангри деб қабул қилинган.

«Браҳман» китобидаги «Пуруравас ва Урваши» ривоятида маъбуда Иданинг ўғли билан сув парисининг муҳаббати тасвирланади. Шу ки-

¹ Беруний. Ҳиндистон. – Т.: Фан, 1965. 61-б.

тобда яна устоз ва шогирднинг оловнинг муқаддаслиги ҳақида фалсафий суҳбати берилган. Унда тасвирланишича, инсон ҳаётлигида унинг сўзи ҳам, кўзи ҳам, ақли ҳам, билимни тинглаш ҳам, нафас олиш ҳам оловдан эканлиги айтилади. Шу сабабли илоҳнинг сўзлари олов, кўзи – Қуёш, ақли – Ой, кулоғи – оламдаги барча манзиллар, нафаси – илоҳнинг ҳамма томонда эсувчи шамолидир. Шу сабабли, инсон ўлганида яна тупроққа айланиб, шамолда сочилиб, ҳавога аралашиб, Қуёш ва Ойгача бориб, илоҳга қўшилиб кетади¹. Бу таълимот браҳманизм диний дунёқарашини ифодалайди.

Браҳманизм эътиқодига доир бадиий асарлар, дostonлар ва қиссаларда оила муқаддаслиги, бараҳманлар ҳам оила қуриб, фарзанд кўриши зарурлиги, аёл садоқатли дўст эканлиги, ўғиллар қувонч, қиз фарзандлар ғам, қайғу келтириши айтилади.

Ҳиндистонда бу ўзгаришлар илк ведаларда, сўнг упанишадаларда ўзининг ёрқин ифодасини топди. «Упанишада» сўзи «ўтириш», шогирдларга қурбонлик қилиш ҳақидаги анъанавий таълимотни баён этувчи, коинот ва инсон ҳаёти моҳиятининг ҳақиқий маъноси ҳақида ваъз қилувчи устозлар теварагида ўтириш деб таржима қилинади. Кейинроқ мазкур атама янада кенгроқ маъно касб этади ва шогирдларнинг тор доирасигагина маълум ҳар қандай «сирли» таълимотни англатади. Энг қадимги замонларда упанишада сўзи қандайдир диний-фалсафий талқинлар мажмуини англатган. Эрамизгача I аср бошида Ҳиндистон маданий ва ижтимоий ҳаёти маркази ғарбий қисмидан Ганганинг ўрта оқими вилоятларига кўчиб келади. Бу кўчув орийларни бошқача табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитга солиб қўяди. Тропик иқлимда ҳамма нарса бирдан равнақ топиб, тез ўларди. Бу ерда табиат шу қадар сахий ва гўзал, шу қадар хатарли ва инжиқ, ҳайратли эди. Инсонни қуршаб олган бутун олам доимий ўзгариш ва ҳаракатда эди. Қабилаларнинг йирик-йирик бирлашмалари юзага келар, уларга мунтазам ўз қудратларини мустаҳкамлаб турувчи ҳукмдорлар раҳбарлик қилар эдилар. Савдогарларнинг, кейинчалик судхўрларнинг унча катта бўлмаган, аммо кучли қатлами шарофати билан шаҳарлар бунёд топади.

Иво Фишер ёзишича, жануби-шарқий Ҳиндистонда браҳманлар ҳукмронлиги чуқур илдиз отмаганди. Бу ўлкалар аҳолисининг томирида бошқача қон оқарди, уларнинг шуурида фақат қаттиқ зоҳидона риёзат воситасида қўлга киритиш лозим бўлган ғаройиб афсунгарлик кучлари

¹ Кўрсатилган адабиёт, 404–410-бетлар.

ҳақидаги ўзига хос ғоялар вужудга келмоқда эди. Шарқий минтақаларда қурбонликка асосланган анъанавий браҳман дини қўйган мақсадлардан кўра янада олийроқ мақсадларга етишишга интиланган кўпдан кўп турли маслакдошлар чиқиб келди.

Упанишадалар давридаги Ҳиндистоннинг заковат тараққиётида бараҳманлар ва роҳиблар эмас, балки ёруғ дунё ҳой-ҳаваслари ва лаззатларидан воз кечган одамлар ҳурматга сазовор эдилар.

Упанишадалар деб номланган қисмларнинг бараҳманликдан ажралиб чиқиши қизиқарли эди; гоҳо фалсафа фанларининг энг зарур билимлари, гоҳо расм-русумлар доирасидаги батафсил шарҳлари бўлган бўлимлар ажратиб олинган. Бу, албатта, упанишада билимларини тадқиқ этишни бирмунча қийинлаштиради. Синчковлик билан сараларини танлаб олиш зарурати туғилади – фақат олимнинг тажрибали нигоҳигина қимматбаҳо жавоҳирни оддий тошлардан фарқлай оларди. Ўтмишдаги таниқли тадқиқотчилардан бири (Беруний бўлса керак) бизнинг манбамизни «олтин парчалари бўлган ахлат уюми» деб атагани бежиз эмас.

Жоннинг кўчиб юриши ҳақидаги таносуҳ-сансара таълимоти ривожлана бошлаши билан одам нима учун бу оламга қайта-қайта келишга мажбур ва нима учун бу ҳаётда унга бахт ва муваффақиятлар ёр бўлади-ю, бошқасида мудом уни мусибату изтироблар таъқиб қилади, деган саволга жавоб бериш имконияти юзага келди. Бу фикр энг қадимги буддавийликда ҳам, «Бхагавадапита»да ҳам мавжуд. Аммо сансара таълимотида аввалги ва кейинги умрларидаги инсон тақдири у айнан ердаги ҳаётида содир этган яхши ёки ёмон ишларига боғлиқ бўлади.

Қадимги Ҳиндистонда (ва қадимги Хитойда ҳам) буддавийлик таълимоти бадий-дидактик адабиётнинг гуллаб-яшнашига замин яратди. Хаёлот ва ҳақиқий ҳаёт аралашган жатакаларда – ибратли ҳикоятларда инсонларнинг маънавий камолотга эришув йўллари, гуноҳлар ва тубан қилмишларнинг жазоланиши юксак бадий ифодасини топган.

Қадимги ҳиндларнинг бадий-эстетик тафаккурида Будда ва унинг яқин шогирдлари тилидан ҳикоя қилинувчи сутталар (ёки сутралар) муҳим ўрин тутди. «Трипитака» (Трипитака, Уч сават) тўпламига кирувчи «Абхидаммапитака» китобида буддавийликнинг фалсафий, ахлоқий, маънавий муаммолари ҳақида фикр юритилади. Шу тўпландаги «Виная-питака» китобида буддавий роҳибларнинг комилликка етишуви ҳақида қизиқарли ривоят ва афсоналар берилади. «Уч сават»нинг учинчиси – «Сутта-питака» («Сутралар савати»)га кирган турли мавзулардаги асарлар қадимги ҳинд шеърляти ва бадий насрининг дур-

доналари деб баҳоланади. Бу бўлимдаги диалог-суҳбатларда қисман қадимги ведалардаги мифологик хаёлот, муболағалар танқид қилинади. «Уч сават»га кирувчи «Дигханикая» китобидаги бир суҳбатда Будда борлиқ, оламнинг яралиши ҳақида сўраган бир йигитни танқид қилиб, унинг саволи бир одамнинг ўзига санчилган ўқларни олиб ташлаш ўрнига, бу қандай ўқ, уни қайси табақа вакили отган, ўқ нимадан ясалганини билишга уринишига ўхшатади.

«Трипитака»да 550 та жатака, ҳикоя, масал бор. «Трипитака»нинг учинчи «савати» (қадимги ҳиндлар бадий-ахлоқий асарларни чиройли саватларга солиб, салқин жойларга қўйган бўлиши мумкин) «Сутта-питака» диалогларида Будданинг шогирдларига айтиб турган адабий, назарий, фалсафий, ахлоқий фикрлари келтирилади.

Қадимги ҳинд адабий, фалсафий ва ахлоқий тафаккури ёдгорликларидан бири «Дхаммапада» китобидир. Буддавийлик таълимотининг асоси дхарма – маънавий, ахлоқий қонун-қоидалар, ҳикматлар тўпламидир. Қадимги Ҳиндистонда адабий-эстетик тафаккур мифологик инонч-этиқодларни ва умуминсоний идеалларни илгари сурган.

Рус тилидан Михли Сафаров таржималари.



«РИГВЕДА»ДАН НАМУНАЛАР

I, 50. Суряга доир

1. Барча (мавжудотлар) маъбуд Жатаведасни кўриш учун нурлар фалакка олиб кетмоқда.

2. Юлдузлар тунлар билан биргаликда ҳар нарсани кўрувчи қуёшдан ўғрилардай оёқни қўлга олиб қочади.

3. Унинг аломатлари одамлар орасида ўтдай чақнаётган нурлари олислардан элас-элас кўринар эди.

4. (Фазони) кесиб ўтувчини, Нурни яратувчини ҳамма кўриб турибди, (шунасан) эй Суря. Бутун чароғон коинотни сен инъом этдинг.

5. Маъбудлар наслига юзланасан сен, одамзодга юзланиб, уфқдан кўтариласан, Қуёш нуридан баҳраманд бўлиш учун ҳаммага юзланган сен.

6. Эй, пок зот Варуна,

Ўша кўз билан

Одамлар орасидаги энг фаолга қадайсан.

7. Кунларни тунлар билан ўлчаб,

кенг, қора кенглик – осмондан ўтасан, (одамзод)нинг (барча) наслини назарингдан қочирмайсан, эй Суря.

8. Эй, олисдан кўргувчи маъбуд, Суря

Заррин сочли соҳибжамолни шоҳона аравада

Етти саман бия олиб кетмоқда.

9. Қуёш аравасининг етти покдомон

Қизини (аравага) қўшиб, ҳайдаб кетаётир

У беғам, бепарво.

10. Биз зулматдан бош кўтардик,

Дунёга тобора баланддан туриб қарай бошладик.

Маъбудлар орасидаги маъбуд Суряга,

Олий нурга томон йўл олдик.

11. Эй, қадрли дўст, бугун чиқар экансан

(Ва) баланд осмонга кўтариларкансан,

Эй, Суря, юрагимдаги дардни ва

Сариқ касалимни аритгил!

12. Тўтиларга – сариқ касалимни,

Ропанак (қушларига), шунингдек

Ҳаридрава (кушларига)

Биз сариқ касалини қолдирамиз!

13. Бор кучи билан

Адитя дегани чиқиб келди.

Мени ёмон кўрувчи ихтиёрига топширди,

Мен ёмон кўрувчи ҳукмига бўйсунмайман!

I, 53. Суряга доир

1. Вивасвата деган жойда Индрага атаб

Бемалол нутқ ўқиймиз, алёрлар айтамыз.

Ухлаётганлар олдидаги ўғри мисол ҳеч қачон хазина топмаганмиз.

Бойлик берувчилар орасида мадҳия қадр топмайди.

2. Сен (биз учун) жангда от олиб берадиган, жангда сигир олиб берадиган, эй Индра, (Биз учун) жангда арпа олиб берадиган, яхшиликнинг саховатли соҳиби.

Азалдан одамларнинг ҳомийси бўлиб келгин, (улар) хоҳишларининг сўлмаслигига ёрдам берувчи

Дўстлар учун дўстсан – сени шундай алқаймиз!

3. Эй, қодир, кўплаб энг ёрқин (жасоратлар) кўрсатган Индра!

Ҳар томондан кўзга ташланувчи бу сенинг мулкинг!

Ундан олиб, эй ҳаммадан аъло зот, бу ерга олиб кел!

Сенга содиқ дўстнинг хоҳишини бедаво қолдирмагил!

4. (Соманинг) томчилари туфайли шу кунларда кашфиётлари аъло,

Сигирлар ёрдамида (шоирнинг) илҳомини тошдириб,

Индра кучи билан отлар ёрдамида бойликларни, (сома) томчисини дася'ларга улашиб чиқилди!

Адоватни йўқотиб, эвазига қурбонлик ичимлигига эга бўлғаймиз.

5. Эй Индра, биз бойликка эга бўлайлик, қурбонлик шарбатига эга бўлайлик!

Қаршидан кўзни олиб ялтиллаган мукофотларга эга бўлайлик.

Яратганнинг паноҳига кирайлик.

Унинг шиддати – қаҳрамонлар, унинг негизи – сигирлар, буни отлар келтиради!

6. Ўткир шарбатлар сени маст қилди, матонатнинг бу кучлари,

Душманлар билан бўлган жангларда бу сома шарбати, эй борлик эгаси,

Курбонлик чўпи билан хонанда учун душман галасини, жангда тенгсиз минглаб (жангчиларни) ер тишлатдинг.

7. Жангдан-жангга ботирланиб кетаётирсан.

Қалъама-қалъа ер билан яксон қилаётибсан,
Олис ўлкада, эй Индра, дўстинг Нами билан биргалиқда
Намучи исмли афсунгар (иблисни) ўлдирдинг.

8. Сен Атитҳивнинг энг ўткир тегарчини (чархи) билан
Каранма ва Парнаяни ўлдирдинг.

Сен Рижишван қамал қилган

Вангридани юзлаб қалъасини кунпаякун қилдинг, сени енгиб бўлмайди.

9. Тарафкашсиз қолган Сушравас билан биргалиқда сен
(Бу ерга) келган (уларнинг) йигирмата шоҳлар шоҳини,
Олтмиш минг тўқсон тўққиз (жангчини), эй машҳур зот,
Бир тепиб, барчасини жанг араваси ғилдираги остида янчиб ташладинг.

10. Ўз қўмондошларинг, ҳилол амалларинг билан, эй Индра,
Турваянага,

Кутсуга, Атитҳивгуга, Аюга, Сушравасга ёрдам бердинг,
Барчасини ёш ва бироқ ўқ қўлига топширдинг.

11. (Энди), охирида, эй Индра, биз хоҳлаймизми, маъбудлар,
Сенинг энг яхши дўстларинг ёрдамида жон сақлаб қолсак,
Биз сени алқаймиз, сенинг ёрдамингда дунёга келган ботир
ўғлонларимиз билан.

Сенинг юз минг ёшларга кириб юришингни Яратгандан тилаймиз!

I, 54. Индрага доир

1. Сен бизни хатарли жангга ташлаб кетма, эй саховатпеша зот!
Зеро, сенинг қудратингга чек-ҳад йўқ!
Сен дарёларни гувиллашга мажбур этдинг, қасир-қусур қилган
дарахтларни (чайқатиб юбординг).

Қўрққанидан одамлар бир жойга тўпланиб олмайдами, ахир?

2. Қодирни, кучлини, кучи тўлиб-тошганни алқа!

Гендрага қулоқ солувчи шарафини улуғла,

У куч билан ҳар икки оламини тутиб турибди.

Хўкиз (ўзининг) мардона табиатини намоён этмоқда.

3. Баланд осмонни қувноқ сўзлар билан тараннум эт,

Зеро, унинг ботирлигига, жасоратига тан бермай илож йўқ.
Вужуди ҳасадга тўла, донғи оламга кетган асура
Икки жийрон от олдига келиб туриб олди: зеро, хўкиз – жанг араваси
эди.

4. Сен баланд осмон чўққисини ларзага солдинг,
Жанбирани ҳам жасорат ила маҳв қилган ўзингсан.
Ўткир сома таъсири остида ботирларча жанг қилдинг,
Мағлуб афсунгар (иблис) нинг чўқмордай тиғдор панжаси
ёрдам бермади.

5. Хуррак отаётган мағлуб Шуштанинг бошига
қасир-қусур қилаётган дарахтни ағдараётганингда
Қасос ўтида ёнаётган юрагини оловини ўчирмоқ учун
Тағин шундай жасоратлар кўрсатмайди деб ким айта олур?

6. Сен ботир Турваша (ва) Ядувга ёрдам бердинг.
Сен, Турвити (ва) Вайяга, эй одил зот,
Шоҳона арава Эташа ёрдам бердинг, аммо осонликча эмас, олишиб.
Сен тўқсон тўққизта қалъани супуриб ташладинг.

7. Борлиқ рабби (ёки) инсон бўлган шоҳгина
Қурбонликлар келтириб, фарзу суннатларни адо этиб гуллаб-
яшнайди.

Ёки инъомли қўшиқлар куйлаган ҳам бўлмайди,
Унинг узун юкли булутлари ерга паст иниб келади.

8. (Унинг) ҳокимияти беқиёс, ақли беқиёс,
Сомадан нўш этувчилар сафнинг олдидан жой олсин.
Эй, валинеъмат Индра, сендай инъом олганлар

Баланд мартабали, ўзлари ботир ва давлати мустаҳкам бўлгай.

9. Тошлар соғиб олган мўл сома шарбати фақат сенгадир.
Индра катта тоғорада ўтириб, коса кетидан косани сипқормоқда.
Қани, тезроқ чанқоғингни бос.

Сўнгра яхшилик қилиш учун ақлингни пешла!
10. Сувлар асосига халақит берувчи зулмат ҳукмрон.

Тоғлар Вритранинг ичаклари ичида эди.
Дарёларни бўғишга тузилган ҳамма нарса
Тик жарлиқда бир-бирини вайрон қилмоқда.

11. Бахтимизга бахт қўшувчи қудрат бер бизга.
Эй, Индра, одамларни забт этувчи буюк ва кучли ҳокимият бер!

Ҳомийларимизни омон сақла, кўплаб қурбон берувчиларни қанотинг
остида ол.

Бойиб кетишимизга, солих фарзандлар кўришимизга, тўйиб еб-ичи-
шимизга ўзинг ёрдам бер!

I, 73. Агнига доир

1. Отамерос бойлиқдан қилиб бизга ҳаётий куч берган ким?
Донишманд ўғитидек самимий раҳнамо ким?
Юмшоқ болишда ёнбошлаган меҳмондек ҳузурланаётган ким?
Сиғинувчининг қурбонлик ўриндиғида ўтиб келувчи хотир, яъни қурбонлиқ мойидир у.
2. Маъбуд Савитар¹ каби фикр ўйи тиниқ зот ким?
Руҳ қудрати билан барча эл-элатларни сақлаб келаётган ким?
(Қуёш) рамзи каби кўкларга кўтариб шарафланаётган ким?
Инсоннинг ўзидек қадрли – у, уни сақлаб қолиш керак!
3. Худди шартлашиб олган шохдек ҳамма нарсани боқадиган, ерда Худодай яшайдиган ким?
Пистирмада ўтирган жангчилардек олдинги сафда бўлувчи
Эри яхши кўрган хотиндек бенуқсондир.
4. Уйида кутиб ўтирган сенга, эй Агни, (ўзларининг) мустаҳкам кулбаларида ҳамроҳлик қиладилар.
Уни одамлар ҳурмат билан қуршаб оладилар. Минг йиллар бойликлар таянчи бўлсин!
5. Эй Агни, куч тўплашга ёрдам берувчи сахий ҳомийлар омон бўлсинлар!
Кўплаб садақа берадиганларнинг умрлари узоқ, ризқлари зиёда бўлсин!
Душман билан жангларда қўлимиз баланд келсин!
Улушимизни олиб, Худога шуқурлар айтайлик.
6. (Самовий) коинот қонунининг соғин сигирлари мў-мўлайди.
Елинлари сутга тўлиб тирсаяди, бу сут осмондан келган,
Тоғ-даралардан сакраб-сакраб ошиб келган жилғалар – бу сутга айланган.
7. Эй Агни, улар сенинг раҳматинга интиқдир.
Қурбонлиқ қилган маъбудлар Арши аълода ҳурмат-иззатдадир.
Улар тонг билан тунни бир-бирига ўхшамайдиган қилиб яратдилар.
(Улар учун улар қора ва оқ рангни қўшиб юбордилар)
8. Биз ва саховатли ҳомийларимиз сен, эй Агни, бошлиқ учун вояга етказганинг бандалардан бўлайлик!
Бутун коинотни сояма-соя кузатиб юрасан,
Ҳар икки дунёни ва коинотни ўзинг билан тўлдирасан.
9. Эй Агни, чавандозлар билан чавандозларни, эрлар билан эрларни, қахрамонлар билан қахрамонларни ишга солиб, сенинг ёрдамингда енгиб чиқмоқчи бўламиз.

Отамерос бойлиқка эга бўлиб, бой қурбонлик бергувчилармиз дунё тургунча турсинлар!

10. Эй билимдон Агни, бу гапларимиз сенинг юрагинга ҳам, миянга ҳам жондай юқумли бўлсин!

Жанг аравасига қўшилган яхши отлар билан бойликларни яхши қўриқлаб, Худо лойиқ кўрган мартабаларга сазовор бўлайлик!

I, 74. Агнига доир

1. Расм-русумларни адо этишга киришар эканмиз,
Агни ҳаққига дуолар ўқиймиз,
Зеро, у бизларни олисдан ҳам кўриб турибди.
2. Жангларда олдинги сафда бўлганда,
Халқлар бир-бири билан тўқнашганда
Сиғинувчининг рўзғорини сақлаб қолди.
3. Майли, одамлар айтаверсин:
«Қаршилиқни енгувчи Агни туғилди,
Жангма-жанг мукофотлар олди».
4. Кимнинг кулбасида даракчи бўласан,
Қурбонлик бобини қабул қилиш учун кимникига борсанг,
(Ва) маҳорат билан расм-русумларни адо этсанг.
5. Фақат унинг одамлари, эй Ангирас будларнинг муҳиби, деб алқайдилар,
Кучга тўлган йигит, қўлида яхши қурбонлик чўпи бўлган тақводор деб атайдилар сени.
6. Оҳ, қанийди шукроналик айтиш учун,
Қурбонлик қўшиқларини куйлаш учун
Ой жамолли маъбудларни бу ерга келтирсанг эди!
7. Эй Агни, хабарчилик бурчи бўйича ҳаракат қилганингда
Шоҳона араванг томонидан
Ҳеч қачон от туёқлари товуши эшитилмайди.
8. Сен қўллаб-қўлтиқлашинг ёрдамида, бамисоли таваккалчи чаван-доздек
Сенинг муҳибинг, эй Агни, ҳаммадан олдинга ўтиб олди.
9. Ўғиллардан иборат ярақлаган бойлиқни қўлга киритишни ўйлайсан,
Эй Агни,
Сенга сиғинадиганлар учун маъбудлардан олмоқчи бўласан, эй Худо!

I, 75 Агнига доир

1. Лабларингдан қурбонлик тароналари тарала бошлаганда
Маъбудлар завқи учун кўпроқ хизмат қилароқ
Кенгликларга сиғмай кетаётган бу (таёқни) қабул айла!
2. Ангираслар ичида энг яхшиси Агнидир, энг доноси ҳам,
Шу боис ёқимли, ўлжа олиб келадиган дуолар
Тиловат қилгимиз келади.
3. Одамлар орасида қариндошинг ким?
Эй Агни, расм-русумларингни эътиқод ила ким амалга оширади?
Ким ўзи у? Қайси деб биласан?
4. Сен одамларга қариндошсан,
Эй Агни, сен меҳрибон иттифоқдошсан,
Дўстлар чақиритишига муносиб дўстсан.
5. Биз учун Митра-Варунага қурбонлик келтир,
Маъбудларга, олий (самовий) қонунга, эй Агни, ўз уйингга
Қурбонлик келтир.

I, 76. Агнига доир

1. Сенинг руҳингга қандай ёндошса бўлади, эй Агни,
Қайси дуо энг шарофатлиси?
Балки, биров сенинг амал кучинг билан қурбонлиқлар ёрдамида
эгаллаб олгандир?
Ёки сенга қандай руҳда сажда қилишимизни айтарсан?
2. Бу ёққа кел, эй Агни, бу ёққа кел! Коҳин каби ўтириб ол!
Ёлғонга тоқати йўқ йўлбошчимиз бўла қол,
Ҳамма нарсани қимирлатиб қўйган ҳар икки олам кўмаги сенга ёр
бўлсин!
Уларнинг баланд рутбалари учун маъбудларга қурбонлик қил.
3. Барча рақшасларни, эй Агни, битта қўймай куйдириб ташла!
Қурбонлиқларни лаънатлардан сақлаб қол!
Кейин икки саман отда жаноби сомани келтир!
Зиёфат уюштирдик, совға-саломларга бой меҳмон учун муносиб
зиёфат.
4. Қурбонликни оғиз билан бажарувчи, зурриёт келтирувчи...
Модомики, мен айтдимми, маъбудлар билан мана бу ерга
ўтир.
Коҳинликни бўйнингга ол, коҳин ҳам бўл, эй қурбонликка муносиб
зот!

Қурбонлиқларни раво қиладиган, фаровонлиқлар келтирадиган зот
бўл!

5. Илҳомбахш Мануснинг зиёфатлари ёрдамида, шоирлар ёрдамида,
ахир, ўзинг шоирсан-ку, сен маъбудларга қурбонлиқлар келтирганинг
каби

Бугун, эй чинакам коҳин, сен, Агни, қувноқ тилинг билан қурбонлик
келтир!

I, 90. Барча маъбудларга доир

1. Тўғри йўлдан олиб боровчи Варуна, Билимдон Митра
Шунингдек, Арйаман бизни маъбудлар билан бирга олиб борсин!
2. Зеро, бойликнинг бу бой ҳукмдорлари ўз кучларига нисба-
тан бу баҳодирлар ҳар доим васиятларни қўриқлайди.
3. Улар бизни қаноти остига олсин,
Маъбудлар бандаларни,
Адоватни ўртадан кўтарсинлар!
4. Бахтли саёҳатимиз учун
Сигинишга муносиб Индра, Марути, Пушан, Бҳагалар бизга йўл
кўрсатсин!
5. Шунингдек, бизнинг шоирона фикрларимизни сигирлар билан
тақдирланг-да,
Эй Пушан (ва) Вишну,
Бизни бахтиёр этингиз!
6. Тақводорга шамол бол елпиб ўтади,
Бол дарё бўлиб оқади,
Набототларимиз ҳам болли бўлсин!
7. Тунгги ва тонгги бол бор бўлсин!
Ер юзи болга чулғансин!
Отамиз – Осмон ҳам болга тўлсин!
8. Ўрмон дарахти болли бўлсин,
Қуёш болли бўлсин!
Сигирларимиз болли бўлсин!
9. Митра бизга бахт келтирсин, Варуна бизга бахт келтирсин,
Арятаман бизга бахт келтирсин,
Индра, Брихаспати бизга бахт келтирсин,
Йирикқадам Вишну бизга бахт келтирсин!

Ригведа. Мандалы I–IV, издание подготовила Т.Я. Елизаренкова.
М., 1989. С. 437–457.

ЖАТАКАЛАР

Ўринни тозалаш ҳақида жатака

Қадим замонларда Магадҳа мамлакатида, Рожагриҳа шаҳрида бир подшоҳ бўлган экан. Шу шаҳар яқинидаги Мачала қишлоғида Индра бошқа қиёфада туғилгани каби Бодхисатва бир мансабдор одамнинг фарзанди бўлиб туғилибди. Гўдакка исм бериш вақти келганида унга Магҳакумара (Шаҳзода Магҳа) деб исм қўйишибди, ўсиб, бўй етганида эса унга Магҳа-макава (Кичик браҳман) деб исм қўйишибди. Ота-онаси уни таниқли бир хонадоннинг қизига уйлантиришибди. Ўғиллари ва қизлари даврасида ҳалол яшаб, муҳтожларга хайр-эҳсон қилиб, ахлоқ-одобнинг беш қондасига мувофиқ бахтли яшабди.

Мачала қишлоғида ўттиз оила яшар экан. Бир куни шу ўттиз оила эркаклари хўжалик ишлари билан банд бўлганида Бодхисатва уларга қараб жойини ганч-тупроқдан тозалаб қўйибди. Шу пайт ўша ўттиз эркақдан бири шу тозаланган жойга келиб ўтирибди. Бодхисатва яна бир жойни тозалабди. У ерга ҳам бир одам келиб ўтирибди. Шу зайлда Бодхисатва ўттиз жойни тозалабди. Буларга ўттиз эркак келиб ўтириб, дам олишибди. Бошқа бир куни Бодхисатва ҳалиги меҳнат аҳлига офтоб иссиғидан тўсувчи чодир қурибди. Яна бир куни у меҳнат аҳлига узун айвон ёпиб, остига курсилар ўрнатиб, кўзаларда сув тўлатиб қўйибди. Бу одамлар Бодхисатвани устоз деб билиб, аввалги ёмонликларини ташлаб, ахлоқ-одобнинг беш қондасига амал қилиб, қўлларига пичоқ, болта, теша, арра олиб, одамлар ўтадиган ва фойтунлар ўтадиган йўлларини тошлар ва тиканлардан тозалаб, қулай қилиб, (сой тошқинини тўсувчи) дамбалар қуриб, сувсиз жойларда ҳовузлар кавлаб, муҳтожларга уйлар қуриб, хайр-эҳсонлар билан яшаётган экан.

Бундай хайрли ишлар қишлоқ оқсоқолига маъқул келмабди. Ўттиз хонадон эркаклари аввал жанжалкаш, ўғри, қароқчи, қотил бўлганларида қишлоқ оқсоқоли мўл-кўл жарима ва солиқлар олиб, уларнинг жиноятларини оқлаб, тинчитар ва шу йўл билан бадавлат яшар экан. Мана бу ёш браҳман Магҳа эса қароқчи, ўғри ва қотилларни ҳалол меҳнат билан, ахлоқ-одоб қондаларига мувофиқ яшашга ўргатиб, оқсоқолнинг бойлик орттириш йўлини тўсиб қўйди. Оқсоқол шуларни ўйлаб, подшоҳга бориб, «Жаноби олийлари, бизнинг шаҳарда бир тўда қароқчи, ўғрилар пайдо бўлиб, қотиллик ва бошқа жиноятлар қилмоқдалар», – деб тухмат тўқиб шикоят қилди. Подшоҳ қишлоқ оқсоқолига, – «Ўша одамларни тутиб, ҳузуримга олиб кел, ўзим жазолайман», дебди. Оқсоқол ҳалиги яхши одамларни ҳибсга олиб, қўл-оёғини боғлаб, подшоҳнинг

олдига олиб келибди. Подшоҳ ҳақиқатни аниқламай, «Ҳаммаси филларнинг оёғи остига ташлансин!» – деб буюрибди. Бодхисатва маҳбусларга «Сизлар тухматчини ҳам, подшоҳни ҳам, филларни ҳам яхши кўраверинглар!» – деб насиҳат қилибди. Ҳукм қилинганлар рози бўлиб, тухматчини ҳам, подшоҳни ҳам, филларни ҳам яхши кўриб туришибди. Югуриб келган бир фил бу одамларнинг яхшилигини билиб, босмасдан бўкириб, қочиб кетибди. Бошқа филларни келтирсалар ҳам, барчаси маҳбусларни босмай қочиб кетибдилар. Подшоҳ ажабланиб: «Қаранглар-чи, бу одамларда бирорта дуоли тумор бормикин?» – дебди. Соқчилар қараб бўлиб: «Тумори йўқ экан, жаноби олийлари», – дейишибди. Подшоҳ: «Бўлмаса, сўранглар-чи, улар ичларида қандайдир дуоли хайр ўқишаётгандир?» – дебди. Соқчилар суриштириб: «Жаноби олийлари, улар ҳеч қандай дуо ўқишмаётган экан», – дебди. Бодхисатва подшоҳга аҳволни тушунтирибди: «Бу қишлоқдаги ўттиз оила эркаклари бировнинг нарсасини тортиб олмайдилар, бирор жониворни ўлдирмайдилар, ароқ, бўза каби маст қилувчи ичимликларни ичмайдилар, ёлғон гапирмайдилар, ахил-иноқлик, ҳалол меҳнат билан яшайдилар, хайр-эҳсон қиладилар, йўлларни текислайдилар, ариқ, ҳовуз кавлаб, сув келтирадилар, бошпанаси йўқларга уй қуриб берадилар, бу одамларнинг билган дуолари шудир». Подшоҳ бу сўзларни эшитиб, ҳалиги одамларни озод қилиб, қишлоқ оқсоқолини ишдан бўшатиб, қул қилиб берибди. Подшоҳ буларга яна бир қишлоқ ва бир нечта филларни совға қилибди.

Исмнинг хосияти ҳақида

Қадим замонларда Таксила шаҳрида бир Бодхисатва ўқитувчилик қилар, 500 талабага сабоқ берар экан. Шогирдларидан бирининг исми Папака (Ёмонбой) экан. У устозидан «Менинг исмим ёқмайди, менга бошқа исм топиб беринг», – деб илтимос қилибди. Устоз унга «Аввал мамлакат бўйлаб, саёҳат қилиб, қайси исм яхшилигини билиб, ўзинга ёққан исмни топиб кел», – дебди. Ёмонбой йўл озиғини ғамлаб, саёҳатга чиқибди. Бир шаҳарга борганида бир хонадон одамлари марҳумни дафн этиш учун қабристонга олиб кетаётган эканлар. Ёмонбой улардан: «Марҳумнинг исми нима эди?» – деб сўрабди.

Живака (Ҳаётбой) эди, – дейишибди.

Ҳаётбой ҳам ўладими? – сўрабди шогирд.

Ҳаётбой бўлса ҳам ўлаверади, шунга ақлинг етмайдими? – дейишибди.

Ёмонбой яна йўлда давом этибди. Бир жойга борса, хожаси чўриси-ни дарра билан ураётган экан.

Бечорани нима учун ураяпсиз? – деб сўрабди шогирд.

Ишлаб топган пулини бермаяпти, – дебди хожаси.
Чўрингизнинг исми ёмонми? – сўрабди шогирд.
Исми яхши – Дханакали (Давлатбахт), – дебди хожаси.
Давлатбахт исмли одам камбағал бўлар эканми? – ажабланибди шогирд.

Исми унга бойлик келтирмайди, уни бошқалардан фарқлаш учун Давлатбахт деймиз, шунга ақлинг етмайдими? – дебди хожа.

Шогирд йўлида кетаверибди, шаҳардан ташқарига чиққанида бир йигит йўл тополмай турган экан. Шогирд ундан: «Қаёққа кетяпсан?» – деб сўрабди. У йигит:

Йўлимни тополмаяпман, – дебди.

Исминг нима? – сўрабди шогирд.

Исмим Йўлчи, – дебди йигит.

Йўлчи исмли одам ҳам йўл тополмайдими? – ажабланибди шогирд.

Исмимнинг бунга алоқаси йўқ, шунга ҳам ақлинг етмайдими? – дебди йигит.

Шундан сўнг Ёмонбой «Исм одамни бахтли қилмас экан» деган қарорга келибди. Устозига келиб, кўрганларини айтиб берибди. Сўнг:

Устоз, мен исмимни ўзгартирганимдан фойда йўқ экан, исмим Ёмонбой бўлса ҳам, яхши одам бўлиш мумкин экан, – дебди.

Ёлғончи Катахака

Пойтахт Варанасида Браҳмадатта подшоҳлик қилган қадимги вақтларда бир Бодхисатва бадавлат сэттха (савдогар) бўлиб яшаган экан. Бодхисатванинг хотини ўғил туғибди, ўша куни унинг чўриси ҳам ўғил кўрибди. Иккала бола бирга ўйнаб, ўсиб-улғайибди. Савдогарнинг ўғли мактабда ўқиётган вақтида қул бола ёзув тахталарини тайёр қилиб берар экан, шу сабабли у ҳам ўқиш, ёзишни ўрганиб олибди. У яна бир неча ҳунарларни ўрганибди ва сўзга уста, чиройли йигит бўлиб вояга етибди. Унинг исми Катахака экан. У савдогарнинг уйида хўжалик юривчи бўлиб хизмат қиларкан. Бир куни унинг хаёлига бундай фикрлар келибди: «Менга бу вазифа доимий эмас, бирон хато қилиб қўйсам, мени калтаклашади, оёқ-қўлимни кишанлаб, тамға босиб, қулларнинг овқатини беришлари мумкин. Қўшни вилоятда хожамнинг дўсти бўлган савдогар яшайди. Унга хожамнинг номидан бир хат ёзиб, ўзимни унинг ўғли эканлигимни айтсам, довим юришиб, балки дўстининг қизига уйланиб, бой-бадавлат яшарман». Катахака шу ўй билан бир варақ қоғоз олиб, хожаси номидан бундай сўзларни ёзибди: «Саломдан сўнг маъ-

лум бўлсинки, сенинг ҳузурингга ўғлим Катахакани юбормоқдаман. Сен қизингни ўғлимга берсанг, қуда-анда бўлар эдик. Мен ҳам ишларимдан бўшаганимда (тўйга) етиб бораман». Катахака бу ёзувни сургучда хожанинг муҳрини босиб, тасдиқлади. Сўнг керакли пул, кийим, атир-упаларни олиб, йўлга тушди. Қўшни вилоятга бориб, хожанинг дўсти бўлган Сеттха савдогарга учраб, ўзини хожанинг ўғли деб танитди. Қўлидаги мактубни бериб, жавобини кутиб турди. Савдогар хатни ўқиб, хурсанд бўлди, қизини унга узатиб, янги оилага уй-жой қилиб берди. Энди Катахаканинг хизматкорлари кўпайди. У (ўзини бойнинг ўғлига ўхшатиш учун) хизматкорлари пиширган овқат-нон, гуруч ва бошқа егуликларни ёмонлаб, инжиқлик қила бошлади. «Эҳ қишлоқилар, гуручни тузукроқ пиширолмайсиз, нонни ҳам ўхшатиб ёполмайсиз», – дер эди. У кийим-кечак, атир-упаларни ва мушк-анбарларни ҳам ёмонлар эди.

Бодхисатва уйида қули Катахака кўринмай қолганини билиб, уни қидиртирди. Одамлари яқин-узокларга бориб, охири қаердалигини билиб келдилар. Ўзларини Катахакага билдирмай қайтиб келиб, Бодхисатвага айтдилар. Бу хабарни эшитиб Бодхисатва: «Катахака яхши иш қилмабди, энди ўзим бориб, уни қайтариб олиб келаман», – деб кўпчилик ёрдамчилари билан йўлга чиқди.

Хожаси қўшни вилоятга бориш учун йўлга чиққани ҳақидаги хабар Катахакага ҳам етиб келди. «Хожам мени излаб келмоқда, – ўйлади у. – Агар бу ердан қочиб кетсам, ҳаётим оғирлашади, бу ерга яна қайтиб келолмайман. Фақат бир йўли бор. У ҳам бўлса, айбимни бўйнимга олиб, хожамдан кечирим сўраб, ёлбораман, унга яна қулдай хизмат қиламан». Шундай ўйлаб, Катахака қайнотасидан «Отамни кутиб олишга чиқаман, совға-саломлар, ширин озиқ-овқатлар билан сийлайман», – деб изн сўрабди. Қайнотаси унинг айтганларини муҳайё қилиб берибди.

Нодир совға-саломларни олиб, Катахака кўпчилик ёрдамчилари билан йўлга чиқиб, хожасини тиз чўкиб кутиб олибди, унга аввалгидек, қулдек хизмат қилибди. Хожасига ялиниб-ёлвориб, «Мени шарманда қилманг, сизга жуда кўп бойликлар топиб бераман», – дебди.

Бодхисатва қулига шафқат қилиб, «Кўрқма, сени фош этмайман, ўғлим деб айтаман», – дебди. Лекин кўнглида уни ёмон кўриб қолибди.

Бир куни Бодхисатва савдогар дўстининг қизини чақириб, «Қизим, кел, сочимни тўғрилаб қўй», – дебди. Келин хизматини тугатганида ундан «Турмушингдан розимисан, аҳилмисиз, куёвинг сени хафа қилмаяптими?» – деб сўрабди.

Келин «Ҳаётимиз ёмон эмас, фақат ўғлингизда бир ёмон одат бор, у ҳамма овқатлардан айб топаверади», – дебди.

Қулдорлик тузумида қулларнинг турли касб-ҳунари билан ишлаб топганларининг бешдан тўрт қисми хожасига берилар эди.

Бодхисатва «Ўғлимнинг бу ёмон одати аввал ҳам бор эди, – дебди. – Лекин мен сенга бир байт шеър-гатха ўргатаман. Эринг яна овқатни ёмонлайверса, шу байтни айтсанг, жим бўлиб қолади».

Бодхисатва бир неча кундан сўнг юртига қайтадиган бўлибди. Ёлғон ўғил хожасини иззат-ҳурмат билан топган бойликларидан мўл-кўл бериб, кузатиб қўйибди. Катахака хожаси кетганидан сўнг аввалгидан баттар керилиб, сал нарсадан айб топадиган бўлибди. Бир куни савдогарнинг қизи ширин таомлар пишириб, эрига қошиқ билан едираётганида эри яна овқатни ёмонлабди. Шунда келин Бодхисатва ўргатган бир байтни айтибди:

*Бегона юртга келиб ким ўзини зўрман дер,
Жим ўтир, Катахака, овқатингни ўзинг е!*

«Эҳ-ҳе, – ўйлабди собиқ қул, – хожам келганида хотинимга ҳамма гапни айтиб берибди-да, асл исмимни ҳам айтибди». Ўша кундан бошлаб Катахака каттачилигини ташлаб, камтаринроқ бўлибди. Олдига қандай овқат қўйилса, ёмонламай, жимгина ейдиган бўлибди ва карма-сига мувофиқ қайта туғилибди.

Кичик савдогар – Чуллака-сеттҳи

Қадим замонларда Кеши (Кушан) мамлакатининг Варонаси (Банорас) шаҳрида Браҳмадатта подшоҳлиги вақтида Бодхисатва бир сеттҳи (савдогар) оиласида фарзанд бўлиб туғилган экан. У ёшлик чоғларидаёқ (отасига қарашиб юриб) савдогарлик касбини ўрганибди. Бу доно, олим йигитни Чуллака-сеттҳи (Кичик савдогар) деб аташибди. У келажакда қандай воқеалар бўлишини олдиндан билиб, башорат қила олар экан.

Бир куни Чуллака-сеттҳи подшоҳлик хизматига бораётганида йўлда ётган ўлик сичқонни кўриб қолибди. У вақтларда ўлик сичқонни кўриш яхшилик аломати (тирик сичқон эса дон, ғалла танқислигини билдирар) экан. Чуллака-сеттҳи кўнглида «Агар бирор яхши оила фарзанди шу ўлик сичқонни олса, юлдуз буржлари ҳолатига кўра, қут-барака топиб, уйланиб, фаровон яшайди» – дебди. Камбағал, лекин яхши оила фарзанди бўлган Чуллаки-тевасика (Кичик ўқувчи) исмли ўсмир бу гапни эшитиб, «Эҳтимол, бунда бир ҳақиқат бор», – деб ўлик сичқонни олибди ва уни мушуги бор одамга «Мана, мушугингизга овқат», деб берибди. Мушук эгаси ўсмир ўқувчига бир каканик (мис ва кумуш аралаш танга) берибди. Ўсмир бу тангасига ширинлик (ҳолва) сотиб олди, кўзасини

сувга тўлдирди. Боғда ишларини тугатиб чиққан боғбонларга ширинлик ва сув берди. Боғбонлар ҳам ўсмирга биттадан гулдаста бердилар. Ўсмир гулдасталарни сотиб, пулига яна ширинликлар олди. Кўзасига сув олиб, боғ дарвозаси олдида кутиб турди. Боғбонлар бу гал унга хизмати учун биттадан гул кўчатини совға қилдилар. Ўсмир уларни саккиз каршапанга сотди.

Бир куни қаттиқ шамол туриб, боғдаги дарахтларнинг қуриган шохларини синдириб, ҳар ёққа сочиб юборди. Боғ қоровули боши қотиб турганида ўсмир унга: «Тоғажон, агар сочилган қуруқ шохларни бир ерга тўпласам, менга берасизми?» – деб таклиф қилди. Қоровул рози бўлди. Ўсмир боғда ўйнаб юрган болаларга ҳолва бериб, сочилган шохларни боғ дарвозаси олдида йиғдирди (ўзи ҳам ишлади). Шу пайт бир кулол уста подшоҳ оиласи учун ясалган кўзаларини оловда пишитиш учун ўтин излаб келиб қолди. Ўсмир устага ўтинларини сотди. Уста унга ўтинлар учун ўн олти карашапан (кумуш пул), сопол хумчалар, бешта кўза ва ўйинчоқлар берди. Ўсмир ишлаб топган пуллари 24 карашапанга етганида бир режа тузди.

Кичик ўқувчи – Чуллаки-тевасика бир куни кўзаларига сув тўлдириб, экин ўраётган беш юз ўроқчининг ташналигини қондирди. Ўроқчилар хурсанд бўлишиб, ундан «Сенга биздан бирор ёрдам керакми?» – деб сўрадилар. Ўсмир айтди: «Менга ҳаммангиз бир боғлам ҳашак беринглар, бир катта кемада сотишга беш юз от келтиришибди. Мен шу отларга ўз ҳашагимни сотиб тугатгунча, сизлар ўз ҳашагингизни сотмай турсангиз, яхши бўларди», – дебди. Ўроқчилар бу илтимосга рози бўлишибди.

Кемада келган от савдогарлари ўсмирдан қиммат нархга ем-ҳашак сотиб олишибди. Кичик ўқувчи кўп фойда кўрибди. Бошқа бир куни ўсмир таниш кемачидан «Эртага бир кемада юзта савдогар келмоқда» деган хабарни билиб олибди. Улар ўз молларини сотиш учун ўсмир маош тўлаб, ёллаган соқчилардан рухсат олишга «соқчилар бошлиғи» бўлиб турган ўсмирга ҳар бири минг каршапан бож тўлашибди. Хуллас, ўсмирнинг бойлиги 200 000 каршапанга етганида унга йўл кўрсатган Чуллака-сеттҳи, яъни Кичик савдогарни топиб, миннатдорчилик билдириб, минг каршапан совға қилибди. Кичик савдогар бу йигитчанинг ишбилармонлигига қойил қолиб, чиройли қизини унга муносиб кўриб, ўзига куёв қилибди. Кичик ўқувчи шу тариқа Кичик савдогарнинг барча мол-мулкига ҳам меросхўр бўлибди. Бодхисатва бўлган бу савдогар вафотидан сўнг яна бошқа қиёфада дунёга келибди.

Хрестоматия по истории древнего Востока.
М.И.В.Л. – С. 399–405.)

АШОКА БИТИКЛАРИ

Катта қоядаги тошбитик (№ 1)

Дҳарма ҳақидаги бу битик маъбудларга ёқимли подшоҳ Приядаси (Ашока)нинг фармони билан ёзилган. Бу жойда қурбонлик учун ҳеч бир жонивор сўйилмасин. Бу ерда Самажа байрами ҳам ўтказилмасин.

Маъбудларга ёқимли Приядаси Самажа байрами ўтказишни гуноҳ деб ҳисоблайди. Лекин байрамларни маъбудларга ёқимли Приядаса хайрли деб билади.

Аввалги вақтларда Приядаси подшоҳнинг ошхоналарида ҳар куни кэрри (таомини) тайёрлаш учун юз минглаб жониворлар сўйилар эди. Энди эса, бу битик ёзилганидан сўнг кэрри (таомини) тайёрлаш учун ҳар куни учта жонивор – иккита товус ва битта кийик сўйиладиган бўлди. Кийик ҳар доим ҳам сўйилмайди. Кейинчалик бу уч жонивор ҳам сўйилмайдиган бўлди.

Катта қоядаги тошбитик (№ 2)

Маъбудларга ёқимли Приядаси подшоҳлигининг барча мамлакатларида, шу жумладан, Чода (Чола)да, Подо (Пандия)да, Сатья-пута (Жанубий Ҳиндистон)да, Кералапута (Малабар ороли соҳиллари)да, Тамбапонни (Цейлон)да ҳамда юнон (грек) Антиёка (Антиох)га қарашли ерларда ва уларга чегарадош ерларда подшоҳ Приядаса фармони билан касалларни икки хил шифохоналари – бири одамлар учун шифохона, бири ҳайвонлар учун – ветеринария ишлаб туради. Одамлар ва ҳайвонлар учун фойдали шифобахш гиёҳлардан баъзилари ўзимизда топилмаса, бошқа жойлардан (кўчатларини) олиб келиб, экиб ўстирилсин. Шифобахш мевали дарахтларнинг ҳам бизда йўқлари бошқа жойлардан олиб келиб, экиб ўстирилсин. Шаҳар ва қишлоқ йўллари (салқин бўлиши учун) икки четига дарахтлар экилсин, одамлар ва ҳайвонлар ичиши учун қудуқлар қазилсин.

Катта қоядаги тошбитик (№ 3)

Маъбудларга ёқимли подшоҳ Приядаси сўзи: Подшоҳлик тожини кийганидан сўнг ўн икки йил ўтгач, фармон қилади: «Менинг подшоҳлигимдаги ҳамма жойларда мансабдорлар, ражавакалар (вилоят ҳокимлари қозилик, ҳакамлик ҳам қилар эди), ноҳиялар бошлиқлари ҳар беш

йилда маҳаллий амалдорларнинг қандай ишлаётганини билиш учун тафтиш (текшириш) ўтказсинлар.

Дҳармага (қобилиятларга) доир маслаҳат, насиҳатлар қуйидаги соҳаларга тааллуқлидирлар:

Ота-онага бўйсуниб. Дўстларга, қариндош-уруғларга, таниш-билишларга, браҳман (руҳонийларга) ва шраманларга (буддавийларга) хайр-саховат кўрсатиш. Жониворларни ўлдирмаслик яхши. Исрофгарчилик ва хасисликдан тийилиш яхши.

Подшоҳ вазирлари кенгашида бу маслаҳатларнинг қандай бажарилаётгани кўриб чиқилади, бажарилмаган бўлса, сабаблари аниқланади».

Қоядаги тошбитик (№ 8)

Ўтмишда подшоҳлар халқ учун турли байрамлар, шикор (ов) ташкил қилар эдилар. Маъбудларга ёқимли подшоҳ Приядаси тож кийганидан сўнг ўн йил ўтгач, Будданинг қалби ёришган муқаддас жой – Самбодхига саёҳат қилди. Шу сабабли бу маънавий саёҳатдир. Бундай саёҳат вақтида подшоҳ шраман (руҳонийлар), браҳманларни зиёрат қилади, уларга совғалар беради, узоқ яшаган кексаларга олтинлар бериб (дуосини олади). Халқ билан учрашиб, дҳарма (инсоний фазилатлар) ҳақида суҳбатлашади.

Шу тадбирлар сабабли Маъбудларга ёқимли Приядаси подшоҳлигининг II даврида ҳам халқ катта хурсандчилик билан яшади.

Қоядаги тошбитик (№ 9)

Маъбудларга ёқимли Приядаси (Ашока) шундай дейди: «Одамлар турли байрам, маросимларни ўтказадилар: бири вафот этади, бири ўғил уйлантиради, бири қизини турмушга беради, бири фарзанд кўради, бировни саёҳатга кузатадилар. Халқ учун шу каби жуда кўп маросимларни ўтказади. Хусусан, аёллар турли тўй, маросимларни яхши кўрадилар. Биз тўй, маросимлар бўлаверсин деймиз. Лекин расм-русумларнинг фойдалиси ҳам, бамаънилари ҳам бор. Инсонларни маънавий ўстирувчи байрамлар яхши самара келтиради.

Ота, ўғиллар, ака-ука, соҳиб, дўст, қариндош, кўни-қўшнилари бундай тўй-маросимларда бир-бирини қўллаб-қувватласинлар, «Яхши иш қилдингиз» десинлар. Ёшларни ахлоқ-одобга ўргатадиган тўйлар, маросимлар жуда фойдали. Одамларнинг қилган саховати, хайр-эҳсонлари бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам уларни осмон қадар юксалтиради.

Шундай яхши ният, хайр-саховат билан қилинган байрам, тўй, маросимлар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам фазилат сифатида қадрланади».

Катта қоядаги тошбитик (№ 2)

Маъбудларга севимли подшоҳ (Ашока) бундай дейди: «Ота, онага итоат қилинлар! Ана шунда одамлар сизни ҳурматлайди. Ҳақ гапни айтинлар! Мамлакатимизда ва бизга чегарадош жойларда ҳақиқатга ўргатувчи муаллимни, устозни ҳамма ҳурмат қилсин ва айтганларига амал қилсин. Бу қадимий қоида узоқ яшайди. Бу битикни тошкесар Падо ёзди».

Катта устундаги эдикт (№ 2)

Маъбудларга севимли подшоҳ Приядаси сўзи: «Дҳарма – яхши. Лекин дҳарма нималигини билайлик. Дҳарма – бегуноҳ қилмишлар: меҳр-муҳаббат, хайр-эҳсон, ҳақиқат, ҳалоллик. Менга кўп турли зийраклик, огоҳлик ато этилди. Мен барча – икки оёқли, тўрт оёқли жониворларга, қушларга ва сув ҳайвонларига меҳр-муҳаббат кўрсатдим. Мен бошқа кўп яхшиликлар қила олдим. Яхшилик – ҳаёт жавҳаридир. Бу сўзлар бошқаларга ҳам ўрнак бўлсин. Барча одамлар шундай яшасин! Бу битик ҳам узоқ яшасин! Шундай яшаган одамлар яхшилик кўрувчилардир».

Катта устундаги эдикт (№ 4)

Маъбудларга севимли подшоҳ Приядаси сўзи: «Мен то тахтга ўтирган вақтимдан 26 йил ўтгач, бу битикни ёздирдим. Мен кўп марта юз минглаб одамларга ражвакаларни бошлиқ қилиб қўйдим. Ражвакалар ўз вазифаларини бежавотир ва беғараз, ҳалоллик билан бажаришлари учун мамлакатимиз аҳолисини бахтли ва фаровон яшашга ўргатсинлар деб, уларни мукофатлаш ва жазолаш билан ўзим шуғулландим. Ражвакалар халқнинг бахти нимада, бахтсизлиги нимада яхши биладилар ва дҳарма (фазилатлар) ёрдамида мамлакат халқини бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам бахтли яшашга руҳлантирадилар. Ражвакалар менга ва менинг талабимни, тилагимни билгувчи хос амалдорларимга бўйсундилар. Бу амалдорларим ражвакаларга менинг марҳаматимга сазовор бўлиш учун қандай иш қилиш кераклигини тушунтирадилар.

Ота-она гўдак боласини ақлли энага ихтиёрига берар экан, «Бу энага боламга бахт-саодат тилайди», – деб ишонганидек, мен ҳам халқимнинг

омонлиги ва бахтли яшаши учун беҳадик ва беғараз, тўсқинлик қилмай ўз вазифаларини сидқидилдан бажарадилар. Шу сабабли, ражвакаларни (яхши ишлари учун) мукофатлаш ва (ёмон ишлаётганларни) жазолаш менинг ихтиёримда бўлади. Мен қозилик, ҳакамлик (суд), жазо бериш ишларида қозилар, ҳакамлар бетараф, холис бўлсин дейман. Мен оғир жиноят қилганлар ўлимга ҳукм этилганида бу ҳукмни ижро этиш учун уч кун муҳлат бераман, токи шу уч кун ичида маҳбусларнинг яқинлари ёки кимлари бўлса ҳам, унинг жазосини енгиллатишни сўраб, арз, илтимос қилсинлар. Агар бундай одамлар бўлмаса ҳам, ўлимга ҳукм қилинган шу уч кунда ўз мол-мулкидан муҳтожларга хайр-эҳсонлар қилиб, рўза тутиб, нариги дунёда омонликда бўлишга ҳаракат қилсинлар. Бу фармон одамларга нариги дунёда бахтли яшаш учун бу дунёда савобли, хайрли ишлар қилиши, маънавий камол топиши, ўзини ёмонликдан тийиши, хайр-эҳсонлар қилиши зарурлигини эслатади.

Устун битиги (№ 6)

Маъбудларга севимли подшоҳ Приядаси сўзи: Бу олам аҳлини фаровон ва бахтли қилиш дҳармаси (фазилатлари) ҳақида тошбитик ёздирганимдан 12 йил ўтди. Бу дҳарма (қоидалари)ни бузмаган ҳар бир фуқаро маънавиятда юксалди. Мен бу олам аҳли фаровон ва бахтли яшасин, дейман.

Мен яқинларимга ҳам, узоқдагиларга ҳам бахт-саодат тилайман. Аҳолининг барча тоифалари бахтли, фаровон яшасин, дейман. Ҳар бир тоифанинг ўзига яраша ҳурмати бор. Лекин энг кўп ҳурматга сазовор одам – баркамол инсондир. Мен бу битикни ёздирган вақтимда 26 йил подшоҳлик қилган эдим.

Санчадаги кичик устун битиги

Буддавийлар жамоаси пароканда бўлмасин, мазкур роҳиблар ва роҳибалар жамоаси (мендан кейин ҳам), менинг ўғилларим ва невараларим даврида ҳам, кўкда Қуёш ва Ой нур сочиб турар экан, омонликда бўлсин. Бу жамоа аҳиллигини, бирдамлигини бузувчи одамга оқ либос (кафан) кийдирилиб, жамоадан қувғин қилинсин. Мен (буддавийлар) жамоаси ва унинг йўл-йўриқлари асрлар давомида пойдор бўлсин, дейман.

Ғор деворидаги битик

Бу ғорни Приядаси (Ашока) подшоҳлигининг 12-йилида аживакаларга ҳада қилган.

Хрестоматия по истории древнего Востока. / Под ред. В.В. Струве и Д.Г. Редера. М.: ИВЛ, 1963. – С.416–419.

МАНУ ҚОНУНЛАРИ

(ТҮПЛАМГА ТАВСИФ)

I, 102. Унинг (браҳманнинг) ва бошқаларнинг вазифаларини аниқлаш мақсадида Биру Бор (Браҳма)дан келиб чиққан доно Ману бу шастра (қонунлар)ни тузди.

I, 107. Унда дҳарма (ҳаёт тарзи қонунлари), савоб ва гуноҳ ишлар, шунингдек тўртала варна (тоифа) ҳаётига оид азалий қоида ҳам баён этилган.

I, 108. (Бу) ҳаёт қоидаси – муқаддас ваҳийда, шунингдек муқаддас ривоятда баён этилган олий дҳарма, шу боис ўзининг қадрига етувчи икки бора туғилганлар ҳар доим унга риоя қилсин.

II, 10. Муқаддас ваҳий деганда Веда, муқаддас ривоят деганда шастралар (қоидалари билан), дҳармалар англашилади: бу ҳар иккала муқаддас битик ҳар қандай ишда заррача шак-шубҳага сабаб бўлиши мумкин эмас, чунки дҳарма шулардан келиб чиққан.

II, 12. Веда, муқаддас ривоят, саховатлиларнинг хулқ-атворлари ва ўзидан кўнгли тўқлик – бу тўрттала хислатни дҳарманинг очиқ-ойдин манбалари деб маълум қилганлар.

VI, 92. Барқарорлик, хайрихоҳлик, итоаткорлик, хиёнат қилмаслик, поклик, ҳисларни тийиш, аҳиллик, Ведаларни билиш, ҳақгўйлик ва ғазабни босиш ўн аломатни ўз ичига олган дҳармани ташкил этади.

X, 63. Зиён етказмаслик, ҳаққонийлик, бировникини ўзлаштирмаслик, поклик ва тана аъзоларини бўйсундириш – тўрттала варна (тоифа) учун Ману асосий дҳарма деб эълон қилди.

(МУЛК)

IV, 201. Бировнинг ҳовузида ҳеч қачон чўмилиш керак эмас, у ҳовузни қурган (одам)нинг бир миқдор гуноҳини ўзига олади.

IX, 44. Ўтмишни биладиганлар буларни айнан Притхунинг хотини деб эътироф қилганлар; улар дала – ўрмонни кесганники, қорамол – уни отиб олганники деб эълон қилганлар.

IX, 276. Тунда деворини тешиб ўғирлик қилган ўғриларнинг иккала қўлини кесиб, шоҳ уларни ўткир қозиққа ўтказишни амр этсин.

IX, 277. Биринчи марта ўғирлик қилганда ўғрининг икки бармоғи, иккинчи марта ўғирлик қилганда – бир қўл ва бир оёғи чопилсин, учинчи марта ўғирлик қилган ўлим жазосига мустаҳқидир.

IX, 278. Бисоти ўғирланган ҳукмдор ўғрига олов, овқат, қурол, бошпана берганларни ҳам ўғридек жазоласин.

X, 115. Мулк эгаси бўлишнинг еттита қонуний усули мавжуд: мерос, совға олиш, харид қилиш, босиб олиш, судхўрлик қилиш, ишлаб топиш, шунингдек саховатпешалардан инъом-эҳсон олиш.

X, 116. Яшашнинг ўн воситаси мавжуд – билим, ҳунармандчилик, мардикорлик, хизмат қилиш, чорвачилик, савдогарлик, деҳқончилик, (озига) қаноат қилиш, садақа, судхўрлик.

XI, 164. Эркаклар ва аёлларни ўғирлаганда, бировнинг даласи, қудуғидаги ёки ҳовузидаги сувни ўзлаштирганда покланиш учун ой ҳақи-га тавба-тазарру қилинади¹.

(ҚУЛЛИК)

VIII, 415. Байроқ остида (урушда) қўлга олинган, бисот тариқасида ушлаб турилган, уйда туғилган, сотиб олинган, совға қилинган, мерос қилиб олинган ва жазо тариқасида қилинган қул – мана сизга қулларнинг етти хили.

VIII, 416. Хотин, ўғил ва қул – бу учаласи мулксиз ҳисобланади; ким бўлишларидан қатъи назар улар эгалик қилган одамнинг мулкидирлар.

VIII, 417. Браҳман шудра (қул)нинг мулкани бемалол тортиб олиши мумкин, зеро, қулнинг ҳеч қандай мулки йўқ; зеро, у мулкани ўзиники қилиб олган хўжайиннинг мулки ҳисобланади.

VIII, 177. Қарздор, агар у тенг ёки қуйи тоифадан келиб чиққан бўлса, қарз берувчи учун ҳатто қарзга тенг миқдордаги иш билан ҳам узиш имконига эга, бироқ агар юқори тоифадан келиб чиққан бўлса, у қарзини аста-секин узиши мумкин.

¹ Бунда бир ой давомида еб-ичиладиган овқат миқдори кун-бакун камайтириб борилади. Бу диний нуқтаи назардан кўриладиган чора. Давлат томонидан эса қонун тартибида ҳал этилади.

VIII, 323. Насабдор одамларни, айниқса хотин-қизларни, шунингдек энг аъло жавоҳирларни ўғирлаган (жиноятчи) ўлим жазосига мустаҳиқдир.

IX, 48. Эгаси бўлмаган одам сигирлар, биялар, тевалар, чўрилар, қўтослар, эчкилар ва совлиқлардан зурриёт кўргани каби эгаси ҳам бировнинг хотини билан ана шундай қисматга эга бўлади.

IX, 179. Борди-ю, шудра чўридан ёки қулнинг чўрисидан ўғил кўрса, у оталик ҳуқуқига эга бўлиб, мероснинг бир қисмини олиши мумкин: дҳарма қонуни шуни талаб қилади.

IX, 229. Жаримани тўлашга қурби етмаган кшатрий, вайшя ва шудра қарзини иш билан узиши мумкин: браҳман қарзини аста-секин тўласа бўлади.

(ЁЛЛАНМА ИШЧИЛАР)

IV, 159. Бировлар инон-ихтиёрига боғлиқ бўлган ишдан саккиз чақирим нари қочмоқ керак, ўзининг инон-ихтиёри билан бўлаётган ишни бир зум пайсалга солмасин.

IV, 160. Бировлар инон-ихтиёрига боғлиқ ҳамма нарса – ёмон, ўзининг инон-ихтиёрига боғлиқ иш – яхши. Яхши ва ёмоннинг бу лўнда таърифини билмоқ керак.

IV, 253. Нисфкор (тенг шерик деҳқон), оиланинг дўсти, чўпон, қул, сартарош – улар шудралар орасида овқатини еса бўладиган тоифадир; булар ёлланма меҳнат қилувчилар билан тенг туради¹.

IV, 254. Ёлланма ишчи ўзи кимлигини, қанча турдаги ишни қилишини хоҳлайди ва қаерда фойдаси тегиши мумкинлигини аниқ қилиб айтсин.

IV, 255. Саховатли одамларга ўзи ҳақида ҳақиқатга зид нарсани айтса, у дунёдаги энг разил инсондир; у ўзини ўзи тўнайдиган ўғри.

VIII, 215. Касал бўлмай туриб, сурбетлик билан белгиланган ишни бажармаса, унга саккиз кришнал² жарима солиниши ва маоши берилмаслиги керак.

VIII, 216. Аммо у касал бўлса-ю, соғайиб кетгач, олдиндан келишиб олинганидек, ишни бажарса, у ҳатто узоқ вақтдан кейин ҳам маошини ола олади.

VIII, 217. Касалдир у, ёки соғлом, бироқ белгиланган ишни қилмаса, унга маош тўланмаслиги керак, ҳатто озгина чаласи қолган иш учун ҳам маош тўланмайди.

¹ Бу истисно тарзида келтирилган – ёлланма меҳнат қилувчилар деярли шудрага кирмайди.

² Кришнал – 1 гр қумушга тенг.

(ҚАРЗ ҲУҚУҚИ)

VIII, 48. Қарз берувчи (кредитор) ўз мулкини қандай воситалар билан ола билса, (шоҳ) ўшандай воситалар ёрдамида қарздорни қарзни узишга мажбур этсин.

VIII, 49. Дҳарма (олдиндан эслатиб), судлашиш, айёрлик, мажбурлаш ва куч билан қарзга берилган пулини қайтариб олиш мумкин.

VIII, 50. Қарздордан ўз мулкини ўзи қайтариб олаётган қарз берувчи ўз мулкини қўлга киритиб бўлгандан кейин шоҳ томонидан таъқиб остига олинмаслиги керак.

VIII, 142. Варна (тоифа) тартибига биноан, ойига юздан роппа-роса икки, уч, тўрт ва беш фоиз ундириш жоиз бўлади.

VIII, 151. Биргаликда киритилган пул ссудаси (ва қарз) бўйича фоиз икки карра кўпайтирган қарз пулидан ошмасин; дон, ҳўл мева, жун ва юкчи ҳайвонлар учун – бир карра кўпайтирилгандан ошмасин.

VIII, 166. Борди-ю, қарздор ўлиб қолса, харажат эса унинг оиласи учун қилинган бўлса, (қарзни) ҳатто уларга тегишли мулкни ўртада бўлишиб олган қариндош-уруғлар тўлаши керак.

VIII, 176. Ўз ихтиёрича қарзни ундириб олган қарз берувчи устидан шоҳга арз қилган одамни шоҳ (жарима тариқасида қарзнинг) тўртдан бир қисмини ва ўша (қарз берувчига) қарз суммасини тўлашга мажбур эта олади.

(НАСЛ-НАСАБ ВА ТОИФА ТУЗУМИ)

I, 31. Дунёларнинг обод бўлиши учун у (Браҳма) лаблари, қўллари, сочлари ва оёқлари учидан (мувофиқ тарзда) браҳманни, кшатрийни, вайшяни ва шудрани яратди.

X, 4. Браҳманлар, кшатрийлар ва вайшялар – бу учала тоифа – икки бора туғилганлар (биринчиси онадан – жисмоний, иккинчиси онгдан – маърифий); тўртинчи тоифага мансуб шудралар эса бир бора туғилган (улар ақлсизлигича қолиб кетишга маҳкумдирлар); бешинчи тоифанинг ўзи йўқ.

X, 5. Барча варналарда покиза хотинлардан туғилган (фарзандларнигина) ҳалол ва шариятга мос равишда туғилган деб ҳисобланиши керак.

I, 87. Бу бутун Фалакиётни сақлаб қолиш учун эса ул Зот лаблар, қўллар, сочлар ва оёқлардан туғилганлар учун алоҳида машғулотларни белгилаб берди.

X, 96. Паст табақадан туғилган балойи нафси туфайли юқори табақадагиларнинг ишини қилгудек бўлса, шоҳ унинг мулкани мусодара қилиб, ўзини бетўхтов мамлакатдан ҳайдаб юборсин.

VIII, 267. Браҳманни ҳақорат қилган кшатрийга юз пан¹, вайшяга – икки юз эллик пан жарима солинади, шудрага эса тан жазоси қўлланади.

VIII, 268. Кшатрийни ҳақорат қилган браҳманга эллик пан, вайшяга йигирма беш пан, шудрага ўн икки пан жарима солинади.

VIII, 270. Икки бора туғилганни қаттиқ ҳақорат қилган бир бора туғилган (шудра)нинг тилини кесиш жазо саналган; зеро, у энг тубан тоифадан келиб чиққан.

VIII, 279. Қуйи тоифага мансуб одам юқори тоифа одамани урса, айнан у (урган одам) калтак еган одамдан ажратиб қўйилсин: Манунинг қоидаси шундай.

VIII, 280. Қўлини кўтарган ёки таёқ ўқталган шудранинг қўллари, тепган шудранинг оёқлари чопиб ташланиши жоиз.

XI, 127. Браҳманни ўлдиргани учун қилинадиган тавба-тазаррунинг тўртдан бир қисми кшатрийни ўлдиргани учун деб саналади, саккиздан бир қисми вайшяни ўлдиргани учун жоиз саналади; аммо шуни эсдан чиқармаслик керакки, саховатли шудрани ўлдиргани учун ўн олтидан бир қисми жоиз саналади.

XI, 236. Браҳманнинг вазифаси – (муқаддас билим) олиш, кшатрийнинг вазифаси – (халқни) муҳофаза қилиш, вайшянинг вазифаси – хўжалик фаолиятини юргизиш, шудранинг вазифаси – хизмат қилиш.

X, 64. Борди-ю, браҳман эр ва шудра аёлдан бўлган (аёл) зурриёт олий тоифа билан никоҳда (қиз) туғса ва у ҳам браҳманга тегса ва ҳ.к., еттинчи авлодда қуйи тоифа юқори тоифа рутбасига етишади.

X, 65. Шу тариқа шудра браҳман рутбаси томондан кўтарилиб боради ва браҳман шудра рутбаси томон пасайиб боради; аммо шу нарсани унутмаслик керакки, (бу нарса) кшатрий тоифасига ҳам, шунингдек вайшя тоифасига ҳам тааллуқли.

VIII, 418. Вайшя ва шудранинг ўз вазифасини сидқидилдан адо этишларига мажбур қилиш керак, чунки улар ўзларига жоиз ишларни қилмаса, ёруғ олам ларзага тушиши аниқ.

IX, 322. Браҳмансиз кшатрийнинг куни ўтмайди, кшатрийсиз браҳманнинг иши ўнганмайди, браҳман ва кшатрий бир ёқадан бош чиқариб, бу дунёни ҳам, у дунёни ҳам обод қилади.

¹ Пан – оғирлик ўлчови (9, 79р) ва ўша оғирликдаги танга. Танга мис ё кумуш қотишмасидан зарб қилинган бўлса керак.

(БРАҲМАНЛАР)

I, 96. Тирик мавжудотлар ичида энг яхшиси танасида жони борлардир, жони борлар ичида энг яхшиси – оқиллар, оқиллар ичида энг яхшиси – одамлар, одамлар ичида энг яхшиси – браҳманлардир.

I, 88. (Ведаларни) ўқиш-ўқитиш, ўрганиш, ўзи учун қурбонлик қилиш ва бошқалар учун қурбонлик қилишни, (садақа) улашиш ва оламни у (Браҳма) браҳманлар учун тайин қилди.

IX, 317. Олим бўлсин ё бўлмасин, браҳман – олий ҳилқатдир; хоҳ (қурбонликда) фойдаланилган ёки фойдаланилмаган бўлсин, олов ҳам буюк ҳилқат ҳисобланади.

X, 81. Бироқ, борди-ю, браҳман ҳозиргина тилга олинган ўзининг машғулотлари билан шуғуллана олмаса, у кшатрийлар дҳармасини (адо этиш) билан машғул бўлмоғи шарт, зеро, кшатрий бевосита браҳмандан кейин келади.

X, 82. Борди-ю, у ҳар иккаласи билан ҳам яшай олмаса ва борди-ю, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, «энди нима қилсин экан» деб ўйланиб қолса, у вайшя турмуш тарзини ихтиёр қилиши мумкин.

X, 83. Вайшя турмуш тарзи билан яшовчи браҳман ёки кшатрий зарар етказувчи ва бошқаларсиз куни ўтмайдиган деҳқончиликдан ўзини астойдил четга олсин.

X, 84. «Деҳқончилик – хайрли иш» деб уйлайди баъзилар, аммо мўминлар бундай ҳаёт тарзидан ҳазар қиладилар, зеро, ёғоч учига ўрнатилган темир сўқа (тиш) ерни поралайди ва тупроқда яшайдиган (мавжудотларни) ўлдиради.

VI, 87. Шогирд, уй эгаси, қаландар ва зоҳид – ушбу тўрт ҳаётий тарзининг келиб чиқиши, аслида, уй эгаси (кадхудолик) ҳолатига бориб тақалади.

(КШАТРИЙЛАР)

I, 89. Фуқароларни муҳофаза қилиш, (садақа) улашиш, қурбонлик қилиш, (Ведалар)ни ўрганиш ва дунёвий ҳою ҳавасларга майл қилмасликни у (Браҳма) кшатрийларга вазифа қилиб тайинлади.

X, 77. Браҳманнинг уч вазифаси кшатрий учун жоиз саналмайди: ўқиш-ўқитиш, бировларга қурбонлик (садақа) қилиш ва бировлардан инъом-эҳсон олиш.

Х, 79. Кшатрийнинг тирикчилик қилишлари учун шамшир ва ўқ-ёй кўтариб юриш, вайшялар учун – савдо-сотик қилиш, чорвачилик қилиш (тайин этилган), аммо уларнинг дҳармаси – инъом-эҳсон қилиш, ўқиш, қурбонлик (садақа) қилишдир.

Х, 95. Мусибатга тушиб қолган кшатрий шу барча (воситалар) билан тирикчилик қилиши мумкин; аммо унинг бундан юқорироқ ҳаёт тарзини ҳатто хаёлига ҳам келтирмасин.

Х, 118. Фавқулодда ҳолатларда ҳам фуқаролар жонини бериб етиштирган (ҳосилнинг) ҳатто чорак қисмини ундириб олган кшатрий гуноҳлардан фориғ бўлади.

Х, 119. Унинг (шоҳнинг) дҳармаси – ғалаба; қўрқувдан у ортга чекиниши мумкин эмас; вайшяларни ҳимоя қилар экан, у қонуний солиқ солишга даъват эта олади.

Х, 120. Жон солиғи ғалладан саккиздан бир улуш, (тилла ва қорамол) солиғи – ўн иккидан бир улуш, (аммо) ҳеч бўлмаганда каршапана (пул); шудралар, шунингдек ҳунармандлар ва наққош усталар (солиқ ўрнига) ишлаб берадилар.

(ВАЙШЯЛАР)

I, 90. Мол боқиш, шунингдек (садақа) бериш, қурбонлик қилиш, (Ведаларни) ўрганиш, савдо-сотик, судхўрлик ва деҳқончиликни (Брахма) вайшяларга тайин қилди.

IX, 326. Оқ фотиҳа олган, никоҳдан ўтган (уйланган) вайшя ҳар доим хўжалик ишлари билан машғул бўлсин, айниқса, мол-ҳолни кўпайтирсин.

IX, 327. Зеро, Пражапати қорамолни яратиб, уни вайшяга тайин қилди; браҳман ва шоҳга у барча одамларни топширди.

IX, 328. (Вайшя ҳар қандай хоҳишдан холи бўлиши керак) «мен мол боқишни истамайман»; модомики, вайшя мол боқишни истаб қолдими, бошқа ҳеч ким мол-ҳолини кўпайтирмаслиги керак.

IX, 329. (Вайшя) жавоҳиротлар, дур, мармар, маъдан, мато, хушбўй тутатқилар ва шарбатларнинг нархини номма-ном билмоғи жоиз.

IX, 330. У экин экиш сирларини, унинг яхши ва ёмонлиги (сифати)ни мукамал билмоғи керак; тошу тарозилардан аъло даражада фойдалана билмоғи талаб этилади.

IX, 331. Буюмларнинг асиллиги ва кам-кўстини, (турли) мамлакатларнинг ҳаён ва зиёнини, мол-матолардан тушадиган (эҳтимолли) даромад ва камомадларни ва қорамолни кўпайтириш (санъати)дан тўла огоҳ бўлмоғи даркор.

IX, 332. Хизматкорларнинг маоши қандай бўлиши кераклигини, одамларнинг хилма-хил тилларини, мулкни сақлаш усуллари ва олди-сотдида (иш юритишни) билмоғи лозим.

Х, 98. Ўз дҳармасини (адо этиш билими) тирикчилик қилолмайдиган вайшя шудра ҳаёт тарзи билан тирикчилик қилиши мумкин, (аммо) унинг учун ман этилган ишлар қилмаслиги ва иложи борича (бундан нафратланиши) талаб этилади.

(ШУДРАЛАР)

I, 91. Аммо Ҳукмдор шудра учун фақат бир машғулоти жоиз қилиб қўйган – бу (икки бор туғилган) варналарга хизмат қилиш.

VIII, 413. Аммо сотиб олинган ва сотиб олинмаган шудрани у (инсонни камситувчи) хизматларни бажаришга мажбур эта олади, зеро, у браҳманга хизмат қилиш учунгина яратилган ҳилқат ҳисобланади.

VIII, 414. Ҳатто эгаси озод қилган шудра хизмат қилиш мажбуриятидан халос этилмайди; зеро, у (браҳман) учун яратилган, шундай бўлгач, уни бу мажбуриятдан ким халос эта оларди?

IX, 334. Шудралар учун фароғатга олиб борувчи олий дҳарма – бу Ведаларни ўрганган машҳур кадҳудо браҳманга хизмат кўрсатишдир.

IX, 335. Ҳалол-пок, юқори тоифаларга итоаткор, ширинсўз, манманлик нималигини билмайдиган, ҳар доим браҳмандан паноҳ истовчи (шудра) (янги ҳаётда) олий тоифали бўлиб дунёга келади.

Х, 99. Икки бора туғилганларга хизмат қила олмайдиган шудра, фарзандлари ва хотини ўлим тўшагида ётган шудра ҳунармандлар (вайшялар) машғулоти билан шуғуллана оладилар.

Х, 100. Шудралар ҳунармандларнинг шундай машғулотлари ва шундай турлари билан шуғулланардиларки, бундай хизматдан икки бора туғилганлар фойдалана олсинлар.

Х, 129. Имкони бўлганда ҳам шудра бойлик тўпламаслиги керак, чунки бойликка эга бўлган шудра браҳманларни танг аҳволга солиб қўйиши мумкин.

(ПАРИЯЛАР)

Х, 51. Чандала ва швапачларнинг турар жойи қишлоқдан ташқарида, улар фойдаланган идишлар (бошқалар томонидан) ташлаб юборилиши, уларнинг мулки (фақат) итлар ва эшаклар (бўлмоғи керак).

Х, 52. Кийимлари – ўлганларнинг кафани бўлиши, овқати синиқ идишда берилиши, зийнатлари темирдан ясалган бўлиши шарт, улар жойдан-жойга кўчиб юришга мажбур бўлганлар.

X, 53. Дҳармага риоя қиладиган одам париялар билан муносабатда бўлмасликлари керак, муомалалари уларнинг ўзлари орасида ҳал этилмоғи, ўзлари тенгилар билан никоҳдан ўтишлари керак.

X, 54. Уларга бошқалар томонидан овқат синиқ идишда берилиши керак; тунда уларнинг шаҳар ва қишлоқ оралаб юришлари ман этилади.

X, 55. Шоҳ амри билан белгилаб қўйилган париялар кундузги ишлар қилгани (шаҳар ё қишлоққа) боришлари мумкин ва қариндош-уруғлари йўқ мурдаларни териб олиб кетадилар: тартиб-қоида шунақа.

X, 56. Шастраларга кўра, улар ҳар доим шоҳ буйруғи билан ўлимга маҳкум этилганларни қатл қилишлари мумкин бўлган; улар қатл этилганларнинг кийим-кечаклари, кўрпа-тўшаклари ва зеб-зийнатларини олишлари мумкин бўлган.

(ШОҲ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ)

VII, 3. Шоҳсиз қолган одамлар қўрққанларидан титраб кетганда парвардигор бу ёруғ (олам)ни сақлаб қолиш учун шоҳни яратди.

VII, 4. Индра, Анил, Яма, Қуёш, Агни, Варуна, Ой ва бойлик Ҳукмдори шундан келиб чиқди.

VII, 5. Шоҳ мана шу энг яхши маъбудларнинг зарраларидан халқ этилган экан, у барча жонли мавжудотлар ичида улуғворлиги билан ажралиб туради.

VII, 14. Парвардигор энг аввал ўғил – Жазони яратди, у барча жонли мавжудотларнинг ҳомийси ҳисобланади, ўз ўрнида у Браҳма тажаллийсига тўла дҳарманинг тажассумидир.

VII, 15. Ундан қўрққанидан қимирловчи ва қимирламайдиган барча жонли мавжудотлар фойдали хизмат қилади ва дҳармага (риоя қилишдан) бўйин товламайди.

VII, 20. Агар шоҳ муносибларни ўз вақтида ва муттасил жазолаб турмаса, кучи кўплар кучи озларни сихга тортилган балиқдай чўғда тоблаб кўяр эди...

VII, 21. ...қарға худойига келтирилган эҳсон егуликларни ва ит қурбонлик овқатни паққос урар эди, сеники-меники деган гаплар бўлмас, олий ва тубан тоифалар аралаш-қуралаш бўлиб кетар эди.

VII, 22. Бутун олам жазо воситасида бўйсунди, зеро, пок одамни топиш ғоятда мушкул; зеро, фақат жазодан қўрққандагина бутун олам ўзига жоиз вазифани адо этади.

VII, 24. Барча варналар бузилиб кетарди, барча тўсиқлар вайрон этиларди ва жазо қўлланилишдаги иккиланишлардан бутун халқларнинг ғазаби аланга олар эди.

VII, 25. Жиноятчиларни йўқ қилувчи танаси қора, кўзи қизил жазо бўлган жойда, агар шоҳлари кўз-қулоқ бўлиб турган бўлса, ўшанда фуқаролар тинч бўлади.

VII, 111. Ақлсизлиги туфайли ўз мамлакатини лоқайдларча қийнаётган бўлса, бутун қавму қариндошлари билан мамлакати ва ҳаётидан жудо бўлади.

VII, 114. (Жангчилар) дастасини икки, уч, беш, шунингдек юзлаб қишлоқлар ўртасига жойлаштириб, мамлакатни бемалол бошқариш мумкин бўлади.

VII, 115. Оқсоқолни ҳар бир қишлоққа, бошқарувчини ҳар ўн қишлоққа, ҳар йигирма ва юз қишлоққа, шунингдек ҳар минг қишлоққа тайинламоқ керак.

VII, 123. (Эл)ни муҳофаза қилишга тайинлашган шоҳ мулозимларининг кўпчилиги бировлар мулкани тортиб олишга интилувчи ифлослар бўлади: бу элни улардан ҳимоя қилмоқ керак.

VII, 218. (Шоҳ) ўзининг барча нарсаларини заҳарни кесувчи дамлама билан тозаласин ва ҳар доим эҳтиёткорлик юзасидан заҳарни кесувчи қимматбаҳо тошларни ўзи билан олиб юрсин.

VIII, 170. Ёнида ҳемираси қолмаганда ҳам шоҳ, олиши жоиз бўлмагани нарсасини олмасин ва мол-дунёсининг сассиғини чидамаётган бўлса-да, оз-кўплигига қарамай, олиши жоиз бўлган нарсасини олсин.

IX, 288. Барча қамоқхоналарни катта кўчага яқин жойларга жойлаштирилсин, токи ҳамма азоб чекаётган ва одамгарчиликдан чиқиб кетган жиноятчиларни кўриб, ибрат олсин.

(СОЛИҚЛАР)

VII, 127. Олди-сотди пайтида (нарх-наволарни), йўлнинг узунлигини, овқатга харажатларни, зираворларни ва мулк муҳофазасини кўриб чиқиб, шоҳ савдогарларни солиқ тўлашга мажбур этсин.

VII, 128. Ҳар томонини ўйлаб кўриб, шоҳ мамлакатда ҳар доим шундай интизом белгиласинки, токи шоҳ ҳам, ишни бажарувчи ҳам унинг самарасидан фойдалансин.

VII, 129. Зулук оз-оздан (қонни сўриб) озиқланишини, бузоқ эмгани ва асалари гулни сўргани каби, шоҳ ҳам мамлакатдан йиллик солиқларни оз-оздан ундириб борсин.

VII, 130. Шоҳ қорамол ва олтиннинг эллиқдан бир қисмини, шунингдек доннинг саккиздан, олтидан ёки ўн иккидан бир қисмини олиши мумкин.

VII, 131. У яна ёғоч, гўшт, асал, сариёғ, тутатқилар, шифобахш гиёхлар, шарбатлар, гуллар, илдизлар ва хўл мевалар,

VII, 132. япроқлар, кўкатлар, гиёхлар, терилар ва тўқима буюмлар, сопол идишлар ва тошдан ясалган ҳамма нарсалардан олтидан бир улушгача солиқ ундириб олиши мумкин.

VII, 138. Шоҳ барча мутахассисликдаги ҳунармандларни ва ўз меҳнати билан яшовчи шудраларни ойда бир кун меҳнат (ҳақисиз) ишлашга мажбур эта олади.

(УРУШ)

VII, 87. Элни кўз қорачиғидай асровчи, тенг кучли, кўпроқ кучли ёки кўпроқ заиф (душман жангга чақирган) шоҳ кшатрий дҳармасига риоя қилган ҳолда жангдан бўйин товламасин.

VII, 89. Жангларда бир-бирини ўлдиришга қасд қилган, бор кучини аямаган ва афт-андомидан нафрат ёғилиб турган шоҳлар тўғри жаннатга бориб тушади.

VII, 96. Кимки (бир ўзи) жанг араваси, от, фил, соябон, пул, ғалла, қорамол, аёллар, ҳар қандай бисот ва қимматли бўлмаган маъданни ўлжа олса, улар уникидир.

VII, 97. (Жангчилар) ўлжаларининг ярмидан кўпини шоҳга берсин; Ведада шундай дейилган; урушсиз қўлга олинган ўлжаларни шоҳ барча жангчилар орасида тенг улашиб чиқсин.

VII, 102. Ҳар доим урушга тайёр туриш, ҳар доим кучни намоён этиш, сирни махфий тутиш, душманнинг заиф жойларини топиш керак.

VII, 103. Ҳар доим урушга тайёрдан ҳадиксираб келишган, шу боис барча жонли мавжудотларни айнан кучи билан бўйсундириш лозим.

VII, 106. (Шоҳ) ишларини аввалдан ўйлашда қўтонқуш каби қочиб қолишда, қуён каби ўлжани ғажилда ва бўри каби кучини намоён этишда чапдаст бўлсин.

VII, 192. Текисликда жанг чоғи жанг аравалари ва отлардан, сувли жойда қайиқ ва филлардан, дарахтзор ва бутазорларда ўқ-ёйдан, қирадирли жойларда қилич ва қалқон, шу каби қуроллардан фойдаланмоқ керак.

VII, 195. Душманни қуршовга олиб, тўхтамоқ ва унинг мамлакатини яксон қилмоқ керак; унинг ем-хашак заҳиралари, озиқ-овқат, сув ва ёқилғиларини тинимсиз йўқ қилиб турмоқ керак.

VII, 198. Душманларни музокаралар, сотиб олиш, раҳна солиш билан қўлга олишга ҳаракат қилмоқ керак – (бу барча воситалар) ёки ҳар

бирини алоҳида қўлламоқ керак, жанг қилиш воситасини хаёлга ҳам келтирмаслик керак.

VII, 199. Жангда жавлон ураётган ҳар икки томонга ғалаба қилиш ёки енгилиш номаълум бўлса, жанг қилишдан воз кечмоқ даркор.

VII, 201. Ғалаба қозонгач, маъбудлар ва олийҳиммат браҳманлари номига ҳамду сано ва дуолар ўқилсин, имтиёзлар берилсин ва хатар йўқлиги эълон қилинсин.

VII, 202. Барча мағлублар хоҳишларини қондириб бўлгач, тахтга (енгилган ҳукмдор) қариндошлари ўтқазилсин ва битим тузсин.

VII, 210. Донолар ақлли, насл-насабли, жасур, қодир, сахий, олижаноб ва қаттиққўл одамни энг хатарли душман деб эълон қилганлар.

(ОИЛА ВА НИКОҲ)

III, 13. Шудралар учун шудра аёли, вайша учун – (шудра аёли) ва (ўзининг тоифасидаги) аёл, кшатрий учун – ҳалиги иккаласи ва ўзининг тоифасидаги аёл, браҳман учун – ҳамма (учаласи) ва яна ўзининг (тоифасидаги) аёлни никоҳга олиш жоиз.

III, 20. Тўртала варна (тоифа) учун қисқача (баён этилган) у дунёдаги ва бу дунёдаги хосиятли ва хосиятсиз никоҳнинг саккиз (шаклини) билиб олинг.

III, 27. Қизингизни (зар-зеварларга бурканган), отангиз (ўзи танлаган) олим ва хушахлоқ одамга топшириш дҳарма браҳмаси дейилади.

III, 28. Қизингизни қурбонликларини ибодат чоғида рисоладагидай адо этадиган бой-бадавлат одамга топшириш даввия дҳармаси дейилади.

III, 29. Дҳармага кўра ота куёвдан бир ҳўкиз ва бир сигир ёки иккитадан ҳўкиз-сигир олгач, у қизини қоидали қилиб чиқарган ҳисобланади, бундай дҳарма арша дейилади.

III, 30. (Отаси) қизини «Ҳар иккалангиз биргалиқда дҳармага риоя қилинг» деган сўзлардан кейин куёвга топширса ва куёвга иззат-икромлар кўрсатилса, бу пражапатия деб аталади.

III, 31. (Куёв) кўлидан келган миқдорда қариндош-уруғларига ва ўз ихтиёри билан келинга оқ йўл берса, бу асура дҳармаси дейилади.

III, 32. Қиз ва куёвнинг ихтиёрий кўшиливи хоҳишидан келиб чиқувчи никоҳ шаҳват бўлиб, ган – дҳарва деб аталади.

III, 33. Қизни уйдан йиғлатиб ва қичқиртириб куч ишлатиб ўғирласа, устига-устак, қотиллик қилинса, ярадор қилса ва нарсаларини уриб-синдирса, бу рақшаса удуми дейилади.

III, 34. (Кимдир) ухлаб ётган, маст ёки телба қиз билан ўғринча жинсий алоқа қилса, бу никоҳлар ичида энг ёмони – пайшача деб аталади.

III, 24. Донолар браҳман учун тўртала олдингиларини, битта рақшасни кшатрий учун, асурни вайшя ва шудра учун шаръий қилиб қўйганлар.

III, 25. Аммо (кейинги) бештадан учтаси – дҳармага мос келади, бу ердаги иккитаси дҳармага мос деб топилмайди: пайшача ва асур никоҳи ҳеч қачон шаръий бўлиши мумкин эмас.

III, 51. Оқил ота қизи учун ҳатто арзимаган совғани ҳам олиши жоиз эмас; зеро, очкўзликдан совға оладиган ота зурриётфуруш деб аталади.

III, 56. Аёллар ҳурмат қилинадиган жойда маъбудлар табассум қилдилар; аммо улар эъзозланмаган жойда барча удум амаллари сувга уриб кетади.

V, 147. Аёл – бола ёшида, хоҳ ёш бўлсин, хоҳ ёши ўтганда бўлсин, ҳатто (ўз) уйида ҳам бирон-бир ишни ўз билгича қилиши мумкин эмас.

V, 148. Болалигида (аёл) отаси ҳукмида, ёшлигида – эрининг ҳукмида, эри ўлганда – ўғиллари (ҳукмида) бўлиши жоиз: аёл (ҳеч қачон) мустақил равишда иш тутмасин.

V, 154. (Ҳатто) саховатни билмайдиган, чаккибосар ёки яхши фазилатларидан маҳрум эрни хотини худо ўрнида ҳурмат қилиши керак.

V, 155. Аёллар учун алоҳида қурбонлик, қасам, рўза жоиз эмас; у эрига қай миқдорда итоат этса, ўша миқдорча у жаннатга лойиқ бўлади.

IX, 46. На сотиб юборсин, на эри уни ташлаб кетсин, хотин эридан халос бўлмайди: бир вақтлар Пражапати белгиланган дҳармани биз шундай биламиз.

X, 81. Агар хотин бола туғмаса, (никоҳнинг) саккизинчи йилида эр бошқасини олиши мумкин, агар хотин ўлик туғаверса, ўнинчи йилда, агар фақат қиз туғаверса, ўн биринчи йилда бошқасини олиши мумкин, борди-ю, хотинининг муомаласи кўпол бўлса, эр уни иложи борича тезроқ алмаштирсин.

IX, 85. Борди-ю, икки бора туғилганлар ўз ва ўзга (тоифалар)дан хотин олсалар, устунлик, ҳурмат ва уларнинг турар жойлари варна (тоифалар) тартибига мос келмоғи керак.

IX, 151. Браҳман меросдан уч қисмини, кшатрийнинг ўғли – икки қисмини, вайшя бўлиб туғилган бир ярим қисмини, шудра хотинининг ўғли бир қисмини олиши мумкин.

IX, 152. Ёки дҳармани билувчи бутун мулкни ўн қисмига бўлиши ва қуйидаги қоидага мувофиқ қонуний тақсимлаши мумкин:

IX, 153. Браҳманга тўрт қисм, кшатрийга уч қисм, вайшяга – икки қисм, шудрага бир қисм.

IX, 156. Бир варна хотинларидан туғилган икки бора туғилганларнинг барча ўғилларига (мерос) тенг тақсимланади, тўнғичига бироз кўпроқ тегади.

IX, 185. Отанинг меросини ака-укалар эмас, ота-оналар эмас, балки ўғил фарзандлар олади; фарзандсиз ўғилнинг меросини ота, шунингдек ака-укалар олади.

IX, 194. Аёлнинг мулки тўрт турга бўлинади: (никоҳ) олови олдида берилган, тўй маросими бораётганда берилган, севгиси нишонаси деб берилган, онаси ва отасидан олинган мулк.

IX, 217. Она фарзандсиз ўғилнинг меросини олишга ҳақли, онаси ўлган тақдирда мулкни ота-онаси олсин.

(ГУНОҲЛАР ВА АЖР)

V, 52. Аждодлар ва маъбудларни ҳурмат қилмай, ўз гўштини бошқалар гўшти билан кўпайтирилганидан каттароқ гуноҳкор йўқдир.

IX, 55. Браҳманни ўлдирган, ичкиликбозликка берилган, (олтин) ўғирлаган, гуруннинг хотини билан ётиб-турган ва ҳаттоки шундай одамлар (жиноятчилар) билан улфат бўлганни буюк гуноҳкорлар деб эълон қилинган.

XI, 56. (Насл-насабда) устунликни аниқлаш чоғидаги ёлғон, шоҳ қулоғига етказилган тухматли чақув, гуруни атайлаб айблаш – гуруни ўлдириш билан баравар.

XI, 57. Ведани менсимаслик, ведани ҳақорат қилиш, ёлғон гувоҳлик бериш, дўстини ўлдириш, ман этилган ва ҳаром таомни ейиш – ушбу олти (жиноят) ичкиликбозлик билан баравар.

XI, 58. Бисотни ёки одамларни, от ва кумушни, ер, олмос ва (бошқа) жавоҳиротни ўғирлаш олтин ўғирлаш билан тенгдир.

XI, 59. Бир қориндан талашиб тушган опа-сингиллар билан, паст табақали хотинларнинг қизлари билан, дўсти ёки ўғлининг хотини билан жинсий алоқа қилиш гурунинг тўшагини булғаш билан тенгдир.

XII, 74. Уч гуноҳ амалини такрорлашдан бу ақли ноқислар ёруғ дунёдаги турли туғилишларда азоб-уқубатларга гирифтор бўладилар.

XII, 75. ва Тамисра ва бошқа даҳшатли дўзахларда сарсон-саргардонликка маҳкумдир. Ўрмонда ҳар бир япроқ бамисоли қиличдай уларни тилим-тилим қилиб ташлайди, исканжага олиб қолса, каллалари сапчадай узилади.

¹ Қадимги ҳиндларда роҳиблик тариқатларидан бири.

XII, 76. ва жирканч бачадондан туғилдилар, бошлари азоб-уқубатлардан чиқмайди, совуқдан муз қотадилар, иссиқдан жизгинак бўладилар, турли қўрқувдан юраклари тарс-турс ёрилади.

XII, 77. Минг хил азобларга гирифтор бўладилар, қузгун ва бойўғлиларга ем бўладилар, қизиган қумда оёқяланг юрадилар, томирларида қон човгумдай шақирлаб қайнайди.

XII, 78. Муртак кўринишда такрор-такрор пайдо бўладилар ва оғир туғилдилар, қўл-оёқларига зилдай кишанлар ва ғуллар солинади.

XII, 79. Қариндош-уруғлари ва дўстларидан айриладилар, ёвузлар билан ҳамтовоқ бўладилар, топган мулкларини дарров йўқотадилар, дўсту душманнинг фарқига бормаи, ҳаммага илакишиб кетаверадилар.

XII, 8. Касалликлари дарди бедавога айланади, турли ғам-ғуссалар охири ажалга бориб тақалади.

Хрестоматия по истории Древнего Востока.
М.: ИВЛ, 1963. – С. 388–398.





КАДИМГИ ДИНГАР



ҚАДИМГИ ДИНЛАР

Инсоният тафаккури жавоҳирлари орасида динлар алоҳида ўрин тутди. Зотан, қадимги давр кишисининг яшаш тарзи, тафаккур оламини тўлиқ белгилаб берган дин бугунги кунга келиб ҳам жамиятнинг маънавий қиёфасини шакллантиришда энг кучли омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Албатта, ҳозиргидек тизимли диний тасаввурлар инсониятнинг энг қадимги даврида унинг йўлдоши бўлмаган, аммо ғайритабиий кучлар ҳақида, одамлар ўлимидан кейин ҳам қайсидир тарзда «яшаши» тўғрисидаги тасаввурлар жуда қадим замонлардаёқ пайдо бўлганлиги аниқ.

Гап шундаки, энг қадимги одамлар ўзини ўраб турган табиат қийинчиликлари билан курашда кўпинча ожиз қолган, оғир йўқотишларга учраган. Чунки улар табиат ҳодисаларини тушунтириш учун ҳали етарли билимга эга эмасдилар. Шунинг учун табиат ҳодисаларининг иррационал, бузилган тарздаги, фантастик изоҳи пайдо бўлган ва дин кундалик турмушда одамлар устидан ҳукмронлик қилган табиат кучлари тўғрисидаги тасаввурлар тарзида юзага келган. Шунинг учун кўплаб халқларда дастлабки худолар Қуёш худоси, Момақалдиरोқ худоси, Ҳосилдорлик худоси, Денгизлар худоси каби табиат ҳодисалари билан боғлиқ тарзда намоён бўлади. Одамлар табиат сирларини очиб боргани сари бу худоларга эҳтиёж қолмайди. Яккахудолик даврига келиб барча динларнинг асосий эътибори оламнинг яратилиши ва унда инсоннинг ўрни тўғрисидаги масалага қаратилди. Энди диннинг асосий муаммоси инсоннинг ўзи бўлиб қолди.

Инсоният тарихининг тонгида пайдо бўлган ва асрлар давомида табиат ҳамда жамиятдаги реал объектив жараёнларни кишилар тафаккурида ноадекват акс эттирган диний тасаввур ва эътиқод, шунингдек, уларнинг жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллашига олиб келган догмалар, культлар, маросиму расм-русумлар инсон онгини амалга ошмайдиган пуч хаёллар билан тўлдириб борди, унинг оламини акс эттириш жараёнини бузиб, фантастик мифлар ва магия, сеҳргарлик ва бошқа ажойиботлар орқали оламнинг жимжимадор, мураккаб метафизик конструкциясини, нариги дунё ҳақидаги ёлғон тасаввурларни яратди.

Шу тариқа кишилар онгида ўрнашиб, авлодлар хотирасида акс этган, халқ маданий қудратининг ажралмас қисмига айланган диний

эътиқодлар тизими – дин жамиятда маълум ижтимоий-сиёсий ва маданий-ахлоқий функцияларга эга бўлди.

Қуйида биз келтираётган маълумотлар инсоният цивилизацияга қадам қўйган даврда пайдо бўлган энг қадимги динлар ҳақида. Бу динларнинг бир қисми аллақачон унутилиб кетган, уларни яратган халқлар ҳам тарихнинг узоқ саҳифаларидан ўрин эгаллаган, айримлари эса маълум ўзгаришлар билан ҳамон баъзи халқларнинг маънавий дунёсини бойитиб, уларга хизмат қилиб келмоқда. Унутилган динлар ҳам, аслида, изсиз кетмаган, уларнинг асосий жиҳатлари кўплаб бугунги динлар, улар таъсирида шаклланган қадриятлар доирасида яшаб келмоқда. Қадимги халқлар динлари билан танишар экансиз улардаги яқинлик, энг аввало, инсониятнинг бирлиги, ижтимоий тараққиёт жараёнларининг ўхшашлиги, барча халқлар учун бир хил бўлган психология қонунлари асосида изоҳланади. Айни пайтда табиий шароити ва яшаш тарзи турлича бўлган халқларнинг ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб турли диний тасаввурларни яратганлигига гувоҳ бўламиз. Аслида, дин ва диний тасаввурлар ҳам инсониятнинг ўзи билан мувозий равишда мукаммаллашиб борди.

ҚАДИМГИ ШУМЕРЛАР ДИНИ

Шумерлар¹ дини – табиий политеизм², ердаги ҳосилдорлик ва мўл-кўлчиликни таъминловчи Коинотнинг буюк кучларига сиғиниш. Шумерларда шаҳарларнинг ҳомий-худолари билан бир қаторда улардан юқорида самовий худолар ҳам мавжуд бўлиб, кўпинча бу икки синфдаги худоларнинг функциялари бир-бирини такрорлайди ва ҳатто аралашиб ҳам кетади.

Хўш, Олам ҳақидаги қандай концепция бу диний қарашларнинг асосини ташкил қилади? Шумерларнинг коинот ҳақидаги қарашлари худолар томонидан ўрнатилган мураккаб қонунлардан иборат бўлган. Бу қонунлар, моҳиятига кўра, мавжудликнинг ўзидир. Баъзи худолар коинот кучлари ва айни пайтда ердаги шаҳарлар учун ҳам жавоб беради. Бундай ҳол ўрнатилган тартибнинг барқарорлигини сақлаб туриш учун зарур ҳисобланган. Хўш, инсоннинг коинотдаги ўрни қандай? Одамлар – илоҳий иродани амалга оширувчилар, бу ирода амалга оширилиши учун зарур бўлган махсус асбоб, холос. Уларнинг вазифаси Ерда самарали ҳаётни таъминловчи илоҳий буйруқнинг сўзсиз татбиқ қили-

¹ Бундан қарийб 7000 йил илгари Жанубий Месопотамия (ҳозирги Ироқ худуди) да яшаган халқ. Шумерлар инсоният тарихидаги энг қадимги цивилизациялардан бирини яратган.

² *Политеизм* – кўп худолилик, кўп худолиликни тан олувчи дин.

нишини таъминлашдан иборат. Буни амалга ошириш учун ҳар бир киши ўзининг ҳомий-худосига эга бўлади. Шу тариқа қадимги инсон ҳар бир кишининг бир нечта ҳомий-худолари бўлишига ишонади. Бу худолар ўз моҳиятига кўра «муҳим ҳодисанинг – шахс ўзлигини идрок қилишининг муайян психологик жиҳатлари индивидуаллашган ва мифлашган ҳолда намоён бўлиши эди»¹. Шахсий ҳомий-худоларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш феномени сўзсиз қадимги дунё кишининг онги, ўзини индивидуал шахс сифатида англаш жараёни ўсганлигидан далолат беради.

Пантеоннинг муҳим функцияларини табиатнинг асосий ҳодисаларини бошқарувчи илоҳий кучлар амалга оширади. Худоларнинг энг буюги Ану осмон худоси ҳисобланади ва бутун кўриниб турган Оламга ҳукмронлик қилади. Осмон ва Ер ўртасидаги бўшлиқ, ҳаво Энлилнинг – шамол ва момақалдиروқлар ҳукмдорининг ихтиёрида; у Ниппурдаги ибодатхонадан туриб шаҳарларнинг ҳомий-худоларига раҳбарлик қилади. Ер Энки худосининг мулки ҳисобланади. Мана шу учта худо – Ану, Энлил ва Энки самовий учликни ташкил қилади. Вақт ўтиши билан Энки Эа – «сув уйи» номи билан танилади, чунки ер – каналлар, дарё ва денгизларни ҳаётини намлик билан таъминловчи манба. Эа номининг нисбатан кеч, шумер цивилизациясининг иккинчи босқичида пайдо бўлиши олимларга ердаги худо концепцияси жиддий ўзгарганлиги ва бу ўзгаришда балки «семит интерлюдияси» катта роль ўйнаганлигини тахмин қилиш имконини беради; бу ерда ҳар бир зарраси ҳаракатсиз ва ўзгармасдек туюлган оламнинг эволюциясига ишорани илғаш мумкин.

Шундай қилиб, пантеонда асосий самовий худолар ҳукмронлик қилади. Худоларнинг иккинчи учлигини нурлари ердаги ҳаётни бошқарувчи, коинот жисмларига эгалик қилувчи худолар – Ой (Наннар), Қуёш (Уту) ва тонг юлдузи Зухра (Инанна) ташкил қилади. Шунингдек, Инанна мўл-кўлчилик манбаи бўлган Она Ер тимсоли ҳам ҳисобланади ва унга топиниш узоқ тарихгача бўлган даврга бориб тақалади. Мифлар ва поэтик ижодда Она Ер рамзи бўлган Инанна ёш худо Думузи шахси билан боғлаб қаралади. Думузи доимий ўлади ва қайта тирилади, шу ҳолатда табиатда ҳар йили юз берадиган янгиланишни акс эттиради.

Шумерлар ўз худоларини қандай тасаввур қилганлар? Аслида, худолар шумерларда табиатнинг кучлари ва офатларини акс эттирса-да, ёдгорликлар ва ёзувларда уларга инсоний қиёфа бахш этишган². Улар

¹ *Оппенхейм А.Л.* Древняя Месопотамия. Портрет погибшей цивилизации. Пер. с англ. М.Н. Ботвинника. – М.: Наука, 1990. – С. 203.

² Бу ҳақда батафсил қаранг: Элиаде Мирча. История веры и религиозных идей. В 3-т. Том I: от каменного века до элевсинских мистерий. – М., Издательский дом: Критерион, 2002. – С. 76–77.

одамларникидай кўринишга, қоматга, жинсга эга бўлиб, фарзандлари ҳам бор, хуллас, одамларга хос барча хусусиятларга эга. Улар одамлардан фақат умрбоқийлиги ва илоҳий қудрати билан фарқ қиладилар.

Худолар ўртасидаги муносабатлар ҳам кишилардаги оила принципида қурилган: болалар – ота-она; бу принцип илк теологик қарашлардаёқ ўз аксини топган. Шу тариқа Ану барча худоларнинг асосчиси; Лагаш худоси Нингирсу – Энлилнинг ўғли, Анунинг қизи Баба эса, унинг хотини; Ой худоси Наннар Нингалга уйланган, уларнинг ўғли эса Қуёш худоси Уту. Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин¹, аммо биз учун муҳими бу ерда худоларни тизимлаштириш аъъанасини кузатиш ва унга китобхон эътиборини қаратишнинг ўзи етарли. Кейинчалик, Месопотамия даврида бу тизимлаштириш анча мукаммаллашади.

Шумерларнинг диний тизимида худолардан пастда иблислар жойлашади. Ибодатхоналар, уйлар ва одамларга ҳомийлик қилувчи яхши иблислар ҳам мавжуд, аммо кўпчилик ҳолларда иблислар ёвуз ва баджаҳл, қоронғи ва бўм-бўш турбатларда яшовчи арвоҳлар бўлиб, ерга кўрқинч ва азоб олиб келади. Улар ичида энг кўрқинччилари – очкўз ва маккор етти Удуглар. Уларни фақат афсунгарлик ва жоду илмига эга бўлган қоҳинлар енгизиш мумкин. Бу санъат ҳақиқий илм ҳисобланиб, унинг кўплаб формулалари бизгача етиб келган.

Масалан:

*Золим Удуг, шаккоклик-ла ер кезаётган,
Золим Удуг, тартибсизлик тарқатаётган,
Золим Удуг, илтижони эшитмаётган,
Золим Удуг, гўдакларни сувдаги балиқдек овлаётган,
Золим Удуг, муаззам биноларни бузаётган,
Золим Удуг, чолу кампирларни эзаётган,
Золим Удуг, кенг кўчаларни кесиб ўтаётган,
Золим Удуг, даштларни буюк саҳрога айлантираётган,
Золим Удуг, остоналардан ҳатлаб ўтаётган,
Золим Удуг, жамоат биноларини бузаётган,
Золим Удуг, ерни ташвишга солаётган...
Мен қоҳинман, афсун ўқимоқдаман, мен олий қоҳин Эа,
Ҳоқон юборди мени...
Ортимдан увиллай олмассан,
Ортимдан бақира олмассан,
Золим одам мени маҳв эта олмайди, эриша олмассан,*

¹ Қаранг: Якобсен, Торкильд. Сокровища тьмы: История месопотамской религии. Пер. с англ. – М.: Изд. Ф. «Восточная литература» РАН. 1995. – С. 156.

*Золим Удуғ мени ушлай олмайди, эриша олмассан,
Сени Осмон ҳайдаб юборсин! Сени Ер ҳайдаб юборсин!*¹

Ушбу афсунгарлик формуласига башорат қилишни ҳам қўшиш керакки, у билан ҳам коҳинлар шуғулланганлар. Бу нотинч ва хавотирли дунёда қудратли кучлар билан юзма-юз келган инсон келажакка боқишга, худолар иродасини тушунишга ва улар ҳаракатини олдиндан айтиб беришга имкон излайди. Бу – диний ва афсунгарлик воситалари орқали инсон ўзини ҳимоя қилиш сари ташлаган дастлабки қадам.

Худоларга сиғиниш ибодатхоналарда кўп сонли коҳинлар томонидан ўтказиладиган мураккаб ва анча ривожланган маросимлар шаклини олади. Етиб келган ёзувлардан маълум бўлишича, коҳинлар ўртасида вазифалар мукамал ва аниқ бўлинган бўлиб, бу бутун тизимнинг тараққий этганлигидан далолат беради.

Муқаддас тақвим барча диний ибодатларнинг асоси ҳисобланади. Унга биноан, икки турдаги байрамлар мавжуд: асосийлари Янги йил ва янги ой чиққан кун – қайд қилинган, ўзгармайдиган байрамлар; иккинчиси вақти ўзгариб турадиган байрамлар. Кейингиси шаҳарларнинг ҳомий-худоларига бағишланган алоҳида байрамлар ёки ибодатхона қурилиши, шохнинг тахтга келиши ва ҳарбий ғалаба билан боғлиқ кунларнинг нишонланиши бўлиши мумкин.

Ҳар қандай байрамда асосий ҳодиса – қурбонлик. Бизнинг давримизгача етиб келган ёзувлардан маълум бўлишича, шумерларда қўй ва эчкилар, буқа, чўчқа, парранда ва балиқ, шунингдек, дон, ун, нон, хурмо, анжир, ёғ, асал, сут, май ва пиво, кийим-кечак ва зираворлар қурбонлик қилинган. Байрамнинг типик кўриниши – назр-ниёз қилинган қимматбаҳо нарсалар, вазалар, ҳайкалчаларни ибодатхонага инъом қилиш жараёни. Ҳайкалчалар кўпинча уни инъом қилувчининг ўзини акс эттирган бўлиб, бу амали билан инсон ўзини худолар ҳимоясига топширган.

Шумер диний маросимларининг асосий мақсади – ҳаётни асраш. Эътибор беринг, ердаги реал ҳаётни: шумерлар ҳосилдорлик ва мўл-кўлчилик сўраб илтижо қилганлар, уларнинг маросимлари аниқ натуралистик руҳда бўлган.

Умуман, шумерлар ҳаётида диний тасаввурлар инсон фаолиятининг барча жабҳаларига кучли таъсир кўрсатган. Инсон томонидан амалга оширилган ҳар қандай иш – тинч меҳнат ёки ҳарбий тадбир – барча-

¹ *Москати Сабатино*. Цивилизации Древнего Востока. – М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. С. 33–34.

си худоларни шарафлашга бағишланган. Инсоннинг ҳар бир қадами худолар томонидан белгилаб берилган; худолар одамларнинг фақат сиғиниш билан боғлиқ фаолиятини эмас, ҳозир биз диндан анча узоқ деб ҳисоблайдиган тадбиркорлик ва тижорат фаолиятини ҳам кузатиб турганлар. Шумерларнинг Олам концепцияси учун характерли бўлган эътиқод уйғунлиги Қадимги Шарқда шумерлардан кейин шаклланган барча цивилизацияларнинг ҳам жуда кучли ва типик белгиси бўлиб қолади.

ҚАДИМГИ БОБИЛ ВА ОССУРИЯ ДИНЛАРИ

Қадимги дунёнинг бошқа машҳур шаҳарларидан фарқли равишда Бобил йирик сиёсий марказ ва айни пайтда дунёнинг диний маркази ҳам эди. Агар Бобил узоқ тарих давомида ўзининг сиёсий марказ ролини тез-тез ва баъзан узоқ муддатга йўқотиб турган бўлса, диний марказлик ролини доимий ўзида сақлаб келган¹. Бу шаҳар дунё коҳинларининг пойтахти эди. Унга Миср, Сурия, Элам, Оссурия, Эрон, Турон, Тир, Сидон, Арабистон, Мидия, Эфиопия, Лидия, Кичик Осиё ва бошқа жойлардан коҳинлар йиғилиб, коҳинлик санъатини ўрганар, бош коҳинга ўз мамлакатлари ҳақида маълумот етказар ва ундан буйруқлар олар эди.

Бобилнинг марказида баҳайбат Эсагила ибодатхоналар мажмуи – бош коҳиннинг турар жойи, ўша давр Қадимги дунё сиёсатининг маҳфий маркази жойлашган. Эсагила мажмуининг марказида машҳур Бобил минораси ўрнида қурилган Этеменанка ибодатхонасининг минораси гўё Бобилнинг буюклиги ва абадийлигини кўз-кўз қилиб, савлат тўкиб турарди. Бобилда Эсагиладан ташқари ўша даврдаги бутун дунёнинг худоларига бағишланган ибодатхоналар ҳам кўп эди. Аммо бобиллик семитларга руҳан энг яқин халқ шумерлар бўлиб, уларнинг худоларига алоҳида эҳтиром кўрсатилар, икки халқ ўртасидаги ўзаро алоқадорлик бирон бир соҳада диний эътиқод ва маросимлардагидек яққол акс этмаган эди. Бобил ва Оссурия пантеонларида яна шумерларнинг самовий худолари: осмон, ҳаво ва ер худолари савлат тўкиб турарди. Уларнинг номлари ҳам ўзгармаган: Анну, Энлил ва Эа (Энки). Қуёш, Ой ва тонг юлдузи Зухра ҳам мавжуд, аммо уларнинг номлари энди ўзгача:

¹ Лео Оппенхейм «мен ишонаманки, Месопотамия динини тизимли баён қилиш – бажариб бўлмайдиган вазифа ва бундай мақсадни умуман қўймаслик керак», – деб ҳисоблайди. Қ а р а н г: Оппенхейм Л.А. Древняя Месопотамия. Портрет погибшей цивилизации. Пер. с англ. М.Н. Ботвинника. – М.: Наука, 1990. – С. 225.

Син, Шамаш, Иштар ва Таммуз¹. Уларнинг функцияларида эса деярли ўзгариш бўлмаган.

Маҳаллий худоларнинг ҳолати биров бошқача, улар ўз табиати-га кўра бошқа халқлар томонидан енгилгина қабул қилиниши мумкин эмасди. Шу сабабли Бобилда ҳам, Оссурияда ҳам ўз маҳаллий худолари бўлиб, улар шу доирадагина эъзозланади. Бобилнинг Хаммурапи сулоласи даврида маҳаллий худо Мардук барча худолардан юқорироқ улуғланган ҳамда Оламни яратган ва тартибга келтирган худо сифатида самовий худоларнинг энг улуғи даражасига кўтарилган. Оссурияда маҳаллий худо мамлакат халқи ва давлат пойтахти сингари Ашшур деб аталади. Бу худо оссурияликлар каби жанговар ва шу халққа хос бошқа хусусиятларга ҳам эга бўлган.

Бундан ташқари, бобилликлар ва оссурияликлар диний эътиқодларидаги ўзига хосликни диний ҳаётнинг ўзгарувчанлигида, ривожланишида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда шу пайтгача маълум бўлмаган худолар пайдо бўлади – масалан, олий худолар ҳузурида мулозим ва котиб ролини бажарувчи ёзув ва донишмандлик худоси Набу. Бу худо илгариги даврларда учрамайди, чунки унинг функциялари тараққиётнинг маълум даражаси билан, яъни ёзувнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Баъзи худолар маълум этник гуруҳигагина тегишли, масалан, Адад – аморрийлар худоси. Бундан ташқари, давлат марказлашгани сари пантеоннинг тузилиши ҳам у билан бирга такомиллашиб ва мураккаблашиб боради, уларнинг мақоми энди аниқ шароитдан келиб чиқиб белгиланади: Мардукнинг юксалиши, бошқа худоларга хос бўлган хусусиятларнинг унга берилиши бобилликлар сулоласининг сиёсий ҳукмронликка эришиши билан боғлиқ эди.

Айни пайтда, худолар билан бирга, иблисларга ҳам чин дилдан эътиқод қилинган. Бу ўта зарарли жинлар – одатда, таомилга хос қилиб

¹ Бобилнинг афсонавий асосчиси Нимроднинг Семирамуз исми хотини бўлиб, у жуда ўйноқи ҳаёт кечирган. Нимрод ўлгандан сўнг ўзининг никоҳсиз туғилган ўғли Таммузнинг (Думуз) отасини худо деб эълон қилган Семирамуз, бевақт вафот этган ўғлини худо даражасига кўтаради ва 25 декабрни Таммуз куни деб нишонлашни буюради. (Кейинчалик 25 декабрь Эронда Митранинг туғилган куни сифатида нишонланган.) Христианлик қабул қилинганда Исо Масиҳнинг туғулган куни номаълум бўлганлиги сабабли император Константиннинг буйруғига кўра 25 декабрь Рождество байрами деб эълон қилинади ва шу одат бугунгача давом этиб келмоқда. Қ а р а н г: Опарин А.А. Всемирная история и пророчества Библии. – Харьков: Факт. 1997. – С. 20.

25 декабрь Исо Масиҳнинг туғилган куни эмаслигини бошқа олимлар ҳам таъкидлайди. Қ а р а н г: Джеймс П., Торп Н. Тайны древних цивилизаций. – М., Изд-во ЭКСМО, 2007. – С. 148.

қўмилмаган кишиларнинг арвоҳлари. Улар танасининг бир қисми инсонга хос бўлса, бошқа қисми ҳайвонларга хос бўлади. Улар қоронғи ва кимсасиз жойларда пайдо бўладилар. Бундан ҳам ёмони, улар кўринмасга айланиши ва турли шаклларга кириш қудратига ҳам эга. Шу сабабли улардан қочиб қутулиб бўлмайди. Бу ҳақда матнлардан биридан шундай дейилади:

*Эшик ёки зулфин уларни тўхтата олмайди;
Баланд ва қалин деворлардан тўлқиндай ўтади;
Улар уйдан уйга сакрайди...
Эшиклар тагидан илондай судралиб киради¹.*

Месопотамия диний дунёқарашининг характерли жиҳати шундаки, инсоннинг бошига тушадиган барча бахтсизлик ва қулфатлар иблисларнинг фаолияти туфайли юз беради, деб тушунилади. Айни пайтда, иблисларнинг инсон ҳаётига аралашуви, масалан, унга жисмоний азоб келтириш (айтайлик, бош ёки қорин оғриғи), шу инсоннинг гуноҳлари учун жазо сифатида қаралади. Албатта, бундай ғоя анча кейинги даврларда ҳам учрайди, аммо Қадимги Месопотамия динига хос жиҳат шундаки, эзгу амаллар ҳам инсонларни иблислардан сақлай олмайди: иблиснинг инсон жисмини эгаллаш эҳтимоли ҳар доим мавжуд бўлади.

Шу сабабли иблисларни ҳайдаш керак. Бу иш қоҳинларнинг кўп сонли қатламига топширилиб, улар турли хил усуллардан, афсун ва дуолардан фойдаланадилар. Юқори малакали қоҳинларнинг ўзига хос гильдияси мавжуд эди². Афсунгарлик бу қоҳинлар томонидан пухта ишлаб чиқилган маросимлар билан тўлдирилади. Масалан, энг аҳамиятли бобил-оссурия маросимларидан бири – касал кишини даволаш учун у бирон-бир ҳайвон билан алмаштирилади. Иблисни алдаш учун касалнинг устига бирон-бир ҳайвон, масалан, мушук ётқизилади; иблис ҳайвонга ўтади, касал киши эса ундан фориғ бўлади.

Қоҳинларнинг алоҳида гуруҳи фолбинлик ва башорат билан шуғулланган. Фолбинликнинг кенг тарқалган усули ҳайвонларнинг жигарини диққат билан ўрганишга асосланган. Археолог олимлар томонидан жигарнинг лойдан ясалган кўплаб нусхалари топилган, уларнинг қисмларига белгилар қўйилиб, ҳар бирининг аҳамияти ёзиб қўйилган. У даврда

¹ *Москати Сабатино*. Цивилизации Древнего Востока. – М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. – С. 74.

² Қ а р а н г: *Оппенгейм А.Л.* Древняя Месопотамия. Портрет погибшей цивилизации. Пер. с англ. М.Н. Ботвинника. – М.: Наука, 1990. – С. 97.

ҳар бир нарсада ўзига хос аломатни кўрганлар. Масалан, ит билан боғлиқ аломатлар:

Агар ит инсоннинг йўлида турса: тез орада у киши тўсиққа учрайди.

Агар ит инсоннинг ёнида турса: худолар у кишига ҳомийлик қилдилар.

Агар ит инсоннинг тўшагига ётса: у киши худоларнинг ғазабига учрайди.

Агар ит инсоннинг стулига ётса: у кишининг кетидан хотинини ҳам кулфат кутади.

Агар ибодатхонага оқ ит кирса: бу ибодатхонанинг пойдевори мустаҳкам бўлади.

Агар ибодатхонага қора ит кирса: бу ибодатхонанинг пойдевори мустаҳкам бўлмайди.

Агар ибодатхонага жигарранг ит кирса: бу ибодатхона гуллаб-яшнайдди.

Агар ибодатхонага сариқ ит кирса: бу ибодатхона гуллаб-яшнайдди.

Агар ибодатхонага ола ит кирса: бу ибодатхонани худоларнинг марҳамати кутмоқда¹.

Турли ҳайвонлар, инсон танасидаги ўзгаришлар, хуллас, ҳамма нарса маълум ҳолат ёки ҳодисадан далолат беради, ўз аломатига эга.

Башорат илми бутун дунёни Бобилдан миннатдор қилган фаннинг, хусусан, астрономиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Чақалоқ туғилиши пайтида юлдузларнинг жойлашуви, уларнинг ҳаракати ва бир-бирига тўғри тушиши, ҳатто чарақлаган нурлардаги нозик фарқ ҳам боланинг келажагига ишора деб қаралган ва шу сабабли зўр бериб ўрганилган. Ибодатхоналарнинг минораларида расадхоналар ташкил қилиниб, мунажжимлар томонидан юлдузлар ҳаракати астойдил қайд қилиб борилган: улар ҳатто юлдузларнинг тутилишини ҳам олдиндан айтиб бера олганлар. Астрономия билан боғлиқ ҳолда математика ҳам ривожланган, чунки ўлчамнинг аниқлиги ва тўғри ҳисоб-китоб астрономия учун ҳам муҳим эди.

Аммо бу ютуқларга қарамасдан, бобилликлар диний ҳаёти, асосан ўта қайғули тасаввурларга бой ва умидсиз бўлган: инсоннинг ёвуз кучлар тажовузидан қутилиб қолишига ҳеч қандай кафолат йўқ; қачонлардир ёвуз кучлар тўлиқ маҳв этилиб, яхшилик тантана қилишига ҳам

¹ *Москати Сабатино*. Цивилизации Древнего Востока. – М.: ЗАО Центрполиграф, 2010. – С. 76–77.

ишонч йўқ; нариги дунёда яхши амаллар мукофотланишига ҳам умид қилиб бўлмайди. Будаё диний қараш ижтимоий психология даражасида цивилизация учун жуда қудратли хавфга ва даҳшатли фожиага айланади. Бу фожиа, айниқса, адабиётда яққол акс этган; бу адабиёт ўзи ҳам жавоб бера олмайдиган бир хил саволларни доим ўртага ташлайди: бугунги ҳаётнинг моҳияти нимада? Эртанги кундан нима кутса бўлади?

Бу саволларга ижобий жавобнинг йўқлиги жамиятда эртанги кунга бўлган ишончни сундиради ва охир-оқибатда бутун бошли цивилизациянинг инқирозига сабаб бўлган қудратли омиллардан бирига айланади.

Бу – тарихнинг ўта қайғули сабоқларидан бири.

ҚАДИМГИ МИСР ДИНИ

Мисрликлар – фавқулодда диндор кишилар, инсониятнинг қолган қисмига қараганда анча диндор, – деб ёзган эди Геродот. Европа тарихи отасининг Фиръавнлар цивилизацияси тушкунликка юз тутган даврдаги мисрликлар дини ҳақида дастлабки таассуроти шундай бўлган; Геродот кўп марта ҳақ эди, зеро, тадқиқотчиларнинг фикрича, Мисрда чексиз ва жуда бой диний тасаввурлар, шиддатли ва қизғин диний ҳаёт барқ урган.

Қадимги Мисрдаги кўплаб теологик марказларнинг орасида йириклари Гелиопол, Мемфис, Гермopol ва Фива бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз космологик тизимларини тақдим қилади; ўз худосини оламнинг яратувчиси, мамлакатда кенг тарқалган бошқа худоларни эса унинг зурриётлари деб эълон қилади. Фақат ибтидоий хаос тўғрисидаги ғоя бу концепцияларнинг барчаси учун умумий ҳисобланади.

Ана шу мураккаб диний оламини эътибор билан ўрганишга киришган, унга ҳозирги замон кўзи билан қараган ва унинг асосий жиҳатларини фарқламоқчи бўлган олимлар бу диний олам ўзининг чексиз хилма-хиллиги, кўплаб шаклларга хос бўлган тушунарсизлиги ва турли зиддиятлари билан кишини чалғитишини таъкидлайдилар. Улар бу диний оламини тўхтовсиз ҳаракатланувчи ва айланувчи, янги-янги жимжимадор нақшлар ҳосил қилувчи сон-саноксиз ранглар жилоси билангина таққослаш мумкин дейдилар. Бу нақшларни қоғозга тушириш ва таркибий қисмларга ажратиш ундан-да мураккаб бўлса керак. Америкалик мисршунос олимлар шундай деб ёзадилар: «*Мисрликнинг у яшаган олам ҳақидаги тасаввурларини қараб чиқамиз. Биз унинг оламга қарашини ягона тасвир тарзида тасаввур қиламиз ва бу қисман тўғри бўлади. Биринчидан, биз ҳали қаерлардадир тарихгача бўлган даврнинг излари сезилиб турган қарийб уч минг йиллик ёзма тарих ҳақида*

гапираяпмиз; бу давр давомида аста-секин ўзгаришлар юз берганлиги табиий ҳол. Иккинчидан, қадимги мисрлик биз тасвирлашда асос қилиб фойдаланишимиз мумкин бўлган ўз тасаввурларининг ягона таърифни ёзиб қолдирмаган. Турли манбалардан олинган ғояларнинг парчаларини бир бутун ҳолда йиғиб, биз комплекс тасвирни кўришга бўлган ўз интилишларимизни қаноатлантираемиз. Яъни, биз, ҳозирги замон кишилари, ўз олдимизда фотографияни – ўзгармас тасвирни кўришни истаймиз, айна пайтда қадимги мисрликларнинг тасаввурлари кўпроқ кинони эслатади, улар ҳаракатчан ва ўзгарувчан бўлган. Масалан, биз мисрликлар осмони устунларга таянганми ёки уни қандайдир худо елкасида ушлаб турганлигини аниқ билишни истаймиз. Мисрлик бўлса бу саволга шундай жавоб берган бўларди: «Ҳа, осмон устунларга таянган ёки уни худо ушлаб турибди, – балки у деворга ёки унга ўхшаш сигирга таянган, ёки осмон – бу қўл ва оёқлари ерга таяниб турган маъбуда». Уни ушбу тасаввурларнинг ҳар қайсиси қаноатлантирган бўларди, шекилли»¹.

Шу тариқа битта худо ёки ҳодиса тўғрисида турли-туман ва ажойиб тасаввурларни учратиш мумкин. Қадимги мисрликка ушбу барча вариантларнинг бир пайтда мавжудлиги ажабланарли туюлмаган ва у бунда ҳеч қандай зиддиятни ҳам кўрмаган. Ҳали тарих тонгида Мисрнинг ҳар бир минтақаси ва шаҳрида ўз худоси бўлган. Худоларнинг буюк пантеони ҳар бир шаҳарда ўзига хос улуғланган. Эннеада – дастлаб тўққизта худодан иборат. Атум бутун борлиқнинг ибтидоси ва абадий бирлигини акс эттирган. Гелиопол космологиясига кўра, Атум ибтидоий хаос – Нундан ўзини ўзи яратган. Кейин ўзини ўзи уруғлантириб, иккита эгизак худоларни – ҳаво Шу ва намлик Тефнутни яратади. Атум фарзандларининг пайдо бўлиши иккиланишни келтириб чиқаради. Тефнут ва Шу, ўз навбатида, худоларни – Геб – Ер худоси ва Нуб – Осмон маъбудасини яратадилар ва Шу уларни иккига ажратади. Бу Миср динининг ўзига хос томони бўлиб, бошқа диний тизимларда Осмон худо, Ер эса маъбуда кўринишида мавжуд бўлади. Шу ўз фарзандларини ажратишдан аввал уларда ҳам фарзандлар туғилади – Исида ва Нефтида, Осирис ва Сет. Ана шу тўққизта худолар эннеадани – илоҳий тўққизликни ташкил қиладди ва ҳар бир худо ўнг қўлида ҳаёт рамзи – аих, чап қўлида эса ҳокимият рамзи – уасни ушлаб туради.

¹ Франкфорт Т., Франкфорт Г.А., Уилсон Дж., Якобсен Т. В преддверии философии. Духовные искания древнего человека. – М.: Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1984. – С. 39.

Мемфисда Атумни Птах билан тенглаштиради. Аннада Атумга бағишлаб ибодатхона қурилган. Ривоятларга қараганда, бу Ибтидоий Тепалик¹ бўлиб, биринчи марта қуёш айнан шу тепалик ортидан чиққан экан. Кейинчалик, анналик бешинчи сулола тахтга келиши билан Атум ва Ра қўшилиб кетади. Фиваликлар тахтга келиши билан эса уларнинг асосий худоси Амон қаторига Ра ҳам қўшилади, натижада ягона худо – Амон-Ра пайдо бўлади.

Буларнинг барчаси ортида мисрликлар менталитетига хос бўлган диний бағрикенглик руҳи турибдики, бу Қадимги Шарқнинг бошқа халқлари, айниқса, оссурияликларга хос бўлган ашаддий кескинликка мутлақо қарама-қарши руҳдир. Мисрликлар характеридаги ана шу жиҳат туфайли улар дунёси ўз шаклларида кўра ранг-баранг ва уйғун – ўз интилишларига кўра эса кўпроқ инсоний ва маданий, мутлақо тажовузкор эмас.

Бундан ташқари, мисрликлар диний тизимида бўлмаган бирлик уларнинг эътиқоидида учрайди. Бу ерда, диний ҳаётнинг энг қадимий шаклларида ҳам ажойиб уйғунлик ва узвийликни кўриш мумкин. Ибодатхоналар қурилишидан диний маросимларгача, ибодат шаклларида қоҳинлик тоифасигача – шубҳасиз, умумий меросини авайлаб асраган ва сақлаган жамиятни на узоқ масофа, на минг йиллик вақт жиддий ўзгартира олмади.

Месопотамия диний эътиқодининг характерли томони – мустаҳкам турғунлик; Мисрники эса, аксинча, очиқ жўшқинлик. Бу, агар бошқа унсурларни ҳисобга олмаганда ҳам, ўз-ўзича жуда катта фарқ. Месопотамияда фақат бир неча худоларнинг хронологик санасини белгилаш мумкин, у ҳам бўлса тахминан; Мисрда эса ҳаммаси – тарих, ҳатто динга ҳам тарихий ёндашиш мумкин.

Мисрда қадимги саёҳатчиларни ҳайрон қолдирган ҳодиса – ҳайвонларга сиғиниш. Саёҳатчилар мисрликларнинг буқага, қўйга, итга, мушукка ва қушларга илоҳий ҳурмат кўрсатишлари ҳақида масхараомуз тарзда маълумот беради. Мисрда ҳайвонларга сиғиниш жуда қадим замонларда пайдо бўлган. У пайтларда Нил бўйида кун кўрадиган аҳолининг ҳар бир гуруҳида ўз тотеми – буюм, ўсимлик ёки аксарият ҳолларда – ҳомий-ҳайвон бўлиши лозим эди. Қадимда, ҳали Миср сиёсий жиҳатдан тарқоқ бўлган пайтда ҳар бир гуруҳнинг ўз байроғи бўлган, асосан ҳайвонлар шаклидаги бу байроқларнинг аксариятидан намуналар бизнинг давримизгача етиб келган.

¹ Худо Атум Ибтидоий Океанда Бен-Бен тепалиги – Ибтидоий Тепаликни яратади. Бошқа ривоятда айтилишича, Ра худосининг нурлари Хаосга етганда Тепаликка жон ато қилиниб, у Атумга айланади.

Ҳайвонларга сиғиниш кўпгина қадимги халқларнинг ғаройиб одатларидан биридир. Бу ҳол тадқиқотчиларни ҳозир ҳам ўйлантириб қўяди – ахир ҳайвонлар шоҳи шер қанчалар қудратли бўлмасин, инсон уни яккама-якка жангда мавф эта олмаса-да, ўзининг бошқа сифатлари билан ҳар доим енгиш имкониятига эга. Буқанинг қудрати эса Тореадорнинг чидамлилиги, совуққонлиги ва абжирлиги олдида иложсиз бўлиб қолади. Хўш, унда нима учун Қадимги Мисрнинг қудратли ҳукмдорлари сфинкс ҳайкали ёнида ўзларини шер ёки буқа тарзида тасвирлашни бахт деб билганлар? Ёки нега улар ўз мақомларига «қудратли буқа» номини қўшиб айтишга ҳаракат қилганлар?

Бу саволларга барчани қаноатлантирадиган жавоб ҳамон топилгани йўқ. Аммо кўпчилик олимларнинг фикрига кўра қадимги халқлар ҳайвонларга уларнинг кучи учунгина сиғинишмаган, ахир улар орасида кўзичоқ ёки балиқ сингари жуда кучсиз ва беозорлари ҳам бўлган-ку. Улар бу ҳайвонларда оламнинг жуда муҳим ҳодисалари рамзини кўрганлар. Инсоннинг ҳаёти тўлиқ Қуёшга боғлиқ бўлганлиги сабабли, олимларнинг фикрича, ҳайвонларга бўлган бундай муносабат сирини ерда эмас, кўкда излаш лозим¹. Қуёшга топиниш кенг тарқалган бўлиб, коҳинлар унинг коинотдаги ҳаракатини доим кузатиб турганлар ва навбатдаги қуёш цикли кирганлиги ҳақида одамларга хабар берганлар. Зеро, одамларнинг ҳаёти экин экиш, ҳосилни йиғиш каби зарурий ҳаракатлар шунга боғлиқ бўлган.

Ёзув пайдо бўлиши билан тимсоллар ўзгаради, энди ҳайвонлар ўрнини одамларнинг қоматлари эгаллайди. Аммо қадимги тимсол қисман сақланиб қолади: одамнинг гавдаси энди ҳайвоннинг боши билан тасвирланади.

Қисман ёки тўлиқ ҳайвон шаклидаги маъбудалардан ташқари тўлиқ инсон қиёфасидаги маъбудаларнинг пайдо бўлиши образлар эволюциясининг яқунланганлигидан далолат беради. Шундай худолар қаторига уруғлантирувчи куч тимсоли бўлган Коптос худоси Мин, Ўрта подшолик даврида иерархиянинг энг юқорисига кўтарилган Фива худоси Амон кирди. Шу қаторга яна Дельта худолари – одамларга деҳқончиликни ўргатган Осирисни ва унинг вафодор хотини Исидани ҳам киритиш мумкин. Бу ерда Осириснинг биродари Сет ҳам берилган бўлиб, у Осириснинг қудратига ҳасад қилади ва уни хоинона ўлдиради. Иложсиз аҳволга тушиб қолган Исидани эрини тирилтиришларини сўраб худоларга мурожаат қилади; аммо Осирис ўзининг янги ҳаётини ўликлар салтанатида,

¹ Қаранг: *Васильев Л.С.* История религий Древнего Востока. <http://www.alleng.ru/d/relig/relig007.htm>. – С. 56.

уларнинг қонуний шоҳи сифатида ўтказмоғи лозим. Бу мифда қадимий ўсимликлар циклининг ўлиш ва қайта тирилиш шаклидаги янги ифодасини кўриш мумкин. Бундан ташқари, Осириснинг ўғли Гор Сетга қарши жанг қилади ва узоқ давом этган саргузаштлардан сўнг уни ўлдиради. Гор қуёш атрибутларига эга, шу сабабли унинг ғалабаси қора кучлар устидан ёруғликнинг тантанасини акс эттиради. Ва ниҳоят, бу ибратли ҳикояда мисрликлар ўзлари учун азиз бўлган идеаллар: адолат ва садоқат, яхшилиқ, боқий дунёга ишончнинг ғалабасини ҳам кўрадилар.

Миср худолари ҳақида бу қисқа ҳикоя самовий худоларсиз тўлиқ бўлмайди, албатта. Мисрликлар ўзлари яшаётган ерни япалоқ идиш тарзида тассавур қилганлар ва унинг гирди ерни ўраб турган ҳосилсиз тоғларни акс эттирган. Бу ер – идиш сувда сузиб юрган. Бу сув – Ҳаётнинг ва Оламнинг ибтидоий муҳити, унсур, энг аввал ундан ердаги Ибтидоий Тепалик пайдо бўлган; қуёш ҳар куни шу тепаликдан чиқиб, унга ботади. Нил ернинг тагидаги кўплаб бўшлиқлар орқали оқади ва тупроқни намлайди. Ер-идишдан тепада ҳаво бўлиб, осмон гумбази унга таянади.

Қадимги Шарқ кишисининг тасаввурига кўра Оламнинг турли қисмлари худолар образида гавдаланмоғи лозим эди. Мисрликларда ҳам месопотамияликлардагидек аҳамиятли ва қадимий бўлмаса-да, ҳар қалай ўзларининг самовий маъбудлари бўлган. Ерни улар ёнбошлаб ётган Геб исмли маъбуд тарзида тасаввур қилганлар. Осмонни – ернинг устига эгилиб, оёқ ва қўллари билан унга таяниб турган маъбуда Нут шаклида ёки тўрт оёғи билан ерда турган сигир кўринишида тасаввур қилишган. Ҳаво – бу маъбуд Шу, у ерда туриб, қўллари билан осмонни тутиб турибди, гўё уни тушиб кетишдан сақлагандек¹.

Юлдузлар ҳам ўз культларига эга эди. Юлдузлар орасида энг буюғи – қуёш, Ра. Бу худо ҳар куни эрталаб уммон узра кўтарилади ва ўзининг ажойиб қайиғида осмон бўйлаб сузади. Ҳар кеч у яна океанга тушади ва бошқа қайиқда уни кесиш ўтади. Аммо бу давр турли хавфхатарга тўла: ботиш томонда қайиқни ағдариб, худони ютиб юборишга тайёр баҳайбат илон кутиб туради; фақат қонли жангдан сўнг Ра ундан устун келади.

Ра ўзи бўлмаган пайтда (кечаси) ўрнига ойни қолдиради. Ой – бу ибис² бошли Тот маъбудаси. Аввалги диний тизимлардан фарқли равишда ой иерархияда қуёшдан пастда, тобе ҳолатда бўлади.

¹ *Уайт Артур Эдвард.* Боги и люди Древнего Египта. – М.: Центрполиграф, 2007. – С. 54–55.

² *Ибис* – иссиқ мамлакатларда яшайдиган, лайлакка ўхшаш узун оёқли қуш. Миср мифологиясида Тотнинг муқаддас қуши.

Аҳолининг маълумотли қисми, қоҳинлар пантеон ташкил қилиб, мавжуд турли-туман эътиқодларда қандайдир тартиб ўрнатишга уринадилар. Қоҳинлар, бундан ташқари, Оламнинг келиб чиқиши ва қонунлари ҳақидаги ҳикояларни ҳам тартибга соладилар. Шу тарзда буюк теологик тизимлар вужудга келади. Гелиополда худоларни аҳамияти ва қариндошлик даражасига қараб эннеадага жойлаштиради. Бу тўққизлик океан сувлари худосидан бошланиб, кейин қуёш худоси ва бошқалар рафиқалари билан жуфт ҳолда давом эттирилади. Гелиопол қоҳинлари бошқа бир пантеонни – огдоада – худолар саккизлигини шакллантирадилар ва уларнинг ҳам энг юқорисида қуёш туради. Мемфисда эса, афсоналарга кўра, маҳаллий худо Птах бошқа барча худоларни «фикр ва сўз» билан яратади, улар гўё Птах танасининг айрим қисмлари: тили, юраги, хаёли ҳисобланади. «Фикр ва сўз» билан яратиш кейинчалик Логос ҳақидаги таълимотга асос бўлиб, антик фалсафанинг ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатади¹.

Бу телогик тизимларнинг яна бир қизиқ ва Қадимги Шарқдаги бошқа шундай тизимлардан фарқли томони абстракция даражасининг юқорилигидир. Бу ҳол абстракт тушунчалар билан боғлиқ бўлган бир қатор маъбудларнинг пайдо бўлишида ҳам кўзга ташланади. Улардан биринчиси – маъбуда Маат (ҳақиқат). Шу тариқа Миср мифлардан тўлиқ озод бўлмаса-да, бунинг учун зарур бўлган бир қатор шароитлар яратилади.

Агар қоҳинларнинг юқори қатлами илмий фикрлар билан банд бўлса, қуйи қатламда ўзларининг маҳаллий маъбудлари ва ҳимоячи руҳлари билан халқ диний ҳаёти мавж уради. Бу ерда боши ва танаси ҳомиладор гипопотамники, қўллари одамники, оёқлари шерники бўлган маъбуда Тауртни кўриш мумкин; бу маъбуда ҳомиладор аёлларга ҳомийлик қилади, баджаҳл арвоҳларни улар ёнидан ҳайдайди. Узун соқолли, қоплон думли, пакана оёқли, маймоқ Бес ҳам шу қаторда туради; у ҳам болалар туғилишини кузатади, шунингдек, мусиқа, рақс ва кийинишга ҳомийлик қилади.

Мисрликларда сеҳр-жоду ва афсунгарлик жуда ривожланган; унинг ҳам асосий мақсади – ёвуз кучларни ҳайдаш. Она ухлаётган фарзандининг уйқусини бузиши мумкин бўлган ёвуз кучларни ҳайдашда, ўлганлар мақбарасини таҳқирлаганларни лаънатлашда ва шу каби ҳолларда қўлланилган афсунлар матни бизнинг кунларгача етиб келган.

Бироқ барча жоду ва афсунларда мисрликлар менталитети, демак, бошқа халқлардан фарқ қиладиган тафаккур тарзи ўз изини қолдирган. Шу сабабли бу ерда Месопотамия учун характерли бўлган йиғи-сиғи ва

¹ Қаранг: *Матье М.Э.* Искусство Древнего Египта. Очерки истории и теории изобразительных искусств. – М., 1970. – С. 71–72.

нолаларни эшитмаймиз. Аксинча, Миср афсунлари кўпинча хушчақчақ ва эрмақдай туюлади. Мисол учун, бой дангасалар жаннатга тушганларида Осирис уларни кўкдаги далаларда ишлашга мажбур қилади деб ўйлаб, ерда ўзини оқлаган тизимдан – ўрнига бошқаларни мажбуран ишлатишдан фойдаланишга қарор қиладилар. Шу мақсадда улар аввалдан тайёрланган мумиё шаклидаги ҳайкалчаларни қишлоқ хўжалик анжомлари билан аралаштириб ўз мақбараларига қўйишган ва тахминан, қуйидагича ёзув ҳам қолдиришган: «Мени у дунёда меҳнатга чорлаб, далаларда ишлашга, қирғоқларни суғоришга жалб қилишганда, бу ишларни сен бажарасан!»

Мисрликлар эътиқоди қанчалар ранг-баранг бўлишига қарамасдан, уларнинг диний амалиётлари бирлик ва бутунликка эга бўлган. Бу диний амалиёт ибодатхонада жамланган бўлиб, ички хонага худонинг ҳайкали қўйилган. Ибодатхона – кўп сонли, юқори даражада ташкил қилинган, тури ва мутахассисликлари бўйича шумерларникидан қолишмайдиган қоҳинларнинг яшаш жойи. Уларнинг айрим қисми дуолар ўқиш ва покланиш билан қурбонлик қилиш, башоратчилик ва мусиқа билан шуғулланганлар. Қоҳинлар орасида аёллар ҳам бўлиб, улар қўшиқчи, мусиқачи ва худоларнинг «маъшуқаси» вазифаларини бажарганлар. Қоҳинлар ўзига хос мансаб поғоналарига бўлинган бўлиб, Янги подшолик даврида уларнинг раҳбари – Амоннинг биринчи пайғамбари, Мисрнинг олий қоҳини пайдо бўлади. Ибодатхона фақат диний эмас, маданий ҳаётнинг ҳам маркази бўлган: айнан шу ерда хаттотлар йиғилиб, матнларни тузиш, нусха кўчириш ва уларни изоҳлаш билан шуғулланганлар. Фиръавн ҳам кўпинча бу донишмандларга мурожаат қилиб, улардан ёрдам сўраган. Шу тариқа қоҳинлар ва олимлар ибодатхоналарни диний ва интеллектуал фаолият марказига айлантиришган ва уни жуда ифодали қилиб, «ҳаёт уйи» деган ном билан аташган.

Агар Миср цивилизациясини тўлиқ акс эттирувчи бирон-бир ёдгорликни танлаш лозим бўлганда, кўпчилик мутахассислар сўзсиз эҳромларни танлаган бўларди. Буюк эҳромлар – бу мақбара, буюк эҳромлар – бу Мисрнинг рамзи. Вафот этган шоҳ култи эҳромларда ўзининг олий ифодасини топади: уларнинг қурилиши бир кишининг абадий яшашини таъминлаш учун бутун мамлакатнинг силласини қуритади¹. Олимлар Қадимги Миср маданиятини бутун маҳобати билан тасаввур қилиш имконини берувчи кўплаб археологик ёдгорликлар ва ҳужжатларни ана шу мақбаралардан топганлар. Айтиш лозимки, мисрликлар келгуси ҳаётнинг тинч ва самарали бўлиши учун мақбараларга алоҳида эътибор

¹ Қаранг: *Альберт Олмстед.* История Персидской империи. Пер. с англ. А.А. Карповой. – М., Центрполиграф, 2015. – С. 14.

қаратган. Қадимги Шарқнинг бошқа халқларидан фарқли равишда мисрликлар ўй-хаёлларида нариги дунё муаммоси асосий ўринни эгаллаган. Бундан ташқари, бу жуда муҳим! Тарихда биринчи марта бу муаммо ўзининг тўлиқ ечимини топади. Мисрликлар ердаги яхши амаллар нариги дунёда, албатта, ўз мукофотини олишига ишонади ва бу мукофот қанча муддат амал қилишини ҳам аниқ билади.

Мисрликлар тасаввурига мувофиқ, одам ўлгандан сўнг нариги дунё худоси Осириснинг ҳукмига ҳавола қилинади. Марҳум унинг ҳузурида гуноҳлари учун тавба қилади, бу тавба шакли машҳур «Марҳумлар китоби» орқали бизнинг давримизгача етиб келган:

Мен ҳеч кимга адолатсизлик қилмадим.

Мен одамларни ўлдирмадим.

Мен адолат ўрнига золимлик қилмадим.

Мен ҳаром лўқма емадим.

Мен камбағалга зулм қилмадим.

Мен худоларга ёқмайдиган ҳеч иш қилмадим.

Мен хизматкорни хўжаси олдида ҳақорат қилмадим.

Мен ҳеч кимни қийноққа солмадим.

Ҳеч кимни йиғлашга мажбур қилмадим.

Мен ўлдирмадим.

Мен ўлдиришга мажбур қилмадим.

Мен ҳеч кимга азоб бермадим.

Мен ибодатхоналарда қурбонликка аталган овқатни камайтирмадим.

Мен худоларнинг нонини олиб кетмадим.

Мен ғалланинг ўлчамини камайтирмадим.

Мен тарози тошларини оғир қилмадим.

Мен чақалоқнинг оғзидан сутини олмадим.

Мен бировнинг даласидан молларини ҳайдаб кетмадим.

Мен худоларнинг қушларини тутиб олмадим.

Бировларнинг ҳовузидан балиқ овламадим.

Мен бошқанинг навбатида сувни олмадим.

Мен оқар сувнинг йўлига тўғон қурмадим.

Мен бировнинг навбатида оловни ўчирмадим.

Мен худонинг мулкидан молини ҳайдаб кетмадим.

Мен худони сўзидан қайтармадим.

Мен софман, мен софман, мен соф!¹

¹ Москати Саботино. Цивилизации Древнего Востока. – М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. – С. 126–127.

Ушбу ўзига хос декларация ўқилгандан сўнг, марҳумнинг юраги Осирис ҳузурида тарозига солинади. Агар марҳумнинг айбсизлиги аниқланса, у ҳузур-ҳаловат салтанатига ўтказилади; агар унинг гуноҳи аниқланса, у қирқ икки ҳакам ихтиёрига жўнатилади. Ҳакамларнинг номлари гуноҳкор кишини нима қутаётганлигини яхши англатиб туради: Ичак-чавоқларни еювчи, Сояларни еювчи, Суякларни синдирувчи ва ҳ.к.

Марҳумларга сиғиниш нариги дунё тўғрисидаги қарашлардан бошланади ва у билан изоҳланади. Мисрликлар инсоннинг танаси ва маънавий олами ўртасидаги фарқ тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишган. Уларнинг фикрича, инсоннинг маънавий қисмини унинг руҳи, қалби, исми, сояси ва энг асосийси, таржима қилиб бўлмайдиган, илоҳий, абадий ҳаёт ибтидоси – *ка* ташкил қилади. Маънавий қисм ўлим пайтида инсон танасини тарк этса-да, вақти-вақти билан унга қайтишни истайди ва қайтади. Бунга имконият яратиш учун танани айниб, бузилиб кетишдан сақлаш лозим. Миср анъаналарининг энг ўзига хос жиҳатларидан бири бўлган марҳумларни мумиёлаш шундан келиб чиққан. Мумиёлаш жуда кўпол жараён бўлиб, биз унинг тафсилотларини баён қилмаймиз, бироқ шуни айтиш лозимки, мумиёлаш натижасида Миср цивилизациясининг характерли унсурларидан яна бири – мумиё¹ пайдо бўлади.

Мақбарага тош тобутдан (саркофаг) ташқари турли хил совғалар ҳам қўйилади. Шу тариқа марҳум у дунёда ҳаётини тинч давом эттиради ва ерга қайтиб, тирикларни безовта қилишни истамайди: зеро, Қадимги Шарқнинг барча цивилизациялари ичида энг сокини ва қувноғи бўлган бу цивилизацияда ҳам марҳумларнинг сирли кучлари олдида қандайдир даҳшатли қўрқинч бўлган. Тириклар уларга илтимослар қилишган, эслатишган ва адолат истаб мурожаат қилишган. Шу боис марҳумларга хат – миср адабиётининг типик жанри.

ҚАДИМГИ ЯХУДИЙЛАР ДИНИ

Агар тарихда кўплаб халқлар тақдири сиёсий ташкилот билан бевосита боғлиқ бўлиб, шу сиёсий ташкилот – давлат емирилгандан сўнг халқ ҳам этник бирлик сифатида барҳам топган бўлса, яхудийлар тарихи сиёсий ташкилотдан кўра кўпроқ дин билан боғлиқ бўлганлиги учун улар қадимги Иудея ва Исроил давлатлари ағдарилгандан кейин ҳам этник ва диний бирлик сифатида ўзлигини сақлаб қолдилар.

Қадимги яхудийларда диний тизим монархия пайдо бўлишидан анча олдин шаклланган. Уларнинг диний тасаввурлари ҳам бошқа Шарқ

¹ Қаранг: Бадж Э.А.У. Мумия. Материалы археологических исследований египетских гробниц. – М.: Издательство Алетея, 2001. – С. 124.

халқлариники сингари табиат кучларини илоҳийлаштиради, арвоҳлар ва жинларга, марҳумлар руҳига эътиқод қилишга асосланади. Яхудийларнинг Фаластинга келиб ўрнашиши ва кўчманчи чорвачилиқдан ўтроқ ҳолатга ўтиши бу – дин тарихидаги бурилиш нуқтаси сифатида қаралади. Яккахудоликнинг руҳий табиатини ва кучини биринчи бўлиб Иброҳим англаган бўлса-да, фақат Мусо даврига келиб, тахминан, мил. авв. XII асрда, ягона худо – Яхвага сиғина бошладилар ва иудаизм¹ анча аниқ шаклга эга бўлди. Қадимги дин шаклланиши яхудий халқининг ягона худога – Мусо орқали ўз Қонунини нозил қилган Яхвага ишончидан келиб чиқади, зеро, Яхванинг иродаси яхудий халқини Миср қуллигидан озод қилганлигига яхудийлар чин дилдан ишонишади. Аммо фақат мил. авв. VII асрда Иудеяда ҳукмронлик қилган подшо Иосий битта худога эътиқод қилиш ва бошқа барча худоларни тақиқлаш тўғрисида фармон чиқаргандан сўнг иудаизм тўлиқ қарор топди. Бошқа худоларга сиғинган яхудийлар ҳукумат томонидан қатъий жазоланди, кўпхудоликнинг барча рамзлари вайрон қилинди. Бу замонавий иудаизм асосларининг яратилишига олиб келди.

Шу тариқа яхудийлар диний понтеонида ягона худо – Яхва қолди. Яхвани Яратувчи деб ҳам аташади. У камдан-кам ҳолларда маълум қиёфада намоён бўлиб, бошқа пайтлари одамларга мутлақо кўринмайди. Бундан ташқари уни тасвирлаш ҳам маън қилинган. Кўчманчилар худоси бўлгани учун унинг доимий яшаш жойи йўқ, у ҳамма жойда яшаши мумкин. Унинг оиласи ҳам, жинси ҳам йўқ, у муқаддас ва адолатли, у яхудий халқи билан Аҳд тузиб, уни худо ёрлақанган халққа айлантирган.

Ана шу тушунчалар асосида яхудийларнинг илоҳий тасаввурлари аста-секин такомиллашиб боради ва қадриятлар тизимидаги ўзгаришлар, айниқса, уларнинг олам концепциясида яққол кўзга ташланади. Агар барча Қадимги Шарқ халқлари учун умумий бўлган олам концепциясида Ер, Осмон ва бошқалар алоҳида худолар тарзида табиатнинг ажралмас қисми сифатида мавжуд бўлиб, шу сабабли табиатнинг ўзи муқаддас ҳисобланган бўлса, яхудийлар мутлақо янги концепцияни таклиф қилади. Қадимги Аҳднинг 102-оятда Худо қуйидагича шарафланади: «*Дастлаб Сен (Худо Таоло), ерга асос солдинг, осмон ҳам Сенинг қўлларингдан яралди; улар нобуд бўладилар, Сен эса*

¹ Яхудийлар (ибирий тилда халқ ўзини *йехудим* (יהודים) деб атайдилар) дини иудаизм, яхудо шаклларида номланади. Аслида, мил. авв. 933 йили Сулаймон вафотидан кейин пайдо бўлган иккита давлатнинг бири – Иудеяга яхудийларнинг Иуда (ёки арабларда Яхудо) уруғи асос солган. Кейинчалик, Иккинчи Ибодатхона даврида (мил. авв. 516 – мил. авв. 70 йиллар) «иудей» атамаси халқнинг умумий номига айланади ва унинг диний, миллий ва этник дунёқарашини ифода этади.

яшайверасан; улар, риза¹ каби эскирадилар ва Сен кийим каби уларни алмаштирасан, (улар) ўзгарадилар; аммо Сен ўша-ўша ва Сенинг давринг тугамайди». Бу оятда илгари сурилган олам концепцияси олдинги концепцияларга мутлақо қарама-қарши: фақат битта Худо бор ва бу Худо ўзи яратган табиатдан ташқарида, ундан устун ҳолда мавжуд². Табиат Унга тобе ва табиатнинг умри тугаши мумкин, аммо Яратувчининг умри ҳеч қачон тугамайди, у абадий. Агар табиатнинг ўз мустақил функцияси мавжуд бўлса, у ҳам Худони шарафлашдангина иборат. Инсоннинг ҳолати ҳам худди шундай: уни ҳам Худо яратган ва тақдир билан таъминлаган.

Бу инсоният тафаккури тараққиётидаги жуда муҳим, инқилобий ўзгариш эди. Унинг моҳияти шундаки, агар яхудийларнинг ушбу ғояси пайдо бўлганга қадар худолар табиатнинг кучларини акс эттириб, унинг бир қисми ҳисобланган бўлса, яхудийлар ғояси худони табиатдан, унинг кучларидан устун мавжега олиб чиқди, уни бутун борлиқнинг ягона Яратувчисига айлантирди. Шундан кейин пайдо бўлган динларнинг деярли барчаси учун ушбу концепция умумий бўлиб қолди.

Шундай қилиб, бу фикрларда аввалги қадриятларнинг кескин ўзгарганлигини, оламнинг янги концепцияси пайдо бўлганлигини яққол англаш мумкин. Табиат кучлари энди ўзларининг илоҳий мақомидан маҳрум бўлдилар. Аммо яхудийлар Худоси эски имманент³ худоларга зид равишда фақат транцендент⁴ эмас; у илгариги кўплаб худолар ўрнига ягона, шу сабабли коинот ягона бошқарув остида бўлади. Бундан ташқари, у адолатли ва марҳаматли, инсонлар сингари эҳтиросларга берилмайди; энди Худога нима ёқиши ёки ёқмаслиги тўғрисида шубҳаланишлар йўқ, одамлар қўрқинчдан халос бўлиб, эркинлик ҳис этди, хотиржам ва ишончли тобелик пайдо бўлди. Бу ҳақда Забур китобининг 4-саносида шундай куйланади:

Кўплар сўрамоқдалар:

¹ *Риза* – яхудийлар ва христианларда руҳонийлар ибодат пайти киядиган диний либос.

² Кўпчиликнинг фикрича, яхудийлар Ягона Худога сиғинган биринчи халқ бўлса-да, бу диннинг яратувчиси ҳисобланган Мусога юқорида айтилган Аменхотеп IV нинг монотеизми катта таъсир кўрсатган. Бу ҳақда қаранг: *Гече Г.* Библиейские истории. М., 1990. – С. 92.

³ *Имманент* (лотинча *immanens (immanentis)* ўзига хос) – бирон-бир ҳодисанинг ички хусусиятига хос бўлган, унинг табиатидан келиб чиқадиган моҳият. Бу ерда маълум табиат кучларининг инъикоси бўлган худолар ҳақида айтилмоқда.

⁴ *Транцендент* (лотинча *transcendens (transcendentis)* чегарадан ташқарида) – «нариги дунё», ўз моҳиятига кўра ҳар қандай билиш доирасидан ташқарида, тажриба билан ҳам билиб бўлмайдиган дунё.

*Ким бизга бахт-саодат келтирар экан?
Жамолинг нуруни устимизга солгин, эй Худованд!
Уларнинг бугдойи ва шароби кўпайган, бироқ
Сен менинг дилимга шодлик бердинг кўпроқ.
Осойишта ётаман ҳам уйғонаман;
Чунки, эй Худованд,
Хотиржамлигимга ёлғиз Сен посбон¹.*

Шу тариқа яҳудийлар илоҳийни инсонийдан ва табиийдан ажратиш ҳамда сиёсий чегаралардан ўтиб кетувчи мустақил маънавий куч деб эълон қилиш мумкинлигини кўрсатиб, шу пайтгача ҳукмрон бўлган олам концепциясига нисбатан шубҳа уйғотди². Бу эса кўпхудолик дини ва у билан боғлиқ диний бағрикенглик аъаналарини ҳам бузиб ташлади. Кейинчалик пайдо бўлган христианлик ва ислом динларининг бир-бирига қарши (масалан, Салиб юришлари) ҳамда мазҳаблар ва оқимлар ўртасидаги ўзаро урушларида (масалан, христианликда – католиклар ва протестантлар, исломда – суннийлар ва шиалар ўртасида) ҳар бир томон ўз эътиқодининг устунлигини ва ягона тўғри йўл эканлигини фақат сўз ва иймон кучи билан эмас, аввало қурол кучи билан исботлашга ҳаракат қилди. Пайдо бўлаётган христианликка қарши Рим империясида олиб борилган кураш, христианлик ва ислом динларини ўрнатиш ҳамда ёйиш учун олиб борилган урушлар (масалан, жиҳод), Ўрта асрлардаги инквизиция, дин софлиги учун кураш каби жараёнлар миллионлаб кишиларнинг умрига завола бўлди. Эски диний тушунчаларни янги замонда ҳам сақлаб қолаётган ақидапарастлар олиб бораётган урушлар, амалга ошираётган террористик ҳаракатлар бугунги кунда ҳам инсониятни ташвишга солмоқда.

Яҳудийлар дини тарихи билан шуғулланган кўпчилик олимлар Декалог³ матнларида илоҳийликнинг исроилча концепцияси янада аниқлик билан ифодаланганлигини таъкидлашади:

*Мен сенинг Худонгман, сени Миср еридан,
Қуллик уйдан озод қилган;
Сенинг Мендан бошқа худоларинг бўлмайди.*

¹ Муқаддас Китоб Инжил. Тавротдан Мусо пайғамбарнинг биринчи китоби. Ибтидо. Забур. – Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм. 1992. Забур, 114-бет.

² Қ а р а н г: С. Москати. Древние семитские цивилизации. – М.: Центрполиграф, 2012. – С.74.

³ Декалог (юнунча *deka* – ўн ва *logos* – сўз, таълимот дегани) – Фарбий Европа диний ва маданий аъаналарида ўнта Амрнинг умумий қабул қилинган номи.

*Юқорида осмонда, пастда ерда, сув остида тасаввурлардан ўзингга санамлар яратма; уларга сиғинма ва хизмат қилма...
Ўз Худонгнинг номини бекорга атама, зеро
Худо унинг исмини бекорга атаганларни жазосиз қолдирмайди.*

Бу матнда Исроил диний таълимотининг баъзи энг муҳим жиҳатлари ўз аксини топган. Биринчидан, фақат битта Худо мавжуд: буни эътироф этиш билан Исроил ўзини атрофдаги халқларнинг бебош политеизмига қарама-қарши қўяди. Иккинчидан, Худони тасвирлаш мумкин эмас: бу ҳам расмий санъатнинг асосий вазифаси худони тасвирлаш бўлган Қадимги Шарқ аъаналаридан кескин фарқ қилади. Ниҳоят, Яқин Шарқ халқларидан бирортасида худонинг исмини атамаслик одати йўқ. Яҳудийларда ҳам Худосининг исми аниқ бор, уни Қадимги Аҳд матнларига кўра Яхва (*Yahweh*) деб аташ мумкин. Аммо тақводор яҳудий унинг номини айтишни Худони таҳқирлаш, катта гуноҳ деб билади.

Шу тариқа Исроил ўз Худосига инсоний қиёфа бахш этмайди, аксинча, унинг инсонлардан фарқини таъкидлайди.

Декалогнинг яқунловчи қисмида яккахудолик дини билан боғлиқ ягона хислат – ахлоқ ўзининг аниқ ифодасини топган:

Худо сенга берган ердаги умринг узоқ бўлиши (сенга яхши бўлиши) учун отангни ва онангни ҳурмат қил.

Ўлдирма.

Бевафолик қилма.

Ўғирлама.

Ўз яқинингга қарши ёлғон гувоҳлик берма.

Ўз яқинингнинг уйига кўз олайтирма; ўз яқинингнинг хотинига кўз олайтирма, (унинг ерига ҳам), қулига ҳам, чўрисига ҳам, ҳўкизига ҳам, эшагига ҳам, (унинг ҳеч қанақа молига), яқинингнинг ҳеч нарчасига кўз олайтирма.

Тадқиқотчи олимлар ахлоқий монотеизм бошидан охиригача исроил диний тафаккурининг асосий йўналиши бўлганлигини таъкидлашади. У.Олбрайтнинг ёзишича, «Мусодан Эзрагача, асосан изчил яхвачилик ўзгармасдан қолди. Исроил дини Судьялар даврининг соддагина қарашларидан мил. авв. V асрдаги юсак маданий даражага кўтарилиш йўлида кўплаб инқирозларни енгиб ўтган бўлса-да, ахлоқий монотеизм бошидан охиригача исроил динининг қалби бўлиб қолаверди»¹.

¹ Қ а р а н г: Москати Сабатино. Цивилизации Древнего Востока. – М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. – С. 244.

Бу сўзларда Мусо динининг асосий муаммоси яширинган. Сўзсиз пайғамбарлар даврига келиб монотеизм бутун борлиғича намоён бўлади. Аммо унганча бўлган даврдаци? Бу монотеизмиди, ёки бошқа халқларнинг худолари ҳам мавжуд бўлишини инкор этмаган миллий худога сиғинишмиди? Олимлар монотеизм фақат пайғамбарлар даврида ўрнатилганлигини таъкидлашади ва унганча муҳимроқ бирор нарса бўлганлигини рад этишади: «*Монотеизм аввал бошданоқ Мусо динининг муҳим қисмини ташкил қилган. Мусо монотеизими кейинги асрлардаги сингари (ҳеч бўлмаганда мил. авв. VII асргача) эмпирик-мантиқий монотеизм эди; у қулай, тушунишга осон, аммо интеллектуал ва батафсил эмасди. Батафсил ишлаб чиқилган монотеизм мантиқий эрадан, яъни тахминан, мил. авв. VI асрдан олдин пайдо бўлиши мумкин эмасди, зотан имплицит¹ эътиқодни ёки концепцияни эксплицит² доктрина ёки ғояга айлантириш учун аниқ тавсиф ва мантиқий таъриф зарур эди*»³.

Қадимда кўпроқ ёки камроқ кўзга ташланган диний концепциялар энди аниқ тавсиф ва таърифга эга бўлади. Битта тушунча вақти-вақти билан, хусусан, сиёсий инқирозлар ва подшоликлар ағдарилиши даврида олдинги ўринга чиқади. Бу – масихлик⁴ тушунчаси. Исаия⁵ Масих келадиган кунни куйидагича баён қилади: «*Иессей наслдан авлод пайдо бўлади, унинг илдизидан новда ўсиб чиқади, ва унда ақл ва донишмандлик руҳи, ёруғлик ва мустаҳкамлик руҳи, тасарруф ва диёнат руҳи, Худонинг Руҳи яшайди; ва қиёмат кунни Худонинг ваъдаси бажарилади, у масалани ўз кўзлари кўрганидек, ўз қулоқлари эшитганидек ҳал қилмайди. У фақирларни ҳақиқат бўйича суд қилади, заҳматкашлар ишини адолат билан ҳал қилади. У ўз ҳассасининг учи билан ерни вайрон қилади, ўз руҳининг қудрати билан гуноҳкорни ўлдиради. Ва унинг белбоғи – ҳақиқат бўлади. Шунда бўри қўзичоқ билан бирга*

¹ *Имплицит* (французча *implicite* – назарда тутилган, латинча *implicitum*) – бу тавсифланмаган, назарда тутилган, ёйилмаган) бирон-бир тушунчанинг гапда назарда тутилган, аммо очик баён қилинмаган, яширинган шакли.

² *Эксплицит* (инглизча – *explicit*) – ошқора, очик баён қилинган.

³ *Москати Сабатино*. Цивилизации Древнего Востока. – М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. – С. 245.

⁴ 1. *Масихлик* (мессия) – инсониятни қутқарувчининг (масих) келишига, масихликка ишонч. Масихлик бир қатор динларга хос. 2. Битта халқнинг инсоният тақдиридаги алоҳида муҳим роли, шу халқнинг масихлиги ҳақидаги таълимот.

⁵ *Исаия* – яҳудийлар пайғамбарларидан бири. У Иессей (шоҳ Довуднинг отаси) авлодидан Масих чиқади деб башорат қилган. Христианлар Исони шу масих деб ҳисоблашади (унинг Исо Масих номи ҳам шундан) ва Иессей насли – бу Исо насли дейишади.

яшайди, шунда қоплон улоқча билан ва бузоқча билан бирга ётади, ва ёш шер, ва ҳўкиз бирга бўлади, ва ёш бола уларни боқиб юради. Ва сигир айиқ билан бирга боқилади, ва уларнинг болалари бирга ётади, ва шер ҳам ҳўкиз сингари сомон ёйди. Ва гўдаклар илон инининг устида ўйнашади, ва инидаги илонга болалар қўлларини чўзишади. Ва менинг бутун муқаддас тоғларимда (ҳеч ким) ёвузлик қилмайди ва зиён етказмайди, зеро сув денгизни тўлдиргани каби, ерни Худонинг иродаси тўлдиради. Ва у кунни: мажусийлар ҳам халқлар учун санжоққа айланган Иессей наслига ўтадилар, ва унинг шон-шавкати абадий бўлади»¹.

Масихликка ишонч – бу олтин давр ва кундалик муаммолардан холи бўлиб кўринган Довуд подшолиги даврига қайтиш орзуси. У яҳудийлар диний тафаккури ривожланишининг шу босқичига хос бўлиб, христианликда ваҳийликнинг бошланиш нуқтаси бўлди. Кейинги муқаддас китобларда яҳудийларнинг ўзгарувчан феъл-атвори ва Худонинг ўзгармас собитлиги, кишиларнинг гуноҳкорлиги ва Худонинг муқаддаслиги, кишиларнинг Худодан қайтганлиги ва яҳудий халқини Худо ёрлақанлиги гуноҳни ювиш ғояси контекстида берилади. Худо ёрлақан халқнинг гуноҳи ювилишини башорат қилувчи Исонинг пайғамбарона тимсоли Исроил халқининг танланиш тарихини Масихнинг ташрифи ва инсониятнинг қутқарилиш тарихи билан боғлайди.

Моҳиятига кўра масихлик дунёқараши – бу бор-йўғи қадимги яҳудийларнинг Худо Аҳдига абадий ишончи. Иброҳим билан Худо ўртасидаги Аҳд асрлар давомида қайтарилади, янгиланади ва ўзининг сўнги шаклида Исроилнинг синовлар давридаги қатъийлиги ва садоқати учун унга кўрқинч тугаб, ер юзида абадий тинчлик ва меҳр-муҳаббат қарор топадиган бахтли давр келишини ваъда қилади.

Шу тариқа янги тақдирнинг бўсағасида турган қадимги яҳудийлар учун иккита диний анъана – пайғамбарлик ва қоҳинлик хос бўлган. Биринчиси анча чуқур ва умумий, иккинчиси – кўпроқ ташқи ва ахлоқий тушунчалар асосига қурилган. Иудаизм ана шу икки кучнинг ўзаро ҳамкорлиги таъсири остида шаклланади. Халқнинг бирдамлик руҳи асрлар давомида қадимги одатларни астойдил сақлаб келган бир пайтда, пайғамбарлик ҳаракати христианлик ва исломга мерос бўлиб қоладиган универсал ҳаракатга айланмоғи лозим эди. Бу универсаллик, айниқса, маданиятда яққол акс этади.

Маданиятнинг барча томонлари устидан диний жиҳатнинг устунлиги умуман Қадимги Яқин Шарқ тарихи ва цивилизациялари учун хос бўл-

¹ *Москати С. Древние семитские цивилизации*. – М.: Центрполиграф, 2012. – С.156–157.

са-да, қадимги яҳудийлардек диннинг руҳига ёт бўлган барча унсурларни рад этиб, маданият устидан тўлиқ устунликка эришиш, бошқа бирор-та динга насиб этмаган.

Аслида, тақдир яҳудийлар учун яна қандай синовлар таёрлаганидан қатъи назар, Исроил инсоният тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб бўлган эди. Табиат илоҳийлаштирилган, худолар инсонийлаштирилган, уларнинг ишлари эса мифларга ўралган дунёда Исроил илоҳийни табиийдан ва инсонийдан ажратиб, мифлар дунёсидан юқорига кўтарила олган эди. Аммо баъзи олимларнинг таъкидлашича, бу фақат ташқи кўри-ниш эди холос, зотан Исроил ҳам ўз мифини – халққа намоён бўлиб, у билан Аҳд тузадиган Худо таоло ҳақидаги мифни яратди; шу олимларнинг таъкидлашларича, фақат юнонлар ўз интеллектининг кучи орқали мифлар оламидан ташқарига чиқа олдилар. Юнонлар интеллектуал соҳада ҳақиқатдан ҳам мифлардан юқорига кўтарилди; аммо яҳудийлар диний соҳада мифлар оламидан юқорига чиқа олдики, бунинг инсоният тарихидаги аҳамияти юнонларникидан асло кам эмас¹.

ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОН ДИНЛАРИ

Ригведанинг минглаб мадҳиялари ва веда адабиётининг кейинги даврларга тегишли кўплаб ёдгорликлари бизга орийларнинг диний эътиқодлари ҳақида тасавурлар беради². Бошқа халқларнинг мифлари билан таққослаш баъзан веда динининг узоқ ўтмишдаги ҳинд-европа манбаларига ишора қилади. Ведаларнинг Қадимги Эрон дини ва маданиятига яқинлиги, айниқса, сезиларли, зеро орий қабилаларининг ҳинд гуруҳи анча кейин эроний орийлардан ажралиб чиққан. Ҳиндистонда ҳам, Эронда ҳам Митра худосига сиғинишган, наркотик хусусиятга эга бўлган муқаддас *Һаома* (хаома) ичимлигини истеъмол қилишган. Ҳатто қадимги ҳиндлар ва эронийларнинг айрим мифлари ҳам умумий бўлган.

Ригведа мадҳияларидаги мифологик тавсифлар кўпинча табиат ҳодисалари билан боғлиқ. Худоларнинг муқим иерархияси кузатилмайди (бу даврда жамиятда ҳам шундай ҳолат мавжуд эди), аммо айрим персонажлар мифларнинг севимли қахрамонига айланади. Масалан, Ригведанинг кўплаб мадҳияларида ўз лашкарларига бош бўлиб, қўлига

¹ Қаранг: *Москати Сабатино*. Цивилизации Древнего Востока. – М.: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2010. – С. 252.

² Орийлар босқинидан олдинги дин ва диний эътиқодлар тўғрисида маълумотлар сақланиб қолмаган.

«чақмоқ» тутган маъбуд Индранинг¹ шаклсиз махлуқларга қарши кураши ҳақида ҳикоя қилинади. Аждаҳо мағлуб қилингандан сўнг сув оқими худди подадек кела бошлайди – бу далаларга ҳаётбахш ёмғирнинг ёғиши эди. Ригведа мадҳияларининг катта қисми Индранинг аждаҳога қарши курашини куйлаш маросими билан боғлиқ бўлиб, олимларнинг фикрича, аҳоли бу мадҳияларни Янги йил байрамида айтган.

Маъбудлар осмонда² яшайди деб ҳисоблашган, уларнинг номи – дэва ҳам осмон, ёруғлик тушунчалари билан боғлиқ. Веда матнларининг айрим қисмлари дэваларнинг одамсимон қиёфасига ишора қилади, аммо бу қиёфанинг аниқ ифодаси йўқ ва фанда орийлар худоларнинг тасвирига сиғинмаганлар, деб ҳисоблаш қабул қилинган. Веда динининг кўплаб мифологик персонажлари эркаклар, аммо аёл персонажлар ҳам учрайди (масалан, Тонг, Оқшом, Ер). Одатдаги қурбонлик шундан иборат эдики, муқаддас майса устига ёзилган дастурхонга худолар таклиф қилинган. Ўртада гулхан ёқилиб, оловга ёғ қуйилган, донлар ва бошқа ноз-неъматлар ташланган ва олов худоси Агнига мурожаат қилинган. Қурбонлик тутун билан бирга осмонга кўтарилиб, худоларга етиб боради, худолар эса ердаги одамларга мўл-кўлчилик ато қилади, деб ҳисобланган. Шу тариқа ўзига хос «материянинг айланиши» юз берган. Бу космик жараённинг марказида коҳин – худолар дунёси билан одамлар ўртасидаги воситачи шахс турган.

Дастлаб орийларда ибодатхоналар бўлмаган, аммо кейинчалик улар муҳим тадбирлар учун алоҳида эҳромлар қуриб бошлаган. Сўнги веда матнларида бу мураккаб, масалан, баҳайбат қуш шаклидаги, эҳромларнинг тўлиқ режаси ва тавсифи берилган. Бу эҳромдаги бир неча гулханларда қурбонлик кўп кунлаб, баъзи маросимлар эса бир йилдан ортиқ давом этган. Маросимларда коҳинларнинг бутун бошли гуруҳи қатнашган ва ҳар бири алоҳида вазифани бажарган. Бу давр коҳинининг ҳайкалчаси сақланиб қолган. Коҳиннинг кўзлари ярим қисилган, ибодат пайти тасвирланган. Чап елкаси узра ташланган ридо муқаддас уч барг кўринишидаги нақш билан безатилган. Астойдил қиртишлаб олинган сочлари елка томондан кенг жияк билан боғланган; пешанасида юмалоқ эшилган ип. Оқ стеаритдан тарошланган ҳайкалчада қизил ранг қолдиқлари сақланиб қолган. Кўзлари оқ садафдан ясалган, худди тирикка ўхшайди.

¹ *Индра* – уруш, момақалдироқ ва чақмоқ худоси, веда пантеонида энг олий худо. Ҳиндуизмда иккинчи даражали худого айланган.

² Баъзи олимлар ҳиндлардаги Осмон худосига (Кўк Тангрига) сиғинишни қадимги турклар олиб келган деб ҳисоблайди. Қаранг: *Аджи М.* Азиатская Европа / Мурад Аджи. – М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2008. – С. 29–30.

Сеҳр-жоду характерига эга бўлган ҳар қандай ҳаракат тартиби ба-тафсил ишлаб чиқилган ва унга қатъий риоя қилинган. Бунда худо-ларга мурожаат қилиш ҳам кам аҳамиятга эга бўлмаган. Кўпинча бу «Мен – сенга, сен – менга» мазмундаги ёки мақтаганларга мукофот берувчи худоларнинг хотамтойлигига ишора қилувчи содда мурожаат-лар эди. Осмон ва Ерга бағишланган мадҳияда улардан деҳқонларга марҳамат қилишлари сўралади:

*Осмон ва Ер бизни асал билан тўйдирсин,
Асал билан тўйинганлар,
Асал томизадилар,
Асал билан таъсир қиладилар,
Худоларга қурбонлик
Ва бойлик келтирувчилар,
Биз учун буюк шараф, бойлик ва жасорат.*

Баъзан худонинг номини астойдил қайтариб, афсун ўқилар ва унга таъсир кўрсатиб, илтижоларнинг мустажо бўлишига эришмоқчи бўлар-ди. Илтижо бу ерда талаб кўринишини олади. Масалан, уй қуришдан олдин куйидаги мурожаат тарзидаги афсун ўқилган:

*Шу жойда мустаҳкам тур, о кулба,
Отларга бой,
Сигирларга бой,
Қудратга бой,
Ёғга бой,
Сутга бой.
Юксал буюк тақдирга!*

Маросим қатнашчиларининг тасаввурича, расм-русмлар космик ҳо-дисаларнинг рамзи бўлмасдан, фақат уларни рўёбга чақиради: агар қурбонлик қилувчи тун охирида эҳромда олов ёқмаса, тонг отиши билан куёш чиқмайди. Қурбонлик олам жараёнларини ҳаракатга келтирувчи восита сифатида қаралади. Худолар ўзбошимчалик билан ҳеч нарсани ҳал қилмайдилар, улар ирода эркинлигидан маҳрум қилинган, шу маъ-нода уларнинг қудрати одамларникидан фарқ қилмайди. Маросимлар оташин ҳис-ҳаяжонларни мўлжалламайди. Худоларга илтижо қилин-майди, тўғрироғи уларни бошқаришга йўналтирилади, холос. Худолар баъзан ибодат ҳаракатларининг оддий ҳисобчиси, иродасиз шахс бў-либ кўринади. Брахманлар¹ прозаси учун бутун оламнинг моддийлиги

¹ *Брахманлар* – ибодатни амалга оширишга мўлжалланган спекулятив матн-лар мажмуи бўлиб, дастлабки учта Ригведада таърифланган маросимларни изоҳлайди.

(жумладан, руҳлар олами ва абстракт тушунчалар ҳам), айти пайтда бу материянинг худо – дэвалар кўринишида моддийлашуви тўғрисидаги тасаввурлар характерлидир.

Бу дунёда ҳамма нарса ўзаро боғланган, шу сабабли бирини ик-кинчисига таъсир ўтказиш қуролига айлантириш мумкин. Фақат бу ўх-шашликни англаш, ифода қилиш ва ундан фойдалана билиш керак. Маросимчилар худоларнинг ўзлари бўйсунадиган умумий қонуниятлар мавжудлигидан келиб чиқадилар. Сўнгги веда даври дунёқарашининг асосини афсунгарлик ташкил қилади.

Сўнгги веда даври маросимлари Қадимги ҳинд маданияти шакллани-шида катта роль ўйнайди. Матнни шарҳлар билан қўшиб олиб боровчи брахманча проза шакли ҳиндча таълимнинг асосини ташкил қилди ва кейинги даврнинг илмий ва фалсафий асарларида ривожлантирилди. Брахманларда маросимларга нисбатан онгли муносабат шаклланди – кейинги қадам инсон фаолиятининг бошқа жиҳатларини англаш бўли-ши лозим эди.

Бевосита брахманларга *араньяклар*¹ ва *упанишадлар*² қўшилади. Упанишадлар брахманларда ҳам яққол кўзга ташланадиган «материя-нинг айланма ҳаракати» тўғрисидаги тасаввурга таянади. Қурбонлик одамлардан худоларга боради ва мукофот тариқасида яна одамларга қайтади. Аммо инсоннинг ўзи ҳам ўзига хос қурбонлик тарзида қарала-ди: инсон у дунё билан бу дунё орасида мавжудликнинг «айланма ҳа-ракати»дан ўтади. Шу тариқа руҳнинг ўлмаслиги, кўчиб юриши ва қайта туғилиш ҳақидаги ғоя – *сансара*³ таълимоти шаклланади.

¹ *Араньяклар* – ўрмон худоси Араньяни номидан олинган. Ҳар бир Ведани тўлдирувчи, ўзининг эзотерик (сирли, ёпиқ) характерига кўра ўрмонда, яъни аҳоли яшайдиган манзилгоҳлардан ташқарида ўқиладиган рисола.

² *Упанишадлар* – сўзма-сўз тенг қийматлилар дегани. Билимларни аналогия орқали умумлаштиришга, борликдаги умумийликни илғашга бўлган дастлабки уриниш. Карма тушунчаси билан муштаракликда қайта туғилишлар доктринасининг дастлабки баёни, формал веда чегараларидан чиқиб, инсонни халос қилувчи билимларни очишга интилувчи фалсафий мушоҳада. Мил. авв. IV–III асрларда ҳаммаси бўлиб ўн тўртта упанишадлар яратилган. Кейинги упанишадлар сони тўрт юздан ошиқ.

³ *Сансара* – ибтидо ва интихоси бўлмаган туғилиш ва қайта туғилишлар кармаси туфайли юзага келган оқим. Сансара мавжудодларнинг олти турага мос келувчи, қайта туғилишлар қонунига тортилган олти соҳани ўз ичига олади: худолар, асурлар (будда мифологиясида илоҳий келиб чиқишга эга бўлган, аммо худолар билан кураш олиб бормаидиган мавжудодлар, фалак жинлари), одамлар, ҳайвонлар, претлар (будда мифологиясида одамсимон қиёфадаги салбий сифатли руҳлар), нарақда (ўзига хос дўзахда) яшовчилар. Ўлимидан сўнг бу мавжудодлар ўз соҳаларида ёки тирикликда қилган эзгу амалларига яраша (карма қонунига мувофиқ) бошқа қулайроқ соҳада қайта туғиладилар.

Упанишадларда қурбонлик тушунчаси кўпроқ мажозий маънода қўлланилади ва истиора бўлиб қолади. Фақат ноз-неъмат билан эмас, эзгу амал, яхши сўз ва фикр билан ҳам назр-ниёз қилиш лозимлиги ҳақида гапирилади. Инсоннинг бутун умри – ҳомиладан бошлаб то ўлимгача маросим тадбирлари цикли тарзида қаралади. Марҳумни ёқиш – охириги қурбонлик. Кундалик юриш-туриш маросимлашган ҳаракат бўлиб, инсоннинг ўзи – тоза ва нотоза (ҳалол ва ҳаром) амаллар мажмуи тарзида қаралади. Ҳинд дини учун энг муҳим бўлган *карма* назарияси – кейинги ажр-мукофотнинг сабаби инсоннинг эзгу амалларида ёки гуноҳ қилмишларида эканлиги тўғрисидаги тасаввур шаклланади.

Карма қонуни тақводорлик қилиб савоб тўплаганларнинг юқори варнада, гуноҳкорларнинг эса энг қуйи варнада қайта туғилишини таъминлайди. Гуноҳкор киши ҳайвон, курт-қумурсқа бўлиб туғилиши мумкин, тақводорнинг эзгу амаллари учун эса олий мукофот худо бўлиб туғилишдир. Шу тарзда қайта туғилишлар занжири ва ажр-мукофотдан-кармадан худоларнинг ўзлари ҳам озод бўлмаганлар.

Ҳиндуизм. Ҳиндуизмнинг асосини Ҳиндистонда яшовчи кўплаб халқларнинг қадимги эътиқодлари: дарахтлар, тоғлар, сув ҳавзалари ва ҳайвонлар (масалан, илон, сигир, маймун, фил) ташкил қилади. Ҳозиргача ҳиндуизмда қадимги она-маъбудага сиғиниш катта роль ўйнайди, ўта оддий ирим-сиримлар ҳам кенг тарқалган. Айни пайтда ҳиндуизм учун Парвардигори олам, бутун коинотнинг асоси бўлган Яратувчи-Худо тўғрисидаги ғоя характерли ҳисобланади. Барча бошқа худолар ва ғайритабиий кучлар унинг мужассамлиги ёки мулозимлари ҳисобланади. Бу худога сиғиниш оддий қурбонлик билан боғлиқ эмас – уни хурмат қиладилар, эъзозлайдилар, унга садоқат кўрсатадилар. Ҳиндлар учун бундай олий худо Вишна бўлиб, у ҳайвонлар (тўнғиз, балиқ, тошбақа) ёки инсон (қора танли шоҳ ёки подачи Кришна) қиёфасига кириши мумкин. Вишнанинг турли қиёфаларда намоён бўлиши ҳақидаги таълимот келиб чиқишига кўра турлича бўлган культларни ягона образда бирлаштириш имконини берди. «Рамаёна» эпик достонининг машҳур қаҳрамони Рам ҳам, Будда ҳам (буддавийликнинг ассимиляциялашуви-га кўмаклашди) Вишнанинг тимсоллари деб тан олинади.

Ҳиндуизм издошларининг бошқа бир қисми таркидунё қилган зоҳид ёки раққос кўринишида тасвирланадиган Шивани олий худо деб тан оладилар. Шива билан кўпинча унга бахшида қилинган буқа бирга юради. Шу тариқа қадимда (ҳозир ҳам) ҳиндуизм жамоалари Вишнанинг ва Шиванинг ихлосмандларига бўлинади, аммо улар орасида худонинг номларидаги фарқдан бошқа жиддий келишмовчиликлар бўлмаган.

Ведалар ҳиндуизмнинг муқаддас ёзувлари ҳисобланади, аммо эпик достонлар ва жуда катта ҳажмдаги мифларни бирлаштирган пураналар амалда асосий роль ўйнайди. Ведалардан фарқли равишда пураналар сир сақланмайди, бу ёзувлар барча учун очиқ ва уларнинг илмий таҳлили пуран мифологияси Ҳиндистоннинг орий бўлмаган халқлари билан боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Ҳиндуизмда ибодатхоналар қуриш ва у ерда диний маросимларни ўтказиш ҳам одат тусига киради. Байрам маросимларининг ажралмас қисми тантанали намойиш бўлиб, намойишчилар маъбудларнинг тасвирларини кўтариб оладилар. Қонли қурбонликлар аста-секин маъбудларни «қадрлаш» маросими билан алмаштирилади: уларнинг тасвирларига гулчамбарлар кийдириш, хушбўй хидли ўтларни тутатиш, шамлар ёқиш ва худоларга бағишлаб ичкиликбозлик қилиш одатлари жорий қилиниб боради. Бу маросимлар кўпинча рақс тушиш, мусиқа чалиш ва эпик достонларни куйлаш билан қўшиб олиб борилади. Ибодатхоналарда коҳинлардан ташқари мусиқачилар, раққосалар ва турли хизматчилар ҳам яшардилар. Ибодатхоналарни молиявий таъминлаш қавм аъзолари ва зиёратчиларнинг эҳсонлари ҳамда ибодатхонага тегишли ердан олинадиган фойда ҳисобига амалга оширилади.

Ҳиндуизм мафкурасининг асосий белгилари «Бхагавадгита»да – «Махабхарата»нинг таркибига кирган достонда ёрқин акс этган¹. Бхагавадгита («Худонинг қўшиғи»)да бир-бирига душман икки зодагонлар гуруҳининг қўшинлари жанг майдонига тўпланиши ва қаҳрамонлардан бири душман лагерида ўзининг қариндошлари ва дўстларини кўриб, олдинда турган қонли жангдан қўриқиб кетганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Шунда Кришна (у Худо – Вишнанинг мужассамлиги) бурч (дхарма) ҳақида узундан-узоқ нутқ сўзлайди. У бурчни бажаришдан бош тортиш ўрнига унга беминнат хизмат қилиш орқали ўлим топиш лозимлиги, зеро кшатрийнинг вазифаси жанг қилишдан иборат эканлиги тўғрисида сўз юритади. Бурч ғояси машҳур «Гита»ни ёддан билган кўплаб ҳиндлар учун руҳий мадад манбаи бўлди. Аммо «Гита»га бошқа нуқтаи назардан ҳам қараш муҳим. Сухбатдошини унга эргашишга даъват этган Кришна ахлоқнинг нисбийлиги ва инсоннинг келиб чиқиши билан боғлиқлиги ҳақида баён қилади. Бу дунёда ҳар бир кишининг ўз вазифаси ва бурчи бўлиб, булар ким учундир эзгу иш, бошқа биров учун эса гуноҳдан иборат, деб қаралади.

¹ Батафсил қаранг: *Шри Шримад А.Ч. Бхактиведента Свами Прабхупада. Источник вечного наслаждения.* – М.: Бхактиведента Бук Траст. «Воздушный транспорт», 1990.

Ҳинд ахлоқи учун чексиз чидам ва сабр-тоқат характерли, зеро ҳар бир кишига ўз маҳалласи ва қишлоғида, ўз кастаси ва оиласида ўрнатилган ҳаёт тартибига, ўз урф-одати ва дини раво кўрган қоидаларга риоя қилиш лозимлиги уқтирилади. Аммо бу эркинлик турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари ўртасидаги муносабатга тааллуқли бўлиб, бир гуруҳ ичида эса ўз жамоавий ва каставий бурчини бажариш эҳтиёжи билан қатъий чекланган. Ҳиндуизм ғоясидаги турли-туманлик ва зиддиятлар шунчалар яққол кўзга ташланадики, ҳатто баъзи тадқиқотчилар уни ягона дин сифатида қабул қилишни ҳам лозим топмайдилар. Аммо диний таълимот ақидалари маросим қоидалари ва ижтимоий нормаларга риоя қилиш сингари катта аҳамият касб этмайди. Ҳиндуизмнинг ижтимоий муносабатлар соҳасидаги умумий принциплари қуйидагилардан иборат деб қаралади: муомала ўз ижтимоий гуруҳи доираси билан чекланмоғи лозим – турли каста вакилларининг биргаликда овқатланиши, никоҳдан ўтиб, оила қуриши ва каставий касбини ўзгартириши таъқиқланади. Ҳайвонларни, айниқса, сигирларни ўлдириш катта гуноҳ ҳисобланади. Ёш болалар ўртасида никоҳ қуриш одати кенг тарқалади (айниқса, келинлар – баъзан келинни эҳром атрофида кувв кўтариб ўтади, зеро келин ҳали юролмайдиган гўдак). Беваларнинг турмуш қуриши қораланади (ҳатто қизчалар ҳали аёл бўлмасдан бева қолган бўлса ҳам), эрининг жасадини куйдириш чоғида гулханда ўзини ўзи ёқиш энг маъқул тақводорлик ҳисобланади. Қоидаларга риоя қилмаган шахслар ёки бутун бошли оилалар, айниқса, улар юқори кастадан бўлса, энг оғир жазога – кастадан қувилишга маҳкум қилинган. Инсоннинг жамиятдаги ўрни ва хавфсизлиги унинг маълум бир кастага мансублиги билан боғлиқ бўлганлиги сабабли кастадан қувилганлар ўз айбларини ювиб, кечирилишга эришади ва кастага қайтади ёки ижтимоий пиллапояннинг энг пастки қисмидан ўрин эгаллайди.

Ҳиндуизм дини билан қувватланган каста тизими жамиятдаги барқарорликни, унинг ҳар қандай ёт ғоялар таъсирига қарши тура олишини таъминлаб, айна пайтда, жамиятга фавқулодда консерватив характер бахш этади.

Жайнизм¹. Буддага замондош бўлган кўп сонли ноортодоксал² устозлардан бири, ўз издошлари томонидан Махавира (буюк қахрамон) деб номланган кшатрий Вардхамана (пайғамбар Жина) эди. У асос солган жайнизм ғолиблар (*жина* – ғолиб) дини бўлиб, ўз тарихий ривожланишига кўра буддавийликдан чуқур фарқ қилади. Жайнизм (дхарма дини)

¹ Қаранг: *Альбедиль М.Ф.* Индия: беспредельная мудрость. – М.: Алетея, 2003.

² *Ноортодоксал* – унчалик собит, изчил бўлмаган.

мил. авв. VI асрда Ҳиндистоннинг шимоли-шарқида пайдо бўлган. Баъзи бошқа минтақаларда ҳам катта таъсирга эга бўлишига қарамасдан, жайнизм Ҳиндистондан ташқарига ёйилмаган. Бугун бу динга эътиқод қилувчилар сони саккиз миллиондан ошиқ бўлиб, кўпчилигини йирик тижоратчилар ташкил қилади.

Жайнизм фалсафаси учта Тританта – Жина таълимотига кўра турмушнинг учта «тўғри» асослари: тўғри тасаввур, тўғри билим ва тўғри хулқ-атвордан ташкил топган. Жайнизм таълимоти билан брахманизмдаги каста тизими ўртасидаги келишмовчилик яққол кўзга ташланади. Жайнизм таълимотига кўра қайси кастага мансублигидан қатъи назар, ҳар бир киши қийноқлардан халос бўлишга (нирванага) эришиши мумкин. Йўналиши бўйича буддавийлик билан бир хил бўлган жайнизм ўз доктринасининг марказига шахснинг борлиги муаммосини қўяди. Буддавийликдан фарқли равишда жайнизмда ички муштараклик камроқ, догматизм ва ритуализм белгилари кўзга яққол ташланиб туради. Жайнизмнинг асосида яратилмайдиган ва йўқ қилинмайдиган иккита абадийлик, субстанцияларнинг (таттвлар) – жива (ҳаёт) ва аживанинг (эфир) ҳал қилувчи аҳамиятини тан олиш ётади. Жива билан аживанинг боғлиқлик даражасига қараб моҳиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жараёнини белгиловчи жива борлиқнинг иккита шаклида намоён бўлади: мукамал ва номукамал. Борлиқнинг номукамал ҳолатида жива материя билан қўшилган бўлиб, ўзининг сифат имкониятларини йўқотади ва руҳий азоб ҳолатига тушади; борлиқнинг мукамал ҳолатида материядан халос бўлган жива ўз борлигини бошқариш имкониятига эга бўлиб, ҳузур-ҳаловат – нирвана ёки моқша ҳолатига ўтади.

Борлиқнинг номукамал ҳолатдан мукамал ҳолатга ўтишида шахснинг ахлоқий тарбияси асосий роль ўйнайди. Буддавийликдан фарқли равишда жайнизм ахлоқий нормаларнинг қатъий бажарилишини талаб қилади. Бунинг оқибати дунёвий ва диний ахлоқнинг фарқида намоён бўлади. Жайнизмда руҳоний бешта Буюк махавратга (таъқиқга) қатъий риоя қилмоғи лозим:

- ўлдирмаслик;
- ёлғон гапирмаслик;
- ўғирламаслик;
- жинсий алоқа қилмаслик;
- фоний дунёнинг бойликларини йиғмаслик.

Жайнизмда ўзининг алоҳида ижтимоий концепцияси мавжуд эмас. Туғилиш, никоҳ ёки вафот этганда амалга ошириладиган маросимлар ҳиндуизм динидагиларникидан деярли фарқ қилмайди. Фақат зоҳидона

хулқ-атвор қоидалари ва ташқи шаклларининг мукаммал ишлаб чиқилганлиги ва уларга қатъий риоя этишнинг талаб қилиниши жайнизмнинг ўзига хос томони ҳисобланади.

Буддавийлик сингари жайнизм ҳам ўз ақидаларига кўра соф атеистик дин, яъни, шу маънодаки, у худоларнинг мавжудлигини тан олса-да, олам тизимида уларга асосий ролни ажратмайди. Жайнлар учун олам аниқ битта худо томонидан яратилмаган, демак, ҳеч қандай худо уни сақлаб қолиш ёки йўқ қилишга ҳам қодир эмас; олам ўз-ўзича универсал қонунларга бўйсунди. Бошқа динлардан фарқли равишда жайнизмда охир замон, қиёмат-қойим ҳақидаги ғоя мавжуд эмас. Олам доимий бир-бирини алмаштирувчи ривожланиш (утсарпини) ва тушкунлик (авасарпини) циклларида иборат. Ҳар бир циклнинг охиридан одамлар баланд бўйли бўлиб, узоқ умр кўрадилар. Жайнларга кўра, ҳозир олам тушкунлик циклини бошдан кечирмоқда. Яна қирқ минг йилдан сўнг ҳолат ижобий томонга ўзгариб, утсарпини цикли бошланади.

Жайнизм фалсафаси ва амалиётининг асосида руҳни мукаммаллаштириш орқали абадий ҳузур-ҳаловатга эришиш ғояси ётади. Аслида, бу ғоя кўпчилик қадимги диний ва фалсафий оқимларнинг яққол ёки яширинган пировард мақсади ҳисобланади. Шу мерлардан бошланган, мисрликлар ва семитлар томонидан такомиллаштирилган инсон руҳини моддий қобиқдан халос қилиш ва шу асосда уни нариги дунё азобларидан қутқариш каби инсониятнинг абадий муаммоси Қадимги Ҳинд цивилизациясида ҳам кишилар олдига турган энг йирик муаммога айланади.

ҚАДИМГИ ХИТОЙ ДИНЛАРИ

Агар Ҳиндистон – динлар салтанати, ҳиндлар тафаккурида метафизик сафсатабозлик асосий ўринни эгаллаган бўлса, Хитой ўзгача цивилизация макони ҳисобланади. Бу ерда мистик абстракция ва руҳни қутқаришнинг шахсий тажрибасига нисбатан ижтимоий этика ва маъмурий бошқарув тажрибаси анча катта роль ўйнайди. Соғлом фикрловчи ва омилкор хитойлик турмуш сирлари ҳамда ҳаёт ва ўлим муаммолари устида кўп ҳам бош қотирмайди, аммо унинг кўз ўнгида доимо фозилликнинг буюк тимсоли турадики, унга интилиб яшашни ҳар бир хитойлик ўзининг муқаддас бурчи деб билади. Агар ҳиндларнинг этнопсихологиясидаги характерли жиҳат зоҳидликка, йогага ва зоҳидона роҳибликка, шахсни Абсолют билан қўшилиб кетиш истагига (нирванага) элтувчи ва шу билан унинг абадий руҳини моддий қобиқдан халос қилувчи

интровертлик¹ бўлса, хитойлик барчасидан моддий қобиқни, яъни ўзининг ҳаётини қадрлайди, улар этнопсихологиясида экстрове́ртлик аломатлари устунлик қилади. Хитойда одамларни нариги дунё азобларидан қутулиш ва абадий роҳат-фароғатга интилиш эмас, шу дунёда умумий қабул қилинган нормалар асосида муносиб ҳаёт кечирish кўпроқ қизиқтиради. Бунда хитойликларнинг ижтимоий ва оилавий ҳаётини белгиловчи устувор жиҳат детерминистик ахлоқий рационализм² бўлади.

Диний тизимнинг ўзига хослиги, тафаккурнинг психологик хусусияти, умуман, Хитойдаги маънавий ҳаётнинг йўналиши кўплаб жиҳатларда намоён бўлади. Диний ғоя юқори даражада фалсафий абстракцияга эга эди. Масалан, жуда қадимдан хитойликлар Олий Илоҳий Ибтидо – Тянь (Осмон) ёки Шань-Ди (Худо) ҳақида тасаввурга эга бўлганлар. Аммо хитойликлар Осмони Яхва эмас, Исо Масих ёки Аллоҳ ҳам, Брахман ёки Будда ҳам эмас. Бу абстракт ва совуқ, инсонга нисбатан талабчан ва бефарқ олий бош умумийликдир. Уни севиш, у билан бирикиб кетиш мумкин эмас, унга тақлид қилишнинг иложи йўқ, унга қойил қолиш, у билан завқланиш ҳам бефойда. Буюк Осмон ноқобилларни жазолайди ва эзгу ниятлиларни мукофотлайди, яъни у Ақл-идрок, Адолат ва Эзгуликнинг буюк тимсоли ҳисобланади. Император «Осмон ўғли» деб аталган ва унинг алоҳида ҳомийлигида бўлган. Осмон култи Қадимги Хитойда сиғинишнинг асосий объекти бўлиб қолади.

Қадимги Хитой динининг азалий принципларидан яна бири бутун мавжудодни икки ибтидога – инь ва янга ажратиш бўлди. Бу тушунчаларнинг ҳар бири кўп қиррали, аммо биринчи навбатда, янь эркаклик ибтидосини, инь эса аёллик ибтидосини англатади. Янь ёруғлик, ёрқинлик, мустаҳкамлик ва кучлилик каби сифатлар билан боғлиқ ҳолда қаралади ва энг умумий маънода ижобий сифат ҳисобланади. Аёллик инь эса ой билан боғланиб, барча қоронғи, зимистон ва кучсиз сифатлар ибтидоси деб қаралади. Иккала ибтидо ҳам бир-бири билан узвий боғланган, уйғун тарзда бир-бирига таъсир кўрсатади ва бутун кўриниб турган Олам шу таъсирнинг натижаси ҳисобланади.

¹ *Интровертлик* (лот. *Intro* – ички ва *vetro* – эътибор қаратмоқ) – психолог-олим К.Г. Юнг томонидан илмий муомалага киритилган ва шахс назарияси билан боғлиқ тушунча бўлиб, шахснинг типи ва тавсифи интровертлик/экстрове́ртлик шкаласи бўйича баҳоланади. Интровертлик шахснинг ижтимоий алоқалардаги босиқлиги, ёпиқлиги, тортинчоқлиги ва хаёлчанлигида намоён бўлади. Интровертлар экстрове́ртларга нисбатан пассив ва ўз ички дунёси билан чегараланган ҳисобланади.

² *Детерминистик рационализм* – инсон иродасининг қонунийлиги ва ақл-идрок билишнинг бирдан-бир манбаи эканлигини англатувчи фалсафий тушунча.

Мил. авв. III асрда Хитой ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида жиддий ўзгаришлар бошланади. Босқичма-босқич, аста-секин қулдорлик барҳам топиб боради. Ўзига хос, «шарқона» кўринишдаги феодал муносабатлар¹ шаклланади. Маънавий ҳаётда жиддий ўзгаришлар юз беради, давлат тизими ва унинг маънавий асослари қайта ташкил қилинади. Шу маънода конфуцийликнинг пайдо бўлиши Хитой тарихида бурилиш нуқтаси бўлди.

Конфуцийлик². Хитойнинг дастлабки донишмандларидан бири Кун, Кун-ци ёки Кун-фу-ци бўлган. Бизга бу исмнинг латинчалашган кўриниши – Конфуций кўпроқ маълум. Конфуций тафаккур тараққиётининг мислсиз гуллаб-яшнашини, хитой маданияти асосларининг яратилиши даврини бошлаб берди. Олимлар орасида кенг тарқалган фикрга қарамасдан, уни том маънода хитой динининг асосчиси деб бўлмайди. Унинг исми кўпинча Заратуштра ва Будда билан ёнма-ён айтилса-да, дин ва эътиқод масалалари унинг дунёқарашида унча катта аҳамият касб этмаган.

Конфуций ҳайратланарли даражада оддий, ҳатто зоҳидона ҳаёт кечиришига қарамасдан, бу инсон ўз халқининг маданияти тарихида жуда катта из қолдирган ва ватандошлари орасида унинг обрўси доим юқори бўлган. Хўш, Конфуций таълимотининг кучини нима билан изоҳлаш мумкин?

Конфуций мамлакат бирлашишидан уч аср илгари, Хитой ҳозирги ўз ҳудудининг кичик бир қисмини эгаллаган даврда яшаган. Аньанавий тарихшунослик бу даврда мамлакатни Чжоу сулоласи (мил. авв. 1122–249) бошқарган деб ҳисоблайди. Аслида, ҳам «Осмон ўғли» мақомига эга бўлган бу сулола вакилларининг обрў-эътибори юқори бўлган, лекин уларда реал ҳокимият бўлмаган. Чжоу ванлари муқаддас шахслар саналиб, Осмон уларга «ишониб топширган» мамлакатда фақат маросимий вазифаларни бажарарди, холос. Ҳақиқатда Хитой бир қанча йирик ва майда подшоликлар ва князликларга бўлиниб кетган бўлиб, Конфу-

¹ «Феодал муносабатлар» тушунчасини унинг марксча маъносида Хитой тарихининг бу давридаги муносабатлар турини таърифлаш учун қўллаб бўлмайди. Бу муносабатлар европаликлар тушунчасидаги шахсий ҳомийликка кўпроқ мос келади. Хитойда марказий ҳокимиятнинг таянчи доим шаҳарлар бўлган. Қ а р а н г: Елисеефф В., Елисеефф Д. Цивилизация классического Китая. – Екатеринбург, изд-во У-Фактория, 2007. – С. 105.

² Батафсил қаранг: *Карягин К.М.* Конфуций // Будда. Конфуций. Савонарола. Торквемада. Лойола. СПб., 1993. Мартынов А.С. Конфуцианство: классический период. СПб.: Азбука-классика: Петербургское Востоковедение, 2006; Мартынов А.С. Конфуцианство: этапы развития. СПб.: Азбука-классика: Петербургское Востоковедение, 2006.

ций шулардан бирида – Хитойнинг шарқидаги Лу подшолигида туғилган ва бутун умр шу ерда яшаб ўтган. Цивилизациявий оқимлардан четда жойлашган бу подшоликка қачонлардир (мил. авв. X асрда) князь Чжоунинг ўғли Бо-циннинг ўзи асос солганлиги билан аҳоли ғурурланиб юрарди. Ривоятларга қараганда, Конфуцийнинг отаси жангчи Шулян Хэ бўлиб, унинг биринчи хотинидан тўққиз нафар қизи ва иккинчи хотинидан ногирон ўғли бор эди. Эркак ворис қолдириш ниятида Шулян Хэ 70 ёшга кирганида 16 ёшли Чжанцзэйга уйланади. Мил. авв. 551 йил 22 сентябрда, кузги тенгкунликда унинг учинчи хотини соғлом, аммо унча хушрўй бўлмаган ўғил туғади. Мил. авв. II асрда тарихчи Сима Цян ёзишича, боланинг бошида ғўрра бўлган, шу сабабли уни Цю (тепалик) деб аташган. Цю икки ёшга кирганда отасидан айрилади, яна ўн тўрт йилдан кейин эса онаси ҳам вафот этади. Конфуцийнинг биринчи лавозими ғалла омборида кичик амалдорлик бўлди. Кейин эса бошқа бир зодагоннинг хонадонига хизматга киради. Маросимлар ва мусиқани яхши билганлиги туфайли 27 ёшида бош қоҳинга қурбонлик маросимларида кўмаклашувчи ёрдамчи бўлиб ишга киради.

«Мен ўттиз ёшда оёққа турдим», – деб ёзади кейинчалик Конфуций.

Ўзининг билими туфайли у Лу подшолигида машҳур бўлади ва бу давлат подшоҳи Чжоун-гун уни саройга яқинлаштириб, қабул маросимларига таклиф қилади. Ўз билимларини мукаммаллаштириб бориб, Конфуций ҳамма вақтини чжоуларнинг маросим рақсларини тизимлаштиришга, халқ қўшиқларини тўплашга, тарихий матнларни тузишга ва энг асосийси, севимли машғулоти – ўқитувчиликка бағишлайди. Конфуций келиб чиқиши бўйича зодагонлардан эди. Лу подшолигида у юнонларнинг академиясига ўхшаш, мақсади донишмандликни излаш ва уни ўқитиш бўлган тизимни яратади. Ўша пайтда Хитойда ҳукмронлик қилган қонунсизлик ва тартибсизлик Конфуцийни қаттиқ ранжитди. Бу ҳол уни энг яхши бошқарув ва яхши ҳаёт идеалини яратишга ундайди. Аммо бу давр жанжалли ва жўшқин замон эди, Конфуций ғояларидан ҳеч ким фойдаланишни истамади.

Мавҳум ва ноаниқ муаммолар Конфуцийни қизиқтирмаса-да, унинг таълимотида нариги дунё барибир иштирок этади: қадимги худо – Осмон – энг олий бахт-саодат ва уйғунлик тимсоли, олий намуна сифатида қаралади. Шу сабабли конфуцийликнинг асосий тамойиллари самовий уйғунликка тақлид қилишга таянади, зеро улар инсонни ерда ҳам Адолат Подшолигини ўрнатишга ундайди.

Файласуфнинг фикрича, давлат таяниши лозим бўлган устунлар садоқат ва итоатдир. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ана шу икки унсур ҳукмрон бўлиши керак. Болалар ота-оналари, кичиклар катта-

ларга, фуқаролар ҳукмдорга садоқат кўрсатмоғи ва итоатда бўлмоғи лозим. Аммо давлат ҳам фуқаролар ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур, деб ҳисоблайди файласуф¹. Конфуцийнинг шогирдларидан бири Мэн-цзи (Менций) конфуцийлик ғоялари ва принципларини шакллантириш ва тарғиб қилишда устозидан ҳам ўтиб кетади. Мэн-цзи: «Оддий инсон ер юзидаги ҳаммадан улуғ ва қадрли, ундан кейин даҳолар туради ва фақат ундан кейинги ўринни ҳукмдор эгаллайди», – деб ёзади. Шу битта, мазмуни бўйича қадимги деспотияларнинг энг асосий сиёсий аксиомасига мутлақо зид бўлган жумла билан Хитойнинг бошқа биронта қадимги монархия эриша олмаган тараққиёт чўққисига етишганлиги исботланади. Дарҳақиқат, шоҳлар ва қоҳинларнинг истибдодидан қутулиш учун ҳиндлар ўзларини касталик занжирларига кишанлашдан яхшироқ ҳеч нарса ўйлаб топмади; Миср ва Халдея эса бу соҳада янада сустроқ ҳаракат қилдилар².

Инқилобий рух, ғзаб руҳи – бу тараққиётнинг муҳим омили – у ёки бу шароитда ҳар қандай мамлакатда пайдо бўлади. Узоқ асрлардан сўнг бу рух Хитойда ҳам пайдо бўлди. Конфуций асарларида инқилобий ва анархистик ғояларнинг узоқ садосини эшитиш мумкин. Масалан, Шу-цзиннинг биринчи китобида: «Ким бошқалар устидан ҳукмронлик қилса доимий кўрқинчда бўлиши керак эмасми?» – деб ёзади донишманд. Мэн-цзи янада олдинлаб кетади ва ўз қарашлари учун замонавий ҳукуматларнинг кўпчилиги томонидан таъқиб қилиниши мумкин эди. У бир асариде: «Барча одамлар тенгдир, гар шундай экан, улар нима учун ҳукмдорлар ва тобеларга бўлиниши керак? Халқ очликдан ўлаётган ва ўликлар катта йўлларда ётган бир пайтда бошқа бировларнинг ошхонасида ширин ва мўл-кўл овқатлар таёрланса ва отхоналари отларга тўла бўлса, бу бизни ёввойи ҳайвонлар, халқни эзаётган золимлар бошқараётганлиги учун юз бермаяптими? Агар шоҳ, халқнинг отаси, ёввойи йиртқичга ўхшаш бўлиб қолса, уни ўз фуқароларининг отаси деб аташимиз мумкинми? Агар менинг шоҳим яхши бошқариш лаёқатига эга бўлмаса, унга қароқчига боққандек қарашга менинг ҳаққим бор»³, – деб ёзади.

¹ Батафсил қаранг: *Конфуций*. Я верю в древность. М., 1995.

² Қаранг: *Мечников И.А.* Цивилизация и великие исторические реки. (Географическая теория прогресса и социального развития) / С предисловием Элизе Реклю. Перевод с французского Н.А. Критской под ред. и со вступительной статьей Н.К. Лебедева. Книгоиздательство «Голос труда», Москва, 1924. – С. 239.

³ Қаранг: *Мечников И.А.* Цивилизация и великие исторические реки. – С. 240–241.

Мил. авв. VI асрга келиб Хитойда таълим тизими ҳам вужудга келди. Мил. авв. 532 йили Конфуций Шу-цзя («Маълумотли кишилар мактаби») га асос солади. Бу ерда тарих (Шу-цзин), поэзия (Ши-цзин), маросимлар (Ли-цзи), эҳтиромли фарзандлар қонуни (Сяо-цзин) ва мусиқа қоидалари (Юэ-цзин) ўрганилган; таълимнинг охири босқичи «Ўзгаришлар китоби» (И-цзин)¹ ва фол очиш ҳамда гексограммаларни² таърифлаш қоидаларини ўрганиш билан якунланган.

Мактабга турли ижтимоий мавқе ва ёшдаги кишилар, кўпинча ўғиллари билан бирга оталари ҳам келарди. Мактаб Конфуцийга катта моддий бойлик келтирмади, аммо Устознинг шухрати кун сайин ортиб борди. Конфуцийнинг шогирдлари турли подшоликларда муҳим давлат лавозимларини эгалладилар.

Конфуций аввало шу фоний дунёнинг муаммолари билан яшайди. У ҳаётнинг моҳияти тўғрисида ўйламайди, Худо ва абадий ҳаёт масалалари унинг хаёлини банд этмайди. Уни табиат сирлари ва инсон ҳаётининг фожиаси ўйлантиради. Жамиятнинг сокин ривожланиш йўлини топиш унинг учун энг муҳими эди. Бу Конфуций олий ибтидони рад этган, дегани эмас. Олий ибтидо уни кам қизиқтирарди, унинг учун узоқ ва мавҳум бўлиб кўринарди.

Конфуций барча сирли ва тушунарсиз нарсалардан ўзини олиб қочган. У ибодат қилишни шарт эмас деб ҳисобларди, зеро Осмонни қиёфасиз Тақдир тарзида тасаввур қиларди.

Шунингдек, у руҳлар ва сирли кучлар тўғрисида ҳам эслашни ёқтирмайди. Абадий ҳаёт ва ўлим ҳақидаги саволга Конфуций: «Ҳаёт нималигини билмаган бизлар, ўлим нималигини қаёқдан ҳам билардик», – деб жавоб беради. Аммо шунга қарамасдан, эътиқод унинг кўз ўнги-

¹ «Ўзгаришлар китоби» – И-цзин узоқ вақт оддий фол очиш китоби сифатида қабул қилинган. Немис олими Мартин Шонбергернинг И-цзин таҳлилига бағишлаб ёзилган ва 1973 йили нашр қилинган китоби И-цзинни илмий ўрганишни бошлаб берди. И-цзин ҳозирда айрим олимлар томонидан аждодлардан қолган илмий жумбоқ сифатида қаралмоқда. Бу ҳақда батафсил қаранг: *Маслов А.А.* Утраченная цивилизация: в поисках потерянного человечества. – Ростов н/Д: «Феникс», 2005. – С. 23–60.

² И-цзин матни иероглифлардан ташқари икки хил хислатли – горизонтал – «ян» (эркаклик, фаол куч белгиси) ва ўртада узилишлари бўлган – «ин» (аёллик, пассив куч белгиси) белгилардан ҳам ташкил топган. Ҳар бир белгида шундай хислатларнинг олтитаси турли комбинацияда жойлаштирилган. Ҳаммаси 64 та белги бўлиб, хитойча *гуа* деб аталади ва бутун олам жараёнини ҳолатларнинг навбат билан алмашинуви тарзида тасвирлайди. Европада гуани «гексограмма» деб аташ қабул қилинган.

да биринчи даражали аҳамият касб этган, зеро эътиқодда у умумий ахлоқий-сиёсий тартибнинг энг муҳим жиҳатини кўрарди.

Пифагор ва Сократ сингари Конфуций ҳам ўз таълимотининг ёзма тавсифини қолдирмаган. Аммо донишманднинг дўстлари ва издошлари унинг айтганларини «Лунь-Юй» – «Муҳокамалар ва суҳбатлар» номли китобга ёзиб қолдиришган. У Устознинг ҳеч қандай тизимсиз шакллантирилган алоҳида иборалари тўпламидан иборат. Тўпланда Конфуцийнинг сўзлари билан бир қаторда 22 нафар шогирдлариники ҳам келтирилган бўлиб, Сима Цяннинг ёзишича, улар сони «уч мингдан ошиқ» бўлган. «Лунь-Юй» Хитойда жуда оммалашган бўлиб, ўзини саводли ҳисоблаган ҳар бир хитойлик унинг матнини билиши лозим бўлган.

Рисола хитойликларнинг миллий характери шаклланишида катта роль ўйнади. Конфуций мурожаат қилган барча муаммолар инсон ва инсоний муносабатларга хос эди. Шу боис унинг таълимоти Хитойда халқ характерининг шаклланишига салмоқли таъсир кўрсатди. Бу диний-фалсафий таълимотга мувофиқ, хитой жамиятининг барқарорлиги одамлар ўртасидаги тенгсизликка асосланади. Шунинг учун ҳам ижтимоий муносабатларда жамиятдаги табақаланишни ҳурмат қилиш лозим, хўжайиннинг ҳокимияти муҳокама қилиниши мумкин эмас. Лекин хўжайинлар ҳам, ўз навбатида, ким ўзининг тобелигини ва садоқатини намойиш қилса, уларни ҳимоя қилишлари, уларга сахийлик қилишлари шарт. Хитойда хўжайинларга қарши чиқиш одати бўлмаган.

Ҳозирга қадар хитойча исми-шарифларда, европаликларникидан фарқли равишда, фамилия шахснинг исмидан олдин қўйилади: аввал уруғ, кейин шахс. Хитой маданиятида жамоадан ажралган шахс билан боғлиқ бўлган барча нарсалар жуда паст маънога эга. Маънавий муҳаббат ва меҳр жисмоний яқинликка нисбатан анча ҳурматга лойиқ туйғу ҳисобланади, айнан маънавий муҳаббат жамоавийликни мустаҳкамловчи асос деб тушунилади. Лекин хитойликларнинг тасаввурига кўра, фақат шахснинг жамият олдидан эмас, жамиятнинг ҳам шахс олдидан мажбурияти мавжуд, бу ўзаро мажбуриятлар ҳеч қандай шартларсиз бажарилиши лозим. Жамоавийлик психологияси миллий характерда чидамлилик, қарама-қаршиликдан қочиш каби белгиларни шакллантиради. Эзгуликка интилиш олдидан ҳақиқат излаш иккинчи ўринга чекинади, чунки якуний мақсад мутаносибликка ва ҳамкорликка эришиш бўлади. Хитойликлар учун «ўзликни сақлаш» муҳим ҳисобланади, улар ўз обрўсини, қиёфасини йўқотиш хавфи олдидан очикча зиддиятга бормадилар. Лекин жамоавийлик қоидаларининг кучлилигига қарамасдан, хитойликларда шахсий манфаат бу қоидалар соясида бутунлай йўқ бўлиб

кетмайди. Буни Хитойда кенг тарқалган қуйидаги мақолдан ҳам билса бўлади: «Умумий ўчоқ учун ҳеч кимнинг ўтин ташигиси келмайди».

Шунингдек, хитойларнинг миллий характерига камтарлик ва зоҳидликни, тартиблилик ва ўжарликни, тежамкорлик ва меъёрийликни, камсуқумлик ва чидамлиликни, самимийлик, садоқат, хушмуомалалик ва анъаналарни ҳурмат қилиш, ишонч, ўзини қурбон қилишга тайёрликни, бурч туйғусини ва ўз ғурурини сақлашни ҳам киритиш мумкин. Хитой маданиятида маънавий кадриятлар пулдан ва бир зумлик фойдадан юқори қўйилади.

Қарийб барча ҳолатларда хитойликлар интизомли ва хушмуомалали бўлишга интиладилар. Улар табиий меҳмондўстликни ва хушмуомалаликни намоён қиладилар. Бошқалардан ажралиб турмасликка интилиш ўз ғурурини пасайтиришга мойиллик ҳиссини келтириб чиқаради. Шу тарзда, масалан, зиёфат пайтида қадаҳларни уриштираётган хитойликлар онгли равишда ўз қадаҳларини меҳмонниқидан паст тутадилар.

Баъзи олимларнинг фикрига кўра, хитойликлар дунёнинг «ягона ишончли» образини изламадилар, уларга кўплаб хилма-хил локал маданиятлар ичида ўзликни англашга интилишнинг анча сушт ҳолати хос. Хитойликнинг ҳаётий идеали – шунчаки меҳнат эмас, байрамона руҳ, ички хотиржамлик, яъни «ҳаёт тарзининг расмий қоидаларини маза қилиб яшаш билан мослаштиришдир»¹.

Конфуций мил. авв. 479 йили 73 ёшида вафот этди.

Мил. авв. 174 йили император У-ди Конфуцийнинг қабри устида қурбонлик маросимини бажо келтиргандан сўнг Устоз миллатнинг энг буюк донишманди ва Осмон вакили деб эълон қилинди.

Император У-ди даврида конфуцийлик давлатнинг расмий мафкура-си деб эълон қилиниб, файласуф таълимоти давлат имтиҳонлари тизими асосий фан сифатида киритилди. Фақат конфуцийлик таълимотини жуда яхши билган кишигина давлатда бирон-бир лавозимга даъво қилиши мумкин эди. 1911 йилгача шундай бўлиб қолди.

*Даосизм*². Конфуций билан деярли бир пайтда Хитойда Олий Қонун, Олий Ҳақиқат ва Адолатни ўз ичига олган концепция ишлаб чиқилди. Бу концепциянинг асосчиси мил. авв. VI асрнинг охирида яшаган файласуф Лао-цзи бўлди. Лао-цзи фалсафаси Хитой маданиятининг барча соҳаларига – фан, адабиёт, санъат, сиёсий таълимот, астрономияга жуда катта таъсир кўрсатди. Натижада, файласуфнинг ўлимидан саккиз

¹ Қ а р а н г: История мировых цивилизаций: учебное пособие / коллектив авторов; под науч. ред. Г.В. Драча, Т.С. Паниотовой. – М.: КНОРУС, 2012. – С. 360–361.

² Батафсил қаранг: *Вонг Е.* Даосизм. Пер. с англ. Ю. Бушуевой. — М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001.

аср ўтгандан сўнг Лао-цзи издошларидан бири Чжан Даолин (Чжан Лин) унинг таълимоти асосида хитойликларнинг янги дини – даосизмга асос солди. Бу воқеага доир афсонада айтилишича, Лао-цзи мил. авв. 145 йили Хэминшинь тоғига келиб, Чжан Даолинни ўзининг ердаги «вакили» этиб тайинлайди ва янги дунёвий тартиб тўғрисидаги таълимотни эълон қилади. Шу даврдан бошлаб гўё Лао-цзи бу дунёнинг ишларини Чжан Даолин ва унинг авлодларига топшириб, ўзи инсон қиёфасида бошқа қайта туғилмайди, деб ҳисобланади.

Манбаларда Лао-цзининг таржимаи ҳолига тааллуқли ёзувлар бўлмаганлиги сабабли айрим замонавий тарихчилар уни афсонавий шахс деб ҳисоблашади. Қадимги Хитой тарихчиси Сима Цяннинг таъкидлашича, Лао-цзи Чу подшолигидан бўлган ва дастлаб Ли насаби билан аталган. Унинг биринчи исми Эр, иккинчиси Дан бўлган. У кўп йиллар давомида подшо саройи архивининг бош назоратчиси лавозимида ишлаган, аммо ахлоқнинг умумий тушкунлигини кўриб, истеъфога чиқади ва «ғарбга кетади». Унинг кейинги тақдири ҳақида ҳеч нарса маълум эмас. Лао-цзи подшолик чегарасидан ўтаётиб, чегара назоратчисига ўзининг ягона асари – «Дао дэ цзин»ни қолдиришга рози бўлади. Бу асарда даосизмнинг асослари баён қилинган эди. Шу тариқа Қадимги Хитойда тизимли дин пайдо бўлди.

Жуда қадимийлигига қарамасдан бу кичкина рисола ўзидаги фалсафий фикрнинг қудрати билан ҳозиргача кишиларни ҳайратга солади. Лао-цзи доктринасининг марказида буюк Дао тўғрисидаги таълимот ётади. Бу тушунча шунчалар кўп қирралики, унга аниқ бир таъриф беришнинг деярли иложи йўқ. Дао сўзма-сўз таржимада «Йўл» дегани, аммо хитой тилида худди юнон тилидаги «Логос» сингари жуда кўп маънони англатади. Бу сўз билан, жумладан, қоида ва тартибни, мазмун ва қонунни, олий руҳий Моҳиятни ва шу Моҳиятга сингдирилган ҳаётни белгиланганлар.

Демак, Дао бутун борлиқнинг манбаи ва ҳамма нарсадан устун туради. У жисмсиз, ноаниқ ва номаълум. Дао – руҳий ибтидо, шу сабабли уни кўриш, эшитиш ва ҳис қилиш орқали ҳам англаш мумкин эмас. Моддий олам ундан чексиз пастда туради. Шу сабабли файласуфлар Дао – Фано (йўқлик) дейишга журъат қиладилар. У тоғлар, дарахтлар ва одамлардан бошқача ҳолатда мавжуд. Унинг реаллиги ердаги ҳиссий реалликдан анча устун туради. Лао-цзи айтадики, Даони англаш инсон ҳаётининг асосий мазмуни бўлмоғи керак.

Милодий эранинг биринчи асрларида Лао-цзи ўз издошлари томонидан илоҳийлаштирилади ва Даонинг тимсоли сифатида қабул қилинади. У «Олий хоқон Лао» (Тайшан Лао-цзюнь) ёки «Сариқ Хоқон Лао»

(Хуан Лао-цзюнь) номи билан даосизмнинг энг олий маъбудларидан бирига айланади.

II асрнинг охирларида «Лао-цзининг бошқа қиёфага айланишлари ҳақида китоб» пайдо бўлади. Унда айтилишича, Лао-цзи олам пайдо бўлишидан олдин мавжуд бўлган, у «Ер ва Осмоннинг асоси», «барча маъбудларнинг ҳукмдори», «инь ва яннинг аждоди» бўлган. Шу тариқа Лао-цзи бутун борлиқнинг ибтидоси, ҳаёт тарзи саналган. Китобда бу маъбуднинг трансформациялари ҳақида ҳикоя қилинади. Унда айтилишича, Лао-цзи 9 та «ички» қиёфа алмаштиришлардан ташқари бир нечта «ташқи» ўзгаришларга ҳам юз тутган ва уларда ўзини оламга намоён қилган. Бир неча бор у қадимдаги донишманд давлат бошлиқларининг маслаҳатчиси сифатида намоён бўлади. Унинг энг муҳим мужассамликларидан бири мил. авв. VI асрда Ваннинг маслаҳатчиси ва архив хизматчиси Ли Дань (яъни Лао-цзининг ўзи) кўринишида намоён бўлишидир. Шундан сўнг у фақат Хитойда эмас, дунёнинг бошқа жойларида ҳам яна бир неча марта пайдо бўлади. Ўрта асрларда Лао-цзининг намоён бўлишларидан бири Будда ҳисобланган, зеро Будда таълимоти билан Лао-цзи ғоялари ўртасида жуда кўп ўхшашликлар мавжуд.



Адабиётлар

1. Алиханова Ю.М. Некоторые вопросы учения о дхвани в древнеиндийской поэтике // Проблемы литературы и эстетики в странах Востока. – М.: 1964.
2. Гринцер П.А. Определение поэзии в санскритской поэтике // Проблемы теории литературы и эстетики в странах Востока. – М.: 1964.
3. Гринцер П.А. Древнеиндийский эпос. Генезис и типология. – М.: 1974.
4. Елизаренкова Т.Я. Древнейший памятник индийской культуры // Ригведа. Избранные гимны. – М.: 1972.
5. Нароян. Боги, демоны и другие. – М.: Наука, 1975.
6. Невелева С.Л. Вопросы поэтики древнеиндийского эпоса. – М.: Наука, 1979.
7. Поэзия и проза Древнего Востока. – М.: ГИХЛ, 1973.
8. Ригведа (Мандалы). Избранные гимны. – М., 1972.
9. Серебряков И.Д. Очерки древнеиндийской литературы. – М.: 1979.
10. Три великих сказания Древней Индии. – М.: Наука, 1978.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
Филология фанлари доктори, профессор;
Маҳкам МАҲМУДОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

МУНДАРИЖА

ИНСОНИЯТ ТАФАККУРИНИНГ ОЛТИН ХАЗИНАСИ	6
ҚАДИМГИ ЯҚИН ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ТАФАККУРИ ДУРДОНАЛАРИ	9
<i>Шухрат Эргашев</i>	
Қадимги Яқин Шарқ халқлари тафаккури	10
Кулолчилик чархининг ихтиро қилиниши	13
Ғилдиракнинг ихтиро қилиниши	15
Шишанинг кашф этилиши	17
Алифбонинг ихтиро қилиниши	19
Гилгамиш достони ҳақида	23
Елкан ва кеманинг ихтиро қилиниши	25
Шумерда пулнинг кашф этилиши	28
Қадимги Мисрда шамнинг ихтиро қилиниши	29
Қадимги Мисрда омоннинг ихтиро қилиниши	30
Шумерда илк мактабларнинг пайдо бўлиши	31
Шумер астрономияси	32
Қадимги Мисрда математика ва астрономия ютуқлари	33
Қадимги Миср тиббиёти	34
Қадимги Мисрда ёзувнинг пайдо бўлиши	35
Қадимги Миср архитектураси	36
Қадимги ҳинд цивилизацияси кашфиёт ва ихтиролари	39
Ҳинд математикаси	39
Ҳинд тиббиёти	40
Қадимги Хитойнинг буюк кашфиёт ва ихтиролари	41
Қоғознинг кашф этилиши	41
Хитойда китоб чоп этишнинг кашф этилиши	42
Компаснинг ихтиро қилиниши	43
Хитойда қоғоз пулларнинг ихтиро қилиниши	44

Қадимги миср тафаккури ёдгорликлари*(Маҳкам Маҳмудов таржималари)*

Қадимги Миср маданияти ёдгорликлари	48
Дуаф ўғли Ҳетининг ўз ўғли Пепига маслаҳати.....	50
Ипузар ҳасрати	52
Созанда (арфа чолғувчи) кўшиғи.....	55
Пандномалар мақтови.....	56
Подшоҳ Хуфу ва сеҳргарлар.....	57
Қишлоқлик суҳандон.....	67
Муқаддима	67
Қишлоқи ва қароқчи.....	68
Ҳақиқат ғолиб чиқади	77
Кема ҳалокати.....	78
Синуҳа ҳикояси	80
Тўғри ва эгри	90
Оқибатли ака-укалар	92
Жодуланган шаҳзода	98
Қуёш-Атон (Ра)га мадҳу сано	101
«Марҳумлар китоби» дан	104

ГИЛГАМИШ ҲАҚИДА ДОСТОН*(Рус тилидан Амир Файзулла эркин таржимаси)*

Шумерлар эпопеяси. Маҳкам Маҳмудов ва Ҳамидулла Болтабоев ...	108
Гилгамиш ҳақида достон	123

ҚАДИМГИ МИСР ШЕЪРИЯТИДАН *(Маҳкам Маҳмуд,**Зайниддин Баҳриддин таржималари)*.....223

ХЕТ АДАБИЁТИ <i>(Тоҳир Қаҳҳор таржималари)</i>	248
---	-----

ҚАДИМГИ ХИТОЙ ТАФАККУРИ*(Михли Сафаров таржималари)*

Сима Цянь. «Тарихий ҳикоялар» китобидан лавҳалар	274
Номаълум муаллиф. Янь шаҳзодаси Дань.....	283
Лин Сюань. Чжао – шўх қанотли қалдирғочнинг қисмати.....	300
«Ли Цзин» китобидан	317
Чжао Е. У подшосининг қизи ёки «қирмизи нефрит» қиссаси.....	321
«Дао-Дэ-Цзин» китобидан.....	325
Чжуан-Цзи. «Чжуан битиклари»дан	329

ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОН ТАФАККУРИ*(Рус тилидан Амир Файзулла ва Маҳкам Маҳмудов таржималари)*

Қадимги Ҳинд адабий манбалари. Маҳкам Маҳмудов, Ҳамидулла Болтабоев.....	342
«Ригведа»дан намуналар	348
Жатакалар.....	356
Ашока битиклари	362
Ману қонунлари	366

ҚАДИМГИ ДИНЛАР. *Шухрат Эргашев*

Қадимги динлар	384
Қадимги шумерлар дини	385
Қадимги Бобил ва Оссурия динлари.....	389
Қадимги Миср дини.....	393
Қадимги яҳудийлар дини.....	401
Қадимги Ҳиндистон динлари	408
Қадимги Хитой динлари	416



Т 20 **М. Маҳкамов, Н. Халилов, Ш. Эргашев, М. Бўронов.**
Қадимги шарқ цивилизацияларидан ёдгорликлар / «Ta'lim
nashriyoti», Ташкент. – 2020. – 432 б.

ISBN 978-9943-5944-0-1

Ушбу жамланма Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузу-
ридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти-
нинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг
«Инсоният тафаккури жавоҳирлари» китоблар жамланмасини нашр
қилиш лойиҳаси доирасида чоп этилди.

УЎК 001.894(09)
КБК 72.4(5У)

Илмий-оммабоп нашр

ҚАДИМГИ ШАРҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИДАН ЁДГОРЛИКЛАР

1-жилд

Нашр учун масъул
Н. Халилов

Тузувчилар:
М. Маҳкамов, Н. Халилов, Ш. Эргашев, М. Бўронов

Муҳаррир *М. Бўронов*
Бадий муҳаррир *Ж. Адиллов*
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*
Компьютерда саҳифаловчи *Ф. Туғушева*
Мусахҳиҳ *М. Қулиева*

Нашриёт лицензияси АИ № 102.
Босишга 20.10.2020 йилда рухсат этилди.
Бичими 70x100^{1/16}. Офсет қоғози.
«Ariol» гарнитурасида офсет усулда босилди.
Шартли босма табағи 35,10. Нашр табағи 27,29.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 20-560.
«Ўзбекистон» НМИУда чоп этилди.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.



«ЎЗБЕКИСТОН»

ISBN 978-9943-5944-0-1



9 789943 594401